

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулла Орипов — кенгаш раиси

Бобур Алимов

Эркин Воҳидов

Толибжон Мадумаров

Тўра Мирзаев

Ғафуржон Муҳаммедов

Хўжақул Муҳаммадиев

Минҳожиддин Мирзо

Хайридин Султонов

Шарап Уснатдинов

Ғайрат Шоумаров

Рустам Қосимов

Охунжон Ҳақимов

Ҳол Муҳаммад Ҳасан

Бош муҳаррир — Улугбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Наср бўлими мудирини — Асад Дилмурод
Ижрочини директор — Бахтиёр Карим



МУНДАРИЖА

Демократия манзаралари	
Хайдарали Муҳамедов	Конституция – ҳуқуқий давлат пойдевори..... 3
Шеърят	
Омон Мухтор	Дераза ортида ёмғир пардаси. Шеърлар..... 8
Наср	
Муҳаммад Али	Улуғ салтанат. Роман..... 13
Шеърят	
Жамол Камол	Эрон дафтари. Туркумдан..... 133
Ёднома	
Сайёра Холмирзаева	Чексиз соғинч..... 140
Драматургия	
Абдуқаҳҳор Иброҳимов	Ойна синди. Трагикомедия..... 149
Унутмас мени боғим	
Асқар Маҳкам	...Ишқ эдинг сен... Шеърлар..... 188
Қутлов	
Умарали Норматов	Шарқу Фарб тадқиқотчиси..... 191
Қизлар гулдастаси	
	Умидлардан гуллаган тилак 196
Адабиётшунослик	
Мўмин Ҳошимхонов	Машраб сиймосининг бадий талқини..... 204
Ҳафиз Абдусаматов	Қалб гавҳари..... 210
Лола Азимова	Композиция ва сюжет... 224
Саъят	
Чинора Эргашева	Мусиқий назира хусусида..... 228
Барҳаёт сиймолар	
Комил Аваз	Соз мартабаси..... 232
Гулқайчи	
Ўрозбой Абдураҳмонов	Ҳажвиялар..... 236

ШАРҚ ҚУЛДУЗИ

2009
5-6-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетълик кўрсатилса
Тошкент – 100000,
Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз:
100127, Тошкент шаҳри.
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 239-26-97.

Босишга рухсат этилди
..11.2009 йил.
Қоғоз бичими 70x1081/16.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 12.
Шартли босма тобоғи 19,8.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 21,4.
Адади 1000 нуска.
Буюртма № ...

Техник муҳаррир:
Абдурауф Эшимқулов

Саҳифаловчи:
Акбарали Мамасолиев

Корхона манзили:
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй.



Ҳайдарали Муҳамедов,
юримдик фанлари номзоди

КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

Давлат мустақиллигига эришиш Ўзбекистонга иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгилашнининг улкан истиқболларини очиб берди. Истиқлолни қўлга киритган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, ҳуқуқий давлат тизимини ишлаб чиқишга интилади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий тамойиллари – мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, халқ анъаналарини ва миллий урф-одатларини, кишиларнинг турмуш тарзини ҳисобга олувчи ўз йўлига қатъий ва изчил амал қилишидадир.

Мустақил давлатимиз дадил ва шахдам қадамлар билан, жаҳон ҳамжамияти аъзоси бўлмиш мамлакатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб, одимлаб бормоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустақкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъий билан боришдир... Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдик, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин. Шу маънода, мустақилликни мустақкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳаммаша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида қайтарилмас ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи – Конституцияси бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни эълон қилди.

Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ, унинг асосий мақсади «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» эканлиги алоҳида таъкидланади, 1-моддасида эса «Ўзбекистон – суверен демократик республика» деб эълон қилинади.

Мустақил ва суверен Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгилари мустақкамланган.

Давлат ва ҳуқуқ соҳаси бўйича илмий фаолият юритувчи кўпчилик олимлар ҳуқуқий давлатга қуйидагича таъриф берадилар: ҳуқуқий давлат -

бу ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи асосида ташкил этиладиган демократик давлатдир.

Конституциямизнинг ҳуқуқий давлат қуришнинг пойдевори сифатидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, унда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги расмийлаштирилган. Бу давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча томонлари ҳуқуқий тартибга солинганлиги ва давлат ўзининг бутун фаолиятида ҳуқуққа бўйсунганлиги билан изоҳланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат ҳудудидаги барча шахслар - фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар, корхона, муассаса, ташкилот, фирмалар, мансабдор шахслар, давлат ҳокимияти идоралари ва ҳоказолар ҳуқуққа бўйсундилар. Бу ҳақда Конституциямизнинг 14-15-моддаларида умумий принциплар ўрнатилган. 14-моддага мувофиқ, «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади». Дарҳақиқат, давлатнинг қандай вазибаларини, функцияларини амалга оширишига, бошқача айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат ўз фаолиятини, аввало, инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб борса, ундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Шу боис, Конституциямизнинг 14-моддасида ўрнатилган меъёр бир томондан, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлигини тасдиқлайди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири — инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсдан устунлигидир. Иккинчи томондан, давлатнинг ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга ошириши лозимлигини ўрнатиб, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан бирини намоён қилади. Бинобарин, қонунийлик принципи деганда, аввало, қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини билдиради. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эгаллигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини англатади. Ўзбекистонда ҳуқуқнинг ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган меъёрлар Конституциямизнинг 15-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унда «давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб кўрсатилган. Умуман, Ўзбекистонда давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият кўрсатади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Иккинчидан, унда Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи ўрнатилган. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган ушбу принцип Конституциямизнинг 15-16-моддаларида мустаҳкамланган. Хусусан, 15-моддага биноан, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади». «Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, - дейди Президентимиз Ислом Каримов, - бунда барча жорий қонунлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Демак, Конституция ва қонунлар ҳуқуқий меъёрлар тизимида олий юридик кучга эгадир. Турли хил давлат идоралари чиқарадиган

меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга зид бўлмаслиги керак. Бу принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот тантанасини англатади. Қонунчилик — қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳуқуқий режим ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабаларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принциpidир. Қонунчилик принциpi қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Шундай қилиб, 15-моддага кўра, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробар.

Бу ҳақда Конституциямизнинг 16-моддасида шундай меъёрлар белгиланган: «Мазкур Конституциянинг бирорта қонунлари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қонунларига зид келиши мумкин эмас».

Учинчидан, Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши қонулаштирилган. Зотан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Бунда гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Конституциямизга биноан, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модда). Конституциямизнинг энг катта қисми - иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га бағишланган.

Тўртинчидан, Конституциямизда давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти ҳам ўрнатилган. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бўлган ушбу принцип, аввало, давлатнинг фуқаро олдидаги масъулиятини назарда тутиб, Конституциямизнинг 2-моддасидаёқ, умумий тарзда қуйидагича ифода этилган: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган меъёрларни белгилайди. Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлатнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу сабабли, Конституциямизда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсдан устунлиги тан олинган ва қонуний мустаҳкамланган. Демак, бизда ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги Асосий қонунда мустаҳкамлаб қўйилган муҳим қонунлардан ҳисобланади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг қонулаштирилиши бўлди. Конституцияга биноан, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга масъулдир. Шу боисдан, давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Айни пайтда, ҳуқуқий давлат шароитида фуқаро ҳам давлат олдида маълум даражадаги масъулиятга эга бўлади. Масалан, «барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар» (47-модда), «фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари,

эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини хурмат қилишга» (48-модда), «атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга» (50-модда), «қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга» (51-модда), давлатни ҳимоя қилишга, «қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташга» мажбурдирлар (52-модда) ва ҳоказо. Шуни назарда тутиш керакки, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширишга кўмаклашаётганини англаб етиши лозим.

Бешинчидан, Ўзбекистонда Конституция бўйича ташкил этилган ва фаолият юргатадиган давлат ҳокимияти мавжуд бўлиб, у қонуний ҳисобланади. Матълумки, ҳар қандай ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши; ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро миқёсда тан олинishi. Ўзбекистон Конституциясида ҳуқуқий давлатга хос ушбу белгилар тўла ва аниқ ўз аксини топган. Унинг бешинчи бўлими «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» қоидаларини белгилайди. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис вакиллик органи бўлиб, қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширади. У икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Иккала палатанинг ваколат муддати - беш йил. Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган (135 таси) ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг олий органи – Конференцияси томонидан сайланадиган (15 таси) бир юз эликта депутатдан иборат. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи бўлиб, фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Булар Конституциянинг 76-77-89-90-моддаларида мустаҳкамланган. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин (10-модда). Хуллас, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг демократик сайловлар йўли билан ташкил этилишининг конституциявий тартиби ўрнатилган. Шунингдек, Конституция давлат ҳокимият органларининг ўзаро муносабатларини, ҳуқуқий мақомини, самарали фаолият юритиш йўналишларини белгилаб, бу жамиятимизда барқарорлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлашга хизмат қилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Конституциясига биноан ҳокимият ваколатларининг бўлиниши принципи мустаҳкамланган. Унинг 11-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади». Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашлик келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо. Мазкур принцип ҳокимият

органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса демократик ҳуқуқий давлатга хос жиҳатлардир.

Еттинчидан, Ўзбекистонда суд мустақиллиги конституциявий муҳофаза қилинади. Конституциямизнинг 106-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Конституцияда суд тизими аниқ белгиланган. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда суллар тузишга йўл қўйилмайди. 112-моддада белгиланишича, «судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин». Таъкидлаш жоизки, суд мустақиллиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг энг муҳим шартидир.

Саккизинчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши учун конституциявий асослар мавжуд. Мабодо, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари паймол этилса ёки бунга таҳдид мавжуд бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар унга ёрдам беришлари керак, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишлари лозим. Конституциямизга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади» (118-модда). «Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин» (121-модда). «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади» (125-модда) ва ҳоказо.

Тўққизинчидан, Ўзбекистонда қонунларнинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрлари ва тамойилларига мослиги конституциявий мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ, унинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланиши белгиланган.

Ўнинчидан, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принципи ҳисобланади. Бу принцип Конституциямизнинг 1-моддасида мустаҳкамланган. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятда ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни, қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади. Суверенитет, аввало, давлат томонидан унинг ички функциясини амалга ошириш вақтида кўринади. У, айниқса, давлатнинг ҳуқуқ тизимида, яъни, суверен ҳуқуқларида бевосита намоён бўлади.

Давлат суверенитети, шунингдек, унинг халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил майдонга чиқади.

Шундай қилиб, биз юқорида Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлатчиликнинг баъзи жиҳатлари борасида мулоҳаза юритдик. Демак, Конституциямиз ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойилларини ўрнатиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишга хизмат қилади.



Омон Мухтор,

Давлат мукофоти совриндори

Дераза ортида ёмғир пардаси

* * *

Шошма, шам. Кўп титрама.
Бир кун сўниш — қонун бу ҳол.
Мунча сен ҳам шошмагин
шамни ўчирмоққа, шамол.
Мен ҳали, дунё нима,
умримда англаб етмадим,
Билмадим, ҳатто яшаб —
умрим ўзи қандай савол?!

Манзара

Бузиб сукунатни
осмон қалдирар,
Уйга кириб келар
унинг зардаси.
Хонада ойналар гоҳ-гоҳ ялтирар,
Дераза ортида ёмғир пардаси.
Сени ўргатади
чарх урган шамол
Бу дунёда бўлган
баланд-пастликка.
Ховлида дарахтлар чайқалган хаёл,
Қалбингни етаклар
муқаддасликка.
Уйғотар, борлиқда ҳаракат, исён —
Кўнгилда
қандайдир катта ниятни.

Деразага туташ
қудратли осмон —
Сенга тушунтирар
абадиятни.

Суҳбат

— Ҳаёт нима?
— Нега дунёга келганингни
тушунтиришга кетадиган вақт.
— Умр-чи?
— Бир пиёла чой. Осойишта ича олиш бахт.
— Муҳаббат ҳақида...
— Бировни улуғлаш.
Уни ўзингга нисбатан

кўркам деб ўйлаш.

— Ҳаётга муҳаббат, дегани ҳам бор.
— Умуман, ишқ

бошга тушган қор.

У эскидан, бу дунёни бир оз бўяш.

— Имкон, десак...

— Қудрат чегараси.

Баъзан қўлдан келганию келмагани.

— Иймон-эътиқод?

— Эҳтимол, юракнинг

очиқ яраси.

Одамнинг ватани.

Ҳалол-ҳаром билиб-билмай алқамаслик,

Одамларни, ўз-ўзингни алдамаслик.

— Қачон ишонасан

кўнгил тўлганлигига?

— Эллик йилдан кейин ҳам

Дунё сени агар танласа.

Бирорта одам

Сенинг ҳалол киши бўлганлигингга

Заррача шубҳаланмаса...

Диққат қил, бу —
қандай сир, башар?
Интилишда

дунё жамоли.

Қайта-қайта
қулаб-тирмашар
Сизиф каби —

оддий чумоли.

Интилади
ҳар бир тирик жон,
Бундан бошқа илож ҳам йўқдир —
Гарчи камдир дунёда имкон,
Гарчи умр
отилган ўқдир.



Эски кўшиққа илова

“Вассалар терган билан
томинг сира ёпилмасин”.
Бегуноҳлар билмаган
дарди учун чопилмасин.

“Мен ёмон бўлсам агар
ҳеч лойигинг топилмасин”.
Сев уни умринг қадар —
гарчи у шафқат қилмасин.

Дилафрўз Кўшиқ

Баъзан йўлдан чиқар сенга бахт,
Баъзан чиқар йўлингдан афсус.
Ўсаётган навнихол дарахт —
Сен, ёшлиги кулган, Дилафрўз.

Борми бир мулк Ватандан катта,
Борми бир куч муҳаббатдан зўр —
Сен бир парирухсор сифатда
Келаётган қисматингни кўр.

Лекин қайда юрмагин, қандай,
Ватанни бил. Муҳаббатни бил
Ва бир куни охири, мендай
Улар учун тупроққа йиқил.

Шаҳидлар ҳиёбонида

Давр шундай эди — қарасанг энди,
Гуноҳсизларни бировлар
атарди “осий”.
Ҳаёт майли...
Адабиёт — кескин сиёсий.

Ярим тунда ер-кўк титради бирдан,
Эшик тақилларди.
Аҳвол эди танг —
Бирор
Қодирийни суйганлар билан
Унинг душманлари орасида
жанг.

Бутун ишлар эди
аҳмоқона, абас,
Кимга додингни айтасан,
номард бўлса қози?
Жони мўрт одамлар ҳаётдан эмас,
Бир-бировдан эди
норози.

Кунлар фарқ қилмасди бу ерда тундан,
Қадамда
соядек турган назорат...
Бу энди ўтган кун.
Лекин у кундан —
Бизнинг умримизда
қолган асорат.

Адабий давра

Қозоқбойга

Адабиётшунослар ҳам
биз каби
қопқоқни очмаганлар
Чиқармай, деб қозон бугини.
Аммо ҳаётларида
аксар қочмаганлар
Бажармоқдан
қалб буйруғини.
Кўрсатмай, деб пардалаганлар
Адабиётнинг
бори-йўғини.
Ўз қалбларин бурдалаганлар —
Экайин, деб
одамият уруғини.

Адабиётшунослар ҳам
биз каби
кўрганлар
Ёз иссиғи,
қиш совуғини.
Лекин
кўпинча баланд кўтарганлар
Ҳақиқат, адолат тугини.

Қозоқбой шу сафда. Ҳис этар
Она ернинг
айланиш ўқини.
Адабиёт қалбин иситар —
Томирининг ҳар бир бугини.

Кўҳна дунё

Ҳар давр
бир нарсага
қаршилиқ кўрсатиб келган
бу кунгача.

Қайсидир давр
Одамнинг Одам эканлигини
эслашига.
Одамдек яшашига.

Қайсидир давр
уйли, ақли кишига.
Эркин фикр ётган тобутда,
Юмилган “оғзини очган” ҳар гунча.

Қайсидир давр
умуман, маърифат, маданиятга.
Ҳаётда инсонлар йўл излашига.
Китоблар, олимлар ёқилган ўтда.

Қайсидир давр
дин-этиқодга.
Ота-боболарни танишга.
Улар билан фахрланишга.

Бўлиб кўп пайт одамзодда ёвузлик одат,
Бу кунгача қамроқ бўлган
доим
саодат.

* * *

Минг айтмагин, мен кўкда қушман,
Одамда учрар кам-кўст.
Бу дунёда энг ёмон душман —
Душманга айланган дўст.

Ўрганар у сени яқиндан,
Сенга бўлгандан сирдош.
Кейин, олиб пичоқни қиндан —
Сени “ёриб” қилар фош.

Кўзларингга бу дунё торми?
У ўйламас. Унинг кўнгли тўқ.
Шундан, балки дерлар “дўст” борми,
Душманнинг ҳожати йўқ.

* * *

Қуёш. Шамол. Ёмғир. Қор.
Ер — ўзгариш маҳкуми.
Биз гоҳ ухлаб, гоҳ бедор,
Умр дегани шуми?

Гоҳ маъноли, гоҳ бекор
Ўтар гуллаш мавсуми.
Бу не ҳикмат, не асрор,
Умр дегани шуми?

Дунё ишлари такрор,
Аёндан кўп мавҳуми.
Лекин яшаш бахти бор,
Умр дегани шуми?



Муҳаммад Али

УЛУҒ САЛТАНАТ

Тетралогия

Учинчи китоб

МИРОНШОҲ МИРЗО

Ўн бешинчи боб

I

Ниҳоят, шаҳзода Муҳаммад Султон фурсат топилганидан қувониб кетди, кеча ҳумоюн ўрдуда бўлган машваратда қўшинга бир ҳафта ҳордиқ берилиши маълум этилди. Шаҳзода сипоҳ Арғуншоҳни чорлатиб, бугун албатта кўришишга, Дажла соҳилига боришга аҳд қилди. Офтоб чарақлаб турар, об-ҳавонинг ўзи кишининг баҳри-дилини очиб юборарди.

Ўтган куни Муҳаммад Султон лашкари Курдистон томонларни айланиб, ҳумоюн ўрдудан олинган ”Ҳар кишики тобеъ эрса, омон берингизлар, бўйин товлагонларни даф қилингиз, молларини талангизлар!” деган фармонга биноан, музофотни қароқчи-йўлтўсарлардан тозалаб, кўп асирлару молу манол¹ билан соҳибқирон ҳузурига етишди.

Амир Темур машварат чоғи, мамнуну масрурликдан суюкли набирасини кучоқлаб манглайдан ўпди:

— Етти кундан кейин Басрага Халифа Усмон розияллоҳу анҳу Қуръонини олиб келмакка жўнамоғингиз лозим... Сизнинг қилич чопиш, саваш қуриш вақтингиз етди, шаҳзодам! Душманларни тиз чўктиришни яхши ўрганингиз! Лашкарингизни ҳамиша тартибга солингиз!

Шаҳзода таъзим билан бош эгди, бутун машварат аҳли олдида бироз изо чекди, чунки бобоси эл кўзида фарзанд ва набираларига меҳрини бунчалар ошкор айлашдан тийилардилар, бунга ҳамиша ўзларида куч топардилар. Бу сафар нечундир кўнгилбўшлик қилиб қўйдилар. Каттанинг назари ҳам катта, унинг мақтов сўзини кўтариш ҳам жуда оғир...

Давоми. Боши ўтган сонларда.

¹ Манол (араб) — бойлик, дунё.

Туни билан ухлолмади. Уни Соғинч бика тақдири қийнарди. Ўйлангани ўйланган... Бўш қолди дегунча, Хотира дафтарини очади ва Жўйи Зар тафсилотларини ўқишга тушади-да, кўнгли бироз таскин топади. Ҳозир ҳам дафтарни олиб ёза бошлади:

“Не ёзуғим борки, парвардигор мени бундай ўтларга отадур? Ошиқлик-ку, худодан... Валиаҳд бўлсам, шаҳзода эрсам, суйган ёримга, дилимдаги гавҳаримга етишолмасам! Севиклигим бошига кулфат тушса, ундан хабар ололмасам! Айтай десам, бировага айтолмасам... Ўзим излаб борай десам, боролмасам... Шундай давом этса, пайт ўтиб, валиаҳд Муҳаммад Султон савдойи бўлибдур, десалар ҳам ажаб эрмас... Туну кун хаёлимда дилдорим... Аммо у олис, жуда олисларда... белгисиз ёқларда... Не чорам бор? Қўлимдан ҳеч нарса келмай турадур... Қудратлидурмен, ёрабий... аммо ожиздурмен!..”

Даёом этдиришга чиндан ҳам ўзини ожиз сизди. Фақат иккита гул расмини ёнма-ён чизиб қўйди, бирининг боши ҳам эди, иккинчисининг эса япроқлари тўзғиган...

— Дажланинг кўпириб оқишига назар қил! — деди шаҳзода “сипоҳ”га дарё бўйига борганларида. Кўнглидан: “Нега бу сипоҳни ўзимга яқин олаётирмен?..” — деган иштибоҳ ўтди.

— Жуда ғаройиб, шаҳзода жаноби олийлари! Суви кўпайибдур... — деди бошига дубулғани бостириб кийган, совутга чулғанган “сипоҳ” дарёга тикилганча. “Нега мени ўзларига яқин ола ётирлар?..” — ўйлади ичида.

Олий мартабали мулозим борганида... “сипоҳ”имизни ҳаяжон босди. “Шаҳзодамни узоқлардан кўриб-кўриб юрибмен, худога шукур, шунинг ўзи кифоя!.. — ўйлади у. — Мени бир-икки марта чақиртирдилар. Хайриятки, кўришмадик... Козерунда Амир соҳибқирон ёнларида лашкар олдидан оқ отда ўтганларида, бошим осмонларга етиб, учинчи қатордан кузатиб турдим!.. Мана, ул зот яна ўзлари чорлаб турибдурлар... Нечун? Бу ҳам таҳликали, ҳам сурурли... Кошкийди, қочиб кетиб бўлса! Бормаслик мумкин эмас, боришлик хатар... Лекин... нега менга бунчалар эътибор қилмакдалар? Ё ...таниб қолдиларму?.. Худо сақласун!”

— Кўпириб, камарлар ясаб оқяпти. Унинг дарди бор... Дардини кимга айтишни билмай бўғриқиб оқяпти... — деди хаёлчан Муҳаммад Султон, йўртаётган отининг жиловидан тортиб-тортиб кўяркан. Шаҳзода жуда маънос эди. — Буралиб-буралиб оқяпти, бечора. Худди ўз бағрини ўзи ўйгандек, тўлқинлари аламдан тўлғаниб ичига уриб кетмоқда... У ҳам ошиқму, дейман...

— Ҳа, дарёнинг мавжи юқори...

Нариги қирғоқда бир-икки одам балиқ тутиш билан овора, ёнларида қайиқ турар, ундан ҳам нари узоқларда у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган отлар уюри кўринарди. Отлар гоҳ дарёга яқинлашар, кейин яна ортга қайтар, бу ҳол такрор-такрор давом этарди. Дарё ўртасида юк ортилган кема эса Мосул шаҳрига қараб борарди.

— Бу дарёмас, менман, Арғуншоҳ, мен, мен! Анови камар, камар эмас, юрагимдаги ўйиқлар! Тўлқинлар тўлқин эмас, қалбимга сифмаётган тугёнлар... Оҳ!..

“Нега бунчалар очиқ сўйламакдалар?” — хавотирланди “сипоҳ”.

— Ўзингизни уринтириб қўймангиз, шаҳзода жаноби олийлари! Дардниям худо давоси билан берадур...

— Ҳов, анови чопиб юрган отлар ҳам ошиқлар, шекилли... — узоқларга тикилди шаҳзода. — Завқ-шавқдан ўзларини тўхтата олмайдурлар...

Ҳаво айниб, кўк бирпасда кулранг тусга чулғанди. Булутли осмоннинг залвори кўнгилларни эза бошлади.

— Сен ҳам ҳеч севганмисен? — сўради бирдан шаҳзода. — Жуда чиройли йигит экансен! Сендай тамтам йигит севмаслиги мумкин эмас...

— Менми?.. Ие... Мен... Мен ҳам...

“Сипоҳ” нима дейишини билмай саросимага тушди, лекин шаҳзода унинг сўзини кесди-ю жонига оро кирди:

— Севиб қоласен ҳали, эй сипоҳ!! Бошингга тушади... Оҳ, тушади!... Йўқ, севгансен! Севганинг бор! Яширяпсен холос. Тортинма! Кел, иккимиз ҳам севганимиздан сўзлайлик! Сен бошла!

— Вой!.. — деб юборганини билмай қолди “сипоҳ”, кейин дарров ўзини ўнглади: — Йў-ўқ!.. Шаҳзода жаноби олийлари, сиз турганда мендай кулингиз... оддий сипоҳ бўлсам... йўқ, бу одобсизликдур. Каминада севги деган нарса нима қилади...

“Кулингиз...” деганда қиз аллақандай туйғудан ширин энтикиб қўйди ва беихтиёр жилмайди.

Шаҳзода “сипоҳ”га яхшироқ тикилди-ю таажжубланди: мўйлаби майсадеккина, хиёл чўзинчоқ юзи занжиларники сингари қорамтир йигитнинг бир текис оппоқ тишлари, икки юзидаги кулгичи ҳосил қилган ўймоқчалари, унча йигитларникига ўхшамаган ингичка овози негадир танишдай туюлди, аммо эътибор бериб ўтирмади, хаёли мутлақо бошқа нарсалар билан банд эди.

— Оҳ, Арғуншоҳ! Менинг суйганим... Суйганим... — тоқатсизланарди Муҳаммад Султон, у, чамаси, сипоҳдан ҳам кўра кўпроқ ўз дардини тўкиб ташлашни хоҳларди. — Тўхта... Суйганим қандай эди ўзи?.. Таърифлай олмаймен... Жуда мушкул... Ана! Осмонни қара! Унинг Офтоби бор, Офтоб билан дийдорлашса, бағри нурга тўлади. Офтоб ғойиб бўлганда, чехраси тундлашади, суюклиси ҳажрида алам тортиб, кўз ёшларини яширмайди... Мана, ҳозир ҳам унинг суйгани ғойибда, жамолини кўрсатмайди, шундан қовоғи солиқ, дили озурда... Йиғлаб юборай дейди... Йиғлаб юборай деб турган уми ёки менму?.. Осмон ва Офтоб... Одам Ота билан Момо Ҳаво онамизга ўхшаб, уларни ҳам парвардигор бир-бирига муносиб яратгон...

Муҳаммад Султон ширин хаёллар оғушида осмонларга қаради.

— Ҳаммани ҳам шундай яратсун... шаҳзода жаноби олийлари... — сўз қўшди Соғинч бика.

Шаҳзода ўзи билан ўзи оворалигидан, хаёли паришон эди.

“Осмон бир вужуддир, Офтоб эса ундаги жон... — деди ичида қиз. — Сен осмонимсан, султоним, кошки мен куёшинг бўлсам... Бизларни ҳам худо бир-биримизга муносиб яратгон...”

Улар соҳилни эгаллаб ётган, сайроқ қушлар бозорига айланган, сарғая бошлаган сўлим ўрмонзорга қараб юрдилар. Куз фаслининг охирлари эканлиги дарахт баргларининг заъфарон тусга кириб бораётганидан билинар, қарғалар осмонда гала-гала бўлиб учарди.

Соғинч бика эслаб кетди. Бир ойдан ошди, неча марталаб тун-оқшомлар ёлғиз чодирига киради-да, ўзини жойга ташлаб йиғлаб-йиғлаб олади. “Нималар қилиб юрибмен ўзи?..” — дейди ўз-ўзига... Шаҳзода севадими, йўқми, деган саволга ҳали жавоб тополгани йўқ... Кенгашай деса, сирдош йўқ. Хайриятки, Қалъаи Сафид қамалидан кейин унда бир чўри пайдо бўлди. Қалъани талашга ижозат олинди ўшанда. Ўлжалардан умидвор лашкар аҳли бундай кунларни интиқлик билан кутишини яширмасди. Талаш — кенгашларга қулоқ солинмаган жойларда душманга қўлланадиган оғир жазолардан бири. Амирлару навкарлар қўлига тушган нарсаларни ўзиники қилиб олади, биринчи қўл узатган одам унинг эгаси ҳисобланади. Гарчи “сипоҳ”имизга ҳеч нарса керак эмас — лекин у Арғуншоҳ! — қалъага чиқди. Ҳар ёқда йиғи-сиғи, тўс-тўполонда ит эгасига боқмайди. Иттифоқо, сочлари елкасига ёйилиб тушганидан яна ҳам сулувллашиб кетган ўн уч ёшлардаги Парвона деган гўзал бир қиз: “Хожам! Хожам! Паноҳингизга олинг! Парвонангиз бўлай! Чўрингиз бўлай! Мени қутқаринг!” деганча, у томонга қараб чошиб кела бошлади. Тоғликларнинг қизлари бағоят чиройли, деб эшитганди Арғуншоҳ. Эллик қадамлар орқада барзангидай навкарнинг қораси кўринди. Чўкаётган илонни ушлар, деганларидай, қиз андишага бориб ўтирмай, жонҳолатда Арғуншоҳни қучоқлаб олди! Бу — қизнинг сипоҳ чўрасига, мулкига айланганини, дахлсиз эканлигини билдирарди. Сипоҳ “йигит”лигини кўрсатишлик, бошқаларда шубҳа уйғотмаслик учун канизакни қабул қилиши кераклигини англади... У дарҳол барзангига қараб қичқирди:

— Кимки тоза гулга биринчи қўл узатса, гул ўшаники! Дўлта қиздан умидингни узавер, эй навкар!

Барзанги навкар йигирма қадамлар нарида тўхтади-да, ортига қайтди, энди унинг иддаосида маъни қолмаганди.

Парвона қалъа доруғасининг қизи экан, отаси қамалда ҳалок бўлибди. Илк боқишданоқ, бу сохт-сумбатли, чақмоқдай йигит қизни ўзига маҳлиё этди қўйди, у ўла-ўлгунча сипоҳнинг хизматида бўлай, худо шунга етказсин, деб ният қилди.

Бироқ чўрининг севинчи кўпга чўзилмади. Кечга бориб негадир маъюслиги ортди. Тақдир ҳукми ўзгача эканлигини ҳис қилган шўрлик, пешонасининг торлигидан йиғлағудай ҳолда эди.

Биринчи кечада Арғуншоҳ Парвонанинг бўйнига қўл солди... Қиз сўзга чечангина экан, қўлни оҳиста нари итарди:

— Мени балолардан қутқарғонингиз учун сиздан бир умрга миннатдору қарздормен, хожам... — Тиз чўкиб сипоҳ қўлини олиб ўпаркан, давом этди: — Савоб иш қилдингиз. Аммо...

Чўри нимадир дейишга иккиланарди.

— Хў-ў-ўш?.. Айт!

— Аммо... менга қўл узатғонингизга ҳайрону лолмен... Пешонам курсин...

— Ҳайрону лолмен?.. Нимасига ҳайронсен? Тушунмайдурмен...

Чўри тумтайиб олганча индамасди.

— Оғзинга толқон солиб олдингму? Сендан сўраябмен?..

— Майли, айтай... Қачон... — минг истиҳолага бориб деди чўри. — Қачон... икки япалоқ бир-бирига эш бўлипти? Ожиза ожизага жуфт бўлибди?..

Арғуншоҳ худди баданига тиг теккандай сесканиб кетди-ю, чўрининг юзига бир шапати урди:

— Нима-нима? Мени ожиза деяпсанму ҳали? Ожизалигимни исботлаб берасен, ножинс!

— Ишқий ўйин эмас, сочбоғ солиб ўйнасак ярашар экан бизга... — кесатди Парвона.

— Вой... Ие! Уятсизнинг гапини!.. Вой, беадаб!..

Аммо чўрининг кейинги гапи ҳаммасидан ошиб тушди:

— Отнинг қўйруғи бўлади, деб эшитфонмен.. — ерга қараганча, уялинқираб деди Парвона...

Соғинч бика барига чидаб турганди, чўрининг бетакаллуфлигидан қаттиқ жаҳли чиқди ва тарсаки гортиб юборганини билмай қолди.

— Вой, от қўйруғини билган бетавфиқ! Қўйруқ керакми сенга? Бетинг курсин сени!

Кафтлари билан юзларини беркитган чўри йиғламсиради:

— Урманг, хожам! Ахир... мендай ожизасиз-ку, сиз ҳам! Ожизалигингизни, кўрқиб сизни кучоқлаб олганимда юрагингизни тез-тез уришидан сездим... Отам табиб эдилар, эркакларнинг юраги секин уради, заифалар юраги тез, деб айтфондилар. Сўнг, ўшанда дубулғангизнинг тагидан гажагингизнинг учгинагинаси чиқиб қолибди.... Яширишни унутибсиз... Шунда ҳам ишонмай турғон эрдим. Майда қадам ташлаб юришингизни кўриб, ожиза эканлигингизга батамом ишондим, хожам... Яна нима дей?..

— Вой, балога йўлиқмагур зумраша-ей!

Чўрининг худди дунёни кўриб қўйган кайвони аёллардай гапираётгани, кузатувчанлиги чиндан ҳам Арғуншоҳни таажжубга солди. Шу чўрики, унинг ожиза эканлигини фаҳмлабди, бас, “сипоҳ” жуда ҳушёр юриши керак экан. Сири очилиши ҳеч гапмас.

— Парвона! — буюрди ҳамон пиқиллаб ўтирган чўрига. — Кулоқ сол! Йиғингни йиғиштир! Жуда зийрак ва ақлли қиз экансен. Хожангни ҳам бопадинг... Менинг ожизалигимга ҳали ҳеч ким шубҳа билан қарамагонди, сен буни фаҳмладинг, балога йўлиқмагур!.. Бу сирни бировга сира гапирма! Ҳеч ким билмасун! Одамлар олдида мен хожангмен, сен чўримсен! Уқдингму? Кўз ёшингни артиб ол!

— Катта сирингиз борлигини билдим, хожам. Аммо... нега шундай “йигит”часига кийиниб, яшириниб юришингизга тушунмадим...

— Тушунмайсен ҳам! Ҳар нарсага бурнингни суқаверма! Ўз ҳаддингни бил! Тилингни тий!

— Хўп! Хўп! Мени ўзингизга канизак қилиб оласиз-а? — суйкалди чўри “сипоҳ”га, чеҳраси бироз очилиб. — Доим ёнингизда юрай, деймен... Менга ишонингиз, оғзим қаттиқ, ҳеч кимга айтмаймен...

Шу кеча икки “нотавон” ўз тақдирларидан сўйлашиб ҳасратлашиб чиқдилар...

— Анови қушларга қара, эй сипоҳ! — деб юборди бирдан шаҳзода Муҳаммад Султон Арғуншоҳ хаёлини бўлиб.

Соғинч бика бир-бирини қувиб, саргая бошлаган дарахтдан дарахтга учиб ўтаётган зарғалдоқларга завқ билан тикилди. Эркаги оч сариқ, қанотлари билан думи қоп-қора, бир-бирига мутаносиб икки ранг қушга фавқулудда гўзаллик бағишлаган, яшил-кулранг модаси эса қандайдир

назокатли, қанот қоқишлари нафис, майин, ҳар бир ҳаракатида нозу истиғно... У беихтиёр модаси ўрнига ўзини қўйиб кўрди, нарини Муҳаммад Султон кузатарди... Модаси “биёв-биёв” деб куйдириб қочади, ортидан учган эркаги дарахтнинг катта шохида унга етиб олади, атрофида гирдипалак париллайди, кейин қизғиш тумшуқларини бир-бирига уришиб чучут отишади, дунё билан ишлари йўқ, кимнингдир уларга қараб турганидан беҳабар апоқ-чапоқлашиб, ўзларини бахтиёр сезишади. Оламни сув олса, тўпиқларига чиқмайди, фараҳларга чулганган, саодатли лаҳзаларга ғарқ, ҳаётнинг лаззатига масту мустағриқлар... Кейин яна бири атай қочади, иккинчиси жониқиб қувади...

“Қандай бахтли қушлар-а!..” — ўзича ҳавас қиларди Муҳаммад Султон кўзлари порлаб.

“Ўшаларнинг бири бўлсайдим!..” — дея орзиқарди Соғинч биканинг кўнгли...

Ҳар иккиси қушларни кузатар, ҳар бирида ўзгача туйғулар уйғонарди.

— Аҳволим кўп турфадур, эй сипоҳ! — деди афтодаҳол шаҳзода.

Улар отларини бир дарахтга боғладилар-да, аста юра бошладилар. Шу палла фалакда офтоб булутларни ёриб балқиб чиқди-ю, нурлари дарахтлар аро чилпарчин бўлиб шаҳзода билан қизнинг йўлларига тўшалди.

— Мен сенга айтсам, суйганимни таърифлаб беролмаймен... — Муҳаммад Султон бошини чайқади. — Сўз йўқ... Пешонасининг чап томонида ломга ўхшаган чиройли гажаги кўз олдимда, холос... Аммо тақдирни кўргинки, уни севибмен, севгимни кимсага айтишга журъат йўқ... Унинг ўзига ҳам айта олғоним йўқ... Хонимойим сезибдурлар, ки набираси Соғинч бика деган бир пари пайкарни суюб қолибдур... Маҳди улёга ҳам ёқди... Қулзум денгизи ёнидаги оролда Наврўз байрами вақтида бир нарсани эшитиб ақлим шошди! Бошимга фалокат тушди!..

— Қандай фалокат? Йў-ғе! Худо сақласун!.. — қўрқиб кетди, шаҳзоданинг “Уни севибмен...” — сўзларидан юраги потраган “сипоҳ”.

— Билармусен, хонимойим ҳазрати олиялари Тошкандга Соғинч бика қўлини сўраб совчи юборибдурлар!

— Совчи?.. Совчи юборибдурлар?.. Вой, яхши-ку!.. — юраги қинидан чиққудай бўлиб сўради қиз ҳайратда ўрнидан туриб кетганини сезмай... — Ие... Ие... Фалокат деганингизга тушунмайдурмен, шаҳзода жаноби олийлари... Совчи юборсалар ёмонму! Ёки рози бўлишмабдиму?..

— Бу ёғини эшит! Совчилар борганда қизнинг отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку жаноблари Оқсарой қурилишига мутасаддиликка тайинланибдурлар, Тошканддан Самарқандга жўнагон эканлар. Совчилар Самарқандга боришибди ва...ва...

Муҳаммад Султон катта умид боғлаган нарсаси амалга ошмай қолган содда боладай чуқур хўрсинди. Соғинч бика йигитнинг нозик лаблари пирпирашини, дардли нигоҳларини чорасиз кузатиб турарди. Кошқийди, иложи топилса, у ҳамма сир-асрорни шартта-шартта очиб ташласа, ўша сизни куйдурган авбош мандурмен, ўзим сизни излаб юрибмен, шу ерда, ёнингиздамен, деса, кўнглининг чигилини ёзса!..

— Хафа бўлмангиз, шаҳзода жаноби олийлари!.. — деёлди холос қиз.

— Энди суйганимдан айрилиб ўлтирибмен... Айрилиб ўлтирибмен! — кўзларига ёш тўлди шаҳзоданинг. — Сирли ғойиб бўлубдир.

Қаердалигини биров билмайди! Билмайди... Ҳеч ким тополмайди... Тополмайди... Соғми, тинчми...

“Во ажаб! — хаёлидан ўтди қизнинг. — Агар сен, бахти юришмаган қиз, Тошкандан Самарқандга келишларинг биланоқ, шошилиб жўнамаганингда, совчилар борар экан, падари бузрукворинг албатта розилик билдирардилар... Бунчалар қийналиб юрмасдинг ҳам... Пешонада бори шу экан. Вой, бечора Соғинч, Соғинч! Совутнинг ичидан пахталик чопон кийиб оласен, бошингдан асло иякларинггача қоплаган дубулгани туширмайсен. Бир хаёлинг доим “мўйлаб”ингда — тушиб кетмасин дейсен, тишингнинг оқини бировга кўрсатмайсен... Доим игнанинг учида юргандай юрасен... Шаҳзодага кўринишдан қочасен... Ишқилиб, шаҳзода жаноблари сени таниб қолмасунлар-да... Худо сақласун!”

Дилгир ва маъюс шаҳзода сипоҳ олдида андишага бормай, унсиз йиғлай бошлади. Уни кўрди-ю, Соғинч бика ҳам ўзини тута олмай қолди, ўксиш навбати унга етди. Мусофир ерларда хор-зору музтар юрганлари аламиданми, беомон фиғон портлаб чиқди! Овозини чиқармай йиғлар экан: “Хафа бўлмангиз, шаҳзода жаноби олийлари!.. Хафа бўлмангиз!..” дер, ундан ўзининг жони ҳам таскин топар, аччиқ кўз ёшлари юзларидан оқарди.

Қанча фурсат ўтди, билишмади, ҳар иккиси бошлари ерга эгилганча ўз-ўзлари билан овора эдилар.

— Шаҳзода жаноби олийлари! — деб юборди беихтиёр ҳаяжонланган Соғинч бика. — Кўнглингизни чўқтирмангиз! Суйганингизни жондан ҳам, дунёлардан ҳам ортиқ кўрар экансиз. Мажнун сиздан сабоқлар олсун! Оллоҳ суйғонингизни насиб этсун, илоҳи!

— Оҳ, Арғун, Арғун!.. — бошини тебратарди холос кўзлари юмилган бехуд

Муҳаммад Султон бу сўзларни эшитмагандай. — Энди қайдин топамен?.. Жудо бўлдим! Жудо бўлдим!..

Кўнгли вайрон, эзилган шаҳзодани оғир тушкун кайфият, руҳий зиклик занжири маҳкам боғлаб олган, ўзи чорасиз, сиқилиб йиғлаганидан чиройли кўзлари қизарган, вужуд-вужуди сирқирарди. У шамолда йиқилиб ер бағирлаб қолган дарахт танасига ҳолсиз ўтирди.

Шу палла чақиндай бир фикр Соғинч бика кўнглини ёритиб ўтди. “Ахир Самарқанддан чиқишда, шаҳзодамни кўрамен қайтамен, деган эдинг-ку!. — деди ўзига ўзи қиз. — Қирқ кунда қайтамен, дегандинг... Падари бузрукворинг сени излаб ҳориб-толгандурлар. Канизак Сарвиноз қайдалигингни айтиб, Жаҳоншоҳ ибн Жоку кўнгилларини хотиржам этганлигига гумон йўқ... Бас энди, ўзинг шоҳиддурсен, ки шаҳзода сени жони-дилидан ортиқ суяр эканлар!. Йигитдай совуту қалқонни кўтариб, ана билиб қолишади, мана билиб қолишади, деб юриш қиз болага осонми? Ортиқ чидай олмайсен. Худонинг ўзи ғамингни еб, йўл кўрсатиб турибди: сирим очилмасин, десанг, бирон баҳона топгилу тезроқ Кешга равона бўл!..”

Қизнинг қарори қатъийлашиб, кўнглидаги мақсадини айтишга энди оғиз жуфтламоқчийди, улгурмади:

— Нега рангинг оқариб кетди, Арғуншоҳ?.. — худди уйқудан уйғонгандай сўради бирдан кўзларини катта-катта очиб “сипоҳ”га боқаркан шаҳзода. — Касалмусен?..

Соғинч биканинг юраги шув этиб кетди, юзидаги бўёқ эсига тушди-ю бутун аъзои баданига зириллаган нохуш титроқ кирди! Сири очилганига унда сира шубҳа қолмади! Нозик табиатли, ҳиссиётли шаҳзода аниқ сезди! Ахир юзига суртгани махсус Хўтан бўёғи, лекин унга намлик тегиши керакмас, шундан чехрасини мумкин қадар дубулғаси билан беркитиб юришга тиришади.

“Нима қилиб кўйдим? Касални яширсанг иситмаси ошкора этар... – ўйлади қиз ичида апил-тапил юзларини ишқаларкан. – Энди ўлдинг, Соғинч! Шарманданг чиқди!..”

Лекин қиз бола зоти қув бўлади, лозим жойда карашма ишлатади, лозим жойда ширин ҳийла... Ҳар иккиси ҳам ярашимли, кечиримли. Соғинч бика ҳам бундан мустасно эмасди.

– Оҳ, шаҳзода жаноби олийлари! Сизга куйиб ёнганимдан юзларимдан қон

қочибди чамаси... Дардингиз жуда оғир экан, чидай олмадим. Кўнглим бўш... Қаттиқ изтироб чексам, одатим бор, шундай ҳолга тушамен. Болалигимдан шунақа. Рангим оппоқ оқариб кетади. Мени кечирсунлар, шаҳзода жаноби олийлари! – деди апил-тапил юзларини ишқаларкан, шум қиз...

У зимдан боқиб, шаҳзоданинг бу сўзларга эътибор берган-бермаганини

билолмади. Руҳсиз Муҳаммад Султон атрофдаги воқеаларга мутлақо бепарво, ҳуши ҳам ўзида йўқдай, “Энди қайдин топамен?.. Топаменму? Топаменму?...” — дерди холос. Кутилмаганда яна зарғалдоқларнинг “биёв-биёв”и эшитилди-ю, Соғинч бика жонига оро кирди:

– Анови қушларга қарангиз, шаҳзода жаноби олийлари! – қичқириб юборди Соғинч бика. – Ошиқ-маъшуқ қушлар! Биздан хабар олгани қайтиб келишди шекилли!

– А-а-а... Бахтли қушлар!.. Ўша қушлардай ҳам эмасмен!..

Зарғалдоқлар жуфт бўлишиб, қувалашиб юришар, ишқий ўйинлардан тўйишмаган, модаси қочар, эркаги унинг ортидан эргашар, уларнинг ҳаракатларида ҳали ҳануз ўша иддао, замзама, ўша ноз-истиғно... Бир-бирига ошуфта беозор жониворлар яна икки ёш дилнинг хаёлини ўғирлади. Шаҳзоданинг ҳуши ўзига келиб, қушларга маълиё қаттиқ тикилди.

– Ошиқ-маъшуқлар... – деди ҳолсизгина.

Соғинч бика бир томондан суюқлисида кечаётган руҳий изтироблар сабабчиси ўзи эканлигидан ичида мамнунлик ҳиссини туярди, иккинчи томондан, худо уларга шундай ишқий саргузаштлар насиб этганига шукурлар қилар, айни чоғда кўра-била туриб, жону жаҳони шаҳзодасига кўмак қўлини чўза олмаслигидан қалби ўртанарди.

– Шаҳзода жаноби олийлари! Худо шоҳиддурки, Соғинч бика деган ожизага меҳру муҳаббатингиз бағоят кучли экан, билдим, билдим...

– Эҳ, Арғуншоҳ, Арғуншоҳ! Энди қайдан топамен? Топаменму?..

– Топасиз!... Йўқ! Агар ижозат берсалар... Мен... топамен, шаҳзода жаноби олийлари! Мен! – деб юборди бирдан қиз. – Тошбағир қиз экан! Шундай шаҳзодани куйдириб, ўзи тинч юрганини кўрингиз! Топамен уни, ернинг остидан бўлсаям, устидан бўлсаям!

Шаҳзода ёқимли сўзларни айтаётган сипоҳ йигитга ҳайратда тикилди:

— Сен жуда зукко ва ақли йигит экансен! Яхши сўзларни топдинг... — хаёлчан шаҳзоданинг ишонмаётгани кўриниб турарди. — Қўлингдан келди... Соғинч бикани ўзини ҳам тополсанг эрди...

Қиз қувонганини, ҳаяжонини яширишга уринар, суйганининг аҳд-паймони мустаҳкам эканлигидан ўзини қўйгани жой тополмасди. Охири ўйлай-ўйлай, жиддий деди:

— Агар... агар ижозат берсалар... Агар... Бир ниятим бор, шаҳзода жаноби олийлари!.. Йўқ демасалар, Самарқандга борсам...

— Самарқандга борсам? У ерда нима ишинг бор? Ёки... Соғинч бикани Самарқандда дейсанму?.. — шаҳзоданинг чиройли кўзларида умид учкунлари кўринди. — Самарқандда... А?..

— Самарқандда... Керак эрса, Кешга борурмен, тоғма-тоғу чўлма-чўл кезурмен... Турон юртига ҳалигача бормагонмен, таърифини кўп эшитгонмен, ота-боболарим ҳам асли Турондан эканлар, баҳонада улуг пойтахтимизни зиёрат этамен. Орзуйим-ку бу!.. Мени Арғуншоҳ, дейдилар! Суйганингизни излаб, шубҳасиз, топурум ва дарҳол хабар қилурмен!

“Сипоҳ”нинг гапларида мантиқ бор эди. Шаҳзода Муҳаммад Султон ялт этиб унга қаради:

— Топсанг, кошкийди!.. Топсангу, тез қайтсанг! Аммо йўқолганини бировга зинҳор айтма! Шаънига номуносиб гапдур, Арғуншоҳ! Уқдингму?.. Худо сенга ёр бўлсун!

Муҳаммад Султон, сипоҳ билан илк бор суҳбатлашиб турганига қарамай, эски танишлардай бўлиб кетганига ҳайрон қолди. Бу ерда қандайдир сир бор, аммо шаҳзода буни билмайди. Қалъаи Сафиддан кейин, йигитнинг сипоҳ эса-да, айрим беку амирлардан кўра ортиқроқ туюлганини эслади. Ҳа, насли тоза, ажойиб йигит экан Арғуншоҳ, ақли, фаросатли! Шаҳзоданинг музтар қалби ҳам аллақандай умиддан ёришгандай бўлди.

— Миннатдормен, шаҳзода жаноби олийлари!.. Яхшилигингиз, илоҳи, Оллоҳдан қайтсун!

Соғинч бика, тагин шаҳзода қароридан қайтиб қолмасунлар, деб чўчиганидан, тинчлантириш мақсадида, Муҳаммад Султонга уч марта эгилиб таъзим бажо айлади. У ўзини, баайни, дўзахнинг қилкўпригидан эсон-омон ўтиб олгандай ҳис этди.

— Салтанат юмушини адо этмагим учун мени Турон элига жўнатгайлар... — деди Соғинч бика Парвонага саҳар, бомдоддан кейин. — Қани, ёнимга ўлтир-чи. Чўрим эдинг... Чўрини озод қилмак катта савоб эрмиш. Менга савоб керак... Энди ҳурсен, ҳурилиқо, эркинг ўз қўлингда!..

Ажойиб хушхабардан беҳад қувонган Парвона шу заҳотиёқ оёғимга йиқилиб миннатдорчилик билдиради, деб шубҳа қилмаган Соғинч бика, аксинча, ҳайратга тушди: чўри қиз етти ухлаб тушига кирмаган янгиликни эшитиб, хўнграй бошлади.

— Ҳай-ҳай! Секин... Овоз ташқарига чиқмасун!.. — ташвишланди Соғинч бика.

Парвона кеча оқшомдаёқ “сипоҳ”нинг тутумларидан бироз таажжубланганди. Одатда, оқшомлар суҳбатлашишга вақти йўқ, чўрининг майда-чуйда саволларига қарамай, тездагина уйкуга кетарди. Бироқ бу сафар жуда хушчақчақ қайтди, ҳатто шу пайтгача бирон марта ҳам чўридан, кимни севгандинг, севганмисан, деб сўрамаганди! Кеча эса

Парвонанинг офтоб нури тушмайдиган қоронғи кулдай қалбини ёритиб юборган қизиқ-қизиқ саволларга кўмиб ташлади, қаттиқ уйқуга чўмган туйғуларини уйғотиб қўйиб, ўзи ухлади-қолди...

— Йў-ў-ўқ, йўқ, маликам! И-и-и, и-и... хожам! Хур, эркинликдан кўра, қўлингизда канизагу қулдай юриш менга афзал! Мениям олиб кетингиз! Олиб кетинги-и-и з!..

— Парвона, эсинг бор, йиғлама! Жим! Жим... Ҳеч қачон чодиримиздан йиғи овози чиқмаган, биласен-ку, чиқмасун ҳам!..

Кейин ёлғондакам сиёсат йўлини тутди:

— Биласанму... Бу салтанат русумларига сиғмайдур... Тобшурилгон вазифани адо этмоқ учун ёнимда чўри ёки бошқа хизматкор керакмас... Ҳозир ўзим ҳам ўзимга оғирлик қилиб турибмен. Бошқа бир юкни кўтаришга эса қурбим етмас... Бахтингни худо берсин, Парвона! Тушундингму?

Парвона ерга тикилганча оҳиста бош тебратди, кейин ёш тўла кўзлари билан Соғинч бикага қаради-ю кучоқлаганча яна йиғлаб юборди.

II

Адолатли ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлик қилган, Чингизхондай хоқоннинг оёғи етмаган заминда турганидан Амир Темур аллақандай мажхул туйғулар оғушига чўмди. Афсуски, шаҳар томошаси-ю қадамжолар зиёратига фурсат кам... У Султон Аҳмад жалойирни тутиш ишлари билан шахсан ўзи шуғулланишга бел боғлади. Қайсар ҳукмдор, албатта, жиловлаб қўйилиши керак! Яхши гапга кўнмаса, ёмонини топиш қийин эмаслигини билиб қўйиши зарур.

Улдан қўшинни, одатдагидек, ташқарида хотиржаму саранжом қилиб, хос лашкар билан шаҳарга кирган Амир Темур даставвал Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ал-Куфий, улуғлиги эътироф этилиб, “Имоми Аъзам” — “Буюк имом” унвонига сазовор бўлган табаррук зот мозорини тавоф этишга йўналди. Ҳанафия мазҳабига асос солган, қирқ йил мобайнида хуфтон таҳорати билан бомдод намозини ўқиган, эллик беш марта ҳажга борган улуғ имомнинг аянчли қисматини яхши биларди. Ҳали Самарқанддалик вақтидаёқ ўйлаган ниятини амалга оширишга буюрди — табаррук қадамжой ёнидаги хонақоҳда бир жонлиқ сўйиб фақир мискинлар, етим-есирларга ис чиқарди, соҳибқироннинг ўзи қуръон тиловат қилди.

Қайтар экан, катта майдон олдидан чиқиб қолди. Шаҳарнинг машҳур Хон Маржон карвонсаройи рўбарўсидаги сайхонлик игна ташланса ерга тушмайдиган даражада одамга тўлиб кетган, денгиз мисоли тўлқинланарди. Оломонни кўрсатиб: “Булар кимлар? Жалойирнинг одамларими?..” деб сўрамоқчийди, шу палла эгнига елвагай оқ ҳирқа ташлаган, мисқоли дока салласи шолғомдай силлиқ ўралган сипо бир киши оломондан чиқиб яқинлаша бошлади. Мулозимлардан тўрт киши — Мубашшир баҳодир йигитлари унинг кимлиги, нима мақсадда келаётгани билан қизиқдилар. Ташрифга ижозат берилди.

— Худонинг ожиз бандаси Низомиддин Шомий жаноблари!

Муаррихдурлар! — янгради мулозимнинг овози.

— Чорлангиз!

Низомиддин Шомий қирқ беш ёшлар чамасидаги, нозиккина мўйлаби бор, чўққи соқоли калта қирқилган истараси иссиқ одам эди, у от устида турган соҳибқиронга ўн беш қадамча қолганда эгилиб таъзим этди, сўнг йўрға юриш қилиб соҳибқирон отига яқинлашди, узангига лаб қўйиб, Амир Темур тўни пешини ўпди. Бағдод халқи Турон султони Амир Темурнинг фозилу фузалолар, шайху муллолар, соҳиби илм алломаларга ҳурмати баландлиги ҳақида эшитишганди. Бир неча йилдан бери шу ерда яшаётган муаррих Низомиддин Шомийдан ҳумоюн ўрдуга шаҳар аҳли вакили бўлиб боришини, авомуннос элнинг Султон Аҳмад жалойирга сира алоқаси йўқлигини батафсил тушунтиришини ва, энг муҳими, қирғинбаротга учрамайлик, афв айласунлар, соҳибқирон ҳазратлари кўнгилларини ҳар хил шубҳа-ғумонлардан фориг тутсунлар, сўраб берингиз, деб ўтиндилар.

— Амир соҳибқирон! — Низомиддин Шомийнинг найга ўхшаш майин ёқимли овози, ҳаяжонданми бироз титраб эшитилди. — Шаҳар дарвозасидан Дажлага назар солдим, юзиб ўтаётган чақиндай тез аскарларни, бу дарёמידур ёки саҳромидур, дея фарқлай олмай яқомни тутдум! Ҳайратим ҳаддин ошиб дедимки, бу шижоат соҳиблари шахту шиддатда Рустами дostonдан ўтадулар, баҳодирлигу жавонмардликда ўзга халқларга устодликка муносибдулар! Бас, алар Оллоҳ-таолонинг ўзи қўллаган Амир соҳибқирон бургутлари эканлигига иймон келтирдим!

Завқ билан айтилган бу сўзлардан Амир Темурнинг кўнгли сув ичгандай бўлди.

— Оллоҳ таоло мартабангни бундан ҳам баланд қилсунки, — деди чехраси ёришган Амир Темур. У арзи ҳол ёки узрхоҳлик сўраган ҳар қандай одамни дарҳол, миннатсиз қабул этарди. — Қандай манглайи ёруғ киши экандурсенки, шаҳардан энг аввал йўлимга пок ният билан чиқиб турубдурсен! Сен ёмон одамлардан йироқдурсен. Палос ўпиш русумини ўришлатиб қўйдинг. Яхшиликни ўйлағонинг шундан аёндур...

Орқадаги амирлару баҳодирлар соҳибқирон кўнглининг ҳиммат қопқолари очилишга мойил эканлигидан енгил тортдилар.

Чиндан ҳам:

— Тила тилагингни! — деган олий шон сўзлар эшитилди.

— Оллоҳга шукрки, пойингизни ўпмак шарафига етишдум... Жумла жаҳон

шон-шуҳратингизу доврўингиздан нурларга чўмилғонда каминаи камтаринга дийдорлашиш насиб этғонига беадад шукур... Барча иш ўз вақти соатида, дейдилар. Мана бу халойиқ, Бағдод аҳли ҳазратларини деб қўлларини дуога кўтармишлар... — майдонни тўлдирган одамларга қараб қўйди Низомиддин Шомий. — Музаффарийлар додини берғонингиз барчани хушнуд айлади. Ноинсоф ҳокимлар, инсон қонини она сутидек ичадурғон золимлардан эл озурда... Ҳимматларини дариг тутмасалар, Султон Аҳмад жалойирдан азиятлар чеккан бу бандаларга омонликни раво кўрсалар, деб ўтинадурмиз... Ушбу гуноҳкор бечораларнинг ёзуқлари устидан афв чизигини тортсунлар деб...

Аллома сўзларидаги қандайдир сеҳр, жозибадан Амир Темур у билан суҳбат куриб, атроф музофот, кечмишу келажак борасида кўп нарсаларни билиб олиши мумкинлигини фаҳмлади, аммо буни кейинги кунларга қолдирди. Ҳозир ашаддий душманни қўлдан чиқармаслиги лозим.

— Бағдод аҳли жалойирдан озор чекканму?..

Соҳибқирон одамларга синчков назар ташлади. Ҳеч ким бирон нарса дейишга ботинмади, барча боши эгилган ҳолда таъзимда эди. “Сукут розилик аломатидур”, деб ўйлади Амир Темур ва буюрди:

— Бағдод халқига омонлик берилсун! Аммо шаҳар аҳли омонлик молидан² озод этилмайду!

Ғалоғовурда кимдир дуо қилар, майдоннинг ҳар бурчагидан “Тўлаймиз!”, “Тўлаймиз!” деган садолар эшитилар, биров қичқирар, кимдир йиғлар, бари одамларнинг розилигидан далолат берарди.

Амир Темур Султон Аҳмад жалойирни қувиш учун Дажлага от солди. Узоқдан қараган одам чумолидай уймалашган нўёнлару амирлар, баҳодирлару аскарларнинг ўзларини бирин-кетин дарёга отганларини кўрарди. Дарёни ажабтовур махлуқларга, наҳангларга ўхшаб сузиб бораётган отлиқлар босиб кетди.

Нариги соҳилга чиқишлари биланоқ, кичик тепаликда машварат чақирилди. Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳлар даврага кўрку безак бағишладилар. Амир Шоҳмалик, Айбож ўғлон, Шайх Нуриддин ва бошқа амирлар чап томондан жой олдилар. Ҳамма соҳибқирон ўтирган олтин ўмилдириклари офтобда ялтираган, ҳали пуштанидан сув томчилаётган тулпор томонга тикилди...

Ахий Жаббор баҳодир қисқа вақт кечган бу машварат тафсилотини Айбож ўғлондан кейин эшитди, у қуйироқда лашкари ёнида тепалик томонга тикилиб турарди. Соҳибқирон, Султон Аҳмад жалойир бундан беш йил олдин ҳам қочиб қутулганди, бас, энди ўзим Карбалони оралаб боргаймен, деган қарорни маҳкам тутиб олибдилар. Бу душманни қўлдан чиқариб юборган амирлару навкарларга қаттиқ дашном эди. Барча уни бу фикрдан қайтаришга уринибди. Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо бошлиқ амирлару нўёнлар, баҳодирлар ялиниб-ёлвориб, ўтга кир деса ўтга, сувга кир деса сувга киришга тайёр ўғиллари, жонфи-доликка шай минг-минг қуллари турганда, ўзларининг бу юмушга овора бўлишлари Турон султони шаънига номуносибдур, дейишиб, шаҳарга қайтишларини сўрабдилар.

Шу палла Бағдоддан калтабақай Усмон Аббос муҳим хабар етказибди:

— Амир соҳибқирон! Олам аҳлининг шаҳзодаси, салтанат дийдасининг нури Муҳаммад Султон жаноби олийлари Басрадан фармонингизни адо этиб қайтмишлар!

Соҳибқироннинг қулфи дили очилиб кетибди, ҳаммага бир-бир қараб чиқибдилар-да, дебдилар: — Қутлуғ хабар яхшиликкадур. Кўксаройда мавлоно Саъдуддин Тафтазонийдан Усмон розияллоҳу анҳу Куръони Басрада эрмиш, деб эшитган эрдик. Мавлоно улуг китобни Ҳазрат Али масжидида ўз кўзлари билан кўрмишлар... Дарҳол кўнглимизда ул дурдонаи бебаҳо ила Кўксарой кутубхонасини беэмак нияти туғилди. Халлоқи безаволга салламноки, шундай кунларга етдук... Олий шон фарзандларим! Қадри баланд амирларим! Сўзларингиз ихлос пардасига ўралғони, садоқатингиз давлатхоҳлик туйғулари ила зийнатланғони бизга мақбулдир. Миср султони Барқуққа элчи жўнатилиб, орада ҳеч қандай ихтилофга ўрин йўқлиги, тожир аҳлига бемалол йўл очилиши таклифи

² **ОМОНЛИК МОЛИ (МОЛИ ОМОН)** — эл-юртга омонлик бағишлангани учун олинадиган ўлпон.

билдирилсун! Султон Аҳмад жалойирни қувиб тутишни Мироншоҳ Мирзо жанобларига тобшурдук! Умаршайх Мирзо аскарлари шимол тарафни тўсмоқ учун ён томондан йўлни кесиб чиқмоқни уҳдаласунлар!

— Фармонингиз бош устига, Амир соҳибқирон! — таъзим қилибди Мироншоҳ Мирзо.

— Жонимиз омода, Амир соҳибқирон! — бош эгибди Умаршайх Мирзо.

Амир Темур бироз ўйлаиб, яна дебдурлар:

— Бағдодни майга мустағриқ шаҳар деб эшитгандик, афсуски, шундоғ экан. Шаҳардаги жаъми хумлар бўшатилиб, майлар Дажлага оқизилсун! Байтул-латафу бобилхоналар³ эшиклари танбалаб ташлансун! Уста-ю хунармандлар, меъмору мунажжимлар Самарқандга юборилсун!

Шундан сўнг, барчага ўз жойига тарқалишга рухсат берилибди. Соҳибқирон мамнун шаҳарга қайтишларини билдирибдурлар. У ерда эъзозли юмуш бор — Усмон Қуръонини тавоф этиб, сўнг Самарқандга жўнатиш иши билан шахсан ўзлари шуғулланмакчи эканлар, шу сабабли шаҳзода Муҳаммад Султонни ўзларига ҳамроҳ қилибдурлар.

Машварат тутагач, Мироншоҳ Мирзо билан Айбож ўғлон лашкар олдига келишди:

— Султон Аҳмад жалойир Дамашққа йўлланибдур! — қуюқ қошларини чимирди Мироншоҳ Мирзо. — Қочиб қутулмоқчи. Амир соҳибқиронни, Турон салтанатини кўзга илмай, оёқ учида кўрсатиб, жонини сақлаб қолмоқчи! Ана энди келдик мақсудга! Яхши сўзга, муомала-ю мурасага қулоқ солмайдиган икки наҳс кимса бор — Амир Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойир. Улар билан Амир соҳибқирон эмас, балки ўзим машғул бўлғаймен! Ҳа-ҳа!.. Ахий Жаббор баҳодир! Айбож ўғлон! Дашти Карбалода унинг изига тушғайсиз! Қўлга олғайсиз! Аммо бир тукига ҳам заҳмат стказмағайсиз!

Амирзода сўзларида комил ишонч, кибру ҳаво сезилиб турарди.

Ахий Жаббор баҳодир қувониб кетди. "Омадимиз чопибди! Соҳибқироннинг назарлари бизларга тушибди!.." — демоқчидай, Айбож ўғлонга маъноли қараб қўйди. Бари, албатта, Мироншоҳ Мирзонинг ҳиммати, доим Ироқ ҳукмдорини ўзимиз тутамиз, дерди, соҳибқирондан ҳам ўзи тилаб олган, чамаси... Бунга баҳодирнинг шубҳаси йўқ. Улуғ Амир ҳар бир жангда босиладиган қадамни пухта ўйлар, кимни қайси жангга юборишни белгилар, қалъани олишда, ё дарёдан ўтишда, ё жанг майдонида жасорат кўргизган мард аскарми, амирми, баҳодирми кўз остига олиб қўяр, сийлаш вақтида уни ёддан чиқармас, ҳамманинг олдида мақтаб кўнглини кўтарарди. Бебаҳо жонини дунёнинг омонат молига сотаётган бундай мардларни мансаби-унвонидан қатъи назар, ўзининг дўсти деб биларди. Қўрқоқларни эса жуда қаттиқ оларди. Кимки жангда қўрқоқлик қилса, душман ҳайбатидан ҳайиқиб ортга чекинишни бошласа, лашкарга парокандалик солса, ундайлар оғир жазо оларди. У соҳибқироннинг "Тузуклар"ида қуйидаги сўзлар битиб қўйилганини валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султондан эшитганди: "Қайси сипоҳий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб инъом берсунлар. Борди-ю, яралангандан кейин қочса, унга таҳсин ўқиб,

³ Байтул-латаф, бобилхона — фоҳишахона, маъносида.

яраланганини назарга олсунлар. Чунки у ганимга ҳужум қилмаган тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида яралангандир, жароҳати бунинг гувоҳидир...”

Ахий Жаббор баҳодир ўз кўзи билан кўрган: Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши пайтида Кот шаҳрига етганларида ғалати воқеа рўй берди. Амир Темур лашкарга қалъани ўраган хандақни ўтинун хас-хашак билан тўлдиришни тайинлади ва Кўча Малик деган амирга қўли билан ишора қилиб:

— Туш! — деб буюрди. Аммо кўрқувдан қалтираган амирнинг оёғи тортмай, ортга чекинди. Буйруғининг адо этилмаганлиги соҳибқироннинг қусурига тегди:

— Бадбахт! Ўзингга-ку майли, лашкар шаънига иснод келтирдинг-ку?..

Салтанат шаънига иснод—ку бу?!..

Ҳамманинг олдида амирнинг қилмишидан изо тортган Амир Темур ғазабдан ўзини кўярга жой тополмай қолди. У ёқдан-бу ёққа юраркан, буюрди:

— Кўча Малик чўби ясоққа етказилсун! Кейин эшакнинг думига боғлаб, сахро орқали Самарқандга ҳайдалсун!

Ахий Жаббор баҳодир Амир Халилнинг аянчли қисматини эслади: жанг майдонида кўрқоқлиги учун Амир Халилни соқолини қириб, аёллар кўйлагини кийдириб, юзига упа-элик суриб шаҳар айлантиришган. Кечаси шармисорликка чидай олмай, ўзини харига осиб кўйган... Яна бир навкар кўрқоқлик қилгани, унинг устига ганим аскарига ғажарчи бўлгани учун, қўл-оёқлари кесилиб, юм-юмалоқ тулум ҳолида тошлоқда сув ёнида ташналик домига ташланган...

Шу пайт дашт томондан аввалроқ қоровулликка юборилган Учқора билан Йаналтекинларнинг шитоб от солиб келаётганлари кўринди.

— Амирзода жаноблари! Амирзода жаноблари! Ижозат берсунлар! Ижозат берсунлар! — ҳаприққанча яқинлашди Учқора, отдан тушар экан.

— Секин! Секин! Ўпкангни қўлтиқламай гапиришни ўрган! — деди Ахий Жаббор баҳодир.

— Сўзласун! Сўзласун! — қуюқ қошларини чимирганча буюрди Мироншоҳ Мирзо. Амирзода бу содда йигитларни ёқтирар, уларни гапиртиришга ишқивоз эди.

— Султон Аҳмад жалойир Дажладан шитоб ўтиб олгач, кўприкни бузиб юборишни буюрибди, амирзодам... — ҳаприқди Учқора.

— Ҳа, бузиб ташлабди. — тасдиқлади Йаналтекин ҳам. — Дарёни у ёғида катта кўшини кўринди-ям!

— Аммо, черигимизни кўриб, қути учди-ёв, дастингдан кетай... Бурғу садолари янграгач, Ҳилла шаҳри томонга қараб отини бурди-ю..

— Ол-а!.. Ҳиллагамас, Дамашққа дегин! — тўғриламоқчи бўлди Учқорани Йаналтекин. — Дамашққа жўнади!

— Ҳиллага! Ҳиллага!

— Дамашққа!.. “Дамашқ-қа-а! Дамашқ-қа-а!..” деганларини ўз кулоқларим билан эшитдим-ку!

— Ҳиллага, дедимми, Ҳиллага! — гажирлиги тутди Учқоранинг.

— Вей... Э-э... Доим шундай қиласан-а, Учқора! Бир нарсани ушлаб оласан-да, қоққан қозикдай тураверасан... Ҳеч қимирлай демайсан-а, отангни арвойи!.. — ўпканди Йаналтекин.

— Менам эшитдим-ку ахир, Ҳиллага қочди, деб!.. Вой қайсарлигиндан кетай-а! Мана шу қулоқларим билан эшитиб турибман-ку! Ўзимни қулоқларим ўзимни алдайдими?..

Учқора, тортишиб юрма, мен ҳақман, гап тамом, дегандай тескарига қаради-да минғирлаб қўйди:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин — эрга... тўймайди-и-и....*

Ахий Жаббор баҳодир кулди:

— Иккингиликни ҳам тўғри — Ҳилла ҳам, Дамашқ ҳам!

— А?.. Битта йўл икки ёққа оборадиму?..

— Нима-а?.. Султон Аҳмад жалоир бир пайтда ҳам Ҳиллага қочди, ҳам Дамашққа... Шундайму?

— Каллаварамлар, ахир йўл битта-ку! Карбалодан ўтиб, Дамашққа Ҳилла орқали борадилар!

Бироз аввал рақиблардай қаттиқ баҳслашган дўстлар энди бир-бирларига

қараб қолдилар.

— Вой, дастингдан кетай! — Учқора Йаналтекиннинг кифтига бир уриб қўйди. — Аравани қуруқ опқочасан-да ўзингам!

— Ол-а! — ҳайратини билдирди Йаналтекин. — Менми, сенми?..

Шунақа

опқочасанки, қани етиб бўлса!..

Уларнинг соддаликларини кўриб лашкарда кулгу кўтарилди.

Хижолатдан чиқиш учун Учқора гапни бошқа ёққа бурди:

— Биласанму, Йанал! Ҳали Фурот дарёсига борамиз-ку. Дарё жуда ҳам кўпириб оқар эмиш. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Кўрган одам ўзини сувга отаркан... — гапга кавуш кийдиарди Учқора. — Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларнинг, азиз-авлиёларнинг қадамлари етган-да... Сувидан ичганлар. Эсингга соб кўйяпман холос. Қара, дегин, Фуротга чўкиб ўлганлар шаҳид бўлар эмиш... Тўппа-тўғри жаннатга тушармиш-да! Тағин қиёматда хешу ақраболаридан етмиш кишини шафоат қилиб жаннатга ҳақдор этиб қўярмиш! Қулай фурсатдан фойдаланиб қомайсанми, дастингдан кетай? Сенинг баҳонангга қариндош-уруғларинг ҳам жаннатга киради. Дўстимсан, жигаримсан, қайишганимдан айтаман-да... Яна қачон йўлинг тушади-ю бу ёқларга... Тушадими, йўқми...

— Ол-а! Вой, меҳрибон дўстимдан айланай-е! Қайишганингга шукур!.. Жигарим экансан, илинасан. Илинмай кўр-чи. Шу... десанг, дегин... — бошини қашиди Йаналтекин, — ёлғиз шаҳид бўгим кемаяпти-да, отангни арвойи... Ёлғиз зерикиб қоламанми.. Сенга ҳурматим жуда баландлигини биласан-ку. Насибангни тортиб олгим йўқ. Ке, сен бошлаб берақол. Кейин, сени биринчи шаҳид дейишади...

Тағин кулги кўтарилди.

Ахий Жаббор баҳодир, етти йилдирки, белини қамишдан боғлаб Мироншоҳ Мирзо ҳукуматида хизматда. “Султониядан Самарқандга, Самарқанддан Султонияга кўп бор ўтдим, — деб ўйлади у, — аммо Ироқнинг бу томонларига, айниқса, номи дунёга машҳур Карбало

даштига сира ҳам йўлим тушмаган. Бир замонлар расулуллоҳнинг набиралари Ҳусайн ибн Али етмиш жангчиси билан шу ерда душман халифа Язиднинг катта лашкарига дуч келиб, шаҳидлик шаробини ичган экан. Унинг табаррук қабрини зиёрат этмоқ мен учун ҳам суннат, ҳам фарз. Савобга қоламен...”

— Йўлда бир одамдан эшитдик, Султон Аҳмад жалойир Ҳилладан ҳам ўтиб Фурот дарёсига етибди. У ерда ҳам кўприкларни сувга оқизиб юборган эмиш!.. — жиддий қўшиб қўйди яна Учқора.

Энди ҳеч ким кулмади.

Ўн олтинчи боб

I

Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодирга қирқ бешта сараланган йигитни олиб Фуротга от солиб ўтиш, нотаниш Карбало даштини ичкарилаб бориш буюрилди. Дарёдаги бузиб кетилган кўприкларни кўриб Айбож ўғлоннинг ғайрати кўзғолди-ю, тузатишга фурсат йўқлигидан кўнгли олинди. Султон Аҳмад жалойир, худди изимни йўқотишмасин, дегандай, йўлларда оту хачир, хиргоҳу олачуқ, турфа молу манол ташлаб кетганди, чамаси, шошилганидан йиғиштиришга ҳам улгурмаган, шекилли. Сунбуланинг ўрталари эканлигига қарамай, ҳали ҳаво саратондагидек иссиқ, дим, нафас олиш оғир, айниқса, бу нарса дашт ичига кириб борган сари қаттиқроқ сезиларди.

— Иссиғ-а! — деб қўйди пешонасини дурра билан боғлаб олган Айбож ўғлон дастрўмоли билан юзларини артаркан, унинг чап қошидаги чандиғида ҳамишадагидек бир томчи тер лимиллаб турарди.

— Унчаликмас... — жавоб берди Ахий Жаббор баҳодир, аммо жазиранинг фавқулудда ҳарорати кишини энтиктириб юбормоқдайди. Ҳар кун қиртишланидиган бежирим шоп мўйлови-ю соқолига ҳам бир неча кун бўлдики, қайчи тегмаган... Мағриб томонда, уфқ поёнсиз бедаво дашт юзини қоплаб олган жимир-жимир ҳарорат, алангадан энтикиб ёнади...

Бирдан йироқда шарқираб ётган бир эмас, бирнечта булоқ кўринди! Ахий Жаббор баҳодирнинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Ана, худога шукур, сув кўринди! Булоққа етдик! Булоққа-а-а!!.. — қичқириб юборди ҳаммани қувонтириб. Ҳамма ўша ёққа қараб чопди. Аммо борганларида булоқнинг алдамчи сароб, рўё эканлигини билдилар.

Офтоб тобора олов пуркар, ташналикдан томоқлар қақрарди, сувдонларнинг эса таги кўриниб қолди. Одамларнинг чанқоқликдан тиллари осилар даражага етди. Тез сув топиш керак эди. Ҳолсизлана бошлаган Ахий Жаббор баҳодир кўкка тикилди: кўёш тиккада ҳароратнинг зўридан қимирлашга мажоли йўқ, нафаси етмай ҳаллослаётгандай туюлди унинг назарида. Вожаб, нақ жаҳаннамнинг ўзи...

— Султон Аҳмад атай шу йўлга кирдиким, дашти биёбонда бизларни сувсизлик балосига йўлиқтирай деб... — секин деди Айбож ўғлон. — Бундоғ иссиқни ҳеч кўрмагандим.

— Ҳа... дашти биёбон ҳам биз билан курашадир. Ул билан кураш тушмоқ бизларга ярашадур... Жалойир қутулиб кетди. — эринчоқ отини

ниқтади Ахий Жаббор баҳодир. – Сувимиз тугади. Одамларни ҳар томонга юборайлик, шамол каби елишсун, сув қидириб келишсун.

— Юборайлик! Топиб келишсун! Топиб келишсун! — жон кирди Айбож ўғлонга.

Кутилмаганда, навқарлардан бири қизиқ гап айтди. Эмишки, навқарлар битта “тил” тутубдилар, уни гўё амирзода Мироншоҳ Мирзога жўнатибдилар. Унинг айтишича, Султон Аҳмад жалойир йўлни Дамашққа эмас, Басрага қараб бурибди. Буни кимдан эшитдинг, деган саволга, Ҳиллада бир одамдан, деб жавоб берганмиш.

Ташналикдан томоқлари қақраган, сўзлашга ҳам мажоллари йўқ Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодир иккиланиб қолдилар:

— Қайтамизму?.. — сўради Айбож ўғлон.

— Зинҳор! Амирзодадан ҳеч қандай фармон йўқ. Бундай сўзни оғизга олмаймиз, йўлни давом этдирамиз!

Уфқда олов ўз ёғига қоврилганча жимир-жимир қиларди.

Кўп йиллар аввал соҳибқирон бир воқеани мажлисда сўзлаганда, иттифоқо, бахти чопиб Ахий Жаббор баҳодир ўз қулоғи билан эшитганди. Йигитлик паллалари экан, Хоразмдан қайтаётганларида душман ис олиб қувишга тушибди. Қизилқум саҳроси. Ҳаво иссиқ.. Сув йўқ... Кучлар тенг эмас, ганим кўпчилик. “Агар душман шамоли қаттиқ эсишга турган бўлса, — деганди соҳибқирон ўшанда. — У ҳолда тавозега юз тутган маъқул, дердилар пирим...” (“Ахийларнинг русуми ҳам шу.” — деб қўйганди Ахий Жаббор ичида). Отларга бир-икки қамчи ортиқроқ урилди. Сув йўқ... Душмандан ҳам кўра ташналик қаттиқроқ қийнади. Соҳибқирон иккита силлиқ юмалоқ тошни тилининг тагига ташлабди-да, айлантира бошлабди, айлантирган сари қуриган оғзида бир-икки томчи сўлак пайдо бўларкан. Шу билан жон сақлаб, душманга ҳам тутқизмай кетган эканлар.

Ахий Жаббор баҳодир ҳам ўша йўлни тутди, тошларни тили билан айлантирди, ростдан ҳам, оғзида уч-тўрт томчи сўлак чиқди! Шоша-пиша ютганди, томоғини қайноқ симобдай жазиллатиб куйдириб ўтди. Айбож ўғлонга ҳам топиб берди. Лекин бор умид сув қидирувчулардан эди.

Карбало даштида сув азалдан анқога шафелиги маълум нарса, шундан чор атрофга йўл олган одамлар излаб-излаб, икки ичимча сув билан қайтдилар холос. Вужуди қақраган Айбож ўғлон дарҳол бир ичимини сипқорди, бироқ барваста йигитга юқ ҳам бўлмади, қайтага ташналигини баттар кучайтирди.

— Сувсоқликдан ҳолим хароб, баҳодир жаноблари... Қонмадим... — тамшанди Айбож ўғлон. — Бу аҳволда дунёдан кўз юмсам ҳам ажаб йўқдир.

— Йўғ-е, нафасни иссиқ қилсунлар, ундоғ демасунлар! Ҳар нарсаниям гап деб сўзлаш ақлданмас...

Баҳодир шундай дерди-ю ўзининг кўнглини ҳам бундан баттарроқ машъум хаёллар қамраб олганидан кўз юмолмасди.

— Ўз ҳолим ўзимга аён... — сўзланди яна Айбож ўғлон.

Дунёда худонинг шундай газаблари бор эканлигидан иккиси ҳам ҳайратда эдилар, қуш учса қаноти куядиган бу саҳрода отлар тили осилганча тоқатсизланиб, юрайми-юрмайми деган алфозда тўхтаб-тўхтаб қолишар, тўпиғидан қумга ботгани юришни яна ҳам оғирлаштирарди. Йўл-йўлақай, жизғанаги чиқиб ўлиб ётган илонлар, калтакесаклар кўзга ташланарди.

— Ёняпман, жигарим сув бўлиб оқяпти, оқ... — мунгсиради оташнок Айбож ўғлон.— Баҳодир жаноблари... Майлими, сўрасам? Агар... энди-да... оқ... агар, борди-ю... ўз ичимингизни менга илинсангиз, тирик қолишим аниқ, йўқ эса ўламен... Қулоғимга тушмиш эрдиким, битта ноннинг ярмини муҳтожга берганни сахий дерлар. Ўзи оч-у ноннинг ҳаммасини муҳтожга берганни ахий деб улуғлайдурлар... Сиз ахийсиз, ахий, Ахий Жаббор баҳодир... Жавонмардлардан эканлигингиз ҳақида эшитгонмен.

Баҳодир ҳолсиз жилмайди-ю расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яқин саҳобалари Салмон ал-Форсийни эслади, рост, бошига қийин дамлар тушган паллаларда доим ўшал зот ёдига тушади. Футувват ва ахийлик тарихида биринчи марта белбоғ боғлаган комил инсон Салмон ал-Форсий ўзи Ироқда, Мадонин шаҳрида ҳоким ҳолида, бўйра тўқиб сотиб, ўз меҳнати эвазига тирикчилик ўтказиб, маошини муҳтожларга садақа қилар экан. Ана, ахийликнинг зийнати! Ахий Жаббор баҳодир унинг ахийлару жавонмардлар орасида машҳур ушбу сўзларини ҳамиша такрорлаб юради: “Футувват — жумла элга инсофу мурувват кўрсатишдир, аммо эвазига ҳеч нарса тиламасликдир, яна ҳам аниқроқ дейилса, барча камчилик, етишмовчиликлар, айбларни ўзига олиш, аммо барча юз берган воқеалардан ўзини ихрожда деб ҳисоблашдир.” Ҳа, ҳар бели боғланган кишики, мард ва комилдир, бас, илдизи Салмон ал-Форсийга бориб уланадир...

Ахий Жаббор баҳодир дадилланди:

— Ҳаққаст-рост... Жавонмардларданмен. Яхши сўзлари учун қуллуқ. — деди у тилини баъзур айлантириб. — Амир соҳибқирон сўйлаб берган эдилар-да... Бу ҳазратнинг ҳикоятлари. Эмиш, бир Араб билан бир Ажам сафарга чиқибдилар. Айни шу Карбало дашти экан... Ажабки, уларнинг бошларига ҳам бизникига ўхшаб қаро кунлар тушибди, сувсизликдан чора топа олмай, бошлари қотибди, ҳалокат ёқасида турганларини сезибдилар... Ажам бор сувини ичиб тугатиб қўйибди, Арабда ҳали озгина бор экан.

— Араблар саховатли, олийҳиммату сермурувват эканликлари, тантиликлари билан оламга ном таратгонлар... — дебди Ажам ҳамроҳининг сувдонидан кўз олмай. — Ташналиқдан ажал домига гирифтордурмен, арабга хос саховат кўргизиб, сувингдан марҳамат айласанг, девдим...

Араб сира ҳам ўйланмай жавоб қилибди:

— Бағоят ҳақ сўзладинг, ҳамсоя!.. Сувимни берсам, ўлишим аниқдур. Аммо... жонимни сақлаб, арабларнинг олийҳиммату саховатпеша деган шарафли номига соя тушишини зинҳор истамасмен! Майли, ўлсам ўлгумдур, аммо арабнинг шаъни деб нафсимнинг ҳиссасидан кечгумдир, сенга ўз ризқу насибамни бахшида этгумдир... Токи арабнинг яхши номи боқий қолгай!

— Қизиқ ҳикоя экан.. Кейин нима бўлди? — ташналикни ҳам бироз унутиб сўради Айбож ўғлон.

— Кейинми?.. Араб ўз сувини шеригига узотибдур... Мен ҳам арабдан улги оламен, Айбож ўғлон жаноблари, — жавонмардлик томирлари кўзғолди Ахий Жаббор баҳодирнинг. — Ўлсам ўламен, аммо туркнинг мардлиги-ю ҳиммати, шаънини юксак тутаман, токи унинг сахию ахий эканлиги, яхши номи жаҳон юзида боқий қолсун! Сизга ўзимнинг бир

ичим сувимни раво кўргаймен! Фақат бир ўтинчим: борди-ю насибам тугаб, шу ерларда ўлсам, соҳибқиронга албатта етказурсиз!..”

— Зинҳор ўлмағайсиз, зинҳор, баҳодир жаноблари! Сиз сабр-тоқатлисиз. Мен бесабрмен, мен! Не қилай, сира чидамда йўқмен...

Айбож ўғлон титраган кўллари билан сувдонни олди ва унга ютоққанча лаб босди! Ташналиги бироз таскин топди шекилли, роҳатланиб: “О-о-оҳ!..” деди-да, намланган лабларини енги билан артди.

Оғзида қизиб кетган икки силлиқ тошни тинимсиз айлантираётган Ахий Жаббор баҳодир ҳолсиз жилмайганча қараб турарди.

Шу палла олдинга юборилган қоровулар қайтиб келдилар. Султон Аҳмад жалойирдан дарак топа олмабдилар. Фақат хотинлари, бир ўғли ва ғанимат нарсаларни кўлга киритишга эришибдилар. Уларнинг фикрича, жалойир дашт ичига кириб йўқолган ё жазирамада жони узилган, аниқ бир нима дейиш қийин эмиш.

Бағдодга қайтишга фармон берилди.

Бағдодда Мироншоҳ Мирзо бошчилигида Айбож ўғлон билан Ахий Жаббор баҳодирларни саройга чорлаган соҳибқирон, дарҳол вазиятни тафтишдан ўтказди. Айбож ўғлоннинг Карбало дашти ҳақидаги ҳикояси жуда таъсирли чиқди. Соҳибқирон қайсар жалойирнинг яна қутулиб қолганидан афсус чекканини яширмади. Аммо Ахий Жаббор баҳодирга мақтов сўзларини айтди:

— Бизга кўп эзгуликлар қилдинг, баҳодир! Уларнинг ичида Айбож ўғлонга қилган яхшилигинг ҳаммасидан ҳам кўра улуғроқдир! Шундоқ, турк бўғини ана шундай саховатликлар ва олийҳимматликлар, тантиликлар билан оламини мусаххар айлагувсидир. Бизлар расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муруватпеша тоифасига талпинамиз. Бу тоифа, каломуллоҳда айтилғонидек, ўзлари эҳтиёжманд бўла туриб, ўзгалар муҳтожлигини юқори кўядилар.

Ахий Жаббор баҳодир соҳибқирон қошида ўлжомиший⁴ йўсинда тиз чўкканида ўзини оламда бахтиёр сизди...

Шу палла муҳассиллар⁵ омонлик моли йиғилганлигини билдирдилар. Соҳибқирон дафтарни олиб эринмай варақлаб чиқди. Қаноатланди шекилли, буюрди:

— Бари лашкар аҳлига тақсимлаб берилсун!

Амир Темур Усмон Қуръонини Самарқандга юборгач, руҳида қандайдир енгиллик сизди. Энди Султон Аҳмад жалойирдан умидни узиши лозим, уни дарамма-дара қувиб юриш номуносиб иш...

У ўзининг Самарқандга қайтиш фурсатлари яқинлашаётганини фаҳмлаб, кўнгли ёришиб кетди. Кўз олдидан Самарқанди фирдавсмонанд, она шаҳри Кеш, муҳташаму маҳобатли Оқсарой, сўлим дилтортар боғлар, моҳиталъат маликалар, ардоқли ўғлон-ушоқлар... бир-бир ўтди, юраги соғинчдан орзиқди.

“Оллоҳга шукрки, Форсни Умаршайх Мирзога, Ҳулагухон тахтини Мироншоҳ Мирзога тобшурдим, — деб ўйлади Амир Темур. — Форсу Ироқу Озарбайжонлардан кўнглим тўқ. Дорилмонлигини энди фарзандлар ўйласунлар. Биздан кейин ҳам юртларни бошқарсунлар,

⁴ **Ўлжомиший** — ҳукмдор ҳузурига кирганда таъзим қилиш расми. «Тобуғ» ҳам дейилади.

⁵ **Муқассил** (араб) — солиқ йиғувчи.

авлод-авлодларига ҳам шундоғ толе буюрсун. Айниқса, Умаршайх Мирзодан умидим катта... Гарчи шартаки, бироз кўрс, кўполлиги бор бўлса ҳам, ўзи кўнгли тоза, мард йигит, ёмонликни ўйламайди. Мироншоҳ Мирзо ҳам жасорат соҳиби, худо инсоф берсун. Энди юрт эмну омонлиги билан ҳам, Султон Аҳмад жалойир билан ҳам, Амир Қора Юсуф билан ҳам улар машғул бўлсунлар. Бари — уларнинг бурчи. Мен эсам, юртимга қайтай ва тезроқ Чинга сафар ташвишини чекай...”

Аммо кутилмаган воқеалар Амир Темурнинг кўл-оёғини ипсиз боғлаб, Ватанга қайтишга имкон бермасди. Бугун-эрта Самарқандга отланаман, деб қатъий турган соҳибқирон ҳали қисмат унинг пешонасига Тўхтамишхон билан яна бир тўқнашиш борлигини, ўрус вилоятларига, табиати совуқ олис Масков томонларгача боришни битиб қўйганлигини, фақат уч(!) йилдан кейингина юртга қайтиш насиб этажagini билмасди.

II

Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳар қанча сўраб-суриштира ҳам, Соғинч бикадан ҳеч хабар топа олмади. У мудҳиш хаёлларни ўзидан қувишга урғинар, иложининг борича яхшиликни ўйларди. Қиз Зарафшонга ўзини отибди, деган гапларга эса у асло ишонмайди.

Амир Аллоҳдод Тошканд ҳокими этиб тайинлангач, — ҳумоюн ўрдудан шундай фармон олинди, — Жаҳоншоҳ ибн Жоку даставвал Самарқандга кўчиб келди. Орадан икки ҳафта ўтгач, уғруқни шайлаб Шаҳрисабзга жўнайман деганда, Соғинч бика воқеаси юз берди.

Кўзлари киртайган гўзал канизакнинг айтишича, Соғинч бика ўша кунни кечаси алламаҳалгача ухламабди, одамлар бир уйқуни уриб қўйган паллалар чамаси экан, канизак унинг бўлмасига қараса, жойнамоз устида узоқ тиловат тушириб ўлтирганмиш. Ҳеч қачон қизни бундай ҳолатда учратмаган экан. Шам ёруғида кечагина Камонгарондан сотиб олинган совуту дубулганинг хона бурчагида турганини илғабди. Илгарилари унинг нақшнинг дубулгани бостириб кийиб, совутга чулганиб олиб ҳовлида кезиб юрганларини бир неча марта кўрган экан...

Фафлат уйқуси босибди-ю, канизак кўзлари юмилганини билмай қолибди. Эрталаб қараса, Соғинч бика жойида йўқ. эмиш! Жаҳоншоҳ ибн Жоку кеча шомда вафот этган Амир Довуд дуғлатнинг дафн маросимида қатнашиш учун Шоҳизинда мазорига кетганди.

Шўрлик ота дабдурустдан ўзни йўқотиб қўяй, деди. Унинг жаҳли чиққанда суйри бурни қизарар, учли ияги билинар-билинемас титрай бошларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Боши қотди. Шу лаҳзадаёқ шаҳар ҳокими Амир Оқбуға найманга бориб аҳволни тушунтириш, навкарларни турли томонларга юбориш лозим, деб ўйлади. Бошқа шаҳарларга чопарлар жўнатишлари керак, ҳаммани оёққа турғизиш зарур. Ўзи ҳам излашга киришади, барча мулозимларини ишга солади. Соғинч бикадан бирон дарак топилса зора...

Аммо тезда бу фикридан қайтди. Бундай йўл тутиш, аввало, инсофдан эмас, бир ташвишинг деб, ҳаммани безовта-ю нотинч қиласан, иккинчидан, ўз сиригини ўзинг дунёга ёясан, ўз хашагингни ўзинг очасан, бу оқил инсонларга ярашмайдиган тутумдир.

Шу палла дўсти Амир Сулаймоншоҳ келиб қолди.

— Қандай ёрдам керак, биродар? — сўради овози яна ҳам дўриллаб. Жаҳоншоҳ ибн Жоку қандай ёрдам кераклигини билмасди.

Бирдан унинг фикри тиниқлаша бошлади-ю канизак Сарвинозни хузурига чақиртирди.

— Соғинч билан сирдош эдингизлар... Нега қарамадинг? Нима қилиб қўйдинг? Мен-ку, кўч-кўч овораси, Соғинч бикани назардан қочирибмен кейинги кунларда... — забтига олди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. Кейин жавоб ҳам кутмай давом этди. — Чоғимда... билсанг керак-а, Соғинч қаердалигини?

Чехраси сўлгин канизак ҳеч нарса демади, унинг сўзлашга ҳоли йўқ, фақат ерга тикилганча чиройли кўзларидан ёш тўкарди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку “Ҳм-м...” деб қўйди-да, сўради:

— Сенга... ҳеч нарса демаганмиди? У ёққа борамен, бу ёққа борамен, деб... А?... Бир нарсадан хафамиди ёки?

— Йўқ... — ердан кўзини олмай жавоб берди мунгсираганча Сарвиноз. — Қандай кунлар бошимизда бор экан, амирим... Оппоғойим бекачим доим қизимнинг ҳолидан хабар олиб тур, деб тайинлагон эрдила. Энди қиёматда дийдор кўришганда...

— Э, нафасингни иссиқ қил! Худди ортиқ кўришмайдигандай гапирасен? Худо сақласун! Келади Соғинч бика, келади! — деди ишонч билан амир, канизакдан ҳам кўра кўпроқ ўзини тинчлантиришни истагандай. — У ботир ва жасур қиз!

— Мен гўлни кечирингиз, амирим! Нима деб қўйдим-а! Эсим ҳам кирди-чиқди бўлқолди ўзи... Кечирингиз, амирим! — йиғламсираганча бошини эгди канизак.

— Сен биласен-а Соғинчнинг қаердалигини?... — сўради яна Жаҳоншоҳ ибн Жоку, бу гал синчковлик билан канизакка тикиларкан.

— Йўқ, йўқ... амирим... Мен шўрлик қайдан билай... Билмаймен... — кўзларини ердан олмасди канизак. Негадир унинг ўнғайсизлангани сезилди.

Сафарберган бошлиқ совчилар айни шу кунларда Самарқандга етиб келишди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку уларни ҳурмат-иззати билан кузатиб юборди-ю, бирдан даҳшатли ҳақиқатни англаб етди! Ҳали ҳам бу воқеа унга тушдай туюларди. Ҳа, қизи йўқ... Йўқлиги энди аниқ бўлди!.. Амир соҳибқироннинг ишонган баҳодирларидан бири, салтанатнинг нуфузли арбоби бўлса-ю, ожизу нотавонлик қилиб, жигаргўшасидан айрилиб турса!

Амир фарзандлар, ҳарам аҳли-ю мулозимларни шитоб чорлашларини буюрди.

— Соғинч бика дилбандим бирон дугонасиникига кетдими ё бошқа... Тошканд ёқларгами... айтмай кетибди. Дарё бўйида машқларга қатнашарди.... Оллоҳ ўз паноҳида асрасун! — деди жиддий. — Энди, барчангиз қулоғингизга қуйиб олингиз! Соғинч биканинг йўқлиги ҳақида ҳеч ким оғиз очмасун, биров биров билан гаплашмасун! Сўраганларга сўз қотилмасун! Гап шу ердан чиқмасун! Кўзингизни очингиз! Эл-халқ билса, не дейдир? Иснод-ку бу? Бу номусга тегадиган нарса... Англадингизму?

Ҳамма саросимага тушди.

Минг бир хил хаёллар оғушида оромидан айрилган кўзлари гирён

бечора ота уйда ўтиролмади. Бир пайт қараса, ёлғиз ўзи Зарафшон бўйларида юрибди. Соғинч бикадан бирон хабар топиларми, деган умидда неча бор Чўпон ота адири атрофларини айланиб чиқди, дам Оқдарё бўйига борди, дам Қорадарё бўйига... Юрганда беихтиёр: “Соғинч бика қизим-а! Соғинч бика қизим-а!..” деб қўярди. Шу орада кимдир, қизни жинлар оздириб олиб қочган, деб қолди. Тиқ этган сасга маҳтал турган одамга, бу ҳам бир нажот дараги бўлиб туюлди. Нужум ва рамал амалларидан хабардор Амир Сайфиддин некўз ёшлигида соҳиб кароматлар ҳақидаги машҳур китобда ўқиган бир ривоятни Жаҳоншоҳ ибн Жокуга гапириб берди.

— Хў-ў-ўш... — бошлади сўзини Амир Сайфиддин некўз. — Қишлоқда бир одам ёлғиз қизига томга чиқиб ўтин олиб тушишни тайинлабди. Қиз, ажабо, томдан ўтин ҳам ташламасмиш, овози ҳам эшитилмасмиш, тушмасмиш ҳам. Шу-шу, дом-дараксиз кетибди. Ҳанг-манг ота кутблар кутби пири комил Фавсул Аъзам ҳузурига бориб арзини айтибди. Пир унга: “Далага боргину кенг жойда жинлар ҳужумини даф этувчи мандал(катак) чиз ва унинг ичига кириб, юз бир марта “Оят ал-Курси”ни ўқи. Ўқийверасан-ўқийверасан, ўқишинг билан, отлиқ жинлар гурсса-гурсса ёнингдан ўтаверади. Охирида жинларнинг подшоҳи пайдо бўлади. Шунда менинг исмимни айтиб, унга дардингни тушунтиргил!” — дейди. Ҳалиги одам пирнинг айтганини адо этади. Хў-ў-ўш... бир пайт жинлар подшоси фармони билан икки жин қизни олиб келишади. Тафтиш чоғида маълум бўладики, жинлар бу сулув қизни хуш кўрганларидан узоқ вақт пойлаб юришган экан. Подшо ҳар икки жинни қатлга буюради... Ота эса қизини олиб қайтади...

— Далага борингиз, баҳодир жаноблари! — тугатди сўзини Амир Сайфиддин некўз. — Шояд жигарпорангиз топилса!

Жаҳоншоҳ ибн Жоку Соғинч бикадай гўзал қизни бандаси тугул, жинлар ҳам ёқтириб қолишига асло шубҳа қилмасди. У даставвал Амир Сайфиддин некўзнинг сўзларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмади. Кейин аллақандай умидда: “Ё Фавс!..” деди-ю, шартта далага жўнади, муносиб жой топиб, мандал чизди, катакка кириб қиблага қараб ўлтирди-да, “Оят ал-Курси”ни ўқий бошлади. Етмишинчи мартада, қандайдир отларнинг дупур-дупури эшитилгандай бўлди, кўзини очса, отлар йўқ, бошида турли қушлар ғужғон ўйнаб учиб юришибди. Амир кечгача мандал ичида қимирламай ўтирди. Бошқа ҳеч қандай садо эшитилмади. Ҳеч қандай жин ҳам, қиз ҳам кўринмади.

“Демак, Соғинч бика жинларга учрамаган... Эҳ, Соғинч, Соғинч! Қайданам сенга шу исмни қўйгон эканмен! Мана энди, соғинтириб кетдинг!..” — деб ўйлади ҳориб-эзилган ота.

Шаҳарга қайтгач, Амир Сайфиддин некўзни излаб топди, воқеани баён қилди ва Куръони каримдан фол очиб беришини сўради. Унга юпанч керак эди. Фолда қуйидаги оят чиқди: “Фа-инна маъа-л-усри йусран инна маъал-усри йусро”.⁶ Жаҳоншоҳ ибн Жокунинг кўнгли бироз таскин топди, ҳа, машаққатлар битгай, шубҳасиз хурсандчиликлар юз очгай... Худо ноумид қўймагай, каломида айтиб қўйибди ахир. Бу изтироблар ортида бахт-саодат кутиб турганлиги аён...

⁶ Шарх сураст, 5-оят. Маъноси: «Албатта қар бир оғирлик — машаққат билан бирга бир енгиллик қам бордир».

Мосулда турган Амир Темур кетма-кет элчилар борганига қарамай, муросага кўнмаётган Миср ва Шом мамлакатларига юриш бошланаётгани сабабли, Самарқандга қайтишни кейинроққа сурди-ю, бутун шаҳру қасабаларга, амирзодалару саркардалар, ҳокимларга лашкарлари билан етиб келишларини буюриб, фармон юборди. Фақат Мордин султонидан садо бўлмади. "Ортимизда ғанимни қолдириб кетиш русумимизда учрамайди", — деди Амир Темур, кўшинини Мордин қалъаси томон бурар экан.

Форс ҳукмдори Умаршайх Мирзо баъзи беклар уриниб ололмаган метиндай Сиржон қалъаси қамалини охирига етказаетганда, олийнишон фармон кўлига тегди. У дарҳол ўғли Пир Муҳаммад Мирзони ёнига чорлатди ва қишнинг қорли-қировли кунда сафар ёқмаса ҳам, лашкарни жамлаб, Мосул томонга жўнади.

Ўн беш ёшли амирзода кейинги уч ойдан бери отасининг ёнида юрарди. Умаршайх Мирзо унинг бўй тортиб қолганлигини, савашларни кўриб ҳарб сирларини ўрганиши лозимлигини айтиб, Боғи Биҳиштга киши юборди ва малика Туман оқадан сўраб олди. Пир Муҳаммад Мирзо келишган, ақлли ва уддабуррон эди, жангларда кўрқмай қатнашарди, лекин табиатан кўнгли юмшоқ, ишонувчан, сермурувват эканлиги одамни ташвишга соларди. Форс ҳукмдори ўз ўғлини кўрқмас саркарда сифатида кўришни худодан тиларди, шу ҳақда бир неча марта гурунг ҳам қурди.

Амирзодам, ботир ва жасур саркарда бўлишингиз керак. Замон, салтанат ташвишлари, атрофдаги душманлар кишининг шундай йўл тутишини тақозо этадир. — насиҳат қилди Умаршайх Мирзо. У отининг жиловини тортиб-тортиб кўяркан, хийла олдиндаги ўттиз чоғли сипоҳдан иборат қоровул сафининг охиригиси олачалпоқ қор босган адир ортида кўринмай кетганини илғади. Орқада турнақатор тизилган йигирма минглик кўшин келмоқдайди.

— Қуллуқ, отажон... — кўл қовуштирди Пир Муҳаммад Мирзо. — Саркардалик нима ўзи?..

— Ботир саркарда унга юкланадиган вазифани яхши англаб олмоғи лозим.

Саркардалик... Бу ҳам қисмат...

Умаршайх Мирзо шундай деди-ю бир лаҳза келажакда суюкли ўғлини салтанат тепасида деб хаёл қилди ва шу ондаёқ негадир хижолат тортди. Амирзода ҳали ёш... Майдон ва даврон сирларини ўрганиш, подшолик русумларини теран билиш ташвишини чекиб ўтирмайди. Чунки бошида бир соябон Умаршайх Мирзо, иккинчи, ундан ҳам улкан соябон — соҳибқирон турибдилар... Нима ғами бор? У ўғлининг келибоқ, салтанат нима, саваш нима, амаки амирзодалар ўртасидаги ҳасад, қитмирлик ва ҳоказолар ҳақида саволларга кўмиб ташлайди, деб ўйлаганди. Йўқ, бирон марта ҳам булар ҳақида сўрамади. Аввалги суҳбатларда бу гапнинг учини сал чиқариб кўярди-ю шу кифоя деб ҳисобларди ўзича. Энди билдики, унга яхшироқ тушунтириш керак экан. Ўғлининг ўн бешга кириб, ҳали ҳам ёш боладай эканлигидан кўрслиги тутди, аммо жаҳлини босди:

— Жасур саркарда бир сўзли, қатъият соҳиби, агар жангга кириш керак деб қарор этган бўлса, хатолигини кейин фаҳмлаб қолса ҳам, қайтмайдиган киши... Амир соҳибқирон айтадиларки, бир ишга киришишдан олдин чиқишни ўйлаб қўй...

Амирзода жиддий қулоқ сола бошлади.

— Жасур саркарда фақат бир нарсани ўйлайди, — давом этди Форс хукмдори, — фақат душманни мағлуб этишни! Олдида фақат ғаним, майдон бор, ғалаба эса унинг ортидадир. Зарур эрса, қўл билан тигни тутишга тайёр бўлиши керак! Саркарда саҳрода лолақизғалдоқни от босиб кетди, майсалар эзилди, деб куйиниб юрмайди, ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам шафқат кўргизмайди. Чумолининг уяси бузилди, деб хижолат чекмайди, бу — қисмат. Хаёлпарастлик ундан йироқ, У уни эшитдикку, қиссахондан Султон Жалолиддин ҳақида. Султон Чингизхон аскарларидан қочиб, ночор Синд дарёси бўйига келди. Онаси, хотинлари, ҳарамидаги аёллар, бизларни ўлдир, хор бўлиб асир тушишдан қутқар, деб ёлвордилар.... Султон жасоратли саркарда эди, у бари Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси эканлигини англади ва... онаси-ю хотинларини дарёга чўктириб юборишларини буюрди...

— Қандай... отажон... чўктириб юбориш мумкин? Онасини-я? Шундай... қараб туриб-а? Демак, саркарда бешафқат одам экан-да?

— Дунёнинг ўзи бешафқат қилиб яратилғон. Ҳаммамиз ўшанинг қўлида ўйинчоқлармиз! Раҳму шафқатни унутиб қўямиз. — Умаршайх Мирзо давом этди. — Жуда кўп саркардаларда шу хислат бор, шафқатсизлик... Бу саркарда табиатига ҳам боғлиқ. Саркарданинг фикр кенглиги жанг пайтида ҳарб майдонига тенгдир, дейдилар Амир соҳибқирон. Ёнингда олов ловуллаб, рўбарўнда душман қилич ўқталиб, жонингни оламен, деб газабнок турса, ўлдирайми-ўлдирмайми, ё “Тўхта, бу феълингдан қайт!” дея инсофга чақирайми, ўлдирсам, адолатдан бўладими ёки адолатсизлик қиламанми, деб ўйлаб ўлтириш гумроҳликдур.

— Отажон... — сўзни кесди амирзода. — Етти-саккиз йил аввал Самарқанддаги зиёфатда амаким амирзода Мироншоҳ Мирзо Ҳиротнинг валиаҳди менинг адашим Пир Муҳаммадни шундоқ қулиб қараб қилич билан бошини узиб ташлаган эканлар. Биз, ёш амирзодалар бу ҳақда кўп гапирамиз, мардлик деб, мақтаб юрамиз.

— Бу мардлик эмас! Мардлик жангда, майдонда билинадур! — Ота ўғлининг хаёли бошқа жойда эканлигидан бироз ранжиди. — Шафқатсизликка мисол холос бу. Мен кимман, деб манмансираш, бошқаларга қўрқув солиш, қуруқ олифтагарчиликнинг нақ ўзи холос!

Умаршайх Мирзо ўғлининг олдида гапи ғийбатга чиқиб қолишидан қўрқиб, мавзуни бошқа ёққа бурди:

— Амир соҳибқирон саркардалик борасинда кўп сўйлағонлар, амирзодам!

Чин саркарданинг кучи-қуввати даставвал уруш майдонини танлашда кўринади, дейдилар ҳазрат, уруш майдони олди очиқ, кенг, душман қўшинидан баландроқда жойлашсин, офтобга рўбарў бўлмасин. У майдон тарзини, душманнинг қай йўсинда жангга кириши ва чиқишини кузатади, то ғанимнинг ўзи уруш бошламагунча чидайди. Чунки, расулуллоҳ айтганларидай, шошқалоқлик шайтоннинг кирдикоридур.

Зинҳор қоча бошлаган душман изидан қувмайди, уларнинг ортида катта кўшин турганлигига фаҳми етади...

— Агар лашкари енгилла бошласа нима қилади?

— У ҳолда саркарданинг ўзи майдонга тушсин, деганлар валинеъмат бобонгиз. Аммо ўққа учса ўрдуга бадномлигу иснод келтирадир, дейдилар... Шу сабабдан ўзини эҳтиёт қилсун...

— Биласизми, отажон, укам-чи, Рустам Мирзо, катта бўлсам, саркарда бўламен, роса одамларни қийратамен, дейдир...

— Саркардалиқ одамларни қийратиш эмас!

Шу палла оти қаттиқ қоқинганидан гапи оғзида қолган Умаршайх Мирзо мункиб йиқилиб тушай деди. “Даъюс!..” — сўкинганча отига қамчи урди Форс ҳукмдори. Қилган ишидан хижолат бўлгандай от бошини эгганча яна йўртиб кетди.

— Ботир ва мард саркарда, ақлли, орқа-олдига қараб қадам босадиган, юрт бошқаришнинг уддасидан чиқа оладиган сардор, кўрқмас, валлават сифат вояга етингиз, амирзодам! Бошқа амирзода амакиларингиз, укаларингиз олдида уялиб қолишдан худо сақласун!.. Катта ўғлимсиз, яратган сизга насибани ҳам катта беради. Токи барча амирзодалар ўзбошимчаликка бормаи, кудратингизни тан олсунлар, машваратингиз тепасида ўлтурсунлар, сўзингизга қулоқ солсунлар, сиздан бемаслаҳат бирор ишга қўл урмасунлар. — давом этди Умаршайх Мирзо. — Худо ҳоҳласа, сизга Исфаҳонни, Рустам Мирзога Хуррамободни, Искандар Мирзога Ҳамадонни тобшуришни мўлжал қилдум... Аҳмад Мирзо энди бешга кирди, унга Язд вилоятини бағишлаб кўйдум...

— Оллоҳ умрингизни зиёда айласун, эй падари бузруквор!

Адирликдан ошиб туша бошладилар, олдинда яна оппоқ қорга чулганган водий ястаниб ётарди. Хаёлларга ботган Пир Муҳаммад Мирзо энди индамасди.

Умаршайх Мирзо соҳибқирон ҳузурига борар экан, кўнглида мамнунлик туйғуси гупирарди. Вилоятдаги муҳолифларни бартараф қилиш унинг кўп вақтини олди. Нафсиламрини айтганда, иш осон кечмади. Ҳумоюн ўрдудаги сўнгги машваратда ҳам соҳибқирон Форсда ҳали ҳануз нотинч вазият кўпчиб турганини яна таъкидлаб ўтдилар, Умаршайх Мирзо бошини кўтаролмай ўтирди. “Кўрагон”ликдан гердаядиган одат чиқарган Мироншоҳ Мирзо ер остидан оғасига қараб-қараб кўйди, ичида мамнун эканлигини яширмади. Ҳа, оға билан ука — тарозининг икки палласи: бирининг нуфузи қанчалик пасайса, обрўси тушса, иккинчисиники шунчалик ошади. Мана энди, унинг олдида бузғунчилар уясига айланган Гармсирдаги Шаҳриёр, Фадак, айниқса мустаҳкамлиги, қаршилиқ яловини баланд кўтарганлиги билан соҳибқироннинг ҳамиятига теккан Истаҳр каби қалъалар фатҳ этилганлиги, — унга Сиржон ҳам кўшилди, — Форс вилоятига дориломонлик замонлари келганлиги ҳақидаги хушхабарни соҳибқиронга етказишдек шарафли вазифа турибди. Бу сафар машварат бошқача ўтади. Мироншоҳ Мирзо ҳам қойил қолиб, ерга боқиб ўлтирса керак. Ўтган йили ёзда Исфаҳон машваратида Амир соҳибқирон унга Ҳулагухон мулкани топширганларидан кейин, укаси ортиқча манмансирашга берилиб кетди. Уни ўйлагани сари ичида хижолат бўлади.

“Форс вилоятида бесаранжомликлар ҳозир йўқ... — Умаршайх Мирзо укаси ҳақидаги ҳаёлларни ўзидан қувишга уринди. — Энди бориб Амир соҳибқирондан ижозат сўрамак, ёрдам тиламак мумкин! Бас, кўпдан кўнглимда сақлаб юрган ниятимни амалга оширамен! Тингчиларим хабарларига кўра, Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишхон тап тортмай Дарбандга чангал солибдур. Амир соҳибқироннинг шу ерларда юрганлигини билиб туриб, журъат этибдур, нокас! Сигноқ томонда ҳам гала-гала аскарлари изғиб юраркан. Неча йилдирки, Ҳазрат ундан озурдалар... Мироншоҳ Мирзо ҳам Тўхтамишхонни қочириб юбордингиз, деб ҳар гапида теккизиб ўтади, жағи ёпилмайди. Иншооллоҳ, зафарқарин кўшинимни унга томон бурамен ва енгиб, ўзини қўйдек ҳайдаб, валинеъмат соҳибқирон ҳузурига олиб келамен! Бу ниятимни амалга оширмагунча, дунёдан кетмасмен!..”

Ҳали Бағдодга тўрт манзил йўл бор эди, Курдистондан ўтиб, Хармотур деган қалъага етдилар. Кўшинга уч кунлик ҳордиқ буюрилди. Ҳар бир бек ўз юмуши бошини тутди. Фавқуллодда бежамали қурилган, тепаликда бамисли узукка кўз қўйгандек чиройли жойлашган, теврак-атроф кафтдек кўриниб турадиган ғиштин кўҳна қалъа амирзодага, Кешнинг Оқсаройидай бўлмаса ҳам, ҳарқалай улугвор, фариштали, дилтортар, шинам бир маскандай туюлди.

— Оламда шундай чиройли жойлар ҳам бор-а! Қишда шунча, баҳор-ёзда жаннатнинг ўзи бўлар экан-да!.. — деб юборди ҳайратда амирзода. — Кеш музофотига жуда ўхшаб кетаркан! Бирам Кешни соғиндимки!.. Бу ерда толеи баланд одамлар яшаса керак...

Унда сайр этиш, кўнгил очиш, ичкарига кириб айланиб чиқиш истаги туғилди, агар вақт изн берса, ов уюштириш ҳам мумкинлигига диққатни қаратди. Ҳаво ҳам мўътадиллашиб қолган, ёқимли эди. Отдан тушди-да, ўзини масъуду мамнун сезганча, атрофни ёлғиз томоша қилишга киришди. Оппоқ қорга чулганган борлиқ кўзни қамаштирарди.

Кўҳна қалъанинг девори жуда қалин, устида нақ бир арава юра оларди, баландлиги ўттиз беш газ чиқади, тошдан ишланган пойдеворининг ўзи етти газча бор. Ҳар йигирма қадамда шинак — дарчалар қўйилган. Аммо қалъада ҳеч ким йўқ, атрофда бирон тирик жон нафаси сезилмасди. Фавқуллодда завқу сурур оғушида оҳиста-оҳиста қадам ташлар экан, Умаршайх Мирзо: “Қалъа тепасига чиқамену, ўша чиройли шинаклардан олис-олисларга тўйиб-тўйиб қараймен!..”, — деб қўйди ўзича.

Иттифоқо, шу палла қалъада қандайдир бир одам бекорчиликдан, ўйнаб ҳар томонга ўқлар отиб, ўз вақтини чоғ қиларди. Кутилмаганда, маталларда айтилганидек, ўйиндан ўқ чиқди: адашган ўқлардан бири Умаршайх Мирзонинг қулоғи тагига санчилди! Қалъанинг нариги томонида юрган Пир Муҳаммад Мирзо бирдан отасининг: “Воҳ!” деб қаттиқ қичқириб юборганини эшитди! Шошилганча югуриб келиб қараса, Форс ҳукмдори оғзидан қон оққанча, ерда инграниб ётибди... Ҳанг-манг ўғил ўзини отасига отди:

— Отажоним! Падари бузруквор!..

— Куним битибдур... Амирзодам... қулоқ солингиз... Тўнғич ўғлимсиз... Билиб қўйингиз... Онам Тўлун оқа... момонгиз... Амир соҳибқироннинг канизакларидан эканлар... Бу ҳам қисмат... Шундан валиаҳд бўлолмадим... Их-м!.. И-и-им-мм!.. — Кўзлари ола-кула Умаршайх Мирзонинг нафаси

қисганидан зўрға гапирарди. — Билиб қўйингким, сизларга ҳам насиб этмайдур... менинг ўғлимсиз...

— Нега?.. Нега?.. Нега ахир?..

Пир Муҳаммад Мирзо бу саволига жавоб ололмади. Отасининг узоқ йиллар кўнглида сақлаб юрган армонини илк марта эшитиб, худди ота-онаси бағрида ўсиб вояга етган, ақли тўлишган паллада бирдан даҳшатли ҳақиқатни — боқиб олинганлигини билган фарзанд ҳолига тушди, тили тутилиб қолди. Чархи фалакнинг икки аёвсиз зарбаси — отасидан жудо бўлиши ва валиаҳдликка ҳаққи йўқ экани — уни батамом эсанкиратиб қўйди.

— Ўғлим... ўғлим... Хоким бегона ерларда қолиб кетмасун... Кешга элтингизлар... — Умаршайх Мирзонинг гапириши тобора қийинлашиб борар, сўзлари узуқ-юлуқ чиқар, дам-бадам қон тупурарди. — Тўхтамишхондан... қасос оласен!..

— Отажоним!..

— Оласен... Йўқса, гўримда тикка турамен!.. Қасос... қас... қа... Лоилоҳа... илаллоҳу-у-у...у...

— Отажон!.. Отажон!.. Ҳой, амирлар!! Беклар!! Бу ёққа! Бу ёққа!.. Отажон!!! — қичқириб юборди жон ҳалпида Пир Муҳаммад Мирзо. У барини тушда кўраётгандек, жудолик мусибатини ҳали тўлиқ англаб етмаган эса-да, кўнглининг бир четидан беихтиёр: “Энди Форс вилоятининг ҳукмдоримен!”, деган фикр бир қалқиб ўтди...

Умаршайх Мирзо калима қайтарганча, жон таслим қилди. Беклар саросимада гунгу лол қотиб қолдилар:

— Амир соҳибқиронга не деймиз?..

— Нақ бошимиз кетади, соҳибқироннинг қаҳрлари қаттиқ... Асраб қололмадингизлар, бепарво бўлдингизлар, деб жазо беради...

— Бизнинг не ёзуғимиз бор?..

Ҳалигина оламнинг гўзалликларидан завқланиб-шавқланиб турган ҳукмдорнинг шундоқ кўз олдидарида жон омонатини ўз эгасига топшириши ҳеч ақлга сиғмасди. Улар “Банданинг умри бир лаҳзаликда...” дея ҳам амирзодани, ҳам ўзларини юпатишдан ўзга чора тополмадилар.

— Бадбахт қалъани ер билан яксон қилинсун! — қичқирди кўзлари қонга тўлган Пир Муҳаммад Мирзо. — Биронта тирик жон қолмасун, бари қиличдан ўтказилсун!

Қирғину талотўп авжга чиқди. Қорлар қонга бўялди...

Умаршайх Мирзо жасадини пойтахт Шероз шаҳрига жўнатдилар.

Айни бу паллаларда Амир Темур Мординга борар экан, чакалакзор ва тўқайзор ерга етганда, қўшинга тўхташни буюрди.

— Шикор қилинсун! — буюрди Амир Темур. — Пиёдалар чап томонга сойлигу сайхонларга, суворийлар ўнг томонга қишлоқларга, даладашларга тарқалсунлар, токи саҳро ҳайвонлари ўровга олинсун! Ҳар тарафдан ноғоралар қоқилсун, карнай-сурнайлар чалинсун, уларга бурғулар қўшилсун!

Еру осмон шовқин-суронга тўлиб, нақ қиёмат қойим бўлди. Қасиргадан ваҳимага тушиб, инларидан отилиб чиққан ҳайвонлар ўтакаси ёрилганча, у ёқдан-бу ёққа чопишар, бўкиришар, маърашар, чийиллашиб увлашарди. Тўсатдан ёприлган бало-қазодан қандай қутулишни билмай, ўзларини унутиб, бир-бирининг пинжига киришга

уринишарди. Қоракийик ургочи шерга ҳайиқмай ёндошди, шақол қуён болалари орасига ўзини урди, бўри оҳулар ичидан паноҳ излади, йўлбарс кийик билан топишди, қулон шерга сиғиниб борди, сайғоқ — тулки дўст бўлди... Айиқ, кўтос, туяқушлар гарангсиб сеҳрлангандай жойларида қотдилар. Катта майдонни қамраб олган улкан қора ҳалқа сурони кўкни қоплади, кишини жунбушга келтирадиган ҳайқириқлар борлиқни тутди.

Тоғ тарафда узоқларда икки отлиқ, учқур този итларга ҳам еткизмай бораётган жайронлар тўдасини қувиб борарди. Улардан бири — оқ от минган Мироншоҳ Мирзо (овни таклиф этган шу амирзода эди) эканлигини Амир Темур аниқ илғади. Оқ от қорда бамисли йўқдай кўринмас, қора пўстинга ўралган амирзода худди ўлжа кетидан ер бағирлаб учиб бораётган қора учқур бургутга менгзарди. Айрим амирлар илвасин излаб, жануб томондаги каттагина қўл бўйига йўл олишган. Чап томондан эса: “Ушла! Олдини тўс!.. Қочди! Қочди!..” деган овозлар эшитилади. Баланд тепаликдаги шоҳона чодирдан чиқиб қузатаётган соҳибқироннинг бор диққати тобора торайиб келаётган улкан ҳалқада экан, калапатра ҳайвонлар тутумига боқиб, ўзини кулгидан тўхтата олмасди.

У қўлидаги қарчиғайни овга солишга ҳали фурсат бор деб ҳисоблади. Ҳаёлининг бир четида йўлда келаётган Умаршайх Мирзо турарди. “Амирзодам овнинг додини бермоғи шубҳасиз эди! У моҳир мерган...” — ўйлади нечундир ўғлининг қадамларига интизор бўлиб соҳибқирон. Умаршайх Мирзо Мординга ўхшаш баланд тоғ устига қурилган қалъаларни забт этишни ҳамиша ёқтирарди. Келса, Мординни қамал қиладилар-у Миср ва Шомга жўнаб кетадилар.

Бу орада эрталабдан олис-олисларда ҳай-ҳайлаб ов излаб юришган беку лашкарбошилар бир-бир қайта бошлашди.

Ҳамма соҳибқирон олдида ўзининг шижоатини намоён этиб, олий назарга тушиш учун беку навқарга Оллоҳнинг инояти-ю яратган имконияти бўлган шикордан унумли нафланиб қолишни истарди.

Чап томондан яқинлашаётган Амир Шоҳмалик олдида бир тирик олқорни ўнгарганча, атрофга хотиржам боқар, ўнг томонда эса Шайх Нуриддин баҳодир ўнта тустовуқни бўйнига шода монанд осиб олган, эгар орқасида отиб ўлдирилган бўри танаси боғланган, махлуқнинг қўл-оёқлари дам-бадам от қорнига тегиб шалпилларди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку билан Муҳаммад Чуроға додхоҳлар каттагина қоракийикни тўрт оёғидан битта арқонда боғлаб, ёғочга илишиб, тўрт навқарга кўтартириб олишганди. Валиаҳд Муҳаммад Султон, Ахий Жаббор баҳодир, Айбож ўғлон, Амир Сулаймоншоҳ, Мирзо Алибек, Султон Ҳусайн Мирзолар қора ҳалқани бошқаришарди.

Шу палла ҳайқирганча, Мироншоҳ Мирзо етиб келди! Эгарнинг олдида отга ўнгарилган жайрон кўзга ташланди. Ҳамма жайроннинг бўғозлигини кўриб: “Оҳ!” деб юборди. Ўқ ўмганидан тегибди. Юмилмаган чиройли кўзлари худди соҳибқиронга: “Менинг айбим нима?..” деб маломат қилиб зориллаб, тикилиб тургандай туюлди. Соҳибқироннинг юраги титради. “Қорнида боласи бор экан, шунини ўлдирибди-я! Амирзода Мироншоҳда шафқат камроқ-да...” — деб ўйлади афсус билан.

— Амир соҳибқирон! Амир соҳибқиро-о-он! — деган овоз эшитилди бирдан. Юз қадамлар наридан бир чопар отдан тушиб, тиззалаб фарёд айлаб келарди.

— Бир қошиқ қонимдан кечингиз!.. Умаршайх Мирзо... Умаршайх Мирзо... амирзодам... Бир қошиқ қонимдан... Энди нима қилғоймиз?... Қонимдан кечингиз...

Чопар ҳаллослар экан, бошқа сўз айтолмасди.

Амир Шоҳмалик ва Жаҳоншоҳ ибн Жоку бир томондан, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Шайх Нуриддин баҳодирлар иккинчи ёқдан чопар ёнига югуриб бордилар-да, қўлтиғидан тутиб кўтардилар.

— Нима бўлди? Ўзингни бос! Тушунтириб сўзла! Секин!..

Чопар ҳамма нарсани тушунтириб бергунча, хотинлардай пиқиллаб йиғлашдан ўзини тиялмади... Изтиробга тушган амирлар ҳеч яшириб бўлмайдиган бу ҳақиқатни айтмаслик чораси йўқлигини билишарди. Барчаси соҳибқирон тўнининг пешларини кўзларига суртиб, гуноҳларидан кечишларини сўраб, тавоф айлаб, ётиғи билан мусибатдан арз қилдилар ва сабр-тоқат тиладилар... Жаҳонгир Мирзодан сўнг суюкли шаҳзода даражасига кўтарилган Умаршайх Мирзо вафотидан⁷ Амир соҳибқироннинг қадди букилмаса эди, деб қўрқардилар, холос.

— Албатта, биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта ул зотга қайтгувчиларимиз... — деди босиқ овозда кўзларига тўлган ёшдан бир томчисини ҳам ерга туширишга қўймай Амир Темур. У ҳамиша оғир дамларда ўзини қўлга олиб, Оллоҳнинг каломига суянар, жунбушга тушган кўнглига шундай таскин топарди. — Бешак-шубҳа... Қўлимдаги қарчиғайимни овга солмоққа шайланғон эрдим. Қарчиғайимнинг ўзини мерганларнинг мергани овлаб кетди, бургутга бергисиз қарчиғайимни!.. Не қилса, халлоқи безаволнинг ўзи қилур...

Орага нохуш жимлик чўкди.

— Ўқдек тўғри бўлмоқлик, кибру ҳавога йўл очмаслиги лозим... — негадир ўйланиб қолди соҳибқирон. — Умрнинг ўзини ҳам ўқдек ўтаётганини билмайди-да киши... Амирзодам барига қўл силтаб кетди.

Амир Темурнинг юрак ҳоври сал пасайиб турганди, етиб келган дийдаи гирён Пир Муҳаммад Мирзонинг ўзини соҳибқирон оёғига ташлаши дардни янгилади. Амир Темурнинг бардоши чидамади, набирасини қўлтиғидан кўтариб турғизгач, бағрига босаркан, ичидаги дард "Уф-ф-ф!.." шаклида отилиб чиқди. Кейин дарҳол ўзини ўнглади:

— Ўқсинма, ўқсинма... Ношукур бўлмайлик. Ҳа... Бири кам дунё деб шуни айтадилар. Тўқис дунё қайда бор, ҳайхот! — Амир Темур Шероз тарафларга кўз тикди. — Аввали, парвардигор мени бало-қазолардан асради, менга отилган не-не захри қотил ўқларни бартараф этди, ҳифзу ҳимоясига олди, аммо... фарзандлардан қисди! Иккинчи ўғлимдан ҳам айрилиб турибмен... Бу ҳам парвардигорнинг илтифоти. Мени синади, катта синовларга ташлади мени... Ўзининг суйган бандасига шундай ташвишу мусибатлар юбориб туради. Беадад шукур!.. Илоҳи, ҳамиша ўзи ёдида сақласун, ҳеч бир бандасини фаромуш этмасун!

"Худо сабр берсун!", "Худо сабр берсун!" деган овозлар эшитилди атрофдан. Ҳамманинг боши эгик, ҳалигина шикорнинг суронларидан завқланган кўнгиллар, энди мусибат доғидан зада эди.

— Ҳа... Иккинчи ўғлимдан ҳам айрилдим... — деди яна соҳибқирон ва, иттифоқо, назари Мироншоҳ Мирзо отига ўнгарилган бўғоз жайронга

⁷ Воқеа милодий 1394 йилнинг январ ойида рўй берган.

тушди. Бугун-эрта болалаши мумкин жайрон ҳали-ҳануз юмилмай қолган чиройли кўзларини тикканча: “Менинг айбим нима?..” дея маломат қилиб турарди. Соҳибқироннинг увалган юраги тагин эзилди, ичида амирзодадан ранжиганини билдирмади, Муҳаммад Чуроға додҳоғга қаради-ю буюрди:

— Умаршайх Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад Мирзо Форс вилояти ҳокимлигига лойиқ кўрилсун! Амирзодани Шерозга элтсунлар!

Амирлар Шерознинг янги ҳукмдорини дабдурустдан қутлашга журъат этолмасдилар.

Соҳибқирон оҳиста ортига ўгирилди, кўзларига тўлиб, ана тўкиламан, мана тўкиламан, деб турган ёшлар энди унга бўйсунмай кўйишди. У ҳеч кимга боқмай, шоҳчодирга кирди... Лаҳза ўтмай, бир марта ўкраган овоз эшитилди. Чамаси, борлиқ-вужудини тўлдириб юборган ғусса отилиб чиққанди.

II

Мордин қамали қарийб икки ойга чўзилди. Икки ой давомида жувонмарг ўғлининг сиймоси Амир Темур кўз ўнгидан кетмади. Шартаки, бироз кўрс табиатли, юмалоқ юзли, кўзлари онасиники — соҳибқирон канизак Тўлун оқани жайронники сингари чиройли чашми шаҳлоси туфайли дилдан суярди. Исмига муносиб тўлин ойдай ғўзал аёл эди Тўлун оқа!

Кўнгли бесаранжом бўлиб ҳар уч кунда Султонияга чопар йўллар, янгиликлар борми, деб сўратар, келишини кутмай, яна янгисини юборар, Сароймулкхонимдан хабарлар тиларди. Кенжа келини, Шоҳруҳ Мирзо хотини Гавҳаршодбегимнинг ой-куни етиб турибди... Оллоҳ қандай набира ато этар экан? Берса, умри билан берсин ишқилиб...

Барча маликаларнинг онахони бўлиб йиғлай-йиғлай, Умаршайх Мирзонинг дастлабки маросимларини ўтказган Сароймулкхоним, Шероздан Султонияга тезроқ қайтиш чорасини излади. Унинг ташвиши ҳам ўша. Ўн беш ёшли келинчак, салтанатнинг нуфузли амирларидан Ғиёсиддин тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим... Шоҳруҳ Мирзо хонадониди биринчи фарзанд кутилмоқда.

Милодий 1394 йил Наврўз кунлари бутун Турон мамлакати учун қутлуғ келди:

— Соҳибқирон келинлари, малика Гавҳаршодбегим салтанатга паҳлавон ўғил ҳадя этдилар! — суюнчилади чодирдан чиққан доя хотин...

— Вой, ўғил!.. Ўғил!.. Оҳ-оҳ! — Сароймулкхоним қичқириб юборди. У ўзидан кўра ҳам, соҳибқироннинг қанчалар қувонишини хаёлидан ўтказди.

Маҳди улё суюнчисига тайёрлаб қўйган полукли гулдор ҳамённи узатди. Чақалоқнинг қулоғига азон айтдириб, Турон тупроғидан олдириб турпоқлатди. Ирим қилиб, кичик чилласини ўтказгачгина, соҳибқиронга чопар йўлламоқни кўнглига тугди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, хушxabарни ҳазратга биров орқали эмас, ўзи етказиши лозимлигини англади. Ўзи бориб қутласин, соҳибқироннинг Умаршайх Мирзо мусибатидан чўкиб қолган кўзларида шодлик учкунлари чақнаганини кўриб, ўзи ҳам қувонсин... Чақалоққа исм айтсунлар, суюнчисини ҳам узатиб қўйсунлар... Кейин, бошқа зарур гапи ҳам бор катта маликанинг...

Мордин қалъаси эса ҳамон буй бермасди. Баланд қоядаги шоҳчодирда машварат чақирилди. Кечагина Андхойдан қайтган пири муршид Мир Саййид Барака, валиаҳд Муҳаммад Султон, Мироншоҳ Мирзо, амирлар, саркардалар соҳибқирон сўзларини эшитишга муштоқ эдилар.

— Оллоҳ шоҳиддурки, инсофга чорлаймиз, деб шунча вақтни бой бердик. Сабр этагини тутдук. Қалъа бамисоли бокира қиздек ёнига кимсани яқинлаштиришни истамайдур... Кўрғонимиз энг баланд қояда жойлашган, бировнинг қўли етмайди, деб хоматама бўлгонлар шекилли... Энди ўзларидан кўрсунлар! Қалъа таг-тугидан кўпорилсун! Мордин ҳам, ичиндаги Қалъаи ал-Боз ҳам! Манжаниқлар ишга солинсун! Кўчма миноралар тиклансун! Шафқат қилинмасун!

Амир Темурнинг қарори қатъий эди. Худди Умаршайх Мирзонинг ўлимига Хармотур қалъасидагилар эмас, балки мординликлар айбдордай туюлди соҳибқирон назарида... Шу топда ўзи ҳам жангга отиладигандай алпозда, сабрсизланганча у ёқдан-бу ёққа юрарди.

— Ҳали улар бизни яхши билмайдурлар, билгонларида кеч бўладур! — деди қалъа ёққа тикиларкан соҳибқирон.

Гарчи ҳукмдорнинг айтган сўзи отилган ўқ эканлигини билса ҳам, Муҳаммад Чуроға додхоҳ ноумид-шайтон, қабалида иш тутиб, бир уриниб, соҳибқиронни ниятидан қайтармоқчи бўлди. Аммо Амир Темурга боқиб даҳшатга тушди! Ҳамиша соҳибқирон чеҳрасини безаб турадиган мулойим нигоҳлар йўқ, аксинча кўзлар қисилган, қўл соқол учиди, пурғазаб ҳукмдор фавқуллода жунбушга келган... Шундай ҳолат Исфаҳон воқеасида, даставвал исфаҳонликларнинг уч минг солиқчини ноҳақдан ўлдирганларини билганида, кейин эса ўлганлар калласидан минора ясаганларини эшитганида юз берганлигини Муҳаммад Чуроға додхоҳ ўз кўзи билан кўрган.

Додхоҳнинг кўнглини, шубҳасиз, амирзолалардан бири, Мордин ҳокимининг беадаблиги туфайлигина шундай мустаҳкам қалъа бузилиб ташланадирму, салтанатга мустаҳкам қалъалар ҳам керак-ку, афв этингиз, дея сўрайди, деган умид илтиб турарди. Балки пири муршид сўзга оғиз очарлар?

Аммо ҳеч ким сўз кўшишга ботинмади. Ўзи энди гапирмоққа тараддуллана бошлаган ҳам эдики, соҳибқирон буюрди:

— Мамат! Фармон кўшинга етказилсун!

Ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Машварат тутагач, барча қиличига мағрур бўлиб, қалъа тараф йўналди.

Амир Темур шоҳчодир олдидаги муваққат тахтда асаби таранглашган ҳолда ўлтирар, кенг пешонасидаги тириш сира кетишни истамасди. Мир Саййид Барака тахтнинг ўнг томонида, Муҳаммад Чуроға додхоҳ чапда ёзилган тўрт қават ипак кўрпачаларга тиз чўқдилар.

Бурғулар ўкраб, ноғоралар чалиниб, карнайлар садо берди. Даҳшатли жанг бошланди. Одатда, навкарлар қалъа рўпарасига тўрт қаватли даббаба — кўчма миноралар ўрнатишар, уни юрувчи қалъа ҳам дейишарди, журъатли навкарлар кўрқмасдан мустаҳкам сандиқларда қалъа оғзигача кўтарилишарё мардона жангга киришишарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қалъанинг тўрт томонида кўкка буй чўзган адил тераклардай ўсиб чиққан миноралар мординликлар юрагига кўркув солди. Тепаликларга ўрнатилган арродалар⁸ тинимсиз ёғдирган тошлардан қалъа деворларида рахналар

⁸ Аррода — жангда, қалъа деворини бузишга, катта тошларни узоққа отишга мосланган махсус қурилма.

кўпайиб борар, ҳар жой-ҳар жойда шотини шотига улаб, деворга тирмашаётган жасур жангчилар кўзга ташланарди. Борлиқни чанг-тўзон қоплади, сурон кўпди.

Қалъани кузатар экан, соҳибқиронни хаёл чулғади: ”Мордин ҳокими Исо нимасига ишонадур? Бундан етти йил аввал Табризда туриб чорлағонимизда, ҳамма келди, у эса, ҳузурларига боришимга Миср султони Барқуқнинг олий ижозати керак, деган баҳонани рўқач қилди. Барқуқнинг не алоқаси бор? Ҳа, унинг суянғони султон Барқуқ... “

— Мамат! Миср султони Барқуқ “ҳе” йўқ, ”бе” йўқ, ҳали бунинг жавоби бор, деб ўйлаб ўлтирмасдан, Бағдоддан юборилган элчимизни қатл қилдирибдур, элчилик русумида бу оқланмайдур... Сабаби нимада эркан? — сўради босиқ Амир Темур. — Мактубларимизга жавоб юбормайдур. Фуломимиз Отламишбек бир йилдан ўтди, ҳамон зиндонда ётибдур... Наҳот яхшилик йўли бирлан буни ҳал этиш мумкин эрмас?

— Тингчиларнинг хабарлари рост чиқди, Амир соҳибқирон! — вазиятни изоҳлашга уринди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Сизга айтсам, Миср султони Барқуқ Рум императўри Боязид Йилдирим билан тил топишган шекилли. Бир-бирларидан ис олишгани аниқ. Шунга ишониб, ноҳўя хатти-ҳаракатларга бормоқда. Йилдирим Миср билан дўстлашиш баҳонасида қўшинларини ҳамма чегараларни бузиб, Мосулгача боришни буюрибди. Синжар ва Қайсария ҳокимлари султон Барқуққа элчи юбориб, ўзларининг тобеъ эканликлари ва унинг номи хутбага қўшиб ўқиладигани ҳақида суюнчиладилар... Султон Барқуқ Султон Аҳмад жалойирни тағин Бағдод тахтига ўтқизиш ниятидадур...

— Оқил кенгашингизга кулоқ солмаса, бу уларнинг яхши-ёмоннинг фарқига бормай қолғонларидан далолатдур, Амир соҳибқирон! — деди хаёлларга берилган Мир Саййид Барака.

Жимлик чўкди. Қалъа томонга тикиларкан, Амир Темур ниҳоят сўзга лаб очди:

— Миср султони душманимиз Султон Аҳмад жалойирга бошпана берди, уни ўз мамлакатидан чиқариб юбориш ҳақидаги талабимиз ҳам бежавоб қолди...

— Амир Қора Юсуф-чи? — Муҳаммад Чуроға додхоҳни ҳаяжон чулғагани. — Ўзларининг Хоразмда эканликларидан фойдаланиб, десангиз, Султон Барқуқ ёрдамида тағин Табризни эгаллади. У дарҳол Миср султони номига танга — бор-йўғи эллик танга! — зарб қилдириб, Қоҳирага жўнатди, хутбаларни Миср султони номи билан бошлайдурғон бўлғон...

— Биламен, биламен... У баттолдан сўз очма!..

— Кеча сўнгги мактубимизга Султон Барқуқдан жавоб олдик, Амир соҳибқирон...

— Шундайми?

— Билдиришга журъат етмади... Бу бадхоҳ элчиларимизни ўлдиртирадур, зиндонга ташлатадур, ўзини осмон фаҳмлайдур, борган одамларимиз олдида: ”Мен бу чўлоқдан кўрқмаймен, чунки барча подшоҳлар мени кўллаб турибдурлар. Мен фақат Боязид Йилдиримдан кўрқаман!” — дер эмиш ҳар гапида...

— Ҳай-ҳай, оғзига тош! Оғзига тош! — сўз қўшди пири муршид.

Амир Темур кескин тарзда деди:

— Кимса бирлан баҳсада рақибининг бирон аъсосигами, қусуригами ишора қилмак, чорасизлик, ожизлик белгисидур... Бировдан кўрқиш-кўрқмаслик ҳар кимнинг кўнгил хоҳиши, аммо ҳурмат айламоғи шарт! Хатни ўқи-чи...

“Худосиз (жоним сизга омода, ҳазратим, узр, бу ерда шундоғ ёзилган) Темурлангга жавобимиз: Биз парвардигор инояти бирлан ўзимизни дини ислом ҳомийси деб ҳисоблайдурмиз ва, хомтама бўлмасунларким, ёлғиз Оллоҳнинг расули Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобларига ва амир ал-мўминин, яъни халифа зоти олийларига итоат айлайдурмиз! Ўзгаларга итоат айлайдурғонлар ҳали бизда туғилмағон... Яна шунни маълум қиламизки, усмонли султон шавкатли Боязид Йилдирым бизга мактуб йўлаб, агар Темурлангга қарши курашсак, ўз қўшинидан икки юз минг йеничарни беришга тайёр эканлигини билдирибдурлар... Султон Аҳмад жалойирни эса Бағдоддаги ноибимиз этиб тайин қилдук...”

— Бас! — деб юборди Амир Темур. Кейин ўйланганча қўшиб қўйди: — Ҳа, улар бизни билмайдурлар, аммо билганларида кеч бўладур...

Жангнинг боришини кузатар экан, Амир Темурнинг кўзи, иттифоқо, кунчиқар томонга, Кўкча денгиз йўлига тушиб қолди. Олисида катта уғруқ қораси кўринди. Туя устида маҳобатли яшил тахтиравон чайқалиб келарди. Юраги бир қалқди. Наҳотки, бу, ўша азиза-ю муқаррама маҳди улё Сароймулкхоним маофаси?! Туғи, ранги ўхшаб турибди. Ўшамикин? Соҳибқироннинг юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

Шу палла мулозим Муҳаммад Чуроға додхоҳга Ширвон султони Шайх Иброҳимдан чопар етганлигини билдирди. Додхоҳ мактубни икки қўлаб соҳибқиронга тутар экан, ташвишланганини яшира олмади:

— Тингчилик бўлсин, ишқилиб... Худо пошшо эгам, деганлар...

— Савоғини еч-да, мактубни оч! — буюрди хотиржам Амир Темур. Соҳибқирон мактубни ўқий бошлади, у қисқа ва лўнда ёзилган эди:

“Соҳибқирони комкор Абулмузаффар Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийларига этиб маълум бўлғайким, Оллоҳнинг паноҳида тўрт кўз тугал юрибдурбиз. Юрту эл омонда... сарҳадлар тинчу дорилмон... эрди. Бутун фикру хаёллари, саъю саботлари Оллоҳнинг бандаларини бахтли айламак янглиғ оламжаҳон ташвиш бирлан банд валинеъмат соҳибқирон фароғатларини бузмакка журъат этғонимдан бағоят озурдамен... Бир ой аввал Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон оқибатини ўйламай, Ширвон тупроғига оёқ қўйди... Иддаоси кучли, қатли ом қилмак анинг мақсуди эрди. Юртга адашиб кириб қолғон дайди шамолға тоғдек рўбарў бўлдук. Оқибат ул бадбахт Тарак суйи ортига чекинди Нобакорнинг тутумини кўрсунларким, Шайх Иброҳим Дарбандийнинг Соҳибқирони муаззам ўғли ва тобеъини, Ширвоннинг эса сояи давлатларида эрконлигини била туриб, писанд этмай бадкорлиқ йўлини танлабдур.

Тингчиларим сўзларига қараганда, Тўхтамишхон, Ироқ пошшоси Султон Аҳмад жалойир, қорақуюнлилар ҳокими Амир Қора Юсуф ва Миср султони Барқуқ, Рум султони Абу Язидлар бирлан, бир қошиқ қонимдан кечсунлар, ўзларига қарши от сурмакчи эрмишлар... Хаёл қилурбизки, ростдан ҳам ул бебошвоқнинг танобини тортиб қўймак фурсатлари келибдур! Балони

қанчалар тез даф қилинса, шунчалар савобдур, дейдилар. Агар ўзларининг табаррук қадамлари тупроғимизга етиб, муборак нафасларидан қувватлансак эрдик, суянган тоғимиз ёнимизда эрконлиғидан ўзимизни нақ осмонларда сезиб, садоқату ихлос камарини белимизга яна ҳам қаттиқроқ боғлағон бўлур эрдик... ”

— Икки қилич бир қинга сиғмайди-ю, булар тўрттаси бир қуюшқонга сиғмоқни ўйлабди! — захархандали кулди Амир Темур қўли иягига чўзиларкан. Додхоҳ унинг кенг пешонасида яна тириш кўрди. — Эшитдингизму, ҳазратим?.. Бандаси кўрнамак эрса, унинг чораси йўқ эркан-да... Ҳадисда айтилмиш, ёмон одам ўзига яхшилик қилган одамга то ёмонлик билан жавоб бермагунча бу дунёдан кетмайди, деган ҳикмат нечоғлик ҳақ... Душманларни ҳам дўстга айлантиришга тиришмоқ керак, бунинг учун мол-дунёни аямасмен, ҳамиша кечиримлик мақомини маҳкам тутаман, мурсага борамен, урушнинг олдини олиш учун элчилар юборамен, кенгашамен...

— Бор саъй-ҳаракатларингиздан Оллоҳнинг ўзи шоҳид, Амир соҳибқирон. — деди пири муршид. — Кўнгулни кенг тутсунлар!

— “Тузуқлар”да битғон эрдингизки, Амир соҳибқирон, — эслатди Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқиронни чалғитиш мақсадида. — Менга ёмонлик кўргизиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказғонларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру айлаб келгач, ҳурматлаб ёмон кирдикорларини хотирамдан ўчирдум, мартабаларини оширдум. Улар билан муомалада шундай йўл тутдумки, хотираларидаги менга нисбатан бор шубҳаю-ю қўрқувлар унут бўлурди, деб...

— Бу — рост. Бироқ Тўхтамишхон бошқача хилидан чиқди. Тўхтамишхонни ўғлим деб атағонимдан кейин тўрт марта кечирибмен, нон-туз ҳурматини ўрнига қўймағон “ўғлим”нинг инсофга келишига ишониблар юрибмен мен содда... Ё раббий! Камина ҳали қафасда бўронни тутмоққа умид боғладимму? Фалвирда сув оламен деб хомхаёлга бордимму ҳали?.. Аммо бирор марта ҳам унинг ношудлигини юзига солмадум, бу Тўхтамишхоннинг йигитлик, эркаклик шаънини ерга урғон бўлурди. Эркакнинг шаънини ерга урмоқ энг даҳшатли нарса. Эр кишининг бор давлати — унинг шаъни. Агар эркак шаъни поймол бўлса, у ҳолда унда нима қолади?..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқироннинг кенгфёъллилигидан яна ҳайратланди. Ўзи шамшир ўқталиб, душманлик кўргизиб турибди, бундай мурдорликни, қабиҳликни унинг бетига очиқ айтиш шаънини ерга уриш эмиш. Астафурилло! Қанақа шаън? Шаъни борми ўзи?.. Худо пошшо эгам, деганлар!

— Турон салтанати шаъни-чи? Амир Темур Кўрагон шаъни-чи?.. — сўради додхоҳ, назарида рад этиб бўлмайдиган далиллар келтириб.

— Кечиримлилик расулуллоҳдан умматларга мерос, бунга қаттиқ риоя қиладурлар, Амир соҳибқирон. Лекин додхоҳ жанобларининг куйиб-ёнғонлари ўринли. Ҳар қандай тутумнинг ҳам чегараси бор...

— Чегараси бор, бор... Андишанинг оти қўрқоққа чиқмаслиги лозим. Мақсадингизни англадим, пирим! — деди Амир Темур. — Агар Тўхтамишхонга қарши юрилса, унинг Султон Барқуқ, Амир Қора Юсуф, Султон Аҳмад жалойир, Боязид Йилдиришлар каби иттифоқчилари билан

бирлашишига йўл қўймай, амалга ошириш керак... Барчаси бирлан баробар курашиш бу телбалиқдур. Биз яккама-якка жанг қурғоймиз. Тобакай Олтин Ўрда бор экан, Туронга тинчлик келмас... Тинчлик учун урушмак лозим... Турон турса бўрон бўлишидан, афсуски, ғанимлар гофилдурлар... билганларида кеч бўладур...

Тинғчиларнинг янги хабарлари ҳам бор эди, Муҳаммад Чуроға додхоҳ уларни ҳозирча айтмасликка қарор қилди. Чиндан ҳам, хабарлар юқоридаги сўзларни исботларди: Султон Аҳмад жалойир Боязид Йилдиримга паноҳ излаб борганмиш, ундан султон Барқуқ сари йўл олганмиш, Маранд атрофларида Амир Қора Юсуф билан учрашганмиш. Тинғчилардан бири, ҳатто Тўхтамишхонга шу ҳақда чопар юборилганининг шоҳиди ҳам бўлибди...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ “яккама-якка жанг”да ким назарда тутилганини сўрамоқчийди, журъати етмади.

Амир Темур яқин орада Самарқандга қайтиш фикридан энди аниқ умидини узди. Самарқандни, унинг боғларини, Ургут тоғларини, Тахти Қароча йўлларини, Шаҳрисабзни соғинди, осмонўпар Оқсаройни кўргиси келиб кетди, жулдурвоқига ўралиб пинҳона дарвеш сифат шаҳар кезиш одати эсига тушиб, кўнгли орзиқди. Оҳ, шундай эмин-эркин юрмоқ баъзан пошшоликдан минг бор афзал кўриниб кетади! Ажабо, салтанат маснадига ўлтирибдики, мамлакат осойишталигини асраш муаммоси олдида кўндаланг туради. Тўхтамишхонни ҳам ана шу ниятда “ўғлим” деб атаганиди. Аслида Тўхтамишхон ёмон бола эмас, лекин унинг бузғунчилар йўлига юриши ёмон! Йигирма йилдирки, бундай хавфнинг олдини олиш керак бўлган “ўғил”нинг ўзи балойи офатга айланиб ўлтирибди!..

Соҳибқирон яна Кўкча денгиз йўлига қаради: яшил тахтиравон хийла яқинлашиб қолганиди. Ҳа, бу Сароймулкхоним уғруқи экан!

Чиндан ҳам, мулозим Сафарберган виқорли малика маҳди улё Сароймулкхоним ташрифидан хабар етказди. “Не боис, қанчадан-қанча мулозимлар бор эса-да, шундоғ узоқ йўлга катта маликанинг ўзлари отланибдурлар?..” — деган фикр кечди Амир Темур хаёлидан.

Тахтиравондан худди ёш қизлардек чаққон ва назокат билан тушган Сароймулкхоним юзидаги ҳарир пардасини хиёл кўтариб, соҳибқиронни тавоф этди, тўнининг пешини уч марта ўпиб, кўзларига суртди. Қалқиб чиққан кўз ёшларини заррин чопон барига оҳиста артиб олишга улгурди. Амир Темурга хуш ёқадиган сириб кийилган тўқ жигарранг кимхоб тўн, маликанинг хушбичим қадди камолини бўрттириб турарди.

— Суюнчи берсунлар, ҳазратим, суюнчи!.. — деди маҳди улё сал ортига чекинар экан таъзим қилиб.

Соҳибқирон шошилганча ёнчиғини қидирар экан, излаганини дабдурустан топа олмас, “Ие!”, “Ие!..” дерди холос. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўрди: соҳибқироннинг ҳалигина газабдан чўяндай қорайиб кетган юзларига нур иниб, чеҳраси очилди. Пешонасидаги тириш ҳам ғойиб бўлибди.

— Суюнчи сиздан айлансун, Биби!..

— Шоҳруҳ Мирзо хонадоида ўғил туғилибди! Ўғил туғилибди, ҳазратим!

— Кутлаймиз, Амир соҳибқирон! Умри билан берсун, илоҳи! — дуога қўл очди пири муршид. — Набира муборак, маҳди улё ҳазрати олиялари!

Сароймулкхоним “Куллуқ” дегандай бош эгди.

Амир Темур мамнун тахтда ўтирган жойидан турди. Халлоқи безаволга салламно! Ахир кечагина эди, Шохруҳ Мирзо туғилганида суюнчилар улашиб юргани! Энди эса ўғли ўғил кўрибди! Ё раббий! Замон елдек оқмоқда!.. Кувончдан кўзларига ёш қуйилиб келар экан, қўлларини очиб, худога шукурлар қилди. Аммо бир сўз демади. Дарҳол мунажжиму донишмандлар чақиртирилди:

— Қутлуғ амирзоданинг толеъ мавлудини кўздан кечирсунлар! — буюрди соҳибқирон.

Мунажжимлар кенгаша бошладилар. Чақалоқ туғилган пайтда буржларнинг жойлашиш ўрни, толе жадвалининг ҳолати, қуёшнинг қайси буржга бош қўйгани, саодатли кунларга тўғри келиш-келмаслиги ва ҳоказолар ҳақида баҳс кетди.

— Болагинамнинг боласи, қантак ўрикнинг донаси! Данагидан мағзи ширин, деганлари рост. Вой, бирам ширинки, ҳазратим!

Умаршайх Мирзо фожеасидан ҳануз дилгир юрган Амир Темурни фавқулодда кувонч чулғади. Оллоҳ берган умрнинг ҳаммаси ҳам кулфатдан иборат эрмас! Фароғатлари-да бор!.. Бир пайт эгачиси раҳматли Қутлуғ Туркон оқа, нима берса ўзи беради, ўзи олади, деганди. Шукурким, мана, ўзи олиб, яна ўзи берди...

— Амир соҳибқирон! — башорат қилди ниҳоят ёши улуғ мунажжим. — Толеъ мавлудидан аёндулки, шаҳзодаи олийнасаб дунёга подшоҳ бўлғай ва хату илм бобида беназири жаҳон аталғай! Ҳукумат русумида замон Луқмони мартабаси анинг насибасидур!..

— Насибасидур! Насибасидур! — деб қичқиришди бошқалар ҳам.

— Оғзингизга бол! — бош тебратди соҳибқирон. — Мамат! Ҳазначига буюргил, мунажжиму донишмандлар сарполар инъом этилсун!

Сароймулкхоним маъноли жилмайди:

— Энди исм қўйиб берсунлар! Тайёрлаб қўйғон отлари бор-ку...

— Оталар, боболар умрини фарзандлар, набиралар давом этдиражаклар! Оллоҳдан умидимиз шулдур, иншооллоҳ! Кеча... тонгга яқин бир туш кўрибдурмен, Биби... Падари бузрукворим бирлан юрғонмишимиз. Нечундир гапирмас эмишлар. Ташвишларга ботиб андак фаромуш этдик шекилли...— хижолат чекди Амир Темур. — Набирамизни эски удумларга кўра, отамизнинг исмлари бирлан атағоймиз! Токи ул зот руҳлари шод бўлсун, ҳар лаҳза, ҳар он ёдланиб турсунлар! Бас, унинг номи Муҳаммад Тарағайдур!

— Муҳаммад Тарағай!

— Муҳаммад Тарағай!

— Бироқ уни чорлағонда табаррук исмни улуғлаб, уринтирмаслик лозим, шу сабабдан лақабини “Улуғбек” деб танладук. Оллоҳ таоло анга улуғлик, буюк мартаба ато этсун!

— Ал-асмоу танзилу минас-само,⁹ Амир соҳибқирон! — деди Мир Саййид Барака. — Қўйилғон от азалийдур. Улуғ бекнинг манглайини ёруғ қилсун!

“Улуғ бек бўлсун!”, “Улуғ қилсун!” “Оллоҳу акбар!”, деган сўзлар эшитилди.

Мордин қамали давом этарди.

⁹ Исmlар осмондан инади (арабча ибора)

Пастдан шу палла Ахий Жаббор баҳодирнинг шоҳчодир томон югуриб чиқаетгани кўринди. У ўн қадам нарида тўхтади-да, тиз чўкди:

— Амир соҳибқирон! Чериклар тўрт тарафдан сурон солиб, итob айлаб қалъа устига чиқдилар! Шаҳар тарафга йўл очилди, душман ҳар томон сочилди! Энг аввал қалъага шимол ёқдан валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон лашкари қадам кўйди! Фанимлар чекиниб тоғнинг камарларига қочдилар. Навкарлар уларни изма-из қувиб топдилар, қилич бирлан чопдилар, кўп одамлар отлар оёғи остида қолди... Қалъа аҳли раҳм-шафқат сўраб ёлворишга тушди, сон-саноқсиз ҳадялардан тўққиз-тўққиз юборишга тайёрдурлар, ниёз йўлини тутиб, хирожу молу манол тўлашга ҳозир эканликларини билдирдилар! Шавкатли амирзода Мироншоҳ жаноблари ушбу хабарни муборак қулоқларига етказиб қўйишимни буюрдилар!

Амир Темур хушнуду масъуд, оҳиста кезиб юаркан, чангу тўзон ичида қолган қалъа томонга қаради, одамларнинг қичқирғи, хотин-халаж фарёди аниқ эшитиларди.

— Оллоҳ таоло бизга набира ато этди! — деди соҳибқирон Мордин тарафдан кўз узмай. — Ҳақ ўз бандаларига раво кўрган яхши одатлардан бири, шукур айламақдур. Алҳамдилуллоҳ, шукур қиламен, шукронасига Мордин элининг жони-молидан кечамен! Улуғбек Мирзо шарофатидан Мордин аҳлининг гуноҳларидан ўтдум! Қатли ом тўхтатилсун, барчага омонлик берилсун!

— Оллоҳ умрингизни узоқ қилсун, Амир соҳибқирон! — мамнунлигини яширмади пири муршид.

Қийқириқ атрофни тутди. Айниқса, бу Муҳаммад Чуроға додхоҳга жуда хуш келди. У Амир Темурнинг узугига пинҳона қараб қўйганини фаҳмлади.

— Амир соҳибқирон салтанатлари бардавом бўлсин, илоҳи! — дуога қўл кўтаришди елкаларига сарполар ташланган мунажжимлар. — Дориломон замонлар келғонига шукурлар этайлик!

Мунажжимлар таъзим-ла аста ташқарига чиқдилар.

— Баҳодир! — қаради Ахий Жаббор баҳодирга Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Шитоб бу фармонни черик аҳлига етказайлик! Токи бандалар қони тўкилмасун! Ажаб толеъи очиқ манглайи ёруғ банда, жавонмарддурсенки, ўлим ҳақида хабар эвазига ҳаёт ҳақида мукофот била қайтаётирсен!

— Қуллуқ! Қуллуқ! Яратганнинг буюрғони... Кўнглимиз очиқ, додхоҳ жаноблари!..

Улар Мордин томонга йўналдилар. Кўп ўтмай қалъа деворига чиққан жарчиларнинг ўктам саслари янгради. Йиғи ва кулгу овозлари эшитила бошлади.

Амир Темур катта маликани бошлаб шоҳчодирга кирди. У масрур эди, худди Улуғбек Мирзо туғилиб, салтанати умрини абадиятга улаб қўйгандай туюлиб кетди. Олам гўзал, дунё ширин, қутлуғ мужда етқизган Сароймулкхоним офтобдай балқиб чодир ичини ёритиб юборгандай бўлди. Беихтиёр суюкли хотинини қучоғига олди, соқолини ботириб маликанинг ҳамиша бўсаларига муштоқ чап юзидаги чиройли қора холидан ўпиб-ўпиб қўйди. Сароймулкхонимнинг вужудига ширин титроқ югурди, ўзини таниш туйғулардан беҳол сезди...

Подшо ва малика муваққат тахт пойидаги ипак кўрпачаларга ўлтирдилар.

— Ҳазратим...

— Биби... Кулоғим сизда...

Маҳди улёнинг одатдагидек соҳибқиронга айтадиган гаплари кўп...

Мироншоҳ Мирзо билан Хонзода хоним орасидаги совуқчиликлар... Туман оқа ва Чўлпон Мулк оқа можаролари... Амир Шоҳмалик билан Шайх Нуриддин ўрталаридаги эски қадр талашишлар... Вазири аъзам Муҳаммад Жалд ишлари, у Ироқдан олинган қимматбаҳо ўлжаларни хазина ҳисобига киритишда саҳвга йўл қўйибди, тўрт дона дурри лаълни “фаромуш” айлаб, рўйхатга киритмабди, яъни ўзиники қилиб олибди, буни маликага мулозим Сафарберган етказди... Қай биридан сўз бошланса ҳам хийла чўзилиши турган гап. Катта малика бари ҳақида ҳозир ҳеч нарса демайди.

Сароймулкхоним соҳибқироннинг ногирон оёғини нозик қўллари билан уқалай бошлади.

— Ҳазратим... Ижозатлари бирлан, Улуғбек Мирзо қошига тезроқ борсам, дейман...

Амир Темурнинг анчагина толган оёқлари ором ола бошлади.

— Бу кеча чодиримизни обод этурсиз, ҳимматларига муштоқдурбиз, Биби...

Катта маликанинг юзларига қон югурди. У ҳозир нимани тиласа, айтгани муҳайё бўлишини биларди.

— Ҳазратим... Бизлар заифалардурмиз, рад этмакка не қудратимиз бор эркан?... Малика ноз-истигно аралаш жилмайиб ерга қаради. Кейин мавзунни ўзгартирди: — Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон тўйини ўйлағондик... Малика Хонзода хоним иккимиз бир қайлик топғондик...

— Шундайми?..

— Ҳа, топдик... — Сароймулкхоним Соғинч бика ҳақида эсламасликка уринди. — Аниқроғи, бу Хонзода хоним ҳимматлари. Марви Шоҳижаҳон ҳокими Амир Алибек Жониқурбонийнинг жигаргўшаси Хон Султон оқа, гўзал ва оқила қиз эрмиш... Шаҳзодамга қалинлиқ ҳам қилинғон эрди. Ардоқли Мироншоҳ Мирзо Марви Шоҳижаҳонга меҳмонга борғонларида, Хонзода хоним кўриб кўз остига олибдурлар. Раҳматли Менгли бика оқа ҳам шул уруғдан эдилар, ҳазратим... Тагин қариндошлик ришталари боғлангай...

Бу янгилик Амир Темур кўнглини яна ҳам нурлантириб юборди. Эзгулик ортидан эзгулик келмакда! Улуғбек Мирзо туғилди, Мордин қалъасига омонлик берилди, энди эса тўй хабари етиб турибди.

Соҳибқирон тўйлар уюштиришга жуда моҳир, ўзи бош бўлиб Кониғилда бирваракайига амирзода ва маликаларнинг бирнеча тўйини қўшиб ўтказдирарди. Тўй ҳафталаб давом этарди. Амирзодалар туғилганларида эса карнай-сурнайлар чалинар, дарҳол чодирлар билан боргоҳлар тикилиб, кўнгилочар жойлар ҳозирланар, бахтли шаҳзодалар, олиймиқдор беқлар тўпланар, вилоятлардан чорланган саййидлар ва машойихлар соҳибқиронга дуолар ўқиб, санолар айтардилар. Катта-кичик мулозимлар хизматда чарх уриб юришарди. Тўйнинг поёнида чақалоқни тарбиялагувчи малика билан отабек тайинланиб, уларга сарполар буюриларди...

Соҳибқирон назарида дунёда тўйдан ортиқ элни бирлаштирадиган, кўнгилларни яйратадиган, эзгулик уруғини сочадиган нарса йўқ...

— Ундан бир ёш кичик Шохруҳ Мирзо ўғил кўрдилар, шаҳзодам эса ҳали уйланмагонлар... — деди Амир Темур шаҳзодадан ғойибона ўпкалагандай. — Майли, Муҳаммад Султон хосиятли йигит. Тўйни, Мозандарондаги Хонзода хоним учун қурилгон сарой ёдингиздаму, ўша ерда ўтказурмиз, Биби... Сарой келинимизга жуда маъқул келмиш эрди ўшанда. Ёдимда... Оллоҳ шу кунларга етказсун...

— Ёлғиз бошлари тошдан бўлсун, ҳазратим...

Милодий 1394 йил кузида Қулзум денгизига яқин ерда Хоразм маликасига атаб қурилган, муҳташам сарой тўй кошонасига айланди. Беғараз таърифига киришилса, хийла саҳифалар ороланиб, безаниб, холис кўзларни яшнатган бўлурди.

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон икки ўт ўртасида қолди. Уйланишни кетга суравериш йигитлик шаънига бориб тақалиш хавфини келтириб чиқарди. Онаизор Хонзода хоним сўз орасида шулар ҳақида ҳам гапириб, кўз ёшилар қилиб юриб, ниҳоят шаҳзодани (руҳини эмас!) кўндиришга эришди...

Руҳи эса севгилиси билан биргайди... Аммо Соғинч бика қисмати денгизга тушиб кетган дурдай номаълум, ҳалигача Арғуншоҳдан дарак йўқ. Кун ўтган сари юраги сиқилади, дарди ичида... Ёр соғинчи кучайгандан кучаяди. Гоҳ-гоҳда дармони қуригани сезилади. Савдойи бўлиб қолмасам, деб кўрқади... Шундай ҳодиса юз берди ҳам.

Гуржистон кофирлари билан ғазо қилмакка отланган қўшиннинг бир қаноти Мироншоҳ Мирзога, иккинчиси Муҳаммад Султонга топширилганди. Ўз аҳволини бировдан сир тутган, номус кучидан чидаб юрган валиаҳд Муҳаммад Султон Тифлис шаҳрига кирганда, ўзини беҳол туйди, кўп кунлардан бери давом этиб келаётган ишқ дардининг меваси — руҳсизлик ҳолати уни батамом йиқитиб қўйди. Борлиғи соғинчдан қақшаган мажнунваш шаҳзоданинг турарга дармони йўқ, кўнгли таом тиламас, дунё эса кўзига қоронгу... Мироншоҳ Мирзо қўшинидаги Ахий Жаббор баҳодир фавқулодда шаҳзодадан хабар топиб қолди, — гапнинг сирасини айтганда, ўзи ҳам кўз-қулоқ бўлиб юрарди, буни Хонзода хоним унга тайинлаганди, — ҳушёрлик кўргизди-ю дарҳол беморни бир ҳовлига олиб кириб ётқизди. Ошифта шаҳзода энтикканча: “Аҳволимни сир сақласунлар, баҳодир жаноблари, ҳеч ким, ҳеч ким... айниқса, валинъмат соҳибқирон билмасунлар!...” — деб буюрди баҳодирга...

“Бу не кўргилик бўлди?.. Шаҳзодамга кўз тегдиму?!” — йиғламсираркан, Ахий Жаббор баҳодир бир навкарни ошиғич табибга жўнатди. Табиб келганда, шаҳзода гоҳ худ, гоҳ беҳуд ётар, алаҳсираб қандайдир “Соғинч... Соғинч...” деган сўзларни такрорларди холос, саволларга жавоб бермасди. Табиб дарҳол беморнинг томирини ушлаб кўрди, иттифоқо, вужудида бирон бир дарднинг аломати, белгиси сезилмади. Бироз хаёлга чўмди. Кетар экан, саросимага тушган Ахий Жабборга деди:

— Шаҳзодам соппа-соғлар, худога шукур... Фақат... кўнгиллари бемордур...

Ростдан ҳам, Тўхтамишхон Амир Темурнинг Мовароуқофқозда кўр тўкиб юрганлигини билган ҳолда, Дарбандни босиб олди, Олтин Ўрда қудрати ҳақида ҳар хил овозалар, шов-шувлар тарқатди. Бу соҳибқирон сабр косасини тўлдирган охириги томчи бўлди. Эл-улус ҳам Тўхтамишхоннинг чегарадан чиқадиган бир неча нолайиқ ҳаракатларга бош урганлиги ҳақида гапира бошлади.

Амир Темур тагин шайтонга ҳай берди, Олтин Ўрда билан изғирини эсиб турган урушнинг олдини олиш мақсадида ноликликда донг чиқарган сўзга чечан, ақлли, хушёр, донишманд элчиларидан бирини Сарой-Беркага жўнатди, зора тутинган “ўғил” инсофга кирса! Бу пайтлар бир юз ўттиз йил аввал Олтин Ўрда хони Баракахон томонидан Идил бўйидаги кафтдек текис ерда барпо этилган Сарой-Берка шаҳри Европада машҳур пойтахтлардан ҳисобланарди.

Тўхтамишхон элчини ҳурмат-иззатида ҳашаматли Давлат саройининг каттагина Ичкихонасида кутиб олди.

Тахт атрофида Қозончи баҳодир, Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, Ўқтой ўғлон, Кунча ўғлон, Довуд сўфи, Сулаймон сўфи, Элийғмиш ўғлон сингари донғи чиққан валламатлар, қорақуюнлилар сардори Амир Қора Юсуф, олти марта соҳибқирондан “калтак” еган Муғўлистон хони Қамариддинлар ўлтиришарди. Амир Тармочуқ ҳам бир чеккада тиз чўкди.

— Хоқон ҳазрати олийлари! — сўз бошлади элчи қўл қовуштириб. — Худойи

таоло ҳар биримизнинг манглайимизга неки ёзган эрса, ундан қочиб қутулиш қийин... Зеро, бизга отадан ўғилга элчиликни раво кўрибдурки, бунга шукурлар этғоймиз. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон жаноби олийларининг ўзларини суюб, “ўғлим” деб атагонларини Кўксаройда шу гуноҳкор қулоқларим бирла эшитгонмен... Ота-болалик рутбаси Оллоҳнинг суйган бандасига тенгсиз марҳамати аломатидур. Рутба ўз йўлига, бу кишиларнинг инон-ихтиёридур, хоҳласа ота-ўғил бўлсунлар, хоҳламаса — йўқ, бу икки кишигагина махсус ҳодиса... Аммо дунёга машҳур салтанатларнинг бир-бирига иддаолар қилмоғи, шаънга ярашмайдургон ишдур, демакка журъат этамен, хоқон жаноби олийлари! Маъзур тутғойлар. Бунда дунё тақдири турибдир, уни сизлардек бузургворлар ўйламаклари лозим...

Саройга жимлик чўккан, Тўхтамишхон тингларкан, хиёл бош тебратиб кўярди.

Кўшнинг тинч, сен тинч, деганлар. Соҳибқирон ҳазратлариға фақат тинчлик лозим. Ҳар доим шундай дейдилар. Ўзлари ўз салтанатларида, Амир Темур ўз салтанатларида эмну омонликда яшашларингиз биз фуқароларга, барча улусға Оллоҳнинг улуг инояти бўлур эрди...

Элчи ўзини босиб олган, бамаъни, етмиш ёшлардаги барваста одам эди, латиф сўзлари билан барчани ўзига маҳлиё айлади. Қизиғи, айтганлари бари жўяли, бирортасига эътироз билдиришнинг иложи йўқ.

— Амир соҳибқирон сизни жуда ардоқлайдурлар. Самарқанддаги гўзал ва шинам боғларда бирга кезсам дейдирлар. Кошкийди, ўғлим бирлан

бу боғларда дунёнинг ишлари хусусинда суҳбатлар курсам, биргалашиб, бахти қора ножинслар илдизларини қуритмак чораларини изласак, деган орзудалар... Тўй-ҳашамларда тўрда ўтиришингизни истайдурлар, Тўхтамишхон ўғлим бирлан бағрим тўлғон эрди, демакдан чарчамайдурлар. Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг жаноби олийларини унинг ўрнига қўйиб, “Қайтиб келгон ўғлим!” дея ғурурланиб юргонларига ҳам ўзим гувоҳдурмен... Шаҳрисабзда қурилаётгон ҳашаматли Оқсарой ҳам қадамингизга мунтазир... “Ўтгон ишга ўкинмаймен, ютуқлардан шодланмаймен” дегувчи Амир соҳибқироннинг ўтгон ишларни эслаб ўлтиришлик одатлари йўқ. Туронга ҳужумингиз, Қундузча бўйидаги жанг, бари-бари устидан афв чизигини тортгонлар! Банда ўз хатосини англаса, у оқил одамдур, дейдилар Амир соҳибқирон... Парвардигорнинг каломиди: “Сулҳ хайрлидур” дейилгонини унутмайлик. Бас, энди... Урушнинг оти ўчсун! Сулҳ бўлсун, сулҳ!

Элчи шундай дегач, Амир Темурнинг дуои салом хатини хоқонга узатди. Чучук ва холис сўзлар беихтиёр Тўхтамишхон қалбининг туб-тубига бориб етди-ю гумонлар кўмилган кўнглини эритиб юборди. Оҳиста мактубни ўқий бошлади. Мактубда элчининг сўзлари айтилгандан ҳам аъло иншо этилганди, ортиқ кўнгли юмшади, ўзини бошқача сизди. Самарқанд боғлари, Боғи Нақши жаҳон қасри, Кешда қурилаётган дунёнинг энг катта иморати Оқсарой бир-бир кўз олдидан ўтди... “Не қилаётирмен ўзи? Яхшиликка яхшилик қайтаришим керак-ку? Бас, ярашмоқ йўлини тутай, узр сўраб, соҳибқирондан кечирим тилай, сулҳ тузилсун!” — хаёлидан кечирди Тўхтамишхон... У Олтин Ўрда шаън-шавкатини тиклашдан ҳам воз кечишга (ҳозирча, кейинроқ уни албатта рўёбга чиқаради!) тайёр, кўрганлари бамисли тушдай эди, инсоф этагини тутишига бир баҳя қолди...

Шу палла ақли ва ҳушёр яроғқбош амир Идику ҳамма ишни чалкаштириб юборди. У зийраклик билан хоқоннинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришни пайқади! Буни ёрқин кўзларнинг катталашганидан, чеҳранинг ранжу норизоликлардан холи, масъуду мамнун тусга кирганидан билди. Фурсат жуда қалтис, фурсат кетса ҳамма нарса қўлдан кетади, дам ғаниматдур! “Олтин Ўрда хонининг ўз кучига ишончи йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам! Қалбида иккиланишу тебранишлар бор, дадил Амир Темурга қарши қурол кўтаришга ботинолмайдур... Неча марта уринишлари зое бўлганидан шаҳти қайтиб, чорасиз чиндан ҳам “ўғил” дай ўзини Амир Темур кучоғига отиши мумкин! У ҳолда Турон салтанати дунёдаги энг кучли, қудратли салтанатга айланадур! Бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас!” — деб ўйлади амир Идику...

Аслида, амир Идику кўнглида икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамаслигини билса-да, қайнатишга бел боғлаган... Бир-бирларига дуч қилиб қўйиб, томошасини кўришни жуда-жуда истайди. Беш-олти йил аввал Тўхтамишхон кўнглига ғулу солиб Туркистонга от сурдирган ҳам, Занжирсаройни ёндириб юборишни айтган ҳам шу... Қундузча ёнидаги жанг байроқдори ҳам амир Идику эди. Амир Темурга ғажарчи бўлиб, ғаним ичига кириб олиб, Дашти Қипчоқ чўлларида оворай сарсон қилиб, йўлларда адаштириб бошлаб борар экан, кўнглининг бир четида Олтин Ўрда кўшинининг кучсизлигини, шубҳасиз мағлубиятга учрашини ҳис қилар, иккинчи томондан Турон кўшинини ҳолдан тойдириш, пароканда қилиш, охир оқибатда қолган-қутганларини янчиб ташлашни ўйларди.

Амир Идику хоқон кўзини хиралаштира бошлаган гумонларни тарқатиш ниятида ошиққанча деди:

— Хоқон ҳазрати олийлари! Сабр этсунлар! Қаноат йўлидан борғон киши кам бўлмас, ажрига хурсандлик, шодлик олғусидур! Ахир дур ҳам садафда қаноат туфайли мартабага эришди... Сабр этсунлар, хоқоним! Сабр этсунлар! Дунёга донғи кетгон Олтин Ўрда, кимсан Чингизхони соҳибқирони муаззамнинг авлоди, сиздек шавкатли хоқон не юз бирлан дашт қўйнидаги овлоқдаги қишлоқда, қишлоқнинг ҳам бир четида туғилган, фақатгина амирлик рутбасига эга бир кимсага бош эгадур? Анда не чора қилғойбиз? Сулҳнинг асло кераги йўқ! Амир Темур билан сулҳ — салтанат учун ўлим!

Қозончи баҳодир гашланди: “Бадбахт, хоқоннинг бошини айлантиришдан мақсади нима ўзи?..” Амир Идику Кунча ўғлоннинг қирғий қарашини, Элийғмиш ўғлоннинг ижирғаниб қўйганини сизди, аммо билдирмади. У: “Гапни шу ерга келтириб қўйдим. Нега жим ўлтирибсен? Кўрқма, гапир! Темурлангни элчиси ҳам эшитиб қўйсун!” — дегандай Амир Қора Юсуфга пинҳона қаттиқ тикилди.

— Чингизхон авлодидан ёлғиз сиз қолдингиз, хоқон ҳазратлари!... — деди салмоқли Амир Қора Юсуф. — Даштдан чиққан бир оқсоққа сиғиниб борамизму энди? Қандай бош кўтариб юрамиз? У куппа-кундузи уялмай Чигатойхон тахтини босиб, ўзиники қилиб олган бир зўравон холос! Хоқоним, уни танобини тортиб қўйиш керак! Танобини ёлғиз сиз торта оласиз! Сиз унинг кушандаси, ҳа! Агар бизни тутиб олса гўштимизни нақ канорага иладур! Ёлғиз паноҳимиз ўзингиздур, хоқоним! Сулҳ, деб алдайдур! Мана, биз бормиз! Сулҳга рад жавобини берингиз!

— Туроннинг кўзга кўринган амирини, отамни сўйдириб тахтга минган, тахтга минган бу золим! — ҳаприқди тупук сачратиб Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, унинг оғзидан бадбўй ҳид тараларди. — Отам кўрагондир, кўрагондир! Унда отамнинг хуни бор! Хунимни олмай қўймаймен! Қўймаймен!

Ёнгинада ўлтирган Ўқтой ўғлоннинг кўнгли ағдарилгудай бўлди.

— Баттолдан яхшилик кутиш мумкинмас! Жуда ёвуз! — амир Қамариддиннинг хиралашган кўзларида ўт чақнади, у қартайган эсада, Амир Темурга қаҳри-ғазаби ҳали ҳам ёшларникидан ўтар эди. — Исфаҳонда, Сеистонда каллалардан минора ясади!.. Ҳатто гўдаклар устига от солган эмиш, баттол! Унга ҳам худонинг жазоси бордур. Умримда олти марта саваш қурдим, олти мартасида ҳам сувга обориб суғормаи опкелдим! Мени тутаман, деб роса уринди. Ҳар сафар отимни учуриб қолганмен! Унга Боязид Йилдирим ҳам, Султон Барқуқ ҳам тенг эрмас! Сизнинг йўриғингиз бошқа. Амир Қора Юсуф тўғри айтди, унга ёлғиз сиз бас кела оласиз, хоқон ҳазратлари! Шунинг учун сизга сиғинамиз, олампаноҳ!

Бошқалар ҳам сўзлаш мумкинлигини сезишиб нимадир дейишга тушдилар. Бирдан ҳамма жимиб қолди. Тўхтамишхон худди уйқудай уйғонгандай атрофга қаради.

“Ана, Саид Маҳмуд ибн Кайхисров, унга Мўғулистондай юртни топширди, аммо Амир Темурдан зириллаб қочгани қочган... — ўйлади хоқон. — Амир Қора Юсуфнинг оёқлари чаққон, қочишда биринчи, амир Қамариддин... Жанг бошланмай, қочиб қутулади... Ўқтой ўғлон...

Кунча ўғлон... Қозончи баҳодир... Сулаймон Сўфи... Элийғмиш ўғлон... барчаси югурик амирлар. Бари жуфтакни ростлашда бири биридан ўтади, Амир Темур жангчисига асло етказмайди... “

Тўхтамишхон мазахсингандай жилмайди ва бирдан газабланиб, кўзлари чақчайиб кетди! Тан олмай иложи йўқ, ўйлаб қараса, ўзи ҳам мана шу номдор амирлардан туб ўзга эмас экан, ўзи ҳам жангда Амир Темурга дуч келолмай, қочиб қутуларкан!..

— Ҳозир дунёда Темурлангдай офатни йўқота оладиган ҳукмдор бор бўлса, бу — Олтин Ўрда хони, хоқонлар хоқони, олампаноҳ Тўхтамишхондурлар! — дея қичқирди вазиятни чуқур англаган, Олтин Ўрда хонидаги иккиланишни ҳис этган амир Идику фурсатни қўлдан бермай. — Айтингиз, улуг хонимиздан бошқа пурқудрат ким бор? Ким бор бу оламда?.. Борму ўзи?!..

— Ҳеч ким йўқ!

— Ҳеч ким! Ҳеч ким!..

— Хоқонимиз жаҳон тургунча турсун! — қабалида олқишлар янграб, деворлари нақшланган, зийнатли ичкихонани умидбахш сасларга тўлдирди.

Қозончи баҳодир яна фурсатни бой берганлигини фаҳмлади, танасига номутаносиб каттароқ калласи қизиб бораётганини сезди. У хоқонни яна ҳам бўрттириброқ мақтаб, нохуш йўлдан қайтарай деб оғиз жуфтламоқчийди, шу палла:

— Темурлангга дўст бўлолмаймен! Бў-лол-май-мен!.. — деб юборди ўрнидан туриб кетган Тўхтамишхон. — Билингизким, токи томчи қоним бор экан, курашамен! У менинг ғанимим, ғанимга эса шафқат эшиги очилмайдур!.. Асло очилмайдур! Табриз билан Ширвонга юриш бошлансун!

Амир Идикунинг қисик кўзларидан пинҳона қувонч ёшлари йилтиради.

Нўёну баҳодирлар индамай бир-бирларига қарадилар.

— Амри вожиб!.. — деб қўйди холос Қозончи баҳодир. — Пошшолик не деса шу...

Амир Темурнинг элчиси, гарчи елкасига заррин чопон ташланган эса-да, “қуруқ” ортига қайтди...

Орадан уч ой ўтди.

Ҳар ернинг ўз бўриси бор, деган ҳикматни сал ўзгартириб, ҳар замоннинг ўз зўрлари бор, дейиш мумкин. Замона зўрларининг лат еган иззат-нафс ва иддаолари туфайли урушлар юз беради. Бу ерда куч-қудрат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бир жиҳати, бари тарихнинг ҳеч кимга бўйсунмас, ўзига хос қонуниятларига боғлиқ.

Аксарият подшоҳлардан бирда-ярим иморат ёки унинг харобаларидан бошқа ҳеч асар йўқ, гўё улар бутун умр бўйи бугунги кунда қомусларда ёки тарих китобларида беш-олти жумла, балки бир-икки саҳифа жой олиш учунгина курашган, елган, жон олиб жон берган, урушган-талашганга ўхшайди. Машҳур саркардалардан бири Искандар Зулқарнайн айтмоқчи, дунё ҳокимлиги учун отга минганлар, аслида кўп эмас, бармоқ билан санарли. Борди-ю Искандари соний лақабини олган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиби Инолчиқ Чингизхон савдогарларини қатл этдирмаганда, ким билсин, мўғулларнинг Туркистон, Хуросон,

Эрон ва Европага юришлари бўлмасмиди... Ёки Рум императори Боязид Йилдирим Амир Темурга кўп заҳматлар етказган Амир Қора Юсуфни Турон салтанатига топширганида ёки лоақал ўз мамлакатидан чиқариб юборганида, балки милодий 1402 йилдаги замонанинг энг буюк Ангурия жанги юз бермасмиди... У ҳолда Европа ва Хитойнинг тақдири қандай кечишини, дунё харитаси қандай рангларга бўялишини тасаввур этиш қийин эмас.

Тўхтамишхон ҳам шундай сиймолардан бири. Ахир у соҳибқирон ҳимоясида хотиржам Олтин Ўрдани бошқариб даври даврон суриши мумкин эди-ку. Тарих — қисмат. Урушлар — дунёнинг қисмати, қисматдан қочиб бўлмайди. Лекин унинг оқибатлари учун бир-икки Шахснигина гуноҳкор ҳисоблаш, улар шаънига тинимсиз тош отавериш, албатта, адолатдан эмас.

Ширвон забтидан сўнг Олтин Ўрда хони пойтахтга қайтаётиб Дарбандда тўхтади. Дарбанд мустаҳкам қалъа сифатида доим унга ёқарди. Улуғворлик бахш этган баланд миноралар, уйлар, масжидлар, саройлар бари тошдан ясалган. Жоме масжидининг салобати ўзгача.

Денгиз бўйида, юз газ баланд қоядаги қасрда ўлтирган Тўхтамишхонга узоқ-узоқлар кафтдагидек намоён эди. Денгиз дунёда ҳеч нарса юз бермаётгандай бепарво ястаниб ётарди, туғёнлари ичида, изтироблари пинҳон, на тўлқинлар кўринарди, на мавжлар... Тўхтамишхон эса унинг акси: ҳаяжони юзига тепган, аламу азияти ошкор, яширишга уринмайди ҳам...

Шайх Иброҳим — Тўхтамишхон уни қўлга туширмоқчийди, авваллари ҳам кўп уринган, лекин иложи топилмаган, — олтин ўрдаликларнинг шиддатли ҳужумидан чекиниб, валинеъматни қошига қочиб жон сақлади. Олисдаги Самарқандни ёнгинасидаги Сарой-Беркадан яқин билди... “Олтин Ўрдада шердай керилиб юриш ўрнига, Амир Темурнинг лайчаси бўлиш Шайх Иброҳим Дарбандийга афзал кўринибди-да...” — ўйлади Тўхтамишхон гижинганча.

Тўхтамишхон лимиллаб турган мовий денгизга назар ташлади. Ногаҳон уни денгизнинг кучоғи оҳанрабодай ўзига торга бошлади. Ўзини сувга отса-ю, шўнғиганча Кулзумнинг нариги томонидан — болалиги кечган Мингқишлоқдан чиқса!.. Болалик пайтларида олам-жаҳонни кучиб ётган денгизни, қирғоғи йўқ, дунёнинг чеккаси, деб ўйларди. Ундоғ эмас, дунё кенг, мамлакатлар кўп экан, усмонийлар империяси, Миср султонлиги, Польша, Литва, Москва князлиги, Фаранг ерлари, Чин хоқонлиги... Лекин уни ташвишга солган нарса худди ногаҳонда ердан ўсиб чиққан тоғдай бўй чўзиб, Олтин Ўрдага соя ташлаётган Турон салтанати! Ажабо, қаерга қадам босса, Амир Темурнинг кўлагаси унинг йўлини тўсгани тўсган...

Қирқлардан ўтган Олтин Ўрда хонининг енгил гижимланган қоғоздай ажин туша бошлаган юзларига қопқора мўйлаби-ю, унга ярашган бежирим қирқилган кичкина учли соқолигина чирой бағишлаб турарди.

— Тармочуқ! Тарма!..

— Ҳузурингиздаман, хоқоним! — Бироз семирган эса-да, чаққонлигини йўқотмаган биткўз Амир Тармочуқ шу лаҳзадаёқ остонада пайдо бўлди.

— Мулозимларга буюр! Машваратга чорласунлар!

— Аллақачон чорлаб кўйгонмен, хоқоним! Бекор туриб бўлама? Барча аёну акобирлар пастдаги саройда фармонингизга мунтазирлар!

Амир Тармочуқ хоқоннинг тобора руҳияти чўкиб бораётганини сезарди. Сарой-Беркада Турон элчисини қабул қилганида ҳам Тўхтамишхоннинг асаблари шундай таранг ипдай тортилдики, Тармочуқ “ип” ана узилади-мана узилади, деб жон ҳовучлаб турди. Ҳа, у аввалги хоқон эмас, ўйлангани ўйланган, кўпинча хушчақчақлик ҳам унга ёқмайди, айш-ишратга майли суст, шаробга интилиш эса кучайиб бормоқда. Кейинги пайтларда қадди букилиб, сал елкаси чиқиб қолгандай, хиёл эгилиброқ юрадими-ей ўзиям...

Амир Тармочуқ барини биледи. “Хоқонимни унинг шериклари алдаб кўйишмаса бас... — ўйлади у. — Ишониб бўлама? Ўзини яқин дўст деб ҳисоблаган Полша ҳоқими Ягелло узоқда, биргамен, деган аҳд-паймони бор, аммо айтган гапида турама? Миср султони бетоб, Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфлар бамисоли сув юзидаги пуфак, гердайиб бўй кўргизади, аммо таянаман десанг, сувга ботади, тутаман десанг тутқизмайди. Усмонли императўр Йилдирим Боязид улкан тоғдек — яқинлашган саринг йироқлашади... Хоқоним уларнинг сўзларига эътибор қўйиб, адашиб қомайми? Барчаси бирлашса ҳам Темурбекка бас кела олама?.. Темурбекка-я?..”

Кўп ўтмай амирлару нўёнлар, баҳодирлар қасрни тўлдира бошладилар. Гангир-гунгир овозлар ҳам тинди.

Хоқон қасрдан денгиз томонга узоқ-узоқларга тикиларкан, хаёлидан кўп нарсаларни ўтказарди. Бирдан ичида бир-бирига душман икки одам ўзаро баҳс бошлаб юборди. Ҳар гал шундай, ўтган кунларини эслади дегунча, улар даҳанаки “жанг”га киришиб кетишарди.

“Амир Темурга ёлғиз ўзинг ҳечқачон тенг келолмассен! Қундузча жангидан кейиноқ англагонмен... — деди биринчиси. — Ҳа, “тутинган” ўғилга валлакат “ота”га етишга йўл бўлсин!”

“Етамен! Етамен! — ҳаприқди иккинчиси. — Ҳали ўтамен ҳам! Амир Темурнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб, Туронга ёки тобеъинларга гоҳ Сирдарё томондан Қамариддинни йўлладим, гоҳ Хоразм ёқдан Сулаймон Сўфини жўнатдим, Озарбайжон тарафдан Табризга ўзим ҳужум қилдим, бир кунлик босқиндаёқ ҳамма жойни талон-торож этиб, ўлжаларни қўлга киритиб, саноқсиз қулу чўрилар олиб қайтдим...”

“Бу ҳужумларинг бари филга игна санчишга уринишдек бир гап холос...”

“Мен сенга айтсам, авваллари ўзим ёлғиз майдонга кириб, катта хатога йўл қўйган эканмен...”

“Ўз хатосини тан олмоқ ҳам мардлик, жасурликдур. Хатоларга боқиб хулоса ясамоқ оқилнинг иши. Аммо ҳали хулосага узоқ... Энг катта хатойинг, биласанму, нима — кўрқоқлигингдур!” — деди Биринчи.

“Ие! Ие!.. Кўрқоқ одам, Олтин Ўрдадай мамлакат тахтига минармиди? Московиядай шаҳарни ёндирармиди? Ундан душманлари титраб туришармиди?..” — саволлар ёғдирди Иккинчи.

“Кўрқоқсен, деганимнинг сабаби, Қундузча ёнидаги урушда Амир Темурдан кўрқиб, шу ергача қочиб келдинг...”

“Қочиб эмас, ортга чекиндим холос... Ҳарбий ҳийла бу, шундай усул бор...” — ўзини оқларди Иккинчи.

“Усул эмиш... Сен яхшиликни билмайдургон одамсен. Бу усулни нима дейдир?..”

“Тагин эски гапми?.. Тагин ўлган илонларнинг бошини кўзгайпанму? Мен Чингизхон авлодимен, қандайдир чўлдан чиққан бир амир фармонига қараб туролмасмен! Улуғ бобом гўрида тик турадур!”

“У ҳолда, нега сифиниб бординг? Борганингда улуғ бобонг гўрида тинч ётдиму? Нега Темурбекни алдадинг?..”

“Алдаганим йўқ. Ўзи берди. Чунки шимолда мендай подшонинг кўкрак кериши, менга эмас, унга керак! Тўхтамишхондай чингизийзоданинг кўргон бўлишига Амир Темурнинг ўзи зор, билдингму? Менга меҳрибончилик кўргизмади, бу ўзи учун керак эди...”

“Ахир тўрт марта мустару хор борганингда, Амир Темур ҳар гал бошингни силади-ку? Инсофни ҳам эсдан чиқармасун киши...” — ўпкалади Биринчи.

“Инсоф? Ким у, инсоф? Нима у, инсоф деганлари?.. Қаерда яшайди? Бир бориб салом берайлик! Инсоф эмиш!” — масхараомиз кулди Иккинчи.

“Бу нима деганинг?”

“Кимда бор экан ўша инсоф? Хўш, айт-чи? Валламат Темурлангда борми ўша инсоф? Инсоф бўлса, Турон қолиб Хуросону Эронга бостириб борадурму? Ироқу Мозандарон, Озарбайжону Гуржистонни вайрон этадурму? Олтин Ўрдага кўз тикадурму? Хоразмни босиб олди-ку, Олтин Ўрданикини, у менинг таянчим эрди... Менга тазйику алам ўтказмоқни истади... Менам Озарбайжонни босиб оламен, бу қасосимдур... Табризга ҳам шу сабабдан чопқун ясадим... Дарбандга ҳам! Амир Темурга мумкин, менга мумкин эмасму?..”

“Жаҳонгирликнинг шарти шу-да...”

“Ахир бу мамлакатлар қайси жаҳонгирники? Чингизхон бобомнинг мулки-ку! Эгаси менман!”

“Ҳа, эгаси сенсен!..”

“Устимдан куладурмусен?”

“Қудратлилар, зўрлар дунёси бу! Нега ахир тушунмайсен? Нуқул Чингизхон бобом, Чингизхони соҳибқирони муаззам, дейсан. Чингизхон бобонг сенга кўмак бера оладурму?”

“Шунинг учун шериклар қидирдум... Миср султони, Аҳмад жалойир, Қора Юсуф, Ибн Усмон, Ягелло... Дунёнинг манаман деган марди майдонлари бари!”

“Агар шерикларинг ҳам сенга ўхшаш ялқов бўлсалар, иш қийин экан...”

“Сенга гап уқтириш қийин... Ҳеч буниг уддасидан чиқа олмадим...”

“Жилла қурса, бошингни силаган валинеъмат отангга тиф кўтармагин эрди...”

Ҳар сафар баҳс шу нуқтага етганда, ўз-ўзидан тўхтар, жавоб топилмас, яхшиликка — ёмонлик ҳамма замонларда ҳам бир хил баҳога — лаънатга лойиқ эканлигини тан олишга тўғри келар, бу аччиқ ҳақиқат Тўхтамишхонни ғазаб отига миндираар, кўнглини бадтар тошга айлантирарди.

— Кеча яқинда “қиблагоҳимиз” бир элчисини юбориб, тинчлик таклиф этибдурлар... — деди бирдан хоқон. Бу машваратнинг

бошланганини ва у нимага бағишланганини аниқ кўрсатиб турарди. — Элчининг сўзларига боқингиз! Дунёда Амир Темур Кўрагон салтанатига тенг давлат йўқ эмиш, бирор қалъа унга дош беролмасмиш, кесадиган қиличу, бас келадиган шаҳар, енгадиган лашкар йўқ экан! Хо-хо-хо!

Тўхтамишхоннинг бир пайтлар ёрқин, энди қонталаш тусга кирган кўзлари қандайдир аламданми, қисилиб кетди.

— “Қиблагохимиз” — худонинг балоси! Ҳа, балоси... Ё раббий! Бу қандай куч, қудрат, иқтидор! Буни тан олмоқ бирлан ҳеч қачон кам бўлмайдурбиз... албатта... Оҳ! Кўксаройга биринчи марта борғонимда, олтин тахтда ўлтирган, мени “ўғлим!” деб, — ўғил эмиш! Хо-хо-хо! — атаган Амир Темурга кўз қиримни ташлаб, ўша лаҳзадаёқ шу қаршимда турган нақшиннигор заррин тахт меники, деб ўйлағон эрдим. Билингизким, мақсудимга етамен! Бобокалон Чингизхон соҳибқирони муаззамнинг шоншавкатини тиклаймен, бешак-шубҳа тиклайдурмен! Самарқанду Бухоро, Турон қўл остимга кирмоғи керак! Кирмоғи кера-а-а-ак! Билдингизму? Кирмоғи керак!!! Икки Дарбанд ораси менинг дастимда бўлсун! Ҳинду Хуросон, Ироқу Мисрлар ҳам! Қундузча жангида Дашти Қипчоқ чўллариди лошини қузғунлар ейди, деб ўйлағондим. Йўқ! Йўқ! Йў-ў-ўқ...

Хоқон тўхтади. Ҳеч ким сўз қўшмас, хоқон жазавада эканлигидан аъёнлар агарда биронта сас чиқса, бутун заҳар-заққум ўша сўз айтган одамга қаратилишини, бошига бало орттиришини яхши билардилар.

— Билингизким, фақат макр-ҳийла ёрдамида енгиш мумкин холос, бу қаттол душманни! Қуму тошларга ўрганган Темурланг навкарлари Ўрусиянинг зимистон ўрмонларида, жаҳаннамдай ботқоқларида от-поти билан чўкиб ўлсунлар, дейман... Мақсадимиз — гўё жанг, аслида уларни ўша ерларга эргаштириб бориш! Токи йироқларда улоқиб, хор-зор ўлсунлар! Чалғитишга ўчоқларда ўчмаган ўтларни қолдирамиз, чекинамиз, чекиниб, Темурлангнинг тинкасини қуритамиз, адаштириб, юртидан йироқларда ўраб олиб, янчиб ташлаймиз!.. Янчиб ташлаймиз!.. Қандай чиройли сўз, янчиб ташламоқ!..

Хоқоннинг сўзлари Султон Маҳмуд ибн Кайхисровга жуда ёқиб кетди, кўнглининг тубида қисиниб ётган туйғуларини аллалаб ўтди, нимадир демоқчидай, ўтирган жойида бир кўзғолиб қўйди.

Нўёну баҳодирларнинг кўпчилиги Турон салтанати билан савашигга қарши эдилар, бу уларнинг назарида тоғ билан бўйлашишга уринган адирнинг чираниши эди холос. Ўзаро суҳбатларда гапиришса-да, буни хоқонга айтишга чўчирдилар. Улар ҳатто Олтин Ўрда қўшинининг Ширвон мамлакатига бостириб киришини, Дарбандни ишғол этишини ҳам истамагандилар, шимолга Московияга қараб юришни хоҳлардилар.

— Қудратли ва маккор душманга тенг келишимиз мушкул, — ёзғирди Кунча ўғлон бир кун олдин пинҳона суҳбатда баҳодирларга қарата. — Биламен-ку, Амир Темурнинг кучини, шижоатини! Хонавайрон бўламиз, бекорга ўлиб кетамиз!..

— Хоқонни ўзида ҳам урушга унчалар рўйхушлик йўқ... — Ўқтой ўғлон қандайдир иддаоси бордай бирдан Кунча ўғлонга ўтирилди: — Сал ўйлаб гапир, ҳой Кунча! Хонавайрон деганинг нимаси? Биз киммиз ўзи? Бизлар-а, Чингиз авлоди!..

— Кекирдагингни чўзма! — хотиржам жавоб қилди Кунча ўғлон. — Биламен сени...

— Нима-нима?..

Қозончи баҳодир ғазабга тўлган кўзларини хезлана бошлаган Ўқтой ўғлонга тикди:

— Худди кундошларга ўхшайсизлар-а, майда гапни яхши кўрасизлар... Сен ҳам Кунча ўғлонмас, Кундош ўғлонсен, Кундош ўғлон!

Ўқтой ўғлон Кунча ўғлонга қаради-ю тилини тийди. Кунча ўғлон бир гезариб қўйди.

— Ҳамма ишни бузган ана бу сийқаси чиққан кал, ярғоқбош, маккор амир Идику!.. — тап тортмади Элийғмиш ўғлон муштумини қисганча. — Туронга эмас, Московияга юриш керак, Московияга!.

— Идикудан ҳам олдинроқ анови келгиндилар ишни бузяпти! — сўзга қўшилди Довуд сўфи. — Қамариддин, Султон Маҳмуд, Қора Юсуфлар!.. Хоқонни қулоғига қурт бўлиб, гиж-гижлаб ҳол-жонига қўймайдурлар! Бари хоқон кўмагида ўз тахтини қайтариб олмоқчи!

— Тўғри! Агар хоқон бошига бир иш тушса, бари шу заҳоти ўз жонини сақлаб, ташлаб қочади!.. Ҳеч қайсиси дўст эрмас! — деди Кунча ўғлон — Қозончи баҳодир, ўртага тушмасалар бўлмайти, хоқонимизни бу йўлдан қайтарсунлар! Хоқоннинг энг ишонган кишисидурсиз, фақат сизни сўзингизга кирадурлар, чора топингиз!..

Ҳамма ўша илинжда Қозончи баҳодирга кўз тикди. Баҳодир ҳам буни идрок этарди. Қабарик кўкракли, паҳлавон келбат, энгагидаги худди омонатгагина ёпиштириб қўйилгандай тикрайган, оқ оралаган уч-тўрттагина соқоли Қозончи баҳодирга салобат бағишлар ва ўзига ҳурмат туйғусини уйғотарди.

Қозончи баҳодир, одатдагидек, Тўхтамишхон сўзининг тугашини кутди. У билади, вақти келиб, Тўхтамишхоннинг ўзи: “Гапир! Нима дейсан?..” дегандай, Қозончи баҳодирга кўз ташлайди. Ана ўшанда у нима деса ҳам, гапи тош босади. Унгача жим турсин. Машваратларда элғирлик қилиб аравани қуруқ опқочадиган, ишни чалкаштирадиган, Турон салтанатига юришларнинг ҳамиша илҳомчиси амир Идику, хайриятки, даврада йўқ. Тўхтамишхонга, Амир Темур ким, оддий бир амирнинг ўғли, унинг устига оқсоқ, сиз-чи, хоқоним, жаҳонни титратган Чингизхон соҳибқирони муаззам авлоди эрурсиз, Чингизхон авлодлари ичида сиздан улуғи ҳали дунёга келмади, келадими, йўқми — номаълум, деган гапини нечанчи бор айтиб, хоқоннинг ақлини ўғирлаб, Қозончи баҳодирни чув тушириб, улоқни илиб кетарди. Лекин шуниси қизиқки, амир Идикунинг бир хил гапи ҳар сафар айтилганда, янгича маъно ва мазмунда жаранглар, доим маъқул келиб Олтин Ўрда хонини ўзига ийдириб олар, Қозончи баҳодирнинг бунга ақли етмай ҳайрон қолаверарди.

Шуларни ўйларкан, Қозончи баҳодир ичида барибир ўзининг узоқни кўра олишидан, ҳушёрлигидан мамнунлик ҳиссини туйди. Мана, яқинда устомон ва мунофиқ душманини саройдан йироқлаштира олди-ку. Азалдан гапга нўноқ эса-да, Нўғой ёқларда исён чиқибди, бундан ўн йиллар муқаддам Кафа шаҳрига қочиб борган жойида, Тўхтамишхон одамлари томонидан ўлдирилгън туманбоши амир Мамоқ¹⁰ ўғилларидан кимдир номдор отасининг мартаба-ю мавқеини тиклаш мақсадида, атрофига одам йигиб хоқонликка қарши бош кўтарибди, хун талаб қилаётган эмиш,

¹⁰ Рус тарихида: Мамай.

ажралиб чиқмоқчи экан, ёмон жойи, бу исён чор атрофга ёйила бошлабди. Турон салтанати томонидан бало-офат ёғилай деб турганда, Олтин Ўрда учун шундай хатарли вазиятда уни бостириш фақат зукко, ақлли, ишнинг кўзини биладиган донишманду сертадбир жаноб амир Идику манғит жаноблари қўлидангина келиши мумкинлигини хоқонга тушунтирди ва ишонтира олди. Гапининг охирида, Мамоқнинг ланъати ўғли Амир Темурдан кўмак сўраб, элчи юборишга ҳам ботинган эмиш, Турон салтанатига қўшилмоқчиймиш, деган гапни қистириб ўтгани хоқонга, балки, энг қаттиқ таъсир этди шекилли. Аслида, воқеа ростдан ҳам шундайми, йўқми, — Қозончи баҳодир аниқ билмасди, буни ичидан қўшди. Амир Идику боришни истамаса-да, хуфиёна бадбахт Қозончи баҳодирдан ёзғирганча, иложсиз жўнаб кетди.

Тўхтамишхон назар ташлаб аёнлар ичидан кимнидир қидира бошлади, ҳамма, айниқса, Қозончи баҳодир буни энтикиб кутарди. Хоқон эндигина унга тикилиб, нимадир демоққа чоғланди шекилли... Бирдан шу палла... Амир Идикунинг Нўғой ёқлардан қайтганини билдирдилар. Изма-из Миср султони Баркуқдан ҳам бир чопар остонада турганлиги маълум қилдилар.

Хоқоннинг чеҳраси ёриша бошлади. Унинг бундай хабарларга илҳақлиги билинди. Қисик кўзлари чақнаган амир Идикунинг дадил кириб келаётгани Қозончи баҳодирга ёқмади, кўнглидан: “Қайнаган қозоннинг ичига ташласанг тирик чиқадир, тегирмондан бутун чиқадир! Бу балога учрагудан ўлим ҳам кўрқадир!”— деган сўзлар ўтди. Унга амир Идикунинг манглайи мамнунликдан яна ҳам дўнграйиб кетгандай туюлди.

— Фитначиларни жазоладим, хоқоним! — деди тиз чўкканча, Тўхтамишхоннинг енги калта оқ авра тўни этагини ўпар экан, амир Идику. — Мамоқнинг барча ўғилларини, қариндош-уруғларини ҳибсга олдирум, ҳазратларининг олий фармонларини битта қолдирмай адо этдим — каттасидан гўдагигача барини қатлга буюрдим! Оқнўғай-у қоранўғайлар, барчаси тобеъликка рози! Барини тавбасига таянтирдим! Чучварани хом санаган қизиғарлар Нўғай Ўрда бўлиб ажралиб чиқмоқчи, Турон салтанатига қўшилмоқчи эканлар...

— Энди маҳшарда қўшилади! — деб юборди Султон Маҳмуд ибн Кайхисров.

— Олампаноҳ! Аслида Амир Темурга қарши от суришимиз лозим! Ҳамма ишни лойқалантираётган ўша бадбахтдур! Шу кунларда Мордин қалъасини забт этгон эрмиш... Лекин эшитдимки, лашкарлари сочилиб ётибдур, пароканда, бири Шерозда, бири Исфаҳонда, иккинчиси Самарқандда-ю, бошқаси Ашпарада... Термизда... Авомунносда ўша томонга оғиш бор! Ҳа... Фурсатни чўзмоқ хатарлидур! Бу кунларга етиш учун, хоқоним, озмунча тер тўқдикму?.. Ҳамма ухлаб ётади, аммо сизни мизғиганингизни билмаймен, хоқоним! Агар чақинқадам қўшинингиз қорасини кўриши билан, черик йиғолмай сичқондай қочмоғи аёндур, мучали сичқон-ку ахир! Хе-хе-хе...— Озгина кулишга ҳам уринди амир Идику. — Бари қудратингиз олдида титраб турибдур! Бутун Туркистонни қўлга киритурсиз, Хуросону Ҳиндистонга ҳам йўллар очилгай, дунё оёғингиз остида бўлгай! Турон султонини енгмоқ — дунёни олмоқ бирлан баробардур, эй хоқонлар хоқони!

Баҳодирлару нўёнлар Тўхтамишхонга дунёни бус-бутун нақд қилиб қўйган амир Идику сўзларини эшитишиб, даҳшатли қиргинбарот уруш манглайда бор эканлигини, ҳатто шу тобда хоқон ҳам қазо-ю қадарни¹¹ бартараф этишдан ожизлигини фаҳмлаб етдилару шишиб турган, ногаҳонда пичоқ учи тегиб дами чиққан пуфакдек бўшашиб қолдилар.

Қозончи баҳодирга Турон салтанати билан жанг бошлаб юборишга амир Идикунинг сўзлари етарли эмасдай туюлди, буни исботлашни дилига тугди. У муҳим гапни айтишда яна фурсатни бой берганидан ичида қаттиқ койинди, бошқа томондан, нўғойлар Турон салтанатига қўшилишмоқчи эканлар, деган тахмини тўғри чиққанига таажжубланиб қўйди.

Тўхтамишхон лимиллаган денгиз оша узоқларга, нариги қирғоққа, она юрти Мингқишлоқ томонларга тикилди. Хоқон ҳеч нарса демасанда, ҳамма унинг кўнглида нималар кечаётганини, кейинчалик жаҳон тарихида улкан муҳорабалардан бири деб аталадиган саваш режаларини чизаётганини аниқ сезиб турарди.

II

Оқсарой қурилишига боғланган Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳумоюн ўрдудан олий фармон олди. Унга Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бўладиган катта жангларда амир ул-умаро мансаби топширилгани айтилганди. Салтанат туғросига айланган уч ҳалқа тагида “Абулмузаффар Абулмансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодирхон сўзим” деб бошлангувчи, охирида “Амир Темур Кўрағон ибн Тарағай” сўзлари ярқираган муҳр босилган фармонда олий мартабага тайинлангани, зудлик билан Қорабоғга етиб келиши лозимлиги аниқ битиб қўйилганди.

У даставвал соҳибқирон ишончидан қувонди, иккинчидан, қизи Соғинч бикани кўриш имкони туғилганидан ичида суюнди...

Қизининг воқеасидан бир ҳафта чамаси вақт ўтганди, умиди ёниб тугаётган шамдай сўниб бораётган, ҳориб-чарчаган Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳовлида гўзал канизак Сарвинозни учратди. Даставвал канизакка термилиб: “Сен биласан-а, Соғинчни қайдалигини?..” деб сўраганди, канизакнинг апил-тапил: “Билмаймен... қайдан билай, амирим?.. Йўқ!.. Йўқ!..” деб ўнғайсизлангани сезилди ўшанда. Унда шубҳа қолмади: канизак Соғинч бика қаердалигини билади! Кейинги пайтлар канизакнинг ўзини опқочадиган одат чиқаргани, иложи борича, кўзга ташланмасликка уриниши ҳам буни тасдиқлаб турарди. Канизакда бир сир борга ўхшарди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку дарҳол Сарвинозни ҳузурига чорлатди ва Соғинч бика ҳақида сўраб, итобга олди.

— Биласан-а? Яширгансан-а? — маъноли сўради жигарсўхта ота...

— Йўқ! Йўқ, амирим! Билмайман, билмайман...

— Шундайми?.. Бўлмаса, сабр-тоқатим тугади! — деди жиддий Жаҳоншоҳ ибн Жоку, ўзини қаттиқ жаҳли чиққан қилиб кўрсатиб. — Айтмасанг... билиб қўй: шу одобсизлиги учун Соғинч бикани оқ қиламен! Менинг ундай қизим йўқ, дейман!

¹¹ Қазо-ю қадар - бу ерда: тақдирда ёзилгани, Оллоҳнинг иродаси билан бошга келиб турган беадад ғам-ғусса, бало-офат, маъносида.

Сарвинознинг кўзлари даҳшатдан катта-катта очилиб кетди, шўрликнинг бардоши тугади ва ҳўнграганча, ўзини хожасининг оёғига ташлади:

— Йўқ, йўқ! Ундай қилмангиз! Гуноҳ бўлади! Бир қошиқ қонимдан кечингиз, амирим!.. Қонимдан кечингиз! Яширдим... яширдим...

— Кечдим, кечдим!..

Сарвиноз чиройли юзини кўк ҳарир рўмоли билан ярим тўсганча гапираркан, ўксиниб йиғларди. Соғинч бика шаҳзодага меҳр қўйибди, ундан бошқа ҳеч кимни ўйламас, ўйлай олмас ҳам экан. Оппогойим бу сирни хожамнинг ўзларига айтмоқчи эканлар, бироқ улгурмай жон омонатини эгасига топширибдилар. Шайх Нуриддин баҳодир жаноблариникидан совчилар қатнови тезлаша бошлагач, қиз шартта йигитчасига кийинибди, ўзини билдирмай валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон ҳузурига боришга, иложи топилса, сипоҳ бўлиб, унинг кўшинида жангларда қатнашишга аҳду паймон этибди, кейин тезда қайтиб келажагини айтибди.

— Соғинч биканинг исми “Арғуншоҳ”. Сирдарёнинг бўйидаги ҳарбий машқлардаёқ ўзига шундай исм танлаганди баҳодир қиз... — тугатди сўзини Сарвиноз кўз ёшларини арта-арта.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку турган жойида қотиб қолди! Нега аввалроқ айтмадинг, юракларни қон қилдинг-ку, ноинсоф, дея нарида бошини эгиб, мунгсираб ўлтирган канизакни бошлаб қойиб ташлай деди, кейин бу фикридан қайтди. Канизакда не айб? Бари айб — ўжар ва талтанг қизида!.. Авбош бика! Безори қиз! Ўзига куёв излаб кетибди, бетавфиқ! На отани ўйлайди, на ор-номусни! Йўқ, йўқ, ҳамма айб ўзида — қизини роса эркатой қилиб қўйди, битта қиз, доим айтгани—айтган, дегани—деган... Тошканддаликларида “Арғуншоҳ” деган ном қўйиб олганини ҳам биларди. Ахир, кўзи олдида Камонгаронга бориб янги совут ясатиб келди, нимага керак бу, деб ўйламабдур-а, лакалов!.. Шижоатли қиз кичиклигиданоқ нукул дадасидан қаҳрамон ва жасур аёллар ҳақида сўрарди, саволлар берарди, хуллас, бошқача эди. Бекорга эмас экан-да...

— Шафқат кўрсатганингга шукур, Оллоҳим! — деб юборди бечора ота...

У дарҳол ишонган бир навкарини Соғинч бика изидан жўнатиб, тезда бирон дарак билан қайтишни тайинлади. Йигирма бир кун деганда, қайтган навкарнинг айтишича, валиаҳд шаҳзода кўшинида, чиндан ҳам, Арғуншоҳ деган жасур йигит бор экан. Аммо Маранд шаҳри учун жанглар кетаётганидан йигит билан кўриша олмабди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку қувончдан ўзини қайга қўйишини билмасди. Гоҳ қизининг тутумидан қаттиқ жаҳли чиқар, гоҳ гурурланиб қўярди.

Соғинч бикадан қандай хабар олиш керак, бориш лозимми ёки киши жўнатиб аҳволни билиш кифоями, деб боши қотиб турганда, ҳумоюн ўрдунинг олий фармони жонига оро кирди. Энди ўзи боради, ўзи “Арғуншоҳ” билан учрашади!..

Жаҳоншоҳ ибн Жоку тонг отиб-отмай Уста Хоразмий ва Табризийлардан хабар олгани Оқсаройга жўнади. У саройни йироқдан томоша қилишни ёқтирарди..

Оқсарой кундан-кун ороланиб борарди. Кенглиги йигирма қадамлар чиқадиган, ён томондан буржлар билан мустаҳкамланган улкан пештоқ

равоғини олиб қўйсалар, худди осмон тоқи тушиб кетадигандек туюлади. Икки тарафдан бўй чўзган, бурама ислимий гириҳлар ва қадама безаклар билан нақшинланган, мавж усулида терилган фиштли белбоғлар боғланган гулдасталар¹² пештоқ салобатига салобат қўшади.

Турфа рангли кошин қопламалари жуда ажойиб. Пардозланган қизғиш-жигарранг гилда қатъий ҳандасавий андозада моҳирона терилган фиштчалардан нақшлар отилиб-отилиб чиққан. Тўқ кўк рангдаги адил чизиклар сиркор парчинлар жилolari аро аниқ ажралиб туради.

Ранглар юқорига қараб қуюқлашиб боради, уларда ҳам кўк-нофармон тус устун... Кўламдор нақшлар, муборак ояти карималар ва ҳикматли иборалар билан зийнатланган ранг-баранг кошинлар ҳашам чекиб, саройга хориқулудда бир виқор, улуғворлик бағишлайди...

Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳар сафар мана шундоқ узоқ-узоқ кўзини ололмайди ва ҳар сафар Уста Хоразмийнинг улуғ меъмор эканлигига ичида тан беради. Бари, бари унинг иши-амали.

Уста Хоразмийнинг куни шу ерда ўтади. У кўпдан шахрисабзлик, аниқроғи, “оқсаройлик” бўлиб қолган. Пештоқни кошинлар билан безашдан олдин “Уста Матпано Хоразмий” сўзларини энг тепадаги фиштлар орасига яширишни буюрганди, ҳайратланган шогирд таажжубланиб сўради:

— Устод!.. Муборак номлари ичкарида бўладирму, ҳеч ким уни кўрмайдирму?..

— Ҳовва, ичкарида... Бу ота-боболар удуми, эй шогирд, — жилмайди Уста Хоразмий. — Агар бино қурсанг, номингни сир тут, йўқ эса, бу даъво гаразга айланадур. Мен яратдим, мен яратдим, деб бандаси манманликка бериладур, худони унутиб қўядир. Оламда яратгучи ёлғиз Оллоҳнинг ўзи. Йўқ, биз маъбуди барҳақ Оллоҳнинг дилимизга солганини адо этғоймиз, холос. Биз сидқидилдан тер тўкамиз, ҳеч нарсага даъвойимиз йўқ, гараздан йироқдурмиз... Бунинг ёдинда тут, эй шогирд...

Ёш уста бунчалар хокисорлик сирини англаш мушкуллигидан ўйланиб қолди.

Хоразмда қанча бино курсалар-да, аммо меъмор исмини билдирмай фиштлар орасига яширадилар. Уста Хоразмий бунга кўп шоҳид бўлган. Шоҳмеъмор бобокалонининг кўп йиллар аввал айтган сўзлари ёдида. Гурганждаги Қутлуғ Темур Бўлдой минорасини тиклаганида, ўз номини миноранинг ич томонига бир чеккага ёздирган, ташқари қуйи қисмида эса ҳукмдор Қутлуғ Темур Бўлдой билан Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг номларини куфий ёзувида чиройли битиб қўйган экан. Қутлуғ Темур хотини, Олтин Ўрда хони қизи Тўрабикахонимнинг кулоҳий гумбазли мақбарасида ҳам меъмор исмини қидириб хийла уриниб қолади киши.

Уста Хоразмий Сарой Беркадаги катта ўғлига ҳам шундай йўл тутишни уқтирган. Ўғиллари, ширин набиралари билан айри тушганига ҳам, мана, ўн беш йилдан ошибди...

Ҳовлида уймаллашиб ишлаётган одамларнинг сон-саногини йўқ. Баланд ҳавозаларга чиқиб олган, пастдан қараганда муштдек кўринадиган усталар сарой пешонасига фишт териб, чиройли шарафа ва арақилар ясардилар. Кошинкорлар пештоқдаги шер сурати атрофларига гўё

¹² Гулдаста — минор(а)нинг бир хили.

хайвонлар подшоси муҳофазада бўлсин дегандай, ложувард кошинлар қоплардилар. Ҳовлининг ўртасида бир кўп одам ганч қориш, гишт саралаш, тош йўниш ва ҳоказолар билан машғул. Баҳаво айвонлар ҳам одамларга тўла. Ўнг томонда бурчакда ёлғиз йигит аллақандай қўшиқни хиргойи қилганча, бир неча кун аввал ёпиштирилган кошинларнинг қирраларини силлиқлаб, артиб чиқмоқда. Кунчиқиш тарафда боғу хиёбонни оралаб ўтадиган айлана йўлкада ҳам кимлардир ивиришиб юрибди.

Устанинг чеҳраси очиқлигини кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку, саломаликдан кейин деди:

— Нохуш хабар келди... Тўхтамишхон билан катта жанг бошланар эмиш, ёшулли... Фармон олинди...

— Олтин Ўрда хони билан-а?.. — синчков сўради Уста Хоразмий сийрак соқолини беихтиёр силар экан.

— Ҳа...

Табризий гапга қўшилмас, фақат сезилар-сезилмас бош чайқаб ўтирарди.

Меъмор ҳеч нарса демади. У хаёлга чўмди. Ўн беш йилдан бери Кешда яшайди, урушу жанг садоларини эшитгани йўқ, Гоҳ-гоҳда Мисрда, Шомда, Ироқда, яна аллақеъқлардадир савашлар юз бераётгани ҳақида хабарлар қулоғига чалинади. Шундай пайтларда Гурганждаги хоразмшоҳлар саройини бузганларини эсларди-ю дили титраб, қурч жуссаси яна ҳам кичик тортиб кетгандай туюларди. Соҳибқирон урушу вазият тақозоси билан баъзи вилоятларни бузар, ўзгасини тузар, шаҳарлар бунёд этарди, Уста Хоразмий буни тушунади. Чунки ўша қалъа бузилмаса, яна тез кунда фитначилар ва душманлар уясига айланиб, салтанатга таҳдид солиши мумкин, солади ҳам.

Дашти Қипчоқ жангидан қайтгач, соҳибқирон томонидан Гурганжга киши юборганлигини, қайтадан тикланган шаҳарнинг кўркаму обод эканлигини эшитганида қувонгани ҳозиргидек устанинг эсида.

Аммо Олтин Ўрда хони билан жанг бўлса, у ҳолда Сарой-Берка босиб олиниши, харобага айланиши аниқ. Уста Хоразмий чамасига кўра, Тўхтамишхон Амир Темурга бас келолмайди, соҳибқирон чангалига чангал соладиган қудрат ҳозир жаҳонда йўқ. Қирғинбаротда, хотини-ку, оламдан ўтибди, катта ўғли, яна икки ўғли набиралари ҳоли нима кечади?..

Хос лашкарига олис сафар тадорикини буюриш лозимлиги, эрта тонгда йўлга отланиш зарурлиги сабабли Жаҳоншоҳ ибн Жоку безовталаниб турарди. У кетаркан, ортидан Уста Хоразмийнинг ўзига ўзи дегандек, айтган сўзлари қулоғига чалинди:

— Э, аттанг... Уруш бўлмасайди... Оти ўчсин урушни! Э, аттанг...

Кун бўйи сафар тадорикни юмушлари қўл-оёғини боғлаган Жаҳоншоҳ ибн

Жоку қоронғи тушгандагина хайрлашгани Оқсаройга йўналди. Ўзаро боғлиқ уч қисмдан иборат Оқсарой тун қоронғусида бошқача манзара касб этарди.

Тимлар билан ўралган ҳовли суви йўқ улкан ҳовузни эслатади. Саломхона, турли-туман хоналар, сарой ва боғ хиёбонлари қоронғулиқ пардасига чулганган. Ҳориб-чарчаган қурувчилар бари ҳужраларда қаттиқ

уйқуда маст... Ҳовли сукунат қўйнида. Ой шуъласи ҳовлини гира-шира ёритар, турфа соялар, кўлкалар ижод қиларди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку фақат бир одамнинг ухламай юрганини илғади, у кўзи хиралашса ҳам, саройнинг ичу ташини яхши кўра оладиган Уста Хоразмий эди.

Ана, у гоҳ сарой соясида кўринмай қолади, бироздан кейин яна ёруғликка чиқади-да, кенг елкаси кўзга ташланади... Яна йўлида давом этади. Аҳён-аҳёнда “Э, аттанг... Уруш-а... Оти ўчсин урушни...” деган сўзлари эшитилади-ю, тун қаърига сингиб кетади...

Ўн тўққизинчи боб

I

Маҳди улё Сароймулкхонимнинг Султонияга ташриф буюраётгани хабари Хонзода хонимни бағоят қувонтириб юборди, энди малолсиз хонимойим ҳазрати олиялари билан мириқиб-мириқиб суҳбатлар қуради, диллар чигили ўз-ўзидан ёзилади. Ахир улар Султония билан Самарқанд орасида бир-бирларига мактублар ёзиб, кўкарчиннинг йўлига қараб кун ўтказишади-да. Кеча Султониядаги баъзи воқеалар, ўзининг ташқаридан қараганда дабдабали, лекин аслида нурсиз ҳаёти, амирзода Мироншоҳ билан муносабатлар, Муҳаммад Султоннинг тўйи, унинг Хон Султон оқага кўнгилсизроқ эканлиги... ва ҳоказолар ҳақида батафсилгина мактуб ҳам ёзиб қўйди.

Кутилмаганда, мулозим Ахий Жаббор баҳодирнинг салтанат юмуши билан Гуржистондан келганидан хабар берди.

— Ассалому алайкум, маликам! — эгилиб таъзим бажо айлади у. — Шавкатли Мироншоҳ Мирзодан, шаҳзода Муҳаммад Султондан саломларни қабул айлангиз!

— Хуш келибсиз, баҳодир! Шаҳзодам тузукмилар? Ҳой, Оқ!... Бойинг келди, қара!..

Ийманган Оққиз бегим шуни кутиб турганди, дарҳол бориб баҳодирнинг оёқларига бош қўйиб тавоф қилди, кейин совутнинг совуқ пешига нозик лабларини босди. Кўзлари жикқа ёшга тўлди.

— Ҳай, ҳай!.. Қўйингиз, айб бўладир! Маликам кўрмасунлар... — хотинини қўлтиғидан ушлаб турғизди баҳодир. — Худога шукур, дейлик, тинчлик...

Хонзода хоним Ахий Жаббор баҳодирнинг иззатини жойига қўяр, уни Хоразмга борган вақтларидан биларди, бундай ўз аҳдига содиқ, хожасига вафодор инсон камдан кам учрайди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, маликанинг бир оғиз сўзи билан хизмат русумини ўзгартирмади. Ҳозир баҳодир нимадир демоқчидай туюлди, унинг ўнғайсизланганини кўрган Хоразм маликаси эр-хотинни холи қолдириб, саройдаги меҳмонхонага йўналди.

Ахий Жаббор баҳодир ўйга чўмди. Муҳаммад Султон воқеасини маликага қандай айтсин? Шаҳзода-ку, ўн кунча ётиб, оёққа туриб кетган, ҳозир унинг қўшини Ширвонда. Ишқнинг изтиробларини баҳодир ҳам тортган, лекин... Ё раббий! Шаҳзодаларнинг ишқи ҳам шаҳзодаларча бўлар экан! Мажнун ҳолига тушиб қолди-я! Табиатан бақувват, кучли

Муҳаммад Султон охири чидамади... Табиб, унинг кўнглига даво топмак керак, деди. Ҳеч қандай дору дармон, муолажа қор қилмас...

Ўшанда шаҳзоданинг бошини уқалаб, оёқларини силаб ўлтирар экан, баҳодир қачонлардир худди шундай ишққа мубтало жигарсўхта Жаҳонгир Мирзога ҳар хил эртақлар, афсоналар, Турўғлон ва Онабўри қиссаси, ҳатто ўзининг ҳам қалбини титкилаб, сарбадорлар пошшосининг қизи Жаҳон бикага пинҳона муҳаббати ҳақида сўйлаб берганларини эслади. Мана, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли ҳам шундай бедаво ишққа мубтало бўлиб ўлтирибди.

— Соғинч бика... Соғинч бика... — ўзига-ўзи айтгандек, сўзланди Ахий Жаббор баҳодир атай... — Шундай шаҳзоданики ўзига маҳлиё этиб, телба ҳолига солибдими, оламда ягона қиз экан-да!..

— Нима-нима?... Соғинч бика?... — бирдан юмуқ кўзлари очилиб кетди шаҳзоданинг. — Қани Соғинч бика?... Соғинч... Соғинч... Келдингму?

Баҳодир тушунди. Шаҳзодага энг аъло шифо — унинг маҳбубаси ҳақидаги суҳбат, дилтортар сўзлар... Бемор ошиқ кўнглига маъшуқаси ҳақидаги бир оғиз калом ҳам малҳамлар малҳами бўлур... У Соғинч бика ҳақида Оққиз бегимдан эшитганди, унинг чиройи, зебойи ҳусни, гўзаллиги, латофати, шаддодлиги ҳақида... Худонинг ўзи кечирсин, деди ўзига-ўзи, овозини баланд кўтарганча, гарчи қизни кўрмаган эса-да, кўргандан ошириб мақтай бошлади:

— Соғинч бикани салтанатда эмас, балки дунёда якка-ю ягона деб ҳисоблаймен! Шу ёшга кириб, не-не диёрларда кездиму ҳали бундай ҳусндор, хушрўй, кўркда тенгсиз, сулув, соҳибжамол ҳурилиқони учратмадим, шаҳзодам! Агар ўхшатсам, фақат назокатли маликам Хонзода хонимнинг ёшликларига қиёс этсам жоиздур...

Ахий Жаббор баҳодир яширинча шаҳзодага қаради-ю ҳайратда қолди! Ё раббий! Муҳаммад Султоннинг чиройли катта-катта кўзлари фавқулодда нурланган, тош қотган вужудга бамисли жон киргандай эди!

— Сиз... Сиз... — ютоқди тирсагига таянаркан шаҳзода. — Соғинч бикани кўрганмисиз?..

Ахийлар ҳеч қачон ёлғон гапирмайдилар. Аммо Ахий Жаббор баҳодир ҳозир кўнглида ўзи билмаган, танимаган бир ожиза ҳақида гапирар экан, ростларнинг ростини айтаётганига имон келтирди ва шаҳзодага жавоб берди:

— Шубҳасиз! Ахир бир маҳаллада яшар эдик-да!

— О. қандай бахтлисиз! — деб юборди шаҳзода. —

Ҳар куни кўргансиз! Мен эсам фақат икки марта... холос!... Энди у гойиб бўлган... Энди йўқ... Аргуншоҳдан ҳам дарак йўқ...

— Жоним шаҳзодам! — ҳаприқди Ахий Жаббор баҳодир Муҳаммад Султоннинг ҳуши ўнгланиб, тетиклашаётганидан бемисл қувониб, бошларини силаркан. — Камина падари бузрукворингиз Жаҳонгир Мирзо навқаримен! Жаҳонгир Мирзони деб маликам Хонзода хоним юртига, Хоразмгача борғонмен! Худо хоҳласа, маъшуқангизга етишгойсиз! Сиз Соғинч бикага чўғдай муҳаббатингизни кўриб Мажнуну Вомиқлар ёқасини тутиб қолурлар!...

Муҳаммад Султон кўзларида умид учкунлари чақнади...

Ахий Жаббор баҳодир шаҳзода воқеасини Хоразм маликасига ёки, жиллақурса, Оққиз бегимга билдириб қўйишга қарор қилди. Бироқ шу

палла шаҳзоданинг: “Аҳволимни сир сақласунлар, ҳеч ким, айниқса, валинеъмат соҳибқирон билмасунлар!...” деган сўзлари ёдига тушди ва бу ҳодиса ҳақида ҳеч нарса демади. Иккинчидан, маликаларни катта таҳликага солиб қўйиши мумкин экан. Яна бир жиҳати, бировларнинг сирини очиш ахийлар вазифасига кирмайди.

Ахий Жаббор баҳодир Султонияда икки кунгиёна туриб, Дарбандга жўнаб кетди. Оққиз бегим шавҳарини кузатиб қайтганда, кўзлари ҳали нам эди. Хонзода хоним индамади.

Бесаранжом маликалар ҳарбий жабҳалар томонлардан хабарлар эшитишга ҳамиша муштоқ бўлишади. Ахий Жаббор баҳодирдан юртда, соҳибқирон лашкарида тинчлик, эмну омонлик эканини эшитиб, Хонзода хонимнинг кўнгли бироз таскин топди. Шунисига ҳам шукур. Султонияда малика ҳеч ким билан сирлашиб-дардлашмайди. Кундошлари билан сўзлашишлари юзаки, чунки бари нуфузи баланд маликадан тортинишади, ёндашишга ҳайқишади. Бунга имкон ҳам кам, чунки ҳарамда катта малика мақомидаги Хонзода хоним шаҳарнинг шимол тарафидаги Чаманбоғда яшаса, бошқалари ҳар турли узоқ-яқин боғларга жойлашган, тўйларда, катта йиғинлардагина кўришадилар холос. Икки йил аввал Исфаҳонда Ҳулагухон мулки топширилгандан кейин, Мироншоҳ Мирзо ҳамма хотинларига ва жорияларига соҳибқирондан улги олиб алоҳида-алоҳида боғлар бағишлади.

Хонзода хоним катта маликани Чаманбоғда, икки тарафида кўкка бўй чўзган, узоқлардан кўзга ташланадиган қўш минорали қасрда кутиб олди. Эртасига маҳди улё шаънига катта зиёфат берди. амирлар, саркардалар, бекларнинг хотинлари оламнинг улуғ маликаси, доврўқди Бибиҳоним билан дийдорлашиш насиб этганидан мамнун, турли совға-саломлар ҳадя айладилар. Чаманбоғ пари-ю гулруҳсорларни оғушига олганидан яшнаб кетди, айна пайтда мунглуғ аёлларнинг кўнгиллари чаман-чаман бўлиб очилди.

Салтанатнинг олийқадр маликалари ўз дилларида, зиёфат тезроқ тугаса-ю, икковлари холи суҳбатга киришсалар, деган мақсадда бир-бирларига илтижо ила қараб-қараб қўярдилар. Ниҳоят, гўзаллар анжумани якунига етиб, кўз олар ранг-баранг либосларга бурканган ҳурилиқолар гангир-гунгир ичида зиёфатдан қайта бошладилар. Дарвоза олдида қаторлашиб, интиқ кутиб турган ароба-ю маофалар боғнинг рашкини келтириб, қушлардай учмоққа шай нозик-ниҳол паричеҳраларни ўз қучоқларига олдилар. Яшнаб ётган боғ сассиз, хомушланиб қолди...

Хонимойимни боғнинг этагидаги нақшинкор кўшкка бошлар экан, Хонзода хоним атрофга синчиклаб қаради. У куз кирганини ҳам сезмаган экан, боғда сарғайиш мавсуми ўзининг заъфарон кўрку ҳуснини намоиш этарди. Айрим дарахтлар сарғайган, ўзгалари яшил баргларини бағрига яшириб хазон сипоҳига қаршилиқ кўрсатишга тиришарди.

Тилла узукнинг бўртиб чиққан кўзига ўхшайдиган саккиз устунли ҳаворанг кўшкда салтанатнинг икки номдор маликаси бамисли узук кўзидаги ёқут-лаъллардек балқиб ўлтиришар, ҳарир пардаларнинг шокилаларини у ёқдан-бу ёққа отиб ўйнаётган шаббода маликалар атрофида айланиб ўргилай деб, ўзини дам-бадам гўзал кўшк ичига уради эди.

— Уч йилдирки, соҳибқирони муаззам Самарқандда йўқлар, маликам... — сўз бошлади Сароймулкхоним. — Худди Самарқандда ҳеч ким йўқдек... Ҳеч ким! Унинг устига, ўзлари ҳам бу ёқдалар...

— Куллуқ, хонимойим ҳазрати олиялари! — оҳиста бош эгди Хонзода хоним. — Тақдир экан... Мендан сўрасангиз-ку, ёнингиздан сира ҳам жилмай дердим.

— Юрагинг торс ёрилиб кетай, дейди баъзан... Ёпирай! Ўй босади... Чиганоқда қисилиб-қимтиниб яшаётган дурмен, деб ёзгандингиз мактубингизда... — Сароймулкхоним беҳол жилмайди-да, ёқимтой қараш қилди. — Ўша... сиз эмас, балки мендурмен... Мен ҳақимда ёзгандингиз шекилли, фаҳмим етмай англамадимму...

— Вой, нималар деяпсиз, хонимойим ҳазрати олиялари? — самимий таажжубланиб сўради Хонзода хоним. — Нега ундай дейсиз? Сиз ҳақингизда эмас... Нега сиз ҳақингизда бўлар экан?..

Хонзода хонимнинг дунёда бирдан-бир ёриладиган одами Сароймулкхоним. Хоразм маликасининг айтадиган гаплари кўп. Соҳибқиронга ҳам айта олади, у — эрка келин, йўқ, — қиз, йўқ, — Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин “ўғил” бўлиб қолган. Амир Темур Хонзода хонимни жуда авайлайди, ўйлаб куйиб-ёнади, унга боққанда сталик меҳри жўш уриб туради, тақдиридан юрак-бағри эзилса-да(малика буни соҳибқироннинг қарашларидан сезади!) билдирмайди. Қизи Султон Бахт бегимдан кўра ҳам зиёда кўришини малика қалбан сезади. Аммо ўзининг икир-чикир дардларини айтиб, валинеъмат соҳибқирон оромини бузгиси келмайди, аяйди. Ҳазратни ранжу изтиробларга солиш на ҳожат? Малика бутун салтанатга юк бўлиб, етти йил тул ўтирди, етти йил соҳибқирон чеккан руҳий азобларнинг ўзи бир умрга етса керак... Буни ким тушунади? Доим от устида юрадилар, юзлари сафар шамолларидан қорайган, бошларида бутун дунё ташвиши, юрт камоли, фарзанду набиралар тақдири, улар орасидаги турфа иддаолар(соҳибқирон барини билиб билмаганга оладилар), дунёнинг турли жойларида бораётган қурилишлар, мамлакатлар фатҳи, айниқса маликанинг нури дийдаси, келажакда улуг салтанатни етовга оладиган мард ва баҳодир валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон тақдири... Буларнинг бари соҳибқирон хаёлини банд айлаган. Хитой сафаридан қайтгач, салтанатни Муҳаммад Султонга топшириб, ўзлари озгина роҳат-фароғатда яшашни ўйлаб қўйганларини малика билар ва ичида соҳибқирондан миннатдор бўларди.

Самарқандда Боғи Чинорда ўлтирганларида соҳибқирон шу ниятини айтиб қўйди, фақат салтанат ва мамлакат шаъни-шавкати, нуфузи учун баҳосиз Хитой сафарини амалга оширгач, бу юз беради. Тайёргарлигу тадорик аллақачон бошлаб юборилган... Ўшанда Сароймулкхоним ҳам бу фикрни маъқул топганди.

Умаршайх Мирзо юлдузи сўнганидан хиралашган кўнгиллар осмони Улуғбек Мирзо офтоби балқиб чиққанидан ёришиб кетди. Иброҳим Султон таваллуди подшолиқ бўстонида ногаҳон барқ уриб жамол кўргизган гулдек, барчани қувонтирди. Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон билан Хон Султон оқа тўйлари эса барига чиройли безак бўлди. Ҳа, ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ экан.

— Энг ёқтирмаган нарсам — уруш, маликам!.. Уруш деса, сафар деса, юрагимни ҳовучлаб турамен. Урушни оти ўчсин, илоё! Бирон фалокат чиқмасун, бирон дайди ўқ тегиб-нетмасин, деб жоним ҳалакда... Тагин мустарликлар, айрилиқлар, мамлакатлар оша дийдорга шошилиш, меҳмонда юргандек юриш, тўйиб-тўймай, қайтишни ўйлаш, яна йўл... маҳди улё эрсанг-да, бир лаҳза ҳам хотиржамлик йўқ, осойишта яшаш йўқ...

— Хафа бўлмангиз, хонимойим ҳазрати олиялари...

— Соҳибқирони муаззамнинг умрлари жангу жадалда, сафарларда ўтмакда... Ахир бир жонларига нима керак? Тирик жоннинг умри ўтмай қоладирму? Ўйлаб ичим ачийдир...

— Рост айтадилар... — тасдиқлади Хонзода хоним. — Хоразм, Мўғулистон юришларининг саноғи йўқ... Аввалги Эрон сафари уч йилга чўзилди. Мана уч йилдирки, яна сафардалар... Валинеъмат соҳибқироннинг бошларини тошдан қилсун, илоҳи... Бахтимизга, Оллоҳ ўз паноҳида сақласун!

Катта малика ўнг қулоғи остидаги чиройли қайрилган қора гажагини нозик қўли билан оҳиста силаб қўйди.

— Соҳибқироннинг энг ёқтирмайдурғон нарсалари, бу — уруш, билсангиз... Тоқатлари йўқ. Лекин бошингда қилич ўйнатсалар, ёнингдаги қилични олмай иложинг ҳам йўқ-да... Хоразмга ҳам ўзлари бордиларму? Йўқ! Ўзингиз гувоҳсиз. Саваш бўлмасин, деб сизларнинг тўйингизни салтанат ҳужжатига айлангирдилар, икки севишган қалб ҳам муддаосига етди... Ҳамиша урушнинг олдини олиш чорасини излайдилар. Қуда-анда бўлсак, дейдилар. Кейин ўша мамлакатларда зулм ошса, у ернинг қадхудолари ўзлари соҳибқирондан мадад тилаб, элчи юборадурлар... “Инна жаалнока халифатан фил арз” ояти бор Куръони каримда, сизларни ер юзида халифа қилдук, деган. Ўзимни халифа ҳисоблаймен, қудратим изн берса, бориб ўша ерда адолат ўрнатмасам, гуноҳга ботамен, дейдилар Ҳазрат. Кечиримли эканликларини айтмайсизми. Тўхтамишхоннинг тўрт марта узри қабул этилди...

— Ҳали шаҳзодам ҳаёт эдилар, — эслаб кетди Хонзода хоним. — Амир соҳибқирон ҳамиша ўғил-қизларини, келинларини йиғиб, улар билан суҳбат қуришни жуда яхши кўрардилар. Шундай даврада ўлтириш унга жуда ёқарди. Оқа Беги хонимни, айниқса, озроқ касалмандлигиданми ёки катта қизлари эканлигиданми, ёнларига ўтқазиб ардоқлардилар. Бошқа ёнларида мен ўлтирардим, ҳар иккимизни ҳам қизим, дердилар. Суюб пешоналаримиздан ўпиб қўярдилар. Ана шундай кунларнинг бирида, Боғи Чинорда айтган гаплари ёдимда: “Кошкийди, бутун умрим худди шундай сиз жигарларим даврасида хушчақчақликда ўтса!.. Аммо салтанат ишлари билан банддурмен, вақтим йўқ, чорасизмен-да...” — дегандилар...

— Маликам! Амир соҳибқиронга осон эрмас. Салтанат улкан ва муаззам... Яқинда Қорабоғдалигимда айтдимки, катта ниятингиз бор — Хитойга юриш... Амалга ошса, жаҳонда бундан улугроқ музаффарият бўлмағайдур. Яна Тўхтамишхон тарафга юриш зарурмикин?.. Қайтармоққа уриндим. Соҳибқирон дедиларки: “Иложим йўқ, Бибижон... Худодан кўрқамен. Айрим ношукур бандаларни жазолаб, танобини тортиб ҳам қўйиш керак... Ўғлим, дедим, мени чув тушириб кетди-ку, кўрнамак! Устимиздан кулиб ҳам юрғондир... Мард писиб юрмайдир, у ҳайиқмасдан майдонга чиқадир. У эса, юртда йўқ пайтимни топиб исён кўтарадур, босқин уюштирадур, майдондан кўрқиб қочадур... Дилимизга яқин, Биби, айниқса иқингиз суядурғон ҳашаматли Занжирсаройга ҳам ўт қўйибдур ноинсофлар! У ерда қишлоқ солишни, ҳордиқ олишни, шикор қилишни ёқтирардим, сизни ўн яшарлик вақтингизда ўша ерда учратғондим, ёдингиздаму?.. Баридан бебаҳра этди, ножинс! Ҳар бир босилғон қадамга жавоб бордур бу дунёда, дедилар Ҳазрат яна...

— Биз ҳам тўйимизнинг иккинчи йили шаҳзодам билан Занжирсаройга борғондик, хонимойим ҳазрати олиялари.

— Бирга эдик-ку, маликам...

— Бирга эдик, бирга эдик... Валинеъмат соҳибқирон олиб кетгондилар. Валиаҳднинг шикорда қатнашишларини истадиларми... Умрларида сўнгги марта шикорга боришлари экан шаҳзодамнинг, энди ўйласам... — Хонзода хонимнинг кўнгли тўлиқди. — Шаҳзодам шикорда жуда чаққонлик кўргизибдурлар, Амир соҳибқирон ёш боладай ҳамманинг олдида(мен ҳам бормен): “Валиаҳдим менинг, валиаҳдим!” — деб мақтандилар... Тескари қараб, йиғлаб юборибмен ўшанда.

— Эсласам, эсласам... Ўн гулидан бир гули ҳам очилмаганди шаҳзодамнинг... — Сароймулкхоним оғир сўлиш олди ва гапни бошқа ёққа бурди: — Ҳа, Занжирсарой ажойиб қаср, падари бузрукворим Қозон Султонхон ҳазратлари қурдиргондилар. Ёш қизалоқ эрдим, отажонимнинг қурувчилар ичида ўзлари ҳам ишларга араллашиб, гишт кўтариб, кимгадир буюриб, куйиб-пишиб юрганлари ҳозиргидек кўз ўнгимда...

Гурунг тобора қизиб борарди. Кўшкдан атроф баралла кўриниб турар, Табриз тараф кенг далалардан иборат, ҳов олисларда йилқи уюрлари ўтлаб юрарди. Шарқ томонда Қулзум денгизи бўйларидаги адирга ўхшаш тоғлар элас-элас кўзга ташланарди. Осмон эса тип-тиниқ, уфқ этагида ивирсиб юрган бўлтак-бўлтак булутлар ўзларича, мусаффо кўк тоқига чиқмоқни чўтлашар, аммо қўллари қисқалик қилаётгани билиниб қоларди.

Шу палла Оққиз бегим соҳибқирон чопари кутаётганлигини билдирмоқ учун кўшкка яқинлашди-ю, бироқ ширин суҳбатни бузишга ботинолмади. Уни биров сезмади. Маликалар гурунг билан андармон хонтахтадаги таомларга қўл ҳам урмадилар, фақат ташналиклари ортиб, оз-оз гулобдан ҳўплаб қўйишарди. Хонзода хоним ўз дардларини айтмас, агар айтса нолиш бўлади, деб ўйлар, шу сабабдан, бу мавзуда маҳди улёнинг ўзлари сўз очиб қолишар, деб интиқади.

— Тўрт ўғилдан иккисини тупроққа қўйдилар... — маъюс деди Сароймулкхоним. — Ота учун бундан оғирроқ мусибат бормукин? Лекин хайриятки, худои таоло Ҳазратга тўзимдан берган экан, чидадилар. Энди Амир соҳибқироннинг таянчи, суянгани шаҳзода Муҳаммад Султон! Шаҳзодам, мен сизга айтсам, кўз олдимда вояга етди-ку, жуда ҳам бошқача йигит-да! Амир соҳибқирон, мендан кейин, салтанатни бошқарганда қийналмасун, деб ҳозирдан жонлари ҳалак! Ундаги ақлу идрок, кўрку ҳусн, нозиккўнгиллилик, инжа табиатлилик, пок сийрат, шижоат, тантилик, мардлик хислатлари улуғ бобосига жуда ўхшаб кетадир. Худо раҳмати Султон Ўзбекхоннинг шижоати ҳам унда мужассам...

Сароймулкхоним қараса, Хонзода хоним пиқиллаб йиғлапти. У шошиб қолди:

— Ие... маликам! Нима қилди?..

— Ўзим... шундай...

— Йиғламангиз, маликам! Кўз ёшингиздан айланай ўзим! — Маҳди улёчинни пиёлага гулоб куйиб узатди: — Ҳўплангиз. Бир қултум ҳўплангиз! Дардингиз арийди. Енгил тортасиз.

Шу пайтгача чидаб қимтиниб турган Хонзода хоним энди ўкраб юборди!

— Вой!.. Вой... Ана холос!.. Маликам! Маликам... Айб бўладир, маликам, йиғламангиз... Йиғидан худо сақласун!

Оққиз бегим дарҳол юпатай деб кўшк томонга чоғланди-ю талпиниб кўйди, аммо жойидан жилмади

Хонзода хоним ингранганча деди:

Хурсандлигимдан йиғлаётирмен, хонимойим ҳазрати олиялари! Хурсандлигимдан... Мен йиғламай, ким йиғеласун... Мунча пешонам тор экан! Сизга айтмасам, кимга айтамен, мен шўрлик! Ахир Хоразмда эканлигимда ҳамма менга ҳавас қиларди-ку, дунёда энг бахтли қиз, малика, ақли, гўзалликда ягона, хонлар қизи дейишарди-ку?.. Ақли, дунёда энг бахтли бўлмай, мен ўлай! Кибру ҳаво нималигини билмағондим, бировга ёмонликни тиламағондим, зинҳор ғурурланғоним йўқ эрди шекилли... Не айбим борки, парвардигор шўрлик жонимни ўтларга отди? Бахтсизларнинг бахтсизига айлантирди? Бу дунёнинг расамади борми ўзи? Ахир айбдор киши жазосини олиши керакми? Ёки, бегуноҳ бир бандани қайта-қайта жазолайвериш лозиму? Жаҳонгир Мирзодек ёримни худойим кўп кўрди, кўп кўрди!.. Энди амирзода Мироншоҳ Мирзога ортиқча юкмен... Ўтирсам ўпоқмен, турсам сўпоқ... Бор-е, деб кўч-кўронимни йиғиштириб, Самарқандга жўнайин ҳам дейман...

— Ҳай-ҳай! Ундоғ қилмасунлар, маликам! Амир соҳибқиронни ранжитмоқчимунлар?.. — деди шоша-пиша Сароймулкхоним маликанинг қўлларидан ушлаб, худди Хонзода хоним ҳозироқ йўлга тушадигандек.

— Ўзим ҳам шундан кўрқамен, аммо бардошим тугаб боряпти... Вой, худо! Мендан анови канизагим Оққиз бахтлироқ... Ҳа, ҳа, у бахтли, ардоқда, суйғони ёнида... Шунчалар ҳам толеим паст бўладирму? Шунчалар ҳам хўрланадурму киши?.. Севин бика эрмиш, Севин бикамас, Алам бикамен, Ситам бикамен! Дард бикамен! Мен ҳам одам боласи эдим-ку, хонимойим ҳазрати олиялари?.. Эдим-ку?..

Хонзода хоним ўксиб-ўксиб йиғларди. Ўн икки йилдирки, у Мироншоҳ Мирзо хасми, дил-дилини қийнаб ётган аламларни дамни ғанимат билиб Сароймулкхонимга тўкиб солиб, бир йўла қутулиб олмоқчийди чоғи... Нур билан чайилгандай оқ-сарик юзлари, иринининг ўнг томонидаги мўъжазгина қора холи кўз ёшларда чўмилар, юпқа лаблари нозиккина титрарди. Маҳди улё аста Хонзода хоним ёнига ўтиб, бошидан силаганча меҳр билан бағрига босди:

— Ўзим айланай сиздан! Ўзим айланай, маликам! Сира бахтсизмен, демангиз-а! Ғанимларга ҳам бахтсизликни раво кўрмасмен! Ундоғ демангиз! Ношукурчиликка чиқиб қолмасун! Суқсурдай икки ўғлингиз бор ахир... Муҳаммад Султон, Халил Султон... Фарзандни ҳам худо берганга берадур, маликам, сизга берибдур... — Сароймулкхоним жим қолди, унинг ўпкаси тўлиб келаётгани сезилиб турарди. Агар шу палла унга, э сизга не бўлди, ўзингизни қўлга олингиз, кўнгилни чўктирмангиз, деб ҳол сўраганларидами, шубҳасиз ўкраб юборарди. — Мен... мен... маҳди улё... Бибихоним... Бибижон... катта малика... хонимойим... Бахтлиларнинг бахтлисидурмен бошқалар назарида. Аммо бефарзанд ўтаётирмен-ку?.. Бир тирноқ билан худойимни мулки камайиб қоладурму?.. Зорим бору зўрим йўқ яшаётирмен бу дунёда. Ҳа, сиз эрмас, чиганоқдаги дур мендурмен, лекин дурнинг ҳам каттаси, ҳам бедавоси! Тавба деб гапирай, шукурлар қиламенким, Ҳазрат соҳибқироннинг ёнларидадурмен,

набираларимиз қошимда, бу сизнинг шаддод ўғилларингиз, менинг ўғилларим... Худо, мана, Улуғбек Мирзони берди... Гоҳо ўй босадур, агар ўғлим бўлганда ҳам, унга Муҳаммад Султонгачалик меҳр қўя олар эдимми йўқми, билмаймен... Шукур айлангиз, маликам...

Сароймулкхоним ўзини ўнглаб олди. Хоразм маликаси хонимойимни қийнаб қўйганидан хижолат тортди.

— Кечирингиз мени, билмай сизни изтиробга солиб қўйдум, хонимойим ҳазрати олиялари! — йиғламсиради Хонзода хоним. — Тавба дейман, худога шукурлар дейман, Муҳаммад Султондай ўғлим бор... Буниси — шавҳарим, униси — ўғлим... Не чорам бор... Нединки, сен набира ҳолингда валиаҳд аталдинг, мен эсам ўғилдурману шундай мартабага эришмадим, деган ғараз бор амирзодамда... Очиқ айтмасалар ҳам хатти-ҳаракатларидан, ўзларини тутишларидан билиниб турадир. Ахир бунда Муҳаммад Султоннинг ҳеч гуноҳи йўқ-ку? Менга уйланганлари... Амир соҳибқирон уларни кўрагон қилмакчи эканлар. “Менга кўрагонлик керак эмасди... Амир соҳибқирон қўймадилар.” деган гапларни айтиб юрганлари ортиқча. Амир соҳибқирон қулоқларига тушса, нима бўлади, деб ўйлаш йўқ... Орқа-олдига боқмай қадам босадилар. Салтанат юмушларини ўйлаш қаёқда, ортга отадурлар. Ўзларини бағоят оламда танҳо сезадурлар амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳам мансабу мартабада, ҳам ақлу идрокда... Атрофларига мутрибу созандалардан тўрт-бешта одамни йиғиб олғонлар, ўйин-кулгу, маишатни баланд авжда тутадурлар. Айтсамми, айтмасамми... Бегона хотин-халажга қўл чўзиш одатлари ҳам йўқ эрмас...

— Мироншоҳ Мирзодан ҳар нимарсани кутиш мумкин... — ўйланиб деди Сароймулкхоним. — Майли ўксинмангиз, жоним маликам!

— Ҳамма уни соҳибқироннинг эрка ўғли, дейдир. Кимса бир нима дейишга ботинмайдир. Салтанат ишлари ўлда-жўлда... Буларга вазири аъзам Муҳаммад Жалднинг ҳам алоқаси бор, шекилли. Тез-тез кўришадилар...

Хонзода хоним чиройли шаҳло кўзларини рўмолининг учи билан оҳишта арта бошлади. Сароймулкхоним маликанинг бошини силаганча, бағридан қўйиб юбормас, ўзининг ташвишини унутиб, ич-ичидан унга ачинар, вафосиз дунёнинг кирдикорларидан дод, дод дегиси келарди.

— Тўйиб ҳам кетасен, баъзан... Яшаётирмен, хонимойим, шу ўғилларимни деб, айниқса Муҳаммад Султонни деб, ишончим, суянчим, имоним, қувватим валиаҳд ўғлимни деб яшаймен... Маъзур тутсунлар...

Оққиз бегим оламга бергисиз маликаларнинг ўз турмушларидан нолиганликлари, норизоликларини эшитиб, хаёлидан, салтанат чечаклари шундоғ изтироб чексалар, унда биздек печаклар не чора қилсунлар, деган ўксиниш кечди. Бирдан чопарнинг иши шошилинич эканлигини эслаб қолди ва оҳишта томоқ қиришга журъат этди.

— Оқ... Тинчликми?.. Нима гап?.. — ўзини ўнглаб пастга қаради Хонзода хоним ранжиганнамо. Маликанинг овози ҳали йиғи оҳангидан ариб улгурмаганди. Сўзларидан, интиқ бўлиб эндигина бир-бировимизга етишган пайтимизни ҳам кўп кўрдингму, деган маънони уқиш мумкин эди. — Чиқ-чи, бу ёққа...

— Гуноҳкор жорияни кечирсунлар, маликам! Қорабоғдан чопар етди. — чиройли эгилганча деди Оққиз бегим. — Маҳди улё хонимойим жаноби олияларига муҳим хабар бордур...

Сароймулкхоним сергакланди, ўнг юзидаги гажагини силаб қўяркан, сўзла, дегандай канизакка боқди:

— Амир соҳибқирон Тўхтамишхонга қарши уруш очибдурлар... Элбурыз тоғи домонаси лашкаргоҳ бўлибдур. Барча амирлару амирзодалар ўз қўшинлари билан боришлари шарт эмиш. Шоҳруҳ Мирзонинг Фарбий Эрондан мамлакатни бошқаришга Самарқандга жўнашлари лозим эркан. Маҳди улё Сароймулкхоним ва Туман оқаларнинг ҳам амирзода бирлан боришлари айтилибдур, вазири аъзам Муҳаммад Жалдга барчасини кузатиб, пойтахтга омон-эсон етишларини таъминлаш тобшурилибдур.

Мушфиқ маликалар шу лаҳзадаёқ ўз дардларини унутдилар.

— Оҳ!.. Тагин урушми! Уруш... Айтгон эрдим-а уруш бўлмасун деб... — бежирим ёқут лаблари қимтинди Сароймулкхонимнинг. Бироздан кейин қўшиб қўйди: — Оққиз, тез Сафарберганга айт, тараддудга тушсун, эртагаёқ йўлга чиқурбиз!..

Хонзода хонимнинг эса дарҳол шавҳари Мироншоҳ Мирзо ва суйган ўғли Муҳаммад Султонларнинг ҳар бири ўз қўшини бошида Элбурыз тоғига қараб илдам от йўрттириб бораётганлари кўз ўнгида жонланди.

— Худо сақласун! — деб қўйди оҳиста...

II

— Кўриikka-а! Кўриikka-а-а-а!.. — сўзлари янграрди Элбурыз тоғи этакларида.

— Кўриikka-а! Кўриikka-а-а-а!... — садолари эшитиларди Самур дарёси бўйларидан...

Бир ҳафта аввал, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон сари ҳарбий юриш олдидан “Черик яроғини шайласун!” деган ҳукми олий содир бўлди. Фирдавсмонанд пойтахти Самарқанддан тортиб Султониягача, Шерозу Исфаҳон, Гурганжу Андижонгача юқори доираларда, саркарда ва амирлар давраларида, авомуннос орасида шундай юриш ҳақида миш-мишлар кўпдан айланиб юрарди. Демак, энди аниқ: Турон султони билан Олтин Ўрда хони ўртасида дунёда ҳали тенги учрамаган улкан муҳораба юз беради! Ҳамма ана шундан қўрқарди.

Тумонот черик, беадад лашкар, интиқомга ўч қўшин ўрнидан кўзғолди. Баҳор нафасидан яшиллана бошлаган тоғ ёнбағрида ёмғирдан сўнг бодраб чиққан кўзиқоринлардек, ҳар жой-ҳар жойда чодир у олачуқлар, боргоҳлар кўзга ташланди. Қуйироқда амирзодалар, беклар, лашкарбошилар ҳар бири аллақандай таважжухда қўшинларини ўз жирғасида¹³ сафга тизиб, кам-кўстини тўлдириб, орқа-олдига қараб, қайта-қайта кўздан кечириб чиқардилар. Ҳамма соҳибқирон черикни синчковлик билан эринмай юриб назардан ўтказишини, истаган навкардан улуфа олдингми, укалко¹⁴ билан сийладиларми, арра олдингми, ўқдан нечта, отинг борми ва яна ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган турфа хил саволлар бериши мумкинлигини билишарди.

Тоғ ёнбағирлари бамисли маҳшаргоҳга айланди. Муборак яловлар балқиди. Боққанлар, Чингизхондан буён бундай ораста ва мукамал зафарқарин лашкарни бандаси кўрмаган эрди, дердилар.

¹³ **Жирға** — бу ерда: Ўз белгиланган жойида, маъносида.

¹⁴ **Укалко** — аскарларга пул иъном қилиш, мукофот бериш.

Бошига йирик ёқутли олтин тож кўндирган, эгнига зар чопон ташлаган Амир Темур учаман, деб ер тепиб турган гижинглаган тулпор жilовини тортиб-тортиб қўяркан, олис-олисларни, кўз илғамас кенгликларни тўлдириб ётган буюк лашкар маҳобатидан кўнгли яшнарди. Аммо тингчиларнинг хабарларига қараганда, Тартария императори қўшинининг чўғи баланд эмиш, шу нарса сал унинг кўнглига хавотир соларди. Соҳибқирон амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жокуга уруш олдидан тумонот лашкарга бир йиллик улуфа, хазинадан ақчалар улашишларини, хоҳ кексадир, хоҳ ёш, биронта ҳам навкарни назардан қочирмасликларини буюрди.

— Барчасини назорат этасен! — деди Муҳаммад Чуроға додхоҳа...

Шер ўйнатувчи оловли ҳалқадан сакрашдан олдин шерга қанд егизиб ийдирган каби, Амир Темур ҳам айқириб, душманни парчалайман, бурдалаб ташлайман, деб шайланган майдон шерларига дирҳаму инъомлар улашиб ҳаммасининг кўнглини тўқ қилиб қўйди.

У ёнидаги бурул от минган, одатдагидек оппоқ ҳирқа кийиб олган Мир Саййид Барака ҳазратларига оҳиста ўтирилди:

— Ижозат айласалар, черик яроғини кўришни бошласак...

Пири муршид от устига ёприлиб тушган оқ ҳирқа барини йиғиштириб тақимига босди-да, дуога қўл кўтарди:

— Илоҳи, о-о-мин, музаффарият ўнг томонларида-ю фатҳу нусрат чап ёқларида, олам итоатда-ю фалак фармонбардорликда тайёрдурлар! Алҳамду лиллоҳи раббил оламин!

— Черик яроғи салтанат камолидур! — қўллаб-қувватлади Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

— Муборак назарларидан бошимиз осмонга етгувсидир, Амир соҳибқирон! — деди амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Кўрикда қўшинлар худди жангга кираётгандек қурч сафларга тизилишарди.

Қўлни эгаллаганидан мамнун валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон жавшанга¹⁵ чулғаниб олганидан салобатли кўринарди, у тўрт йил олдин Қундузча ёнидаги жангда қўшин манглайида саваш қурганини, бу билан бошқа амирзодалар қитиқ-патига текканини эслади. Ўшанда ўн тўрт ёшли шаҳзода Тўхтамишхоннинг қочиб қутулиб кетишига йўл қўймаслик зарурлигини, бу нарса ҳали кўп ташвишлар орттириши эҳтимоли борлигини ички шуур билан фаҳм этганди. Рост ўйлаган экан. Бу сафар ўша ниятда соҳибқирондан ижозат сўрамоқчийди-ю, бироқ, бу амакилари Мироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзоларга ёқмаслигини билганидан, отилиб чиқишга истиҳола йўл бермади. Энди анов-мановмас, нақ йигирма етти қўшин савашига шайланмоқда.

Амир Темурнинг келаётганини кўрган Муҳаммад Султон ҳаяжонга туша бошлади, сўнг икки ойдан бери дийдорлашмаган бобосининг истиқболига ошиқди, манглай сардори Ахий Жаббор баҳодир уни орқароқда кузатиб борарди.

Тифлизда хийла ўзига келгач, шаҳзода Муҳаммад Султон машқлар билан овунишга тиришди, қилич чопди, найза сўқди, қўшинни бирма-бир назардан ўтказди. Нафсиламирини айтганда, бу энг адолатли йўл эди.

¹⁵ **Жавшан** - симдан тўқилган совут, зирҳ.

Бу орада, худо ўзи қўллаб, омади чошиб, ҳумоюн ўрдудан ҳам чақириб безовта қилмасалар бўладими! Бетобу беҳудлик воқеасини эса қаттиқ сир тутдилар. Шундай паллада Тўхтамишхонга уруш очилиши хабари тарқалди.

Шаҳзода эллик қадам қолганда, отдан тушиб, яёв борди ва юкунганча сўзга оғиз очди:

— Эй парвардигорнинг ўзи алқаган Улуғ зот, валинеъмат соҳибқирон! Тобакай арзу само эмну омон, ҳукмингизда бўлсун жумлаи жаҳон!

— Ҳукмингизда бўлсун жумлаи жаҳон!!! — ҳайқирди ортда турган Ахий Жаббор баҳодир. Майдонга киришга отланаётгандай ясол¹⁶ тортган, туғ-аламларга чулганган сабрсиз кўшин наъраси осмонларга ўрлади.

Муҳаммад Султон соҳибқирон узангисига лаб босди. Соғиниб қолган Амир Темур набирасининг дубулғасини силаганча, валиаҳдни мақтаб қўйди, офарин сўзларини дуо билан якунлади:

— Асло камлик билмагайсен бу замонда, илоҳи, ёмонлик кўрмагайсен сен жаҳонда, илоҳи!..

Жаҳоншоҳ ибн Жоку негадир кўнглида ғурур туйди... Муҳаммад Султон билан илк бор кўришганда, шаҳзодада фавқулодда ҳаяжон изларини илғади, аммо бирон нарса сўролмади. Сўрай оладирму ўзи?.. Эҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку дўст-душманлар олдида оламнинг олий шаҳзодаси қайнотаси бўлиб кўкрак керса!.. Орқаворатдан Арғуншоҳ деган йигитни суриштирди, унинг Самарқандга жўнаб кетганини билди. Демак, “авбош” қизи энди Самарқандда экан...

Кўп ўтмай, чопар унга қисқа бир мактуб тутқазди. У бир неча қатордангина иборат эди:

“Муҳтарам амирим Жаҳоншоҳ ибн Жоку жанобларига, тўрт кўз-туғал эрконлигимизни билдириб ёзғуви гуноҳкор канизагингиз Сарвиноздурмен. Қутлуғ хабарни етказишга шошилурмен: Оллоҳнинг инояти билан, “авбош” Соғинч бика қизимиз, худога шукур, соғ-саломат уйимизга қайтиб келди!.. Қайтиб келди! Бўм-бўш бағримизни тўлдирди! Оллоҳнинг паноҳида тўрт мучаси соғ...Ўзи афсусу надоматда... Икковлон сиздан узр сўрайдурмиз...”

Жаҳоншоҳ ибн Жоқунинг юраги ҳаприқди, ўзини қўйгани жой тополмай қолди ўшанда...

— Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида! Жонимиз фидодир, валинеъмат бузрукво-о-ор! — деб қичқаришди Муҳаммад Султоннинг навкарлари шу палла. Ўн икки минглик лашкарнинг садоси Элбурз билан бўйлашиб кўкларга ўрлади. Унга бурғулар овози қўшилди.

— Халлоқи безаволга салламно! Рост, улар менинг фарзандларим, фидойи, падари бузрукворига содиқ фарзандларимдур... — деди Амир Темур мамнун чайқалиб турган кўшин сафларига тикилиб. — Ўтга кир десам ўтга кирадурлар, сувга кир десам — сувга... Қўшиннинг ҳар бир қанотини, ҳар бир навкарни, бир тандек сезамен, бамисли кўлимдек, кўзимдек, қулоғимдек, тилимдек... Лашкар ҳаракат қилса, кўлим ҳаракат қилгандай бўлади Ҳар бир сипоҳ фавжи бамисли уруш аслаҳаларидан бири.... Лашкар — менинг вужудим... Навкарга санчилган найза навкарга эмас, менга санчиладур...

¹⁶ Ясол — саф, қатор

Соҳибқирон шундай дегач, бир аскардан сўраб қолди!

— Чодирларинг борму? Улуфа тегдиму? Садоқда ўқ борму? Совутчи?... Дубулға... Шамшир... Арра... Бигиз?..

Жавоб олгач, шаҳзодага ўтирилди:

— Черикдаги ҳар бир аскар бир йиллик овқатини ғамлаб олсун, ҳар бирида ушбу яроғлар бўлсун: ўқ-ёй, садоқда ўттиз ўқ., қалқон ва ёйга албатта ғилоф, қилич, гурзи, пичоқ ва ханжар.. Ҳар икки одамнинг бирида дулдул от, ўн кишига бир чодир, икки белкурак, бир омоч, бир ўроқ, бир арра, бир ойболта, бир теша, бир чўкич, бир бигиз, юзта игна, тери, бир қозон, чилвир бўлсун. Отлардан етарлича олдингизларму? Чунки навкар отига шикаст етса, дарҳол отни алмаштирингизлар!

— Валинеъмат соҳибқирон! Айтилгон нарсалар бари-бари муҳайёдур!

Амир Темур шаҳзодага боқаркан, бевақт кетган ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзолар ёдига тушди. “Агар ўлим омонлик берганида, ҳар бири кўшинининг бир томонини оларди...”, деб ўйлади у.

Соҳибқирон йўлида давом этарди.

Ҳулагухон мулки соҳиби Мироншоҳ Мирзо Дарбанддан ўтаётган вақтда, кўққис отдан йиқилиб, кўли қаттиқ мертилиб қолди. Одатда, катта муҳораба дарагини эшитди дегунча, барча амирзодалар, лашкарбошилар дарҳол ўз кўшинлари билан кўрик жойига етиб келадилар. Тавочилар буни алоҳида уқтиришади. Соҳибқирон Мироншоҳ Мирзони аяб, угруқ билан бирга бўлишни тайинлади ва жанг майдонларидан йироқроққа, Озарбайжоннинг Шеки шаҳрига қайтариб юборди.

Жаранғорда, чап қанотда Амир Сайфиддин некўз лашкари қилич ва ўқ-ёйларини тартибга солиб тура-говсипарларга¹⁷ чулғаниб, олий назарга ярашиқли тарзда кўр тўкиб турарди.

Баранғорда, ўнг қанотда Амир Шоҳмалик ва баранғор ҳировули Шайх Нуриддин кўшинлари ёнма-ён жойлашганди. Икки нуфузли амирнинг ўзларини қалин дўстлардай тутишларини, бир-бирларидан айрилмасликларини, аммо пинҳона обрў талашиб юришларини ҳамма биларди-ю ҳеч ким бу ҳақда гапирмасди.

Тўрт йил аввалги жангдан кейин Қундузча дарёси бўйида майдонда фавқулодда баҳодирлик кўргизган амирлару навкарлар турли мукофотлар ила сийландилар. Ўшанда Амир Темур кўшинлар олдида Амир Шоҳмаликни олқишлаб деди:

— Жасоратли амир тархонлик унвони бирлан сийлансун!

Қийқириқ кўтарилди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ дарҳол тархонлик имтиёзларини ўқиб эшиттирди:

— Тархонлик унвонини олган бахти чопган кас саройда Амир соҳибқирон ҳузурига хоҳлаган пайтда кира олиш ҳуқуқига эгадур. Тўққизта гуноҳ қилмагунча, уни ва фарзандларини сўроққа тутулмайдур, тегишли ўлжаси тақсим этилмайдур, барча солиқлардан озоддур! Амир Шоҳмалик жанобларига парвоначи мансабининг хос муҳри тобшуриладур!

Қошлари қуюқлигидан қовоқлари йўқолиб кетгандай туюладиган Амир Шоҳмалик кўзларини ерга тикканча таъзим қиларкан: “Қуллуқ! Қуллуқ! Оллоҳга шукур!..Холис хизматимиз...” дерди, холос. Шайх

¹⁷ Тура - говсипар — ҳўкиз терисидан ясалган одам бўйи қалқон.

Нуриддин унга гаши келиб тикилар, шундай мартабалар ўзидан бошқаларга насиб этаётганига астойдил ҳайрон қоларди.

Соҳибқирон ташрифига ҳали бир кун борлигини билган беш-олти кўшин нарида жойлашган, Тошканддан чақириб олинган, ҳировулга қўйилган Амир Аллоҳдод сипоҳлари хуш кайфиятда эдилар. Сипоҳлардан бири қиличини текширар, қинидан суғурар, мақтангандай ҳавода бир-икки ўйнатиб қайта солар, иккинчиси ихлос билан ўқларни ўтқирлар, санаб садоққа қайта жойлар, учинчиси астойдил отининг ёлини тараш билан овора, тўртинчиси эса қўлларини бошининг тагига қўйиб:

*Бўғмача-ю бўғмача,
Бўғмачада тугмача-ё...
Олмача анорингга балли,
Донаи холингга балли!..*

— дея минғирлаганча, осмонларга тикилиб ётарди. “Бухорони йўлида рўмолча топиб олдим...” — деб кўшиқ айтарди бошқаси. Бир сипоҳ ёнидагисига жиддий дерди:

— Сенга Шероз ҳокимлигини топширамен, агар менга Ҳалакахон тахтини берсалар...

— Ҳалакахонмас, овсар, Ҳулагухон!

— Хўп, Ҳулагухон бўлса, Ҳулагухон-да!

— Хў-ў-ш... Шерозни қўй, Ҳамадонга ҳам кўнавераман! Аммо ёнимда хизматқорлик қилсанг, хўп-хўп, эмаса йў-ў-ўқ! — бўш келмасди бошқаси.

— Ўҳ-хў!.. Ўзим кал, таъбим нозикни қаранглар-а!

— Туркка салом бер, тўрт танга товон бер, дегин!

— Камина сенларга қараб ҳимматингни кутиб ўтирмайди! Мен худога-ю ўзимга ишонаман! Ҳали жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, сийловига Исфаҳон ҳокимлигини қўлга киритамен! — дам урарди ўрта ёшлардаги учинчи сипоҳ уларга қараб.

— Ўшанда девонбегиликни менга топширасан! — гап отди ёнидагиси.

“Ўтиришга бизни ҳам чақир, ҳой Исфаҳон ҳокими!”, “Эсдан чиқмасун!”, “Қоп кетмайлуқ!” қабилида ялтқоланган овозлар эшитилди.

Кулги кўтарилди.

— Худо хоҳласа, — сўзга аралашди йўгон овозли ҳазилкаш кўсанамо бир сипоҳ. — Тўхтамишхонни енгиб қайтганимиздан кейин, ҳокимлик-покимлик билан ишим йўқ, барчангизни ўзим бўза билан сийлайман, ҳа, ҳа! Бўзамисан бўза! Сен косагул бўласен, ҳой такасалтанг!

Кўсанамо сипоҳ барваста аскарга ишора қилди. Сурон кўтарилди.

— Косагул бўмасун! Бўмасун у!

— Ҳаммасини ўзи ичиб қўяди!

— Ановиндаям ризқимизни қийиб, барини бир ўзи қуритди!

Қийқириқлар янгради.

— Вей... нега ўзим ичарқанман? Ортса, сизларга ҳам берамен-ку ҳамиша, валакисаланглар! Ҳеч яхшилиқни билишмайди-я! — деди такасалтанг барваста аскар дўрдоқ лабларини ялаб.

— Ана, кўрдингларму?

— Инсофсиз!

— Эй, эй! Оғзингга қараб гапир-е!..

— Тўхтанглар! Тўхтанглар! — сўзни кесди кўсанамо сипоҳ. — Биласиларму?

Тўхтамишхонни бурнидан буров ўтказиб обкеламиз-ку! Ўшанда, Тўхтамишхонни ўзини косагул қиламиз, ўзини!

— Ўзини! Ўзини!

— Топдинг аммо! Қойил!

— Ўҳ-ҳў!.. Катта кетворди-ку!..

— Тўлдириб қуй, деймиз!

— Бир тўлдиртиб ичамиз!

— Ичамизу хумордан чиқамиз!..

Қий-чув ичида ана шундай садолар, қаҳ-қаҳа овозлари эшитиларди.

— Аммо, сизларга айтсам, бўза ичиш кўп яхши нарса-да! — гапга аралашди шу палла Йаналтекин билан катта ҳировул томонга ўтиб кетаётган Учқора, тили қичиб, ҳамманинг диққатини ўзига тортди. — Бундай роҳат оламда йўқ, дастингдан кетай! Бир кун, денг, базмда, ичаверибман, ичаверибман, арпаси яхши димланган экан, даюс, беш косадан кейин кайфим ошибдими, уйимга кеб киролмай остонада йиқилиб қобман... Хотинга айтдим, нега турғизмадинг, ўтиравердингми, турса ўзи кириб кетар деб!

Қаттиқ кулги кўтарилди.

— Ол-а! — астойдил ҳайрон қолди Йаналтекин. — Шу ёшга кириб, ҳечам маст бўганинг эсимда йўғ-а, отангни арвойи!

Унга биров эътибор бермади.

— Вей... агар ташқарига югуриш демаса, ўн мешингни бир ўтиришда ичиб қўямен экан! Хо-хо-хо! Роса чоптирди-да ўшанда... — Гапга пишанг берди яна барваста аскар. — Тариғи яхши димланмаган экан денг, кўкати чиқмаёқ шошиб келига собди-да, хумпар!

— Бўзани гули-чи, икки косасиданоқ чаккангни қизитади!.. — деди кўсанамо навкар кўзлари ўйнаб.

— Докаси ҳам тешик эканми, валакисаланг, ичида бутун-бутун тариқлар юрибди...

— Ичавер, дастингдан кетай, ичингда бўза бўлади, ичингда! Хо-хо-хо!

Кулги овозлари қўшни лашкарларга ҳам эшитиларди.

Амирзодалар Пир Муҳаммад Жаҳонгир билан Рустам ибн Умаршайхлар фавжлари бири чоповул¹⁸, бошқаси чоповулнинг ҳировулида бўй чўзган, чап қанотда Амир Сулаймоншоҳ, ўнг қанотда Худойдод Ҳусайний лашкарлари сафланган...

Кўрик тўрт кун давом этди. Соҳибқирон ҳар бир фавж олдига борганда, ноғора-ю карнайлар чалинар, уларга сурнай, бурғу қўшилар, бу салобатли шукуҳли садолар дунёда бундан ортиқ қудратли қўшин йўқ, деяётгандай туюларди. Амир Темур чақмоқдай аскарларга руҳ бағишлагувчи сўзлар айтар, кўнгилларини кўтарарди. Олис-олисларда гоҳ-гоҳда: "Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!" сўзлари тоғлар бағрини жаранглатиб юборарди.

Худди шу кунларда шимолроқда Сунжа дарёсининг чап соҳилидаги хушманзара сайхонликда — жойни Тўхтамишхоннинг ўзи танлади —

¹⁸ Чоповул — ҳарбий ислоҳ; жангда баранғор бўлинмалари олдига қўйилган уч сипоҳий фавжнинг умумий номи.

Олтин Ўрда кўшинларининг кўриги бошланди. У душман нафасининг яқинлигини сезарди. Хоқон ясолнинг чўғидан кўнгли тўлмаганми, тажанг эди. Қозончи баҳодир буни икки ой аввал бузғунчи унсурларни тинчитиш учун Сигноққа юборилган амир Идикунинг ҳали қайтмаганига йўйди. “Эҳтимол, — ўйлади Қозончи баҳодир. — Ўша ёқларда ўзини саваш кураётгандай кўрсатиб, баҳона қилган Идику Амир Темур муҳорабасида қатнашишни истамас? Балки кейин... Амир Темурга қарши урушда қатнашмаганман, урушни истамаганман, демоқчидир?.. Жангга бадбахтнинг ўзи гиж-гижлади-ку!..”

Қозончи баҳодир пайқади: ясол тортган, жангларга шайланган Бек Ёруқ ўғлон, Кунча ўғлон, Ўқтой ўғлонларнинг териб кўйилгандай сафга тизилган жангчиларини кўриб, хоқон чеҳраси ёриша бошлади. Замон жонбозлари майдонга отиламан, деб турардилар. Хоқон яқинлашиши билан, Султон Маҳмуд ибн Кайхисров, Удурку ўғлон, Исабий ва Бахти Хожанинг тиш-тирноғигача қуролланган аскарлари ёппасига гуриллаб:

— Фармонингизга мунтазирмиз, эй хоқонлар хоқони! — деб ҳайқирдилар.

Ўзини бошқалардан кучли ҳисоблайдиган паҳлавон келбат жасур йигит Йағлибий баҳрин баҳодир таъзим айлаб, чаққонлик билан Тўхтамишхонга пешвоз чиқди. Қозончи баҳодир билади, Йағлибий баҳрин ҳеч нарсадан кўрқмайди. Табризга юришда, шартга отидан тушиб, ҳайиқмай: “Хоқон аскаримен!..” дея ўзини душман ичига урди! Овози ҳам кучли, узоқларга етади. Душман лашкари паҳлавонга кўзи тушиб, худди бўрини кўриб тирақайлаган кўйдайд қочиб қолди. Адирликда турган хоқон ҳазратлари олқишлади ўшанда.

Ҳозир Тўхтамишхон бир қўлида чўқмор, бир қўлида гурзи, шашпар, ўқ-ёй, камон, шамшир, қилич билан қуролланган Йағлибий баҳриннинг кокили аралаш елкасига уриб-уриб кўйди. Унинг миннатдорчилиги шу ҳаракатида мужассамлигини хоқон ҳам, орқароқдаги Қозончи баҳодир ҳам, паҳлавоннинг ўзи ҳам англаб етди.

Шу палла хоқоннинг куёви, совутга ўралиб чорпахил йигитлардай йўгон бўлиб олган амир ул-умаро Довуд Сўфийнинг:

— Тарак дарёсига! Тарак дарёсига!¹⁹ — деган сўзлари янгради тўлқинланиб турган беадад лашкар узра...

Йигирманчи боб

I

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Тўхтамишхон кўшини билан бўлажак шиддатли саваш манзараларини ўзича хаёл оинасида кўришга уринар, бу сафар, албатта, Олтин Ўрда хонини батамом енгиб, ўзини асир олишларига ишонарди. Унинг фикрича, бу ерда айб бешак-шубҳа Тўхтамишхон тарафида. Валинеъмат соҳибқироннинг ниятлари мутлақо бошқа, ул зоти олийлари кўпдан Чин сафарига отланмакни кўнгилларига тукканлар. Иложининг борича тезроқ Самарқандга қайтиб, кейин

¹⁹ Тарак — Терекнинг ўрта асрларда талаффуз қилиниши.

машриққа йўл солиш кераклигини айтдилар бобоси Дарбанддаги машваратда. Туз-намак ҳақини ўрнига қўймаган “ўғил”нинг ношукурчилиги барчани ранжитмоқда. Ногаҳонда ўгай отаси Мироншоҳ Мирзонинг ҳам нуфузли амирзодага ярашмайдурган турфа кирдикорлари, кеккайиш, эркаталтанглиқ, манманлик, ўйламай гапириб юбориш каби нолойиқ одатлари Муҳаммад Султоннинг эсига тушди. Бундай гаплар салтанатда ҳаволаб юрибди, бобосининг ҳам қулоғига етиб борса боргандир.

Хаёлининг бир четида Соғинч бика ташвиши турарди. Сипоҳ Арғуншоҳдан интиқлик билан хабар кутаркан, яқин орада тақдир томонидан суйгани борасида аллақандай тансиқ мужда билан сийланишига қаттиқ ишонарди.

Шундай паллада, дарҳақиқат, мўъжиза юз берди, парвардигор валиаҳд шаҳзодага бемисл илтифот кўргизди: чопар Арғуншоҳ мактубини унга етказди! Худди шундоқ: “Арғуншоҳдан мактуб олиб келдим”, деди. Шаҳзода дабдурустдан очишга ҳайиқди. Мактубнинг ичида олам-олам қувончни яширган сирлар ечими, дунёнинг фаройиблигидан ҳайрат, пушаймонлик, алам оҳанглари – барча-барчаси қоришиб кетганлигидан валиаҳд ошиқ ҳали беҳабар эди.

Манглай бошлиғи Ахий Жаббор баҳодир чопарнинг кимдан эканлигини билди-ю, вужудини заифгина ҳаяжон қоплади, рафиқаси Оққиз бегимдан эшитган тафсилотлар хаёлида жонланди.

Неча кунки, Амир Темур қўшини шимол сари одимлайди. Гоҳ-гоҳда карнай-сурнай, ногора овозлари эшитилиб қолади. Тарак дарёси йўлидаги Манглай деган катта довон муҳофазасига илк қўшин юборилганига беш кун бўлган, қўшинлар маҳобатли карвондай узоқ масофага чўзилганди.

Ўз лашкари бошида қўр тўкиб бораётган шаҳзоданинг сабри чидамади, тезроқ мактубни ўқисам, дерди. Қўниш жойигача ҳали анчагина бор... Нималарни ёзгон эркан Арғуншоҳ? Шаҳзоданинг кўнгил дардларига малҳам топа олдимикин? Жони жаҳони Соғинч бикани кўрдимикин?.. Кўргон эрса, қаерда экан?..

Дам-бадам пишқириб бораётган тулпор отини ўз кўйига қўйди, чиройли найчадай ўралган мактубни авайлаб очаркан, хаёлидан беихтиёр, Арғуншоҳнинг ўзи қачон қайтаркан, деган сўзлар кечди.

“Ассалому алайкум, жаҳонларга бергисиз шаҳзода жаноби олийлари! – деб бошланарди мактуб... – Аввалан, бир қошиқ қонимдан кечгайсиз. Кўр: хаёлларга чулғаниб, дунёнинг у четидан бу четига бориб келдим, ўз ёғимга ўзим қовурилдим, куйдим-ёндим, охири қўлимга қалам олиб, ҳасби ҳолни баён этишга журъат айладим. Ўзга қандай чорам бор эрди?.. Оллоҳга шукур...

Орада каминани гуноҳи азимга ботургон бир сир бордур, шаҳзода жаноби олийлари. Бас, сирни очишни узоққа чўзиб, интиқ кўнгилларини ортиқ ташна қилмакчи эмасдурмен. Гуноҳкор бандасини Ҳақнинг ўзи ўз ҳимоясига олсун. Бас... Мактуб битаётгон кимса... Арғуншоҳ, зукко ва ақлли йигит, сипоҳ... Аслида Арғуншоҳ эрмас, йўқ, йўқ. сизнинг суйғонингиз... шундай дея олурменму, афв этгайсиз... бир бечора, шўрлик, ўксиз, афтода, нотавонлар нотавони Соғинч бикадур... Ҳа, ўша сиз Жўйи Зар кўприги ёнида кўргон, хайру эҳсонлар пайтида катта малика Сароймулкхоним ҳазрати олиялари

қошида қызарғон Соғинч бика... Ўзини бамисли бир замонлар йиғитчасига кийиниб олиб Қалъаи Сафидда жанглар қурғон “Шоҳнома”да таърифланмиш баҳодир қиз Гурдофаридга менгзаб, айни шу Қалъаи Сафиддасавошларда қатнашишга журъат этгон бир мушфиқ ожиза... Ёлғон сўйлаб юргоним учун Худо олдида, Сизнинг олдингизда беадад гуноҳқордурмен... Минг бор узримни қабул қилғойсиз...”

Ҳайратланган шаҳзоданинг кўлидан мактуб тушиб кетай деди! Ё раббий! Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас, “Йўғ-е!”, “Йўғ-е!...” дер, кутилмаган янгиликни қандай англаш, шарҳлашга ақли етмасди. У мажолсиз: “Эй, Оллоҳим! Ўзингга шукур! Ўзингга шукур!...” деб юборди фавқулодда таважжухда... Кейин ютоққанча мактубни ўқишда давом этди:

“...Ёдингиздаму, Дажла дарёсининг кўпириб, камарлар ясаб, буралиб-буралиб оқишини, тўлқинлари бағрини ўйиб-ўйиб, аламдан ичига уриб кетишини кузатдингиз... дарё ҳам ошиқму, дедингиз ҳайратда ва ўзингизга ўхшатдингиз... Йўқ, шаҳзода жаноби олийлари, сиз эмасдингиз, ўша дарё аслида мен эрдим, сизни суюб кўра олмай, сизга интилиб шу кўйларга тушган суйғонингиз... Дарёнинг камарлари эмас, менинг юрагимдаги ўйиқлар, тўлқин эмас, менинг қалбимдаги туғёнлар эрди...”

Кейин... кел, севгиларимиздан сўзлашайлик, сен ҳам севганмусен, деб сўрадилар шу палла... Юрагим потраб, қафасидан чиқиб кетай деди! Мен ҳам... севганменму? Ё раббий! Ҳеч ўйламагон эканмен! Севаменму... Бу — офтобни кўриб, шу офтобму, деб сўрагонларидек туюлуур. Мен... ҳа, севамен! Сизни, сизни севамен!!! — деб юборишимга оз қолди! Овозимни баланд кўтариб ҳайқирай дедим, токи овозимни ана бу дарё тўлқинлари-ю қирғоқлари билан, мана бу ўрмон вижир-вижир қушлари-ю дарахтлари, дарахтларининг япроқлари, илдизлари билан, борлиғи билан эшитсун, чор атроф, жумла жаҳон эшитсун! Арши аълога етиб борсун! “Мендай қулингиз...” деганимда, ёнингизда тупроқ бўлишга тайёр турғон хокисор чўрингизни сезмадингизму?..

Тўда-тўда булутлардан қовоғи солиқ осмон хаёлингизни ўғирлади. Осмон сизга ғамгин, изтиробда қолгандек туюлди. Унинг офтоби бор, дедингиз, аммо офтоби ғойибда... Ўша ғойиб... аммо ёнингизда турғон офтоб мен эрдим.

Икки зарғалдоқнинг бир-бири билан қувалашиб юргони эсингиздаму? Эркаги жуда-жуда чиройли эрди! Яшил-кулранг модаси қандайдир назокатли, қанот қоқишлари нафис, майин, ҳар бир ҳаракатида нозу истиғно... “Биёв-биёв” деб куйдириб, атай тутқизмай қочгани қочган, эркаги етиб борса, опоқ-чапоқ бўлган, сўнг яна сирғалиб чиқиб, бошқа шохга қўнган... Ўша зарғалдоқ, қуш эмас, балки суйғонининг ёнида яширин унинг ёруғ дийдоридан баҳраманд бўлиб юргон бахтиёрларнинг бахтиёри — мен эрдим...

Самарқандга совчи юборгонларини эшитиб, бахти юришмаган, нега жойимда ўлтирмадим, деб аламга ботгон, сизга қўшилиб йиғлагон ўша шўрлик қиз мен эрдим... Ўзимни билдирмасликка уриндим, ўзимга истаганча жафо қилдум, ёлғиз мақсадим — ўлсам сизнинг ёнингизда ўлиш, қолсам сизнинг ёнингизда қолиш эрди, шаҳзода жаноби олийлари мени севадиларму йўқми, шуни билмакчийдим, холос... Оллоҳга шукурки, билдим, билдим! Ахир

ўзимга, унинг учун — мен учун! — жонимни беришга тайёрмен, дедингиз! Ушанда, бу сўзларни эшитиб, оёғингизга бош урай дедим, сирим очилиб қолишидан қўрқдум, қалбингизнинг нечоғлик мусаффо, шикаста, меҳру мурувватга, муҳаббатга тўлуғ эрконига тан бердим, шаҳзода жаноби олийлари!.. Беадад миннатдорчилигимни қабул этгайсиз...”

— ... Муҳаммад Султон ўқир экан, нафас олиш ҳам эсидан чиққандай бир алпозда сизди ўзини! Боёқишни уч-қуйруқсиз ўйлар қисти-бастига олди. Демак, “Арғуншоҳ”... — йигитчасига кийиниб олган Соғинч бика... Йўғ-е!.. Наҳотки!.. Наҳотки, фаҳмламаган бўлса?.. Ҳеч хаёлига келмабди. Гўл ошиқни қарангиз, бахти ёнгинасида юргон экану, билмабдур!.. Рост, сипоҳда қандайдир ожизаларга хос назокат бор эди, кам кулиб, кам гапирди. Жилмайганда, қизларникидек оппоқ тишлари кўриниб кетди ўшанда... Негадир жуда таниш туюлди. Бир марта гап орасида “вой” деб юборди... Йигитлар бундай сўзни ишлатмайдилар. Нега ернинг тагида илон қимирласа фаҳмлайдиган туйғун, сезгир шаҳзода бу нарсаларга унчалар диққат қилмади экан?..

Тулпори гоҳ-гоҳ пишқириб қўяркан, гўё: “Яхши эмас, яхши эмас...” дегандай бош тебратиб борарди.

“...Ожиза бошим бирлан нималар қилиб қўйдим, ўзим ҳам билмаймен, шаҳзодам. Тутғон тутумим бандасига ярашиқму ёки йўқму? Сизни ранжитиб қўймадиммукин? Икки йил аввалги бир ҳодиса эсимда. Самарқандда, боғимизда гуллар чаман-чаман очиларди. Бўйимга тенг оқ гуллар ўсарди, улар муаттар ҳидлар таратарди. Ҳар куни тонг билан гулларни томоша айлардим. Раҳматли аямлар: “Гул гулнинг ёнига борди...” деб ҳазиллашишарди. Бир кун қарасам, қандайдир кулранг капалак оқ гулга жуда чиройли қўниб турғон экан. Текким келди, ушлаб учириб юбормоқчи бўлдим-у... — Ё раббий! — капалак гулга ёпишганча... ўлиб қолибди! Кўнглим увишиб кетди! Оҳ, Самарқандга юбораётғонингизда, эсингиздаму, Дажла бўйида, қувонганимдан, мен — “Арғуншоҳ”, сизга эгилиб уч марта таъзим этдим... Афсус, суйғонига етишғон капалакнинг саботи менда топилмади — пойингизга бош қўйганча, ўлиб қола қолсам бўлмасмиди ўшанда, деб ўксинамен!..

Аямларнинг канизаги Сарвиноз опа айтиб берди, отамларни ҳам мен эси наст кўп изтиробларга қўйибдурмен... Узримни қабул айлайдурлар, деган умид этагини тутғондим. Аммо... ҳумоюн ўрду фармонига кўра, мендан бир кун аввал Қорабоғ тарафга жўнағон эканлар...

Ҳурмат ва эҳтиромимнинг тожи бўлғон, шаҳзода жаноби олийлари! Мазкур сўзим зинҳор ёзмишга таъна-маломат ёки нолиш эрмасдур. Тақдир экан... Малика Хон Султон оқа бирлан тўйларингиз ўтибдур... Муборак бўлсун, дейман. Дунёда ёлғиз умидим — Амир соҳибқироннинг ардоқли дилпораси, жаҳон шаҳзодаси, салтанат валиаҳди, кўнглимнинг султони бўлғон сиз ҳазратимнинг тинч, соғ-саломат юришларини Оллоҳдан тилагандан тилармен. Илоҳи, жумла мўъминлар қаторида ўзи паноҳида асрасун!..

Аддои хокисор чўрингиз...
Соғинч бика.”

Шу палла ҳумоюн ўрдудан чопар ошиғич хабар етказди-ю шаҳзоданинг хаёли бўлинди:

— Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон жаноби олийларининг Манглай довоига зудлик билан етиб боришлари ҳақида олий фармон олинди!.. Машварат ўтказилур эрмиш!..

Шаҳзода худди уйқудан энди уйғонган одамдай чопарга бир лаҳза хайрон қараб турди, кейин дарҳол ўзини ўнглади. У шу палла нима қилишни билмас, бамисли еру осмон ўртасида муаллақ, туш билан ўнг орасидаги сирли парда ичида турарди. Эс-ҳушдан айрилар ҳолатга келган шаҳзода, мактубни оҳиста ўраб ёнига солиб қўйишга ўзида куч топди ва узоқларга, яшиллана бошлаган адирларга тикилди, аммо кўзлари дабдурустдан ҳеч нарса ниҳаматиди. Назарида, олам ўз қиёфасини йўқотган, ҳамма нарса қоришиб, буткул ўзгариб кетгандай эди...

Тўхтамишхон қўшини, одатдагидек, чекиниб Тарак дарёсидаги кечув орқали бежавотир жойга ўтиб олибди. Аммо ортидаги бутун кўприкларни, кечувларни бузибди. Биттагина қолган кечув ҳам кучли кўриқчилар назоратида, йўгон харилару шох-шаббалар билан шиббалаб ташланган... Амир Темур худди ана шу кечувни душмандан олдин эгаллашни ният қилганди. Аммо, кеч қолибди...

Асабий вазиятда кечган машварат охирида Амир Темур ўрнидан турди-да, бундай деди:

— Олий шон амирларим, бургутдай олғир баҳодирларим! Жаноблар! Тинғчиларим хабар бердиларки, Тарак дарёси у томонини Тўхтамишхоннинг лак-лак чериги тутиб кетибдур, бамисоли олам лашкардан иборатдай эрмиш. Бизникидан бисёр кўп... Черигимизда эса озук туганиб қаҳатчилик хавфи пайдо бўлди. Амир Шоҳмалик тархон ўз лашкари билан атроф қишлоқларга борсун, шикорга чиқсун, озук топиб фароғат ила қайтсун!

— Бош устиға, Амир соҳибқирон! — қўл қовуштирди Амир Шоҳмалик.

— Аслида дунёдаги барча инсонлар гўёки бир бутун тандур, барча худонинг бандаси.. Улардан кимда-ким бошқасига ҳужум қилиб, бало келтирса, бу инсон ўз танасини ўзи чопғони билан баробардур. Бировнинг бировга нисбатан ҳар қандай душманлик ҳаракатлари ўта бемаънилиқдур, урушнинг ҳеч лузуми йўқ... — Амир Темур эпкинда сезилар-сезилмас тебранаётган шоҳчодир чангфароғидаги уч ҳалқа тасвири туширилган кулранг байроққа қараб қўйди. — Аммо уруш — катта ўйин, ўртага тушғоннинг ўйнамоқдан ўзга чораси йўқ... Уруш, бамисли ана бу шамол туғни ўйнатғондек, саркардаларни ақлини олиб ҳар қўйга соладур, салтанатларни тўқнаштирадур... Муборак ҳадисда айтилмишки: “Уруш макр ва ҳийладан иборатдур”. Макр-ҳийласиз уруш йўқдир. Урушдаги макр, макр эрмас, ақлдур... Бас, биз ҳам қўшинимизни кўз-кўзламакчидурбиз. Душман кузатиб турур...

Соҳибқирон яна байроққа тикилди. Саропарданинг олдида ярим ёй шаклида тиз чўккан амирлару лашкарбошилар ҳам беихтиёр ўша ёққа қарадилар. Шамол кучайганидан, байроқ балқиб лопиллаганча ҳилпирай бошлаганди.

— Ҳар бир навкар ўз отидан бошқа яна бир от етаклаб олсун, қоронғулиқ тушгач, сездирмай ортига қайтсун, кундузи ваҳшат солиб

такрёр ўтсун... Бори аёллар, хонимлар ва оқалар, саркарда ва навкарларнинг заифалари, жориялар, қуллар ҳам бошдан-оёқ совутларга ўралсунлар, дубулға кийсунлар, яроғлансунлар, от бошини тутиб жон олар жангчилардай соҳилдан мағрур ўтсунлар! Тунда қайтсунлар ва боз ўтсунлар. Курка-ю ноғоралар, бургулар, карнай-сурнайлар садоси осмонларнинг қулоғини қар қилсун! Токи черигимизни пурқудрат ва беададлигини ғаним кўриб, юрагига озгина кўрқув, ваҳима тушса, кифоя. Душман юрагидаги озгина кўрқув, ваҳима минг лашкарнинг кучидан қудратлироқдур, жаноблар!..

II

Замонанинг икки фалакиқтидор улкан қўшини бир-бирини кўздан қочирмай уч кеча-уч кундуз дарёни юқорилаб юрдилар. Кўрган одам, улар Қулзум денгизи соҳилларига чиқишга йўл излаб юрибди шекилли, деб ўйларди. Гоҳ-гоҳда икки томонда ҳам сабрсиз навкарларнинг ҳавода ўйнатган қиличлари офтобда ярақлаб қолар, аслида, бу майдонга отиламан деган аскарлар учун диққинафас, жонга тегар даражада зерикарли ҳол эди. Лекин Амир Темур учинчи куни душманни ғафлатда қўйди — тунда уч кунлик йўлни бир кунда босиб, қўшинини шиддат билан ортга, кечувга бошлаб келди ва сездирмай ғаним соҳилига ўтиб олди!

Тўхтамишхон беадад Турон қўшинига назар соларкан, ростдан кўнглига ҳадик ғимирлаб кирди. Эргалабдан то кечгача лак-лак аскар ўтиб ётибди, уч-кети йўқ, охири йўқ... Тўхтамишхон тинғчиларининг айтишларича, Элбурз этагидаги кўрикда йигирма етти қўшин қатнашган экан, холос. Кўз олдида ўтган лашкар эса нақ эллик қўшинча бор! Қай бирига ишонмоқ керак?.. Баногоҳ шуури, зеҳни унга тезгинада қаттиқ саваш бошланишидан хабар бергандай туюлди. Бор вужуди аллақандай кўрқув аралаш роҳатдан жимирлаб кетди.

— Тарма!

— Жоним омода, хоқон ҳазратлари! — тиз чўкди ҳамиша ҳозир нозир Амир Тармочуқ.

— Идику манғит... Ҳа хабар борму?

— Йўқ... хоқон ҳазратлари!

— Қозончи душманни тўхтатиш учун манглай бўлиб жангга борғонди, қайтмадиму?

— Қайтди, хоқон ҳазратлари!

— Қайда у?

— Кирмоққа... тортинадур.

— Чорла!

Қозончи баҳодир тез юриб келиб, ўзини хоқон оёғига ташлади-ю, турмай ётаверди:

— Гуноҳимдан ўтингиз, хоқон ҳазратлари! Гуноҳимдан ўтингиз!

Энг ишончли, садоқатли одамларидан бирини шундай алпозда кўриб, Тўхтамишхоннинг кўнгли олинди.

— Тур ўр ингдан!

— Айтмоққа тилим бормас... — қийналиб деди Қозончи баҳодир. — Устимизга баҳайбат лашкар шиддат билан ёприлдими, омон қолмасам керак, деб кўрқиб кетдим...

— Бу гапларни айтиб ўлтиргунча, омон қолмаганинг дуруст эди! — газаб билан сўзни кесди Тўхтамишхон. Хоқон ўйга чўмди. “Ажабки, одамзоддай бетайин, беқарори йўқ экан дунёда! Ваъда қилади, ваъдасига вафо йўқ, аҳд айлаб, шу заҳоти аҳдини унутади. — хаёлидан кечди унинг. — Миср султониغا ишонгандим, у аскарлар юбормоқчийди, лекин Амир Темур маккорлик қилиб йўлини тўсиб қўйди... Полша қироли Ягайлони кўшин жўнатаман, деган сўзи бор. Аммо ҳали дарак йўқ. Амир Қора Юсуф кўп оғиз кўпиртирарди, қани унинг лашкари? Ўзи қаерда?.. Султон Аҳмад жалойир-чи? Ўзи йўқ, бир тутамгина сипоҳ юборибдур. Сивас султони Қози Бурҳониддинни кўрингиз! Тухум қўймоқчи бўлиб қақаглаб олам-жаҳонни бузган товукдек, ҳаммадан кўп дод-вой солди, “манфур Темурга” қарши курашиш ҳақида мактублар ёзиб ҳар ёққа йўллади, кўшинлар юборишни ўз зиммасига олди... Аммо қани, у кўшин? Шундай субутсизларга ишониб Амир Темур салтанати сарҳадларига, Туронзаминга ҳужумлар қилдингму, Занжирсаройни ёндирдингму, Турон шери билан ўйнашдингму?.. Ҳа... ўзингга муносиб балои офатни орттириб олдинг! Рост, Амир Темурга фақат сен бас кела оласен!.. Замонанинг улуғи ўзингсен, худога ва ўзингга суяна бер, Тўхтамишхон! Ўзингга ишон, ўзингга!..”

Олтин Ўрда хонининг қарори қатъий эди:

— Қозончи! Тарма!.. Зудлик бирлан кўшинлар саф тортсун! Билингизким, мушук-сичқон ўйнаш жужуқлар ишидур! Шерларга ярашмайдур! Токайгача “отаимиз” бирлан довлашиб юрамиз? Вақтимиз йўқ! Йў-ў-ўқ!.. Ҳали ит кунини кўрсатамен уларга-а!.. Ит кунини-и!.. Туғилғонига пушаймон бўладур!

Тўхтамишхоннинг чинқирик овози узоқларга ҳам эшитилди.

— Бўладур, хоқоним! Пушаймон бўладур! — деди ўзини сал ўнглаб олган Қозончи баҳодир. — Сичқонни инини минг тангага сотамен ҳали!

Амир Тармочуқ ҳам ўзича нимадир деб минғирлади.

Шу палла хоқон, ичида яшаётган икки одамнинг яна бир-бирларига иддаолари борлигини сизди. Қизиғи, агар ўша икки одам баҳсга киришишса, хоқон тўхтатишдан ожиз қоларди. Аммо чопиб кирган мулозим ҳамма нарсани ўзгартириб юборди:

— Хоқоним! Хоқоним! Амир Темур кечувдан ўтиб дарё ёқалаб катта кўшин бирлан бостириб келаётир экан!..

— Нима-нима?! Ким кечувни ташлаб кетди?! — бақирди хоқон. — Ким?!.. Ким деяпмен?!.. Тарма! Бари қатл этилсун!..

...Олтин Ўрда тақдирини узил-кесил ҳал қилган жанг охирлаб борарди. Жанг бошланишидан бир кун олдин, Амир Темур черикка чуқур хандақлар қазишни ва уларни шох-шабба-ю хас-хашаклар билан ёпиб чиқишни буюрди. Шаҳзода Муҳаммад Султоннинг назарида, эрта-индин даҳшатли жанг юз бериши муқаррар бир вазиятда, қандайдир хандақлар қазиб вақтни ўтказиш кераксиз ишдай туюлди. Ҳатто ўз фикрини айтмоққа чоғланди ҳам. Лекин ичида, подшо амри — вожиб, деб кўяқолди.

— Ҳошияларга сипоҳлар кўйилсун! Кечаси ҳеч киши ўз ўрнидан қимирламасун! Ўт ёқилмасун! — деган сўзлар янгради кўшинлар узра...

Туннинг икки палласи ўтиб-ўтмай, тонг ёришар-ёришмас, Тўхтамишхоннинг катта кўшини душмандан ис олиш маъносида, сутдек

ойдинда шабихун уриб, бостириб келди. Турон черигига яқинлашаркан, ноғора-ю карнай ва кўрагаларни²⁰ чалдириб, жумла-жаҳонга сурон солишга уринди. Орада хандақ борлигидан беҳабар ғаним лашкари Турон кўшинининг жойидан жилмай бамайлихотир турганидан ҳайратланди ва кўрқиб... бир фурсатдан кейин ортига қайтди. Ўша соҳибқирон айтмоқчи, юракдаги жичча кўрқувнинг касри тегди. “Душманга хандақ нақ гўр бўлар экан-да!” — деди шаҳзода ва бобосининг ҳеч қачон, ўйламай қадам босмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Турон лашкари ўткир тигли ханжарларни маҳкам тутгувчи, кескир қиличларни ҳаволарда ўйнатгувчи, осмонларни учувчи ўқлар билан тўлдиргувчи, жон оламан деган найзаларни санчгувчи, ўзи ва Ватани шарафини асрай оладиган баҳодирлар, уруш денгизининг кўрқмас ғаввосларидан иборат эди. Соҳибқирон лашкар сафларини назардан ўтказиб, бир кўлни ўзи учун хос қилди, иккинчисини кейинги вақтларда сал хаёлчанроқ бўлиб қолган шаҳзода валиаҳд Муҳаммад Султонга топширди.

Соғинч биканинг мактуби шаҳзода хаёлларини нурлантириб юборди. Мактубни юрагининг устида сақларди. Ичида айтаман деган гаплари кўпайиб кетдики, кимга ёрилишни билмайди. Хайриятки, шаҳзоданинг хотира дафтари бор... Мактубни олган кунни тунни Қулзум бўйида ўтказдилар, ҳамма ҳориб-чарчаб уйқуга кетди. У беихтиёр доим сақлаб юрадиган зарҳал сандиқча ичидан хотира дафтарини топди ва варақлашга тушди. Шаҳзода ҳамиша кўнглидаги қувончини ҳам, изтиробларини шу дафтарга тўкиб солар, юрагини бир бўшатиб оларди. Ҳозир, у саҳифаларни бошидан ўқиб чиқишни истарди-ю, дарди янгиланишидан кўрқди. Даставвал, бир-бирига интилиб турган иккита гул расмини чизди ва нималарнидир ёза бошлади, афсусу надоматлари, вужудини гоҳ яйратиб юборган, гоҳ титратиб азоблаган кечинмалар, соғинч туйғуларидан хотира дафтари рангоранг бўлди.

“...Кошки эди, имкони топилса, ҳозироқ Самарқандга жўнасам... йўқ-йўқ, аввал онаизорим Хонзода хоним пойига бош уриб борсам, бир оғиз ҳам сўз айтмай, секингина мактубни тутқазсам, кифоя... Йўқ-йўқ, онаизоримга қандоқ айтамен? Яхшиси, яқингинада Самарқандга қайтган хонимойим, маҳди улё ҳазрати олияларини зиёрат этайин... Жўйи Зарда “Шу ожизани шаҳзодамга унаштириб қўйсаммикин?..” деган сўзларни хонимойим айтганлар-да! Катта малика ҳамма сирдан воқифлар... Лекин бормоғим мумкин эрмас, бир лаҳза ҳам фурсат йўқ. Ҳадемай катта муҳораба бошланиб кетса ажабмас. Замонанинг икки қудратли ҳукмдори ҳарб майдонида от сурадир. Бундай танг паллада, йўқотган ёримни топдим, бас, менинг тўйимни қилинғизлар, деб туриш валиҳд шаҳзодага муносибмикин?.. Савашишлар тугагини кутмоқ керак. Оллоҳ сабр берсун... Йўқотғонимни топиб турибмен-ку... Беадад, беадад шукур...

Яқинда Низомий Арузий Самарқандийнинг “Чаҳор мақола” сини кўчуриб, Амир соҳибқиронга тақдим этдим. Дуо қилдилар. Ҳазрат бобомларнинг ўтинчлари борки, “Қурьони карим”ни ул зот учун китобат айласам... Рағбатим бор, аммо журъатим ҳам фурсатим етмай турибдур...”

²⁰ Кўрага — сурнайнинг бир хили.

Туни билан шаҳзода липиллаган шам иккиси бедор ўтириб чиқдилар, Бирдан субҳи содиқ палласи, оламни тутган “Оллоҳу акба-а-ар!”, “Оллоҳу акба-а-ар!” садолари унинг хаёлини тарқатиб юборди. Изма-из: “Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жонлар бахшида!” садолари янгради. Шаҳзоданинг майдонга отилгиси келиб кетди. Аммо Амир соҳибқирон унга махсус фармонни кутиб, жойидан жилмасликни буюрғонлар, сабр этагини тутмоғи керак... У тобора тўзонга чулғаниб бораётган майдонни интиқлик билан кузата бошлади.

Борлиқни аёвсиз жанг шовқини қоплади. Ҳеч ким ён беришни истамасди. Бирпасда худди қўл билан чиройли териб қўйилгандай зич сафли қўшин кучли зилзилада дарз тушиб қулай бошлаган улкан иморатдай тархи бузилиб, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Йағлибий баҳрин аскарлари майдонга жасорат оёғини қўйиб, мардона жанг қилардилар. Душман ҳалқага олишга уриниб, Турон лашкарини ҳар томондан қисиб келарди. Олтин Ўрда жангчилари ҳам жасорат соҳиблари сирасига кирарди, улар ичида найзаларни бука оладиган, юракли, ёвқур, раёйларни синдиришга қодир, камон отишда мерганлар мергани, моҳирликларидан бирон отган ўқи зое бўлмас, ёй тортиб, мўлжалга олсалар, нишон нарса турибдими, ётибдими, учаётирми, фарқи йўқ, албатта бориб тегарди.

Тўхтамишхон сўл қанот сардорлигини Кунча ўғлонга топширди, Бек Ёруқ ўғлон, Ўқтой, Удурку каби лашкарбошилар унинг қўл остида эдилар. Баранғорда қилич яланғочлаган Рустам Мирзо ибн Умаршайхга: “Дарёга таъя қилиб саваш қурилсун!” деган фармон олинди. У Амир Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Худойдод Ҳусайнийлар билан бирга душманнинг сўл қанотидан ёриб ўтишга уринишган Кунча ўғлонларга юзма-юз чиқди.

Тўхтамишхон чоғроқ тепаликдаги чодирдан майдонни назорат қиларди. Хоқоннинг кўнгли тўқ: қўшини етарли, хонликнинг ҳамма вилоятларидан аскар тўпланган, кўмакка етиб келганлар бор. Фалаба унинг тарафида бўлмоғига асло шубҳа йўқ, чунки Тўхтамишхон ўз юртида майдонга кирган, Амир Темур эса ватанидан йироқда, жуда йироқда... Хоқон атай шуни уюштирди. Ҳатто чап томонда баҳор тошқинларини жиловлай олган, аммо ўзининг қутқуга тушган ёш, асов тўлқинларини тиёлмай ҳайқириб оқаётган Тарак дарёси ҳам ўз хоқонига ён босади... У ўнг қанотдаги вазиятга назар солди-ю қувониб кетди! Айниқса, Бахти Хожа билан Исабий арлот ўлар-тириларига қарамай савашинишмоқда, Йағлибий баҳриннинг лашкари Амир Сайфиддин некўз фавжини шошириб қўймоқда. Жанг равиши унинг ўйлаганидай кечмоқда.

— Фанимга ит кунини сол, Йағлибий! — дерди ўз-ўзига айтгандай Тўхтамишхон, чодир олдида у ёқдан бу ёққа юраркан.

Улкан жанг майдони Амир Темур кўз олдида бамисли кафтдагидек ястаниб ётарди. Соҳибқирон жаранғорда иш чатоқлигини пайқади, у ёқдан гоҳ-гоҳ фолибона янграётган бегона суронни эшитиб ўнғайсизланар, ўзини гўё билак баҳсида енгилаётганидан ўнг қўли кучсизланиб бораётган одамдек ҳис этарди. Душманнинг жангари бир бўлинмаси, чамаси Йағлибий баҳрин, балки Исабий арлот, қаттиқ ҳамла қилганидан Амир Сайфиддин некўз фавжининг шиддати кесилиб қолди. Фаним унинг ортига ўтиб қуршовга туширмоқ пайида. Амир Сайфиддин

некўз пиёда бўлиб олди, унинг сипоҳлари ҳам шу йўлни тутдилар. Амир дарҳол қалқонларини маҳкам тутиб, камон қабзасига ёпишиб, ёвга ўқлар ёғдирди. У куни битганини билди...

“Хў-ў-ўш!.. — деди аламда. — Бахташ таваккал! Худо бор, не гамим бор?! Умрим битса, битибди... Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!..”

Шундай дегач, у дадилланди, ўлимга тик боқиб, тагин жангга кирди. Кутилмаганда, Йағлибий баҳринга Бахти Хожа лашкари ёрдамга етиб келди-ю Амир Сайфиддин некўз сипоҳларида чекинишга мойиллик пайдо бўлди, фавж сийраклаша бошлади. Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Амир Шоҳмалик ва Амир Аллоҳдодларда ҳам вазият ночорлашиб борарди.

Кўнгли кўтарилган Йағлибий баҳрин, иттифоқо, шаҳзода валиаҳд Муҳаммад Султон вазиятни билиш учун қўлдан жўнатган шоп мўйлов Ахий Жабборни (Мироншоҳ Мирзо жангда қатнашмаётгани учун, унинг сипоҳлари шаҳзода ихтиёрига берилган эди) кўрди-ю баҳодирлардан бири деб ўйлади ва қирқ қадамча наридан қилич ўйнатганча ҳайқирди:

— Ҳой, мен кимман, билмасанг билгил! Кейин фикр қилгил! Билгил, мен Йағлибий баҳринмен! Кўрсатай нақ худо қаҳрин мен! Тоғларни пора-пора қилурмен, лошингни канорага илурмен! Шерларга айтгилки, менга дуч келмасунлар, кўрқоқлар-чи, кўрқоқлар, ҳеч келмасунлар!.. Хо-хо-хо!

Нимадир азалдан ҳангома излаб юрадиган Ахий Жаббор баҳодирнинг қитиқ патига тегиб кетди, мақтанчоқ ғанимга масхаромуз кулиб қаради:

— Худо уриб қўйибди-ку сени! Ҳеч танимас экансен-да мени! Мени Ахий Жаббор дейдилар... Қудратимни филча бор дейдилар! Худо урғон менга дуч келади, бад ниятинг сени пуч келади! Эй сен, ҳайз кўрганнинг боласи, тукқанда бормиди чоласи? Эс борида эсинг йиғиб ол! Жонинг сақла, тездан қочиб қол!

Икки қайсар бир-бирига юзма-юз бўлди. Йағлибий баҳрин мазахлагандай қаҳ-қаҳ урди:

— Хо-хо-хо!.. Жигар тешувчи ўқларимни ҳали кўрмагансен шекилли! Эҳ-ҳе!.. — баланддан келди у. — Қарағай найзам қалтирар, Шамширим тиғи ялтирар! Саккиз ботмон гурзим бор, девдай даҳшат тарзим бор! Тўхтамасдан ўтсанг-чи, жон фойдага, кетсанг-чи!

Ахий Жаббор баҳодир қаттиқ кулиб юборди:

— Хо-хо-хо!.. Қиличим нақ тош кесар, қарқарали бош кесар! Қинга солсам қилт этар, суғуриб олсам йилт этар! Бир яхшилик қилай сенга, кулоқ сол: қочиб қол, қочиб қол-е, қочиб қол!

— Ер билан бир бўларсен! Галварс!!! — қичқирди Йағлибий баҳрин.

— Кафан кўрмай ўларсен! Эси паст!!! — ҳайқирди Ахий Жаббор баҳодир.

— Лошинг қолар ерларда!!

— Танинг чирир гўрларда!..

Йағлибий баҳриннинг сабри чидамади, найзасини тўғрилаганча от бошини Ахий Жаббор баҳодирга қараб бурди. Баҳодир ҳам қўлида залворли чўқморини ўйнатиб, отига қамчи солди. Йигирма қадамча наридаги баҳрин найзасини тўғрилаб, баҳодирнинг юрагини мўлжалга олганди. Баҳодир моҳир чавандоз эди, ўзини бепарво, гўё хабарсиздай

тутди, баҳрин найза ўқталишидан бир неча лаҳза аввал от ёлига қапишиб олди, найза ҳавога санчилди! Баҳодир пайтдан фойдаланиб, қўлидаги чўқморни қарсиллатиб, найзасини ўнглаб улгурмаган баҳриннинг бошига туширди! “Занғар!!!” – деган сўзини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Баҳодир ўз зарбасидан ганимининг отдан қулашига ҳеч шубҳа қилмасди. Аммо дубулғаси қаттиқ букилган баҳрин, бақувват экан, бир чайқалди-ю эгарда маҳкам турди, қуламади. Олтин Ўрда мамлакатида моҳир қиличбоз деб донг таратган баҳрин: “Аҳ-а-а!..” деб қичқириб юборди, қаҳру ғазабда зулфиқор қиличини ишга солмоққа шайланди. Баҳодирнинг қўлида эса тили “жонингни оламан!” деб сўйлаётган найзанинг учкир тиғи офтобда ялтирарди. Жангга кирмасдан олдин, баҳодир Дарбанддан топган қайроқ билан кеча бошлаб ўткирлаб олганди, энди жонига ярайди. Камон дастасига қўл уришни эса кейинга қолдирди.

Шу палла баҳодир билан баҳриннинг қулоқларига яқинлашаётган пуришдат бошқа бир фавжнинг кучли сурони эшитилди!

Ҳумоюн ўрду фармониغا кўра, Амир Сайфиддин некўзга мададга келган амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоку тумани душманга тўфондай ташланди ва дунёси қоронғи бўлган Амир Сайфиддин некўзнинг жонига оро кирди. Икки соҳибдавлат амир дарҳол камонларини маҳкам тутиб, бир-бирига суяниб, наъралар чекиб ганимга юзландилар. Душман лашкарининг шаҳти сингандай эди, сўл қаноти парокандаликка юз тутди. Аммо, қутилмаганда, Йағлибий баҳрин ҳайқирганча олдинга ташланди! Худойод Хусайнийнинг жангталаб тумани чап ёқдан юзма-юз чиқди. Яна қатли ом жанг бошланиб кетди. Тўхтамишхон бесабр у ёқдан-бу ёққа юрар, баъзан майдонга узоқ тикилиб қоларди.

Ўнг қанотда жанг суст, Ўқтой дадил савашга кирмас, ниманидир кутиб тургандай тайсаллангани сезилади. Гўёки майдонни ташлаб қочмоқчидек туюлди хоқонга...

— Олға бос!!! — бақирди Кунча ўғлон... — Бек Ёруқ ўғлон! Удурку ўғлон!

Баракалла, шоввозлар! Жангга кир, Ўқтой! Нега сўлжаясан?!

Кунча ўғлоннинг иш буюришлари, у-бу деяверишлари ғашига тега бошлаган Ўқтой ўғлон негадир жойидан қимирламасди. Ичида унга эмас, балки рақибига сардорликни топшириб қўйганига хоқондан ўпкаланди, интиқом ўти алангаланди.

Безовталанган Тўхтамишхон ўзи майдонга тушди. От жиловини тортиб тўхтатаркан:

— Нимага қараб турибсен, сўтак? — қичқирди у Ўқтойга. — Жангга кир, жангга!!..

— Хоқоним! Кунча ўғлонда хун қасдим бор! Хун довлэймен! Кунча ўғлон суюкли жиянимни ўлдирган! Кунча ўғлонни менга беринг! Қасосимни оламен, уни ўлдирамен! Кейин майдонга тушиб душманнинг тит-питини чиқариб юборамен! Йўқ эса, жангга кирмаймен!— деди кескин Ўқтой. Унинг ортида бус-бутун лашкар, баҳс нима билан тугаркин, деб кутарди.

— Билингизким, ҳаёт-мамот жанги пайтида, хун талаб этмоқ нодонни иши! — жиғибийрони чиқди хоқоннинг. У биларди: хун сўраганни ҳатто хоқон ҳам дўқ-пўписа билан бу йўлдан қайтара олмайди. Яхши гап билан инсофга чақириб керак, холос. Тутингизлар, деб юборса,

ўзаро жангу жанжал чиқади. “Чамаси, Амир Темур унинг кўнглига фитна уруғини солибдур..”, — деган сўзлар кечди хоқоннинг хаёлидан.

Тўхтамишхоннинг овози юмшаб чиқди:

— Розимен! Фақат саваш тугасун, кейин дилозорингни сенга тобшурамен, қасос олиб муродинга етгайсен!

Кунча ўғлон қиличини маҳкам ушлаганча, ҳушёр кузатар, ҳар эҳтимолга қарши ҳимоя чорасини ўйларди.

— Йўқ! — кескин жавоб қилди Ўқтой. — Аввал ҳам олампаҳоқдан сўрадим, кейин, деган жавоб олинди... Энди Кунча ўғлон урушда ўлиб-нетса, маҳшарда хун оламенму?.. Ҳозир шу ишни адо этмасам, унда итоатдан чиқамен!

Тўхтамишхон тажанг деди:

— Бошимизга кулфат тушиб турибди, кулоқ сол! . Худди кўзи ожизу жардан нажот қидирган одамдай бўлма! Билгилки, ҳеч қачон бировнинг ҳақи бировда қолмайди. Рўбарўмиздаги беомон ғам-ғуссадан ўтиб олайлик, ниятинга етгайсен! Сабр айла, Ўқтой ўғлон!

— Эй, навкарлар! — бақирди бирдан қайсар Ўқтой ўғлон ўз туманига қараб. — Талабимиз инобатга олинмади! Жангни ташлаб кетамиз! Кетди-и-и-ик!

Лашкар ўрнидан кўзғолди. Пайт пойлаб, баҳона излаб турган қўрқоқ хиёнаткорлар, сотқину муртадлар ҳам чекка-чеккадан Ўқтой ўғлонга эргашдилар. Олтин Ўрда кўшинининг бир томони ўприлгандай бўлди.

— Тарма! Қозончига айт, захирадан кўшин олиб ўнг қанотга мададга етиб борсун! Сўл қанотни Довуд Сўфийнинг ўзи эгалласун!

Бирдан ҳар томондан:

— Соҳибқирон жангга кирдилар!!

— Соҳибқирон жангга кирдила-а-ар!!

— Соҳибқирон майдон ичинда-а-а-а! — қабилида садолар янгради.

Турли пучмоқлардан эшитилган: “Оллоҳ, Ватан ва подшоҳга жон бахшида!” сўзлари уларга эш бўлди.

Чоштгоҳ маҳали жанг суръатидан унчалар қоникмаган Амир Темур безовталанди, ёнидаги баҳодирларнинг ҳай-ҳайларига ҳам қарамай, карнай-сурнай, ноғора садолари остида наъра тортганча, ўзини майдонга урди!

Даҳшатли хабар Тўхтамишхон аскарлари ўртасида чақин тезлигида тарқалди. Душман юрагига қўрқув оралади, аммо аёвсиз савашишни тўхтата олмади. Уруш олови баттар алангалангандан алангalandи. Шу палла қаёқдандир, соҳибқирон билолмади, Тўхтамишхоннинг чақмоқдай бир кўшини майдонга ёриб кирди! Йўлидаги сипоҳларни чопиб, ўлдириб, янчиб, хас-хашакдай четга суриб, атрофидаги сипоҳларни йироқларга юборганидан ўзи ёлғиз қолган Амир Темурга яқинлаша бошлади! Тўхтамишхон “тишининг қаваги”да сақлаб турган лашкарини жангга ташлади! Унинг нияти Турон султонини бирон зиён-заҳмат етказмай, тириклай қўлга олишдан иборат... Соҳибқиронни ўлим шарпаси чулғаб олди... Дарҳол қўлдаги шаҳзода Муҳаммад Султонга чопар жўнатди ва ганим аскарларига юзланди...

— Шу ердамен, Ҳазрат соҳибқирон! — деган гулдираган овоз эшитилди бирдан. — Ёнингиздамен! Зинҳор жойларидан жилмасунлар! Савашишни бизга қўйсунлар! Боплаб адабини бергоймиз!

Жон ҳалпида етиб келган Шайх Нуриддин баҳодирнинг қисик кўзларида ёғийга нисбатан ғазаб ўти чақнарди.

— Ўлжага тушган ганим аробаларидан уч-тўрттасини Амир соҳибқироннинг олдига қўйингизлар, душмандан ихота қилсун! — аёвсиз жангга киришар экан, буюрди баҳодир ўз сипоҳларига...

У ўйланиб ўлтирмай жонини ҳалоқат гирдобига отиб, тангри таоло, маъбуди барҳаққа таваккал қилиб, шартта отдан тушди, номуснинг зўридан беомон тиғу шамширларга рўбарў келди! Шундай имкон яратгани учун худога шукурлар айлади. У соҳибқиронни деб лозим эса жонини ҳам аямайди, зеро ўзининг шахту шиддатини дўсту душманга, хусусан, Амир Шоҳмаликка бир кўрсатиб қўймоғи ҳам керак!

— Оллоҳу акбар! — ҳайқирди у ёвга хезланар экан.

— Оллоҳу акба-а-ар! — ҳайқирди қўшин майдон узра...

Изма-из Амир Аллоҳдод, Зийрак ибн Жоку ва бошқа баҳодирлар, сипоҳлар ҳам пиёда бўлиб жангга кирдилар. Ўнгу сўл қанотлар бир-бирига аралашиб кетди. Шамол кўтарилиб, еру осмон орасини чангу тўзон, гирдибод қоплади. Бақирiku қичқирик саслари, вадаванг гўсноғора садолари, сурон овозлари борлиқни тутган, таранг тортилган камонлар, дўлдай ёғилган ўт тилли ўқлар, офтобда ялтираган қиличлар шу қадар кўп эдики, игна ташланса ерга тушмасди. Майдон жаҳаннамга айланди. “Уруш” деган бозорда энг арзон нарса одамнинг жони эди. Дарё-дарё қонлар оқди, узоқ йиллар сувсиз шўр босиб, оқариб ётган саҳро юзи қип-қизил рангга бўялди. Чангу қонга беланиб ётган ўлганларнинг ҳисоби йўқ, ҳар қайда узилган бошлар, жасадлар, лошу мурдалар ётар, ўнгу сўлда ерга санчилган найзалар, синган қиличлар, гурзилар, уюлган қурол-аслаҳалар кўзга ташланарди. Суронлар ичида қайга боришни билмай, у ёқдан бу ёққа чопиб юрган, эгасидан айрилган отларнинг зорли кишнашларига ҳеч ким эътибор бермасди. Аммо шу палла йироқдан Довуд Сўфий сардорлигида душманнинг катта қўшини жангга кирган эмиш, деган хабар тарқалди.

— Пурқудрат валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон лашкари!!!— деб қичқириб юборди кимдир. Дарё тарафдан муҳолифларни даҳшатга солиб от қўйган улкан черик наъраси эшитилди! Шаҳзода қўшини чап томондан ҳужумга кирди ва бирпасда майдон тархини ўзгартириб юборди!

Кўп ўтмай кутилмаганда:

— Ёв қочди!!

— Ёғий мутафарриқ ўлди!..²¹

— Тўхтамишхон қочди!! Кунча ўғлон қочди!

— Йағлибий қочди!.. Қочди!!!

— Ур-ҳо-о! Ур-ҳо-о-о!!!.. — садолари қулоқларга чалинди! Турон лашкарларининг қудратли суронлари янгради. Барча валиаҳдни олқишларди.

Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон орзулари поймол бўлаётганини сезар, салтанат худди ҳовучдаги қумдек, сиқимлаган сари, бармоқлари орасидан сирғалиб оқиб тушарди. У Жўчи шаҳзодалар билан бирга қочишдан бошқа чора тополмади. Турон лашкарининг ғолибона саслари пойтахт Сарой-Беркага ҳам етиб бориши муқаррар эканлиги юрагини қаттиқ сиқарди.

Азалдан Амир Темур Муҳаммад Султонни ҳамма нарсадан ортиқ кўрарди. Аммо ҳозир шаҳзода соҳибқиронга бамисли ширин жондай азиз, руҳи қудсдай ардоқли туюлиб кетди.

²¹ Мутафарриқ ўлди — яъни пароканда бўлди, маъносида.

I

Турон кўшинининг Олтин Ўрда мамлакатини фатҳ этгани, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султоннинг Тўхтамишхонни қувиб Московиягача боргани ва зафар қучгани, Сарой-Берка, Ҳожитархон шаҳарларининг кули кўкка совурилгани тўғрисида шаҳзода номига битилган фатҳ-номаларни олган чопарлар кечани-кеча, кундузни кундуз демай Самарқанду Хоразм, Озарбайжону Форс, Ироқу Хуросон, Зобулистону Сеистон, Мозандарону Табаристон томонларга қараб едилар.

Фатҳнома олинган паллалар, масъуд кунлар... Борлиқда куз фаслининг аломатлари сезилади.

Туман оқа арафа кунини чоштгоҳда турфа туҳфа-ю инъомлар олиб Боғи Чинорга ташриф буюрди. Катта малика қаср олдидаги сўрида ўлтирарди.

— Рамазон ҳайитингиз қутлуг бўлсун, хонимойим ҳазрати олиялари!

— Шукур... Ўзингни ҳам қутлаймен, Туман...

— Амир соҳибқирондан... хабарлар борму? — ийманганча сўради Туман оқа сўрига чиққач. Кейин маъноли деди: — Тушимга кирибдурлар...

— Доим ўйлағонингдан бу... Қутлаймен! Султониядан Хонзода хоним ҳам табриклаб мактуб юборибдурлар...

— Тинчмиканлар?... Хайрият... Кошкийди, эгачи маликам билан тез-тез дийдорлашиб турсак... — Туман оқа бироз сукутга чўмди. — Хонимойим... сизга айтадурғон бир янгилигим бор. Аммо аввал сўрасам: шаҳзода Муҳаммад Султон... билан қаллиғи Хон Султон оқа ўртасида илиқлиқ йўқ эмишму? Шундай сўзлар эшитамен...

— О, нимасини айтасен, Туман! Йўқ... йўқ-да... — ўйланиб деди Сароймулкхоним. — Хонзода хоним ҳам шундан ёзгурадурлар. Яқинда мактуби келғонини айтдим-ку. Хон Султон оқа иккиқат эмиш. Шаҳзодам шу сабабдан бирга олиб кетмабдурлар. Фарзанд туғилса, зора бир-бирларига меҳр уйғонар, деб ёзибдилар.

Маликалар бир муддат ўйга чўмдилар.

— Шаҳзодам... яна бир қизни... қаттиқ севган эканлар...му?

— Ҳа... Севган эдилар... Севиш ҳам гапми!.. Соғинч бика шаҳзодага узукка кўз қўйғондек муносиб қиз эрди. Бирам муносибки! Бир-бирларига талпинишларини кўриб қувонардинг... Ўзинг биласен, Мозандаронда эканимизда унга совчи юбордик. Жаҳоншоҳ ибн Жоку қизлари..

— Биламен, биламен...

— Ул ожиза дом-дараксиз кетғон... Соҳибқирон салтанатидай бир мамлакатда одам йўқолиб турса, уни излаб тополмасалар-а! Ажабки, ҳануз бир изи чиқмади. Умидим бор, чиқадур, тириккина қиз эрди. Билармусен, шаҳзода набирамга ичим ачийди. Қиздан ҳам кўра, у кўпроқ севарди... Не аҳволда юрғон эркан?.. Ростакан муҳаббат ожизаларда эрмас, эрларда бўладур! Биз ожизаларнинг меҳр қўйишимиз осон — бизга иссиқ меҳр, ширин сўз, ардоқ бўлса севиб кетаберамиз, Туман!..

Туман оқа ёш қизлардай қизариб кетди.

— Қисматимиз шундоқдур. Бошқа на иложимиз бор? Аммо ҳамма сир ўша “меҳр қўйишимиз осон”лигининг жуда қийинлигидадур, маликам!

Бу сўзлар маъноси Туман оқага сал туманлироқ туюлди. Хонимойим, биз ожизалар севиб қолишимиз ҳам, севиб қолсак, узилишимиз ҳам қийин деган фикрдамилар ёки севишга мажбуру маҳкум бандалармиз демоқчимилар, тушунолмади. У мақсадга ўтишга шошилди:

— Хонимойим! Мен ҳам уларнинг бир-бирларига муҳаббатлари ҳақида эшитган эрдим. Ҳамма билади-ку. Совчи юборилгонидан ҳам хабардормен. Ул қизнинг гаройиб воқеасидан ҳам... Суюнчини дариф тутмасунлар, мен... мен... ўша қизни ўз кўзим билан кўрдим!..

Сароймулкхоним ўлтирган жойида қотиб қолди! Қирмизи оқ юзларига қизиллик югурар экан, қўли беихтиёр ўнг чеккасидаги ғажагини силашга чўзилди, чиройли кўзлари қувонч аралаш ҳайратдан катта очилиб кетди. Чап юзидаги кичкина қора холи, нима бўляпти ўзи дегандай, атрофга ҳайрон боқарди. У шу топда ўлган одам гўрдан чиқиб келибди, десалар, Соғинч бика қайтибди, дегандан кўра кўпроқ ишонарди.

— Кўрдим, дейсанму? Нималар деяпсен ўзи, Туман!?! Қаерда кўрдинг?

Наҳотки!.. Наҳотки!.. Суюнчигина сендан айлансун!

— Кўрдим, кўрдим... Бизнинг Боғи Биҳишт маҳалламизда бир тўйга бордим, — ҳикоя қила бошлади Туман оқа. — Давлатшоҳ бахши, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин баҳодирқизлари ичида бир қиз кўзимга ўтдай кўринсами! Ёшиям ўн олти ё ўн еттида... Дарров қизиқдим, ким у, қаердан, нега авваллари учратмаганмен?.. Сўраб билдим. У амир Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизаси Соғинч бика эркан! Яқинда келибдур...

Туман оқанинг сўзи ҳали тугамаганди, дарвоза тарафдан қий-чув садолари эшитилди. Сафарберган кириб, ҳарам аҳли ташриф буюраётганини билдирди. Совға-саломлар кўтаришган маликалар Чўлпон Мулк оқа, Бахт Султон оқа, жориялар Рухпарвар оқа, Парвиз Жаҳон бахт оқа, Нигор оқа, келинлар — Мироншоҳ Мирзо хотинлари Давлат Келди оқа, Урун Султон Хоника, Шоҳруҳ Мирзо завжалари Гавҳаршод бегим, Тўти Хотунлар канизаклари билан сўрини ўраб олдилар.

Салом-алиқдан сўнг, ўтган-кетганлар ҳақиқа тиловатга ўтирдилар.

— Ҳайитингиз муборак бўлсун! — деди Сароймулкхоним, бироз ўйлангач, давом этди. — Амир Жаҳоншоҳ ибн Жоку заифасининг сўнгги ҳайити... Ҳозир Оҳанин ёққа боргайбиз, ундан Арк кўчасига, бонуйи кубро Кутлуғ Туркон оқа хонадонига ўтгайбиз, муҳтарам Амир Довуд дуғлат ҳақларига фотиҳа ўқиб қайтгайбиз... Ифторлик, худо хоҳласа, Боғи Чинорда...

— Бош устига, хонимойим! — таъзим бажо келтиришди маликалар.

Маликалар чиққан яшил-қизил матоларга чулганган ўн бешга яқин ранг-баранг маофалар пойтахт кўчаларига маржон бўлиб тақилди...

Соғинч бика Самарқандда яшаркан, қийналиб-қийналиб ўзи шаҳзодага, канизак Сарвиноз эса — бу гап Соғинч бикадан чиқди — отасига мактуб битдилар. Шаҳзода ҳам, падари бузруквори Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳам Дашти Қипчоқ муҳорабасида юрибдилар. Жавоб кутмасида, кўнглининг бир четида нимагадир илҳақ... Сароймулкхонимни зиёрат қилишдан эса гўё алланиманингдир илинжида боргандек туюлмасин, дея тортинди.

Бир куни дугоналари Зубайдабону, Робия бегим, Билқис бегимлар келиб қолишди. Соғинч бикага қаттиқ иддао қилиб юрган “войвойхон” Зубайдабонунинг акаси ҳам уйланибди!

“Шалпангқулоқ акангга ким ҳам тегарди?, деб масхаралаб юрадиган Робия бегим, Амир Шоҳмаликнинг қизи, тақдир экан, ўзи ўшанга келин бўлиб тушибди! Буни Сарвиноз кула-кула айтиб берди.

Дугоналар бир-бирларини соғинишган экан, роса чақ-чақлашиб ўлтиришди. Сухбат қизиди.

— Тўйинг бўлмадиму? — сўради гап орасида Соғинч бика Билқис бегимнинг икки ўрим бўлиқ сочларига қараб.

— Вой, бизларни эр олмайди!.. — жавоб берди ҳаммани кулдириб бўлагина Зубайдабону, ўзи билан тикмачоқдек Билқис бегимни кўрсатиб. Келинлик салтанатининг маликаси Робия бегим, “Ажаб бўпти!” дегандай чиройли жилмайди. Соғинч биканинг икки юзидаги кулгичи ўймоқчалар ҳосил қилди.

— Вой, Соғинч ўлгур, роса ҳаммамизни кўрқитиб юбординг-ку! Қаёққа йўқолдинг? Шундан гапир! Биров Зарафшонга тушиб кетди дейди, яна қочиб кетди дейишадими-ей... Авбош бика деганлари ҳам бежиз эмас экан-да.

— Жўгилар кўлига тушган, деб эшитдим... — Билқис бегим сочининг учини ўйнаб ўлтирар экан, гапга кўшилди. — Жўгилар олиб бориб, бошқа ҳиндистонлик жўгиларга сотишар экан-да... Кейин бошқа жўгилар...

— Вой, нималар деяпсен, Билқис ўлгур?.. Йиғиштир жўги-пўгингни! Доим шунақа гапларни топиб юрасен!

— Ҳа-да! Жўгилар борлиги аниқ...

Соғинч бика бамайлихотир жавоб қилди:

— Умрага²² бориб келдим...

— Вой? Умрага? — сўради Зубайдабону ишонишини ҳам ишонмасликни ҳам билмай. — Шу бошинг билан-а? Тўқимай ўл!

— Тўқиганим йўқ... — жилмайди Соғинч бика. “Ўлғонни худонинг ўзи кечирсун!” деб қўйди ичида. — Эҳромга чулғаниб олиб, Кабатуллоҳни тавоф айладим... Ҳазрати Оиша масжидига бориб, сизлар учун ҳам умра қилдим... Илоё, жондай дугоналарим войвойхон Зубайдабону бирлан дўмбоққина Билқис бегимларга кўчқордай куёвлар ато этгин, деб...

Қаҳ-қаҳ отиб кулишдилар. Кулги садолари ичида Зубайдабонунинг йигитча овози ажралиб турарди. Бу гап ҳаммадан ҳам Робия бегимга ёқиб тушди:

— Ато қилсун! Ато қилсун!

— Вой, ўл, меҳрибон бўмай! Мана, ўзинг акамга тегмай қочиб кетдинг, қуруқ қолдинг. Робия бегим, илдам экан, куёвни илиб кетди!

— Пешона экан-да, Соғинч... — дерди Робия бегим.

— Робия бегим хўб қибди, ували-жували бўлишсин, қариб-чуриб юришсин! — кайвонилардай тилак билдирди Соғинч бика ва ичида қизларни бир чандиб қўяй деди. — Сенлар-чи! Ҳадеб бировларнинг ташвишини чека бермай, бундай ўзларингга ҳам қарангизлар, Билқис икковинг ҳалиям эгар кўрмаган отдай гижинглаб юришибсен!

²² Умра — кичик ҳаж.

— Ўша эгар йўқ-да, эгар! — тарсиллатди Билқис бегим.

Беғубор кулги овозлари янгради. Ора-орада: “Ўзинг-чи, ўзинг? ”, “Ўзинг-чи?..” сўзлари эшитиларди.

Кўнгилларга малҳамдай хуш ёққан суҳбат алламаҳалгача чўзилди.

...Маҳди улё Сароймулкхоним ва маликалар кенг-мўлгина ҳовлига кириб келганларида бутун маҳалла аёллари жам бўлиб туришган экан. Аёллар узоқдан эгилиб, таъзим бажо келтирдилар. Маликалар панжарагулчин сўрига тиз чўкишди. Қуръон туширилди, кўнгил-ҳол сўралди. Туман оқа Оппоғойим пайтида ҳовлининг жуда ҳам фариштали эканлигини эслади. Катта малика сўридан тушиб, қўлини кўксига қўйиб салом берган Соғинч бика билан кучоқлашди. Шу алфозда улар, ўзлари англамаган ҳолда хийлагина туриб қолдилар. Сароймулкхонимнинг юраги бўшашди, бағоят иродалимен деб юрган Соғинч бика эса бошини маҳди улёнинг кўксига қўйиб: “Хонимойим! Хонимойим... Сиз онам ўрнида онамсиз!.. ” деганча, ўзини унсиз йиғлашдан тўхтата олмас, айтмоқчи сўзлари кўз ёшига айланарди.

— Кўйингиз! Кўйингиз!

Соғинч бика мамлакатнинг энг иззат-икромли

аёли кўнгил сўраганигина эмас, балки маликанинг уларни боғлаган кўзга кўринмас омонат ипни йўқотиб қўймаганлиги, боши қотган музтару нотавон, бечора Соғинч бикани йўқлаганлиги уни ўксиб-ўксиб йиғлашга ундарди.

Сароймулкхоним Соғинч бикага яхшилаб назар солди. Рўбарўсида парвардинор меҳр билан яратган дурри якто турарди. Оқ юзлари тип-тиник, йиғидан қизарган кўзлари яна ҳам гўзаллашиб кетган, икки юзидаги кулгичи ўзига ярашган, қадди ниҳоли даражан камолга етишган, балоғат остонасидаги туркуч ожиза...

— Ифторликка келингизлар! — тайинлади Сароймулкхоним Соғинч бика билан канизак Сарвинозга, оқшом батафсилроқ суҳбат қуришни кўнглига тутиб кўяркан.

Ростдан ҳам, кечқурун меҳмонларни кузатишганларидан сўнг катта малика ва канизак Сарвиноз ўртасида гурунг бошланди:

— Вой ўлайин-ей, бу қиз... — сўзга огиз очди канизак Сарвиноз... — Хонимойим ҳазрати олиялари, достони жуда қизиқ...

Соғинч бика боғни айланиш баҳонасида маҳди улё канизакларидан бири билан атай ташқарига йўл олди.

Қизнинг худди афсонадай қиссаси ҳайит куни эрталаб жаъми маликалар Шоҳизиндага бориб, Қусам ибн Аббос мазорини зиёрат этганларида ҳам, Туман оқанинг ўзи учун тиклатган мақбараси олдидан ўтиб Шодимулк оқа, бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа руҳларини шод айлаганларида ҳам, бағоят мутаассир бўлган малика хаёлидан чиқмади. Ҳали бундай ҳодисани учратмаганди. Унинг Соғинч бикага раҳми келиб кетди. Йўқ, ожизаларнинг муҳаббати ҳам эркаларникидан қолишмас экан! Соғинч бика буни исботлаб қўйибди!

Катта малика Боғи Чинорга қайтгач, ёлғиз хаёлларга чулганганча, боғни узоқ айланиб юрди. Сўнг бир қарорда тўхталди-ю хонага кириб, дарҳол Хонзода хонимга мактуб ёзишга ўлтирди.

“Ассалому алейкум ва баракотух, дийдорлари ҳамиша кўзимизнинг нури дурри якто малшам! Даромаддан сўнг: келинимиз Хон Султон оқа юкли бўлғонини

мактубингиздан билиб, бағоят қувондик. Амир соҳибқиронга ҳам хабар бермакка шошилдим. Шаҳзодамнинг зурёдлари ахир! Ё раббий! Кеча яқинда ўзлари гудак эдилар-а! Бугун эса Олтин Ўрда бирлан муҳораба фатҳномаси валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон номларига ёзилуб турубдур, қутлуғ бўлсун!

Меҳрибону мушфиқ маликам! Бизда ҳам фараҳли мужда бордурким, эшитиб ҳайратдан ёқа тутмоғингиз аён. Биз худди шундай ҳолга тушдук. Аччиқ аралаш ширин эртақнинг нақ ўзи. Мозандарондан Самарқандга совчи юборғонимиз, ғойиб бўлгон Соғинч бика, жаноб Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожжаси, худога шукурки, тирик эркан! Тирик эркан! Қиссаси ғаройибки, киши ишонмайдур! Бу шўх қизни кўрингизким, ўзига “Арғуншоҳ” деб от қўйиб, совуту дубулға кийиб... шаҳзодам лашкарига қўшилмоқни истаб, сипоҳ бўлибдур... Билдирмай савашиларга борибдур... Мақсади – шаҳзодам уни севадирму, йўқми, билмоқ эркан. Бу ёғи яна қизиқ. Шаҳзодам у билан бир марта учрашибдурлар. Ҳатто унга севгани борлигини айтибдурлар, йўқотиб қўйгонидан қаттиқ ғамдалигини билдирибдурлар. Соғинч бика, қув, ўзини танитмабдур ва... ўша ғойиб бўлгон қизни топмоқ учун шаҳзодадан ижозат олиб Самарқандга қайтибдур... Ушбу ғаройиб ҳодисани кўришғонимизда тўлиқ сўйлаб бергумдир.

Алқисса. Муродга келсак... Амир соҳибқирон ва валиаҳд шаҳзодам Олтин Ўрда муҳорабасидан зафар бирлан қайтишмакда. Бир пайт ўзлари ният қилгон эрдиларки, шаҳзодам тўйларини Султониядаги маҳобатли саройда ўтказсак, деб... Фаришталар омин, деган эркан. Йўқса, Амир соҳибқирон Хитой сафарига жўнашлари мумкин... Кейинга сурилмасун, дея ташвишдамен. Иншооллоҳ, келин-куёвларнинг чилласи охирлагунча Султонияда бирга бўлғоймен, мириқиб суҳбатлар қурғоймиз. Тез кунларда дийдор кўришғоймиз, маликам...”

...Ҳар бирига биттадан кичик манжаниқ ўрнатиб қўйилган миноралари рангоранг кошинлар билан безатилган, тош деворлари нақшинланган шукуҳли хон саройи чиндан ҳам Султониянинг кўрки эди, Муҳаммад Султон ва Соғинч бикаларнинг улуг музаффарият сурури-ю нашъасига уланиб кетган тўйлари унга ярашиқли муҳташам безак бўлди.

Эрталабдан янграган карнай-сурнай садолари қулоқларга ҳуш ёқар, саройнинг ўнг томонида нақшинкор айвонда Мироншоҳ Мирзо надимлари — машҳур мутриб Хожа Мароғий бошлиқ созандалар орасида замонанинг донг таратган машшоқлари Қутбиддин Нойий, Ҳабиб Удий, Мавлоно Кўҳистоний, Ардашер Чангийлар кўзга ташланардилар. Ҳофиз Абдулмўмин Гўянданинг нафис ва сирли чолғу садоларига йўғрилган ўктам овози кўнгилни тўлиқтириб юборарди.

Амир Темур бир кўп аёнлар даврасида сарой ичидаги жаннатнамо боғда салқин ҳовуз бўйидаги нақшиннигор сўрида ўлтирарди.

— Дунёнинг қутлуғ ҳодисалари изма-из юриши ажойиб эзгулик аломатидур, Амир соҳибқирон! Бари яратганнинг бемисл муруввати, лутфу карами! — деди пири муршид Мир Саййид Барака қўлини дуога очар экан. — Худонинг ўзи бетавфиқ “ўғил”нинг жазосини берди. Оламни тутган музаффарият садолари валиаҳд шаҳзодам тўйларининг карнай-сурнай сасларига қўшилиб олам уйғунлигини пайдо этмакда. Тўй барчамизга муборак бўлсун! Келинимизнинг қадами қутлуғ келсун, илоҳи!

— Куллуқ, пирим, куллуқ!— миннатдорчилик билдирди Амир Темур. Амир Темур улуғ бекларга катта зиёфат уюштиришдан олдин Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан Амир Шоҳмаликларни ёнига чорлатди: — Сарой-Беркадан олинган ўлжа, молу манолларнинг барчасини туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ва сипоҳларга улашилсун! Энг аввал ярадорлардан бошласунлар. Бирор одам назардан четда қолмасун. Отсизлар от олсунлар, молсизлар — мол, пулсизлар — пул... Ҳазинага бир дирҳам ҳам киритилмасун!..

— Аҳсанта! Аҳсанта! — деб юборди пири муршид.

Музаффар қўшин сафларида дамба-дам: ”Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!” деган сўзлар қулоққа чалинарди.

Султониягина эмас, бепоён салтанатнинг турли бурчақларидан ҳам меҳмонлар тўйга етиб келишганди. Аркони давлат кишилари, амирлар, баҳодирлар, лашкарбошилар, ясовуллар, сипоҳийлар, тингчилар, толиби илмлар, фақир мискинлар эмин-эркин дастурхон атрофида ўлтиришар, улар орасида кўлида гулдор тасбиҳ ушлаган кажава рўмолли сўфий момо ва Мубашшир баҳодирнинг бошқа нотаниш тингчилари ҳам кўзга ташланарди.

~~Содибқирон!~~ Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг пири муршид қулоғига ниманидир шивирлаганини, пирнинг бош тебратиб қўйганини кўрди.

— Оллоҳнинг буюрғон юмушларини адо этмак жоиз... — сўзланди Мир Саййид Барака ва ўрнидан турди. Додхоҳ иккиси шаҳарнинг шимолидаги, келиннинг “уй”и деб қабул қилинган, ҳар томони минг қадамча чиқадиган мураббаъ шаклидаги сўлим Чаманбоққа отландилар.

Чаманбоғда тўй қиёмига етган эди. Сароймулкхоним қизини узатаётган она мақомида, Туман оқа ва бошқа канизақлар унинг ёнида... Куёв томондан шаҳардаги саройдан ўнга дошқозонда дамланган палов келди. Қаср айвонидаги, ҳовлидаги қатор сўриларда дастурхонлар ёзилди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар қадами узилмас, ширин таомлардан тановул айлаб чиқишган хушчақчақ одамлар кетгилари келмай, боғ атрофида гуррас-гуррас кезиб юришарди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Сайфиддин некўз, Мир Саййид Барака, Муҳаммад Чуроға додхоҳ ва бошқа амирлар боғ эшигида меҳмонларни кутиб олишар, “Куёв қутлуғ бўлсун!”, “Куёв муборак!”, қабилида табриклар тез-тез қулоққа чалинарди.

— Куллуқ!.. Ўзингга шукур! Ўзингга шукур!.. — деб қўярди қизидан айрилиб кўнгли вайронага айланган, энди эса бирданига ҳам ўғиллик, ҳам қизлик бўлаётганидан ўзини осмон-фалакда сезган Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Пешин билан аср ораси, ҳаммадан ҳам кўпроқ шовқин солиб юрган болақайларнинг “Куёв келди!”, “Куёв келди-и-и!..” деган овозлари янгради. Шаҳзодалар, амирзодалардан иборат ўттиз чоғли куёвнавкарлар карнай-сурнайлару чилдирмалар гижбанги, завқли қийқириқлар остида қасрнинг иккинчи ошёнасидаги, атрофига ипак кўрпачалар солинган, ноз-неъматларга тўла дастурхонлар билан безатилган улкан хонтахтали меҳмонхонага йўналдилар.

Қасрнинг нариги томонидаги хонада дугоналари ичида ўлтирган Соғинч бика мусиқа садоларини эшитар, чилдирманинг ҳар бир садоси унинг қалб тепиши билан жўрликда жаранглар, гўёки чилдирмани бошқа биров эмас, қизнинг безовта юраги чалдирмоқда эди. Чуғурлашган дугоналарининг сўзлари, турфа хил кенгашлари қулоғига кирмас, умуман

нимани ўйлаётганини, нималар бўлаётганини идрок этмас, на ерда, на осмонда, балки вазнсиз парвозда, қандайдир эпкинлар қанотида учиб юргандай туюларди бу палла...

Янгалар — канизак Сарвиноз билан Робия бегимлар Соғинч бикани икки ёқдан енгилгина туртишиб:

— Ҳай, жавоб берсанг-чи! Розимен, де!.. Розимен де! Ҳай!.. — деб шивирлашди.

Чимилдиқнинг у томонида энтиккан куёв турар, хутбаи никоҳ бошланган, шаҳзода: “Соғинч бика бинти Жаҳоншоҳ ибн Жоку ожизасини ўз никоҳингизга олишга розимисиз?” деган саволга, кутдирмай “Ҳа...” деб жавоб қилган, навбат энди келинга келганди.

Соғинч бика шаҳзода валиаҳд Муҳаммад Султонга ўзини бахшида этишга розиму?.. Сўраб ўлтиришга ҳожат борму? Қиз унсиз тўлиб-тўлиб йиғлади. Сўз айтишга мажоли ҳам йўқ, бемисл бахт қувончидан юраги потраб чиқай, дерди.

Пири муршид учинчи марта саволини такрорлади.

— “Ҳа!”, деяпти, пирим! “Ҳа”, деяпти... Рози...Рози... — дея жавоб берди овозини ингичкалаштириб янгалардан бири, чамаси, Сарвиноз.

— Товушсиз йиғи ҳам изн аломатидур... Илоҳи, қўша қарингиз! Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!.. Омин!..

Куёв меҳмонхонага қайтиши биланоқ, куёвжўралар Шохруҳ Мирзо ва соҳибқироннинг набираси Мирзо Алибеклар эски удумларга биноан Сароймулкхонимга мурожаат этдилар:

— Хонимойим ҳазрати олиялари! Ижозат берсалар, куёв сарпосини “сотиб” олмақчийдик...

Шохруҳ Мирзо жавоб кутмай ёнидан тилло тангаларга тўла бир ҳамён олди ва катта маликага узатди. Сарвиноз ишора билан қўшни хонада тайёрлаб қўйилган гулдор тугунни олиб кирди.

— Шаҳзодам! Қиблага юз бурсунлар! — деди Мирзо Алибек куёвни кийинтиришга киришар экан.

— Сарполар муборак! Сарполар муборак! — қутлашди куёвжўралар...

Пиқ-пиқ йиғлаган, оппоқ либосга бурканган, сўз айтишга ҳоли йўқ Соғинч бикани таъзим билан отасининг олдига олиб келдилар.

— Нону тузингизга рози бўлингиз, отажон... — келин тилидан сўради Сарвиноз. Жаҳоншоҳ ибн Жоку бағри увалганча, қизининг пешонасидан ўпиб, елкасидан қучди:

— Розимен, минг бор розимен!..

Ҳамма дуога қўл кўтарди.

Чаманбоғдан бошланган мунгли ёр-ёр садолари то шаҳардаги саройгача тинмади...

Муҳташам сарой остонасидаги поёндозга қадам қўйишаётган келин-куёвларга қараб, кўзлари ёшланган соҳибқирон ёнида турган Сароймулкхонимга оҳиста шивирлади:

— Тахтини мен яратиб берайин, аммо бахтини Оллоҳнинг ўзи, илоҳи, ато этсун!

Мамнуну масрур Сароймулкхоним бош тебратиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Амир Темур келин-куёвларнинг пешоналаридан ўпиб, бахт-толе тилади, ёнчиғидан бир сиқим тилло танга олди-да, жаранглатиб

бошларидан сочиб юборди. Кейин дуру жавоҳирга, мушку анбарга навбат етди. Ҳамма икки покиза тимсолга интилар, қўлларини дуога очар, нимадир дегиси келар: “Қутлуғ бўлсун!”, “Муборак бўлсун!” деб қичқирарди. Соҳибқирон Хонзода хонимнинг бошини силаб қўяр экан:

— Келин муборак, қизалоғим! — деди, Хонзода хоним ҳамиша валинеъматнинг эркалаб айтган ўша “қизалоғим” сўзини яхши кўрарди, эгилиб соҳибқирон тўнининг пешини ўпиб, кўзларига суртди. Амир Темур кейин ўтрилиб, Сароймулкхоним, Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа ва Султон Бахт бегимларга ҳам табрик сўзларини айтди.

— Ўзингизга қутлуғ бўлсун, валинеъмат соҳибқирон! — дейишди маликалар.

— Қуллуқ, қуллуқ!..

Сочқи фасли авжига чиқди. Мироншоҳ Мирзо билан Шоҳруҳ Мирзолар ҳам шайланиб тургандилар, амирлар, аркони давлат аъёнлари, лашкарбошилар, туманбеги, мингбегилар ҳам бир-биридан қолмай деб ҳамёнларини кавлашга тушдилар. Айниқса, вазири аъзам Муҳаммад Жалднинг ўқи ўзди: тўрт марта сочқи қилишга улгурди. Шамлар ёруғида ялп-юлт учқунлар сочган тангалар ёмғирдай ёғиларди. Юрганда оёқ тагида тангаларнинг ғижирлаши оддий ҳол бўлиб қолди.

Сароймулкхоним Хонзода хонимни оҳиста кучоқларкан, шивирлади:

— Шаҳзодам бахтини энди топдилар, маликам! Тангри умрларини узоқ айласун! Паҳлавон фарзандлар кўрсунлар! Бизлар боқамиз деб, куймаланиб юрайлик!

Соғинч биканинг баркамол ҳусни малоҳати Хонзода хонимни чиндан-да, ҳайратга солди. Маҳлиқо келинчак бир лаҳза ўзининг ёшлигига ўхшаб кетди. Ўзи ҳам қачонлардир шундай зебо ва соҳибжамол эди... Рўбарўда — гўё Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар... Ана, Кониғилдаги оқ уйда... ҳозир гўшангага киришади... янгаларнинг тап тортмай: “Келин-куёвлар қовушганда фаришталар улар тепасида қувончдан чарх уриб учишар эмиш!” деган сўзларини эшитишади...

— Ўғлимга жуда муносиб эркан!.. — сўзлари учди беихтиёр лабларидан.

Зубайдабону, Билқис бегим, Робия бегимлар бу ўжар, қайсар, авбош Соғинч бика тўйининг шукуҳли манзарасига қарар эканлар, кўнгилларида ҳавас билан кам-кам ҳасад томирлари ҳам кўзғолишга мойил эканлигини сезардилар.

“Келин ўрнида мен бўлсам эрди...” — дерди ичида икки ўрим сочи орқасини тўлдирган Билқис бегим.

Шаҳзода ёнида хаёлан ўзини кўрарди Зубайдабону...

— Куёвтўрам, келинпошша мунтазирдурлар!

Сарвиноз билан Робия бегим шаҳзодани файзи илоҳийдан зийнатланган гўшангага бошладилар.

Заррин чопонга ўралган, бошига куёвлик тожини кийган Муҳаммад Султон худди ширин туш ичида юргандек, ҳозир уйғонади-ю баридан айрилиб қоладигандай кўрқарди. Худога шукур! Оппоқ келинлик либосига чулганган, чеҳрасига парда ташлаган дунёнинг пари пайкари, ҳусни гул-гул очилган Соғинч бика, мана, ёнида...

Улар бир-бирларига тикилиб тўйишмас, шу алпозда тонг оттирмоқчидай эдилар, шекилли... Тиллардан сўз қочган, асли бунга эҳтиёж ҳам йўқ, нимани сўзлашади, англашиларли... Куёв-келиннинг нигоҳларида

– балқиган ишқ нашидаси, узр-хоҳлик, шукроналик, ширингина ўпкагина, норизолик аралаш ризолик, ўкинчга йўғрилган қувончининг тилсиз туйғулари, толенийг буюк тантанаси бари, бари намоён...

Ниҳоят, Муҳаммад Султон оҳиста пичирлади:

– Юзингиздан пардани кўтариб... жамолингизга қўрқиб-нетмай... тўйиб тикилмоқ ёнлари етгонидан бошим осмондадур, маликам!..

Соғинч биканинг юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлди, аммо ҳеч нарса демай, ним табассумда бошини эгиб тураверди.

– Шу... ўзингизмисиз?..

Келинчак индамасди.

– Ўзингизмисиз... “сипоҳ”им?..

Шаҳзода офатижон қайлиғининг ойдай чеҳрасига тикилди... Шу палла, бахт унинг ўнг томонида-ю шодлик чап томонида эди. Оҳиста пардани кўтариб, ўнг юзидаги ўймоқчасига титраган лабларини босди... Кейин дарҳол ортга чекинди ва кўзларини кўзларига тикканча қараб ўтираверди. Кўзлар сўзлар эдилар, қувончларини, қайғуларини, армонларини, азобларини, ўпка-гиналарини, инсоннинг бахтини, толе ҳимматини, иқбол шарафини, висол лаззатини... Лекин бу сўзларни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким эшитмас, эшитса ҳам англамаган бўларди. Бир-бирларига тикилганча тонг отганини ҳам сезмадилар.

Узоқдаги маҳаллада хўроз қичқиргани эшитилди...

Қирқ кеча-кундуз тўй зиёфати давом этди, меҳмонлар оёғи узилмади. Базмларда давраларни чиройли безаган “Ол, ҳа, ол!” каломларининг қадри кўтарилиб кетди. Ҳайхотдай хона нафис матолар, заррин тўнлар, ажабтовур матоларга ўралган бўғчалар билан тўлиб-тошганди. Совға олмаган бирон амир, аркони давлат вакиллари ё сипоҳу фуқаро қолмади. Барча чексиз неъматлар, обрў бўлгувчи хильятлар, бағалтак-камзул, тож ва зеру зеварлар, жома-ю либослар, салла-ю ҳирқалар билан сийланди.

Тўй поёнига етди, аммо таванхонада ҳали совға-саломлар мўл эди...

Икки ойдан кейин, фирдавсмонанд Самарқанддан чопар етиб, валиаҳд Муҳаммад Султоннинг муҳолифат кучлари яна бош кўтарган, устига устак, тўрт йилдан буён ҳар йилгиси уч юзминг динордан иборат хирожни тўламай келаётган Ҳурмуз вилоятини забт этишга бормоғи ҳақидаги фармони олийни етказди.

Шаҳзода ўзини вазият чирсиллаб турган жойларга юборилиши подшолик йўлидаги тажрибалардан бири эканлигини, валиаҳднинг чигал муаммоларда кўзи пишиши лозимлигини ва бу соҳибқирон истаги-ю салтанат манфаатларидан келиб чиқаётганини чуқур фаҳмларди.

II

Сароймулкхоним келинчакка ўзи “она”лик қилаётганидан келин-куёвни йўқлаш, куёв мазар²³ юбориш ташвишини чекди. Холдона биби, Оққиз бегим ва Сарвинозни чақиртириб тайинлади:

– Келин-куёвларга ҳар куни нонуштага, тушликка кечки таомга қовурдоқ, қўй гўштига манти, юпқа шўрва, палов тайёрлангизлар. Баковулларга қарангизлар. Ейилса-ейилмаса, дастурхондан пармуда,

²³ **Куёв мазар** — келин-куёвларни сийлашга юбориладиган хилма-хил таомлар (лаҳжа)

варақи сомса, ширмон, қатлама, жиззали патирлар узилмасун, чак-чаклар безасун. Каклик, бедана гўшглари ҳам жуда хуштаъмдур. Кабобдан, қизил пиёз, анор пўчоғи солиб қайнатилган тўқжигаранг тухумлардан қўйингизлар. Ва, албатта, қази-қарта ёддан чиқмасун. То чилла охирлагунча ўн беш кунда бир марта кулчатой пиширтирингизлар... Шаҳзодам хамир овқатни хуш кўрадурлар.

Сароймулкхоним билан Хонзода хоним хурраму хушнуд зиёратга келишар, гоҳида яхши таомларни ўзлари олиб киришар, лекин узоқ ўлтиришмас, келин-кўёвлар билан суҳбатлари қовушавермасди. Муҳаммад Султон ҳам, Соғинч бика ҳам ерга тикилиб изо тортишганча сўзга оғиз очишмасди. Валиаҳд шаҳзода ва қайлигининг бир-бирларига жуда муносиб эканликларини кўриб қувонишаркан, соҳибқирон Амир Темур салтанатининг икки иззатли маликаси, “узукка кўз солгандай” ибораси мана шу жигаргўшалари учунгина яратилганига имон келтиришарди.

Тўйнинг йигирма биринчи куни Амир Темур сафар тараддудини кўра бошлади. Тиниб-тинчимас бу одам энди катта муҳорабадан ҳали пойтахтга қайтиб улгурмай, яна бошқа сафар ҳақида ўйламоқдалар... Самарқандда ҳам кўп турмай отланмоқ пайидалар. Шаҳарга сиғмайдилар, ҳаво етишмайди чоғи. Унга кенгликлар, завқларга кўмилган майдонлар, бепоён уфқлар керак... Буни, ҳамма билмаса ҳам, Сароймулкхоним яхши билади.

— Бошлари, илоҳи, тошдан бўлсун! — деб қўйди соҳибқироннинг ногирон оёғини уқалаб ўлтирган, ташвишларга чўмган катта малика...

Маликалар Туман оқа, Чўлпон Мулк оқа ва жориялар соҳибқирон билан бирга тонгда Самарқандга жўнаб кетдилар. Уғруқ йўлда Ҳамадонга бир қўниб ўтади.

Уч кундан кейин Сароймулкхоним билан Султон Бахт бегим қўлларида совға-саломли тугунларни кўтарганларича саройга, Хоразм маликасининг бўлмасига ташриф буюрдилар.

— Ассалому алайкум! — деди нақшин-нигор эшикдан кирар экан Сароймулкхоним.

— Ва алайкум ассалом! — таъзим билан кутиб олди Хонзода хоним.

— Энди келин муборак бўлсин, маликам!

— Ўзларига қутлуғ бўлсун, хонимойим ҳазрати олиялари!

Таомлардан сўнг, маликалар гулобдан ҳўплаб-ҳўплаб ўлтирдилар.

— Атиргул шарбати, танга шифо... — деб қўйди Сароймулкхоним даромад қилиб, кейин маликаларга юзланди: — Шаҳзодам энди бахтини топдилар, Оллоҳга шукур, келинимиз жуда ҳам барно, жуда ҳам фаросатли... Кўрку чиройи, ҳусни малоҳати, ақлу заковати таҳсинларга лойиқ!

— Куллуқ хонимойим, куллуқ!

— Мен ҳам , эҳ йигит эмасмен-да! Шу қизни олардим, деб юборибмен! — сўзни ҳазилга бурди шаддод Султон Бахт бегим.

Кулишдилар.

— Куллуқ, қайинсингилжон! Сизга тегмаса-чи?

— Чавандозликда барчани енгиб чиқардим! Найзабозликда ҳам! Барча шартларини адо этардим...

— Бир гап айтайми? — Сароймулкхоним икки маликани ўзига қаратди. — Оллоҳни ишига тан бермай илож қанча? Қарангиз: қайин

она билан келин бир-бирларига шундоғ ўхшайдиларки, ҳайратдан ёқа тутамен! Келин қайнонага тортади, деганлар-ку! Кўрку жамолда ҳам, ақлу идрокда ҳам улар бекусурдурлар! Исмлари ҳам бир-бирига уйқашда: Севин бика, Соғинч бика!.. Лавҳул Маҳфуздаёқ сизнинг қайнона-ю, Соғинч биканинг келин бўлиши ёзиб қўйилган эканму дейман!

Катта малика самимий сўзлаётганини Хонзода хоним сезиб турарди.

— Йўқ, хонимойим ҳазрати олиялари, кошки мен ўхшасам!.. Унинг ўзгача фазилати бор. У сипоҳ, савашларда қатнашган... Яна қаерда денг, нақ шаҳзодам лашкарида! Ўзини билдирмаган. Шаддод қиз! — Хонзода хоним кулди. — Мен билдириб қўярдим... Унга тенг келолмасмен!..

— Нималар қилган экан келинимиз? — сўради Султон Бахт бегим қизиқиб. — Эшитиб тўлиқиб кетмакдамен...

Султон Бахт бегим мутлақо беҳабар эканлигидан оғзини очиб қолди. Кейинги икки йил ичида унинг шавҳари Амир Сулаймоншоҳга Эрондаги кичкинагина Абаркуҳ деган шаҳар ҳокимлиги топширилганди, малика қарийб ўша ердан ташқарига чиқмади.

— Айтгандай, келинимиз сизга ҳам менгзайди, бегим! Чавандоз, найзабоз, кўрқмас, ботир!.. — Султон Бахт бегимга юзланди катта малика. — Суриштириб билиб олдим, отаси Жаҳоншоҳ ибн Жоку муҳтарама волидангизнинг соҳибқирон ортидан от миниб юришлари, Хоразмдан қайтишда Жайхунга кўрқмай от солишлари, сизнинг шижоатингиз, шаддодлигингиз ҳақида ҳам кўп ҳикоялар сўйлағон эканлар...

— Волидамиз Улжой Туркон оқа ҳақида-я? Биров эслар эканму? — ҳайратда сўради бегим. У шу палла, сен қачонлардир нимадир қилишинг мумкин, унутилиб кетди, деб ҳисоблайсен ҳам, лекин у кимлардир учун ибратга ярашини, инсоннинг ҳеч бир қадами ҳеч қачон унутилмаслигини англаб етди.

— Оҳ, онаизоримни элас-элас эслаймен холос... Чодирнинг бир бурчагида ҳамиша падари бузрукворимнинг ва онаизоримнинг совуту дубулғалари, қиличлари турарди... Кейин меники ҳам қўшилган...

Сароймулкхоним маликаларга Соғинч бика ҳақидаги воқеаларни батафсил айтиб берди.

— Келинимиз Соғинч биканинг яна бир фазилати ортиқ: у шаҳзодамни қаттиқ севган, ана шу муҳаббат уни шундай шижоатлар кўрсатишга ундаган... Ана шунга бош эгамен! У ўз муҳаббати учун кураша олган қиз! Мен... ундай шижоатга қобил эмасдурмен! Таърифлари каминага бир сийлов холос, хонимойим ҳазрати олиялари! — деди ҳаяжонда Хонзода хоним, кейин ўйланганча қўшиб қўйди: — Қўйингиз... Менга ўхшамасун... Сира ўхшамасун!..

Хоразм маликаси бош эгди. Орага жимлик чўкди, ҳамма ўз хаёли билан банд... Айниқса, Султон Бахт бегим ортиқ мутаассир бўлди. “Келинчак шаҳзодани севиб қолиб, муҳаббат деб нақ жондан кечишгача борибди... Сен-чи, Бахт? — сўради ўзидан ўзи алам гирдобиди. — Худо шоҳид, ичингда Амир Шоҳмалик жанобларини севардинг. Ҳа, севардинг, аммо севгинг учун курашдингму? Нега сен ҳам йигитдай кийиниб Амир Шоҳмалик қўшинида қатнашмадинг? Ўз тақдирингга бировникига қарагандай қарадинг? Жонингга ачинмадинг? Агар курашганингда, анови ер ютгур малъун телбанинг қўлида эзилган гулдек хор бўлмасдинг-ку?.. Энди Султон Бадбахт бегимга айланиб ўлтирибсен!..”

— Амир соҳибқироннинг бунчалар мамнуну масрур юрғонларини кўпдан эслай олмаймен. Айниқса, шаҳзода Муҳаммад Султоннинг тўйдан кўнгиллари бирам кўтарилиб кетдики, таъриф ожиздур! Биласизку, тўй деса, валинеъмат жонини ҳам беришга тайёрлар! — жимликни бузди Сароймулкхоним. — Йўлга чиқишларидан бир кун олдин тагин Хитой юриши ҳақида сўйлаб қолдилар-да... Тингчилар у ерларда мусулмонларнинг аҳволи оғир деб хабар етказишибди. Кофирлар юз минг мусулмоннинг бошини олгон эрмиш. Дарё-дарё қонлар оқибди... Мусулмонларнинг азият чекканларини эшитсалар, камоли гайрати-ю номус кучидан зинҳор чидаб туролмайдурлар. Тагин уруш қанот ёзади...

— Тагин уруш... Валинеъмат соҳибқиронни бу йўлдан қайтармадиларму? — Тўй ҳавосида юрган Хоразм маликаси, дунёда ҳали урушлар ҳам бўлиши мумкинми, дегандай қаради.

— Валинеъмат соҳибқирон қарор этсалар, ортга қайтмайдурлар! — кўшиб кўйди қийиқ кўзлари чақнаб Султон Бахт бегим. У урушлар тарафдори эди. — Жаҳонни фақат урушлар обод этиши мумкин, бу кундай равшан-ку. Салтанатга юрт қўшилади, хазина тўлади...

— Кўйингиз, бегим! Урушни оти ўчсун! — гўё урушларнинг бўлиш-бўлмаслиги Султон Бахт бегимга боғлиқдек зорланди Хонзода хоним.

— Кўп марта ул зотга, ҳазрат, шундай қадам ташламоқ балки ноўриндур, деб худони зорини қилдум... — оғринсиниб деди катта малика. — Жета ёқлар ҳам тинчиди, Эрон тарафларга уч йиллик юриш бўлди, буниси беш йилга чўзилди, Олтин ўрданинг қадди букилди, деб гапирдилар соҳибқирон. Сарой-Берка билан Ҳожитархонга шунинг учун ўт кўйдурдум... Ортиқ бизга қўл кўтармайдурлар. Тижорат йўллари беҳавотир бўлди. Бас, энди Чин мамлакатига борурмен... Ҳа,ҳа, шундоқ дедилар! Ҳатто тавочиларга тайинладиларки, уруш жабдуғини ҳозирласунлар, музофотларда кўшин йиғишга киришсунлар, лашкарга уч йиллик улуфа тайёрлансун, деб... Пойтахти фирдавсмонандга қайтгач, қурултой чақиртирмак ниятлари ҳам йўқ эмас...

— Келинимизни чорлайлук, пошшахонни бир кўрайлук, келинбу! — таклиф этди Султон Бахт бегим Хонзода хонимга, мавзунини ўзгартиришга тиришиб. — Олдимизда бироз ўлтурсун!

Бегим назарида, ҳали чилласи чиқмаган келинчақдан ҳам гўзалроқ аёл йўқдир бу оламда! Унинг ҳар бир ҳаракати, салом беришидан тортиб, юриш-туриши-ю тавозе айлаларигача бари чиройли...

Хонзода хоним уч бор қарсак чалди. Қарсак тугар-тугамас, худди шуни кутиб тургандай сарой ҳовлисида қандайдир шовқин эшитилди. Шошиб кирган Оққиз бегим узр сўраб, Хонзода хонимга сўз айтишга шошилди:

— Муҳтарама маликам! Мироншоҳ Мирзо жаноблари Боғи Эрам базмидан сармаст қайтибдурлар... Атрофларида вазири аъзам Муҳаммад Жалд, надимлар ва мулозимлар барчаси сархуш: “Бопладингиз!”, “Тўртинчиси ҳам йиқилди!”.. деб қичқирадурлар, сурон соладурлар. Шаҳардаги уч минорани буздурғон эрдилар, энди тўртинчисига ҳам навбат етибди... Ўшанинг базми жамшиди экан. Хазинани оч, деб буюрадурлар... Кеча ҳам хазинадан кўп молу туҳфалар олинмиш эрди...

Хонзода хоним эшитиб беҳуд бўлаёзди. “Амир соҳибқирон Султониядан жўнаб кетдилар-да... Энди ҳайиқадуруғон одам йўқ... —

хаёлидан кечди унинг. — Э, худо! Амирзодага ўзинг инсоф бер! Кирдикорларини шунча сир тутдум, чеккан озорларимни кимсага билдурмадум... Энди хонимойим олдида, қайинсинглим малика Султон Бахт бегим олдида шарманда-ю шармисор айламасанг, бас...”

Хоразм маликасининг “чеккан озорларимни билдурмадум...” сўзларида жон бор эди. Чиндан ҳам, у кўп нарсани ичига ютар, тоқат айлар, бирон бир гапнинг ҳидини Султониядан нари чиқармасликка тиришарди. Фақатгина Сароймулкхоним бундан мустасно. Лекин, юрагини тўлдирган зардоблари агар бир уммон эса, тубидаги тўлқинларни эмас, фақат юзадаги мавжларнигина мактубида акс этдириб, маҳди улёга жўнатар, шаҳзода Муҳаммад Султонга номани мутлақо бошқа одам бўлиб ёзарди.

Мироншоҳ Мирзо, унинг шавҳари, гуноҳлари — маликанинг ҳам гуноҳлари. Шу сабабдан, барини мумкин қадар яширишга уринади. Аммо энди... ташқарида бундай ҳол юз берди... уни қандай яширади?.. Ҳамма нарса Оллоҳнинг иродасига боғлиқлигини Хонзода хоним биледи ва тан олади. Бари худодан. Бу бандасидан сўралмайдиган ҳолатларки, улар инсон имкони даражасидан четда туради.

Амирзода Мироншоҳ Мирзо бутун лашкарини йиғиб, тез-тез шикорга чиқишни хуш кўрарди. Ушбу воқеалардан уч ой аввал Табриз билан Хой шаҳарлари орасида, Пир Умар Нахчирбон мозори ёнидаги кенг майдонда шикор солишни буюрди. Тўхтамишхон муҳорабасига бораётиб, бу ерни кўз остига олиб қўйганди. У кенглик, ов завқи, қўлга тушажак ўлжалар шавқида оқ тулпорини ҳар ёнга чоптирар, лашкарбоши-ю сипоҳийлари, надиму мулозимларига қичқириб, нималарнидир тушунтирмоқчи бўлар, сўзлари отлар дупур-дупурида эшитилмай қолиб кетарди. Надимлардан Хожа Мароғий, Кутбиддин Нойий, Ҳабиб Удий ва Ахий Жаббор баҳодирлар сўзларни илиб олишиб, бошқаларга етказишарди. Аста-аста шикор ҳалқаси кенгайиб маҳобатли тус ола бошлади.

Шу палла Мироншоҳ Мирзо рўбарўсидан сакраганча, бир диркиллаган оху отилиб чиқди! Амирзоданинг кўзлари чақнади:

— Ана энди келдик мақсудга!.. Отилмусу-у-ун! Тирик ушлайме-е-ен!.. — жон ҳалпида қичқирди у.

“Отилмасу-у-ун!”, “Отилмасу-у-ун!”, “Тирик ушлайдила-а-ар!” деган хитоблар атрофга таралди.

Нозик-ниҳол оху кулоқларини дикрайтириб: “Кўриб қўй, мана шундай гўзал ва чиройликман!” дегандай, рўбарўсидаги оқ отли чавандозга ҳайрату ҳадикка тўла маъсум кўзларини тикиб турди. Амирзода умрида бундай кўркама махлуқни учратмаганди. Оху чиндан ҳам ўз исмига мос, моҳир ҳайкалтарош ясаган кўғирчоқдай нафис ва хушсурат эди! “Охуларни ушлашни, силаб-сийпалашни яхши кўрамен!..” — деди завқи ортиб. У узун сочли “оху”лар тутмоқни ёқтиради. Оҳ, оҳ, узун сочли, қайрилма қош охулар!.. Кейинги пайтларда, Мироншоҳ Мирзо ўзининг хотинлари ва канизақлари билан кифояланмай, бировнинг кўзга яқин қизи, келини, канизаги борми — андишасиз тўшакка тортадиган одат чиқарганди. Шу палла, Эрон шоҳи Баҳром ва Дилором ўртасидаги ишқий можаролар ёдига тушди. Баҳром Гўр ҳам охуларни овлашни ёқтирарди. Бир куни Дилоромни, яъни “оху”нинг ўзини оху овига олиб боради... Мироншоҳ Мирзо назарида, шоҳнинг бундоқ тутуми хато, албатта.

Баҳром Дилоромнинг кўз олдида бир ўқ билан охунинг икки оёғини “тикиб” кўяди... Кейин...

Бирдан хаёли бўлинди: атрофни қуршаган одамлардан ҳадиксираган жонивор, шарт орқасига қайтди-ю ура қочди! Унинг нозик оёқлари шу қадар чопқир эдики, учқур қанот оқ тулпор ҳам қувиб етолмасди. Оху ариқлардан, уватлардан қуюндай учиб ўтар, буталар ортида йўқолар, бироздан кейин ҳув нарида, кенг сайхонликда чопиб бораётгани кўзга ташланарди. Амирзода бадтар жаҳли чиқиб қасдланар, тинимсиз отига қамчи солар, “...отмаймен... тутамен... тирик тутмай кўймаймен!..”, дерди ўзига — ўзи ҳаллослаганча.

Тулпор учқурлигини қилди, толиққан охуга етай деб қолди. Оху буни сезиб, навбатдаги ариқдан сакраб ўтгач, шартта ўнг томонга бурилди ва чакалакзор ичида ғойиб бўлди... От ҳам шундай қилди, кутилмаганда Мироншоҳ Мирзони эгардан улоқтириб юборди! Гурс этиб тушган амирзоданинг боши айланиб, кўз олди қоронғилашди... Ахий Жаббор баҳодирлар етиб келишганда, ёнбоши билан қаттиқ йиқилган шаҳзода беҳуду беҳуш ҳеч нарсани билмай ётарди. Шикор бекор бўлганидан беклар ва мулозимларнинг қовоқлари тушиб кетди, улар катта базму зиёфатга йиғилиб, эндигина дастурхон атрофига ўлтиришга шайланган, лекин муродига ета олмай бир луқмасиз қайтган одамлар ҳолига тушди.

Мироншоҳ Мирзо ҳозик табибларнинг турли муолажаларига қарамасдан, уч кеча-ю уч кундуз ўзини танимай ётди. Ҳарам маликалари, амирзоданинг хотинлари — Давлат Келди бика, Хонзода хонимлар шавҳарлари қошида парвона эдилар. Суюрғатмишхоннинг қизи, бетга чопар Ўрин Султон хоника секингина: “Бира тўла ўлиб қола қолмапти-да, қутулардик!..” деди беҳуш ётган амирзодага қараб. Унинг сўзларини ёнидаги маликалар ҳам эшитди. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Бир ойлар ўтар-ўтмас, амирзода сажиясида дағалликлар, нохушликлар кўзга ташлана бошлади. Муолажада хатога йўл қўйилганлиги сабабли, дейишди кейин, димоғида халали, яъни савдойилик, васвос белгилари пайдо бўлган эмиш, миясида чалғиш аломатлари бормиш.

Табиатан мард, жасур, қўрқмас бўлган амирзода, чиндан ҳам, кекчи, гумонпараст, шубҳаларга бериладиган одат чиқарди кейинги пайтларда. Унинг алами — валиаҳд этиб аталмаганида! Назарида, валиаҳдлик Умаршайх Мирзо вафотидан кейин уники эди, Шоҳруҳ Мирзо — ёш, ахир подшонинг ўғиллари кўз олдида валиаҳдлик набирага топширилиб турибди-да. Бундай адолатсизликка чидаш қийин. Соҳибқиронга, нега шундай қилдингиз, деб айтолмайди, дарди ичида... “Ҳумоюн ўрду” ўчини ёнидагилардан олади. Ўз ҳарамига ҳам тирноқ орасидан кир ахтариб қарайди, ношаръий хотинларни кўпайтириш яхши кўрган машғулоти... Гоҳ бирон хотинидан қутилиб, янгисига уйланар ёки бошқасини аллақандай хиёнатларда айблаб, бухтонлар қилар, дилозорликларга йўл қўяр, шов-шувлар чиқарарди. Ўрин Султон хоника ана шундай туҳматга учраб, худо бир сақлаб омон қолди. Бир куни беихтиёр адашиб, ҳарам томонга бораётган мулозимнинг ортидан бориб бошига қилич солди.... Бир маликани хиёнатчи деб гумонсираб, отнинг думига боғлатиб саҳрога ҳайдатди. Тўртта надими билан салтанат ишларини ўлда-жўлда қўйиб узлуксиз зиёфатлар ўтказар, ўйин-кулгиларга берилар, кўнгил очар оқшомлар, айш-ишратлар, хурмача қилиқлар давом этарди...

Хонзода хоним шуларни ўйлар экан, сабр-тоқати тугаб борар, оқибатда одамликдан чиқай деб қолган амирзода билан бир кунмас-бир кун юзма-юз келиш муқаррар эканлигини чуқур англади.

Чамаси, амирзода моҳир машшоқларни ишга солди шекилли, ҳовлидаги суронга энди най ва уд садолари ҳам қўшилди.

— Чиқайлик-чи, амирзода нега тўполон қиладилар, билайлик... — деди Сароймулкхоним. — Зора инсоф йўлини тутса...

— Авваллари ҳам эшитгандим, хонимойим ҳазрати олиялари... — сўз қўшди Султон Бахт бегим қийиқ кўзларида ғазаб учқунлари чақнаб.

— Андишанинг ҳам чегараси бор... Интизомга солурмиз...

Хонзода хоним шартта ўрнидан турди:

— Йўқ, йўқ, хонимойим ҳазрати олиялари! Қайинсингилжон, ҳозир рўбарў кела кўрмангиз! Йўқ, йўқ!..

— Ношукур укажонимнинг таъзирини бериб қўямен! — эркакшода феъли жунбушга келди Султон Бахт бегимнинг. — Ўзиям... пайтини топа олмай юрुвим...

Амирзоданинг ушбу беадабликлари, айниқса, хонимойимнинг, эгачисининг шу ерда эканликларини била туриб андишасизликка боргани Султон Бахт бегимнинг қаттиқ қусурига тегди. “Икки номдор малика олдида соҳибқироннинг пушти камаридан туғилган укам масҳара-ю кулги бўлиб ўтирса, қандай чидаймен? — ўйлади ичида. — Бу гапларнинг бир учи ўзимга ҳам тегиб турибди. Амир соҳибқирон фарзанди сифатида валинеъмат соҳибқирон шаънига гард тушмаслигига тиришамен ҳамиша! Амирзодалар дашномларимни эшитишса ҳам чидайдилар, тўғрисўз, шартаки, шаддодлигимдан ҳайиқадилар...”

— Тўпалон тўхтамайди шекилли... — ташқарида тинмаётган шовқинга қулоқ соларкан, безовталанди Сароймулкхоним.

— Султониядаги тўртта миноранинг учтасини, тагига хазина кўмилган деб йиқитгандилар... — сўз қўшди Оққиз бегим. — Тўртинчисини ҳам ўзлари тепасида туриб қулатибдилар-да бугун...

Хонзода хоним ҳўмрайганча Оққизга: “Сендан биров сўрайдурму? Нега алжирайсен?” дегандай оғринсиниб қаради. У Сароймулкхоним, айниқса, қайинсинглиси Султон Бахт бегим олдида шавҳари ҳақида нохуш гаплар бўлишини истамасди. Канизак тилини тишлаб қолди.

Гапириладиган нарса маликада ҳам бисёр эди-ку, аслида... Амирзода тутумларининг ўзгариб бораётгани, хулқи бузилиб, беқарорлик авжга чиқаётганидан сўзласинму? Ёки бузғунчилик ишларини айтсинму?.. “Ном чиқарай деб ҳамма қурилишларни, мадрасаларниям, мачитларниям, боғларниям, саройларниям валинеъмат соҳибқирон ўз ҳақларига олдилар, бизга ҳеч нарса қўймадилар. Мен қандай ном чиқарамен? Энг яхшиси, элхонийлар тиклаган ҳашаматли данғиллама биноларни буздирамен, уларнинг тагида хазина яшрингани аниқ... Ҳам салтанатни бойитамен, ҳам номим чиқади. Ахир фалон бинони фалончи қурганди, амирзода Мироншоҳ Мирзо вайрон қилди дейдилар-ку...” — деган нохуш сўзларидан десинму?.. Султонияда ҳам, Табризда ҳам бузиб ташланган бинолар анчагина...

— Йўқ, йўқ! Чиқмангизлар! Ҳозир хоналарига кирадилар. Тинчиб қоладилар. Одатлари шунақа... — узр сўрагандай деди Хоразм маликаси. У феъл-атворли, шаддод Султон Бахт бегимдан қўрқарди. Амир Темур

ва салтанат шаънини сақлашга ўзини барчадан ортиқ масъул сезадиган бегимдан ҳар нарсани кутиш мумкин, жаҳли чиқса, иниси амирзода билан сен-менга бориб ўлтирмай, соҳибқирон отамизнинг обрўйини тўкяпсен-ку, дея ҳамманинг олдида тарсаки ҳам тортиб юбораверади... Бу машмашалар соҳибқирон қулоғига етса нима бўлади?..

Сабри чидамаган Султон Бахт бегим маст-аласт одам билан гаплашиш мумкин эмаслигини билса-да, ўтиролмади, номусдан Хонзода хонимнинг ҳай-ҳайига қарамай, шартта ташқарига йўналди!

— Қўйингиз, Султон қизим! Сархуш одам билан тенглашасизму?.. — қайтаришга уринди Сароймулкхоним.

Маликалар юрак ҳовучлаганча қолдилар. Бегим отилиб чиқиб кетди.

Хайриятки, ҳовлида шовқинлар тинчиган, сармаст амирзода гапни тўхтаган жойидан давом этдиргани надимлари билан аллақачон шоҳона дастурхон ёзилган меҳмонхонага кириб кетган экан... Сал ўтмай даврага файз бағишлаб, найнинг сеҳрли навоси тарала бошлади.

Бироқ, маликалар суҳбатидан файз кўтарилган эди. Хонзода хоним шундай воқеа юз берганидан хижолат: “Хафа бўлмангизлар!..Хафа бўлмангизлар!..” дея нукул маликалардан узр сўрарди.

Йигирма иккинчи боб

I

Милодий 1398 йил баҳори фавқулудда илиқ келди. Ҳамал кириб улгурмай, Туркистон водийлари яшиллана бошлади. Жануб томонлардан қайтишган турфа қушлар осмонни тўлдириб юборган. Усти бошдан-оёқ тим қора, кўкраги оппоқ, томоғида малларанг холи бор, тўшига тўқ ранг белбоғ “боғлаб” олган олифта қалдирғочлар ин кўйиш учун ўзларига жой излашади, масжидлар томлари тагига, мадрасалар пештоқларига, айвонлар бурчакларига учиб кириб-чиқиб юришади, валфажри ўқишади. Сойлар тўлиб оқади, ундан тепароқларда қир-адирларда эса ўзларини дунё томошасига солай деб, ер бағридан шошилиб отилиб чиқишган лолақизгалдоқ ва чучмўмалар бозори қизийди...

Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон Мўғулистон сарҳадига бориб, забтга машғул бўлсун ва Ашпарада қалъа солсун, зироат, экин-тикинни йўлга қўйсун, деган ҳукм овоза қилинди.

Бир йил олдин кузда соҳибқирон Шайх Аҳмад Яссавий мозори зиёратига отланганида шаҳзода Муҳаммад Султонни ҳам ўзи билан бирга Яссига олиб кетди. Ортда йўлни аркони давлат кишилари — вазирлар, амирлар, садрлар, баҳодирлар, тавочи, кўрчи, баковул, ахтачи, қушчи, мунший ва муҳрдорлар тўлдирган, хос лашкар уларни кузатиб келарди.

Шайхнинг кичик мақбараси олдида Амир Темур аллақандай таважжуҳда тиз чўкиб ерни ўпди:

— Пирим!.. — деди ички бир туғёнини аранг босиб. Бошини кўтарар экан, кўллари билан чангаллаб олган хас-хашак аралаш тупроқни юзларига суртиб тавоф қилди.

Ҳамма жим кузатарди.

— Азиз зот, қуддиса сирруху, Муҳаммад Ҳанифа ўғлонларидандурлар, Туркистоннинг шайхул-машойихи, пири бузруквор, алайҳи ва ала олиҳи вассалом, — тиловатдан кейин сўзга оғиз очди соҳибқирон. — Туркистон

ота, деб улуғлайдурбиз, шаҳзодам. Ҳамиша руҳий мададларини сезамен... Олти йил аввал Тўхтамишхон муҳорабасига бораётиб, дилимга туккан эрдимки, бунда бир мақбара бунёд этғойбиз, вале чархи фалакнинг ташвишлари то ҳануз бизга имкон бермади. Тушимга ҳам кирибдилар, пирим, олийҳиммат зот, ҳеч нарса демасдан, елкамга уриб-уриб кўйибдилар. Чўчиб уйғонибмен... Халлоқи безаволга салламно!.. Бас, мозорга вақф тайин этсунлар, устига иморати олий солсунлар. Хожанинг қабрини оқ тош била ясасунлар. Бамисли гумбази даввор бир улуғ тоқ боғласунларким, кўк била сўзлашсун!.. Томларига рангин кошинлар қопласунлар, чиройли безасунлар!..

Тавочи билан девон муншийси дафтарларига нималарнидир ёзишарди.

Шаҳзода улуғ бобосининг ҳар бир тутумини кузатар, соҳибқирон бу ерга нима учун уни олиб келганини, пирни қандай азиялаганини, буларнинг бари сенга сабоқ бўлсин, валиаҳдсен, салтанат тахтига минсанг, мана шундай азиз-авлиёларни эъзозлашни сира унутма, деяётганини англади.

— Шаҳзодам! — деди Амир Темур қайтаётиб Сайрам шаҳрига кирганларида. — Шу ердан кунчиқишга қараб икки кун юрсангиз, Ашпарага чиқурсиз. Бу ер — Мўғулистон сарҳади. Ўзингиз бир қалъа қурғойсиз, бунёдкорликни ўрганмоқ керак... Эр киши топғонини уйига сарф қиладур, уйимиз эса — Турон, Туркистон... Экин-тикин майдонларини обод этғойсиз. Егулик захиралар тайёрламоқ лозим. Мирзо Алибекни Сайхун бўйларига жўнатдим, Амир Сулаймоншоҳни Тарозга юбордим. Уларга ҳам шундоқ уқтирилди... Худо хоҳласа, Чин мамлакатига кўшин тортғоймиз!

Амир Темур кунчиқишга узоқ тикилиб қолди...

Ҳали Ясси сафаридан олти ой аввал Хўрмуздан қайтиб, Боғи Нақши жаҳонда яшай бошлаган келин-кўевлар ўз мулозимлари ва канизаклари кузатувида Боғи Чинорга ташриф буюрганларида, соғиниб қолган Сароймулкхоним, қувонганидан еру кўкка сиғмай кетди. Бамисли ўзи тукқандай: “Вой, айланай-а сизлардан!” дея, дам шаҳзоданининг, дам Соғинч биканинг манглайдан ўпар, ўтқизгани жой тополмасди. Турфа хил совға-саломлар ичида зару забаржад, дуру жавоҳир, Чин ипагидан тикилган алвон либослар, мушку анбарлар, ноёб яшм тошлари, дуркун бўталоқнинг ўрқачидек ёмби олтинлар бор эди. Соғинч бика хонимойим учун Кирмондан махсус шолрўмол олдириди, меҳмонхонага ипак гилам тухфа қилди.

— Чиройли гилам экан. Худо хоҳласа, Самарқанддаги жоме масжиди хонақоҳига, хоналару, айвонларга айни ўша Кирмон гиламларидан тўшатамен, деган орзум бор... Ҳм-м... Хўрмуздан гапириб беринг-чи? — сўрар экан, Сароймулкхоним пинҳона Соғинч бикага қараб-қараб кўярди. Соғинч бика кўрки барқ уриб, ҳуснига ҳусн кўшилиб, бемисл бахтдан боши осмонда эканлиги кундай равшан эди. Катта малика боқаркан, маликанинг юзида биронта юклими, йўқмилигини билдирадиган доғни излар аммо, чеҳра доғсиз, ҳатто яна ҳам тиниқлашган, офтобжамолнинг бундан беқийс кўрку малоҳати ортганди. — Ҳали у ёқларни кўриш менга насиб этмади... Амир ссҳибқирон ҳам бормағонлар...

Муҳаммад Султон, гапирингиз, дегандай қайлиғига тикилди. Соғинч бика шаҳзодага, сиздан олдин гапираменму, ўзингиз жавоб

берақолсангиз хўб эди, хижолатга қўйдингиз, дегандай ўпкали боқди, яна бир имодан кейин уялибгина сўз бошлади.

— Султониядан Хўрмузгача олтмиш кунлик йўл экан, хонимойим ҳазрати олиялари. Катта сув шундоқ кўз олдингизда ястаниб ётади. Бутун дунёни сув босганму, дейсиз. Жазирама иссиқ, ҳавоси намхуш, рутубатли, канизаклар кир ювсалар, қуритолмай ҳалак бўладилар. У ерда катта дур бозори бор экан, бирам ажойиб! Бирам ажойиб! Айниқса, Ямандан келтирилган бебаҳо дурри аданлар бозорнинг кўрки экан. Ўзларига олиб келдим, хонимойим ҳазрати олиялари! Кўп ўрнида қабул этгойлар... — ўридан туриб таъзим бажо айлади Соғинч бика ва икки қўллаб йирик тўрт шода дурни маҳди улёга узатди.

— Ҳимматингиз учун қуллуқ!.. Бўйнингиздаги дур ўшаларданму?.. — жилмайганча сўради Сароймулкхоним дурни меҳр билан томоша қилар экан.

— Ҳа-а... Жаҳон шаҳзодаси илтифот айладилар... — қўлини кўксига қўйганча, бош эгди Соғинч бика, бу билан энди сўз навбати сизники, шаҳзодам, демоқчидай эди.

Суҳбат қизий бошлади.

— Жуда кўҳна шаҳар экан... — гапни яна шаҳарга бурди Муҳаммад Султон. — Сосонийлар қурган экан минг йиллар аввал. Ҳинддан, Мағрибдан кўп кемалар келаркан. Савдогарлар Хуросону Мозандаронга, Эронзамину Туронзаминга моллар элтишаркан. Лекин Хўрмузнинг отлари зўр деб, таърифини эшитгондим, жуда учқур отлар экан! Дунёга машҳур! Бошқа мамлакатлар бу отлардан кўп сотиб олишаркан... Валинеъмат соҳибқиронга насли тоза отлардан юзтасини совғага шай этибдурмен!

Сароймулкхоним тинглар экан, кейинги бир йил ичида шаҳзоданинг кучга тўлиб, ҳавас қилса арзийдиган келишган ўктам йигит бўлиб камолга етганини кўрди. Ҳа, севикли ёр дийдори, меҳри-муҳаббати йигит умрини яшнаган чаманзорга айлантиради.

— Амир соҳибқироннинг нозик жойларини биласиз-да, от деса ўзларини нақ томдан ташлайдурлар! — деди маҳди улё. — Бир қарашдаёқ отнинг яхши-ёмонини фарқлай олурлар...

Шаҳзода қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.

Суҳбат ўзани Хўрмуз йўлида ғанимларнинг қандай бартараф этилганлигига бурилди. Муҳолифат кучайиб кетибди, шаҳзода ўзи шоҳид бўлибди. Айниқса, Язд шаҳри муҳолифати сулҳни тан олмай, қалъа дарвозасини ичидан беркитиб, ўз бошига бало орттирди. Қамал чоғи, уларда озуқа тугаб, одамлар ит-мушукни ҳам едилар... Охири муҳолифат бошлиқлари шаҳар ичидан лаҳм қазиб чиқиб қочдилар. Черик уларнинг изидан бориб, барини тутди ва тигдан ўтказди.

“Шаҳар элида сира гуноҳ йўқ, — деди Амир Сайфиддин некўз. — Ул бегуноҳларнинг жонига-ю молига қасд қилмасунлар, шаҳзодам!”

“Раийятда не гуноҳ? Ҳамма айб саркаш муҳолифат садрларида! — қўшилди Амир Шоҳмалик. — Гуноҳкорлар ўз жазосини олди-ку...”

Ҳориган аскарлар, кўзлари аланг-жалаңг, қачон дарвоза очиларкин, шаҳарни талаб ўлжаларни, чўриларни қўлга киритамиз, деб ҳамлага шай турар, ҳар бири энг аввал кириб олиш ташвишини чекарди.

Кутилмаганда шаҳзода Муҳаммад Султон буюрди:

“Шаҳар дарвозасига беклар қўйилсун! Ҳеч ким киритилмасун! Шаҳар аҳлига зиён-заҳмат етказилмасун! Моли омон сўралмасун!..”

— Кам бўлмангиз, шаҳзодам! — мақтаб қўйди Сароймулкхоним эшитиб. — Худди Ҳазратимдек ҳаракат қилибдурсиз. Валинеъмат соҳибқирон бундан бешак қувонгайлар, иншоолло! Чунки, фуқаро-ю мискиннинг ғамини емоқ ҳақиқий одил пошшо вазифасидур, дейдилар Ҳазратим... Яқинда хос мунший мавлоно Ҳайбатуллоҳга тузуклар дафтарига ёзишни буюриб, шундай сўзларни айтиб турғон эканлар: “Раийят аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Золимга қарши мазлум додига етдим... Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик кўргуздим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм еткизғонини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим...” Сизга ҳам сабоқ-да...

Шаҳзода бош тебратиб мамнунлигини билдирди:

— Худо хоҳласа, тузукларни ўзим китобат қилғоймен, хонимойим ҳазрати олиялари! Валинеъмат тобшурдилар...

— Буюрсин!

— Хонимойим ҳазрати олиялари! — мурожаат этди Соғинч бика. — Ҳазрат соҳибқиронни сафардан қайтганларида қандай кутиб олдингизлар?..

— Таомлардан тановул айлаб ўлтирингиз!

Сароймулкхоним шундай деди-ю бир лаҳза ўйлаиб қолди.

— Ҳа, ўшанга ҳам ярим йил бўпти-я! Жуда ҳаяжонли ва хушнуд эди у дамлар!.. Ҳозиргидек кўз олдимда...

Соҳибқироннинг Олтин Ўрда муҳорабасидан қайтаётгани ҳақида хушxabарни катта малика Боғи Чинорда эшитди. Уч ойгина аввал Султонияда учрашганларига қарамай, узоқ юз кўришмаган кишидек юраги увишди, аъзои бадани жимирлашга тушди. Истикболдаги қутлуғ дийдорлашувдан кўнгли нурафшон бўлишига умидвор малика, соҳибқиронни сарҳади йўқ муҳаббат билан севишини қаттиқ туйди! Бу муҳаббатнинг қандайлигини ўзи ҳам баҳолай олмайди. Худога муҳаббати, кейин соҳибқиронга... Йўқ, йўқ, бу иккита эмас, аслида бир муҳаббатдир, шунинг учун унинг поёни йўқ!..

Боғи Чинор соҳибқироннинг Самарқанддалиқ вақтлари ҳамиша обод туюлар, зарҳал темир дарвозадан оқсоқланганини ҳам билинтирмас даражада, оҳиста кириб келганда, боғ тўларди-қоларди. Сафарга отланди дегунча, худди эгасиз уйдек хувиллаб, юракни сиқарди. Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам сабри чидамай, гоҳ ўғил-набираларни кўриш, гоҳ тўй-тўйчиқ, мушкулкушодлар сабаб, Хуросонми ё Табризгами, Тошкандми ё Кешгами, йўл олади. Барига ана бу чинор гувоҳ. “Ота-бола” чинорларнинг бири қуриган эди, соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин, ирим қилиб бошқа чинор эктирмади, “ота” чинор ёлғизланиб қолди. Ажабо, Амир Темур ташриф буюрса, худди билгандек шовуллай бошлайди.

Катта малика дарҳол Шоҳруҳ Мирзо билан Султон Бахт бегимни ёнига чорлатди:

— Бошимизга хумо қуши кўнди! Хумоюн даргоҳдан чопар етди! Соҳибқирони комкор беш йиллик урушдан пойтахти фирдавсмонандга қайтмоқда эканлар! Иншооллоҳ, Хузорда кутиб олгаймиз!

Икки ўғилнинг отаси бўлиб қолган ўн тўққиз ёшли Шоҳруҳ Мирзонинг ҳамиша солиқдай қалин қовоқлари кўтарилиб, кўзларида

қувонч нурлари порлади. У бу кунларга интиқ: соҳибқирон қайтганидан кейин, ҳумоюн ўрдудан унга Хуросонни ҳокимият нишони билан топширилиши ҳақидаги олий фармон кутиларди.

— Оллоҳга шукур! Оллоҳга беадад шукур! — деб қўйди ўттиз тўрт ёшга кирган, аёллик камолига етишган қийиқ кўзли Султон Бахт бегим. — Валинеъмат бузрукворимни бирам соғиндимки... Тикилиб тўйиб-тўйиб олсам дейман, аммо бунга имкон қани?.. Яқинда Султонияда шаҳзодам тўйларида кўрган эсам-да, жуда узоқдай туюлиб кетди-да...

Барча маликаларга мамлакат султони истиқболга чиқилиши маълум қилинди. Маликалар Туман оқа, Улус оқа, канизак-жориялар Рухпарвар оқа, Дурсултон оқа, Жаҳонбахт оқа ва бошқалар хурсандликдан қий-чув кўтариб юборишди. Каловланиб қолган заифаларнинг юзларига қон тепди, нафис вужудларни ҳаяжонлар чулғаб олди. Хаёлларида алланималардир ёқимли жонланди. Ҳарам гуллари худди илк марта учрашаётганларидай, кўрку ҳусн, назокат имтиҳонида ўзларини қандай тутиш, қандай кийинишни ўйлаб тараддудландилар. Ҳар бир гул ўзича бир олам эди, олам офтобидан баҳраманд бўлмак умидини дилининг туб-тубида сақларди.

Ўшанда соҳибқиронни Хузурда кутиб олишган маликалар катта карвонга қўшилиб Кешга йўналдилар. Йўлда Хўжа Илғор, Дархон қишлоқларини оралаб ўтдилар. Қачонлардир худди шу Дархон кўчасидан бораётиб, қаттиқ очикқан Темурбек бир ҳовлида совитишга қўйилган қозондаги аталани шошилиб ичган, оғзи куйиб, айвонда елпиниб ўтирган момодан дашном эшитганди. “Дашном-ку дашном, — деганди соҳибқирон ўша воқеани эслаб Сароймулкхонимга. — Кейин жуда кўп тўкин-чочин дастурхонлар атрофида ўлтирдим, едим-ичдим, момонинг аталасичалик мазали таомни кўрмадим...”

— Кешга етиб келдилар.. Тонгда энг олдин пирлари Шайх Шамсиддин Кулол мазорининг зиёратига бордилар Кейин оталари ва оналари, Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайх Мирзо қабрларини тавоф қилдилар. Олис сафар шукронасига етим-есир, бева-бечораларга хайру садақалар улашишлар бошланиб кетди. Ўзим ёнларида юрдим. Самарқандда дарҳол фақиру мискинларнинг аҳволларини сўратдилар. Бу — одатлари. Тафтишда оғир гуноҳкор бўлиб чиққан, халқнинг ҳаққини еган зулмдорларни жазога буюрдилар, хонумонини талон қилдурдилар, бошқаларининг оёқларига кунда солдириб, бўйинларига душоха²⁴ ташлатдилар ва бари эл орасида шарманда-ю шармисор бўлди...

— Бахтимизга узоқ яшасунлар! — кўзлари ёнди Соғинч биканинг.

— Бир ишларидан, десангиз, бағоят қувондим. — Катта малика жилмайиб қўйди. — Буюрдиларким, фақат Самарқанддамас, балки салтанатнинг барча вилоятларида йўқсилу гадо борми, дарвешу мискин борми, барини бир жойга йиғсунлар, уларни йиллик озиқ-овқат билан таъмин этсунлар, тўну яқтак, кафшу этик, фўта-дастор, қишлик-ёзлик чопонлар билан сийласунлар!.. Ахир бечора мискинларнинг дуоси энг аввал ижобатга ўтади-да!

— Тасанно! Тасанно! — дейишарди шаҳзода ва келинчак.

— Гапнинг рости, Амир соҳибқирон дарҳол Хитой сафарини

²⁴ Душоха (форсча) — икки шохли бўйинтуруқ

бошлайдилар, деб қўрққан эрдим... — Сароймулкхоним сўлиш олди. — Хайрият, қурилиш ишларига бирам киришиб кетдиларки, ҳайрон қоласен киши! Ҳазрат соҳибқирон Кешга бораётиб, йўлда тоғнинг оғзидан шарқираб чиқаётган сувни кўрибдилар, қарасалар, иморат қуришга лойиқ эмиш. Ҳар қайда шундай ер бўлса, иморат солдирмай қўймайдурлар. Буюрдиларким, бир боғ қилсунлар, ичида қаср солсунлар, сув боғдан оқсун... Меъмору муҳандислар ўша ерда... Ҳазрат чангу губор демай, ойлаб ўша боғлар бошида куймаланадурлар, қурилишлар атрофида кезадурлар, кўшқу саройларга кириб, хитоб айлаб кенгашлар берадурлар, бу ундоқ бўлибди, буниси пухта эмас, дея мутасадди бекларни итобга оладурлар... Юрт обод бўлсин деб жонлари ҳалакки, ҳеч чегараси йўқ... Кеча-ю кундуз иш тинмайди! Конибил ёнида Дилкушойи боғи, шаҳарнинг шимолида Боғи Шимол барпо этилди. Гўзал боғ!

Муҳаммад Султон билан Соғинч бикалар эртасигаёқ Боғи Шимолга бориб томоша қилдилар ва ҳайратдан ёқа тутдилар! Хонимойимнинг айтганларича бор экан. Олиймақом қаср кўкка бўй чўзган, ҳар буржида Табриз мрамаридан устунлар қўйилган, томлар эса тилла ва лажувард нақшлар билан қопланган, қаср олдидаги майдонга ойнадай мрамар тошлардан “гилам” тўшалган. Бирам тиниқки, одамнинг юзи кўринади... Боғнинг келбати, шаҳзода назарида, улар Ҳурмузда яшаган боққа ўхшаброқ кетади, аммо салобатда ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

Қош қорайганда, Боғи Нақши жаҳонга қайтишди. Боғда меҳмонга келишган Соғинч биканинг дугоналари Билқис бегим, Зубайдабону ва Робия бегимлар кутиб туришарди.

...Шаҳзода Муҳаммад Султон Ашпара далаларида эктирган бугдойлари ўримга кирай деганда, Амир Темурнинг саодатманд ғазо ниятида Ҳиндистонга қўшин тортганлари тўғрисидаги фармонни олиб, таажжубланди. Кейин сабабини билиб олди. Ўзини Султон Маҳмуд ўзанавий салтанатининг эгаси деб ҳисоблаган иниси Пир Муҳаммад Жаҳонгир вилоятидаги нотинч вазият, бир пайтлар Тармаширинхон замонида Чигатой улусига қўшиб олинган Ҳинд мамлакатидagi мусулмонларнинг бутпараст кофирлар томонидан тазийқларга учраётгани соҳибқиронни аввалги Хитойга юриш ҳақидаги қатъий қарорини ўзгартириб, кутилмаган сафарга чиқишга мажбур этган эмиш.

II

Султония бойларидан бирининг жаннатмисол боғини ёқтириб, сотиб олган Мироншоҳ Мирзо уни “Боғи Эрам” деб атади. Боғнинг сўлим ва файзиёблигидан кирганнинг баҳри дили очиларди. Табриздаги Гулшанбоғ сал чоғроқлигини ҳисобга олмаса, Боғи Эрамнинг айнаи ўзгинаси. Улфатлар мажлисларини, кўпинча, Боғи Эрамда ўтказишни хуш кўрадилар.

Баҳорнинг гуркираган палласи... Яқингинада жанубдан қайтишган гала-гала қушлар ям-яшил боғни тўлдиришиб сайрашар, дарахтлардан дарахтларга, гуллардан гулларга қўнишар, гоҳ чап томонга, гоҳ ўнг томонга гур-гур учиб ўтишарди. Мироншоҳ Мирзонинг надим-улфатлари қаср айвонидаги башанг дастурхон ёзилган нақшин сўрини эгаллашган.

Амирзода тирсагини парку ёстиққа ботирганча ёнбошлаб олган, унинг ёнида девон ишларини тафтиш этмоққа келган вазири аъзам Муҳаммад Жалд савту наволардан роҳатланиб, бош тебратиб ўлтирарди. Ораларида ўн ёш фарқ бор эса-да, бу нарса амирзода билан вазири аъзам муносабатларида сира сезилмасди. Улар тенгқурлардай қадрдону сирдош эдилар. Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳ Мирзонинг келажакда улкан салтанат тахтига келиши мумкин, деган умид вазири аъзамни хушомадлар қилишга раббатлантирар, ҳар нарсага тайёр туришга ундарди. Созандалар сардори саркидан келган чиройли юзли, сийрак қошли, қирқ беш ёшлардаги Хожа Мароғий дуторини созлаш учун қулогини узоқ буради.

— Қулогини бурамасанг, қулоқ солмайду... — деди жиддий Мироншоҳ Мирзо мутрибга боқар экан.

— Доно сўзларни айтдилар, амирзодам! — хушомадгўйликни ўринлатаркан, у ёқ-бу ёққа қараб қўйди вазири аъзам Муҳаммад Жалд. — Бор-йўғи тўрт каломда бутун дунёнинг мазмунини мужассам айладилар-а!..

Даврада қўллаб-қувватловчи овозлар эшитилди. Хожа Мароғий кулди:

— Ҳа, ҳукмдорим, сас чиқармоқ учун қулогини бурамак лозим...

Уч йил аввал Мироншоҳ Мирзо кўп йиллар Султон Аҳмад жалойир саройида доврўқ таратган бастакор Хожа Мароғийдан дарак топди ва Султонияга чорлатди. Аниқроғи, бу ҳақда ҳамма гапни ҳукмдорнинг хос ҳофизи Абдулмўмин Гўянда айтиб берди.

— Овозасини кўп эшитдум... Фазилатларидан сўзлангиз! — буюрди амирзода.

— Оллоҳга шукур, хийла фазилатлари бор... — сўз бошлади ҳофиз. — Зинҳор мақтаяпти, деб ўйламасунлар. Борини айтишга ижозат берсунлар. Хожа Мароғий даставвал Қуръони карим ҳифзи ва қироат илмига моҳир ҳофиз, қуръонни тўққиз қироат билан ўқийду. “Ёсин”ни ўкуса, ҳатто фалакдаги булут ҳам тўхтаб қулоқ тутади, қиссахонду, билмаган ривояти йўқ, расулуллоҳ жаноблариданми, Хизрданми, Искандари Зулқарнайнданми, Исфандиёри Рўйинтанданми, Абомуслимданми — қиссалар айта оладур. Уни мусиқа илмида пешво ҳисоблайдулар, ўзининг рисоласида уд, чанг, рубоб, ётуғон, қўбиз ва ҳоказо чолғу асбобларининг қирқ беш хилини таъриф айлабду. Барини қойиллатиб чала оладур. Чорқирра феъллик: ўзи рубоб ясайду, ўзи уни чаладу, ўзи куй тўқийду, ўзи ижро қиладу! Куйлари тош кўнгилларни ҳам эритиб юбораду. Соҳибқирон ҳазратлари музаффариятига бағишлаб машҳур “Фотиҳий зарб” куйини басталагон... Хонанда, ашуласидан диллар ёришадур, лоф эрмас, муғаннийлар ҳомийси Зухронинг биронта анжумани ул зотсиз ўтмайду, муқаллидду, шундай овозини ўхшатиб қўя оладики, эшитган одам ўзининг ўзи эканлигидан шубҳалана бошлайду... Пазандаду, пиширган таомининг таъми еганнинг оғзида кетаду...

Мироншоҳ Мирзо ҳайратдан ёқасини ушлаб:

— Бус-бутун хазинанинги ўзи экан-ку! — деб юборди.

— Баърига ўзим гувоҳмен... — деди Абдулмўмин Гўянда...

Ўша-ўша, Хожа Мароғий Мироншоҳ Мирзога ёқиб қолди ва надимлар сардори этиб тайинланди.

Бирдан бошланган кўклам ёмғири борлиққа тароват уфурди. Битга-ярим томчилар майдан яхшигина қизарган юзларга ёқимли урилади. Муҳаммад Жалд: “Оҳ-оҳ!” деб қўяр, Ҳабиб Удий умидвор ажин босган юзини тутарди.

Нихоят Мироншоҳ Мирзонинг Амир Қора Юсуф туркман устидан қозонган зафарини шарафловчи “ўолиб” кўйи янграй бошлади.

Хожа Мароғий одатда ўзи басталаган куйларни чалишни ёқтирмасди. Лекин ҳозир аксинча — унинг бир қўли пардаларда югурар, бармоқлари торларни титратиб дутор узра йўрғаларди, Қутбиддин Нойий найни сайратар, Мавлоно Кўҳистоний гижжакни қийворар, Ҳабиб Удий эса усталигини намоиш этиб ўнг қўлида уд чалиб, чап қўлида доира чертар, айна дамда боғни ширали сасларга тўлдириб ашула айтаётган ҳофиз Абдулмўмин Гўяндага жўр бўлишга ҳам улгурар, устод Ардашер Чангий эса барини чангда қолдириб кетарди... Ахий Жаббор баҳодир ва бошқа хос мулозимлар хизматда эдилар.

Ҳулагухон мулкининг соҳиби Мироншоҳ Мирзонинг Ҳиндистон муҳорабасига таклиф этилмаганлигини ҳамма ҳар хил сабабларга йўйди. Биров: “Мамлакатда нотинчлик ҳукмрон, гарбий сарҳадларда мўътадиллик йўқ, ашаддий душманлари Ироқ ҳокими Султон Аҳмад жалойир билан Амир Қора Юсуфлар тутқич бермай Миср султониға, Рум императорига бориб уларни урушга қайраб ётибди...”, деса, бошқаси: “Амирзоданинг отдан йиқилиб эс-ақлиға халал етгани сабабдир, у савашларга боришга қодир эмас, шундан Амир Темур уни жангларга чорлатмади”, дерди.

Эл оралаб юрган миш-мишларни Мироншоҳ Мирзога аввало ўзининг надим-улфатлари етказишарди. Эшитган сари амирзода аламини шаробдан олар, ундан мадад тиларди.

— Эл оғзига элак тутиб бўлмас, ҳукмдорим! — деди Хожа Мароғий юпатганнамо.

— Эл оғзини тикиб қўйиш керак... — кенгашди ўзича сархуш Ҳабиб Удий.

— Кошки эди... — сўзга аралашди Ахий Жаббор баҳодир. — Иложи йўқ-да...

— Фақат най пуфлашга озгина жой бўлса кифоя... — ҳазиллашгандай чиқди Қутбиддин Нойийнинг сўзи.

— Оғзимни тиксалар, қўлда чалавераман! — гапни илиб кетди Мавлоно Кўҳистоний. Ардашер Чангий ҳам нимадир деб муносабат билдирди. Эмин-эркин айтилган сўзлар даврадагиларнинг амирзодага хийла сирдош, ҳадди сиғадиган улфатлар эканлигини кўрсатарди.

Сармаст амирзода бу гапларга эътибор беряптими, йўқми, билиш қийин... У Табризнинг нуфузли кишиларидан бирининг ўн етти ёшли нозанин келиниға ишқи тушиб, зўрлик билан тортиб олди. Бир ойдирки, амирзода маишатгоҳининг гули бўлган заифа энди ҳукмдор амри билан хос даврада юзига ҳарир парда тутиб соқийлик қиларди. Амирзода ҳамманинг олдида ғайриоддий тутумларини, ҳам бировнинг ҳавасини келтирадиган, ҳам иззат-нафсига тегадиган қилиқларини атайлаб намоён этишни, мақтанишни ёқтирар, бундан бениҳоя роҳатланарди.

— Шароб!.. — буюрди амирзода майкоса тутиб, келинчак ҳаракатлариникиўриб вужуди майингина титрар экан. У маҳбубасига

бошқалар ҳавас билан боқса, қаттиқ меҳри ортадиган хушторлар сирасига кирарди.

— Бош устига, амирзодам...

— Соқий тавозеъ ила май қуяр экан, амирзода унинг гўзал чехрасига ҳирсий назар билан боқиб жўшиб кетди, шавқу эҳтиросини жиловлай олмай қолди. Нима қилаётганини ҳам идрок этолмас даражада маст амирзода бирдан ўрнидан турди, келинчакнинг қўлидан тутиб гандираклаганча қаср ичига йўналди... Чамаси, бундай ҳолат барчага таниш эди, ҳеч ким таажжубга тушмади.

Куй ҳам тугаб, нохуш вазият юзага келди, орага жимлик чўкди.

— Донишманд зотлар фикрига кўра, ҳукмдорнинг ҳар босган қадами, айтгон сўзи, тутуми, барча иши узрли, муҳокамалардан холидур! — деб қўйди Хожа Мароғий орадаги ноқулайликни баргараф этиш мақсадида.

— Оллоҳ таоло ҳукмдор Мироншоҳ Мирзо жанобларига барча нарсани ато этган... — тасдиқлади катта бурнининг май таъсиридан қизарган учини силаркан Муҳаммад Жалд. — Бандалар ичидан уни сайлаб салтанат бирлан сийлаган...

— Нафс ҳукмрон эрса, номуснинг ҳолига войдур... — деб қўйди Ахий Жаббор баҳодир секин. — Расулиллоҳ ҳадисларида дейилмишки, бандаларнинг энг қаттол душмани нафсдур, унга қарши кураш энг улкан жиҳоддур!..

— Ҳай-ҳай, баҳодир, ичингизда айтсангиз ҳам, ўйлаб сўзлангиз! — шивирлади Қутбиддин Нойий. — Айтилди-ку, донишмандлар фикри бўйича, пошшо феъл-атвори муҳокамалардан холи деб! Баҳо бермак бизнинг юмушимиз эрмас!

— Зинҳор баҳо бермасмен, асло бундоқ демасмен! — одоб билан сўзини давом этдирди Ахий Жаббор баҳодир. — Камина ҳам донишмандлар фикрини келтирдум — ахийлар устодининг сўзларини айтдим, холос...

Муҳаммад Жалд унга бир қараб қўйди. Барча дастурхонга юзланди.

Ахий Жаббор баҳодир, чиндан, амирзоданинг мияси бироз чалғиб қолганига ишона бошлади. “Аслида Мироншоҳ Мирзо жасур жангчи, унинг томирида соҳибқирон қони тепади, ғанимга шафқатсиз, кўпроқ ўз жони ҳузурини ўйлайдиган одам, маккорлиги ҳам йўқ эмас. — хаёлидан кечирди баҳодир. — Самарқандда зиёфат устида Ҳирот маликзодасининг бошини танидан жудо қилган. Тафтишда: ”Қаттиқ маст эдим, билмай қолибмен...” — дебди хотиржам. Эрка ўғил-да! Амирзодага нима керак ўзи? Доим ўксигандай юрадилар. Ҳамма нарса бор, оламнинг роҳат-фароғати қошида муҳайё. Тўқликка шўхлик-да... Наҳотки... амирзодам валиаҳд деб саналмагонларидан озурдалар?.. Йўқ, йўқ, бунга ишонмаймен!.. “

— Ҳукмдоримизга ўша оху овидаги отдан йиқилгонлари таъсири кучли бўлгон эркан-да... — деди секин Ардашер Чангий сихдан каттагина жазни курак тишларини кўрсатиб тортиб оларкан.

— Жуда қаттиқ йиқилгон... — сўзга қўшилди овози ингичкадан келган Ҳабиб Удий. — Эс кетгон, мия айниган...

— Чалғиган, қолипидан чиққан десанг-чи...

Бирдан қаср эшигида Мироншоҳ Мирзо кўринди.

— Ана энди келдик мақсудга!.. Раққосани чорлангиз! Мусиқани чалингиз!..

— Шўх куй чалинди, ичкаридан гўзал раққоса (аслида аёл кийимини кийиб ясаниб олган, ясама сочлари тақимиға тушган, аёлдан ажратиш қийин бачча) чиқиб хиром айлаб рақсни бошлаб юборди.

— Сарвиноз! — амр этди хийла тўлишиб қолган Мироншоҳ Мирзо ҳаллослаб сўрига яқинлашар экан. — Ўйинга-а-а!..

Қийқириқ кўтарилди.

“Сарвиноз” — Абдулмўмин Гўянданинг даврадаги лақаби. У ўйинни қийворгани, қизлардай эшилиб рақс туша олгани учун шундай лақаб олган. Надимларнинг барчасида лақаб бор, чунончи, Хожа Мароғийни “Ўйинчи”, Мавлоно Кўҳистонийни “Раққос”, Ардашер Чангийни “Жилвагар”, Қутбиддин Нойийни “Шўхий”, Ҳабиб Удийни “Нозича” деб атардилар.

Абдулмўмин Гўянда қанот ёзган бургутдай шох ташлаб, амирзодага пешвоз юрди, солланиб тураркан:

— Ўзларидан, пошшойим! Ўзларидан!.. Сиздай ўйинчи ҳали дунёда йўқ! Қотириб қўядилар. Ўзларининг олдида, бизга чикора!.. — дея мулозамат қилди.

Кайфияти аъло, чеҳраси очиқ ҳукмдор ортиқча такаллуфни кутиб ўлтирмай, “раққоса”га эргашганча давра айланиб чарх ура кетди. Амирзода урғуштак²⁵ тепиб, муқом билан ўйнар, дамба-дам “раққоса”га қошларини учуриб қўярди. Атрофда барча қарсак чалар, сурон авжда, ўйин завқи бамисли олам-жаҳонни ўз домига тортгандай эди.

— Офарин! Офарин! — олқишларди: амирзоданинг чаққон ҳаракатлари, чиройли ўйинларидан ҳайратда Муҳаммад Жалд. “Қойил!”, “Тасанно!” каби сўзлар ёғиларди атрофдан.

Амирзода жойига ўлтирганда, бутун аъзои бадани, қўл-оёқ бўғинлари зирқираб оғриётганини сизди. Икки йил аввал унга шу “қора оқсоқ”²⁶ деган бало илашди. Баъзан шу қадар азобланар эдики, агар оёғингни ёки қўлингни кесиб ташлаймиз, десалар рози бўлгудай алпозга тушарди. Ҳозиқ табиблар муолажалари таъсир этмай қўйди. Фақат шароб ичса, сармастликдан барча оғриқлар босилгандай туюлар, амирзоданинг жони ором оларди. Энг яхши дори шароб экан... Майхўрликка ружу қўйиши ҳам шундан шекилли, буни ўзи ҳам билмай қолди.

— Шаро-о-об!.. Шаро-об келтур!

Ахий Жаббор баҳодир амирзоданинг чап кўзини қисиб-қисиб гапираётганидан қаттиқ мастлигини фаҳмлади. “Амирзодам ўзлари соппасоғлар... — ўйлади Ахий Жаббор баҳодир ичида. — Мастдай кўринадилар-у эс-ҳушини йўқотмайдилар, айтган гаплари эсларидан чиқмайди. Қўлтиғидан олсангиз, ўзларини гандираклаб оёқда туролмайдиган кўйга соладилар. Борди-ю кўйиб юборсангиз, йиқилмайдилар... Амирзодамнинг бугунги тутумлари мутлақо бошқача. Уни шайтон ўзига оғдириб олганга ўхшайди... Худонинг ўзи инсоф берсун!..”

Ичкаридан чиқмаган келинчак ўрнига энди соқийликни бачча бажара бошлади. Бирданига кетма-кет икки коса ўткир шаробни сипқорган амирзода Қутбиддин Нойийга буюрди:

— Шўхий! Чўли Ироқни-и... ча-а-ал! Кўнгиллар ором олсун! Вазири аъзам ҳам эшитсунлар!

²⁵ Ур хуштак — қадимги ўзбек халқ рақсларидан бири

²⁶ Қора оқсоқ — подагра касали.

Замонанинг машхур найчиси Қутбиддин Нойий қамишни сайратганда кишилар ўз-ўзидан офаринга оғиз очар, ғаров найни лабига қўйганда, уд ва най пирлари асбобларини йиғиштириб, бир четга чиқиб турардилар.

— Устод Қутбиддин найни нафас билан эмас, балки руҳ билан, жон билан чаладилар, тинглаган киши ўзининг юрагидаги азоб-уқубатларидан халос бўлади. — деди Хожа Мароғий унга тан бериб. — Най ўзининг сарвдай қоматини кўз-кўзлаб садолар таратишга тушиб кетса, чанг тобелик кўргизиб жим эгилганча, унга эргашмай иложи йўқ, гижжак ўз-ўзини тиглайди, уд бўйнини чўзиб унга кулоқ тутати, доира барининг ортидан югуриб қолади...

Қутбиддин Нойийнинг бирон куйни чалишдан олдин албатта ё куй ҳақида, ё най тўғрисида, ё мусиқа оламидаги ғаройиботлардан нимадир айтадиган феъли бор эди, бу сафар ҳам одатини канда қилмади:

— Куллуқ, куллуқ!.. Ушбу найим ўз оламидан жудо бўлган бир ғарибу бечорадур... эй ҳукмдорим! Ичи бўм-бўш, ҳар қандай ғийбатдан холи, ҳамиша ошиқнинг нафасига муҳтож. Олтита кўзи бор, улардан турфа нолалар чиқаду. Биринчиси — ишқимни, иккинчиси — нафратимни, учинчиси — шодлигимни, тўртинчиси — ғамимни, бешинчиси — орзумни, олтинчиси — армонимни ифода этурлар... Барчаси қўшилганда куй яралур! Най — ошиқ рамзи... Мавлавий Жалолоиддин Румий дерлар: *Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур, Айрилиқлардан шикоятлар қилур...* Куръони каримдай эҳтиромларга сазовор “Маснавий маънавий” шу сатрлар ила бошланур... Чунки най мусиқада сардорликни қўлдан бермай келадур...

Нағмасоз устоднинг қўлидаги найдан таралган майин садолар кўнгилларга бир малҳамдай тегиб, барчани сел қилди. Чуғурлашган қушлар ҳам куйга кулоқ тутишган шекилли, тенглаша олмасликларини сезгандай, жимиб қолишди. Ҳамма куй сеҳрида тебраниб ўлтирар, хаёлда турли воқеалар жонланарди. Мироншоҳ Мирзо Султон Аҳмад жалойир қочиб йўқолган бедаво Ироқ чўлини эслади. Ўшанда бадкорни тута олмай доғда қолди, кўп ўтмай Шомда қўлга туширди, яна қочириб юборди. Худо хоҳласа, Мироншоҳ Мирзо яқинда ўзи бориб ашаддий душманлари Султон Аҳмад жалойирни, Амир Қора Юсуфни тутдиради ва ҳамманинг олдида калласини сапчадай узиб ташлайди!..

Ахий Жаббор баҳодир эса, Айбож ўғлон иккиси Карбало даштида жазирамада жизғанақлари чиқиб сув излаб саргардон кезганларини эслар, томоғи ташналикдан қуриб қақрагандай туюларди.

— Оҳ-оҳ!... Баракалла! — эриб кетди мутаассир амирзода, кейин буюрди: — ўзначи! Устод Қутбиддин Нойий елкасига зарбоф хилъат ёпилсун! Минг динор инъом этилсун!

— Подшоҳнинг ҳиммати — худо назари! — деб қўйди хийла кайфи ошган Муҳаммад Жалд.

— Куллуқ! Куллуқ! — кўзлари ёшланди найчининг. — Энди... касбимиз. Зарурати йўқ эрди, бизга илиқ сўзларининг ўзи катта сийлов, ҳукмдорим!..

Қутбиддин Нойий шаънига тасаннолар янгради.

Мироншоҳ Мирзо навбатдаги косани бўшатди, пишқириб кафти билан лабларини артаркан:

— Ҳа-а-а ... биламиз... биламиз... — деб қўйди. Май ва куй таъсириданми, овоз қандайдир синиқ чиқди.

Амирзоданинг эрталабдан бери жиддий бир гап хусусида ўйланаётгани, ниманидир айтишга журъати етишмаётгани сезилиб турарди.

— Ҳа-а... — чуқур тин олди у. — Биз ҳам ахир одаммиз, тоғдан тушгон эмасмиз... Девор бўлмаса, биз ҳам кўчани кўраи-и-из... Хо-хо-хо...

Ҳулагухон мулки соҳибининг ҳар лаҳзада кутилмаган қадамлар ташлашини билганларидан, ҳамма сергак тортди. Аммо ҳеч ким амирзоданинг салдан кейин нима дейишини, қандай фармон беришини, кимни сийлашини, кимни жазолашини билмасди. Хожа Мароғий дуторини кучоқлаганча, дастурхондаги нақшин гуллардан кўз узмас, Қутбиддин Нойий ўзини найни артиб, ичини диққат билан назардан ўтказаетган қилиб кўрсатар, Ҳабиб Удий созланган уднинг қулогини бураш билан овора... Ёлғиз Абдулмўмин Гўянда хотиржам, не деркин, дея ҳукмдорга тикилди.

— Биламиз, биламиз... — Мироншоҳ Мирзо бирдан сархуш кўзлари билан Хожа Мароғийни қидира бошлади.

— Лаббай, ҳукмдорим!

— Жўйи Зарда Амир соҳибқирон бетоб ётганларида ҳаммани ёнларига чорладилар, аммо бизни одам ҳисобламай чақирмадилар... Мироншоҳ Мирзонинг қўли мертилди, деб Тўхтамишхон муҳорабасига қўймадилар, бизни уғруқда, Ширвонда қолдирдилар... Тўғриму?..

— Тўғри, қўли мертилди, дейишди, ҳукмдорим!... Ширвонда қолдирдилар. Ўзим бордим-ку... — тасдиқлади Хожа Мароғий.

— Бордингиз... бордингиз... Хотин-халажга қўриқчилик қилдук... Аёллар либосини киймадик холос... Тўхтамишхонни Қундузча бўйида қочириб юборган раҳматли оғам Умаршайх Мирзо, ўзи пошшозода қўлига кишан солмоқчийди, насиб этмади. Ўшал юмушни амалга оширмоқчи эрдим, чунки ёшлигимга бориб оғамни ранжитган жойларим бор, айбимни ювмоқчи, унинг ўрнида Тўхтамишхонни ўзим гумдон қилмоқчийдим!.. Лекин йўл бермадилар... Тўғриму?

— Жуда тўғри, амирзодам! — тасдиқлади амирзоданинг тикилиб турганини кўрган Ахий Жаббор баҳодир ғайриихтиёрий равишда. — Йўл бермадилар...

— ...Чунки йўл берсалар, Мироншоҳ Мирзонинг обрў-эътибори ортиб кетиб, бошқалар унинг соясида қолур эрди... Ҳумоюн ўрдудан эса, аввалдан аниқ ва муайян белгилаб қўйилмиш эрдик, Олтин Ўрда фатҳномаси валиаҳд Муҳаммад Султон номига битилгай деб! Тагин қадримиз садафдек камбаҳо бўлди...

— Камбаҳо бўлди! — тасдиқлади вазири аъзам.

— Хўрланиш бу! — деб юборди Қутбиддин Нойий ҳукмдор илтифотини кутмасдан муносабат билдириб. “Камситиш!”, “Менсимаслик бу!”, — деган қўрқа-писа айтилган шивир-шивирлар ҳам қулоққа чалинди.

Мироншоҳ Мирзо худди инграгандай гапирарди.

— Амир соҳибқироннинг Мўғулистон хони Хизр Хожахон қизи Тугал хонимга уйлангонларида бизни тўйга айтмагонларини ҳам англаймиз... Ҳиндистон муҳорабаси бошланди... Салтанатнинг барча ҳурматга лойиқ

эрлари Ҳиндистонда, биз ғарбий сарҳадларни қўриқлаш баҳонаси билан яна бир четда қолиб кетдик, Озарбайжонда... Тўғриму?

Мироншоҳ Мирзо энди Ҳабиб Удийга қаради.

— Тўғри, ҳукмдорим! Озарбайжонда бир четда қолиб кетдингиз!— янгради Ҳабиб Удийнинг ингичка овози...

— ...Куппа-кундузи одамни назарга илмаслик, топташ... — Мироншоҳ Мирзо сўзларида зуғум оҳанглари сезилди. — Сўзларимнинг ростлигига ўзларингиз шоҳиддурсизлар. Яна салтанатнинг энг катта музофоти Ҳулагухон мамлакати сардори-ю кўшини бу муҳорабага чорланмади... Нима, савашигга бизнинг уқувимиз йўқму? Душманни зир титратувчи паҳлавонларим борлигини билмайдурларму? Менинг жигартешар ўқлар отгучи аскарларим, учқур чавандозларим йўқму? Ўзим катта кўшинни бошқаришга лойиқ эрмасменму?.. Жумла жаҳон олдида қадримизни шунчалар пастга урмак лозимму? Бас, офтобнинг нури барчага баробар тушмаётганига ўзларингиз ҳам гувоҳсиз... Ҳеч ким мендай камситилмағон! Хўш... Камина ҳам Амир соҳибқироннинг пушти камаридурмен, онам кўчадан топғон эрмас-ку?!.. Тўғриму?!

Мироншоҳ Мирзонинг гаплари ақлли, паст-баландни чамалай оладиган, зукко инсон мулоҳазалари бўлиб, зинҳор отдан йиқилиб миясига халал етган одамникига ўхшамасди.

— Бағоят тўғри, улуғ ҳукмдор! — маъқуллади амирзода таважжуҳини кутиб турган Абдулмўмин Гўянда. — Сиз Амир соҳибқироннинг энг қадри баланд улуғ фарзандидурсиз! Бизнинг пошшойимизсиз!..

— Хўш, айтинг-чи, бу адолатданму? “Куч — адолатда” эмас — адолат кучда экан-да?.. — Кўнгли қаттиқ лат еган, иззат-нафси койинган Мироншоҳ Мирзонинг фикрлари жиддий эди. — Бизни валиаҳд аташни хаёлларига ҳам келтирмадилар...

Амирзода тагин шароб тилади ва нуқли таомсиз бир косани охиригача сипқорди. Ҳеч ким сўз демас, кимнингдир кўнглида эътирозлар бўлса-да, айтишга журъат етишмасди. Бироздан кейин шундай ҳодиса юз бердики, бу нарса даврада ҳеч кимнинг етти ухлаб хаёлига келмаган, тушига ҳам кирмаганди!

Мироншоҳ Мирзо уч бор қарсақ урди ва мулозимга, сарой муншийсини чақаришни буюрди.

Чаққон мулозим: “Мунший! Мунший жаноблари!” — дея югуриб кетди. Кўп ўтмай, аждодлари қачонлардир элхонийлар саройида котиблик вазифасини бажарган, сал елкаси чиқиб қолган, олтмиш ёшлардаги тийрак кўзли, калта соқолли мунший кўринди.

— Биз Амир соҳибқиронга бир дуои саломнома битдук... — деди Мироншоҳ Мирзо даврадагиларга, худди аҳамиятсиз нарса ҳақида гапираётгандек хотиржам оҳангда. — Мунший жаноблари, ўкусунлар!

Мунший кўйнидан ўроғлиқ қоғозни олди-да, ёзиб ҳорғин овозда ўқишга тушди. Мактубнинг даромадида, Амир Темур Кўрагоннинг етти иқлим шаҳаншоҳи эканлиги, шавкатли салтанатнинг то абадият қадар бардавом этиши ҳақидаги одатий тилаклардан кейин, кутилмаганда, соҳибқиронга қуйидаги ғалати сўзлар билан мурожаат қилинганди:

“...Ҳисобли бу дунёда умрингизнинг бир палласи оғиб, ғуруб нуқтасига яқинлашаётгани сабабли, вужудингизни ожизлик ва қувватсизлик ўз тўрига

тушириб олдики, риёсату²⁷ сиёсат ташвишлари тобора сизга оғирлик қилиб бормакда... Қартайғон чоғингизда салтанат юмушлари, ғанимлар қутқуси, пучмоқлардаги нотинчликлар, сафарлар, дунё можаролари малол келмакда... Эгар қошини маҳкам тутиб, сарҳадма-сарҳад от йўрттириб юришлар энди сизга номуносибдур... Жаҳон айвонидаги инсофли кишилар бундай ҳолатда шундай оқил йўл бошини тутадурлар, ки салтанат тахтидаги сохта фароғатни эрмас, бирон масжид тўрисида Бируборга бахшида сидқидил ибодатни афзал кўрадурлар, дунё юмушларини холи қолдириб, охират ишларига юз бурадурлар.

Аммо, баъд: Шаддод мулкига эришсангиз, Фиръавн мартабаси оёғингиз остида бўлса, хазиналари калитларини лак-лак одамлар кўтариб юрадурғон ғоят бадавлат ва зангин Қорун ҳам беҳисоб хазинангизга ҳаваси келса, Миср мамлакатини бўйсундуруб, Қуддуси шарифни забт этиб, ўт қўйиб юборган Бухтуннаسر олдингизда бош эгса, Рум қайсарлари, Яман туббаъ(подшо)лари, Чин фағфурлари, Эрон шаҳаншоҳлари, Ҳинд рожалари гарданкашликни ташлаб изингиздан юрсалар, дунёнинг устунига айлансангиз... бу устун... бир кун қулаши мумкинлигини билмайдурмусиз? Камолга етсангизу унинг ниҳояси завол эрканлигини фаҳламайдурмусиз? Наҳотки, гул-гул яшнаб турғон ҳаётнинг сўнгги — ўлим, макони эса қабрлигини англамайдурсиз? Ахир бандасига бир пахтадан бўлғон кийим, бир қултум сув, бир тўйимлик таом керак, холос. Аммо ўладиғон кишига шу ҳам ортиқча эрканлигини кўрмайдурмусиз?..

Ҳайхот, Нўҳ қаёқда-ю, Хизру Луқмонлар қаёқда? Довуд алайҳиссалому Сулаймон пайғамбарлар-чи? Жаҳонгирлик даввосида от сурғон Искандар Зулқарнайн-чи?.. Бас, набийлар саййиди, расулар муҳри, ҳали Одам ато сув билан тупроқ ўртасида турғонида пайғамбарликка мунсиб топилғон Муҳаммаду мустафо ва Аҳмаду мужтабо мақомидан ҳайратга тушсунлар! Оллоҳнинг инояти бирлан рубъи маскуннинг Машириқ ва Мағриб томонлари унга насиб қилмиш, хазиналар очилиб, ернинг зоҳиру ботин нарсалари аён кўринмиш. Малоикалар унинг лашкарларига айланмушлар, инсу жинслар, махлуқлар, қурту қумирсқалар имон келтирмиш, хусраву қайсарлар бир ойлик йўлда туриб, ундан титраб-қақшамишлар... Худои таоло уни деб, бу оламни яратди ва унинг жамоли нури билан мавжудотни нурафшон айлади. Ҳали ҳануз ундан шарафлироқ ва фахрлироқ зотни бу олам кўрмабдур...

Бас, ўша анбиёлар, азиз-авлиёларга нигоҳ ташласунлар! Муҳаммад алайҳиссаломга назар солсунлар! Оламда энг шарафли ва фахрли зот, ўзи учун яратилғон оламга — фоний дунёга ҳирс қўйдиларму?.. Унга ишондиларму?.. Кўнгил бердиларму?.. Қиё боқдиларму?.. Йўқ! Йўқ! Боқдилар, фақат беписанд ва ибрат назари бирлан боқдилар!

Ана энди келдик мақсудга! Ҳазрат мардум устидан ҳукмронликка эга бўлдилар, адолат баридан тутдилар, — лекин ҳақ йўлда эмас, халқнинг ғамини едилар, мол-дунё-ю зироатларини ҳимоя қилдилар — лекин қўлларида ўт билан, баланд тоғ чўққиларида олий шон қасрлар қурдилар, шаҳарларда маҳобатли иморатлар тикладилар, боғлар қилдим, деб жар солдилар, лекин уларнинг умри қанча?.. “Гулшани хазоин” сандиғини излайдурлар, топдилар ҳам дейлик, аммо бундан нечоғлик наф, ахир ундан биргина ҳарф соқит қилинса, “хазон”га айланишини билмайдурларму?

²⁷ Риёсат — раҳбарлик қилмоқ, маъносида.

Шаддод бунёд этдиргон Ирам Зот ал-Имод шаҳри ёдларидаму? Худонинг пайғамбари Худ алайҳиссалом сўзларига қулоқ солмай, Шаддод Ер юзида Адан яқинида жаннатга ўхшаш бинолари олтин ва кумушдан, қимматбаҳо тошлар билан безатилгон шаҳар тиклади. Ортиқ меҳр қўйиб, ҳаволаниб, кибру ғурурга берилғони учун худонинг қаҳрига учради, шаҳар кучли бўронда қумга кўмилиб кетди-ку...

Оллоҳнинг расули-ю мўмин-мусулмонларга нигоҳ ташлаб турсунлар, токи Ер юзида саъй кўрсатиб, фасод келтириш учун ҳокимлик қилгонлар сафига қўшилиб қолмасунлар. Кибру ҳаво туфайли, Иблиснинг жаннатдан бадарға этилғонини унутмасунлар. Дунёга ҳирс қўймоқ,, кибрга берилмоқ хатарликдур... Айниқса, ёш бир жойга бориб, белдан қувват кетиб, қўл қалтираб, рўшнолиги йўқ кексалик даштига қадам ташлагон сиздай муҳтарам зот бундоғ таҳликадан қанчалар йироқ бўлсалар, шунчалар мақбул иш бўлур.

Сал кам ўттиз йил Турон тахти маснадида ўлтирибдурсиз. Йигирма бешга яқин юртни мусаххар айладингиз. Дунёга ҳирс қўймак, кибру ҳавога берилмак бундан ортиқ бўлмас. Расулуллоҳ ўзлари учун яратилгон оламга ҳирс қўймадилар-а! Унинг ёронлари ўзлари бир нарсага муҳтож бўла туриб, ўзга бир кишининг ўша нарсага муҳтожлигини юқори қўйдилар-а!..

Имоннинг ярми сабрдур, ярми шукурдир, ҳикматига риоя айлаб, шукур айламаклари жоиз: зурриётингиздан алақачон раоё ва бароёни, элу улусни, юртни, қўшин ила лашкарни идора эта олгувчи оқил инсонлар расида чинорлардай камолга етиб, бўй чўзиб турибдурлар... Бас, энди инсоф юзига боқиб, Турон тахтини, салтанат тизгинини уларга раво кўрсунлар. Бу дунёга ҳирс қўйиш эрмас, балки унга беписанд ва ибрат назари бирлан боқиш ўрнаги бўлғай...

Тахтни фарзандларга бермай туриш ҳам кибрдур, молу мулкка, дунёга ҳирс қўйишдур... Жаноби пайғамбаримизга ибрат нарса, умматлариға ибрат эрмасму?..

Жаҳонларни титратгон Ҳулагухон мулкида ҳам душманлар додини бера оладургон қурч лашкар бордур, баҳодирлар ёвқур, қиличлар ўткир, найзалар учкир, тулпорлар учқур... Гарчи падари бузрукворимизга қурол кўтариш оғирдур, аммо дунёга ҳирс қўяр даражада гуноҳи азим эмаслиги кўнглимизни бироз овунтиради.

Илоҳи, шундай кунларни бошимизга солмағайсен..."

Жойига боғлаб қўйилгандай қилт этмай ўлтирган даврадошлар шаккокларча ёзилган мактубдан бениҳоя ҳайратга тушдилар. Мироншоҳ Мирзода мастликдан нишона ҳам йўқ, авзоида падари бузрукворига нисбатан беҳурматликдан орланиш излари ҳам кўринмасди. Барчанинг диққатини ўзига миқнотисдай²⁸ тортиб олган амирзода, худди мактуб нечоғлик таъсир этганини билмоқчидай, синчковлик билан қаттиқ тикиларкан: “Мақбулму?”, “Мақбулму?..” деб сўрар, тасдиқ жавобини олгач, бошқасига ўтарди. Ҳеч ким сўз айтмас, фақат бош тебратарди.

Кайфи тарқаб кетган вазири аъзам амирзоданинг ақл бовар қилмас шаккокларча шижоатини кўриб ҳайрну лол бўлди қолди. “Худо сақласун!” деб пичирларкан, берилган саволга шуурсиз: “Ҳа!..” дея олди холос.

²⁸ **Миқнотис** (грек.) – оҳанрабо, магнит.

“Ҳумоюн ўрдуга нисбатан хусуматлари ҳам борми дейман... — қўрқиб кетди Ахий Жаббор баҳодир. — Йўғ-е! Ахир ҳумоюн ўрду дегани — Амир соҳибқирон дегани-ку! Амир Темурга хусумат — Оллоҳга хусумат қўйишдек гап-ку! Борди-ю шундай эса, бу, албатта, ношукурчилик белгиси... Худонинг ҳам ғазабини қўзғайди... Отдан йиқилишлари бежиз эмас шекилли, ўшанинг аломати..”

Хожа Мароғийдан кейин, амирзоданинг назари Ахий Жаббор баҳодирда тўхтади.

— Баҳодир жаноблари!

— Амрингизга мунтазирдурмен! — дарҳол қўл қовуштирди Ахий Жаббор баҳодир.

— Навқарларингизни олиб, Ҳиндистон сари мутаважжих бўлғойсиз! Ва... ушбу мактубни ўз қўлингиз билан Амир соҳибқирон ҳазрати олийлариға еткурғойсиз!

— Бош устига!.. Нима?.. Ҳа, бешак-шубҳа! Еткурғоймен!.. — ўайришуурий тарзда жавоб берди Ахий Жаббор баҳодир..

У Мироншоҳ Мирзо тутумларидан озор чекди, соҳибқирон шаънини ўйлаб, дили оғриди, жавоб бермоқчи ҳам бўлди. Аммо ахийлик шарафи бунга йўл қўймади. Чунки, ахийлик шартларидан бири, ўзгалардан нечоғлик озору қаттиқлик тортсанг-да, чидамоқдан, иборатдир!..

Негадир шу палла боғда қушларнинг чуғур-чуғурлари ҳам тўхтаб қолган, фақат боғ девори ортидан, анча наридан қандайдир эшакнинг дам-бадам ҳанграган овози эшитиларди.

Йигирма учинчи боб

I

Хонзода хоним қайинотаси Амир Темурнинг Ҳиндистон сафаридан тезроқ соғ-саломат қайтишини Оллоҳдан тилаб кун ўтказди. Маҳди улё Сароймулкхоним ўз мактубида Ҳиндистонга отланган қўшин сафида беш яшар Улуғбек Мирзо иккиси Кобулгача борганлари ва сафарнинг андозага сиғмас вазияти, ўзга эллар об-ҳавоси маҳди улё ҳамда подшоҳлик чаманининг гули Улуғбек Мирзога нохуш таъсир ўтказиши мумкинлиги назарда тутилиб, у ердан Самарқандга қайтариб юборилганлари ҳақида ёзибди. Ҳамма нуфузли амирлар, беклар, баҳодирлар ўша ерда экан. Кутилмаганда, кўнгилсиз ҳодиса рўй берибди. Амир соҳибқирон қандайдир қалъага кирмоқчи эканларида, болохонадан бир малъун қасддан ҳазратга ўқ узибди! Худонинг қудрати билан, ўқ овозини эшитган соҳибқироннинг зийрак тулпори ҳуркиб кетиб, соҳибини олиб қочибди! Хайриятки, ўқ тегмабди... Хонзода хоним мактубнинг шу жойларини ўқиганда, беихтиёр: “Вой!” деганини билмай қолди ва “Худо сақласун! Худо сақласун!..” деб қўйди. У ҳаётини суянчиғи, таянчи, ота ўрнида отадан-да улуғ зот бўлиб қолган соҳибқиронсиз ҳеч тасаввур қилолмас, бу ҳақда ҳатто ўйлагиси ҳам келмасди. Оққиз бегим билан бу борада кўп гаплашишган.

Бир ҳафтадирки, канизак Оққиз бегим қандайдир дардга чалинди. Ранги синиққан, гапирмайди, фақат ерга қарайди. Уҳ тортади, холос. Маликанинг соҳибқирону маҳди улё, фарзандлари, Муҳаммад Султон билан Халил Султон ва канизаги Оққиз бегимдан бошқа яқин одами

йўқ. Отаси Оқ Сўфи, онаси Шакар бикалар эса оламдан ўтганлар, ҳозир жаннатда кезиб юрибдилар...

Ашпарада яшаётган Муҳаммад Султон билан Соғинч бикаларга жавоб мактубини ёзишга икки кун вақти кетди. Қадр талашиб бир-бири билан қирпичоқ бўлиб юрган кундошлари Қорачар нўён авлоди Давлат Келди бика ва Суюрғатмишхоннинг чиройлигина қизи Ўрин Султон хоникаларни ёнига чорлаб яраштириб қўйди. Жанжал Саййид Аҳмад деган ўғил қўрган Давлат Келди биканинг бефарзанд Ўрин Султон хоника шаънига даврада беҳос айтиб юборган “туғмас”, “бепушт” деган сўзларидан чиқибди.

Хонзода хоним деворлари нақшланган бўлмада ўлтираркан, мулозимга шитоб канизакни ёнига чорлашни буюрди. Ҳарир парда ортидаги деразадан узоқдаги тоғлар кўзга ташланар, оппоқ қорга чулганган энг баланд гўзал “Қиз сийнаси” чўққиси офтобда ҳамишағидагидек, оқдан-да оқ, улуғвор ярақлаб турарди.

— Қачондан бери ичингдагини менга айтмайдурғон одат чиқардинг, Оқ?..

Оққиз бегим ўлтираркан, ерга қараганча индамади.

— Лом-мим демайсен-а! Индамасанг, ёрилиб кетасен-ку? Афти-ангорингга қара, озиб-тўзиб боряпсен... Не бўлди ўзи?

Канизак бирдан Хонзода хонимнинг тўлғин кўкрагига бошини қўйганча хўнграб йиғлаб юборди.

— Ҳай-ҳай!.. Ажабо, бир-икки ҳафта ичида гаройиб феъл орттирибсен... Аввалги сафар ҳам йиғи билан қутулдинг. Ўлақолинг... — малика дугонасининг бошини силаб, юпатишга тушди. — Бойинг жангга жўнағонига шунчаму? Дарров соғиндингму?.. Ўлинг сиз...

Қирқларни қоралашган малика билан канизак ўзларини ҳануз қизлик замонларидагидек иноқ, аймоқи тутишарди.

— Йўғ-е... ундай деманг-е... соғиниб ўлибманму?.. — пиқиллади Оққиз бегим. — Бойим... Бойим... маликам...

— Ҳиндистон муҳорабаси ҳам тугаб қоладур... Муждалар бор, — давом этди малика. — Қарагин: ўғлим Халил Султон филга қарши жанг қилибди! Тоғдай филни етаклаб, ҳазрат қошига олиб келибди! Ўн беш яшар йигитча!.. Лашкарбошилару навкарлар тан беришибди. Энди бу ёғини эшит: маҳди улё Самарқандда Боғи Чинорда мушкулкушод ўтказибдурлар. Уч кун олдин Ўрин Султон хониканинг мушкулкушодида бўлдук... Эртага биз ҳам қилайлик. Оллоҳ кушойишини берсун. Ҳаммани чорлат, амирзода ҳарами Давлат Келди бика, Нигор бону, Фоҳира бика, Рух Парвар, Давлатбахтларни айтдир, канизаклар ҳам эсдан чиқмасун. Илоҳи, дуои фотиҳаларимиздан Ҳиндистон жангида Амир соҳибқирон мушкуллари осон бўлсун, дейман. Уқдингму?

— Уқдим, маликам... — йиғламсиради Оққиз бегим.

— Хўш... Бойингга нима бўпти? Энди гапир-чи... Келадур бойинг... Бир бойингни яхши кўрасен-е... Нима, касалмусен?

— Йўқ, йўқ, соппа-соғмен, маликам, худога шукур, соғмен... Фақат бойим... Бойим... — ниманидир айта олмай қийналарди, кўз ёшларини артаркан Оққиз бегим. — Маликам...

Хонзода хоним: “Хўш... айтавер!” дегандай шаҳло кўзларини канизакка тикди. Оққиз бегим ўнғайсизланганча деди:

— Бойим... жангга кетмадилар... Амир соҳибқиронга Мироншоҳ Мирзо жаноби олийларининг мактубини олиб кетдилар, холос...

— Мамлакат султониغا совға-саломлар юборғонда, унга мактуб ҳам қўшиб қўйиш ҳукмдорлар одатидур... Шунга шунчаму?

— Ҳамма бало шунда, маликам... — кўз ёшларини артаркан, Оққиз бегим ерга тикилди. — Бу мактуб... Эҳ, маликам, сиз жуда ҳам содасизки, кўз олдингиздаги воқеаларни ҳам кўрмагандай ўтираверасиз...

— Нималар деяпсен? Нималарни кўрмабмен? Ўлақолинг, доно бўлмай!.. Юракларни қон қилиб юбординг-ку?! Аниқ-аниқ гапир!..

— Хўп, маликам!... Мени кечиринг... Сизни қийнаб қўйдум...

Оққиз бегим тортина-тортина ҳикоясини бошлади.

...Ўн беш кун аввал Ахий Жаббор баҳодир Боғи Эрамдаги базмдан бир аҳволда қайтди. Сархушлиги йўқ, лекин маст одамга менгзарди. Ёнида шайланган қирқ аскар.

“Қаёққа, хожам?..” — сўради жон ҳолатда канизак.

“Ҳиндистон муҳорабасига бормакдамен...”

“Худо шундай шарафга муяссар этибди. Валинеъмат соҳибқиронга хизмат айламак кўнглингиздаги энг ёруғ орзунгиз-ку ахир! Орзунгизга етибсиз...”

“Шундай... шундай-ку-я... Айтайми, айтмайми... Билмайман...”

Канизак ҳеч қачон бойини шундай кепатада кўрмаганди.

“Ниманидир мендан яширяпсиз-а...”

Ахий Жаббор баҳодир ўйга чўмди.

“Яширмаймен, яширмаймен! Мени телба десалар, ишон! Мен ҳозир ўзи билмай елкасига оғир юк ортиб олган, юкни ташлаш иложи бўлмаган, кўзланган манзилга элтиш имкони эса йўқ бир одамнинг ўзимен... Шамолда қолган хасдекмен — на бир жойда тура оламен, на шамолга қаршилиқ қила оламен!..”

“Вой, кўрқиб кетяпмен...” — титраб чиқди овози Оққиз бегимнинг.

“Йиғлама! Бир бошга бир ўлим. Йкки ўлим йўқ. Кулоқ сол: жангга кетаётганимдан маъюс эмасмен. Тақдир ўзгача йўл тутди... Амирзода Мироншоҳ Мирзо... соҳибқиронга бир мактуб элтишимни буюрдилар...”

“Мактуб?.. Кўкарчин билан юборар эдилар-ку?..”

“Йўқ, каптар мактубнинг нималигини агар билса, элтишга сира рози бўлмасди... Эҳ, мактуб... ҳозир қўйнимни куйдирипти... унда ножўя, андишасиз сўзлар кўп, жуда нохуш иборалар бор, сен қартайдинг, энди масжидга бориб намозингни ўқи, тахтни болаларингга бер, деган...”

“Нима? Нима?!.. Вой!.. Шунақа дейиш мумкинму?”

“...Кўшин тортиб борамен, дейилган... Базмда ҳаммага ўқиб берди ва тасдиқлатиб олди... Аниқ билдимки, мияси “кирди-чиқди” бўлибди. Атай ўқиди, ўзини ҳукмдорлигини, ҳеч нарсадан ҳайиқмаслигини кўрсатиб қўйиш учун ўқиди... Шу мактубни соҳибқиронга олиб бориш менга тобшурилди!.. Бундан кўра тоғни ортмоқлаб элтиш осон эрди менга...”

“Мактубни не юз билан тобшурғайсиз, хожам?”

“Буни Оллоҳ биладур...”

Ҳанг-манг Оққиз бегим, нима учун шундай нохуш мактубни Улуғ Амирга етказиш унинг бойига топширилади, нимага шундай мактуб битилди ўзи, амирзоданинг ўзбошимчаликлари қачон йўқолади, бунга

худонинг ҳам айтгани бормикин ва ҳоказо кўп нарсаларни сўрамоқчи эди, вақт зиклигидан иложсиз қолди. Ташқарида ошиққан аскарлар кутиб турар, отларнинг сабрсиз ер тепинишлари эшитиларди.

“Ташвиш чекма, бу дунёда ким нима экса, шуни ўради. Бошига тушганини ёлғиз ўзи кўради...” — деди Ахий Жаббор баҳодир...

— Олти кун бўлди бойим жўнаганларига... Шундан бери менда уйку йўқ... — Оққиз бегим йиғламсинди. — Маликамга не юз била рўбарў бўламен, ёмон хабарни қандай айтамен, нима дейман, нозик кўнгилларини қийма-қийма қиламен-ку, деб ўйларга ботдим... ботдим... Чақирсангиз ҳам қошингизга келолмадим... Кечирингиз!..

Хонзода хонимнинг тили боғланиб қолди, беномус шавҳарининг тутумидан ғойибона соҳибқирон олдида хижолат чекди, мактубни ёзишда малика бирон жўяли кенгаш беришга ҳам ярамабдур-да, демайдурларму, деган ва яна кўнгилсиз алланималардир хаёлидан кечди. Амирзодадан ҳар нарсани кутса ҳам, бунчалар шармандаликка бормас, деб ўйларди.

— Вой, бетавфиқ!.. Вой, бетавфиқ!.. — деб юборди ниҳоят Хонзода хоним даҳшатнинг тагига чуқурроқ. етиб. — Бу Ҳазратга... қўл кўтариш-ку, Оқ! А?... А?... Вой, худодан кўрқмағон!.. Ноинсоф! Имонини ютғон беҳаё! У... У... одамму?!.. У... У... Оҳ... О-о...

Хонзода хоним бирдан ўзини билмай ҳушидан кетиб йиқилди.

— Маликам! Маликам!.. — дерди шўрлик канизак унинг атрофида гирди капалак бўлганча...

II

Хонзода хоним икки кун ўзига келмади. Учинчи куни ниҳоят кечакундуз ҳақ деб тикилиб ўлтирган Оққиз бегим, маликанинг мижжалари сезилар-сезилмас қимирлай бошлаганини кўрди. Шаҳло кўзларини очиб атрофга боққан Хоразм маликаси беҳолгина:

— Мен... қаердамен?... — деб сўради.

— Хобгоҳдасиз²⁹, айланай маликам! — тўлиқиб кетди Оққиз бегим унинг оёқларига бошини қўйиб. — Хобгоҳдасиз! Меҳмонхонадан бу ерга кўчирдик... Кўрқитиб юбордингиз-ку?... Нақ саккизта малика туғдим-а!..

— Менга нима бўлди?

— Уч кундан бери беҳуш ётибсиз, маликам...

Хонзода хоним тагин кўзларини юмди. У ўтган воқеаларни эшлашга тиришди. ...Агар мактуб етиб борса... етиб борса... Амир соҳибқироннинг назарлари тушса... ўқисалар... Йўқ-йўқ, у ҳолда олам остин-устин бўлиб кетади-ку! Худонинг ўзи асрасун...

Икки кун ухламаган Оққиз бегимнинг ғафлат босиб кўзи сал илинган экан, уйку орасида шундай сўзларни эшитди:

— Оқ... Оққиз?..

— Жоним маликам! Шу ердамен...

— Амирзодам... мени йўқладиларму?

Оққиз бегим Чаманбоғда ҳеч ким тин олмаганини, саройга хабар юборилганини айтмоқчийди, лекин шу ҳозир зарурми, деган фикрга келди-ю қисқагина деди:

— Йўқ, маликам... Ҳеч ким сўрамади...

— Шунақа дегин?... Сўрамади... сўрамади... Ҳа... Керагимиз йўқ, шекилли...

²⁹ Хобгоҳ - ётоқхона

Хонзода хонимнинг шаҳло кўзлари катта-катта очилди, юпқа лаблари титради. “Сўрамади... — деб ўйлади аламда. — Ҳеч бир қилиқлари одам боласига муносиб эрмас. Хазинани, огоҳлантирай деб кўйиб-ёнишларимга қарамай, куппа-кундузи совуриб ташладилар! Фақат ўйин-кулги, фақат ўйин-кулги, фаҳшу зино этагини тутиш, мусиқа, қаҳ-қаҳа... Давлат ишларини ўйлаш йўқ... Ҳаммасига тишимни тишимга кўйиб чидаб келаётган эрдим, бирон гап чиқса, соҳибқирон эшитсалар, уят бўлади, деб... Лекин энди чидаб туролмаймен! Чидаб туролмаймен! Мен-ку, майли, аммо Амир соҳибқиронга нисбатан андишасизлиги тўкилай деб турган сабр косамни тўлдирди! Бу кўрнамакликнинг ўзи-ку! Барини айтишим керак, Амир соҳибқирон билишлари керак!.. Йўқ эса, гуноҳларга ботамен... Салтанатга қарши фитна чиқаришдан, исён кўтаришдан тоймайди бу мияси чалғиган ношукур амирзода!.. ”

Қаттиқ газабга келган Хоразм маликаси ўзини босди. Қани, Мироншоҳ Мирзо билан яна бир учрашсин, адолату инсофга чақирсин... Балки бари хатодур, тузатилар, соҳибқиронга бориб айтишга ҳам эҳтиёж қолмас...

Худди шу кунларда Султонияга Амир Темурнинг зафарқарин лашкари Ҳиндистон муҳорабасидан Самарқанди фирдавсмонандга қайтаётгани ҳақида хабар етди. Ҳинд мамлакатининг Катур, Эрб, Шанзан, Ражабпур, Батнир, Луни, Деҳли, Панипат, Мирот, Туғлуқпур, Лаҳовар, Кашмир, Жамму ва бошқа вилоятлари забт этилибди. Энди маликага гапни бошлашга яхши баҳона бор, амирзодани салтанатнинг улкан музаффарияти билан қутлайди, кейин ўз мақсадига ўтади...

Чаманбоғдан саройгача уч чақиримча йўл бор эди. Хонзода хоним, Оққиз бегим ва яна уч канизак, уч маофада хос лашкар кузатувида маҳобатли миноралари кўр тўккан саройга қараб йўлга чиқди. Илғор икки қоровул-навқар йўл “очиб” борар, орқада хос навқарлар кузатиб келарди.

Сарой ҳовлисида одам кўп, ҳамма нима биландир машғул, кимдир Ҳиндистон муҳорабаси ҳақида суҳбатлашар, бошқа бирови соҳибқирон шавкатидан сўз очар, барчада ҳайрат аломатлари сезиларди. Майдоннинг чап томонида узоқдан келган ўн чоғлик кишилар гижинглаган отларидан тушишди, чамаси, кимнидир кутишарди.

— Амир соҳибқирон Ҳиндикушни ошиб ўтиб, баланд қоядан кўркмай кажавада ерга тушибди-я! — маъқулларди сўзини шеригига бир гапдон одам.

— Яшшаворсин-е! Шунинг учун соҳибқирон-да! — оғиз кўпиртирарди шериги.

— Биласанму, амирзода Пир Муҳаммад соҳибқиронга шунчалар кўп совға-саломлар олиб келибдики, котиблар дафтарни уч кундаям ўқиб тугатолмабдилар!

— Вой-бўй!

Нарироқда ота-бола ўртасида шундай суҳбат кечарди:

— Шайх Нуриддин баҳодир-чи, ўғлим, йўлбарс билан олишиб, нақ бурнига буров солибди! Мана шундоқ қилиб солибди-да! Ҳа, у чиндан ҳам баҳодир! Қўшинида сипоҳлик қилганмен! Сен ҳам баҳодир бўл, илоҳи! — уқтирарди ота ўғлига.

— Оллоҳ буюрса... — деб кўярди ўгли хотиржам.

Одамлар мағрур юриб келаётган Хоразм маликасини кўриб дарҳол ўзларини четга олишар, сарой эшигидаги ясовуллар сассиз тисланиб йўл берардилар. Юзига ҳарир парда тутган Хонзода хонимнинг дадил қадам отишида қандайдир шижоат, виқор ошкор эди. Кўкда ёмғирга тўйинган

қора булутлар нимадандир норизодай лапанглаб маъюс кезиб юрарди. Малика саройнинг нариги тарафидаги амирзода меҳмонхонасига қараб йўналди.

Мулозим Мироншоҳ Мирзога катта малика ташриф буюраётганлари ҳақида хабар берди. Амирзода гўзал маъшуқа билан шакаргуфторлик қилиб ўлтирарди. У ижирғанди, тахтдан тушиб, меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Навниҳол маъшуқа ҳам саросимада жойида туриб қолди.

Амирзоданинг катта малика билан сира гаплашгиси йўқ, чунки ундан фақат аччиқ, заҳар-заққум гапларни эшитиш мумкин. Олти ойдирки, амирзода катта малика хобгоҳига қадам босмаган... Фақат у эмас, ўзга маликалар ҳам шундай қисматга дуч келганлар. Одатда, у Амир Темур мисоли ҳафтанинг маълум бир кунини бир маликага бахш этар, пайшанба ҳамиша Хонзода хонимники эди. Аммо, навниҳол, янги очилмоқчи бўлган хушбўй гулчечаклар турганда, амирзоданинг япроқлари сўлий бошлаган райҳонларни ҳидлашга фурсати топилмасди...

Мироншоҳ Мирзо бирдан ташқарига йўналди. Эшикни энди очиб чиқаётганди, шахдам кириб келаётган Хонзода хонимга дуч келди ва беихтиёр ортга чекинди.

— Ие?.. Келсунлар... Келсунлар, маликам!.. Ие! Нечук шамоллар учирди?..

Хонзода хоним сассиз ичкарига қадам қўйди, анграйган маъшуқага шундай тикилдики, шўрлик ўқ теккан оҳудай чорасиз ҳолга тушиди, ортиқчалигини сезиб, оҳиста юриб чиқиб кета бошлади.

— Салтанатнинг улуғ зафари билан муборакбод айлагали келдим, амирзода жаноблари... Абулмансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари Ҳиндистон мамлакатини мусаххар айлабдурлар! — чертиб-чертиб гапирди Хонзода хоним. Ўзаб руҳига чулганганидан жиддий чехраси бағоят гўзаллашган эди маликанинг. Мироншоҳ Мирзо худди илк марта кўраётгандай тикилиб қолди:

— Ҳа-ҳа.. Айлабдурлар... айлабдурлар...

— Амир соҳибқиронга мактуб юборғон эмишлар... Эшитдик... — гапни чувалтирмай индаллосидан бошлади Хонзода хоним. — Шундоқ мактубни улкан муҳораба маҳали, бутун ўй-хаёл жангу жадал билан банд бўлиб турғонда жўнатиш лозиммудур?

— Юборғон эрдик... — кўзлари қисилди амирзоданинг. — Хўш?.. Нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушибдиму?..

— Оҳ-ҳо! Узилиб ерга тушса арзийдиям! — тап тортмай тик қаради малика. — Шундай мактуб ёзишга қандай журъат этдингиз? Қандай кўлингиз борди? Қандай ҳаддингиз сиғди?..

— Пушти камарларидурбиз... Журъатимиз ҳам соҳибқирондан... Ҳаққимиз ҳам бордур, ҳаддимиз ҳам сиғадур... — хотиржам жавоб қилишга тиришди амирзода. — Керак эса, ўпка-гинамиз ҳам етарлиқдур...

— Асил фарзандлар мўътабар оталари гарданига бундай маломатларни ортмайдурлар... Айниқса, ўзларидай фарзанди аржуманддан шундай тутумни кутиш... таҳликаликдур... Катта ўғилдурлар...

— Гапирсунлар, гапирсунлар! Бизга завжа эрмас, она мақомидаларку... ёшлари улуғ... Насиҳатларига муштоқдурбиз... — кесатди амирзода.

— Ёшимнинг не алоқаси бор? Вой худо, доим шундай ёшимни юзимга соласиз... Бутун умр бўйи шунақа...

Мироншоҳ Мирзонинг ҳам сабр косаси тўлиб борарди.

— Рост дедилар... Катта ўғилдурбиз... катта ўғилдурбиз... — мазахомиз жилмайди у. — Шунинг учун ҳам отамизнинг муаззам салтанатида итнинг кейинги оёғи бўлиб юрибдурмиз...

— Ие! Соҳибқирон фарзанди шаънига ярашмайдурғон сўзларни гапирмангиз!

— Ана энди келдик мақсудга! Ярашадурғон сўзлардан дейинму? — пешонаси тиришиб чақчайди амирзода. — Дейинму?.. Катта ўғил эмиш!.. Ҳамма замонларда ҳам шундай расм-русум борки, уни ҳеч қандай хоқон, шаҳаншоҳ, подшо ўзгартирган эрмас, буни ўйламаган ҳам! Агар подшо тахтга минса, валиаҳди, албатта, катта ўғил ҳисобланадир. Бу қоида фақат Турон салтанида ботил³⁰ бўлди, фақат Турон салтанатида! Катта ўғил ҳали ўлмаган эди, куппа-кундузи набира валиаҳд деб аталди...

— Подшо амри ҳамиша вожибдур... Бу ёлғиз Улуғ Амир ихтиёри доирасидаги юмуш... Киши даҳл қилолмайдур.

— Даҳл қилмасбиз... Зор жойимиз йўқ! Аммо бир фарзанд сифатида қадримизни ерга уришларига жим қараб туролмасбиз!

Хонзода хоним киноя аралаш деди:

— Ҳа, жим қараб турмадилар, бу ҳаммага аён: хазина топамен деб, Султония билан Табризда, Қазвину Зинжонда осори атиқа иморатларнинг барини кўпордилар, вайрон этдилар, бир дирҳам ҳам бойлик чиқмади. “Мироншоҳ Мирзо ҳеч нарса кўрмади, фақат энг аъло осори атиқа иморатларни бузишга фармон берди!”, деган ном қолди... Табризда ўозонхон вазири, муаррих Рашидиддин мақбарасини буздириб, суяқларини қазиб олиб жухудлар мозорига кўмдирдингиз... Бировнинг мозорини бузиш оқил инсоннинг тутумлари эрмас-ку? Ўз вақтида айтгон эрдим....

— Шубҳасиз, айтгонсиз, ахир сиз ҳамиша айтасиз, бу ёқдагилар адо этишлари керак... Билсангиз, кофирларга бетма-бет газот қилдум, тириги-ю ўлигини йўқотиш ғозийлик белгисидур! Мақтовларга лойиқ юмушларим бор, шунинг ўзи хазиналардан ортиқдур!..

— Ҳа... хазина қидириб, ҳеч қайдан топмадилар... — қизишиб қизиша бошлади борарди малика. — Аламига салтанат хазинасининг ўзини қуругдилар... “Ду данга” деган раийятдан олинадиган бир хил солиқнинг неча йиллигини, яъни мол, динору дирҳамларниким, девони аълои хоссага, Амир соҳибқиронга тааллуқли эрди, Самарқандга юбориш ўрнига, ҳеч гумонга бормай, бир-бир олиб харжлаб юбордилар... Кўрқиб тургон эрдимки, вазири аъзам тафтиш этгонда аён бўлиб қолмаса деб...

— Эҳ-ҳе... Пойтахтдан келганидан қутулдим десам, сизнинг тафтишингиз ҳам борму ҳали? Бас қилингиз!

— Бас қилмаймен! — Хонзода хонимнинг ўжарлиги тутди. — Халил Султон ўғлимиз келсун, Ҳиндистонда жасорат билан филни тутиб ҳазрат олқишини олибдур! Менинг сўзим ўтмаса, ўғлимизнинг сўзи ўтар...

— Ўтса сизга ўтадур... Халил Султон менинг ўғлим эрмас!

— Ҳай!.. Ие!.. Вой!.. Бу нима деганингиз?.. Бу нима деганингиз, деяпмен? Сизнинг ўғлингиз бўлмаса кимники бўлади?.. Сал андиша қилингиз! — фигони чиқди маликанинг.

— Халил Султон... белимизда асраган бир қатра дурдан пайдо бўлгон, аммо Самарқандда туғилгон, хонимойим меҳри тафтида вояга етгон... Маҳди улё ўстирғон ўғил меники бўладирму? Султонияда бир кун ҳам яшамагон... Йилда бир кўрсак, кўрамиз, эмаса йўқ... — Мироншоҳ Мирзо инграб юборди. — И-и-им!.. И-и-им!.. Камситилишлар, иззат-нафснинг ерга урилиши... Онамиз эрта ўтиб кетиб, меҳр туймай, етим ўсгонмиз. Маҳди улё Сароймулкхоним меҳрларидан ҳам бенасиб қолгонмиз.

³⁰ Ботил (араб) — бузилган, бекор қилинган, маъносида.

Навозишу тарбиятлар, меҳрибончиликларни бизга эмас, бошқа амирзодаларга, набираларга қилдилар, қилаётирлар... Ҳаммани ўз қанотлари остига олдилар, аммо у ердан биздай етим жўжага жой топилмади.....

Мироншоҳ Мирзо бўғимларининг зирқираб оғриётганини сизди. У мағрур чап томондаги нақшиннигор жавон ёнига борди-да, эшигини очиб, чинни кўзачадан катта пиёлага шароб қуйди ва намойишкорона ичди.

— Мана, Деҳлида ҳам хутба аҳду замон подшоҳи Амир Темур Кўрагон ва вали ул-аҳд шаҳзода Муҳаммад Султон номлари билан зийнатланди... Ҳали Ҳинд фатҳномасини ҳам ўғлим Халил Султон номига ёздирсалар, ҳеч ажабланмаймен! Жумла жаҳон олдида ўғлини кўкларга кўтариш отани тупроққа қоришдан бошқа нарса эмас! Бу ҳамма замонларда ҳам ўзгармайдиган қоида!..

— Вой худо!.. — ҳайратдан лол қолди малика..

— Ҳа, маликам... Амир соҳибқирон сизни жуда ардоқлайдилар... Жавоб беринг-чи: завҷам эрурсиз, валинеъмат соҳибқиронга, менинг қадримни кўтариш лозимлигини, камситилаётганимни ҳеч айтдингизму?

— Нега камситилар экансиз? Англамадим...

— Англамадингизму? Билиб қўйингиз: қўлимнинг салгина шикастланганини баҳона қилиб, Тўхтамишхон муҳорабасидан дариф тутдилар... Манамен деган жўмардлар Дашти Қипчоқ майдонларида от суриб юрибди, ўзингиз шоҳидсиз, Ширвонда уғруқда хотин-халажга кўриқчи бўлдим. Соҳибқироннинг ўғли — кўриқчи! Хо-хо-хо!..

— Нега ундоғ дейсиз? — Оғринсинда Хонзода хоним. — Инсоф билан гапирмак лозим! Ахир кўлингиз мертилғон, жонингиз қийналадур. Шунини ўйладилар-да. Ҳеч Тўхтамишхон муҳорабасидан сизни дариф тутғонлари йўқ! Соғайганингиздан кейин, Жўчи улусини чопқали чорладилар-ку! Ўзим гувоҳмен! Азоқ ҳисорида бўлдингиз, Жаҳоншоҳ баҳодир билан Черкасга юбордилар...

— Юбордилар, юбордилар... Оддий аскар қатори саланглаб юрдим... ундан не фойда? Э-э-э!... — Мироншоҳ Мирзо аламли кўл силтади. — Валинеъмат соҳибқирон Хизрхожа хоннинг ожизаси Тугал хонимга ўйлашдилар, сиз тўйга бориб келдингиз, бизни эса чорламадилар... Ҳиндистон муҳорабасига чақирмадилар. Ахир жаъми амирзодалар, салтанат ақобирлари, беклар, амирлар, лашкарбошилар Ҳиндикушдан мағрур ошиб ўтдилар. Хуросондан Шоҳруҳ Мирзо чорлаб олинди. Пир Муҳаммад Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо... Уларни қўйинг, ҳатто беш яшар Улугбек Мирзо ҳам ўша ерда! Амирзода Халил Султон Ҳиндистон майдонларида от ўйнатиб юрибдур!..

— Ана, Муҳаммад Султон валиаҳд бўлсалар ҳам Ашпарадалар, Ҳиндистонга чорланғон эмаслар... Ўпка-гина қилмаяптилар-ку! Пошшолик экан-да. Салтанатнинг юки зарур жойда зарур кишиларга юкланадур.. — далил топганидан қувониб кетди Хонзода хоним ичида.

— Мени чалғитмангиз! Ашпарада юрса ҳам, у — валиаҳд! Булар бошқа-бошқа нарсалар! Ҳа!.. Яна бир ўғлим амирзода Умарни пойтахт Самарқанди фирдавсмонанд забтида, салтанатни идора этишга тайинладилар! Фақат мени эмас! Мени эмас!.. Бу амирлик шаънимга тегиш бўлмай нима экан?.. Нима экан?!..

— Ие!.. Зурриёдингиз амирзода Умарни пойтахт забтига қўйғон эсалар, ҳурматингиз эрмасму?! Бошқа амирзодаларнинг болаларини қўймадилар-ку! Пир Муҳаммад Мирзолардан бирини ёки Рустам

Мирзони танласалар ҳам бўларди... Ҳиндистон фатҳномаси Халил Султоннинг номига ёзилғони-чи? Сизнинг ҳурмат-иззатингиз эмасму?.. Билмадим...

— Мени эл-улус кўзида ер билан тенг қилғон нарса, валиаҳдликни менга эмас, ўғай ўғлим Муҳаммад Султонга инъом этилишидур! — зуғум билан деди Мироншоҳ Мирзо. — Барига ақлимиз етадур, ҳа... Бунинг сабаби... менинг тагим тоза эмаслиги... яъни онамнинг канизаклиги, ҳа-ҳа, ўйнаш бўлганлиги! Мен канизакнинг боласимен!..

— Вой, худо! Қандай гапларни гапирадурсиз? Қандай тилингиз боради?.. Уялингиз! Тўхтатингиз! Эшитиб гуноҳларга ботадур киши!..

— ...Канизакнинг боласи тахт вориси бўла олмайдур. Оғам раҳматли Умаршайх Мирзо ҳам бунга етишолмай, дарди ичида кетди... Аммо, тарихга боқингиз, тарихга! Иброҳим Халилуллоҳ ўғли Исмоил алайҳиссаломнинг онаси канизак Хожардир. Халифа ал-Мансур онаси Салома ҳам чўри бўлғон. Халифалар халифаси Хорун ар-Рашид онаси Ал-Хайзуроннинг жория эканликлари бизга кифоя эрмасму? Халифа ал-Маъмуннинг Марожил деган чўридан туғилғони-чи?... Онаизорим Менгли бика оқани мен туғилғонда “умм валад” — *гўдак онаси* деганлар... Ҳайхот, менга ҳали тахтга чиқиш у ёқда турсун, валиаҳдлик ҳам раво кўрилмайдур!..

— Ношукурчилик қилмангиз! Худодан кўрқингиз! Улкан Ҳулагухон тахтини тобшуруб қўйибдилар-ку! Бу камму?..

Мироншоҳ Мирзо телбаларча қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ҳулагухон тахти!.. Ҳулагухон тахти!.. Гапирилавериб-гапирилавериб, бечора Ҳулагухон ҳам гўрида тинч ётмади!.. Ҳа, тобшурдилар, тобшурдилар... Аслида Мироншоҳ Мирзони, катта ўғилни, тахтнинг меросхўрини Туронзаминдан йироқроқда юрсун, деб дунёнинг чеккасига, Озарбайжонга ҳоким этиб тайинладилар. “Ҳулагухон мулкини бердик!” — дея бутун мамлакатга жар солдилар... Ўттиз учга кирдим. Ахир йигирма ёшида подшолик тахтига минган Искандар Зулқарнайн менинг ёшимда аллақачон дунёни олиб бўлган эди, бўлган эди!.. Камситилишлар қачон қолади, қачон?!..

— Суянган катта ўғил эрконингиз учун, салтанатнинг ғарбий сарҳадларини ишониб топширдилар-ку? Яна камситилиш дейсиз... Нега камситилар экансиз? Кўрагонсиз ахир!..

— Нима-нима?!.. Менга “кўрагон”лик керакмидийкин ўзи? — малика сўзини чўрт кесди Мироншоҳ Мирзо. — Кўзим учиб турғони йўқ эрди! Ҳазрати аммам Қутлуғ Туркон оқа маслаҳатларини олдилар... маҳди улё билан кенгашдилар, кенгашдилар. Етти йил ўтириб қолғон келинларини чора топмай, сиёсат юргизиб, алдаб-сулдаб бизга узатдилар... Вассалом! Кўрагон эмиш! Валиаҳд бўлмағонингдан кейин, кўрагонлик не даркор? Керак эрмас! Амир соҳибқирон ўз узукларига, давлат тангаларига кибру ҳаво маъносида “Кўрагон” каломини ўйиб, нақш қилдирғонлар. Мен тангалар тугул, ҳатто узугимга ҳам ёздирғоним йўқ! Ёздирмаймен ҳам! Билсангиз!..

Хонзода хонимнинг дармони қуриди, шавҳарининг юзсизлигидан тили боғланиб қолди, нимадир дейишга ҳоли ҳам йўқ, сўз ҳам тополмасди. Айниқса, “ўтириб қолган” дегани қаттиқ ботиб кетди. Шу пайтгача, Хоразм маликаси доим эъзозу эътиборда, гапини ҳеч ким кесмаган, камситишни билмаган, ҳеч қачон “пуф сассиқ”қа чиқмаган, ҳамиша гўзал, ҳамиша ақлли... ҳамиша кишилар нигоҳига безак бўлиб келган... Амир соҳибқирон ардоқлаб, кўзининг устида тутадирган, қачон

борса, мўътабар ҳумоюн ўрду дарвозаси доим очиқ маликанинг қадри шулмиди?..

Хоразм маликаси ўзини туголмай бирдан ўпкаси тўлиб йиглаб юборди. Йиғидан тўхтаётган дерди, тўхтолмасди.

— Дийдиёнғизни йиғиштирингиз! Сизнинг кўз ёшларингиз ҳеч кимга керак эмас!

“Бировлар олдида шунчалар хору абгор бўлдимму ҳали?!.. — ўйлади ичида, тийиқсиз кўз ёшларини жаҳл билан артаркан малика. — Ўтириб қолган бўлсам, ўзимдан ўзим ўтирибманму? Ёки бирон айбим ошқору ночор ўтирибманму? Ёки кимгадир юк бўлиб, ташвиш орттириб ўтирибманму? Ўтирсам, Амир Темур валинеъмат соҳибқирон шаънига, салтанат мартабасига, улуғ хонадон обрўсига бирон доғ тушириб, номусга қўйиб ўтирибманму?.. Тавқи ланъат келтириб ўтирибманму?.. Вой худо, бу қандай тухмат балоси!..”

— Нечоғлик ҳақорат сўзларини эшитсам ҳам, тақдиримдан нолимаймен! — деди кўз ёшлари бирдан қуриган Хонзода хоним мағрур бошини кўтариб. — Мен Хоразм маликаси, Султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг набирасимен! Неки қилсам, мен учун дунёда энг азиз ва улуғ зот муҳтарам Соҳибқирон ҳазратлари учун қилдим! Хор бўлсам ҳам унинг учун хор бўлдим! Улуғ Амир қалбини қийнаган фарзанд доғини кетказиш, Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин суюкли келини тақдирини ўйлаб, ҳеч кимга кўзи қиймай, ўз бағридан чиқаргуси келмай, чеккан яширин азияту изтиробларини енгиллатай деб, ўн беш йилдирки, ўзимни шу қоп-қоронғу зиндонга отдим! Била туриб, иложининг борича ўз-ўзимга жабр қилдим! Тақдир экан, сизнинг хасмингиз бўлғоним сабаб, кўнглим қаърида қутқу солаётган нафратларимни жиловладим, сизга ҳурматимни йўқотмадим! Сизни ҳамиша баланд қўйиб келдим-ку? Инсофсизликни кўрингиз! Заҳар-заққум билан бижғиган юрагингизда гина-кудуратларни шунча йил сақлаб юргон экансиз-да?.. Хўрлаш шунчалик бўладурму?.. Ҳа, худо кимни хароб этмоқни истаса, аввал уни эсу ақлидан мосуво қиладур!.. Эсиз, бунда ўтган кунларим!..

Хонзода хоним бошқа ҳеч нарса демади. Бошини баланд кўтарганча эшикка қараб юрди. У энди Самарқандга отланса, бор гапни айтиб берса, Амир соҳибқиронни ранжитмаслигини дил-дилидан сизди...

Мироншоҳ Мирзо беихтиёр ортидан талпинаркан:

— Маликам!.. Тўхтангиз!.. Маликам!.. — деганча қолаберди.

Сарой эшигидан чиққанда Хоразм маликаси ўзини қандайдир вазнсиз, енгил туйди. Атрофга боқиб юраги орзиқди, шунча йил умри кечган Султония шаҳри унга бегона кўриниб кетди.

Ёмғир ёғиб ўтибди, осмон мусаффо, ҳалигина кезиниб юрган қора булутлар энди йўқ, ичларини тўлдирган дардларини тўкиб-солиб қайгадир ғойиб бўлишганди.

Хоразм маликаси мулозимлари, канизакларига сафар тадоригини кўришни буюрди, хос лашкарга шай туришни тайинлади.

Муродбахш чоршанба куни подшо келинининг уғруқи Самарқандга қараб йўлга чиқди.

2005-2008 йиллар

Учинчи китоб тугади



Эрон дафтари

Туркумдан



Жамол Камол,
Ўзбекистон халқ шоири

Дебоча

Белга боғлаб меҳру ихлосдин камар,
Мен Эрон тупроғига қилдим сафар.

Истадим аввал зиёрат айласам,
Сўнг юриб, сайру саёҳат айласам.

Етди Оллоҳдин зиёратлар менга,
Сўнг насиб этди саёҳатлар менга.

Неча кун кездим азим Техрон аро,
Ҳайратим жисмимга сиғмай, жон аро.

Рости гап, бундоқ шаҳарлар оз бўлур,
Мамлакат деб гар аталса, рост бўлур.

Тангри бермиш бўйлаким майдон анга,
Кўкда юлдузлар боқиб, ҳайрон анга.

Сўнгра йўл олдим буюк Машҳадга мен,
Тушдим унда ҳайрату даҳшатга мен.

Ҳар куни қирқ минг зиёратчи келар,
Раббано, деб бунда йиғлайди улар.

Мен-да, бош эгдим ўшал остонага,
Истадим таскин дили девонага.

Тангрига шукрона айтиб дам-бадам,
Сўнг Нишопур шаҳрига қўйдим қадам.

Унда шайх Атторни айлаб улфатим,
Сўнг Умар Хайём-ла кечди суҳбатим.

Сўнгра юрдим Тус сари девонавор,
Унда Фирдавсийга этдим жон нисор.

Сўнгра Фаззоллийга ўзни бошладим,
Қабрини ўпдим, кўзимни ёшладим.

Барчасин ёздим кейин дафтарга мен,
Номадек бойлаб уни каптарга мен,

Сўнг учирдим, то йўловчи каптарим
Неча бир манзилга элтсин дафтарим...

Кўҳи сангин

Шаҳри Машҳадга туташган
Кўҳи сангин тоғи бор,
Пойида унга ярашган
бир ажойиб боғи бор.

Қай тараф боқсанг, ҳиёбон,
ҳар тараф ораста гул,
Раста-раста бу чаманнинг
гунча гул яроғи бор.

Сув тушар тоғ бағридан,
тошларда шаррос шаршара,
Ҳар томонда шарқираб
оққан кумуш ирмоғи бор.

Майл этиб, тоғ бошига
чиқмоққа гар азм айласанг,
Йўлкалар бор, пиллапоя,
неча бир сўқмоғи бор.

Бир амаллаб ё жадаллаб
чўққига чиқса киши,
Вожаб, деб ҳар томонга
термулиб қолмоғи бор.

Ҳар тарафда шаҳри Машҳаддир,
кўрарсан касб каби,
Не буюк миқёси бордир,
сони бор, салмоғи бор.

Ярқираб зангори гумбазлар,
минору мадраса,
Не биноларким, баланд
пештоқида байроғи бор.

Кўзни тортар кўзгудек,
мармар ҳовузлар чайқалиб,
Кўшку айвонлар гўзал,
атрофида чорбоғи бор.

Ўнг томонда тоғ аро
яшнар шаҳидлар гулшани,
Унда ўсган ҳар чечакда
бир юракнинг доғи бор.

Гоҳ шимолдан, гоҳ жануб ёқдан
таралгай хуш ҳаво,
Бу баландда хуш ҳаволарнинг
ажаб қаймоғи бор.

Эй омон бўл, машҳадий,
дейсан боқиб беихтиёр,
Ҳар қачон ерга туганмас
меҳри бор, ардоғи бор.

Поя-поя пастга тушган чоғда
ширин хўрсиниб,
Не ажаб, деб ҳар юракнинг
бир сўлиш олмоғи бор...

Машҳад таронаси

Агарчи ярқираб, яшнаб,
ётарсен боғ аро, Машҳад,
Ажабким, ҳар куни гирёнасан,
мотамсаро, Машҳад.

Юзингда ҳар нафас андуҳ,
лабингда бир нафас кулгу,
Саодатмандмисан ё чорасиз,
бахти қаро, Машҳад?

Кечиб не кеча-кундузлар,
бошингда сўнди юлдузлар,
Сени қақшатди бу дунёда
минг бор можаро, Машҳад.

Кечиб жавзою мизонлар,
бошингга чиқди тўзонлар,
Қиличлар солдилар кўксингга кўп
захму яро, Машҳад.

Давосиз бир ғаминг борму,
туганмас мотаминг борму,
Адосиз йиғламоқни айладингму
ихтиро, Машҳад?

Менинг ҳам ғамлидир бошим,
кўзимдин томчилар ёшим
Ва, лекин, айтмаганман,
не сабабдан бу, чаро, Машҳад.

Кўзинг ёшига кўз ёшим —
қўшилди, сенга бойландим,
Агар айб кардаам, айбам макун,
бигзор маро, Машҳад.¹

Ҳазрати Фаридуддин Аттор шайхи ҳақиқатёр зиёрати

Кўринди кўзларга йироқдин
Аттор мақбари,
Очилди назарга валийнинг
мулку манзари.

Қуёш нурида ловуллаб
ёнарди гумбази,
Саҳнида “ку-ку”лаб юрар
кабутарлари.

Остонасига бош эгиб,
дедим мен: Ассалом,
Салом, шайхул машойих,
эй сўфийлар сарвари!

Бир дунё эҳтиром келтирдим
Турон юртидан,
Гарчи тилимда оз эрур,
кўнглимдадир бари.

Бир қўлда “Мантиқ ут-тайр”,
“Илоҳийнома”дир,
Бир қўлимда “Асрорнома”,
ҳақиқат дафтари.

Қўйдим қабринг тошига мен
китобларинг тизиб,
Китобларингким, барчаси
кўнгилнинг гавҳари.

Кирдинг тасаввуф йўлига,
осойиш топмадинг,
Тегрангда шай эди мудом
аламнинг лашқари.

¹ Мендан бирор айб ўтган бўлса, кечир.

Куйдирди сени Аҳди жаҳон,
ёринг ҳам, эй дариг,
Кетди жаҳонни тарк этиб
ҳинд моҳи пайкари.

Ҳақ ишқида чекдинг қалам,
ҳижрону, дарду ғам,
Бўлди Нишопуринг андин
муҳаббат минбари.

Ваҳший мўғул тиг сирмади
бошинга беомон,
Ботди юраклар қаърига
мусибат ханжари.

Қабрингни нурга чулғасин
Яздони меҳрибон,
Шафоат айласин сени
Ислому пайғамбари.

Хокингни кўзга тўтиё
айлади Жамол,
Дилда дуойинг зикрию
Оллоҳу акбари...

Замзама

Чарх уриб, маъвога етдим оқибат,
Гулшани раънога етдим оқибат.

Мақбаринг эрмиш Навонидан нишон,
Мақбари аълога етдим оқибат .

Мажнун эрдим водийи ваҳдад аро,
Ўртаниб, Лайлога етдим оқибат.

Ташналаб эрдим умр саҳросида,
Талпиниб, дарёга етдим оқибат.

Маҳбуби Оллоҳ эмишдир авлиё,
Маҳбуби Оллоҳга етдим оқибат.

Не эмиш мулки жаҳон ичра башар,
Англадим, маънога етдим оқибат.

Мен Жамол, Агторга бўлдим таржимон,
Кам эмас, дунёга етдим оқибат.

Нишопурда

Манам сайёҳ бўлиб, сайр айлабон,
юрдим Нишопурда,
Малаксиймо, ажаб гулчеҳралар
кўрдим Нишопурда.

Чинорлар кўркига ҳайрон,
атиргуллар аро сайрон,
Кезиб, гоҳи ҳаёллар гаштини
сурдим Нишопурда.

Работлар бор экан, кирдим,
ҳиёбонларга юз бурдим,
Гурунг айлаб, ёронлар бирла
ўлтирдим Нишопурда.

Кўнгил хушлаб наволардин,
симирдим хуш ҳаволардин,
Келармен, деб ҳаёлда ошиён
қурдим Нишопурда.

Баногоҳ осмон бўлди чароғон
чақнади юлдуз,
Ажаб юлдуз экан деб термулиб
турдим Нишопурда.

Дедим: Кимсан? Деди: Ёринг,
фалаклар ичра дилдоринг...
Паризодим, сени деб неча
оҳ урдим Нишопурда.

Азизлар қисматин ўйлаб,
муҳаббатдин савол айлаб,
Куйиб эрдим, яна куймоққа
улгурдим Нишопурда.

Жамолман, бир аламкаш деб,
бухорий бир қаламкаш деб,
Не бахтким, шайх Аттор ҳолини
сўрдим Нишопурда.

**Яна Техрон, яна юксак
Дамованд...**

Яна Техрон, яна юксак Дамованд,
Бориб, қайларга етгай ул давоман?

Бўйи осмонга етган бир буюк тоғ,
Дарахтсиз, қип-яланғочдир тамоман.

Вале, тупроқ тошиб тоғ бағрига эл,
Иморат айламишлар, боғу гулшан.

Шаҳар ўрлаб борар тоққа, ажабким,
Кўрингай ярқираб тунларда равшан.

Дамованд тоғ уза тоғдирки бундоқ,
Шаҳар ҳам ёнида тоғдек қалашган.

Азим кошонадир тайёрагоҳи,
Эрон бирлан жаҳон бунда туташган.

Тумонатдир халойиқ эртаю кеч,
Йўловчи гоҳида гангиб, адашган.

Келар-да йўл эди Тошканду Техрон,
Кетар-да бўлди ул Техрону Тошканд...





Сайёра Холмирзаева,
филология фанлари номзоди, доцент

ЧЕКСИЗ СОҒИНЧ...

«Уксима, болам, دادанг ҳамиша ёнингда бўлади. Менинг руҳим ана шу асарларимда. Ўйрон-бир китобимни қўлингга олсанг, ундан менинг сиймом кўриниши аниқ...»

Адамнинг, йўқ, адажонимнинг вафотларидан кейин, тўғриси, қандай яшашни билмай қолган эдим. Энг яқиним, меҳрибоним, ишонганим ва суянчиғимдан айрилгандим. Мени сўзсиз тушунадиган фақат адажоним эди. Менинг ҳар куним, ҳар дақиқам улар билан боғлиқ эди, кундалик ҳаётимнинг бир бўлаги эдилар. Эрталаб ишга кетмасимдан аввал сим қоқардим, баъзан эса эрталаб соат еттиларда уйларига кириб борардим, шунда хурсанд бўлиб: «Сен ўзи кечаси ухлайсанми? деб кулиб кутиб олардилар.

Эҳ, адажоним-эй, ахир, ўзлари соат тўртдан туриб ишлардилар-а! Мен уларга керакли нарсаларни қолдириб, кўнглим тинчиб кейин ишга кетардим. Улар эса ишлашни давом эттирардилар, машинканинг «чиқ-чиқ» овози, сигарета, кофе...

Кундузи ишдан чиқиб, ёнларига ўтардим, суҳбатлашиб ўтирардик, агар кайфиятлари яхши бўлса, менинг ҳам кайфиятим кўтарилиб кетарди, уй ишларига ёрдам бергандек бўлардим. «Менга ҳам иш қолдир-да, қизим», деб ўтиришга ундардилар. Ҳа, адам мени доим аярдилар, мен эса уларни ноҳуш гаплардан, ўринсиз воқеалардан...

Ҳаётнинг мураккаблиги-ю, қутилмаганда юз бераётган воқеалари қаршисида тажрибам етишмаётганидан адамнинг маслаҳатларига, йўл-йўриқ кўрсатишларига муҳтож бўламан. Ўзим жавоб топа олмаётган саволларимни адамга бергим келади. Кўнглимдаги барча гапларни уларга айтиб ўрганиб қолган эканман, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида фикрларини билгим келади, сирлашгим келади, кўргим келади, дардимни тўкиб солгим келади.

Йиллар давомида дўстим деб келганим панд берганида, одамларни яхши билмаслигимдан, ишонувчанлигимдан қоқилганимда, ўзимни бутунлай ёлғиз ҳис этганимда адамнинг етишмаётганликларидан эзилиб кетаман. Ёлғизлик мени ўртаб юборади. Уларнинг нигоҳларини излайман, лекин... тополмайман.

Креслода суяниб, сигарета чекиб жиддий тинглашларинию юз ифодаларининг ўзгариб бориши, кўнглимни кўтаришларию райимга қарашлари, нима биландир ёрдам бермоқчи бўлишлари кўз олдимдан кетмайди. Салгина шамоллаб қолсам, мендан олдин хавотирланиб: «Қизим, иссикроқ кийингдингми? Ўзингни эҳтиёт қилгин, болам!» дейишларини, вазмин, меҳрибон овозларини соғинаман. Ҳа, энди, фақат эслаб кўмсайман, ўша оддий туюлган кунларни...

Ҳозир ўйлаб ўтириб, йиллар давомида кундалик дафтари тутмаганимга, кўпдан-кўп қайтарилмас дақиқаларни қоғозга тушириб қолдирмаганимга жудаям афсусланаман.

...Адам чой дамлаб беришимни сўраб, ишлагани ўз хоналарига кириб кетдилар. Машиналарининг «чиқ-чиқ» овози эшитила бошлади. Чой қайнагач, уни дамладим ва олов устига қўйиб ҳам олдим, яъни, дам едирдим (адам шундай қилардилар). Чойнакни ушлаб олиб, хоналари томон юриб келиб, шарт этиб эшикни очиб кирдим: «Ада, чой олиб келдим», дегандим баланд овоз билан, катта иш қилгандай. Шунда, бирдан адамга қараб мендан хатолик ўтганини сезгандим. Бутун уй-хаёллари, фикрлари ёзаётган асарларида бўлганлиги сабабли уларни чўчитиб юборгандим. Чой сўраганларини ҳам ўша дамда унутгандек эдилар. Шундан кейин адам ишлаётганларида уларни телефонгами ёки овқатланишга чақираманми, чой олиб кириб бераманми, аввал хоналарининг эшигини секин тақиллатадиган бўлгандим. Адам ишлаб туриб: «Ҳа!» деб кўяр эдилар, кейин рухсат берилгандек кириб борардим. Кичкинагина қизча шундай қилиб хонага кирмасдан аввал тақиллатиш кераклигини ўрганган эди...

Эсимни танибманки, оиламизда ош(палов)ни фақат адамнинг ўзлари тайёрлардилар (опам картошка паловни килардилар). Ош масаллиқларини Олой бозоридан хафсала билан ўзлари олиб келиб ошни бошлардилар. Кечки овқатга ош бўлганида, албатта ерга кўрпача солиб дастурхон ёзиларди, ошни лаганга сузиб келардилар, бу одат тусига кирган эди. Ошни сузишдан аввал: «Жойни тайёрладингларми?» деб сўраб кўярдилар. Бошқа кунлари эса яна стол-стулда ўтириб овқатланаверар эдик...

Мен мактабнинг учинчи ёки тўртинчи синфида ўқирдим. Адам дўқондан пластинка қўядиган техника сотиб олиб келган эдилар (у пайтлар пластинкалар кўп эшитиларди). Кейин мени кўлимдан етаклаб, «Болалар дунёси» дўконига олиб бордилар. Пластинкалар сотиладиган бўлимига кириб, бирга пластинка танлай бошлагандик. Ўшанда Ботир Зокировнинг чиройли расми туширилган катта пластинкасига кўзимиз тушган эди. «Ада, адажон, ўртоғингиз Ботир аканинг пластинкалари», дегандим шошиб. Адам эса: «Албатта оламиз-да, қизим» деб, пластинкани сотиб олган эдилар. Яна опам учун икки-учта хинд кўшиқлари ёзилган кичкина пластинкаларни ҳам кўшиб олган эдилар. Бир неча кундан кейин Ботир ака уйимизга келадиган бўлган эдилар

(аввал кўнғироқ қилгандилар). Шунда Ботир аканинг пластинкаларини паст овозда қўйиб қўйганимиз кечагидек ёдимда. Ботир акага эшикни адам очганларида эса, улар кулиб ўз қўшиқлари остида уйга кириб келгандилар. Яна бир воқеани эсласам. Мактабда ўқиб юрганимда ҳар йили ёзги таътилда лагерга борардим. Бир йили лагердалигимда, менинг отряд тарбиячим ёш рус қизининг доим кичкинагина китобчани кўлидан қўймай ўқиб юриши диққатимни тортганди. Кунлардан бири, кўриб қолдим, унинг кўлида адамнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» китобларининг рус тилида — Москвада чоп этилган нашри экан. «Бу менинг адамнинг китоблари» деб айтолмаганман, ноқулай сезганман. Кейин адам дўстлари Бахтиёр Ихтиёров билан тўрвада ширинликлар, мева-чевалар кўтариб хабар олгани келганларида эса «ҳаммаси очилган». Тарбиячи қиз эса ҳаяжонланиб, кувониб, китобчага дастхат ёздириб олган эди.

Адам 8-март байрамларида тонгда опам билан мен хали уйғонмасимизданок, Олой бозорига бориб, чиройли гулларни сотиб олиб келардилар. Биз уйғонганимизда эса вазада чиройли гуллар бўларди...

Уйимнинг деворларида осиглиқ турган бувимнинг расмларини ҳам, ўзимнинг катта портретимни ҳам адажоним совға қилганлар. Уларни адам рассом дўстларига айтиб, тўғрироғи суратларни бериб, чиздиртирган эдилар. Шу расмлар ҳам доим адамни ёдга солади... ҳолбуки, мен учун энг яхши совға - бу адамнинг ёнимда соғ-саломат, яхши кайфиятда юришлари эди.

70-йилларнинг ўрталарида адам Муқимий номидаги мусиқий драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлаган эдилар. Ўша пайтлар Абдурашид Раҳимов, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамраев, Бахтиёр Ихтиёровлар билан яқин эдилар, улар уйимизга ҳам тез-тез келиб туришарди. Ҳамза Умаров бош ролни ижро этган «Хотинимнинг эри» номли, Марям Ихтиёрова қатнашган «Хонума хоним» спектакларига ҳам оилавий борган эдик.

Икки оғиз бувимнинг адамга нисбатан муносабатлари ҳақида айтиб ўтмасам бўлмас. Бувим адамга, яъни, ёлғиз куёвларига ўғилларидек меҳрибон эдилар, доим уларнинг кўнғилларига қарардилар. Бувимнинг хонадонлари адамнинг дўстларига, шогирдларига доим очиқ эди, кундузи бўладими, кечаси бўладими, меҳмондўстлик билан ёруғ чехрада хурсанд бўлиб уларни кутиб олардилар. Бувимнинг ховлиларида Ўлмас Умарбеков, Учкун Назаров, Фани Расулов, Раҳмат Жумаев, Баҳодир Йулдошев, Турсун Иброҳимов, Омон Мухтор, Анвар Ҳожи, Ихтиёр Ризо ва бошқалар кўп бўлишган.

Адамнинг талабалигимда (3-курсдалигимда) синган оёқ билан мени кўргани пахта теримига борганларини халигача курсдошларим эслашади. Улар машинадан оёқ босиб туша олмасдилар, ўнг тўпигларига гипс қўйилган эди. Пахта даласидан «Сайёра, аданг келди», деб чақиришларини эрталабдан бери кутаётган эдим. Чунки, ўша куни якшанба эди. Адам эса ҳар қандай шароитда ҳам ҳар якшанба албатта келардилар. Чунки, мени кутишимни билардилар. Шунинг учун оғриққа ҳам, ноқулайликларга ҳам қарамай келгандилар. Ҳафта давомида

гапларим йиғилиб қоларди-да, адамга... Пахта теримидаги қийинчиликлар, яшаш шароитининг оғирликлари бир муддатга орқага чекинарди.

Талабалик давримда пахта пайтида кўргани келишлари худди байрамдек бўлиб кетарди, ҳамма хурсанд... Домлаларимиз Бегали ака (Қосимов), Муҳсин ака (Олимов), Саттор ака (Ҳайдаров) адамнинг дўстлари, талабалар эса бўлажак адабиётчилар, ижодкорлар...

«Ўз юртингни, унинг тарихини билишларинг керак», деб болалигимизданоқ ёз ойларида ўз машиналарида Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Шоҳимардон, Хоразмга олиб борганларини эсламай бўладими...

Ҳаётимдаги ҳамда иш фаолиятимдаги яхши ўзгаришлар, қувончли воқеалар, кунлар адамини қанчалик қувонтирарди. Бундан бир неча йиллар аввал (1990 йил) номзодлик ишини ҳимоя қилишим ва уни нишонлаш тантанага айланиб кетган эди-я. Адамини табриклашарди, энди билсам, фарзанднинг қандайдир ютуқларга эришиши (оз бўлса ҳам) бу ота-она учун фахр экан. Дўстлари, шогирдлари ва Сурхондарёдан келишган яқинлар, қариндошлар - ҳаммалари биз билан бирга эдилар. Шахсий кутубхоналаридаги китобларининг кўп қисмини менга ўшанда совға тарзида берган эдилар.

Ҳар йили туғилган кунларимда уйимнинг тўри адамники эди. Адамга таниш синфдош, курсдош - дугоналаримни, яқин қариндошларни бирга кутиб олардик. Ўша куни адам ҳам дам олардилар. Энди эса уйимнинг деворларидаги суратларига тикилиб қоламан. Ана, китоблари, қадрдон машинкалари, кўзойнаклари, қўл соатлари ва ўз қўллари билан ёзилган қайдлар, хатлар...

Адам эса туғилган кунларини севимли дача-боғларида нишонлашни яхши кўрардилар. Баҳор келиб боғларини, қушларнинг чуғур-чуғурини, ўт-ўланларни соғиниб қолган бўлардилар. Ҳозир эса адам ўз қўллари билан яратган боғ ҳам хувиллаб қолган. Бу боғ ёз фасли худди жаннатнинг ўзига айланарди - турли-туман гуллар очилган, олма, гилос, олча, шафтоли, олхўрилар пишиб ётарди. Бир томонда эса помидорлар, болгар қалампирлари, кўкатлар,... Ҳар гал болаларим билан адамдан хабар олгани борганимда, аввал боғни айланиб чиқардик, қилинган ишлар ҳақида гапириб берардилар. Улар: “Боғ эгасининг юзи бўлади”, дер эдилар.

Адамнинг сўнгги туғилган кунлари (2005 йил 24 март) арафасида сал тоблари қочиброқ турган бўлса-да, туғилган кунларини доимгидек дачаларида нишонлашларини айтгандилар. Мен уларни бу фикрларидан қайтаришга урингандим, лекин кўнмагандилар. Ҳаво анча салқин, намгарчилик эди, соғлиқларини ўйлаган эдим. Дача-боғлари, асосан, ёз ойларида яшашга мўлжалланган эди. «Йўқ, барибир дачага борамиз. Битта - яримта келиб қолиши мумкин», деб туриб олгандилар. Шунда мен «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири Салим Ашурга қўнғироқ қилиб, машиналарини бир неча соатга сўрагандим. Улар ҳар доимгидек бизга керакли вақтга юборишларини айтгандилар. (Адамни «устоз» деб ҳурмат қилгани учун ҳаддим сиғиб сим қоқардим. Бундан олдин ҳам икки-уч марта машина жуда зарур бўлиб қолган пайтларда ҳам уларга қўнғироқ қилган эдим. Бир гал ҳатто ўзларининг машиналари узоқ, йўлда бўлганида, бошқа машина топиб юборган эди). Шундай қилиб, дача-боғ томон йўл олгандик, йўл-йулакай ТТЗнинг бозорига ҳам кириб

ўтгандик. Дачанинг у ёғ-бу ёғига қарагандек бўлдим, стол тузадим. Қисқаси, ўша куни кечга яқин фақатгина битта одам адამни йўқлаб келди. Бу Тўлепберген оға Қаипбергенов эди, қорақалпоқларнинг чопонини, бош кийимини кўтариб кириб келдилар ва табриклаб узоқ, умр тиладилар. 76 ёшга тўлган оқсоқол адибимиздан бошқа ҳеч ким келмади... Ҳа, бу адამнинг сўнги туғилган кунлари эди... Ўшанда мен ўксинган эдим, ўзимни айбдордек, ноқулайроқ сезгандим, лекин билдирмасликка ҳаракат қилганман. Ўша пайт битта-иккита шогирдлариними ёки яқин дўстлариними ёдларига тушиб, хурсанд кайфиятда дачага кириб келишларини жуда-жуда хоҳлагандим, ич-ичимдан кутгандим. Бу, албатта, адამнинг умрларига умр кўшарди, беморликлари ҳам орқага чекинарди... Оддий кунлардан бири бўлиб ўтиб кетди, ўша кун ҳам... Яхшиям Тўлепберген оға бор эканлар... 65 ёшга тўлган эдилар-а, ўша куни...адагинам. Шундан кейин ярим йилгина умр кўрдилар.

Ўтган йили адам туғилиб ўсган, севган юртларига биринчи марта фарзандларимни - невараларини олиб бордим. Бобосини вояга етказган жойларни, қариндошларни кўришларини жуда истаган эдим. Адажоним: “Қаҳрамон 13 ёшга тўлганида Бойсунга обораман, тоққа олиб чиқиб, милтиқ отишни ўргатаман”, дер эдилар. Қаҳрамон 13 ёшга ҳам тўлди, лекин бобоси билан Бойсун тоғларида юриш насиб қилмаган экан. Ўзимиз у ерларда бир мусофирдек тинчгина, камсуқумгина бўлиб юрдик ва қайтдик. Агар адажоним ёнимизда бўлганларида, биз авваларидек шу ернинг эгаси сингари эркаланиб юрардик. Мени ўғилларим билан Бойсунга боришимнинг ўзи уларни қанчалик қувонтирган бўларди. Болалигимда, айниқса, мактаб даврида ёз ойларида Бойсунга тез-тез оиламиз билан бориб турардик. Адამнинг жигарранг «Жигули»ларида йўлга чиқардик. Йўлда эса қариндошларникида ёки ўртоқлариникида тўхтаб-тўхтаб, икки-уч кун деганда етиб борардик. Йул-йўлакай томоша қилиб, дам олиб кетишимизни истар эдилар. Бобом билан момам ўтқазгани жой тополмай колишарди бизларни. Эрталабдан ҳовли таниш-билишларга тўлиб кетарди. Ҳар куни меҳмондорчилик, тонготар суҳбатлар Қаюм ака гижжақда нолали куйлар чаларди, Ҳолиқ ака Усмон аканинг шеърларини кўшиқ қилиб айтарди, Собир ака шеър ўқирди, Исмаат ака эса қизиқ-қизиқ, воқеаларни айтиб берардилар. Яна дўстлари Нурулла ака, жиянлари Матлаб ака, шогирдлари Мажид ака ва бошқа танишлар ҳам шу даврада - ҳовуз бўйидаги супада йиғилардилар. Укалари Хайрулла ака эса хизмат қилишдан чарчамасдилар. Бизни Бойсундалигимизни эшитган аммаларим ҳам бири Учқизилдан, бири Душанбедан етиб келишарди. Бобомнинг улуғвор, салобатли, донишмандона нигоҳлари, момамнинг ширинсўз меҳрибонликлари кечагидек ёдимда...

Тошкентга келгач эса, момамдан посилкалар олардик. Улар тахтадан ясалган кутичаларда қоғозларга ўралган олма, анор, хурмо, ёнғоқ, майиз, бодом, турли зираворлар юборардилар. Адам эса ҳар гал почтага бориб, уларни олиб келардилар, Бойсуннинг неъматларини... Биз эса Бойсунни эслаб, ажойиб ҳид таратиб турган қизил холдор олмаларни, ширин анорларни ва хурмоларни (у пайтлар Тошкентда хурмо бўлмас эди) мазза қилиб еб, бир қисмини яқинларимизга ҳам илинар эдик...

Адамнинг сўнги йилларда икки-уч марта касалхонада ётганларини ҳам, ҳатто ҳаётлари жарроҳлар қўлида-қил устида бўлганида ҳам дўстлари, қариндошлар, шогирдлари ўша пайт билишмаган эди, фақат кейин эшитишган. Адам: «Қизим, ҳеч кимга айтма, ҳеч кимни овора қилма. Ўзинг келсанг, етади», дер эдилар. Мен ҳам уларнинг айтганларини қилардим. Ҳар куни кечқурун соат бешларда касалхонага борардим. Ишдан чикиб, у-бу нарса тайёрлагунимча шу вақт бўларди. Адам ҳам ўрганиб қолган эдилар, соат бешларда мени пойлардилар. Бир соатча гаплашиб ўтирардик, газета, журналлар, ўзлари сўраган бирорта китобни ҳам олиб борардим. Бир гал бекатда автобус кутиб қолдимми ёки у-бу нарса тайёрлашим кўпроқ вақтни олдим, сал кеч қолдим. Шунда шошиб коридордан ўтиб кетаётган эдим, адамни даволаётган докторларига тўқнаш келиб қолдим. Улар мени кўриб, қувониб: «Келяпсизми? Адангиз сизни пойлаб қолдилар. Илтимос, бундан кейин кеч қолманг. Улар доим соат 4 яримдан коридорга чиқиб, «Ҳозир қизим келади» деб, сизни кутиб у ёққа - бу ёққа юриб, пойлайдилар», деди. Шошиб бориб, адамга сабабини тушунтириб, кайфиятларини кўтаришга ҳаракат қилган эдим. Шунда, уйларига ҳам айтган вақтимдан ўн-ўн беш дақиқа кечроқ бориб қоладиган бўлсам, хавотир олиб иш столига ўтира олмай, асабийлашиб пойлашларини эслаган эдим...

Адам билан 80-йилларда қилинган суҳбатлардан бирида уларга: «Китобхонларингиз билан мулоқотларингиз қандай кечади?» деган савол берилган эди. Улар: «Мен китобхонлар билан кам учрашганман. Бунинг сабаби... қандайдир уяламан, шекилли. Мен ўша ёзувчиман. Саволлар борми?» деб тўрсайиб турадигандек бўлавераман. Бундан ташқари ҳар қандай учрашувда ҳам асл китобхонлар оз бўлади. Кўплар ёзувчини томоша қилишади», деб жавоб бергандилар. Мен адамнинг айтиб ўтган бу фикрларига шунини қўшимча қилмоқчиман. Адам билан кўчаларда, бозорда, дўкон ва бошқа жойларда бирга юрганимизда нотаниш одамлардан айримлари уларни таниб қолиб, сўрашсалар, ҳижолат тортибгина алик олардилар.

Яна эслаш... Рўзи Чориев билан охирги сўзлашганим вафотларидан бир-бир ярим ой олдин телефон орқали эди. Яқшанба куни тушдан кейин адам Рўзи аканикига бормоқчи эканликларини айтиб менга сим қоқдилар. Мен кечга қолмасликларини қаттиқ тайинладим. Уйларига соат еттиларда кўнғироқ қилсам, гўшакни ҳеч ким кўтармади. Қиш бўлса, ҳаво совуқ, кўчалар сирпанчиқ - хавотир олиб безовталана бошладим. Гўшакни кўтариб, Рўзи аканинг телефон номерларини теришга тушдим. Гўшакни Рўзи аканинг ўзлари кўтардилар. Саломлашдим. Энди адамни сўрайман, деб турган эдим, улар ярим ўзбекча - ярим русча гапира кетдилар: «Сайёра, хавотир олма. Машинага ўтқазиб юбордим, Шукурни. Ҳозир етиб боради. Сайёра, он тебя очень любит, береги его», деб болаларимни сўрай кетдилар. Мен уларга ҳам соғлиқ тилаб, раҳмат айтиб гўшакни қўйдим. Кўнглим тинчланди, кўнглим кўтарилди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас телефон кўнғироғи жиринглаб қолди. Югуриб бориб, гўшакни кўтариб: «Ада!» деб қувноқ овозда гапира кетдим, адам эса: «Қаердан билдинг мен эканлигимни, энди уйга кириб келдим. Ҳали ечинмадим ҳам. Сенга келганимни айтиб қўяй, олдин, деб кўнғироқ қилипман», дедилар. Мен эса Рўзи ака билан телефонда гаплашганимни, ўзим ҳам энди сим қоқмоқчи бўлиб

турганимни айтдим. Адамнинг яхши кайфиятлари менга ҳам ўтди. Адамнинг ҳам Рўзи акани охирги кўрганлари ўша, совуқ қиш куни эди.

Ўша йилнинг август ойида режиссёр Собир Назармухамедов томонидан яратилган «Рўзи Чориевни эслаб...» ва «Отилмаган ўқ» (адамнинг ҳаёти ва ижодларига бағишланган) ҳужжатли фильмларнинг премьераси «Киночилар уйи»нинг пушти залида бўлиб ўтган эди.

Яна худди шу йилнинг (2004 йил) 22 декабрь санаси оиламизга қувонч ва қайғуни ярим соат фарқи билан олиб кирган эди. Телефон қўнғироғи жиринглаб, келинимиз Маҳфуза (укам Жаҳонгирнинг хотини) ўғил кўрганини туғруқхонадан хабар қилишганди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик, адамни яна битта неварали бўлганлари билан табриклагандим. Укамни тўнғич фарзанди билан қутлаб, унга Жавоҳир деган исмни қўйишни таклиф қилгандим. Ҳаммага маъқул келганди. Туғруқхонага, улардан хабар олгани бормоқчи бўлиб, отлана бошлаган ҳам эдимки, яна телефон қўнғироғи жиринглаб қолганди. Бу гал оиламизнинг яқини, адамнинг дўстлари Раҳмат Жумаевни вафот этганлиги ҳақидаги совуқ хабар айтилган эди. Ҳа, туғилиш билан ўлим ёнма-ён кетавераркан. Бу хабардан адамнинг юзларини бирдан ғам босганди, охирги пайтлар Раҳмат ака адамнига тез-тез келиб турардилар, баъзан тонггача суҳбатлашиб ўтиришарди. Уларнинг дилдан суҳбатларига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Сўнги кунларда Раҳмат акани бетоб бўлиб ётиб қолганларини адамдан эшитган эдим. Лекин бу хабар бирдан адамни чўктириб қуйди. Шу йилнинг бошларида Рўзи аканинг, энди эса Раҳмат аканинг вафотлари адамга қаттиқ таъсир қилган эди. Раҳмат ака: «Сайёра, ўғилларингни туйига ҳамма қўшиқчи-артистларни ўзим олиб бораман», дер эдилар ишонч билан (Раҳмат Жумаев Ўзбекистон радиосида бош режиссёр вазифасида ишлардилар). Мен эса ярим жиддий, ярим ҳазил билан пўписа қилардим: «Ўғилларим ҳали ёш. Демак, бу ваъдани бажариш учун узоқ, умр кўришинлар керак. Менинг топширигим — доим мени ёнимда бўласизлар, мени ёлғизлатмайсизлар, демак, ўзингларни авайлаб, кўп яшашга мажбурсизлар». Адам билан Раҳмат ака эса мамнун ҳолда кулибгина: «Хўп!» дегандай бош иргашарди...

Адам саёҳатларга чиқмадилар, курортларга дам олгани бормадилар, санаторийларда ётиб даволанмадилар - вақтларини аярдилар, улар вақтларини, асосан, ёзиш учун сарф қилардилар, ёзиш - бу ҳамма нарсанинг ўрнини босарди.

«Адажон, кексайиб мункиллаб қолганингизда Қаҳрамон доим сизни қўлингиздан ушлаб, ёнингизда юради, ҳаммаёққа сиз билан бирга боради», дер эдим ва шундай бўлишига ишонардим. Адамга ҳам бу гапларим маъқул келарди. Ўғилларимнинг тўйларида бош бўлиб, файз киритиб туришларини орзу қилар эдим.

Мен ўғилларим билан доим адамнинг севимли боғларида невараларига ўз қўллари билан мевалар териб берганлари-ю, ўчоқда ош қилиш, дарахтларни қандай парвариш қилишни ўргатганларини, улар учун аргимчоқ ўрнатганларини эслаймиз. Иккита фарзандим — Қаҳрамон ва Жавлонбеклар бобосини жуда яхши кўрардилар, бобоси ҳам уларни эркалатиб, кўнглига қарардилар. Қаҳрамонни ёшига нисбатан мулоҳазалилиги, босиқ табиатлигидан қувонсалар, Жавлонбекни яхши

расмлар чизиши, шеърлар машқ қилишлари қувонтирарди, ўз хоналарининг деворларини унинг чизган расмлари безаб турарди. Рўзи Чориев билан адам Жавлонбекни («Гунча» журналида ҳам расмлари чиққан эди) шогирдликка олиши ҳақида гаплашган ҳам эдилар.

Адам йилнинг тўрт фасли ҳам, байрам кунлари ҳам, якшанба кунлари ҳам ёзар эдилар. Улар учун бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ижод қилиш, ёзиш - бу яшаш дегани эди. Адажоним ёзаётган асарларидан бир неча бетларни овоз чиқариб ўқитишни яхши кўрардилар. Бир неча варақларни узатиб, «Овоз чиқариб ўқигин қизим, эшитай», дердилар. «Эна қизим, Сайёражон» ни ҳам худди шундай, овоз чиқариб, лекин йиғлаб ўқиб берган эдим...

Адам «Сайланма»ларининг биринчи жилди чоп этилганда қанчалик қувонгандилар-а. Бунақа қалин муқовали китобда ҳикояларини жамланган ҳолда кўриш уларнинг ушалмас орзулари эди. Китобга қараб тўймасдилар. «Қизим, китобни ёстиғимнинг тагига қўйиб ухлайман, ёстикдай қилиб», дегандилар китобнинг илк нусхасини қўлларига олиб. Адамга ҳаётлик пайтларида шу қувончни, шу бахтни кўриш насиб этгани учун Бобир ака (Алимов)дан, нашриёт ходимларидан бугун умр миннатдорман. Агар улар бош-қош бўлишмаганда нима бўларди? Булар ҳақида ўйлагим ҳам келмайди. Асосийси, адам икки жилд ҳикоялар тўпламини қўлларига олиб роҳатландилар. Яхшиям шундай одамлар бор экан, инсонни ўз вақтида - ҳаётлик пайтида қадрлашга нима етсин?!

Адам ҳаётликларида доим қўллаб, ёрдам бериб, вақти келганда асарларини устидан кўриб бериб юрган шогирдлари ҳам бор эди. Улар адамни бемор ётганларини, яъни, сўнгги кунларни яшаётганларини эшитган бўлсалар ҳам, лекин бир бор кўриб қолишга шошилмадилар. Халигача ақлим етмайди, шунақаси ҳам бўлар экан-да. Ахир, ҳурмат қилган, ўзини унинг яқинларидан, шогирдларидан деб билган одам бундай қилолмайди-ку?! Лекин қилар экан, қилиши мумкин экан, буни вақт кўрсатди, ўзим гувоҳи бўлдим. Хайрлашувга келмадилар, ўша кунлар, қайтмас, ғанимат эканлигини билсалар зам... Ҳатто маъракаларга ҳам... Менга алам қиладигани адам доим уларга ишонардилар. Бу соддаликданми, ишонувчанликданми, билмайман. Ўша мен учун, яқинларим учун оғир бўлган кунларда ёнимизда бўлган - адамни чин дилдан ҳурмат қиладиган, қадрлайдиган, тушунадиган ва умуман, яхши кўрадиган дўстларини, шогирдларини, таниш-билишларини миннатдорлик билан эслайман ва унутмайман.

Адамнинг вафотларидан ярим соатча олдин Усмон акага қўнғироқ қилиб, оғирлашиб қолганларини айтган эдим, 29 сентябрнинг тонгги, соат олтиларга яқин эди. Улар дарров етиб келишларини айтиб, айрим маслаҳатларни бергандилар. Касал ётганларида тез-тез хабар олиб турганлари учун аҳволларидан яхши хабардор эдилар. Усмон ака адамни ётиб қолганларидан то барча маъракалари ўтгунга қадар оиламизни қўллаб, далда бериб, ёнимизда бўлганларини ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Абдулла Аъзам адамдан уларнинг сўнгги истакларини сўрашимни ва бу истак, албатта, бажарилишини ҳам тайинлаган эдилар...

Ҳаётда нималардир мен кутгандек, мен ўйлагандек бўлмаса ҳам, борича яшашни ўрганипман. «Қизим, сен нима десанг шу», дер эдилар адам, ҳатто қизалоқлигимда ҳам. Шунданми, бирорта ортиқча гапни,

қўполликни хозиргача кўтара олмайман. «Кимки Сайёрани хафа қилса ёки у ҳақида бирор ножўя гап айтса, ўша одам менинг душманимга айланади» деган эканлар адам танишларимиздан бирига суҳбат чоғида. Бу гапни эшитиб кўнглим бузилиб кетди. Мен эса худди шунга яқин бўлган гапларни адамга нисбатан ҳам айтган бўлар эдим,... адасини жудаям яхши кўрувчи, ҳурмат қилувчи қизи сифатида...

Битта манзара кўз олдимга келаверади. Адам чап қўлларида дипломатлари, ўнг қўлларида сигарета, секин юриб келяптилар, сўрашганларга бош қимирилатиб алик оляптилар...

Адамсиз яшашга кўникиш... бу мумкин эмас. Мен ўзимда яшашга куч топишга уриняпман, ўзимга далда берган бўламан. Тонг маҳал уйғонганимда эса адажонимни бугун яна кўрмаслигим хаёлимга келиб, юрагим увишиб, музлаб кетаман. Ҳамма нарса бирдан ўз маъносини йўқотади. Фақатгина фарзандларим, адамнинг суюкли невараларини вояга етказишим кераклиги мени ушлаб туради. Ҳаётнинг кетма-кет синовларига чидашга мажбур қилади, куч беради.


Олдинда қанчадан-қанча кунлар, ойлар, йиллар бор... Йўқ... Адажоним доим биз билан бирга, уларнинг ёди, мен билан, ҳа, мен билан...





ОЙНА СИНДИ

*Уч парда, саккиз кўринишли
трагикомедия*



Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Қатнашувчилар:

Манзура — 40 ёшда, қиёфасидан анча ёш кўринади.

Мирсафо — 38 ёшда, гавдали, вужудидан жисмоний куч-қувват ёғилиб туради.

Сайёра — 20 ёшда, чиройли.

Ҳалимхон — 20 ёшда, новча ва хипча.

Бурҳониддин — 68 ёшда, салобатли, кўринишдан 50 ёшларга боргандек туюлади.

Даврон — 18 ёшда, қадамидан ўт чақнайди, кучли.

Лазокат — 54 ёшда, қўпол ва семиз.

Аброр — 59 ёшда, қилтириқ.

Меливой — 65 ёшда, нозик ва сатанг.

Муяссар — 17 ёшда, чин гўзал.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Манзуранинг шаҳар марказидаги кенг, беш хонали хонадони. Катта зал, деворларга гиламлар осилган, чет эл мебеллари билан жиҳозланган. Полга патгиламлар тўшалган. Катта ва ноёб қандил нур таратиб турибди.

Саҳнада Манзура пайдо бўлади.

Узунчоқ катта стол устида идиш-товоқлар, ичимлик ва ичкилик шишалари айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Стуллар нари-бери бўлиб қолган. Бир стул оёғи осмондан бўлиб турибди. Буларнинг бари ҳали яқинда бу ерда базми жамшид бўлганидан дарак беради. Манзура хавотирланиб ён тарафдаги хонага кириб кетади ва тисарилиб қайтиб чиқади.

Манзура. Вой шўрим, вой шўргинам, ёлғизгина қизим...

Ҳали кайфи тарқалмаган Мирсафо тунги халатини судраганича чиқиб келади, бир-бирига тикилишади. Жимлик.

Манзура. Ахир, ҳали қизим турмуш қурмаган бокира... Энди қизимнинг кейинги тақдири нима бўлади, яшшамагур.

Мирсафо. Тушунтириброқ гапир, нима гап ўзи?

Манзура. Нима қилиб қўйганингни биласанми, аблаҳ?

Мирсафо. Майли, бўлар иш бўпти, биров эшитмасин. Ўтган ишга салавот, сўз бераман, келишамиз, қизингга товонини тўлайман. Лекин секинроқ гапир, секин... Биров эшитмасин.

Манзура (*икки сонига қарсиллатиб уриб*). Ҳа, яшшамагур-а, қизлик иффатини пулга чақиб бўларканми? Ахир, қиз болада фақат бир марта бўладиган иффат пардасини қайта тиклаб бўлмайди-ку. Йўқ, сен ярамасни шундай қўйиб қўймайман, ўзингни ўлдираман, уй-жойингга ўт қўяман, кейин ўзимниям ўлдираман.

Мирсафо. Ўлиш ҳеч қачон қочмайди. Яшашдан гапир. Лекин секинроқ, Деворниям кулоғи бор.

Манзура. Йўқ, энди мен ҳеч нарсадан кўрқмайман, сени ўлдирмагунимча тинчимайман. Уч марта турмуш қуриб орттирган ёлғиз қизимни заха қилиб қўйдинг-а. Ит тегди унга энди. (*Чарчаб, ерга чордона қуриб ўтириб қолади, ҳаллослаганча қўли билан ўзини елпийди.*)

Мирсафо (*қўлидаги халатни кийиб, креслога чўқади*). Бу ёғидан ғам ема, Манзура. Мана мен, Мирсафо турибман. Ўзим қизингга зўр йигит топиб, катта тўй-томошалар қилиб узатаман. Э, пул кучи билан нималарни қилиб бўлмайди дейсан. Пулнинг кучидан кўра қудратлироқ нарса йўқ бу оламда, одамлар оламида. Қўл остимда бир сўзимни икки қилмайдиган бақувват-бақувват йигитлар кўп.

Манзура. Қиз болага уйланмаган ўзбек йигитининг юрагида армони қолади, қизим бир умр унинг олдида тили қисик бўлиб юради.

Мирсафо. Э, ҳозир замон бошқа, йигитлар ўзгариб кетган. Ҳақи бўлса бас, чекинишга, кўзни чирт юмишга, ҳатто хотиним қиз чиқди дейишга ҳам рози бўлишади. Ҳа, ҳақ дегани — пул дегани, бойлик дегани, уй-жой дегани, “Мерседес” дегани, олтин дегани, келиннинг сепи зўр бўлса, иффатнинг ўрнини босиб кетаверади.

Манзура. Бекорларни айтибсан, ўзинг аёл зотидан эмассан-да, билмайсан. Қиз бола учун қизлик иффатидан ҳам зўрроқ сеп йўқ. Сен буни тушунмайсан.

Мирсафо. Қизингнинг ишини ўзим ўнглайман, уни ўзим бахтли қиламан.

Манзура. Нима, хотинингни қўйиб, қизимга уйланармидинг ёки уни иккинчи, хуфя хотин қилиб қўярмидинг?

Мирсафо (*хандон отади*). Бу гапларинг ҳавойи гаплар. Лекин қизинг билан бўлар иш бўлган экан, унинг эндиги қисматига бефарқ қарамайман, уни ўзим бахтли қиламан.

Сайёра (*чап томондан қувноқ ҳолда чиқиб келади, эғнида тунги қизил ҳарир халат*). Албатта! Албатта мен бахтли бўлишим керак.

Манзура (*қизини йиғлаб қучоқлайди*). Болам, қизалоғим, бошимизда шундай кўргуликлар бор экан... (*Мирсафога.*) Қизимнинг ўрнига ўз қизингни қўйиб кўрсанг бўлмасмиди...

Сайёра. Ойи!

Манзура. Бошқа биров сенинг қизингни бузиб қўйса, сен уни нима қилардинг...

Сайёра. Ойи дейман!

Манзура. Шуни тасаввур қиласанми, тасаввур қила оласанми? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур-да!

Сайёра. Бўлди қилинг, ойи!

Манзура. Нега энди бўлди қилар эканман. (*Кўксини кўрсатиб.*) Мана бу еримга туз сепилган, ачишяпти, ёняпти. Ахир, фарзанд жигардан пайдо бўлади! Ўзинг она бўлмагунча, онанинг ҳолини билармидинг. Уфф.

Мирсафо. Аввал мен ювиниб олай. Кейин гапни давом эттираверамиз. (*Ўнг томонга чиқади.*)

Сайёра (*ойисига яқин бориб, ним овозда*). Мирсафо акани тинч қўйинг. Умуман эса, бугундан бошлаб менинг ички ишларимга аралашманг.

Манзура. Юзга кирсанг ҳам онанг бўлиб қолавераман. Сени тергашга ҳаққим бор.

Сайёра. Бошқа оналарнинг ўз болаларини тергашга ҳаққи бўлса бордир. Лекин сизнинг ҳаққингиз йўқ.

Манзура. Нима, нима? Нега менинг ҳаққим бўлмас экан?

Сайёра. Чунки, сиздан ибрат олиб бўлмайди. Учта эрдан битгасиниям этагидан ушлаб қололмагансиз.

Манзура. Менга таъна қилмагин, енгил тутмагин, қизим. Аёл киши уйим-жоим, бола-чақам деб оилани ташлаб кетмаслиги мумкин экан-у, лекин эркак кишини, агар у хоҳламаса, оилада ушлаб қолиб бўлмас экан. Мен буни уч марта синаб кўрдим.

Сайёра. ...ва учала эрингиз ҳам сизни ташлаб кетди.

Манзура. Юзимга солмагин, бадбахт.

Сайёра. Нега аччиғингиз чиқади, бор гап шу-ку, ойи. Ҳа, сиз менга ибрат бўлолмайсиз. Мен бошқа йўлдан бораман. Мени ташлаб кетишларини истамайман. Лекин, кимки менга ёқмай қолса, уни мен ташлаб кетаман. Бунинг учун мустақил шахс бўлишим шарт.

Манзура. Ҳа, иштаҳанг жуда зўр-ку. Жуда катта кетмагин, охири бахайр бўлмайди...

Мирсафо (*соchiққа бошини арта-арта ўнг томондан чап томонга ўтиб кетади*). Мен энди кийиниб олай... Сув иссиққина экан, мазза қилдим.

Манзура. Мен беҳабар қолибман, сен жуда ўзгариб кетибсан-ку, қизим.

Сайёра. Уйда деярли бўлмайсиз-ку, ойи. Ойда, йилда бир учрашиб қоламиз.

Манзура. Ўзинг биласан-ку, ишим ўзи шунақа, ишбилармонлар туну кун ишлашади. Мен ўзимни ўтга, чўққа урмасам, бизларни ким боқади, очдан ўламиз-ку.

Сайёра. Уйда бўлсангиз меҳмон кутишдан бўшамайсиз.

Чап томонда кийиниб олган Мирсафо кўринади, уни сезишмайди.

Манзура. Сен жуда ўзгариб кетибсан-а, қизим. Тарбиянг билан ана энди ўзим жиддий шуғулланаман.

Сайёра. Кечикдингиз. Йигирма йилга кечикдингиз. Хўш, менга айтинг-чи, ўз дадам ким?

Манзура. Кўргансан-ку!

Сайёра. Сувратини! Ўзини эмас.

Манзура. Ўша суврат дадангнинг суврати-да. Муқаддас хотира, унутилмас ёдгорлик сифатида олтин гардишга солиб ётоғим тўрига осиб қўйибман-ку.

Сайёра. Хотира гардишда эмас, қалбда сақланади. Сувратдаги кишининг отам эканига умуман ишонмайман ҳам.

Манзура. Ишонгин, қизим. Бизларни туғруқхонадан сувратдаги ўша киши – сенинг даданг олиб чиққан эди, туғруқхона дарвозаси олдига оқ “Волга”ни кўндаланг қилиб қўйган эди, доя хотинларга суюнчини аямаган эди, эҳ, у онларим нақадар қувончли эди-я.

Сайёра. Агар ўз дадам бўлса, нега энди мени сира йўқламайди?

Манзура. Билмадим. Балки мендан кўнгли қолгандир?

Сайёра. Унда менда не гуноҳ? Балки мени ўз фарзанди деб ҳисобламас.

Манзура. Йўқ, ундай эмас. Сен уч ойлик чақалоқ эканингда даданг бизни ташлаб кетган эди.

Мирсафо чап томондан виқор билан чиқиб келади.

Мирсафо. Она-боланинг уриши – дока рўмолнинг қуриши. Энди сулҳ бўлсин. (*Соатига қараб.*) Бугун бу ерга ажратилган вақтим тугади. Мен кетдим.

Сайёра. Тўхтанг.

Мирсафо. Онангга сўз бердим, товонингни тўлайман. Лекин ҳозир ортиқча қола олмайман. Уйда хотиним ухламай мени кутиб ўтирибди, кечиксам субутим кетади. Шунинг сен ҳам билиб қўйгинки, мен оиламни ҳаммадан ва ҳамма нарсадан устун қўяман.

Манзура. Тўхта.

Мирсафо. Вақтим тугаган. Кечиксам хотинимдан балога қоламан.

Манзура. Тўхта деяпман сенга! Қизимнинг товони масаласини ҳал қилиб кет.

Мирсафо. Сўз бердим-ку, эртага ҳал қиламиз.

Манзура. Йўқ, ҳозир ҳал қилиб кетасан. Бўлмаса, вазирингга арз қиламан.

Мирсафо тарашадек қотиб қолади.

Сайёра. Вазирнинг бундан бошқа қиладиган иши йўқми?..

Мирсафо (*бир оз ўзига келиб, титраб-қақшаганча, Манзуранинг олдига келади, чўнтагидан пул чиқариб, унга узатади*). Мана қизингнинг товон пули. Ўн минг доллар. Яна қора Йўлдош берадиган икки минг доллар ҳам сеники.

Манзура. Бу қиз боқиб катта қилган менинг ҳаққим. (*Пулни олади*). Пул қўлнинг кири. Сайёра ёш нарса, пулни тутиб туролмайди, пулдан пул туғдиrolмайди. Унинг товон ҳақи кўчмас мулк бўлиши керак.

Мирсафо. Яъни...

Манзура. Яъни, Эскижўва, Олой, Фарҳод, Бешёғоч, Миробод, Отчопар бозорларидаги ёки Навоий кўчасидаги ярмаркага жойлашган хусусий тижорат магазинларингдан бирини қизимнинг номига хатлаб, нотариус орқали расмийлаштириб берасан. (*Қизига.*) Ёки сенда бошқа таклиф борми?

Сайёра. Шаҳар марказидаги гўзаллик салонида хўжайинлик қилишни истардим. Эркаклар зали, аёллар зали, маникюр, педикюр, косметика, либослар зали, чеварлар фабрикаси.

Манзура. Сен шунга рози бўлсанг, мен қарши турмайман. Қолаверса, ўзинг ҳам сартарошлик мактабини битиргансан. Келажақда бутун жумҳуриятимиздаги шу соҳаларни ўз қўлингга олишинг мумкин.

Сайёра. Кимсан Сайёра бўлиб кетаман!

Манзура. Илоё, омадингни берсин, қизим. (*Мирсафога.*) Қани, кабинетимга кириб, тилхатингни ёз. Сайёра, Мирсафо аканга ўзинг йўл кўрсат.

Мирсафо. Сўз бердим-ку, тилхатни эртага ёзаман.

Манзура. Йўқ, қолган ишга қор ёғиши мумкин. Тилхатни шу бугун расмийлаштирамиз. Мен ҳозир таниш нотариусга телефон қиламан. Тегишли улуши эвазига муҳрини қўйнига солиб етиб келади. (*Телефон рақамларини тера бошлайди.*)

Сайёра (*Мирсафога.*) Орқамдан юринг. (*Чиқади.*)

Мирсафо (*юраётиб.*) Бир висол оқшоми деб бошимга шунча ташвиш орттириб олдим. Буям майли-ю, лекин бугун хотинимдан балога қоладиган бўлдим. Ана шуниси ёмон бўлди. (*Чиқади.*)

Манзура (*залга.*) Ҳокимиятни қўлга олиш мана бундай бўлибди. Эгри таёққа – эгри тўқмоқ-да. Ҳа, аёл кишининг макри қирқта эшакка юк деб, бекорга айтишмаган. Мирсафони тузоғимга туширдим, шу йўл билан қизимнинг келажагини моддий жиҳатдан таъминладим. Энди бундан бўёққа миллиардер Мирсафо қўлимда қўғирчоқ, ҳар мақомда ўйнатаман

Чироқ ўчади.

Иккинчи кўриниш

Сайёра ўз иш кабинетида, катта стол қошида ўзига оро бериб ўтирибди. Стол устида соат, телефон, радиола, жажжжи телевизор ҳамда бошқа алоқа воситалари. Кабинетда кресло, диван ва стуллар, журнал хонтахталари қўйилган, ерга чўгдек қип-қизил катта гилам тўшалган. Сайёранинг тепаси даги деворга унинг олтин гардишга солинган портрети ва “Сайёра гўзаллик салони” деб ёзилган лавҳа осиб қўйилган.

Соат тўққиз марта бонг уради. Сайёра пардасини тўхтатиб, лаб бўёғи, уна-эликлари, кўзгучини стол тортмасига қўйиб қўйгач, чақирув тугмасини босади. Остонада раққослардек хипча ва нозик, новчадан келган, хушрўйгина котиб – Ҳалимхон пайдо бўлади, эғнида қора шим, янги енги калта оқ кўйлак, бўйнида яшил галстук, оёғида қора амиркон ковуш, бир қўлида блокнот, иккинчисида қалам.

Ҳалимхон (*бир томонга бир оз бош эгиб.*) Буюрсинлар, бегим.

Сайёра. Биринчи келган мижоз кирсин.

Ҳалимхон. Айтганингиз бўлади, бегим. (*Чиқади.*)

Сайёра стол тортмасидан олтин гардишли қора кўзойнак олиб, тақади. Хонага худди шундай кўзойнак таққан, қип-қизил шойидан кофта-юбка кийган Манзура кириб келади, қўлида ҳам қизил сумка.

Сайёра (*ўрнидан туриб кетади.*) Ойи! (*Кўзойнагини олади.*)

Манзура. Қизим! (*Кўзойнагини олади.*) Кабинетинг сенга жуда-жуда ярашибди, муборак бўлсин.

Сайёра. Ташаккур! Ўтиринг ойи!

Бу орада Ҳалимхон патнисчада, жажжи чинни идишларни тантанавор кўтариб кириб, бирини ликопчаси билан Манзурага тутқазди.

Ҳалимхон. Буюрсинлар, хоним! Қора қаҳва. Турк услубида ҳозирланмиш.

Манзура (қаҳвани ижирғаниб, мажбуран олиб, Сайёра қаршисидаги стулга ўтиради. Зўрма-зўраки). Ташаккур!

Ҳалимхон (Сайёрага қаҳва узатади). Буюрсинлар, бегим.

Сайёра (қаҳвани олиб жойига ўтиради). Ташаккур. Ҳалимхон, ҳозирча олдимга ҳеч кимни қўйманг.

Ҳалимхон. Жоним билан. (Икковига бир-бир таъзим бажо айлаб). Тотли бўлсин. (Чиқади).

Манзура (Ҳалимхоннинг орқасидан қараб қолиб). Бу турқи совуқни қаёқдан топдинг? Нима бало, сомонхонаю молхонада пайдо бўлганми... Балки гўзапоя ота-онасига тўшак бўлганми... Башарасининг кўтир жомашовдек гадир-будир бўлишига қараганда беланчаги устидан самолёт бутифос сепиб ўтганга ўхшайди. Тезроқ йўқот уни бу ердан, эрталабдан таъбимни тирриқ қилди менга қаҳва тутқазиб.

Сайёра. Йўқ, ойи, Ҳалимхон кўринишдан... мана шунақароқ бўлсаям, қалби гўзал, яхши йигит. Илгаритдан танишмиз, у ҳам сартарошлик мактабида ўқиган. Бунинг устига бир қўли узунроқ одам тавсия қилиб қолди. Сартарош қилиб қўйишим ҳам мумкин эди, лекин қабулхонага кўя қолдим, оёқ-қўли чаққонгина. Қолаверса, қабулхонада аёл киши ўтирса, гийбат чиқиши мумкин. Барно йигитни қўйсам, ундан беш баттар бўлади. Лекин энг муҳими шуки, Гўзаллик салонимизга гўзаллик истаб келган мижозларим Ҳалимхонни кўрибоқ анча таскин топадилар.

Манзура. Ҳа, энди тушундим. Буям бизнеснинг, мижоз кўпайтиришнинг бир йўли дегин. Баракалла, қизим. Ҳа, эсимга тушиб қолди, қачонлардир бир китобда ўқигандим, эр-хотин тинч-хотиржам, сокин, безатилган гўшада, покиза ўринда, ювуқли ҳолда лаззатланишлари, лаззат онларида, жимо пайтларида гўзал нарсаларни ўйлашлари, чиройли манзараларни кўз олдиларига келтиришлари керак экан. Ана шунда кўркам ва соғлом фарзандлар дунёга келар экан. Акс ҳолда анови Ҳалимхонингта ўхшаш турқи совуқлар туғилиб қолиши мумкин. Мана шунақа ибратли гапларни ёзиб, шиор қилиб, кўча эшикдан, кираверишдан бошлаб ҳамма ёққа осиб қўйдир, қизим. Бир дақиқалик хузур-ҳаловатни ота-онаси кўради-ю, жабрини ҳалигиндақа Ҳалимхонларинг чекади. Гўзал бўлишлик каттакон бахт, қизим! Хунуқлик, бадбашаралик — бахтиқаролик. Бу хатони унутиб ҳам, тузатиб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди. Биласанми, қизим, эр хотинини қайси пайтда уриши мумкин? Шариат китобида ёзилишича, хотин киши агар зийнатланиб юрмаса, эри уни ҳатто уриши мумкин экан.

Сайёра. Мана шу гапингизни асл манбасидан топиб, шиор қилиб осиб қўяман...

Манзура. Хўш, ишга ўрганиб қолдингми? Қийналмаяпсанми?

Сайёра. Аста-секин ўрганяпман. Ҳа, айтгандай, хизмат кўрсатишнинг янги усулини жорий этдим. Телефонда буюртма қабул қиламиз, мижозларнинг уйига бориб хизмат кўрсатамиз.

Манзура. Масалан, қайси хизматлар?

Сайёра. Соч-соқол олиш, маникюр қилиш, педикюр қилиш, косметика қилиш, массаж... Юра олмайдиган ногиронлар бор, кундузлари иш пайтида

салонимизга келолмайдиганлар бор ва, умуман, жонини ортиқча койитмайдиган бойвуччалар ҳам кўп. Вақтини жуда-жуда қадрлайдиган ишбилармонлар ҳам топилади. Бу хизмат турини эрталаблари, кейин кечкурун еттидан ўнгача ҳафтанинг ҳамма кунинда жорий этдик. Бунга ҳалиги Ҳалимхонни мутасадди қилиб қўйдим. Телефонда буюртмаларни қабул қилади, ходимларни мижозларнинг уйига юборади, ўзи ҳам вақти-вақти билан мижозларникига бориб турибди, қўлим ишдан чиқиб қолмасин дейди-да. Мен ҳам идоравий-ташкилий ишлардан сал бўшашим биланоқ кунинда бир-икки мижозларни қабул қиламан, албатта, керакли, обрўли кишиларнинг соч-соқолларини олиб қўяман.

Манзура. Ҳа, тўғри қиласан, керакли одамлардан таниш-билишни кўпайтиравер, уларнинг исм-шарифларини билиб қол, иложи бўлса, ташрифномаларини олиб қол, энг яхши коллекция – бу ташрифномалар тўпламидир, бу ўзи бир хазинадир. Мен ресторанда ишлаганимда мўътабар хўрандаларнинг ташрифномаларидан иборат бир коллекция тўплагандим.

Сайёра. Кўрганман.

Манзура. Яша... Мен онангман, шу сабабли бир-икки нарсани сенга насиҳат тарзида айтиб қўйишим шарт: аввало, ходимларингни ҳам, мижозларингни ҳам қабулингда уч дақиқадан ортиқ тутиб турма, иложи борича тез чиқариб юборишга, гапни калта қилишга интил. Ҳозир менинг ҳузурингда бундай узоқ ўтириб қолишим ҳам аслида нотўғри. Мен ҳозир кетаман... (*Тез гапиради.*) Бошлиқ кабинети оёқости бўлдими, обрўси бир пул бўлди, деган гап. Одамларни якка-якка қабул қил, бири билан гапни тугатмай туриб, иккинчисини қабул қилма, ким бўлмасин, марҳамат қилиб, қабулхонада кутиб турсин. Тўғри, баъзан-баъзан истисно бўлиши мумкин, дунёда юз фоиз бажариладиган қоида йўқ... Мен...

Сайёра. Гапларингизни тушунишим мумкин-у, лекин тушунишни истамайман.

Манзура. Нега энди?

Сайёра. Йўлларимиз бошқа-бошқа... Хўш, сиз менга айтинг-чи, қачонгача қолипга тушиб яшаймиз, эҳтиросга эрк берма, уни қилма, буни қилма, чеклаш устига чеклаш. Шу чеклашларни йўқотмай туриб, одам қаторида, дунё одамлари қаторида, илғор кишилар қаторида яшай олмаймиз. Мен асосий бахтсизликни ана шу ҳуда-беҳудага чеклашларда кўриб турибман.

Манзура. Ўзи сенга гап уқтириб бўлмай қолибди. Хўш, бугун уйга борасанми?

Сайёра. Билмадим.

Манзура. Ўзинг тананга бундоқ ўйлаб кўр, сендан бошқа менинг кимим ҳам бор, қизим. Дала ҳовлида ётиб юришни бас қил-да, уйга қайт. Ўзим кечки овқатга бозор гўштидан манти қилиб қўяман.

Сайёра. Кўрарман, бугун пайшанба, иш кўп, мижозларни кечки соат ўнгача қабул қиламиз.

Худди шу пайт Мирсафо Ҳалимхонни кўтариб олганича кабинетга бостириб киради. Сайёра ва Манзура ағрайиб қолишади.

Ҳалимхон (*Мирсафонинг қучоғида типирчилаганича*). Вой-вой, нима қиляпсиз, қовурғаларимни эзвордингиз-ку.

Мирсафо. Мен йўл усти бирров табриклаб ўтгани кирдим, вақтим жуда зиқ. (*Чиқа бошлайди, орқага қайтади, Манзурага.*) Мен сўзимнинг устидан тўла чиқдим. Гўзаллик салони Сайёра номига тўла-тўқис ва узил-кесил расмийлаштирилди, номини ҳам ўзим қўйиб бердим: “Сайёра”.

Манзура. Мард йигит шундай бўлади-да. Лекин кейинги кунларда жуда камнамолар?

Мирсафо. Иш кўп. Италия билан яна қўшма корхона очяпман. Айтгандай, Сайёрага бир гап айтмоқчи эдим, эй аттанг, ёдимга тушмай турибди-да.

Манзура. Мирсафо, машинангда мени Эскижўва бозорига ташлаб ўт. Гўшт, мева-чева олай. Уйда ҳеч нима қолмапти.

Мирсафо. Бемалол.

Манзура билдики, Мирсафо Сайёра билан холи гаплашмоқчи.

Манзура (*Мирсафого*). Менсиз балки гапинг ёдингга тушиб қолар. (*Чиқади*).

Сайёра Мирсафонинг бағрига ташланади.

Мирсафо (*Сайёрани қучоқлаб, юз-кўзларидан, елкалари, сочларидан ўпиб*). Ўша кунги тилхат ҳамон онангда. (*Сайёрани ўздан узоқлаштирамоқчи бўлади.*)

Сайёра (*Мирсафонинг кўксига бош қўйиб*). Ҳа, сейфларида... Нима эди?

Мирсафо. Бу гўзаллик салонига эга чиқиб қолди. Уни... совға қилишим шарт экан... Сенга бундан ҳам яхшисини олиб бераман. (*Сайёрани ўздан узоқлаштиради.*)

Сайёра. Майли. Лекин аввал янги салонга эга бўлмагунимча, буни бермаймиз. (*Мирсафонинг кўзларига боқиб, сочларини силайди*).

Мирсафо (*Сайёрани ўздан узоқлаштиради*). Онанг қайтиб кириб қолиши мумкин.

Сайёра. Энди қачон учрашамиз?

Мирсафо (*атайин нархини ошириб*). Ҳозир ишим кўп.

Сайёра. Сизни соғиндим.

Мирсафо (*сирли қилиб*). Бўлмаса гап бундай: ўша тилхатни олиб менга берган кунинг бирга бўламиз. Келишдикми?

Сайёра. Тилхат сейфда-ку. Уни қандай очаман?

Мирсафо. Билмадим. Сейфни бузасанми ёки унга тушадиган қалит топасанми, бу сенинг ишинг. (*Сайёранинг қўлларини елкасидан аста олиб ташлайди.*) Кўришгунча хайр. (*Чиқиб кетади.*)

Ҳалимхон (*остонада пайдо бўлиб*). Рухсат этинг, бегим, мурожаат қилай!

Сайёра. Марҳамат!

Ҳалимхон. Уруш ва меҳнат фахрийси Бурҳониддин навбатдан ташқари кирмоқчи.

Сайёра. Сабаб?

Ҳалимхон. Фахрийлигидан ташқари қандли диабетга мубтало экан... Мана, ташрифномаси.

Сайёра (*ташрифномага кўз югуртиргач, стол тортмасига ташлаб қўяди, ўзича*). Бу биринчиси. (*Ҳалимхонга.*) Агар навбат кутувчилар рози бўлишса, майли, фахрий навбатдан ташқари кира қолсин.

Ҳалимхон. Илтифотингизни мамнуният ила ҳозир етказаман, бегим. (*Чиқади*).

Телефон жиринглайди.

Сайёра. Сайёра эшитади, буюрсинлар... Йўқ, бизга Польшаники керак эмас. Биз фақат фарангий духи ишлатамиз... Марҳамат. Хайр. *(Телефон қулогини қўяди.)*

Башанг кийинган, олтин гардишли кўзойнак таққан, йўгон гулдор ҳасса ушлаган, кўринишдан бақувват ўрта яшар киши — Бурҳониддин кириб келади.

Сайёра *(ўрнидан туради, жой кўрсатади).* Келинг, отахон, ўтиринг.

Бурҳониддин. Яхши юрибсанми, қизим. *(Ўтиради).* Мени танимадинг-а. *(Кўзойнагини қўлига олади.)* Мен Бурҳониддин бўламан.

Сайёра. Танидим, ўтган ҳафтада келувдингиз.

Бурҳониддин. Баракалла, қизим. Роса бир ҳафта бурун — пайшанба куни келиб, сенинг бармоқларингдан шифо топиб кетган эдим. Буни қараки, азбаройи худо, ўша куни кучимга куч, мадоримга мадор, дармонимга дармон, ғайратимга ғайрат кирди, йигитдек бўлдим қолдим. Соғлиғим яхшиланганидан кеннойинг ҳам хурсанд бўлиб кетди.

Сайёра. Отахон, гапнинг лўндасини айта қолинг. Менинг сиздан бошқа ишларим ҳам кўп ўзи.

Бурҳониддин. Хўп, қисқа қиламан. Ҳозирги хотиним учинчи оилам, биринчиси билан ёшлигимда ажрашганман. Иккинчиси бундан уч йил аввал вафот қилди. Саккиз ўғил-қизимдан қутилган эдик. Қизларим тинчиб кетган. Ўғилларимнинг ҳаммасига алоҳида-алоҳида уй-жой қилиб берганман. Ҳайҳотдек ҳовлида бўй етиб қолган кенжа қизим билан қолгандик. Икки йилча бева яшадим. Кейин уйида ўтириб қолган бир ҳамшира қиз ўзи талабгор бўлиб менга турмушга чиқди.

Сайёра. Қиз бола ўзи талабгор бўлиб чиқди денг?

Бурҳониддин. Ҳа, ташқи қиёфамдан анча ёш кўринаман. Бу хотиним шу қиёфамга учган бўлса керак. *(ўрнидан туриб ўтиради.)* Балки менга элик ёш беришар.

Сайёра. Ундан ҳам кам.

Бурҳониддин. Аслида олтмиш саккиздаман. Ҳозирги хотиним ўттиз саккиз ёшда. Тўғри, Шарқда эркак киши қаримайди, дейишадию, лекин бир йилча бўлиб қолди, қандли диабет деган дарди бедавога чалиниб қолдим, мадоримни қирқиб қўймоқда. Хотиним одобли заифа, тилида бирор нима демайдию, лекин қарашларидан сезиб қоламан, мендек куп-қуруқ саксовулдан айни етилиб турган вужуди тафт олармиди, у қийналиб кетяпти, мен ҳам уни кўриб, қўлимдан бирор чора келмагач, эзилиб кетяпман. Бугун бўлмаса, эртага, бу ой бўлмаса, кейинги ой талоқ қилишимни талаб қилиб қолишидан чўчийман. Бунинг олдини олишга чора-тадбир излайман. Давони сенинг бармоқларингдан топгандайман. Бир ҳафтадан бери уйимизда қувноқлик ҳукм сурмоқда. Бу пайшанбани умид билан, орзиқиб кутмоқдамиз. Хотиним эрталабдан бошлабоқ девзира гуручдан қазилартали, нохотли палов дамлашга уннаб кетди. Қизим, бизларни ноумид қилма.

Сайёра. Хўш, нима қилай?

Бурҳониддин. Худди ўтган галгидек сирли, сеҳрли, ўтли бармоқларинг билан бутун вужудимни силаб-сийпаб қўйгин.

Сайёра. Афсуски, бугун бандман. Бошқа мижозларим кутиб туришибди.

Бурҳониддин. Илоё, умрингдан барака топ. Мени ноумид қайтарма, қизим. Мана бу конвертда юз доллар бор. Сенга биз чол-кампирдан мукофот. *(Конвертни стол устига, Сайёранинг олдига қўяди.)* Агар бу кам десанг, янаги сафар қўшиб келаман. Кассага эса тегишли ҳаққингни тўлайман. Ҳа, мен учун пул муаммо эмас, худога шукур, уй-жойим, дала ҳовлим, машиналарим, етарли мол-мулким бор, пулим, унча-мунча олтиним, бироз валютам ҳам бор. Илгари бундай гапларни гапириб бўлмасди, бойликни яшириш зарур эди.

Сайёра. Ҳамма нарсангиз бор экан, эртанги кунингиз таъминланган экан. Лекин ташвишли кўринасиз, хотиржам эмассиз.

Бурҳониддин. Қалбим нотинч. Кўнгил ёш-да, лекин мадор йўқ, қизим. Фақат хотиним кетиб қолишидан кўрқаман. У лоақал кенжа қизимни узатгунимча уйимда бўлиши керак. Биласан, ўзбекчилик, онасиз, аёл кишисиз қиз узатиш амри маҳол. Кенжам ўн еттига тўлди. Жойи чиқиши биланоқ узатиб юбормоқчиман. Мени мана энди тушуниб етгандирсан, қизим.

Сайёра *(конвертни стол тортмасига ташлаб қўяди).* Сизни тушундим, аввал енгил душ олиб, ўнинчи кабинага кириб дам олиб тулинг, мен сиз учун бир амаллаб вақт ажратиб, олдингизга кираман, Бурҳониддин ака!

Бурҳониддин. Вой “ака” деган бурро тилларингдан отагинанг ўргул-син, қизим. *(Яшнаб, ёшаргандек бўлиб, ҳассасини театрдагидек қўлида ўйнатиб чиқиб кетади.)*

Ҳалимхон *(кириб).* Навбати етган мижоз талаба экан, рухсат берайми, бегим, ёки...

Сайёра. Майли, кирсин, биз учун барча мижозлар тенг ҳуқуқли. *(Қора кўзойнагини тақиб олади.)*

Ҳалимхон. Оқиласиз, бегим. Кўп яшанг *(Чиқади.)*

Ялт-юлт кийинган, қора кўзойнак таққан Даврон бир шода калитни қўлида ўйнаб кириб келади.

Сайёра. Ке, хизмат?

Даврон. Касалман. Шу ерда даволанса бўлади, деб эшитиб келдим.

Сайёра. Бу ер касалхона эмас, янглиш келибсан.

Даврон. Касалим ҳам ҳув унақа касаллардан эмас.

Сайёра. Нима касал?

Даврон. Мана шу ҳуснбузарлар мени қийнайди, соқол олишга ҳам қийналаман *(бир қўли билан юзларини қашийди, иккинчи қўлидаги шода калитларни айлантириб ўйнайди.)*

Сайёра Даврон қўлидаги бир шода калитга кўзи тушиб, эътибор беради.

Сайёра. Бор-йўқ касалинг шуми?

Даврон. Шу. Тез тузатса бўладими?

Сайёра. Бўлади. *(Кўздан кўзойнагини олади.)*

Даврон *(Сайёра кўзойнагини олгач, унинг ёшлигини билиб, сенсирашга ўтади).* Бўлмаса, тузатинг... тузат. Сен ҳам ўзим қатори экансан-ку.

Сайёра. Неча ёшга кирдинг?

Даврон. Ўн саккизга... Гапни бурма, тузатасанми-йўқми?

Сайёра *(саволга савол билан жавоб беради).* Нима учун шунча калитни кўтариб юрибсан ёки...

Даврон. ...ўғирликка тушмайман. Лекин дўст учун ҳаммасига тайёрман.

Сайёра. Шунча калитни нима қиласан?

Даврон. Ҳаммасининг ўрни бор-да (*Калитларни бир-бир кўрсатиб, изоҳ беради.*) Мана бу шаҳардаги участкамиз дарвозасининг калити, мана бу шу участкадаги ўз хонамнинг калити, мана бу шаҳардаги ўз гаражимнинг калити, мана буниси эса дала ҳовлим дарвозасининг калити, мана буниси дала ҳовлимдаги гаражнинг калити, мана бу дала ҳовлимдаги уйга кириладиган калит, мана бу “Нексия”нинг калити, мана бу “Мерседес”нинг калити, мана бу сейфимники, иккинчиси дала ҳовлимдаги сейфимники, мана бу майда калитлар эса стол тортмалариники.

Сайёра. Сейфинг иккитами?

Даврон. Ҳа, ҳар бирининг калитлари учтадан, запаси билан бўлгани яхши-да. Чилонзорда яшайдиган бир ўртоғим бор, калитлардан нусха кўпайтиради. Ўзида минг-минг калит бор, ҳар қандай сейфга тушадиган.

Сайёра. Калити йўқолган бир сейфимиз бор. Шуни очишга ёрдам бер.

Даврон. Сен учун ёрдам бераман, эвазига сен менинг касалимни тузатасанми?

Сайёра. Тузатаман... Сен... Отинг нимаиди.

Даврон. Даврон.

Сайёра. Яхши отинг бор экан. Даврон, ўзинг ҳақингда менга гапириб бер-чи.

Даврон. Хўп. Ҳали айтганимдай, бу йил ўн саккизга тўлдим. Шарқшунослик институтида иккинчи курсда ўқийман. Халқаро иқтисодий алоқалар бўлимида, тўғриси айтсам, мени амакиларим ўқишга жойлаб қўйишган. Бешта амаким бор, бири вазир, иккитаси катта амалдор, иккитаси СП тузиб олган, яъни қўшма корхоналар хўжайини.

Сайёра. Фамилиялари ким?

Даврон. Бизлар машҳур Юнусовлар бўламиз.

Сайёра. Эшитганман.

Даврон. Тоғам, тўртта холам бор, ҳаммалари азалдан тижоратчи, олдин яширин савдо-сотик қилишарди, энди ошкора. Илгари чайқовчи деб камситилса, энди тужжор деб ҳурматга сазовор. Ойим ҳам холаларимнинг бири, вино заводида лаборант бўлиб номига ишлайди, асосан, чет элга қатнайди, олдин Туркияга борарди, энди Бирлашган Араб Амирликларига, Хитойга бориб келмоқда. Ака-укалари орасида фақат дадам бўш-баёв чиққан, ҳамма уни орқаваротдан “Аброр сўтак” дейди...

Сайёра. Отангни ҳақорат қилма.

Даврон. Оилада онам хўжайин, айтгани айтган, дегани деган. Истаса, отамга семиз-семиз оёқларини уқалатиб ўтиради. Овқатни ҳам отам қилади, кир-чирга ҳам, қозон-товоққа ҳам, ҳовлига ҳам отам қарайди.

Сайёра. Отангни жудаям ерга уриб юбординг-ку. Бўлди, бас қилмасанг, сендан ҳам ихлосим қолади. Шундай отанинг ўғли ким ҳам бўларди деб.

Даврон. Мен асрандиман.

Сайёра. Қўй-ей!

Даврон. Йўқ, шундай, яқинда эшитиб қолдим. Эмишким, мен ота-онамнинг тўйидан кейин ўн беш йил ўтгач туғилибман. То унгача

онамнинг қорнига ёпишиб ётганмишман. Булар бўлмағур гаплар. Агар шу гаплар рост бўлса, нега энди мендан кейин бола кўришмайди. Умуман, ёлғиз фарзандли оиланинг бирор ишкали бўлади, ҳаммасида бўлмасаям, тўқсон тўққиз фоизида бола асраб олинган бўлади, мен бундай оилаларни кузатиб, ўзимга қиёслаб келяпман. Негаки ўзим ёлғизман-да. (*Хўрсиниб.*) Даҳшатли жойи шундаки, мен на отамга, на онамга, на амакиларим, на тоғаларимга ўхшайман, ҳадеб уларга зид иш қилгим келаверади, айтганларининг тескарисини қиламан, бўлмаса ўрнига тушмайди. Балки миллатим ҳам ўзбек эмасдир.

Сайёра. Жуда ҳам олиб қочишга уста экансан-ку.

Даврон. Ҳеч олиб қочаётганим йўқ, гапнинг сирасини айтяпман. Ота-онам, қариндош-уруғларимга ҳеч қовуша олмайман, улар орасида ўзимни бегона ҳис қиламан. Гарчи улар мени жуда ардоқлашса ҳам. Демак, мен бошқа ота-онанинг фарзанди, бошқа қариндош-уруғларнинг туғишгани бўлишим керак, деб ҳисоблайман.

Сайёра. Ота-онанг боласи бўлма, одам боласи бўл дейишади.

Даврон. Қани мени дунёга келтирган ўша отам, қани мени туққан ўша онам?! Одам боласи бўлиш учун ўз ота-онанг кимлигини билишинг шарт. Бўлмаса инкубатордан чиққан оёғи сариқ жўжадан нима фарқинг бор?.. Мен аслида дунёга келмасам бўларкан ёки гўдаклигимда мени бўғиб ўлдириб юбориш керак эди. Чунки мендака чиқиндидан одамларга фойда келмайди, табиатан билиб туриб яхшиликка ёмонлик қиладиган одамман.

Сайёра. Балки менга бир яхшилик қиларсан.

Даврон. Қандай?

Сайёра. Чилонзордаги ўртоғингдан бир халта калит олиб, бугун кечкурун бизникига бор, мана ташрифномам.

Даврон (*ташрифномани олиб*). Хўп.

Сайёра. Демак, келишдик. Сени уйда кутаман.

Даврон. Кўришгунча. (*Кетади.*)

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Учинчи кўригиш

Манзуранинг квартираси. Биринчи кўринишдаги манзара. Сайёра кириб келади.

Сайёра. Ойи, мантингиз пишдимми? Қорним жуда очқаб кетди.

Манзура (*ичкаридан инқиллаб-синқиллаб, қўлидаги шапалоқдек кўзгуга қараганича, юзига упа-элик суртганича залга чиқиб келади*). Манти қилолмадим. Мирсафо мен билан келди.

Сайёра. А? (*Қреслога ўтириб қолади.*)

Манзура. Ундан вафо кутма. У бугун бу ерга мен учун эмас, ўша кунги тилхатни олиб кетиш учун келган экан... Сен қараб тур, ҳали сениям ўша тилхатни топиб беришга ундайди, балки аллақачон бу ҳақда сендан ҳам илтимос қилгандир. Лекин мен тилхатни бермадим. Тилхатни шундай жойга яширганман, ўзимдан бошқа одам сира ҳам тополмайди.

“Аввал Сайёрага янги кўчмас мулк олиб бер” дедим. Соат етти бўлиб қолгандир. Мен тўйга бораман. Соат ўн иккисиз келмайман. Эшик-дарвозаларни маҳкамлаб ўтир. Ақлли қиз бўлу Мирсафони эсингдан чиқар. Ўзингга муносиби топилиб қолар. (Чиқади.)

Сайёра (онаси орқасидан). Балки... (ўрнидан туриб, стол қошига боради, овқатлана бошлайди.)

Ялт-юлт кийинган Даврон оғир халтани кўтариб, юки оғирлигидан бир томонга қийшайганича кириб келади.

Сайёра (халтага ишора қилиб). Энди кераги бўлмай қолди.

Даврон. Ундай бўлса, мен кета қолай.

Сайёра. Ке, мен билан бирга овқатлан.

Даврон (Сайёранинг ёнига келиб ўтиради). Қорним тўқ. Лекин сув ичишим мумкин.

Сайёра (Давронга ишадан сув қуйиб беради). Бўш пайтларингда нима билан шуғулланасан?

Даврон. Каратэ билан.

Сайёра (атайин). Сен-а!

Даврон. Ҳа. Кучлиман ҳам, кўринишимга қараганда анча кучлиман.

Сайёра (атайин). Сен-а! Сен кучлимисан?

Даврон. Мана сенга исботи. (Сайёрани даст кўтариб, ичкарига олиб кириб кетади.)

Сайёра (Давроннинг ҳуснбузарларини силаганича). Вой, сен нима қиялсан, мени ерга тушир...

Чироқ ўчади.

Тўртинчи кўриниш

Давронларнинг ҳовлиси. Қарши томонда данғиллама иморат. Узун ва катта айвонда Аброр ва Лазокат. Лазокат қизил духоба сирилган креслода ялпайиб ўтирибди, эғнида кимхоб халат, бошида шоҳи рўмол, ироқи поча тутилган яшил лозимда. Унинг оёқлари остида — гилам тўшалган полда чўккалаганча жиккаккина Аброр хотинининг семиз-семиз оёқларини лозими устидан силаб, уқалаб ўтирибди. Даврон ичкаридан чиқиб келади. Уни кўрибди Аброр Лазокатнинг оёқларини уқалашдан тўхтайдди.

Даврон. Дада, сизга раҳмим келади, аҳволингизга бир қаранг.

Аброр Лазокатга маъноли қарайди.

Лазокат. Ўғил деган отага ҳам шундай дейдими, ярамас?

Даврон. Шу аҳволига бир қаранг.

Аброр. Менга нима қипти?

Лазокат (эрига). Сиз бир гапдан қолинг, бола билан тенг келиб бўлармиди.

Аброр. Ойиси, ўғлимиз тушмагур яна наша чекканга ўхшайди, бу валдирашлари ўшанинг касофати.

Даврон. Дада?!

Аброр индамайди. .

... Дада деяпман!

Аброр яна индамайди.

Аброр. Ҳа, нима дейсан, оқпадар!

Даврон. Мен оқпадар эмасман, мен бепадарман... Эшитдим, билиб қолдим. Мен асранди эканман!

Лазокат. Ҳаддингдан ошма, бола.

Даврон. Ойи, сиз (*дадасини кўрсатиб*) бу одамни эр деб билмайсиз, билмагансиз ҳам. Бир малай, бир хизматкор, бир мардикор деб ҳисоблаб келасиз, эшак ўрнида устига чиқиб минасиз, мана ҳозир ҳам...

Аброр. Сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Э худо, ўзинг инсоф бер.

Даврон. Мен сизларга ҳавас қилмайман, гарчи бой-бадавлат бўлсаларинг ҳам. Ҳой, ойи! Ойи деяпман, сизга!

Лазокат (*пинагини бузмайди*). Гапиравер, қулоғим сенда.

Даврон. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бу одамни эр қилиб, бу дунёдан бефарзанд ўтиб кетмасдим.

Лазокат. Сен борсан-ку, ўғлим.

Даврон. Нима қиласиз, ўзингизни беҳуда алдаб, овутиб, мен асрандиман, барибир сизларга қоним қўшилмайди, чунки қоним етти ёт бегона. Сиз ақлли хотин бўлсангиз... Ёлғиз менга қараб қолмасдингиз. Бошқа оила қуриб, бир неча ўғил-қизнинг онаси бўлиб ўтирардингиз.

Лазокат. Ҳаддингдан ошма, баттол.

Аброр (*хотинини юпатиб*). Асабланманг ойиси, юрагингиз чатоқ-ку. Ўғлимизнинг жини ўзи келиб қолибди, оғир бўлишдан бошқа чорамиз йўқ, чидашга мажбурмиз, сассиқ экан деб бурунни кесиб ташламайдилар-ку. Бу гаплар ўзининг гаплари эмас, нашанинг хуружлари. Қолаверса, бегона эмас, ўз ўғлимиз гапиряпти-да.

Даврон. Бўлмаган гап. Мен асрандиман. Мана энди бунга тўлиқ ишониб етдим.

Аброр. Сен ўғлимизсан, ўғлим. Қолаверса, ойинг билан менинг муҳаббатимиз жуда кучли, қаттиқ ҳурмат қиламиз бир-биримизни. Шунинг учун ҳам ёлғиз сен билан чекланиб келяпмиз.

Даврон. Шуми сизга ҳурмат, ҳар куни оёқларини уқалайсиз.

Аброр. Мен врачман, онанг соғлиғи учун оёғини уқалаб туриш жуда зарур.

Даврон. Бу бир баҳона... Агар айб сизда бўлмаса, Асал бувим, амакиларим сизни бу туғмас хотин билан яшатиб қўймасди, ҳа, шундай.

Аброр (*нимчорак овозда*). Войдод, войдод, э худо, қандай маломатларга қолдирдинг. (*Ерга мук тушганича, кичик-кичик муштлари билан бошига муштлай бошлайди*).

Лазокат. Бўлди қилинг, бу жинни-ку, жиннининг гапига қулоқ солиб, кап-катта одам тентаклик қилманг.

Даврон. Кўраяпсизми, дада, бу гумбаз, тепса тебранмас, бу аёл жонининг ҳузурини билади-да, шунинг учун хўппоздай семиз, ҳаммаёғини жир битиб кетган.

Лазокат. Войдод, войдод, кўясанми-қўймайсанми, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку. (*Икки сонига уриб, йиғлаб айюҳаннос солади*). Э, худо, бу кунимдан кўра жонимни олсанг бўлмайдими?!

Даврон. Мазза! Сизларга озор берсам, мен мазза қиламан, роҳатланаман. Чунки сизлар мени бахтсиз қилиб қўйгансизлар. Чунки сизлар мени асраб олмасангизлар, агар ота-онам тайин кишилар бўлса, оддий турмуш кечирсам-да, улар бағрида униб-ўсардим, ўз ота-онам

тарбиясида бетаъна, бегараз ўсардим. Ёки бўлмаса, ташландиқ бўлсам, гўдаклигимдаёқ ўлиб кетардим ёки бўлмаса, шунга қараб шаклландим, кўрпамга қараб оёқ узатардим. Лекин сизлар менинг бахтсизлигим, қалбим нотинчлиги эвазига ўз бахтингизни қургансизлар, яъни ота-онам бўлиб олгансизлар. Лекин бу сохта ном. Киши ўзи туғмагунча ҳақиқий она, ўзи туғдирмагунча ҳақиқий ота бўлолмайди, бошқаси пуч. Сизларнинг оилангиз пуч, чунки ёлғонга қурилган.

Аброр. Ойиси, бу – ўғлимизнинг гапимас, шайтоннинг васвасалари.

Даврон. Э, худо, кўраяпсанми, яна ёлғон гапираяпти, бефарзандлигини тан олишни истамаяпти.

Лазокат. Бўлди, бас қил!

Даврон. Бас қилмайман.

Аброр. Нима, бизларни ўлдириб қутулмоқчимисан?

Лазокат. Хўш, нима қилсак, сен тинчийсан?

Даврон. Ўз ота-онам кимлигини айтасизлар, бориб кўраман, кимлигини биламан, кейин сизларга ҳақиқий, маънавий фарзанд бўламан. Балки отам кимлигини энди билиб бўлмас. Лекин туққан онам бўлиши керак. Кимдир тўққиз ой қорнида кўтариб юрмаса, вақти-соати келгач, туғмаса, мен дунёга келмасдим-ку. Ўша кимдирни мен билишим, гаплашишим керак, агар ўлган бўлса, қабрини зиёрат қилишим керак. Шундан кейингина тинчийман.

Лазокат. Дадаси, ўғлимизнинг миясига бир шубҳа ўрнашиб қолибди. Бир ўқитиб ташлаш керакка ўхшайди катта домлаларга.

Аброр. Буям керак. Лекин ўғлимиз ўн саккиздан ошди, уйлантириш керак. Давоси шу.

Лазокат. Қанийди.

Аброр. Бу ҳақда маҳалла катталарига оғиз очган эдим, жуда маъқуллашди. Маслаҳатлашгани ҳали замон кириб келишса ажабмас.

Даврон. Маҳалланинг еб тўймас, довдир-совдирлари нима қилади бу ерда?

Аброр. Яхши-яхши одамларнинг қизларини келинликка далолат қилишади, кейин амма-холаларинг совчи бўлиб боришади, энг маъқулини танлашади, сен учрашувларга чиқасан, кимни ёқтирсанг, ўша билан унашамиз. Агар келин томон ҳадеганда рози бўлавермаса, казо-казо одамларни ўртага қўямиз, улар кафолат беради, кўндиради. Тўйимиз юришиб кетади.

Даврон. Мен учун бировлар ўртага тушмасин. Ўзимга тегишли масалани ўзим ҳал қиламан.

Лазокат. Лекин уйланишда обрўли, катта-катта одамлар ўртага тушмаса, кафолат бермаса, ҳеч ким сенга қизини бермайди, ҳа, буёғи ўзбекчилик.

Даврон. Ўзим топаман.

Лазокат. Қанийди! Ўзинг топ, биз рози.

Даврон. Мен ҳозир уйланмайман.

Лазокат. Нега?

Даврон. Аввал ўқишим битсин.

Лазокат. Яна тўрт йил кутолмаймиз, замон нотинч, қалқиб турибди, нарх-наволар кун сайин ўзгармоқда, эртага нима бўлади, билмаймиз. Сен учун, сенинг тўйинг учун йиққан нарсаларимиз,

маблағимиз қадр-қимматини йўқотмай туриб, сени уйлантириб олайлик. Ўқишинг эса бўлаверади. Уйда сени кутиб ўтирган хотининг бўлгач, уйга шошиласан, ярим кечагача изғиб юришларинг барҳам топади, дарс қилишга шароит ошади. Қолаверса, энди мен уй юмушларига чарчаб қоляпман, ўғлим.

Аброр. Ўғлим, онангни ҳам ўйла, унга ёрдамчи керак.

Даврон. Сенларга келин эмас, хизматкор керак, оёқ уқаловчи керак. Битта уйда битта уқаловчи бўлса етади.

Лазокат. Йўқ, ўғлим, келиним фақат сенга қарайди. Мен келинимни бошимга қўяман. Ясантириб, безантириб, олдимга солиб қариндошларимникига олиб бораман, улар келингинамга қимматбаҳо кўрманалар беришади.

Аброр. Илоё, ўша кунларга тезроқ етайлик. *(Фотиҳа ўқийди).*

Лазокат. Келинни ўзимиз топамиз. Албатта, ўзинг ҳам кўрасан.

Даврон. Менга ёқмаса-чи?

Аброр. Бири ёқмаса, бошқаси ёқади.

Лазокат. Сиз аралашмай туринг...

Даврон. Ўзим ёқтирганим бор.

Аброр *(севинчдан қарсак чалиб юборади).* Урра-ей!

Лазокат. Вой онагинанг сендан ўргилсин, тилингга шақар, тилингга асал. Сен кимни маъқул кўрсанг, ўшанга уйлантирмаган номард.

Аброр. Ойиси, сиз учун ҳам яхши. Мушкулингиз осон бўлибди, қиз қидириб кўчама-кўча санғиб юришдан қутулибсиз. Хўш, кимнинг қизи у? Отаси ким?

Лазокат. Онаси ким?

Даврон. Билмадим.

Лазокат. Ҳечқиси йўқ. Сен билмасанг, ўзимиз билволамиз. Хўш, ўқийдимми, ишлайдимми?!

Даврон. Ишлайди.

Аброр. Истаса, ўзимиз ўқитиб олаверамиз. Ёшгинами?

Даврон. Сизга нима? Уйланадиган мен-ку!

Аброр. Бир сўрадим қўйдим-да. Узр.

Лазокат. Сиз аралашмай тура қолинг, дадаси. Бу сафар ўғлимизнинг одамлари кўпроқ сизни ёмон кўрсатиб келганга ўхшайди...

Даврон. Ёшини билишни истасангиз, гап шуки, у мендан икки ёш катта.

Аброр. А?

Лазокат. Ҳовлиқмай кетинг-ей... Ўзидан каттага уйланиш Муҳаммад пайғамбаримиз ҳазратларидан суннат. Мен рози.

Аброр *(шошилиб).* Мен ҳам рози.

Даврон. Сизлар рози бўлсангиз ҳам, рози бўлмасангиз ҳам менинг айтганим бўлади.

Лазокат. Жуда тўғри. Албатта, сенинг айтганинг бўлади.

Даврон. Ундан кейин у қиз бола эмас, жувон.

Аброр. А? Эрга тегиб чиққанми? Ёки эри ўлиб ёш бева қолганми?

Даврон. У эрга тегмай туриб... шунақа бўлиб қолган экан.

Аброр яна гапирмоқчи бўлганида Лазокат эрининг оғзини тўсади.

Лазокат. Буниям ҳечқиси йўқ. У билан яшайдиган сен. Никоҳ ўқитганидан кейин хаппихалол бўлиб кетади. Қолаверса, ҳазрат Муҳаммад

пайғамбаримиз ҳам дастлаб жувон хотин бўлмиш ҳазрати Хадича онамизга уйланганлар.

Аброр. Кўраяпсанми, ўғлим, онанг ҳажга бориб ҳам табаррук бўлиб, ҳам диний билимини ошириб, Ҳожiona бўлиб қайтди. Уни ҳурмат қилсак, савоб бўлади.

Лазокат. Севганинг манзилини айт, ўғлим, мен ҳозироқ совчи бўлиб борай.

Даврон. Сайёра ҳозир эрга тегмоқчи эмас.

Аброр (*ҳовлиқиб*). Оти Сайёрами! Исми чиройли экан, ўзиям чиройли бўлса керак.

Даврон (*ойисига*). Сайёранинг идеаллари, яъни орзулари кўп экан. Аввал ўша орзуларига эришмоқчи, булардаг бири оламга машҳур бўлмоқчи. Ана ундан кейин, менгами, бошқасигами расман эрга тегмоқчи. Ҳозирча эса мен таклиф қилсам бўш пайтларида бу уйимизга келиб, дала ҳовлимизга ҳам бориб, ётиб кетаверади. Мен ҳам уникага бориб келавераман. Орамизда тўла эркинлик. Сайёра жуда замонавий аёл.

Лазокат. Биз-ку сиз ёшларни тушунамиз, ўғлим. Лекин биз ўзбекмиз, мусулмонмиз, мусулмонобод маҳаллада турамиз, буёғи ўзбекчилик. Агар сен ўйлагандек бўладиган бўлса, эл-юрт маломатига қоламиз-ку, ўғлим.

Даврон. Бунинг мен учун аҳамияти йўқ.

Лазокат. Ахир, одам якка яшамайди, атрофдагиларнинг раъйига қарашга мажбур.

Даврон. Ундай бўлса, мен Сайёраларникига мутлақо бош олиб кетаман.

Лазокат. Ҳай, ҳай, бундай хаёлни миянгдан бутунлай чиқариб ташла. Сендан бошқа бизнинг кимимиз бор, ўғлим.

Аброр. Шуни айтинг, ойиси.

Лазокат. Жим туринг-ей...

Аброр. Узр. (*Бўйинини хам қилади*).

Лазокат. Ўғлим, агар сен уйдан кетиб қолсанг, мен гўристонга равона бўламан, бу ерда мен сенсиз туролмайман, сенсиз бу ер мени ютади. Биргина сенга қараб қолганман, ўғлим.

Даврон. Ойи, менинг таклифимни бир ўйлаб кўринг. Агар Сайёранинг келиб-кетиб туришига рози бўлмасангиз, мен уникага батамом кетаман. Сизларга бир соат муҳлат. Сизларнинг асосий хатоларингиз шундаки, менинг асранди бола эканимни мендан яширмай, менга тарбия беришингиз керак эди, шунда ҳақиқий маънавий ўғлингиз бўлиб етишардим. Ёлғон аралашдими, тарбия тамом. (*Ичкари хонага кириб кетади*).

Меливой билан Мирсафо кириб келишади.

Меливой. Мулла Аброр, шу ердадилар, иним! Қочадиган одам йўқми?

Мирсафо. Қочадиган одам қоптими ҳозир.

Меливой (*Мирсафого*). Бир айтдим-қўйдим-да.

Аброр. Келинглар, келинглар! Ассалому алайкум!

Лазокат. Ие, ие, Мирсафомилар! (*Эрига*). Бизлар эски ҳамкасабалармиз. (*Мирсафо ва Меливойга*). Хуш келибсизлар. Ассалому алайкум.

Ҳаммалари қўл олишиб кўришадилар.

Меливой. Ваалайкум ассалом! Яхши ўтирибсизларми?

Мирсафо. Ваалайкум ассалом! Тўй дарагини эшитиб келавердик.

Лазокат. Жуда яхши қилибсиз, марҳамат қилинглар. *(Стол атрофига таклиф қилиб, ўзи бўш чойнакни олиб, ўчоқбоши томонга кетади).*

Аброр, Мирсафо ва Меливой стол атрофига ўтиришади.

Меливой *(фотиҳага қўл очиб).* Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм! Қадам етди, бало етмасин, ўтирган ўрнимиз баланд бўлсин, Аллоҳ таоло ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин, икки дунёмиз обод бўлсин, Яратган эгамнинг ўзи ҳамиша ёрлақасин, ўт балоси, сув балоси, кўринар-кўринмас балолардан, куруқ туҳматлардан, ногоҳоний фалокатлардан асрасин, билиб-билмай қилган гуноҳларимизни ўзи кечирсин, шу хонадонда тўй устига тўйлар бўлаверсин, омин Аллоҳи акбар!

Фотиҳа ўқийдилар. Бу орада Лазокат чойнак олиб келиб, фотиҳага қўшилади, кейин меҳмонларга чой қуйиб беради.

Мирсафо *(чойдан хўплав, уёқ-буёққа боқиб).* Зап тўй қиладиган ҳовли бўлибдими! Камида минг киши сифса керак.

Лазокат. Бир минг икки юз киши ҳам сифса керак. Иморатсиз ўн икки сотих бор-да ҳовлимизнинг сатҳи.

Меливой. Маҳалламизда бой-бадавлат кишилар қанча кўпайса, шунча яхши, кўни-қўшниларга нафи тегади. Мирсафо Довудбоевларнинг ҳовлиларини сотиб олди.

Лазокат. Учала ҳовлини ҳамми?

Мирсафо. Учаласини ҳам олдик. Лекин ери учун олдим. Иморатларининг путури жуда кетиб қолган. Ҳаммаёғини шиптир босиб кетган. Бульдозер билан сурдириб ташлайман.

Меливой. Локин анча-мунча пишиқ Қишт чиқади.

Мирсафо. Пишиқ ғиштни ажратиб ўтиришга вақт қаёқда. Иморатни уч қаватли қилиб қурдираман, юз кунда пардоздан ҳам чиқариб, ичига кўчиб кираман. *(Лазокатга.)* Ҳозир катта, чиройли ҳовлиларга кириб, ўзимча лойиҳа тузиб юрибман.

Аброр. Бизнинг ҳовлимиз, иморатимиз қалай, ёқдими сизга?

Мирсафо. Чаккимас. Ўрнак олса бўладиган жойлари бор экан. *(Меливойга.)* Хўш, энди қайтамизми?

Меливой. Ахир, тўй маслаҳатига кирдик-ку.

Мирсафо. Ҳа, айтгандай шундай-а, сал қолса эсдан чиқай дебди.

Меливой. Хўш, сизларни мен биламан. Бутун эл-юрт ҳам билади. Бир томондан кимсан Юнусовлар бўласиз, иккинчи томондан эса Мансуровлар бўласизлар. Таги-тахтли, зоти тоза одамларсиз. Орзу-ҳавасга жуда ўч кишиларсиз. Ўғилли бўлганингдан буёққа орзу-ҳавас кўриш ниятидасан. Шу ниятингни дилиннга тугиб келяпсан, тўғрими Аброржон?

Лазокат *(эри учун жавоб беради).* Тўппа-тўғри.

Меливой. Ўамкасабаларинг, оғайниларинг, қолаверса, маҳалла-кўй олдида қарздорсан ҳам. Эл-юртнинг сенга ўтказиб қўйгани бор. Кунда, кун ора маҳаллага наҳорги ошга чиқиб турасан.

Лазокат *(эри учун жавоб беради).* Тўппа-тўғри.

Меливой. Обрўйинг катта.

Лазокат *(эри учун жавоб беради).* Жудаям катта.

Меливой. Тағин шунча йиллик обрўйинг келиб-келиб ўғлинг балоғатга етганида бир пул бўлиб қолмасин, дейман.

Лазокат *(эри учун жавоб беради).* Худо кўрсатмасин.. Обрўйимиз ўғлимиз туфайли янада ортиши керак.

Мирсафо. Шунинг учун ўғил-қиз ўстиради-да. (*Айвоннинг у бошидан бу бошига бориб, ҳовлини кузатади, ўзича режалар тузади*).

Меливой (*Лазокатга*). Бунинг учун зўр жойга қуда бўлиб, тарақлатиб тўй қилиш керак. Душманлар куйиб кул бўлсин, дўстлар қувониб яйрасин.

Лазокат. Бизниям ниятимиз шундай. Лекин...

Меливой. Нима лекин?

Лазокат эрига “Сиз гапиринг” дея буйруқ қилади.

Аброр. Ўғлимнинг ўз топгани бормиш. Лекин топгани бизга ёқмай турибди.

Меливой. Ўғлинг бекорларни айтибди, хом ўйлабди. Менинг “Ибрат” маҳалламда ота-онасига ёқмаган қизга уйланишини хаёлига келтирган йигит бўлмаслиги, бўлса, яшамаслиги, маҳаллани бўшатиб қўйиши керак. Қирқ йиллик ҳаётини тажрибам шуни кўрсатдики, ўзи топиб уйланганларнинг ўндан тўққизтаси ўз турмушидан рози эмас, айниқса, ёши элликдан ошгач, турмушдан нолигани-нолиган, эри хотинини ёмонлайди, хотини эса эрини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ, агар уларни уй-жой, бола-чақа, ўғил-қиз, қуда-андалари, хуллас, эл-юртнинг маломатига қолиш андишаси ушлаб турмаганида, бир кун ҳам бирга яшамасдилар. Шунинг учун келин, куёвни ёшлар эмас, турмуш қурадиганлар эмас, турмушни қуриб, оилани яратиб берадиган ота-оналар топишлари керак. Чунки ёшларда эҳтирос кучли бўлиб, ақл-фаросат, узоқни кўзлай билиш етишмайди. Биз, ота-оналар эса ақл билан иш тутамиз. Сен, иним Аброржон, сиз, келиним Лазокатхон, шундай жойга қуда бўлингки, ўзингиздан кам бўлмасин, келиннинг бир томони кемтик бўлмасин, яъни ҳам отали, ҳам онали бўлсин, бағри бутун бўлсин, серуруғ бўлса, бувалари, бувилари, катта бувиларигача бўлса, амакилари, тоғалари, холалари, аммалари қанчалик кўп бўлса, шунча яхши, бу сизларга ҳам, қолаверса, “Ибрат” маҳалламизга ҳам обрў, доврў келтиради. Ана шунда фақат тўйнинг ўзигина эмас, балки тўйдан кейинги куёв чорлар, қуда чақириқлар ҳам файзли ўтади. Умуман, серуруғлик яхши кунларда ҳам, ёмон соатларда ҳам асқотади, қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди. Қариндош-уруғлари кўп ва бақувват оилаларга одамлар ҳам ўйлашиб муомала қилади, унча-бунчага туртиб-суртиб кетмайди, ҳайиқади.

Мирсафо. Меливой ака, чинданам ичимсиз, худди мен қандай ўйласам, сиз ҳам шундай фикрлайсиз. Шунинг учун ҳам сизни қора тортиб “Ибрат”дан ҳовли қилаяпман-да. Бошқа маҳаллаларда ҳовли-жойим бўлса-да, “Ибрат”даги иморатим битгач, шу ерга кўчиб келиб, сизнинг қўл остингизда яшайман. (*Аброр ва Лазокатга.*) Сизлар қандай бахтли одамсизлар-а, шундай раисингиз бор. (*Меливойга*) Энди қайтайлик.

Меливой. Шошилманг, ҳали ишни пиширганимиз йўқ-ку. (*Аброрга*) Ўғлингга айт, “Ибрат”да яшайдиган бўлса, сенлар топадиганга уйлансин. Бўлмаса тўрт томони қибла... Ўғлинг топганини суриштирдингми?

Аброр. Ўғлимнинг айтишича, жувон экан.

Меливой. Ие, аттанг. Эрдан ажраган эканми?

Аброр. Йўқ.

Мирсафо. Эри ўлиб ёшгина бева қолган эканми?

Аброр. Йўқ, кимдир биров бузиб қўйган экан.

Мирсафо. Ҳа, онангни... Шунақа аблаҳлар қўлимга тушсами, чатаноғини мана шундай қилиб, икки томонга йиртиб ташлардим. Гулдек қиз болаларни уларнинг келажагини ўйлаб ўтирмай бузиб қўювчиларни отиб ташлаш керак. Менга қолса, шундай қонун чиқарардим.

Меливой. Аброр, иним, ўғлингга яхши тарбия беролмаганга ўхшайсан.

Аброр. Нега, нега бундай дейсиз, Меливой ака?

Меливой. Ахир, унга ўзбекча тарбия беролмабсан-да. Биров заха қилиб ташлаган салқитга кўнгли чопган йигитни ўзбек йигити деёлмайман.

Мирсафо. Мен ҳам шундай фикрдаман. Йигитлик ғурури борми ўзи ўғлингизда!

Аброр. Бу замоннинг боласи-да.

Меливой. Ҳай, ҳай, Аброр, замонамизга тил тегиза кўрма. Замонда нима айб. Ҳамма айб ўғлингга тўғри тарбия беролмаган ўзингизда. Дидини паст қилиб, қиз бола билан жувон хотиннинг фарқига боролмайдиган қилиб ўстириб қўйибсан-ку. Хайф сенга, иним.

Мирсафо. Мен уйланмаган йигит бўлсам, икки дунёда ҳам, бошимдан зар сочганда ҳам, катта амал ваъда қилганида ҳам жувон хотинга уйланмаган бўлардим. Бир йигит умрида ҳеч бўлмаса бир марта қизга уйланиб, йигитлигини исботлаши керак.

Меливой. Аброр, гап фақат сенинг ўғлингга эмас. Биз юрт катталари халқимиз келажагини ўйлашимиз керак. Бугун сенинг ўғлинг жувонга уйланса, қиз билан жувоннинг фарқига бормаса, эртага, худо кўрсатмасин, менинг неварам шу йўлдан борса. Индинга Мирсафонинг укаси, худо кўрсатмасин шу йўлни тутса. У ҳолда бора-бора қизлардан ифбат талаб қилинмай қўйилади. Ўйлаб кўр, қандай даҳшат-а. Ўзбекни ўзбек қилиб турган, йигитларимизни йигит, қизларимизни бокира қилиб турган, қўйди-чиқдини камайтириб турган яхши одатимизга пугур етади-ку, ахир. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Аброржон, иним, агар сен ўғлингни жувон хотинга уйлантирадиган бўлсанг, тўйингга аралашадиган одам йўқ. Бор, қаёққа борсанг, боравер, ҳовлингни сотиб, “Ибрат” маҳалласидан кўчиб кет.

Мирсафо. Мен беҳабар қолмай, ҳовлингизни ўзим сотиб оламан.

Лазокат. Меливой ака, келинимизнинг жувонлигини ким билиб ўтирибди, ўғлимиз талаб қилганидан кейин, ёпиқлик қозонни очмай тўй қилаверсак-чи? Ҳўш?

Меливой. Аввало, мен билиб туриб, бундай номаъқулчиликка розилик беролмайман, виждонимга қарши боролмайман, халқнинг энг муқаддас қадриятини, анъанасини оёқости қилолмайман. Қирқ йиллик маҳалла раислигим, эл-юртнинг менга ишончини топтаган бўламан. Иккинчидан, ўзларингнинг ҳам хабарларинг бордир, келин билан куёвнинг қўшилиш кечасида маҳалла хотин-қизлар кенгашининг вакиласи ҳам келин янга, куёв янга қаторида маҳалла янгаси сифатида гувоҳ бўлиб қатнашади. Бизнинг “Ибрат”да ўттиз йилдан бери шундай тартиб жорий қилинган. Ҳа, шунинг учун ҳам, бизнинг маҳаллага дуч келган одам қизини узатавермайди, охирини ўйлаб, эл-юрт олдида шарманда бўлмаслигига кўзи етса, қиз беради. Биз ҳам дуч келган жойдан қиз олмаймиз. “Ибрат” – энг аввало поклик-софликда ибрат!

Мирсафо. Нақадар гўзал одат-а! Шундай маҳалладан ҳовли қилаётганимдан бахтиёрман. Меливой ака, менга жой олишни далолат қилганингиз учун ўла-ўлгунимча сиздан миннатдорман.

Меливой. Ўзбекчилик ривожига ривож қўшсангиз бўлгани.

Мирсафо. Албатта, албатта! Уйим битгач, “Ибрат”да жоме масжид қурилишини бошлатиб юбораман, масжид қошида никоҳхона ҳам бўлади.

Меливой. Иншооллоҳ!

Лазокат эрига “Ҳа, гапиринг” ишорасини қилади.

Аброр. Нима қилайки, ёлғиз ўғлим, ўта қайсар. Гапига унашга мажбурман, Меливой ака.

Меливой. Йўқ, ўғлингни бемаза ниятидан қайтар.

Аброр. Қайтаролмайман. Юрагидан урибди, шекилли.

Меливой. Юрагидан урган ўғилнинг кулоқ чаккасига тортиб-тортиб юбориш керак. Ана ўшанда ўкили жойига тушиб, мулла минган эшшакдек юввош тортиб қолади.

Лазокат. Бирор йўли бормикин?

Меливой (*ўйланиб тургач*). Чамаси бир йўли борга ўхшайди. Ўғлингни буёққа чақир.

Аброр (*ён томонга қараб*). Давронжон, ўғлим, бу ёққа чиқ!

Авалло эстрада қўшиғи эшитилади, кейин жажжжи япон магнитофонини кўтариб, Даврон чиқиб келади.

Даврон (*магнитофондаги қўшиқни ўчириб, суҳбатни лентага ёзиб олишга созлайди, буни ўтирганлар сезмайди*). Ассалому алайкум.

Меливой. Ваалайкум ассалом... Давронжон, бу Мирсафо аканг бўлади, маҳалламизга кўчиб келаяптилар.

Даврон. Яхши.

Меливой. Давронжон, ўғлим, даданг Аброржоннинг, онанг Лазокатбонунинг, амакиларинг, тоғаларинг, бутун Юнусовлару Мансуровларнинг ҳурмати, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир йўлини топдим. Юрт устида юравергач, кўзинг пишиб, ақлинг пешланиб, тажрибанг ошиб, корафта бўлиб, тадбиркор бўлиб кетар экансан, киши.

Аброр. Қирқ йил маҳаллага раислик қилибсиз-у, сиз корафта бўлмай ким корафта бўлсин. Ўз соҳасининг академиги деса ҳам бўлади сизни.

Меливой. “Маҳалла” жамғармаси ўз халқ академиясини тузмоқчи деб эшитдим. Тузилса, мени биринчилар қатори академик қилиб сайлашса ажаб эмас.

Аброр. Иншооллоҳ!

Меливой. Давронжон, ўғлим, менга бир фикр келди: сени аввал моҳипора, онаси ҳам ўпмаган бир қизга уйлантирамиз.

Даврон. Мен Сайёрадан бошқаси билан яшамайман.

Мирсафо. А, оти Сайёрами?..

Меливой. Давронжон, сен шошилмай гапимни охиригача эшит. Кейин шунга қараб иш тут. Фақат номига уйланасан, фақат бир кечагина келин билан бирга бўласан.

Мирсафо (*ўзича*). Бир кеча...

Даврон. Хўш, ундан кейин?

Меливой. Авваламбор, катта тўй қилиб, ота-онангнинг орзу-ҳаваси ушалади, қолаверса, “Ибрат” маҳалласининг шаънига доғ тушмайди, маҳалла янгасининг имтиҳонидан ҳам ўтасан.

Даврон. Булар мени заррача қизиқтирмайди. (*Кетмоқчи бўлади*).

Меливой. Шошма. Гапимни охиригача эшит. Тўйдан кейин, орадан икки-уч ой ўтгач, биз уйлантирган хотинингнинг жавобини берасан. Сўраганларга мурасаси келишмади, деб қўя қоламиз. Кейин севганинг билан топишасан.

Аброр. Мана шуни масалани радикал ҳал этиш деса бўлади, яшанг, Меливой ака.

Даврон (*Меливойга*). Амаки, мени кимнинг қизига уйлантирмоқчисиз?

Меливой. Буёқини менга қўйиб беравер...

Даврон. Олиб берган хотинингиз ажрашмайман деб туриб олса-чи.

Меливой. Нега ажрашмас экан, ҳар ким севган ошини ичади. Сенга диёнатли, жанжалдан етти чақирим йироқ юрадиган, ишонувчан, тақдирга тан бериб, ҳамма-ҳаммасини Аллоҳдан деб биладиган содда одамнинг соддагина қизини топамиз.

Мирсафо. Ҳозирги замонда шундай одамнинг ўшандай қизи топилармикин!

Меливой. Юртчилик. Топилади. Кейин қарсиллатиб гижбадабанг тўй қиламиз. Даданг эл-юртга наҳорга ош беради, азиз меҳмонларга тўн кийдиради. Чайкаю Лимузинларга тушиб, йигирма-ўттизта машина бўлиб, ЗАГСга борасизлар, кечқурун “Наврўз”да никоҳ базми, тонготар ўйин-кулги, пул қистир-қистир бўлади...

Аброр. Артист зотининг тўйга юрадиганини ҳам, тўйга юрмайдиганини ҳам таклиф қиламиз, устларидан пуллар сочамиз, доллар қистирамиз.

Меливой. Шундай қилсанг арзийди, ахир дунёга келиб биринчи қилаётган тўйинг. (*Давронга*). Ота-онанг сенинг тўйинг баҳона эл-юрт қарзини узиши керак, акс ҳолда қиёмат қарзи бўлиб гарданида қолади. Тўйларда ўтиб қолган қарзни фақат тўй орқали узиш мумкин, бошқа йўли йўқ. Масаланинг бу томонини ҳам ўйла-да, ўғлим. Агар бошқа ака-укаларинг бўлганида, сени бу борада эркин қўйишим мумкин эди. Афсуски, сен ёлғизсан.

Даврон. Барибир мен Сайёранинг олдидан ўтишим керак, кейин шунга қараб сизларга жавоб қиламан.

Меливой. Албатта ўтасан.

Даврон. Олиб берадиган хотинингиз судда ажрашмайман деб туриб олса-чи?

Меливой. Кўплаб суд мажлисларини кўрганман. Энг қулай, энг оммабоп ажрашиш усули шуки, судда “Хотинимга кўнглим йўқ” дейсан, “Оғзидан сассиқ ҳид келади”, “Кўлтиқлари терлайди” десанг, олам гулистон. Керак бўлиб қолса, ойингга шундай топшириқ бераманки, у шундай қайноналик қилсинки, келиннинг ўзи безор бўлиб, ўзи талоқ қилишингни талаб қилади. Ўа, сен тўйга рози бўлсанг бўлгани, қолганини менга қўйиб беравер, ўғлим. Одамлар қурби етса, жойи бўлса, емишига чидаса, уйда от сақлайди, сигир соғиб сутини ичади, қўй боқиб кўпайтиради. Аброржон, Лазокатбону, ўйлайманки, битта келинни икки-уч ой сақлай оларсизлар. Келинчак дегани беминнат хизматкор, текин чўри дегани-ку. Сен, Давронжон, улангач, янада эркин бўласан, ота-онанг ҳадеб ички ишларингга аралашавермайди, кўп тергашга ҳаққи ҳам қолмайди, чунки хотининг бор, мустақил шахсан. Мазза қилиб айшингни суриб юраверасан.

Даврон. Сайёра...

Меливой. Яна Сайёра дейсан-а! Сайёранг ҳозирча запасда тура туради.

Аброр (*чапак чалиб юборади*). Яшанг, Меливой ака! Чиндан ҳам тадбиркор бўлиб кетибсиз. Бор, ўғлим, уйдан икки тўн олиб чиқ.

Даврон магнитофонни кўтарганича ичкарига кириб кетади.

Лазокат. Энди кимга куда бўламиз?

Меливой. Мен бугун тунда тўй дафтарини кўрай-чи, эртага телефонда айтаман.

Мирсафо (*Аброрга пул беради*). Бу мендан сизга тўёна. Икки юз эллик доллар. Миқдорини айтганим учун ажабланманг. Одатим шуки, пул берганимда қанчалигини айтаман, пул олганимда албатта ўша заҳотиёқ санаб кўраман.

Даврон иккита тўн кўтариб айвонга чиқади.

Лазокат. Асл тижоратчи шундай бўлади-да.

Аброр. Бу хамир учидан патир. (*Битта тўнни Меливойга, иккинчисини Мирсафога кийгизади*).

Меливой. Ишимизни Аллоҳнинг ўзи ўнглисин. Омин, Аллоҳу акбар!
Ҳамма фотиҳа ўқийди.

Чироқ ўчади.

Бешинчи кўриниш

Манзуранинг квартираси. Биринчи кўринишдаги манзара. Зал. Манзура, Сайёра, Даврон диван ва креслоларда ҳордиқ чиқариб ўтиришибди. Даврон гапини тугатаётганида нарда очилади, унинг қўлида ўша кунги магнитофон.

Даврон. ...Уйимда бўлган гап шу. Биласизлар, мен ёлгон гапирмайман. Гапимнинг исботи учун, мана, магнитофон кўйиб бераман, эшитинглар.

Манзура. Шартмас... Сенга ицонамиз, ўғлим. Шу, рост гапирганинг учун ҳам менга ёқиб қолдинг. Бўлмаса, бу уйга қадамингни бостирмасдим.

Сайёра. Ойи, Даврон магнитофонни кўяверсин, менга қизин-да...

Манзура. Ўа, майли.

Даврон магнитофонни қўяди.

Меливойнинг овози... Давронжон, ўғлим, менга бир фикр келди: сени аввал моҳипора, ойиси ҳам ўпмаган бир қизга уйлантирамыз.

Давроннинг овози. Мен Сайёрадан бошқаси билан яшамайман.

Манзура. Яшавор ўғлим! (*Сайёрага*). Мардлик мана бундай бўлибди!

Мирсафонинг овози. А, оти Сайёрами?

Манзура. Билиб туриб сўрайди-я, туллак.

Меливойнинг овози. Давронжон, сен шошилмай гапимни охиригача эшит. Кейин шунга қараб иш тут. Фақат номига уйланасан, келин билан фақат бир кечагина бирга бўласан.

Мирсафонинг овози. Бир кеча...

Давроннинг овози. Хўш, ундан кейин?

Меливойнинг овози. Шошма, гапимни охиригача эшит. Тўйдан кейин, орадан икки-уч ой ўтгач, биз уйлантирган хотинингни кўясан-у, севганинг билан топишасан.

Давроннинг овози. Барибир мен Сайёранинг олдидан ўтишим керак. У нима деса шу.

Даврон магнитофонни ўчиради.

Манзура. Ўғилгинамдан ўзим айланай. (*Қизига*). Сен Лайлию бу Мажнун.

Сайёра (*Давронга, кесатиб*). Бир кечалик куёв.

Манзура. Сайёра, Давронжон чиндан ҳам сенга садоқатли экан. Мен тўла ишонч ҳосил қилдим. Энг муҳими шу. Бунинг қадрига етишимиз керак. Айниқса сен. Давронжон, қизим сеники. (*Ўз кўксига чапаниларча бир уради*). Гап тамом... Сайёра, биз Давронжон билан машинасида бир жойга бориб келамиз. Давронжоннинг ҳайдаши менга ёқиб қолди, силлик ҳайдайди, одамни ортиқча уринтирмайди, қанча минсанг ҳам чарчамайсан, киши.

Сайёра. Яна бизнесми?

Манзура. Ҳа, қизим, яна бизнес. Эртага нима бўлади, ҳеч ким билмайди, ҳозир йўли очиқлигида ишлаб қолиш керак. Юра қол, Давронжон. (*Чиқади*)

Сайёра (*Давронга*). Ойимнинг шахсий шофёри бўлиб қоляпсан.

Даврон. Нима қилай?

Сайёра. Кейин айтаман. Ҳозир бора қол.

Даврон. Эшикни қулфлаб ўтир.

Сайёра. Ўзимни қулфлаб ўтираман... Рашкчи бўлма, мен рашкчиларни жуда ёмон кўраман.

Даврон. Жонинг қўлимда, буни билиб қўй, бир бошга бир ўлим. Яна шуниям яхшилаб билиб қўйки, бепадарлар узоқ яшамайди. Сен ҳам, мен ҳам.

Сайёра. Жиннилик қилма, ойим кутиб қолди, бора қол.

Даврон. Мен қайтиб келаман, ойинг балки бирор жойда тунагани қолар. (*Магнитофонни кўтариб чиқади*).

Сайёра (*ўзича*). Бошга битган бало бўлди-да, бу саплак. Орадан кўтариб ташлаш керак, бўлмаса менга тинчлик бермайди.

Башанг кийинган Мирсафо виқор билан кириб келади. Уни кўриб Сайёра ял-ял ёниб кетади, азбаройи севинганидан ирғишлаб, чапак чалиб юборади.

Сайёра. Мирсафо ака! (*Югуриб бориб, Мирсафонинг бўйнига осилади, юз-кўзларидан, бўйниларю елкаларидан, кўкракларю қўлларидан эҳтирос билан ўпиб, ўпиб ташлайди, кейин кўксига бош қўйиб жим қолади*).

Мирсафо аввалига ҳайкалдек қотиб туради, кейин Сайёранинг ҳарорати вужудига ўтиб, унинг сочларидан аста силайди .

Сайёра (*эсига тушиб қолиб, Мирсафо қучоғидан шартта чиқиб, тисарилиб*). Исминни билмай қолибсиз?

Мирсафо. Нималар деяпсан? Тушунтириброқ айт.

Сайёра. Оти Сайёрами дебсиз.

Мирсафо. Ҳа, ҳа, эсимга тушди, бир эски қадрдоним билан ўша сенинг мишиқингникига кириб қолибмиз. (*Сайёрани бағрига тортиб, белидан қучади*). Шу дегин...

Сайёра (*гапни бўлиб*). Биринчидан, Даврон меники эмас. Ойимга мисоли бир хизматкор бўлиб юрибди.

Мирсафо. Сенинг илинжингда.

Сайёра. Тўғри... Иккинчидан, Даврон мишиқи эмас, қаратэчи экан. Мени жуда ёқтириб қолган. Ўта рашкчи. Шу туришимизда кўрса иккимизни ҳам ўлдириб қўйиши мумкин.

Мирсафо (*жулиб*). Миллионер Мирсафо икки қўлини қовуштириб қараб тураверар экан-да. Унинг ҳимоя воситаси ҳам бор. Мана. (*Қўйнидан револьвер олиб кўрсатади, кейин яна ёнига солиб қўяди*). Сира кўрқма, жоним.

Сайёра. Барибир Давронни орадан олиб ташлаш керак.

Мирсафо. Буниям вақти келиб қолар...

Сайёра. Янги ҳовли сотиб олибсиз, менгами?

Мирсафо. Буниси биринчи хотинимга. Сенга ўрикзор томондан олиб бераман... Вей, менга қара, мишиқинг ҳамма гапни келиб сенга етказибди-да, зўр чақимчи чиқиб қолди-ку.

Сайёра. ўша суҳбатни магнитофонга ёзиб олган экан, опкелиб қўйиб берди.

Мирсафо. Мен шохида юрсам, у баргида юрадиган устаси фаранг, ишни пухта қиладиган экан, бўлди, бугундан бошлаб уни мишиқи демайман. Ўз йигитларим даврасига кўшсам арзир экан.

Сайёра. Унда мен даврангиздан чиқишим керак бўлади-ку.

Мирсафо. Масаланинг бундай нозик томони ҳам бор. Айтгандай, ўша суҳбат ёзилган лентани нега энди сенга қўйиб берди.

Сайёра. Менга садоқатли эканини бир кўрсатди-да. Умуман, уйда нимаики воқеа рўй берса, менга етказиб туради, унинг уйда, қариндош-уруғлариникида рўй бераётган ҳамма гаплардан ойим ҳам, мен ҳам тўла хабардормиз.

Мирсафо. Э, аттанг, бу одати чатоқ экан. Гап ташиган - йигит эмас, умуман одам ҳам эмас. Бояги гапимни қайтиб олдим. Ундай мишиқиларни хос йигитларим давраси уёқда турсин, ҳатто оддий ҳаммолликка ҳам олмайман. Сенга иккинчи топшириқ шуки, Даврондан ўша лентани ол, “садоқат рамзи сифатида менга эсдалик қилиб бер” дегин, хўпми?

Сайёра. Хўп (*Мирсафонинг бўйнига осилади*). Унинг ўзидан қачон қутуламиз, ҳадеб ҳалақит бераверади, ҳозир ҳам жоним ҳалак, ҳали келаман, деб кетган.

Мирсафо. Бундай нозик ишлар тадбир қўллаш билан бажарилади, жоним... Уни бошқа биронтасига уйлантириб қўймоқчимиз, бу гоё мендан чиқди, маҳалла раиси Меливой эса ижрочи бир кимса, холос. Кўрдингми, тентаккинам, орқаваротдан иш битириб, сени ҳимоя қилиб юрибман. Энди тушундингми?

Сайёра. Энди тушуниб етдим, ўзим сиздан айланиб кетай. (*Мирсафонинг бўйнидан қаттиқ қучоқлайди*).

Мирсафо (*Сайёрани ўзидан сал бўшатиб*). Хўш, биринчи топшириғимни бажардингми?

Сайёра. Деярли ҳамма жойни қидириб кўрдим, ўша тилхат топилмади. Лекин ойимнинг ётоғидаги ҳаво йўли туйнугига бўйим етмади. Юринг, кириб бир уриниб кўрайлик-чи.

Мирсафо. Яхши, қани бошла.

Қўлтиқлашиб ўнг томонга юрадилар. Сайёра йўл-йўлакай бир қўли билан халати тугмаларини еча бошлайди.

Чироқ ўчади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Олтинчи кўриниш

Бурҳониддиннинг кўҳна ҳовлиси. Иморатлари шарқ услубида ва баланд қилиб қурилган. Олди панжарали ва узун-узун устунлари қовурқали. Сиртдан қараганда ҳовли манзараси янги қурилган ёки эндигина таъмирдан чиқарилган жоме масжидини эслатади.

Бурҳониддин тўғридаги айвонда қат-қат тўшалган кўрпачада давотга қўйилган Қурбони каримни тиловат қилиб ўтирибди. (Ижрочининг имкониятига қараб ўша сура ўқилади). Ёнидаги хонтахта усти нознеъматга тўла, чойнак ва пиёлалар бор. Чойнак пахтали духоба ёпқич билан ёпиб қўйилган.

Меливой билан Мирсафо киришади. Тиловатни эшитиб, юришдан тўхтаб, жим қолишади. Тиловат тугагач, фотиҳа ўқилади.

Мевливой. Ҳой, ким бор? Беизн кирапмиз, ишқилиб қочадиган одам йўқми?

Мирсафо. Ҳозир қочадиган одам қоптими?

Бурҳониддин (*ўрнидан туради*). Илгари қочадиган одамлар бор эди, ҳозир йўқ. Келаверинглар. (*Меливой билан Мирсафони таниб.*) Ие, ие, Меливой?! Мирсафо? (*Меҳмонлар истиқболига пешвоз боради*).

Меливой. Ассалому алайкум, Бурҳониддин ака!

Мирсафо. Ассалому алайкум.

Бурҳониддин. Ваалайкум ассалом. Хуш келибсизлар, эски қадрдонларим!..

Кучоқлашиб кўришадилар.

...Қани, буёққа чиқинглар, марҳамат.

Учови хонтахта атрофидан жой олишади.

Меливой. Омин, шу хонадонда яхши тўйлар бўлсин, Аллоҳу акбар!

Бурҳониддин (*меҳмонларга чой қуйиб беради*). Қани, дастурхонга марҳамат.

Меливой. Бурҳониддин ака, бизлар синашта одамлармиз. Шу сабабли дарҳол асосий мақсадга ўтавераман. Биз қулчиликка келдик, Бурҳониддин ака.

Бурҳониддин. Қизлик уй мисоли бир сарой. Шоҳ ҳам, гадо ҳам келаверади. Хуш келибсизлар. Сизлардек тайинли одамлар совчи бўлиб келганидан, ўртага тушганидан бошим кўкка етди. Ўйлайманки, яхши, таги-тахтли, зоти тоза йигитни далолат қиласизлар.

Меливой. Худди шундай. Куёв бўлмиш ота томонидан Юнусовлардан, она томондан эса Мансуровлардан.

Бурҳониддин. Бўлди, бас, ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Мен Юнусовларни ҳам, Мансуровларни ҳам кўпдан бери биламан. Ўшаларнинг ўгли ёки невараси бўлса, қизимни берганим бўлсин. Қолаверса, ўртага сизлардай эски қадрдонларим тушиб турибсизлар. Сизлар ёмон йигитни менга куёвликка раво кўрмайсизлар. Мен сизларга ишонаман. Қизим эса менга ишонади.

Меливой. Ҳаммамиз эса Аллоҳга ишонамиз.

Бурҳониддин. Қизим нима деса шу бўлади. Лекин қизим менинг измимдаги қиз, юзимга оёқ қўйишини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмайман.

Мирсафо. Сиздек отанинг фарзанди бўлади-ю, шундай нурли хонадонда ўсиб-улғаяди-ю, одобсиз бўлармиди. Агар ўғлим балоғатга етган бўлганида, ўзим сизга қуда бўлақолардим.

Бурҳониддин. Невара қизларим ҳам бор... Иккинчидан, тўрт ўғил уйлантириб, тўрт қиз чиқарган бўлсам-да, бу уйда биринчи кенжа қизим билан турамиз, ўғилларимнинг ҳаммаси ҳовли олиб бериб, қозонини бошқа қилиб чиқариб юборганман. Болаларимнинг онаси вафот қилганига уч йилча бўлди...

Меливой. Хабаримиз бор, дуои фотиҳага, йигирма, йил ошларига келганмиз.

Бурҳониддин. Тўғри, тўғри... Эркак кишига танмаҳрам керак қабилда яна бир уйланган эдик, лекин орадан кўп ўтмай, бу ожизамиз бизни ташлаб кетиб қолди, (*урғу бериб*) уришсиз, жанжалсиз.

Мирсафо (*ўрнидан туриб кетади*). Наҳотки?! Наҳотки, шундай уй-жойни, шундай шароитни ташлаб кетиб қолган бўлса, яшаб юравермайдими? Инсофи йўқроқмикин-а?

Бурҳониддин. Йўқ, унда айб йўқ. Гарчи у бизни ташлаб кетган бўлса ҳам, мен имонимни ютиб ёлғон гапирмаслигим керак. У покиза, ҳалол аёл эди. Шу сабабли ҳам бу хонадондан кетди. Мен жисман унинг тенги бўлолмай қолдим, ёшларимиз ўртасидаги катта тафовут ҳам таъсир қилди, албатта, бунинг устига менинг қандли диабет дардига мубтало бўлиб қолишим ҳам ўз ишини қилди. Агар у бу уй-жойларни, мендан қоладиган катта мерос, мол-мулкни ўйлаганида эди, шу ерда яшаб юраверарди-ю, лекин нопок йўлга қадам қўйиб қўйиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди-да. Бояқиш шундан чўчиди, шекилли, оддий, лекин пок йўлни танлаб кетди. Майли, у ўз тенги билан бахтини топиб кетсин, ҳалол фарзандларнинг онаси бўлсин.

Меливой. Бурҳониддин ака, Ҳизрсифат, бағри кенг одамсиз-да

Мирсафо. Бурҳониддин ака, сизга яна битта савол: одатимизга кўра бизда кўп хотинликка йўл қўйилган-ку, фоҳишалик қаттиқ қораланган, ҳўш?

Меливой. Теша тегмаган савол!

Бурҳониддин. Бу яна ўша нарсага - ҳаромиларни дунёга келтириб қўймаслик мақсадига бориб тақалади, иним. Ахир, фақат аёл киши туғади-да.

Меливой. Ўта мантиқли жавоб.

Мирсафо. Бўлди, тан бердим, қойил.

Бурҳониддин. Ҳўш, мен сизларга айтсам, бева қолганимни билдириб, бу билан демоқчиманки, қизимга ўрнига келтириб мол-мулк қилолмайман, гарчи пулим етарли бўлса-да, қиз бола учун онанинг ўрнини ҳеч ким ўтай олмайди, айниқса турмушга чиқаришда.

Меливой. Шартларингиз шугинами!

Бурҳониддин. Шу, холос.

Меливой. Бизга берилган ваколат юзасидан иккала шартингизни ҳам қабул қилдик. Ҳўш, қиз билан йигитни қачон учраштирамиз?

Мирсафо. Хайрли ишни орқага суриб бўладими, ирими шунақа.

Бурҳониддин. Тўғри. Бўлмаса, эртага кечқурун соат олтида Анҳор бўйида учраштирамиз. Ўрда кўпригининг бу томонида, ўнг соҳилда.

Меливой (*кулиб*). Ўша жойлар келин-куёвлар учун бир пакка бўлиб қолибди ўзи.

Бурҳониддин. Кўпдан бери шундай. Буни қиз чиқарган, ўғил уйлантирган ҳар бир ота-она билади.

Мирсафо. Бурҳониддин ака, айбга буюрмайсиз-а, менда яна савол туғилиб қолди. Ҳамманиям оилавий турмуши текис кечавермайди. Баъзилар ажралишга мажбур бўлишади, бошқа бировлар бева қолишади, кейин иккинчи, учинчи марта турмуш қуришга тўғри келади. Ҳўш, у дунёда, масалан, икки марта турмуш қурган аёл қайси эри билан бўлади ёки уч марта уйланган эркак қайси хотини билан бўларкин?

Меливой. Мутлақо янги савол.

Бурҳониддин. Муқаддас китобда ёзилишича, киши қайси оиласи билан яхши яшаган бўлса, у дунёда ўша эри ёки хотини билан бўлар экан.

Меливой. Бу жавобда ҳам оилавий тинч-тотувликка, инсонпарварликка чорлаш уфуриб турибди-я. Офарин!

Мирсафо. Жавобдан тўла қониқдим. Бу ҳақда ўртоқларга гапириб юраман... Бурҳониддин ака, танмаҳрамсиз анча қийналган кўринасиз, катта тўйдан кейин кичик тўй қилишга тўғри келади-ку.

Бурҳониддин. Йўқ, қуриган дарахтни яна сугоришга на ҳожат. Мен эркак сифатида қуриб бўлибман... Энди бас... Бир файласуфнинг китобида ўқиган эдим. На мол-мулк, на насл-насаб, на шон-шуҳрат, на салобат қаламқашни адабиёт оламига олиб кириб, халқнинг ардоғига сазовор қила олмайди. Шунга ўхшаш эр эркак бўлмаса хотин кишини занжирга солиб ҳам ушлаб қолиб бўлмайди. Бир керакли уринишдан бўлак барча уринишлар беҳуда. Мен буни ўз танамда ҳис қилиб кўрдим... Мабодо шу бўлажак кенжа куёвим, бўлажак қудаларим рози бўлишса, ёшларни бу ерга кўчириб келаман, бундан буёққа умримни неvara боқишга, тоатибодат қилишга бағишламоқчиман.

Меливой. Буям яхши ният. Айниқа ёлғиз одам бекор қолмаслиги керак.

Бурҳониддин. Шунга айтинг, иним. Дунёда ёлғиз қолган одамлар сон мингта. Лекин уларнинг кўпчилиги ўзларининг ёлғизликларини билишмайди, билишсами, қаттиқ изтиробда қолишарди. Ёмони шундаки, ёлғиз қолганини, ёлғиз эканини била туриб яшаш бу дунёнинг дўзахи деб биламан... Ёлғиз одамнинг қалби бўм-бўш, ҳамшиша ҳувуллаб ётади... Айниқса, ёлғизликда аср пайтидан то хуфтонгача бўлган вақтнинг ўтиши қийин кечади, ҳадеганда ўта қолмайди, яқин одамнинг ёнингда бўлишини, кўзларига термулиб суҳбатлашиб ўтиришни кўмсайсан. Афсуски, кетган қайтиб келмайди. Тириклигида қадрдонларнинг қадрига етайлик, иниларим.

Мирсафо. Бурҳониддин ака, сизни ҳамма азалдан ўқимишли, билимдон одам деб билиб, ҳурматлаб келарди. Энди билсам файласуф ҳам бўлиб кетибсиз-а.

Бурҳониддин. Унчаликмас... Ахир салгина фикрлай олиш қобилиятига эга бўлсанг, ёлғиз қолишнинг ўзи сени файласуфларга тенглаштириб қўйиши мумкин экан. Ўтмишда азиз-авлиёлар беҳудага чиллахонада қирқ кун ёлғиз ўтириб, узлатга чекинмас эканлар-да...

Меливой. Бўлмаса, энди бизга руҳсат. Келишиб олдик: эртага соат олтида Анҳор бўйида ёшлар учрашадилар... Йигитнинг оти Даврон... Қиз пошанинг исми нима?

Бурҳониддин. Муяссар.

Меливой. Омин, Муяссар қизимизнинг бахти мукаммал бўлсин!
Аллоҳи акбар!

Фотиҳа ўқийдилар.

Бурҳониддин. Хуш кўрдик, азизлар (*қўлини кўксига қўяди*).

Меливой. Хушвақт бўлинг. Йигит билан қиз учрашувини янгалари уюштираверадилар. Хотин-халаж бу ишга жуда уста.

Мирсафо (*Бурҳониддиннинг қўлига конверт беради*). Мендан сизга тўёна.

Бурҳониддин. Ие, бу қанақаси бўлди? Ҳали тўй у ёқда турсин унашганимиз ҳам йўқ-ку.

Мирсафо. Ҳали унашасиз ҳам, тўй ҳам бўлади. Лекин мен тўй кунлари чет эл сафарларида бўлиб қолишим мумкин... Икки юз эллик доллар, “Ал-Машрик” магазинидан у-бу нарса олишингизга асқотиб қолар... Тўёна миқдорини айтаётганимдан таажжубланманг, Бурҳониддин ака. Одатим шуки, пул олсам, санаб кўраман, пул берсам, қанчалигини айтиб топшираман.

Бурҳониддин. Ҳа, асл савдогарлар авлодидан бўласиз-да.

Чироқ ўчади.

Еттинчи кўриниш

Анҳор бўйи, хиёбон. У ер-бу ерга суянчиқсиз ўриндиқлар қўйилган. Бурҳониддин Муяссар билан суҳбатлашиб киради. Унинг эғнида оқиш костюм-шим, оқ кўйлак, қора галстук, оёғида қора туфли. Қўлида доналари йирик-йирик қаҳрабо тасбеҳ ва ҳасса. Муяссар кўкрак бурма атлас кўйлакда, сочлари қирқ қоқил қилиб ўрилган, қўлида “Ўткан кунлар” романи.

Бурҳониддин. Не қилайликки, қизим, онанг дунёдан эрта кўз юмиб кетди. Бўлмаса, мен сени бундай учрашувга етаклаб келармидим, онангнинг ўзидан ортмасди, бундай ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли ишлар... Опаларинг ўзларидан ортишмайди. Кеннойиларинг аҳволи ўзингга маълум. Қолаверса, бундай нозик ишларни бировларга олдиндан билдириб бўлмайди. Ирими шунақа. Ўали бўладиган ишми бу, бўлмайдиган ишми бу, билиб бўлмайди. Балки сен йигитга ёқмассан, балки йигит сенга ёқмас. Буни умр савдоси дейдилар, буни тақдири азал дейдилар, юлдузларинг бир-бирига мос тушса, олам гулистон, бўлмаса ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверади... Қариганим ростга ўхшайди, жуда эзма бўлиб кетяпман... (*Кўл соатига қараб олади*). Маърифат холанг билан соат беш яримда шу ерда учрашишга келишган эдик, у сенга ҳамроҳлик қилмоқчи эди, ҳам йигитнинг юриш-туриши, бўй-бастини кузатиб, иложи бўлса бир гапга солиб кўрмоқчи эди. Хола деган қиз бола учун онасидан кейинги энг яқин одам ҳисобланади-да... Буни қараки, келишилган вақтдан ўтди ҳамки, ҳамон холангдан дарак йўғ-а?

Муяссар. Келиб қоларлар. Транспортлар чатоқ-ку, дада.

Бурҳониддин. Ҳали замон йигит келиб қолади, соат ҳам олтига яқинлашди. Менинг бу ерда туришим ўзи ноқулай, одобдан эмас ҳам. Мен хув анави тепаликдаги ўриндиқда дам олиб ўтираман. Сен шу ерда сайр этиб юр, хоҳласанг анави ўриндиқда “ўткан кунлар”ингни ўқиб ўтир... Холанг албатта келишига ишонаман. У лафзли одам, ахир раҳматли онангнинг бир туғишган синглиси-ку. Лекин дунё тасодифларга тўла,

мабодо холанг келмаса, йигит билан ўзинг сира тортинмай гаплашавер, тоғасининг хотини - кеннойиси билан келмоқчи экан, исми Даврон... Давронжон. Дадил бўл, қизим. Мен тепада сени кутиб ўтираман. Кейин уйга бирга қайтамиз. (*Чиқади*).

Муяссар ўриндиқлардан бирига бориб омонатгина ўтиради-да, китобига кўз югуртира бошлайди.

Даврон ва Сайёра ялт-юлт кийимда қўлтиқлашиб кириб келишади, иккаласи ҳам қора кўзойнакда.

Сайёра (*кўзи Муяссарга тушиб, юришдан тўхтайди*). Шу бўлса керак... Сен ўтиб кетавер, кейин қайтиб келасан, аввал мен бўлажак кундошим билан танишиб олай-чи.

Даврон. Марҳамат. (*Чиқади*).

Сайёра Муяссарнинг ёнига бориб ўтиради. Муяссар аввалига уни сезмайди, кейин Сайёрага кўзи тушади.

Муяссар (*Сайёранинг ўзини кузатаётганини ички бир туйғу билан, зийраклик билан сезиб*). Ассалому алайкум.

Сайёра. Ваалайкум салом...

Муяссар. Сезиб турибман, сиз мени кузатяпсиз. Сиз...

Сайёра. Хўш, мен кимман?

Муяссар. Сиз Даврон аканинг келинойиси бўласиз, топдимми?

Сайёра. Сиз Муяссар бўласиз-а?

Муяссар (*ерга қараб*). Ҳа.

Сайёра. Даврон шу ерда. Мен уни бу ёққа чақириб юбораман. (*Чиқади*).

Муяссар Сайёра кетган томонга қараб қолади. Башанг кийинган, сочлари силлиқ таралган Ҳалимхон гулдаста кўтариб, енгил одимлаб кириб келади. Муяссар уни Даврон деб ўйлаб, ўрнидан туради.

Муяссар. Ассалому алайкум!

Ўалимхон (*бутун вужуди тебраниб*). Ваалайкум ассалом. (*Ўз йўлида кетаверади*).

Муяссар. Мен Муяссарман. Сиз...

Ўалимхон (*тўхтаб*). Мен Ўалимхон бўламан. Сизнинг кутганингиз бошқа. Менинг кутганим бошқа... Мен Матлубахонни кутяпман. Кеча шу ерда бизларни учраштириб қўйишди, бугун иккинчи учрашувимиз бўлмоқчи... Сизниям омадингизни берсин. (*Чиқади*).

Муяссар. Бу ер одам бозори экан-а. (*Бориб жойига ўтиради, яна китобни кўздан кечира бошлайди*).

Даврон томоқ қириб, маъноли йўталиб киради. Муяссар бунини сезиб, ўрнидан туради, у томонга қарайди.

Муяссар. Ассалому алайкум.

Даврон. Ваалайкум ассалом. Мен Давронман.

Муяссар. Мен...

Даврон (*гапни бўлиб*). Сен Муяссар бўласан, шундайми?

Муяссар. Ҳа. (*Ерга қарайди*).

Даврон унинг ёнига бориб, тақалиб ўтиради. Муяссар сесканиб кетиб, сал нари сурилади. Даврон Муяссарни бошдан-оёқ диққат билан кузатади, Муяссар Давроннинг кўз таъқибидан ўзини ноқулай сезиб, неча марта қўли билан кўйлаги этакларини пастга тортиб-тортиб қўяди.

Даврон ўнг қўлини Муяссарнинг чап сони устига қўяди. Муяссар чўчиб кетиб, унинг қўлини сонидан туртиб ташлайди.

Муяссар. Вой, нима қияпсиз?

Даврон. Китобингни кўрмоқчиман, қани менга бериб тур-чи, қанақа китоб экан?

Муяссар. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и.

Шу пайт бир томонда Лазокат билан Аброр кўринишади, Даврон билан Муяссарнинг бирга ўтиришганидан севиниб, “ишлар беш” деган маънода бир-бирига бош бармоқларини кўрсатишади-ю, аста орқаларига тисарилиб, ғойиб бўлишади, буни ёшлар сезишмайди.

Даврон (китобни олади-ю, лекин унга қарамайди, *Муяссарга боқади*). Ҳали бунақа китобларни ўқиб тураман дегин?

Муяссар. Кўп ўқийман.

Даврон. Севасанми?

Муяссар (*бундай савол қаршисида эсанкираб қолади*). Нимани... Тушунмадим.

Даврон. Китоб ўқишни севасанми деяпман.

Муяссар. Ҳа, жудаям.

Даврон. Ўзинг қаерда ўқийсан, ёки ишлайсанми?

Муяссар. Бу йил коллежни битирдим. Хужжатларимни тиббиёт академиясига топширдим. Жарроҳ бўлмоқчиман. Ойимларни нотўғри операция қилиб кўйишди, бўлмаса ҳали тирик бўлардилар. Шунинг учун жарроҳ бўлишга аҳд қилдим.

Даврон. Ҳм, жуда дадил кўринадан-ку. Имтиҳонлар тест бўйича бўлади. Кўрқмайсанми?

Муяссар. Йўқ. ўзингиз ўқийсизми, ишлайсизми?

Даврон. Менми... Мен шарқшунослик институтида ўқийман. Шу куздан бошлаб иккинчи курсда.

Чап томонда Бурҳониддин кўринади, ёшларнинг суҳбатлашаётганидан мамнун бўлиб, ҳассасини қўлтиқига қисганича дуо қилиб фотиҳа ўқийди: “Илоё, ёшларнинг юлдузи юлдузига мос тушсин”. Бурҳониддин тисарилиб, кўздан Қойиб бўлади, уни ёшлар сезишмайди.

Муяссар. Кеннойингиз қаерга кетиб қолди?

Даврон. Кеннойим?! Қайси кеннойим?

Муяссар. Ҳалигина мени гапга солиб ўтдилар-ку, кўзойнаклари сизникига ўхшайди.

Даврон. Ҳа, уми? У сен билан менга музқаймоқ олиб келгани кетди, ҳозир келиб қолса керак. Биргалашиб музқаймоқ еймиз.

Муяссар. Раҳмат. Мен энди борай. Дадам анави ерда мени кутяптилар, бирга кетамиз уйга... Хайр.

Даврон. Кўришгунча... (*Орқасидан кузатиб қолади*).

Сайёра (*гапириб киради*). Даврон, намунча маҳлиё бўлиб қолмасанг. Юрагингдан урди шекилли.

Даврон. Йўғ-ей.

Сайёра. Юрагингдан урса нима бўпти.

Даврон. Сенга ёқдимми?

Сайёра. Вой, тавба, менга ёқиш-ёқмаслигининг нима аҳамияти бор? Уйланадиган менмас, сен-ку. Ўзингга ёқдимми?

Даврон. Бир кечага ярар.

Сайёра. Унақа дема, яхши ният қил, жиннилик қилма. Бинойидек, ойиси ҳам ўпмаган қиз экан.

Даврон. Ана холос, кундошингни мақтаяпсанми?

Сайёра. У кундошим эмас, сен...

Даврон (*гапнинг давомини айттиргани қўймайди*). Мен сеникиман. (*Сайёрани белидан қучоқлаб, маҳкам бағрига босади*). Бошқаси билан ишим йўқ. Лекин гап-сўзларингдан, оёқ олишингдан билиб юрибман. Мени Муяссарга ошириб юбориб, ўзинг Мирсафо билан бўлиб кетмоқчисан...

Сайёра. Ҳақорат қилма мени!

Даврон. Лекин хомтама бўлиб юрма, ундай хомхаёлларни миянгдан мутлақо чиқариб ташла. Мабодо бирор нимани билиб қолсам, сенга айтганман: бир бошга бир ўлим, аввал икковингни чавақлаб ташлайман, кейин ўз юрагимга пичоқ санчаман. Биласан, бу дунёда мен учун юракдан куядиган одамим йўқ, шу сабабли мен учун ўлим чўт эмас, бу дунё билан боғланмаган мендек одам учун бу дунёдан кетиш қийин эмас, яъни ўлим унчалик даҳшатли эмас.

Сайёра. Гапларинг намуноча совуқ бўлмаса, Даврон, бағринг иссиққина-ку. (*Давроннинг бағрига суқулади*).

Даврон. Менга макрингни ишлатма, қани дала ҳовлимизга кетдик. (*Қўлидан қаттиқ ушлаб олиб чиқиб кетади*).

Бошқа томондан эса Ҳалимхон ҳамон гулдастасини кўтарганича уёқ-буёққа аланглаб кириб келади.

Ҳалимхон. Вой товба, соат еттига қараб кетди-ку, ҳамон Матлубахондан дарак йўғ-а. Соат олтидан кечикмай келаман деб ваъда берувдилар-ку, кунни кеча шу ерда. Нима бўлдийкин-а, ёки касал бўлиб қолдилармикан?.. Билмадим, билмадим... Асл сабабини билмадим... Ўзи пешонагинам шўр экан. Ўар гал қизлар бир учрашувга чиқишади-ку, иккинчи учрашувга келишмайди. Ўзим бўш-баёвман-да. Бир учрашувдаёқ ўзимга ром этолмайман... Йўқ, Матлубахон олдин учрашганим қизларга сира-сира ўхшамайдилар. Кеча ишонч билан “эртага келаман” деган эдилар, мен жуда-жуда ишонган эдим. Яна пича кутай, Матлубахон келиб қолсалар ажабмас... Э, худо, ўзинг мен бояқиш бандангни ноумид қилма. Матлубахоннинг кўнглига раҳм сол. (*Чиқади*).

Бошқа томондан Бурҳониддин билан Муяссар гаплашиб киришади.

Бурҳониддин. Узоқдан кўрдим, йигитнинг бўй-басти сенга жуда муносиб, қизим. Тўғри, молнинг оласи ташида, одамники ичида, дейди ота-боболаримиз. Йигитнинг ичи қанақа, дилида не ўйлари бор, буни Яратган эгамдан ўзга ҳеч ким билмайди. Лекин тағи-тахти тоза одамларнинг фарзанди экан, бир томондан кимсан Юнусовлар, иккинчи томондан кимсан Мансуровлар. Мен кўпроқ йигитнинг ана шу зоти улуғлигига учяпман. Инсоният шундай яратилганки, қизим, қони тоза одам, албатта бир жойдан ёриб чиқади, инсофли, диёнатли бўлади, мабодо бирон сабаб бўлиб адашиб қолса, орадан кўп ўтмай яна тўғри йўлга тушиб олади, йиқилса, яна барибир бир кун қаддини ростлайди. Узоқ умримда мен не-не одамларни учратмадим. Ҳалолликда, покликда, инсофлиликда хосият кўп экан. Бундай фазилатлар фақат қони тоза одамлардагина бўлади, ҳаромилардан худонинг ўзи асрасин. Ҳа, айтгандай, орага унча-мунча одамлар эмас, кимсан Меливой, кимсан Мирсафолар тушяпти, бу катта ҳурмат, зўр ишонч, қизим. Раҳматли онанг тирик бўлганида бу гапларни у айтган бўларди. Қандай қиламизки, мен гапиришга мажбурман. Ўзи йигитнинг гап-сўзлари ёқдими сенга?

Муяссар. Билмасам... Ёмон эмасга ўхшайди... Лекин кеннойиси менга ёқмади, сал енгилроқ кўринди.

Бурҳониддин. Э, соддадил қизим-эй, шунга ҳам ақлинг етмайдими, кеннойиси сени синамоқчи бўлиб ўзини атайин енгилроқ қилиб кўрсатган-ку.

Муяссар. Билмасам...

Бурҳониддин. Хуллас, маслаҳат бериш мендан, масалани ҳал қилиш сендан. Сен нима десанг, шу бўлади. Қани, кетдик. Намози шомга кечикмай.

Чиқадилар.

Чироқ ўчади.

Саккизинчи кўриниш

Давронларнинг ҳовлиси. Тўртинчи кўринишдаги манзара. Айвонда Лазокат билан Муяссар стол тузатишмоқда. Муяссар келинлик либосида. Журнал столчаси устида ким телефон қилгани ёзилиб қоладиган телефон аппарати турибди. Меливой, Бурҳониддин ва Аброр айвонга чиқиб боришади, стол атрофидан жой олишади.

Меливой. Менинг вақтим зиқ. *(Лазокат билан Муяссарга.)* Сизлар ҳам ўтиринглар, хотин кўядиган мардни ҳам буёққа чақиринглар.

Муяссар. Тушунмадим... Ойижон, ким у?

Лазокат. Эрингиз, ким бўларди.. *(Ичкарига қараб.)* Даврон, буёққа чиқ, ўқидим.

Муяссар *(савол назари билан Бурҳониддинга қарайди).* Дада...

Бурҳониддин. Шунақа эмиш, қизим. Мени шунга чақиринибди.

Муяссар мўлтиллаб ҳаммага бир-бир қараб чиқади, ҳамма кўзини ерга олади, Муяссар шилқ этиб стулга ўтириб қолади.

Меливой *(кўча эшик томонга қараб).* Ҳой, Мирсафо, чаққонроқ юринг, кутиб қолдик сизни...

Мирсафо *(айвонга кўтарилар экан).* Тинчликми?

Меливой. Зарур гап бор. Ҳозир ёш бир оиланинг ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиламиз. Сизни гувоҳликка чақирдик. Қани ўтира қолинг.

Мирсафо. Узр. Ўтиролмаيمان. Уйимда меҳмонларим бор.

Меливой. Мениям вақтим зиқ. Ҳали тўйларга борадиган одамман. Бугун “Ибрат”да бешта никоҳ тўйи. Уч киши қиз чиқаряпти, икки киши ўғил уйлантиряпти.

Мирсафо. Ахир янги ҳовлимни қутлаб, юқоридан азиз меҳмонлар келишган. Менга руҳсат беринг.

Меливой *(жеркиб ташлаб).* Худбин бўлманг, ука. Меҳмонлар бироз ўтириб туришар, бугун дам олиш куни. Лекин ёшлар тақдирига бефарқ қараш яхшимас. Ахир, ёшлар келажагимиз-а. Қолаверса, олдимизда ўғил-қизларимиз, невараларимиз бор, умид билан ўстиряпмиз. Ноумид шайтон, ука. Қани, ўтинг бу ёққа. Масалани зудлик билан ҳал қилиб ташлаймиз... Ўали мен кўп тўйларга борадиган одамман... Қани, хотин кўядиган ўша мард билан бир гаплашиб кўяй-чи мен! Чақиринглар уни!

Даврон *(қўлида магнитофон кўтариб ичкаридан чиқади).* Қани ким мен билан гаплашмоқчи, мен тайёрман.

Меливой *(Давроннинг вазоҳатидан чўчиб, гап оҳангини мулоимлаштиради).* Ке, ке, ўғлим, мана буёққа ўтир.

Даврон Бурҳониддинга кўзи тушиб, ерга қарайди, четроқдаги стулга бориб ўтиради.

Меливой. Хўш, азизлар, менга қолса, тўй бўлса-ю, қўйди-чиқди бўлмаса. Кулсагу йиғламасак. Лекин юртчилик, баъзан мана (*Даврон билан Муяссарга бир-бир қараб қўяди*) шунақа воқеалар ҳам бўлиб туради. Қани, ким биринчи бўлиб гапиради?.. Вақт кетяпти.

Лазокат эрига “Сиз гапни бошланг” деган маънода буйруқ қилади.

Аброр. Бўлмаса, мен гапни бошлаб бера қолай... Уч ой бўлибдики, биз эр-хотин зимдан сезиб юрибмиз, ўғлимиз келинга кўнгилсиз, болохонада ётиб юрибди. Бирга яшаб кетишига кўзимиз етмай қолди.

Мирсафо. Э, нафасни иссиқ қилинг-ей, Аброр ака. Яшаб кета олади. (*Даврон билан Муяссарни кўрсатиб.*) Буларни бир кўринг, йўқ, яхшилаб бир кўринг. Узукка кўз қўйгандек бир-бирига жуда муносиб-ку. Ҳозир сал кўнгилсиз бўлса, бора-бора кўнгил қўйиб кетади. Умуман, булар ёшидаги йигит-қизлар кўнгил нималигини чуқур билади, деб бўлармикин. Йўқ, улар кўнгил нималигини билиб етмай, кўнгил кўчаларига кириб кетишлари мумкин. Биз, ақли расо катталар тажрибали, ёши улуғ кишилар ёшларни тўғри йўлга бошлашимиз керак. Мен шундай деб ўйлайман. Мана ўзимдан қиёс: билсаларингиз, менинг ҳам аввал бошда хотинимга кўнглим йўқдай бўлиб туюлган эди. Шошилмадим, катталарнинг маслаҳатига қулоқ солдим, яшаб кетдим, биринчи фарзандимиз бизларни боғлаб қўйди, кейинчилари оиламизни мустаҳкамлади. Даврон, сен ҳам шошила, ука, менинг гапим шу.

Лазокат Меливойга “Қани, жавоб қилинг” деган маънода ишора қилади.

Меливой. Иним Мирсафо, сизу бизнинг даврлар бошқача эди. Лекин ҳозирги кунда ёшларга “Севмасанг ҳам бирга туравер” дейишга ҳаққимиз йўқ. Буни замон кўтармайди. Қонун ҳам йўл бермайди, охири ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин.

Аброр. Биз, эру хотин ҳам ана шундан кўрқамиз-да, ўғлимизнинг феъли-атвори ўзимизга яхши маълум-да. Бизнинг боримиз бор, йўғимиз бор. Худо кўрсатмасин, ўғлимиз кўнгилсизлик таъсирида, жаҳолатга берилиб, келинга бирор зиён-заҳмат етказиб қўймасин деб кўрқамиз-да.

Бурҳониддин. Шаҳар бедарвоза эмас-ку, куда.

Меливой. Ҳар турли ҳодисалар қулоғимизга чалиниб турибди, ана шулардан чўцияпти қудангиз бояқиш, Бурҳониддин ака. (*Дабдурустдан Муяссарга.*) Хўш, сен нима дейсан, қизим?

Муяссар аввалига ўзини бироз йўқотиб қўяди. Кейин ерга қараб сўз қотади.

Муяссар. Мен ҳеч қаяққа кетмайман.

Мирсафо. Баракалла, синглим, айна муддаони айтдингиз. Илоё кўшганингиз билан қўша қариб юринглар.

Меливой. Ахир, эринг сен билан турмайман дебди-ку?

Муяссар. Ойижоним билан туравераман. Ойижоним мени “Қиёматли қизим” деганлар, мен рост гапиряпман, мана ойижонимнинг юз-кўзлари... (*Аброрга.*) Дадажон, сиз ҳам мени “Сиз келиним эмас, қиёматли қизимсиз, ўзи қизимиз йўқ эди, мана энди ҳам келинлик, ҳам қизлик бўлди” деган эдингиз, тўғрими, дадажон?

Аброр хотинига қарайди. Хотини четга қарайди.

Аброр. Аниқ эсимда йўқ.

Муяссар. Йўқ, дадажон, бу гапларни кўп марта айтгансиз. Даврон акамнинг амакилари, тоғалари, холалари, аммалари олдида ҳам айтгансиз. Мана, Даврон акамлар ҳам шоҳид. Даврон акам рост гапирадилар, мен уларга ишонаман.

Даврон. Тонманг, дада, шундай дегансиз.

Меливой. Айтган бўлса айтгандир. Ўтмишда нималар дейилмаган.

Бурҳониддин. Лекин сўзи билан иши бир одамни лафзи ҳалол дейишади. Лафзи ҳалол бўлмаган одам мунофиқ дейилади. Хўш, биродарлар, қудамнинг гап-сўзларидан менга кўп нарса англашилди. Қизим қандай жойга тушиб қолганини мана энди билдим. Ҳали бу ерга сира қадам босмаган эдим. Мен куёв чорлар қилганим ҳолда, булар куда чақириқи қилмай келаётир. Бунинг сабаби мана энди ошкор бўлди, буларнинг нияти бошидан бузилган экан... Алданибман, алдашибди. Лекин кўчага ташлаб қўйган қизим йўқ. Не қилайки, пешонасида шўри бор экан, ҳозироқ ўзим билан олиб кетаман, ажаб эмас яна бахтини топиб кетади. Кўйди-чиқди – бу катта фожиа эмас, худо бемаҳал ўлимдан асрасин, айниқса қуруқ туҳматни яқин йўлатмасин. Мана булар каттагина бахтсизлик ҳисобланади.

Меливой. Аброржон, тўйдан илгари сизга айтмаганмидим, диёнатли, тақдирга тан берадиган ажойиб одамга куда бўлаяпсиз деб. Мана, шу гапимнинг тасдиғи.

Бурҳониддин. Биродарлар, ажрим қилиб, фақат қизимнинг ўз молмулкани машинага ортиб берсанглар бўлгани.

Аброр (севиниб). Айни муддао, куда, машина ҳам айтиб қўйганман, гузардаги чойхона олдида кутиб турибди.

Муяссар (кўзига ёш олиб). Мен ҳеч қаёққа кетмайман.

Бурҳониддин (қизини жеркиб беради). Кетасан!

Муяссар. Қайси юзим билан қайтиб бораман уйга, дадажон? (*Кўз ёшларини кафти билан юзидан сидириб ташлайди*). Дугоналарим, кеннойиларим нима деб ўйлашади. Ахир, айбим нима ўзи?

Мирсафо. Даврон, ука, келиннинг айби нима? Айби бўлса, кўпчилик олдида бўйнига қўйиб бер, исбот қил. Кўнглида армони қолмасин.

Даврон. Характеримиз тўғри келмади.

Бурҳониддин. Тушунтириброқ айтинг, ўғлим.

Меливой (изоҳ беради). Характер – феъл-атвор дегани.

Бурҳониддин. Сиз бир оз аралашмай турсангиз. Мен куёвимдан сўраяпман.

Даврон нима дейишини билмай, ерга қараб жим қолади.

Мирсафо. Бирга тураверишса, бора-бора феъл-атворлари ҳам мослашиб кетади. Мана ўзимдан қиёс.

Даврон. Мирсафо ака, сиз бошқа, мен бошқа, мени ўзингизга ўхшатманг. Мен Муяссар билан бирга туришни истамайман.

Аброр. Ана, айтдим-ку сизларга. Топган гапи шу, мен билан ойисига ҳам енгил тутманглар, азизлар.

Бурҳониддин. Нега Муяссар билан бирга туришни истамайсиз, ўғлим? Ахир, бундан уч ой олдин қизимни кўриб, билиб уйланган эдингиз-ку.

Аброр. Ҳа, Муяссарни кўриб, бир неча марта учрашиб, совғалар олиб берган, кейин ўзи тўйга розилик берган эди.

Даврон (*Бурҳониддинга*). Менга қолса Муяссарга уйланмасдим.

Бурҳониддин. Сизни биров мажбур қилдими?

Даврон (*Аброр, Лазокат, Меливойни кўрсатиб*). Мана булар мени нотўғри йўлга бошлашди.

Аброр. Ё, тавба!.. Қайси ота ўз фарзандининг бахтини ўйламайди.

Даврон. Сизда қиёфа йўқ, сиз оймнинг сояси бўлиб қолгансиз, дада.

Аброр. Биродарлар, ахир...

Меливой. Аброржон, сиз каттасиз, бир гапдан қолинг... Хўш, ишни, яъни ажримни тезроқ, силлиққина битирайлик. Давронжон, отага қаттиқ гапириш яхшимас.

Даврон. Қанақа одамсиз ўзи, амаки? Ҳаммасини ўзингиз бошлаб қўйиб, яна насиҳат қилгани уялмайсизми?

Меливой. Оббо боласи тушмагур-эй! Ҳали менга ҳам лой чапламоқчи шекилли? Ҳа, майли, ёш-да ҳали. Ёшларни кечириниш мумкин.

Даврон. Чинданам ёш эканман. Ёшлиқ қилмаганимда, сизларнинг сўзингизга кириб, Муяссарга уйланмасдим, шу кунга учраб ўтирмасдим.

Меливой. Ҳой бола, ўйлаб гапир. Тухмат қилсанг, маҳалламдан ҳайдаб юбораман.

Даврон. Менимас, сизни ҳайдаб юбориш керак!

Меливой аввал хандон отади, кейин масхаралаб сўрайди.

Меливой. Нега?

Даврон. Айтaveraйми?

Меливой. Айтсанг, ўзингга жабр бўлади, ёш бошинг билан қамалиб кетасан. Умринг қамоқларда ўтади.

Телефон жиринглайди.

Мирсафо. Менинг уйимдан бўлса керак. Бу ернинг номерини қолдириб келгандим. (*Бориб телефонни олади*). Лаббай! Мен Мирсафومان... (*Телефонни биров ушлаб туриб, кейин жойига қўяди. Ранги сал ўзгаради, телефон тутган қўли сал титрарди, бунни Даврон илғайди. Келиб жойига ўтиради*). Уланмади.

Бурҳониддин. Давронжон, гапиринг, ўғлим, ҳаммасини гапиринг, мен билишим керак. Мен сизга сира ёмонликни раво кўрмайман. Даъвойим ҳам йўқ... Қизимни ҳам олиб кетаман. Бунга сўз бераман.

Даврон. Хўп...

Меливой (*Давроннинг гапини бўлиб*). Энди буёғи туҳматга ўтяпти. Билганингизни қилаверинглар, мен кетдим.

Бурҳониддин. Қани шу ердан жилиб кўр-чи. ассам сингунча савалайман.

Меливой. Сизга нима бўлди, Бурҳониддин ака, ҳассангиз ҳали ўзингизга кўп керак бўлади.

Бурҳониддин. Билсанг, сен туфайли ҳассамни йўқотдим. Кўр эканман. Сенинг сўзингга учиб, суриштириб-нетмай синамаган жойга қиз бердим. Йўқолган ҳасса синса синибди-да.

Меливой. Оғирроқ бўлинг.

Бурҳониддин. Ўтир деяпман сенга. Чапақай жаҳлим бир чиқмасин. Қани ўтир!

Меливой мажбуран жойига ўтиради. Бурҳониддин ҳам жойига чўкади.

Бурҳониддин. Ёлғон қўшмай гапираверинг, ўғлим.

Даврон. Ўзи ёлгонни қўшиб бўлмайди ҳам. Тўйдан олдинги ҳал қилувчи бир суҳбатдан кичик бир парчани эшитасиз ҳозир. (*Магнитофон қўяди. Магнитофондан ўша кунги суҳбатнинг керакли жойлари эшитила бошлайди*).

Магнитофонда:

Меливойнинг овози. Давронжон, ўғлим, менга бир фикр келди: сени аввал моҳипора, онаси ҳам ўпмаган бир қизга уйлантираман.

Давроннинг овози. Мен Сайёрадан бошқаси билан яшамайман.

Меливойнинг овози. Давронжон, сен шошилма, гапимни охиригача эшит. Шунга қараб иш тут. Фақат номига уйланасан, фақат бир кечагагина бирга бўласан. Тўйдан кейин орадан икки-уч ой ўтгач, биз уйлантирган хотинингни қўйворасан-у, севганинг билан топишасан.

Бурҳониддин. Бўлди, бас, бас, тўхтатинг, ўғлим.

Даврон магнитофонни тўхтатади.

Меливой. Азизлар, мен нимаики қилган бўлсам, нимаики деган бўлсам, адашган Давронни тўғри йўлга солиш учун қилдим. Агар қиз болага уйлантирсак, Даврон унисини унутиб юборади, деб ўйладим.

Бурҳониддин (*Меливойга еб ташлагудек бўлиб, наъра тортиб юборади*). Хмм! Хумпар! Иблис! Иркит!.. (*Қизига ўнгланиб гапирлади.*) Кечир, мени қизим, бу махлуқни маҳалланинг отаси, қирқ йиллик раиси-ку, тўғри сўзлайди, деб ўйлагандим-да. Билсам, бу маҳалланинг тозиси экан. (*Меливойга*). Сен аблаҳ, қизимнинг тақдирини оёқости қилибсан-а. Ойна синса, қайта бутлаб бўлмайди-ку! Нима, сенга қизлик ифати бозорда сотиладиган бир матомидики, унинг ўрнини қоплаб бўлса! Ахир, қўшилув кечаси қиз бола учун қонли инқилоб туни бўлади-ку, эй иймонсиз одам, шуни билардинг-ку. Ахир, тўртта қиз чиқарган отасан-ку. Ўзингнинг қизингни ёки неварангни менинг Муяссарим ўрнига қўйиб кўрсанг бўлмасмиди, эй инсофи йўқ. Сен қизимнинг бахтига зомин бўлдинг, мен - қарн отасининг бағрини доғлаб қўйдинг!

Меливой. Йўқ, Бурҳониддин ака, мен Давронни тўғри йўлга бошладим.

Бурҳониддин. Бекорларни айтибсан, сенинг йўлинг қалбаки, қалтис йўл, бу шайтоннинг йўли!

Меливой. Мен...

Бурҳониддин. Яна гап бермайди-я, бу аблаҳ! Йўқ, йўқ, йўқ, мен энди чидаб туролмайман!

Бурҳониддин ҳассасини ўқталиб Меливойга ташланади. Меливой қочади. Бурҳониддин уни қувлайди. Меливой айвондан уйга киради, эшикни ёпиб жон сақламоқчи бўлади. Бурҳониддин елкаси билан итариб очиб, ичкаридан беркитиб олади. Кейин унинг ҳасса билан Меливойни ураётгани эшитилади.

Бурҳониддиннинг овози. Мана сенга! Мана сенга! Мана буниси қизимнинг алами учун! Мана буниси ўзимнинг алашим учун! Мана буниси раҳматли хотинимнинг арвоҳ хотираси учун! Қасам ичаманки, шу ҳассам синиб битмагунча сен аблаҳни савалайвераман. Мана!.. Мана!.. Мана яна!..

Меливойнинг овози. Войдод, мусулмонлар, ёрдам беринглар! Эсини еган бу жинни мени ўлдириб қўяди! Вой, вой! Вой до-од! Ёрдам беринглар! Оҳ, вой! Вой!

Мирсафо, Лазокат, Аброрлар хона эшигини очолмай, Меливойга ёрдам беролмайдилар. Кейин ичкаридан овоз эшитилмай қолади.

Мирсафо. Бўларича бўлди. *(Икки қўлини силкиб чиқиб кетади).*

Кўча томондан машина мотори ўт олиб, юриб кетгани эшитилади.

Даврон *(телефон аппарати тугмасини босиб, Мирсафо ҳали ким билан гаплашганини текширади, ўзи билан ўзи гаплашади).* Билайлик-чи, ҳали Мирсафо ака ким билан гаплашдийкин? Ие, бу Сайёранинг номери-ку. Ҳа, аблаҳлар! Манзура опа чет элда-да, унинг йўқлигида пайтдан фойдаланишмоқчи бўлишибди. Ҳар қадамда хиёнат, сотқинлик! Менинг олдимга похол солмоқчи бўлибди-да. Мен уларга ҳали кўрсатиб қўяман. Йўқса, Даврон отимни бошқа қўяман. Агар у икки ярамасни чавақлаб ташламасам, йигит эмасман. *(Стул устидаги катта пичоқни қўлига олади).*

Муяссар *(йўлини тўсиб).* Жон Даврон ака, кетманг, кетмайсиз.

Лазокат. Бу нима қилиқ, жинни!

Даврон. Ҳув онангни! *(Ота-онасига қараб.)* Кўзимга кўринмаларинг ҳозир! Бўлмаса чавақлашни икковингдан бошлайман.

Аброр. Хўп, хўп, ўғлим...

Даврон. Мени ўғлим дема, сен сўтак!

Аброр ва Лазокат айвондан шошиб тушиб, ўчоқбоши томон кетишади.

Даврон. Кечир мени Муяссар. Мен сенга, дадангга кўп озор етказдим.

Муяссар. Энди у гапларни эсламанг, ҳозир қолсангиз, пичоқни жойига қўйсангиз, мен сизни мутлақо кечириб юбораман, сираям таъна қилмайман.

Даврон. Йўқ, Муяссар, мен сенга муносиб эмасман. Мен ўз бахтимни топай деб, сенинг бахтингни оёқости қилибман. Ўз муҳаббатим учун курашиб, сенинг ор-номусингни беқадр қилибман. Мен бир бетайин одам эканман. Бошида Сайёрани деганмидим, охиригача аҳдимда қатъий туришим керак эди. Сенга уйланмаслигим, сохта никоҳга рози бўлмаслигим керак эди. Чекинибманми, иродасиз эканман, мард, севгига муносиб эмас эканман. Муяссар, сенга муносиб эмасман. Мен бебурдман.

Муяссар. Йўқ, сиз адашгансиз, сизни алдашган. Кетманг! Қолинг!

Даврон. Йўлимни тўсма, Муяссар. Муҳаббат деб ўйлаганим сароб бўлиб чиқди. Мен қасос оламан, қасос! *(Муяссарни четлаб ўтиб, югуриб кўчага чиқиб кетади).*

Муяссар *(орқасидан).* Мени ташлаб кетманг, мени ташлаб кетманг. *(Икки қўли билан бошини ушлаб, йиғлаб қолади).*

Машина мотори ўт олиб, ўқдек учиб кетгани эшитилади.

Хона эшиги очилиб, икки қўлида иккига бўлинган ҳассасини ушлаганича Бурҳониддин айвонга чиқади.

Аброр ва Лазокатнинг бошлари кўринади, Бурҳониддинга кўзлари тушиб, ўзларини орқага олишади.

Бурҳониддин. Қариган чоғимда қўлим мунофиқнинг ҳаром қони билан булғанди, жаҳолатга берилиб, шу ишни қилиб қўйдим. Иблис ё ўлди, ё ҳушини йўқотди — индамай қолди. Хуллас, қизим, сенинг қасосингни олдим, энди мени отсалар ҳам, қамасалар ҳам, ачинмайман. Мен ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган қари одамман. Лекин куёвим ёш нарса, у жувонмарг бўлмаслиги керак. У қани?

Муяссар. Пичоқ кўтариб одам ўлдиргани кетди у.

Бурҳониддин. Э, баттол-ей! Йўлини тўсиш керак, қайтариш керак.

Муяссар. Юринг тез, дада! Борадиган жойини биламан.

Ота-бола шошилиб чиқадилар.

Ичкари хонадан ҳаммаёғи қон, боши ёрилган, кийим-кечаги йиртилган, сочлари тўзғиган Меливой инқиллаб, синқиллаб судралиб чиқиб, айвон деворига суюниб ўтириб қолади, боши қуйи эгилган, кўзлари юмуқ.

Меливой. Вой, вой-вой, вой жоним...

Аброр ва Лазокатнинг бошлари кўринади, аввал мўралаб қарашади, кейин айвонга яқин келишади.

Лазокат (*эрига*). Сиз ҳам тез югуринг, бир кор-ҳол бўлмасдан Давроннинг йўлини тўсиш керак.

Аброр. Йўқ, ўзлари югурсинлар! Мен...

Лазокат. Эرمىсан, эркакмисан, ахир. Отамисан ўзинг?!

Аброр. Мен врачман. Мен...

Лазокат. Ҳе, ҳезалак, қўрқоқ. Эсиз сен билан ўтказган шунча йиллик умрим... (*Кўча томонга югуриб чиқиб кетади*).

Аброр (*орқасидан*). Мен врачман. Меливой акага тез ёрдам кўрсатиш менинг врачлик бурчим, мен уни шундай алфозда ташлаб кетолмайман. (*Айвон томонга юради*). Ўлиб қолса товонига қоламиз-а.

Машина мотори ўт олиб, тез юриб кетгани эшитилади.

Аброр Меливойнинг юзига сув сепиб, ўзига келтиришга уринади, юзига шапатайди.

Аброр. Меливой ака, кўзингизни очинг, мен ҳозир тез ёрдам чақираман. (*Телефон рақамларини тиради*).

Меливой (*кўзини очиб, бироз ўзига келиб*). Тез ёрдам?.. Керакмас, иним. Тез ёрдам керакмас. Бу ҳолда одамлар кўзига тирик кўринганимдан кўра ўлганим минг марта аъло.

Аброр. Товонингизга қолишни истамайман. (*Телефонга.*) Тез ёрдамми? Фалокат юз берди. Ўн қўшним болохонадан йиқилиб тушди... Боши ёрилган... Бехуш... Ёшими? Олтмишдан ошган...

Меливой эмаклаб бориб, Аброрнинг оёғларига ёпишиб ёлборади.

Меливой. Мени ўзинг давола, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин. Эл-юрт маломатига қолишни истамайман. (*Телефон қулоғини тортиб олиб, Аброрга гапиришга қўймайди.*) Илтимос қиламан, ёлбораман сендан. (*Телефон қулоғини бағрига босганича юзтубан йиқилиб тушади*).

Аброр (*чўккалаб, Меливойнинг бошини тиззасига олади*). Хўп, хўп, майли, сизнингча бўлсин, лекин кўзингизни очинг, кўзингизни очинг. (*Юзига шапатайлаб, ўзига келтиришга уринади*).

Шу аснода мусиқа садолари остида чироқ ўчади.

Парда



Асқар Махам

... *Ушк, эдинг сен...*

* * *

Қачонлардир, эй зулфизарим
йўллар қолган ерларда
сенга нидо қилар ҳар сатрим
қамишзордек маънос шеърларда.

Шовулаган тераклар ҳазин
зикр этса кўҳна дуони,
мени кўргинг келса излагин
Кофарниҳон номли дарёни.

Соҳилида ўлтир-да, аста
куйла биздан қолган қўшиқни
ва ёд айла, дўстим, албатта,
тошлоқ йўлдан ўтган ошиқни.

* * *

Мени ёқди бу олов, бу ўт,
сугурди жон-жонни хурушлар.
Буткул бота бошлади вужуд
ва санчилди гул каби тишлар.

Сарҳуш эди осмон малаклар,
дарлардалар тўлганар эди.
Икки нигоҳ тусдек ярақлар,
шабранг сочлар чулганар эди.

Бу ҳаётнинг аввал, охири,
бу ҳаётнинг сўнгидир балки.
Мен ётардим бошда чориги
парку бўлган авлиё каби.

* * *

Буви нима бўлдим, қаёққа келдим,
умр — шовуллаган бир дарё экан?!
Бу дарё лабида бир балиқ эдим,
ўшандан томоғим, танглайим тикан.

Ул ҳушрўй балиқнинг кокилларига
шовуллаб-шовуллаб сувлар тегмаган.
Мен дунё дарёсин соҳилларида
бир балиқ қидириб юрган телбаман.

* * *

Мени севсанг,
севгин ўлгудек
ҳалқумингда қийрасин боллар.
Ё кундаги бошинг қўйгудек
зир титрасин
қонхўр жаллодлар.

Девонавор ишқ хурушидан
осмонларда ўқирсин чақмоқ.
Маст нигоҳлар сузилишидан
қон оқмоғи минг бор яхшироқ.

Юрагингнинг ҳар титроғида
видо сасин тинглайин бўзлаб.
Мард бир рақиб телба рашкида
майли, кетса кетсин бўғизлаб.

Мен сен билан ёнмоқ истайман
ҳинду каби олов қаърида.
Ё жом тўла заҳар ичгайман
ҳалокатли висол қасдида.

Мен оламини бузаман токи,
барбод бўлса бўлсин ишқ билан.
Барибир, бу дунёнинг хоки
шопирилиб келган қадимдан.

Тўхтамайди бу хуруж сира,
сўнмас, асло, бу қайсар бўрон.
Мен аёвсиз бўсалар ичра
жон бераман бир кун беомон.

* * *

Тониб сабру
тониб бардошдан
гўё фано даштида эдим.
Ҳаммасини итқитиб бошдан
девонадек қошингга келдим.



Сўнган эди қадимий исён,
сен истадинг қаловларини.
Борлигингни очганда, аён
қилдинг маҳшар оловларини.

Нима қилдинг, эй хонахароб,
на руҳ қолди, на қолди бадан?!
Кириб бўлмас бу оташ аро,
чиқиб бўлмас ва бу оташдан...

Бувимга

Кулбанг сенинг кунларга кунгай,
кулбанг сенинг ибодатгоҳим.
Нурсизгина кўзинга чўкай
кампир — бувим, пушти паноҳим.

Дийдорингга кетибман тўймай,
энди нима қиларман, билмам?
Изларингни кўзимга сурай
кампир — бувим, менинг муслимам.

Киндик қоним унда тўкилган,
энди ул қон кўнгил заҳридир.
Деворингга сургалиб юрган
кўпиклар-да, мендан бахтлидир.

Дил ройига бўлдимۇ тутқун,
бугун мен ҳам дилдан қарибман.
Наҳот, шоир бўлмоғим учун
жудо бўлдим сендан ғарибам?

* * *

Бу ишқ эди, гирдоб бағрида
пичирлади бир оят каби.
Поёни йўқ туғён қаърида
қолдим урён денгизчи каби.

Мени ёндир, совуқ сўнгақлар
қирсилласин чақин ургандек
ва даҳшатга тушсин юраклар
ишқ қонини ичиб кўргандек.

Мен ичдим бу оловли хунни,
бу — ишқ эди, бу — ишқ эдинг сен.
Агар гадо бўлсам бир куни
фақат сени тиланаман, мен.



Умарали Норматов,
профессор

ШАРҚУ ҒАРБ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошлари. Биз, Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) талабалари, университет аудиториясида биринчи дарсни бошлаганмиз. Рўпарамиздаги суюкли муаллимамиз Фозила Сулаймонованинг чет эллар адабиёти фанидан маърузаларини чанқоқлик билан тинглаётирмиз. Опамиз, одатдагидек, эҳтирос билан куйиб-ёниб сўзлайди; бизни Ғарб адабий дунёсига бошлайди. Орадан ўн-ўн беш минутлар ўтиб, бехос аудитория эшиги очилди, деканат ходими бош суқиб, опамизни университет парткоми йўқлаётганини айтди. Муаллима авж пардада маърузасини тўхтатиб, бизни осойишталикка ундаб, ташқарига равона бўлди. 60 чоғли талаба билан тирбанд аудитория сув қуйгандек жимжит. Опамизнинг бу хилдаги “ташрифи” тасодифий эмаслигини ҳаммамиз биламиз, аммо бу ҳақда бир-биримизга “чурқ” этиб оғиз очишга ботинолмаймиз... Гап шундаки, опамизнинг умр йўлдоши машҳур педагог, олим Ҳамид Сулаймонов халқ душмани айби билан ҳибсга олинган, шу туфайли Фозила опа қатъий назорат, таъқиб остида, махсус ташкилот ходимлари ҳафтада, баъзан кунора университетга келиб уни тергов қилишади... Ярим соатлардан кейин опамиз ранглари ўчган, рўмолчасини дам-бадам ёшли кўзларига босган ҳолда хонага кириб келди, бир неча сония ўзига келолмай вужуди титраб турди; сўнг ўзини тутиб олиб маърузани келган жойидан давом эттирди... Бунақа кўнгилсиз ҳодиса ўқув йили давомида неча бор такрорланди. Мустабид ҳукмдор вафотидан кейингина бундай таъқибу таҳдидлар барҳам топди. Биз ичкарида нима гап бўлганидан мутлақо беҳабармиз. Талаба-шогирдларгагина эмас, энг яқин одамларига ҳам опамиз бу хусусда асло оғиз очмаганлигига иқрормиз. Аммо “ичкари”да қанақа даҳшатли – фожейий тўқнашув, драмалар бўлиб ўтганлигини юракдан ҳис этиб турардик. Опамизнинг ўшандай мудҳиш кунларда ўзлигини сақлаб, давр тўфонлари чоғи капитансиз қолган оила кемасини эсон-омон олиб ўтаётгани, ҳаёт йўлдоши, устози, дўсти ишини

— илмий тадқиқотларини ва муаллимлик фаолиятини мардона давом эттирганлиги чиндан-да жасорат эди.

Фозила опа маърузалар чоғи тез-тез, аммо дона-дона қилиб русча сўзлар, мураккаб жойларига келганда ўзбекча шарҳлаб, тушунтириб ўтардилар. Вилоятлардан келган русчага заифроқ талабалар қатори мен ҳам маърузаларни ўзбекча батафсил конспект қилиб олардим. У кезлари хорижий адабиёт фани бўйича дарслик, ўқув қўлланмалари йўқ ҳисоб, фақат конспектларгина имтиҳонларда қўл келарди. Орадан салкам 60 йил ўтиб ўша гоҳ оддий қаламда ёки авторучкада ёзиб олинган конспектларни варақлаб ўтириб, бир ҳолатга лол қоламан. Опамиз Фарб адабиёти устида сўзлай туриб ўрни билан уларни Шарқ адабиёти, маданияти, илм-фани билан қиёслаб ўтар, Фарб билан Шарқ тамаддуни орасидаги муштаракликларни эслатар, опа келтирган аниқ далиллар, қисқа — лўнда таҳлиллар бизни ҳайратга соларди. Бизнинг ўлкада ҳам қадимда Фарбни лол қолдирган, Фарб тамаддуни ривожига кучли таъсир кўрсатган адабиёт, санъат, фан дурдоналари борлиги биз учун чиндан-да, ҳайратомуз, ноёб мўъжиза бўлиб туюларди ўша кезлари. Кейинчалик билсак, бу фанда компративистик — қиёсий метод деб аталар экан. Энг ажабланарли жиҳати шундаки, ўша кезлари шўро фанида бу метод қатағонга учраган эди. Биргина мисол. 1947 йили Москвада чиққан В.Жирмунский билан Ҳ.Зариповнинг “Узбекский народный героический эпос” китобида “Алпомиш” достони қадим грек эпоси “Одиссея” билан қиёсий таҳлил қилиниб, бу икки буюк бадий обида орасида кўплаб муштаракликлар борлиги айтилгани учун тадқиқот муаллифлари таъқиб таҳдидга дучор бўлган эдилар.

Ана шундай даҳшатли дағдағалар ҳовури ҳали босилмаган кезларда “адабиёт фанини социал курашдан, жамиятдаги синфлар курашидан ажратиб”, Шарқу Фарб орасидаги муштаракликларга тортиш чиндан-да илмий жасорат эди. Опамизнинг ўзлари кейинчалик чоп этилган “Шарқ ва Фарб” китобларига ёзган сўзбошисида кўп йиллар давомида Тошкент Давлат университетидан чет эллар адабиётидан дарс ўтиб, тадқиқот олиб борар экан Шарқ ва Фарб маданиятлари ҳамда адабиётлари орасидаги муштараклик ҳамшиша ўзини қизиқтириб келганлигини эътироф этадилар. “Аммо илмий адабиётда бу ҳолатни ёритувчи асарлар яқин вақтгача ёзилмаган. Борлари ҳам кўпинча европацентризм нуқтаи назаридан, Шарқ халқлари, Марказий Осиё халқлари маданиятини менсимаслик нуқтаи назаридан факт ва воқеаларни талқин қилади”, деб ёзадилар афсуснадомат билан.

Халқлар кечмиши, тарихини суриштирмай ўтмишимизни нуқул зулмат, мудҳиш қолоқлик, диний жаҳолатдан иборат деб аташга кескин қарши эди опамиз. Айниқса, ўтмишда “халқимиз саводсиз, ялангоёқ бўлган” деган иснодларга асло тоқат қилолмасди. Ҳар куни радио орқали айтиладиган қўшиқда “Ким эдик тарихда биз номи кул, қашшоқ, гадо”, сатрлари бонг уриб турган кезлари опамизнинг маърузаларида ҳеч қанақа шиорбозлик, тарафкашликларга бормай аниқ, далил-исботлар орқали табиий равишда Шарқ адабиёти — маданияти илғор Фарб тамаддуни билан тенг деган эзгу ғоя қалбларимизга сингдириларди. Ўттиз йил қалбида ардоқлаб юрган, дарсхоналарда суюкли шогирдларигагина раво кўрилган ана шу эзгу фикрлар, тўпланган бой материаллар, дил сўзларини матбуот орқали айтиш имкони йўқ эди ўша замонларда. Ниҳоят, истиқлолимиз эълон этилган қутлуғ 1991 йили “Фан” нашриётида ўша кўнгилдаги ҳазина

“Шарқ ва Фарб” номи остида китоб бўлиб чиқди. Ниҳоят, 1997 йили у янада такомиллаштирилган, янги салмоқдор қисм билан тўлдирилган ҳолда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилди. Фозила опамизнинг ўзбек ва хорижий тилларда чиққан қатор илмий мақолалари, “Шекспир Ўзбекистонда”, “Люсьен Левен” монографиялари, у нашрга тайёрлаган “Навоий асарларига ишланган расмлар”, “Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар”, “Низомий “Хамса”сига ишланган расмлар” альбомлари ўзимизда ҳам, жаҳон илм аҳли томонидан ҳам эътироф этилган. Шундай бўлса-да, “Шарқ ва Фарб” олиманинг бош китоби бўлиб қолажак. Айни шу Шарқ ва Фарб алоқалари соҳасидаги тадқиқотлари учун олима мамлакатимизнинг “Буюк хизматлари учун”, Франциянинг “Академия пальмаси” орденларига сазовор бўлган. Бу китобнинг беқиёс, ибратли жиҳатлари кўп. Улардан айримларини айтиб ўтсам дейман.

“Шарқ ва Фарб”, аввало, адабиётшунос олиманинг асари, муаллиф биринчи галда Фарб ва Шарқ адабий алоқаларини тадқиқ этишга жазм этади. Аммо бу жиддий муаммони соф филологик йўл билангина ҳал этиб бўлмаслигини назарда тутиб, Шарқ ва Фарб орасидаги тарихий-ижтимоий, илмий-фалсафий, диний, маданий алоқалар билан боғлиқ ҳолда кенг кўламда текшириш йўлидан боради. Бу соҳаларга доир ўзимизда ва хорижда кўплаб тилларда яратилган бир неча юзлаб манбаларга таянган ҳолда мулоҳаза юритади. Бугина эмас, айни пайтда, у таржимашунос, манбашунос-матншунос, санъатшунос сифатида ҳам иш кўради. Олима талқинида Шарқ ва Фарб тарихий-ижтимоий, илмий-маданий, адабий алоқалар кўлами, бир-бирига таъсир доираси шу қадар кенг, самарадорки, улар билан танишган китобхон ҳайратдан ёқа ушлайди. “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз”, деган доно нақлнинг ҳақлигига чин дилдан яна бир бор иқроор бўлади. Афсус, бугунги ёш тадқиқотчиларда мана шундай кўламдорлик, турли ёндош соҳалардаги манбалардан хабардорлик, турли-туман ишончи фактлар тили билан сўзлаш маҳорати етишмайди. Ахир, ҳар қандай эзгу даъво атрофлича исботини топгандагина илмий-маърифий қимматга эга бўла олади.

Китобда Шарқ ва Фарб маданий-адабий алоқалари талқинидаги ҳолислик асарга алоҳида жозиба бахш этади. Муаллиф европацентризм ғоясини асосли равишда рад этади, шу билан баробар ҳеч қачон Шарқ билан Фарбни бир-бирига қарама-қарши қўймайди, бирини устун санаб, иккинчисини камситмайди. Ўз навбатида, адолат юзасидан ҳар бир халқ маданиятида юксалиш ва таназзул даврлари бўлганлигини очиқ-ойдин айтаверади. Бирор миллий адабиётда пайдо бўлган буюк ихтиро, мақбул тажрибаларнинг бошқа халқлар адабиётига кўчиб ўтиши, янги-янги изланишлар, кўтарилишларга туртки бериши табиий бир ҳол эканини Шарқ ва Фарб маданияти, адабиётининг кўп асрлик тарихи мисолида аниқ далиллар орқали кўрсатади.

Чунончи, китоб муаллифи антик адабиётда Марказий Осиё мавзусига оид кенг маълумот, мулоҳаза-мушоҳадалардан кейин Александр Македонский ва унинг Марказий Осиёга юриши, Фарбда яратилган Александр ҳақидаги асарлар ва шоҳ образининг эволюцияси, сўнгра Александр Македонский тимсолининг Шарқ адабиётидаги талқинлари хусусида батафсил тўхталади. Бу мавзуга оид асарлар орасида ҳазрат Навоий қаламига мансуб “Садди Искандарий” дostonидаги талқин ўзига хос, бетакрор, бутунлай янгича экани очиб берилади. Улуғ дostonнавис

“Садди Искандарий”га қўл уришдан олдин бу тарихий сиймога оид кўплаб тарихий ва адабий манбалар билан танишиб чиққан; ўз достонида уларни мутлақо такрорламаган ҳолда тамомила ўзгача йўлдан борган. “Садди Искандарий” тарихий асар, жангнома ҳам эмас, шоҳ биографиясини ҳикоя қилувчи солнома ҳам эмас, унда шоҳ образини идеаллаштириш ҳам йўқ. Достоннавис тарихчи эмас, даҳо шоир-ижодкор сифатида Искандар тимсоли орқали ўзини, замондошларини қийнаётган, ҳаяжонга солаётган маънавий-ахлоқий муаммоларга эътиборни тортади. Шоҳни оддий шахс, тирик инсон сифатида кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатади, унинг кечмиши, қилмиши, қисмати баҳонасида башарият учун мангу ибрат, сабоқлар чиқаради. Буюк шоирнинг ижодий кашфиётини олима ана шулардан қидиради.

Гарчи “Шарқ ва Ғарб” китобида илгари сурилган бундай талқиннинг бугунги замонавий адабиётимиз учун аҳамияти ҳақида гапирилмаган бўлса-да, хушёр китобхон буни юракдан сезиб, ҳис этиб туради. Ҳазратнинг бу борадаги ижодий сабоғи замонавий тарихий романчилигимиз учун қўл келганлигини тасдиқлайдиган ёрқин мисоллар кўп. Чунончи, Одил Ёқубов “Кўҳна дунё” романида айни шу йўлдан борган. Ёзувчи “Тарихчи олим иши тугаган жойда ёзувчининг иши бошланади”, деган нақлга амал қилиб, романда тарихий шахслар — Ғазнавий, Беруний, Ибн Синолар биографиясини батафсил ҳикоя қилиш, тарих ҳақиқатини айнан қайта гавдалантириш эмас, бу буюк сиймолар орасидаги мураккаб, чигал ва кескин драматик муносабатлар ифодаси, бадий талқини орқали ўқувчини қалбларни ларзага соладиган жонли манзаралар оламига олиб киради; ҳодисалар моҳияти — бу кўҳна дунёнинг ҳамма замонлар учун сабоқ, ибрат бўладиган аччиқ ҳақиқати устида ўйлашга, фикрлашга, баҳслашишга ундайди. Эҳтимолки, бир вақтлар Миллий университетимизда таълим олган, Фозила опамизнинг маърузаларини тинглаган адибимизга кейинчалик “Кўҳна дунё” устида ишлаган чоғларида муаллиманинг “Садди Искандарий” хусусида айтган мулоҳазалари асқотган бўлса ажаб эмас.

Ниҳоят, “Шарқ ва Ғарб” китобининг яна икки муҳим жиҳатига ўқувчилар эътиборларини тортмоқчиман.

Китобнинг 213-саҳифасида олима ҳозирги жаҳон тамаддуни инқирози хусусидаги бахслар устида сўз очиб мана бундай мулоҳазаларни ўртага ташлайди:

“Сўнгги йилларда Оврүподаги у ёки бу мамлакатнинг донишмандлари маданият кризиси, танглиги, инсоният боши берк кўчага кириб қолганлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Бу кризис маданият кризиси эмас, балки рационализм, материализмга асосланган маданият танглиги деб ўйлайман. Большевизм, коммунизм мафкурасида одамлар абстракт тафаккур, яхшилик нимада, ёвузлик нимада эканлиги ҳақида бош қотиришдан маҳрум бўлдилар. Натижада, маънавий дунёмиз қашшоқлашди, ҳалол-ҳаромни унутдик, ҳамма нарсага эътиборсиз бағритошга айландик.

Ўтмишдаги буюк зотларнинг гениаллиги рационализм ва материалистик таълимотни ислом динига хос бўлган сирли борлиқ, ҳаёт, инсон ҳар бир ҳодиса ва шахсга ижодий ёндашувни тасаввуф фалсафаси билан уйғунлаштирганлар. Шу тариқа улар фанда буюк кашфиётлар яратишга муваффақ бўлганлар”.

Нақадар теран, ўй-мушоҳадаларга ундовчи ибратли мулоҳазалар!.. Китоб интиҳосида олима унда қўйилган муаммоларни бир китоб доирасида атрофлича ҳал этиш асло мумкин эмаслигини, бу қутлуғ иш давом эттирилиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтади. Президентимиз Ислоҳ Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарурлигини, бу масалага бугун етарлича аҳамият берилмаётганлигини таъкидлаб қуйидаги вазифаларга эътиборимизни жалб этадилар: “Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим... Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албатта ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият ғоят зарур. Шунини унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи – худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмади”.

“Шарқ ва Ғарб” китоби муаллифи бу борада бошлаб берган тажрибаларини янги босқичга, янада кенгроқ миқёсларга кўтаришда Президентимизнинг маслаҳатлари адабиётшуносларимиз учун дастурил-амал бўлажак.





Умидлардан гуллаган тиллағ

Ойгул Асилбек қизи

* * *

Эртак қилиб ёрдим дилимни,
Ишонмоққа эртак зўр эди.
Ишққа топиндим, ишқ сенинг
Кўнглингача узун йўл эди.

Тошлар осдим қадамларимга,
Гоҳи юрдим яланг оёқли.
Азоб чекиб, ҳузурингача
Етиб бормоқ қандай мароқли.

Тунларимни ўради тунлар,
Кунларимни кунлар ёндирди.
Бу йилларга ўзимни бердим,
Йиллар мени менга қолдирди.

Сиқилмагин, жажжи юрагим,
Оғирлигим қолмайди бир кун.
Етиб борай унинг ёнига,
Умидларим гуллайди бир кун.

Яқин келдим кўнглингга, чоғи,
Лекин ҳамон йўлларга элман.
Мен то сенга етгунча Лайли,
Ундан кейин ким бўлгим, билмам.

* * *

Оқшом бўйи осмонда сузган
Булутларнинг ранги қорамтир.
Уни мандан ажратиб турар,
Тунчироқдан оқаётган нур.

Мен гулларнинг сочини ўрдим —
Эрмак қилдим ёлғизлигимдан.
Башорат қил, эй лўли аёл,
Бахтли ёки бахтсизлигимдан.

Деразамга урилди чақмоқ,
Бор арази, кинлари билан.
Қулаб тушди турган шамчироқ,
Найзасимон нурлари билан.

Этагини силкитди шамол,
Туман каби оқшом тарқалди.
Ўнг кафтимга чизилган йўллар,
Бахтлисан, деб мени алдади.

Ҳамон гуллар сочин ўраман,
Эрмак қилдим ёлғизлигимдан.
Башорат қил, эй лўли аёл,
Бахтли ёки бахтсизлигимдан.

* * *

Шаҳар, йўллар. Оқади умр,
Кўчаларда ҳаёт қайнар шан.
Оқшом. Тунги чироқлар бир зум
Ҳайратдан тик қотиб қолган шам.

Энди нима аҳамияти бор,
Ёмғир, туман, кузги шамоллар?!
Мен уларни ташладим, кетдим,
Мени ҳам тарк этди ҳаёллар.

Ортда қолган чорак умримни
Хазонларга тенг қилганимни,
Олисларда билмайди отам
Бу ҳаётга енгилгаимни.

Мен атаймас, уриндим, бироқ,
Етолмадим умидингизга,
Тақдир билан тўғри келмади
Юлдузимиз юлдузимизга.

Балки дунё ростдан кенг эди,
То уни мен билмаган замон,
Кўз олдимда ўша кенгликлар
Кўринарди панжарасимон.

Бунинг нима аҳамияти бор,
Хазонрезги, тўзгин шамоллар.
Мен уларни ташладим, кетдим,
Мени ҳам тарк этди ҳаёллар.

Гўзалои Солиҳ қизи

* * *

Мен – ёлғиз томчиман, шаффофгина дур,
Недан яралганим ўзим билмайман.
Булутларга боқсам қиламан ҳузур,
Ерда тутунларга ҳавас қилмайман.

Мен – гунча юзида шудринг донаси,
Баҳор ёмғиридан қолган томчиман,
Куйган юраклардан силқиган кўз ёш,
Тилсиз кўнгиллардан сўзлар фолчиман.

Менман – қутлуғ дарддан томиб – томчилаб,
Умидлардан гуллаган тилак,
Бутун дунё аксин бағрига олган
Яхшиларга сабр тилаган эртак.

* * *

Сўрадим сени
тунлари бедор,
юлдузлардан, ойдан сўрадим.
Сўрадим сени
ҳар бир гиёҳдан.
Кундузлари кундан сўрадим...
...Изладим сени
тўрт томонимдан,
осмондан, ердан изладим.
Қушларнинг чуғурлашидан,
гулларнинг шивирлашидан
изладим сени.
Кўнгил боғидан,
ишонч масканининг
улкан тоғидан
изладим сени
ёлғиз.
Аммо тополмадим,
топмадим, нетай?
Айт, қайлардасан
дардим малҳами?
Садо бер, соғиндим,
кўнглим ҳамдами.
Изладим сени...

* * *

Кўзларингда нима бор эди,
Ўша онда, ўша лаҳзада?
Нигоҳингни титроқларидан
Қолиб кетди дилим ларзада.

Кўзларингда нима бор эди,
Недир титрар эди лабингда?
Боққанингда оловландими
Кул босган чўғ яна қалбингда?

Кўзларингда нима бор эди,
Ҳайратмиди ёки рашкмиди?
Лоқайдгина тикилган унсиз
Кўзларимдан ётсирашмиди?

Кўзларингда нима бор эди,
Айтгин, нечун англаёлмадим?
Менга бир сўз демаганингдак,
Сенга бир сўз сўзлаёлмадим.

Кўзларингда нима бор эди?!

Дилноза Муродова

* * *

Қандай гўзал оқшом, қандай гўзал ёз,
Юрагимда гунчалар очмоқда чирой?
Гўзал борлиқ нурдан қилганми пардоз,
Орзуларим тинглаб тўлишганми ой?

Туннинг кенг барглари бағримга инган,
Арча игначалари журъатим тоблар,
Мен бутун борлигим бердим шу кечга,
Терак шошганича юрагим оқлар.

Кипригим силайди туннинг қароси,
Кўзимга Ватан деб қўнар юлдузлар.
Шу тупроқ, шу ернинг меҳригиёси
Пойимга тўшалиб ривоят сўзлар.

Юрагим сирини чорлар қушчалар,
Асиллик олдида алдовим ожиз.
Менинг юрак сирим – шундай кечалар,
Фақат, бунда мен бўлмайин ёлғиз.

* * *

Кўзларим тубига қачон экдинг
Юрагимда яшаган ишқ исмини?
Ўрик гуллагандек билмай қолибман,
Гуллатибсан дунёнинг баҳт қисмини.

Гўё адашиб қолган менинг кўзларим,
Қарашар ҳавасу ҳайрат хизмида.
Ўзим англолмадим, улар билмади,
Эгиларкан дунё севги измида.

Лаҳзаларни ҳатто ўзимдан қизғониб,
Гумон хаёлларга бўлмайин тутқун,
Сени ўйлайман, мен, янада ёниб,
Гўзал кўзлар билан яшашим учун.

* * *

Сен борсан,
сен борсан,
яшайвераман,
Сен борсан
гулларга ўхшайвераман.
Жилмайган юракни
кўзимда кўриб,
Кўзимга кўзгулар,
тўшайвераман.

Майлида, севилмоқ,
майлида, севмоқ,
Муқаддас неъмату
инъом эмасми?
Ўзини унутган,
ўзини топган,
Иккига бўлинган
бир жон эмасми?

Изоҳ йўқ, сўроқ йўқ,
бариси лоддир,
Аччиқ соғинчу
ширин хаёлдир.
Ишонмоқ керакдир,
ишонмоқ керак,
Юрак — юрак бўлган,
лаҳза дийдордир.

* * *

Умидли қушчага тор бўлма осмон,
Кенгликларда қанот қоқмоқ истайман.
Мавж уриб, тўлқини тоғ ошган уммон
Мавжида сел бўлиб, оқмоқ истайман.

Ўзбегим бағрида унган лоламан,
Лоладек ол рангли, қадим тарихсан.
Фитрату Чўлпондан учган ноламан,
Нечун ғамли оҳанг — маъюс, ҳақирсан?

Устозим ўғитин қалбимга жойлаб,
Шеърят боғида ўсиб, унгайман.
Дилимни муқаддас туйғуга бойлаб —
Халқимга фидо бўлмоқ истайман.

Илму ҳикмат била юртин безаган
Буюк боболарим нурли изиман.
Истиқлол нуридан яшнаган чаман,
Хур ўзбек элининг ўзбек қизиман.

* * *

Дўстим айтди бирда:
“Гулларни узиб,
Ўзгага бермоқ боз, кўп эмас маъқул.
Менга қолса, ҳеч ҳам гулзорда туриб
Гулга гул бермасдим, сунбулга сунбул.

Ҳайратим кўп яна, уза берарлар
Бўлса-бўлмаса-да, ниёз гулларни
Ва, ажаб, нақлар туза берарлар,
Қабрларга қўйиб қоғоз гулларни.

Гулларни узмоқдан энг интиқ ғараз
Мушқларга чўмилмоқ эмасми, ахир?
Бекор қўймайдилар гулларга ихлос,
Хушбўйлардан бўлар гулқанду қағир.”

Аммо, мен дўстимнинг тамоман акси,
Гул ҳади этсалар, мендан йўқ бахтли.
Гул кирган хонадон жаннат нафасли,
Гул берар мард аҳдли, чин муҳаббатли.

* * *

Фано йўли оз фурсат,
Умр унда бир бекат.
Рўёмас чин муҳаббат,
Бахтим жамолинг кўрсат.

Туйғулар тошқин уммон,
Роҳат бахш этар бўрон,
Писандмас ҳижрон борон,
Бахтим жамолинг кўрсат.

Мавжуда Эшқобилова

* * *

Хаёлларим мени етаклар қаён,
Олтин япроқчалар маъюс ва маҳзун?
Пойимга тўшалган хазонлар шу он
Қалбимни тингламас, сўзларим беун.

Одимлаб бораман, йўллар чексиздир,
Фалак ҳам бошини эгиб йиғлайди.
О, ёмғир эмас, у — кўз ёшларимдир,
Ҳамон юрагимни ўкинч тиглайди.

Билмайман, бардошим топарми якун,
Аламдан қурилган мустаҳкам девор.
Метиндек деворни қулатсам бир кун
Юрагим тубида қолмагай губор.

Мен у бахтли кунни кутиб яшайман,
Бир куни қаршилар ногоҳ, саодат.
Хазонлар ўрнига гуллар тўшайман,
Муҳаббат боқийдир, қалбларда абад.

* * *

Юрагим соғинчдан титрайди ҳамон,
Не учун қалбимга кирдинг сўроқсиз?
Бугун изтиробдан ўртагай ҳижрон,
Мен сенсиз яшайман, сен эса менсиз.

Ортимизда қолди гуллаган боғлар,
Нечун эрта келди хазонрезги куз?
Армон-ла битилган дилдаги доғлар,
Мен сени эслайман, қумсайман ҳаргиз.

Эрта баҳор эди, мактубинг олдим,
Унда тизилганди маржонлар ипсиз.
Соғинчли сўзлардан хаёлга толдим,
Кўз ёшим дарёдек, сўзларим унсиз.

Ҳали ўқилмаган мўъжаз асардек
Нечун якун топди мағрур севгимиз?
Ногоҳ ғийбатлардан толиққан қушдек
Ҳар томонга кетдик бизлар — иккимиз.

* * *

Мана, қаршиладим хазонрез кузни,
Ёмғир шитирлайди, майин ёғади.
Атрофга боқаман, излайман кимни,
Армон юрагимга гулхан ёқади.

О, бундан кучлироқ изтироб борми,
Қалбимнинг сўзларин сўзломмайман, йўқ.
Ҳаммага кенг дунё бир менга торми,
Ногоҳ юрагимга санчилади ўқ?!

Омонат дунёдир, вақтим ўтмоқда,
Ғанимат саналур ҳар бир сония.
Билмадим, бизларни нима кутмоқда,
Мунгли хаёлларим топмас ниҳоя.

Умидли, қайғули тақдирим шудир,
Кимсасиз саҳронинг менман гадоси.
Ҳали айтилмаган дардларим кўпдир —
Армонли қалбимнинг сирли нидоси.





Мўмин Ҳошимхонов,
фалсафа фанлари номзоди

МАШРАБ СИЙМОСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Атоқли адиб Шухрат узоқ йиллар мобойнида Машрабнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиб, у ҳақда мўжаз роман ёзган эди.

Маълумки, Машраб XVIII аср ўзбек адабиётининг катта истиснодга эга бўлган, нурли сиймоси сифатида нодир шахсиятга моликдир. Унинг ҳаёти ва ижоди афсонаю ривоятларга бой. Негадир, адиб ҳаётлик даврида ушбу асарни эълон қилдиролмаган. Роман 1998 йилда “Шухрат ҳаётига назар ва у ҳақдаги хотиралар” номли китобда нашр этилди.

Шухратнинг романида Машрабнинг болалигидан, йигитлигининг дастлабки давригача бўлган ҳаёти, яъни, толиби илмликка йўналган даври қамраб олинган деса бўлади. Асар етти ички қисмдан иборат бўлиб, улар номланишининг ўзиёқ, ёш Машрабнинг руҳиятида кечаётган нурли туйғуларни, ғамгин кечинмаларни англатиб туради.

Инсон ёшлиги ҳайратдан иборат дейиш мумкин. Айниқса, балоғат ёшига етган ёшлар ўз атрофида кечаётган, содир бўлаётган ҳамма нарсага лоқайд бўлолмайди. Унинг учун ҳамма нарса қизиқ, табиату инсонларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатида ажиб бир гўзаллик кўради ва у оҳанграбодек кишини, айниқса, Машрабдай фавқуллода мусаффо ҳис-туйғуларга бой бўлган инсонни ўзига ром қилиб қўяди. Шухрат романи ақл-заковати барк уриб, туйғулари мавжланиб турган Машрабнинг ана шу ҳайратларга тўлиқ руҳий оламини тасвирлашдан бошлайди.

Машраб қалбида чайқалиб турган туйғулар тўлқинининг тошиб, шоирнинг ички оламида ўзи ҳам англаб етмаган ажиб ҳолатларни, ўй-кечинмаларни пайдо қилган куч Машрабнинг Арзигулга дуч келишидан бошланади. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи асар қаҳрамонини Арзигул билан учрашуви орқали Машраб онгида, шуурида, бутун ҳаётида янги кун бошланганлигини шоирона самимият билан ифодалайди. Тасвирдаги бу руҳ асарнинг оҳирги саҳифасигача сақланиб қолган.

Романда ёзувчи Машрабни оилавий шароитида кўрсатганда ҳам, тут тераётган Арзигул билан тасодифий учрашуви тасвирида ҳам, ўз даврининг етук уламси мулла Бозор оҳундга шогирд тушиб, ундаги илм дарёсидан баҳраманд бўлган, устози фахрланадиган даражага етган, устоз ва шогирд ўртасидаги самимият, меҳр ва эътиқод камол топган, Машрабнинг олимлик ва шоирлик иқтидори эл орасида ҳавас ва эҳтиром туйғуларини уйғотаётган, Куръон қироатида ҳаммаинг меҳрини қозонган асар қаҳрамони фаолияти унинг ташқи ҳаракатлари билан эмас, балки Машраб бошидан кечаётган инсоний муносабатларию, Арзигулга бўлган сўнмас муҳаббати тўғрисида чуқур руҳий кечинмалари, қувонч ва шодликлари, алам ва изтиробларга берилиб ҳаёл суришлари, маълум бир фикрий хулосалар чиқариш жараёнларини чуқур тасвирлашни диққат марказига олади. Адиб Машрабдай улуғ зотнинг ёшлик даврини, унинг ижтимолий шахс сифатида шаклланаётган йигитлик даврини, қаҳрамоннинг асосан ички дунёсини очишни мақсад қилиб кўяди ва бунга эришади. Китобхон кўз ўнгида пок қалбли, тўғри сўзли, эътиқоди мустаҳкам, аҳдига вафодор, ўткир истеъдод эгаси, етук ахлоқий фазилятлар мужассам бўлган ёш, нурли бир сиймо шаклланиб келаётганлиги аниқ гавдаланади.

Аммо, назаримизда, Шухрат “Машраб” романини охирига етказа олмаганга ўхшайди. Бунга ёзувчининг ҳасталиги имкон бермаган дейиш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки, Шухратдай тажрибали ёзувчи бошлаган ниятини охирига етказмай, ташлаб қўйиши мумкин эмас эди. Ёзувчи ўзи ҳаёт бўлган вақтида асарни эълон қилишга шошилмаслигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Асарда Машрабнинг болалиги, ўсмирлик йиллари ва айнан йигитлик давридаги муҳаббатга мубтало бўлган кезлари ҳақида ҳикоя қилинган. Романнинг биринчи қисми “Қоши қаросини кўринг” деб номланган. Унда Наманганнинг қирқ кокилли, тили чучук қизлари, уларнинг хилча бели, ўзига хос тили, талаффузи тасвирланади. Айни тут пишиғи пайтида бир тўп дуркун ёш қизлар тут қоқаётганда, Машраб беҳосдан тут тепасида тутни силкитиб, қоқаётган қизга кўзи тушади. Қиз шунчалик чиройли ва жозибали эдики, Машрабга шўх-шодон қиз тут қоқиб берайми, деб сўраганда:

— Сиз қоқсангиз, қанча бўлса еганим бўлсин! — деб жавоб беради. Шундагина, истиҳолога берилган қиз тутдан тушиб ўзини панага олади, лекин уларнинг кўзлари тўқнашиб, юраклари алланечук уриб кетади.

Қизнинг кўриниши сулув: “Қиз эмас, пари дейсиз, қош-кўзи келишган, гунча даҳан, оғзидан шакар тўкилади”. Машраб қизни кўргач, вужудида аллақандай ўзгариш юз беради. “Умри бино бўлиб бунақа истарали қизни кўрмаган. Ҳалигина ердан териб олган тутнинг қўлидагиси қўлида, оғзидагиси бўғзида қолди”. Арзигулнинг ҳам нозик қалбидан кучли туйғулар эпкини уфуриб ўтади. Машраб илк бор тасвири қийин ҳислар оғушида маст кишидек ҳуш-беҳуш қолади. “...Кутилмаган учрашувдан карахт бўлиб қолган Машраб тўрвасини йўқотган гадодек талмовсираб, бошини қуйи солиб боради. Ўзи нима гап? Бутун вужуди ўт бўлиб ёниб кетяпти. Умрида ҳеч бунақа бўлган эмас. Ҳа, тиззасида ҳам қалтироқ-а! Оғир юк кўтаргани йўқ-ку, ё чарчадимми? Нимадан чарчайди? Тутга чиққани йўқки, оғир толиққан бўлса! Тутда қиз, Арзигул

эди-ку! Ҳа, ростданам, қиз нима деди-ю, у нима деб жавоб қилди, нега қиз тутдан ўзини ташлаб қочди?”

Хуллас, Машрабнинг мурғак қалбида илк бор севги “майса” си ниш урди. У энди ошиқ. Ошиқлик туйғуси унга ҳаётни минг чандон гўзал қилиб кўрсатади. Айни пайтда изтироблари ҳам бор. Унинг оёқлари беихтиёр турли ҳовлига томон юради. Кўзлари “ўша” қизни ахтаради.

Романнинг бошланиши муаллифнинг ижодий ниятини англантиб турибди. Адиб асарида Машрабнинг буюк муҳаббат эгаси эканлигини кўрсатиб бермоқчи. Лекин, Машраб ҳаёти ҳақида ёзилган турли маноқиблар ва тарихий китоблардагидек уни ёшлигиданоқ қандайдир мўъжизалар соҳиби қилиб эмас, оддий, жонли инсон тарзида, барча одамларга хос муҳаббат эгаси сифатида тасвирлашга уринган. Муаллиф романнинг илк саҳифасидаёқ Машрабнинг муҳаббати тўғрисида ёзиши ҳам бежиз эмас. Оташзабон шоир тақдирида мажозий ва илоҳий ишқнинг нақадар катта ўрин тутганига ишора ҳам бор бу ерда.

Бошига сават кўтариб кетаётган кекса аёлнинг саватини манзилига элтиб берган Машраб офатижон қиз ҳақида ғазал ёзади, қизнинг исми Арзигул бўлиб у тамоман Машраб қалбини ром этган эди.

“Машраб” романининг иккинчи қисми “Болалик” деб аталган. Адиб бу қисмда Машрабнинг қўшни Отин бибида дастлабки таълимни олганлиги, кўчадан олгин танга топиб келганда отаси уни ўша жойга ташлаб келишини айтганлиги, вақтида тангани жойига қўйиб келмагани учун мулла Вали ўғли Бобораҳимга тарсаки туширгани, унга ҳалолликни ўргатгани тасвирланади. Вояга етаётган Машрабни отаси мулла Бозор охунд ҳузурига олиб келиб, унга сабоқ беришини ўтинади. Кичик қийиқчада туҳфа, бир беқасам тўн билан кириб келган Машраб ва унинг отаси мулла Валини Бозор охунд илтифот ила кутиб олади. “Онаси қорнида гапирган бола шуми?” деб сўраши, у Машраб ҳақида олдин билганлиги ва шунинг учун уни мамнуният билан қабул қилиши романда ёрқин ёритилган. Илм олаётган Машраб маҳсидўз отага ёрдам беради, бўш пайтларида устози мулла Бозор охунддан сўраб олган Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” ини мук тушиб мутолаа қилади. Бундан ота хурсанд, чунки ўғлини ўзига ўхшаб косиб эмас, ўқимишли киши бўлишини тилайди ва Машрабнинг катталардек фикр юритиши ота дилини шод этади.

Бунда муаллиф, аввало, Машрабдаги покдомонлик, ҳалоллик, бировнинг мулкидан, бойлигидан ҳазар қилиш, аслида, оилада, ота-онаси тарбияси воситасида шакланган, демоқчи. Иккинчидан, адиб маноқибдаги воқеани оригинал тарзда талқин қилишга уринган. (Очигини айтганда, узум воқеаси фалсафий-теологик жиҳатдан кучлироқ таъсирга эга). Мазкур қисмда Машрабнинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини берилиб ўқигани баён этилган. Муаллиф бу эпизодга маълум даражада ички ишоралар юклаган. Отаси топиб слинган пулни жойига ташлаб келиш воқеаси муносабати билан уни хафа қилиб қўйганини тушунади (чаккасига шапалоқ тортиб юбориш ҳодисаси). Шу боис уни хурсанд қилиб “гуноҳ” ини ювиш тараддудига ҳам тушиб қолади: варрак ясаб унга қувонч бағишламоқчи. Қайси боланинг варрак учиргиси келмайди? Варрак учирганда ўғлининг қийқириб шодланганини кўрмоқчи бўлган Вали бобо Машрабнинг фикри-хаёли, ўйи бошқа нарсада эканлигини

сезиб танг қолади. Уни варрак учиршдан кўра, китоблар ўзига кўпроқ жалб қилади. Машраб “Юсуф ва Зулайҳо”ни ўқиркан, ошиқликнинг ҳар қандай одам ҳам илғай олмайдиган нозик жиҳатларини қалбан туяди. Зулайҳо бир уйда ўтирган ҳолда, ташқарида, отлиқлар орасида севгани Юсуф ҳам ўтганини сезади. Бундан Машраб ҳайратга тушиб, ҳаяжонга келади. Ахир, у бунга ишонмай, тасвирни рад қилиши ҳам мумкин эди. Лекин, у дostonда тасвирланган воқеанинг реаллигига чин дилдан ишонади. Негаки, ҳақиқий ошиқ, муҳаббат нималигини билган, ҳис қилган кишигина бунга ишониши мумкин. У отасига буни шундай изоҳлайди: “Оти бошқаларникидан фарқ қилмайди. Қаёқдан биласан, дейишса, Зулайҳо, ҳамманинг оти ерга оёқ қўйиб юрса, Юсуфники менинг кўксимдан босиб ўтади, садоси юрагимдан келади, деб жавоб қилади. Зулайҳо Юсуфнинг маъшуқаси-да!” Ўғлидан бундай изоҳни эшитган ота ҳайратда қолади, аммо буни ўғлига билдирмайди. Шунчаки заминий севгига дучор бўлган киши муҳаббатнинг бундай “фавкулудда, самовий” ҳолатларини нозик тушуниши қийин. Мазкур эпизод воситасида муаллиф Машраб қалбида пайдо бўлаётган муҳаббат оддий инсон юрагида уйғонадиган севгидан нимаси биландир бошқачароқ эканига, ундан кучлироқлигига ҳам ишора қилган.

Шухрат романининг учинчи қисмини “Шайдо кўнгил” деб атаган. Унда шундай гўзал жумлалар бор: “Ёрнинг ўзидан ҳам ҳаёли ширин!”

Ўша, тут силкитиб берган Арзигул қаерга ғойиб бўлди, деган уйда ўсмир Машраб тут атрофидаги уйни мўлжаллаб айланиб юради. Ҳадеганда, қиздан дарак тополмаётган Машраб қаршисидан бошида сават кўтарган хола чиқади. Машраб холанинг саватини қўлидан олиб, манзилга етказиб беради ва сирли жилмаяди. Машраб Чорсуга бориб ўша эшикни топади, аммо, қизлар унинг аллақачон кетганлигини айтишади. Ҳафсаласи пир бўлган ошиқ йигитча уйига қайтади.

Отанинг ўғитлари ва ўғлининг илмга интилиши асарда жонли чиққан.

Мактабдор мулла Бозор охунд толиблари орасида алоҳида ажралиб турган Машраб ва Лутфилла исмли толибни рамазони шарифда Қуръонни ўқишга ўтказмоқчи эканлигини айтиб, уларни имтиҳон қилади. Аммо, ҳаёли Арзигулда бўлган Машраб ва Лутфилланинг танланганлиги, уни хушёр торттиради ва пирининг ихлосини қайтариб қўймаслик учун Машраб эътибор билан, жиддий ва қироат билан Қуръон мутолаасида устозининг эътиборига эришади.

Хуллас, у шогирд сифатида мулла Бозор охунднинг меҳрини қозонган. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу қисмда китобхон мулла Бозор охунднинг пешқадам уламолардан бўлганини англайди. У шунчаки оддий мактабдор эмас, риёзиёт, фалакиёт, мантиқ ва фалсафадан ҳам чуқур хабардор. Айни пайтда, унинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати кўпчилик уламоларникига ўхшайди. “Машраб севимли устози мулла Бозор охунднинг ҳам юрагида анча-мунча ғам-андуҳи борлигидан” огоҳ бўлади. Ҳарҳолда, ёзувчи мулла Бозор охунд тимсолини ижобий хусусиятлар эгаси сифатида тасвирлаган.

Романнинг тўртинчи қисмини адиб “Мулла Бозор охунднинг севимли шогирди” деб атаган ва бунда устозининг “Домланинг талаби талабани мулла қилади” деган жумлага амал қилишини, у Машраб ва

Лутфиллага қарата айтиб, уларни Куръон қироатига солгани, ҳар бир жумла, Куръон талаффузи устида ишлагани баён этилади. Мулла Вали ўглининг Куръон қироатига тушганидан хурсанд ҳолда мулла Бозор охундга маҳси калиш тухфа қилгани тасвирланган. Катта жомеъ масжидида рамазон бошлангач, мулла Бозор охунд уларни таровеҳда Куръон тиловатига қўяди ва мулла Вали унда иштирок этиб ўглидан фахрланади.

Ёзувчи романнинг бешинчи қисмини “Висол онлари” деб номлаган. Бунда мулла Вали ва мулла Бозор охунд ўртасида Машрабни уйлантириш масаласи муҳокама қилиниб, ҳазратнинг панд-насихатлари Машрабга қор қилиб, у уйланишга рози бўлади ва мулла Вали, унинг синглиси шоирдан розичилик олишади. Хаёлан Арзигулни излаб, Машраб у ўқиётган мактабга боради, аммо озод қизлар чиқса-да, Арзигул ҳадеганда кўринавермайди. Кечроқ чиққан учта қиздан бири Арзигул эканлигини кўрган Машраб, у билан қорама-қора ортидан эргашиб кетаверади. Улар холи жойда учрашадилар. Дил розларини изҳор этадилар. Арзигул Отин биби Бобурнинг ғазалини ўқиб берганлигини, подшоҳ Бобур ҳам ишқдан азият чекканлигини Машрабга ҳикоя қилиб беради.

Бунга жавобан Машраб, Бобурнинг бир ғазалини дона-дона ўқиб, ундаги Бобур соғинчини, ўз соғинчидек қилиб, Арзигулга изҳор этади. Бобурнинг “Бобурнома”си ҳақида сўзлаб, Бобурга юртидан олиб борилган икки дона қовуннинг бирини атрофдагиларга қарчлаб бериши, иккинчисини бир неча кун тилимлаб еганлигини айтади. Подшоҳ — шоир ва шоир — подшоҳ ҳақида гапириб беради. Машраб ҳам ўзининг, шоирлигини қизга эслатади. Адибнинг ёзишича, Арзигул ёшлигидан Офоқхожага назр этилган қиз. Машраб билан учрашган қизнинг кўнглидан шу фикр ялт этиб ўтади.

Уларнинг мамнун ҳолда учрашуви интиҳосида Машрабнинг кейин, қачон учрашиш ҳақидаги саволига қиз:

— Қизил қор ёққанда, — деб ҳазиломуз жавоб беради.

“Машраб” романининг олтинчи қисмига “Қайғу ва ҳижрон” деб ном қўйилган. Арзигул уйга келибоқ, чўнтагидаги Машраб берган хатни ўқиб, ундаги ошиқ йигитнинг муҳаббат уфуриб турган, қайноқ қалб сўзларидан маст бўлиб қолади. Машрабнинг хати унга ёққан, унинг юраги қувончдан ёрилар даражада хурсанд бўлади. Арзигулнинг Машрабга раҳми келиб кетади. Хатни ўқиган сари, бу ошиқ йигитни у ҳам бир кўргандаёқ ёқтирганлигини, уни севиб қолганлигини тан олади. У хатни йиғлаб-йиғлаб ўқийди. Арзигулнинг оғироёқ онаси қизидаги ўзгаришни сезади, йиғлаганлигининг сабабини сўрайди, Арзигул эса сабабини айтмайди. Арзигулнинг отаси қизини бола ҳисобламас, чунки, унинг ўғли йўқ, иккита туғилган ўғилларини ерга берган, хотини билан ўғил вазидан бўлган жанжалларини мулла Бозор охунд эшитиб, қизингизни Офоқхожага назр қилинг, дея маслаҳат берган, шунинг учун нобуд бўлган фарзандларини пирни рози қилмаганим учун шундай бўлаётгандир деб, қизини тезроқ Офоқхожа хонадонига ташлаб келишни кўнглига тугади, ҳомиладор хотини омон-эсон ўғил туғиб олишини яратгандан сўрайди. Лекин, Арзигулнинг онаси назр қилинган фарзанд отанинг ёдидан чиқиб кетар деган умидда уни мактабга Отин бибига бериб, шўх-шодон қизни

ўқитаётган эди. Қизнинг қалби бир ҳадикни сезиб юрар, аммо отасидан кўрққанидан чурқ этолмасди.

Шухрат романнинг еттинчи қисмини “Тақдир ёзуғи” деб атаган. Мулла Бозор охунд Машрабга панду насиҳат қилиб, уни уйланишга кўндиради, Машрабнинг холаси ҳам уни тезроқ уйланишга ундайди. Арзигулнинг икки ҳафталардан бери кўринмай қолганидан ҳадиксираган Машраб, бир неча бор у ўқийдиган мактаб эшигига қараб юради.

Арзигулга кўзи тушмагач, мактабдош дўсти Эргашнинг синглиси орқали унинг дарагини эшитмоқ ниятида сўроқлаб бораётганида, дўсти унинг олдидан чиқиб қолиб, Арзигулни отаси Қашқарга Офоқхожага назр қилиб, кечагина топшириб келганлигини айтади. Бу ҳабардан Машраб ханг-манг бўлиб қолади. Энди, шу ерда ёзувчи бадиий тўқимаси ҳақида икки оғиз фикр юритмоқчимиз. Тасодифми ёки ҳақиқатда мулла Бозор охунд Арзигулнинг отасига қизини Офоқхожа хонадонига назр қилишини айтгани ҳақиқатми, деган савол кўндаланг туради. Фикримизча, адиб мулла Бозор охундни “Машраб” романида жуда (гарчи асар шўролар тузуми даврида яратилган бўлса-да) ҳаққоний тасвирлаган.

Асарни катта эҳтирос билан ўқиб, кульминацияда Арзигул ва Машраб тақдири — иккисининг қовуша олмагани, назр қилинган қизнинг Қашқарга олиб борилиши, қалби ҳувиллаб қолган Машрабнинг ҳолати ўқувчини ларзага солади.

Шухратнинг “Машраб” романи тугалланмай қолган асар. Адибнинг вафоти бунга имкон бермаган.

Шу боисни, яъни, асарнинг тугалланмаганлигини эътиборга олсак, унинг камчилигидан кўра ютуғи кўпроқ эканлиги аён бўлади. Негаки, шоир яшаган муҳит бадиий чиққанлиги адабиётшунослар томонидан эътироф этилган. Атоқли адиб Шухратнинг “Машраб” романи шоир шахсиятини, унинг болалик ва ўсмирлик даврини ёритувчи асар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.



ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ижодида икки адабий тур, яъни, наср ва драматургия уйғун равишда ўз аксини топган. Ижодкорнинг 1956 йилда “Икки муҳаббат” номли насрий асарлари тўплами нашр этилган бўлса, ўша йили Ҳамза (ҳозирги Миллий) академик драма театрида “Чин муҳаббат” пьесаси саҳна юзини кўрди.

Шу-шу бўлдию Одил Ёқубовнинг гоҳ драма, гоҳ насрий асарлари юзага келди. Унинг саҳна асарлари бирма-бир театрнинг репертуарларидан жой ола бошлади.

“Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим”, “Юрак ёнмоғи керак”, “Олма гуллаганда”, “Бир кошона сирлари” каби драмалари шулар жумласидандир.

Одил Ёқубов драматургияда тарихий мавзуларни ёритиш соҳасида ҳам ўз истезодини синаб кўрди. Бу борада Амир Темурга бағишланган “Фотиҳи музаффар ёхуд париваш асари”ни яратди.

Хўш, адибнинг драматургиясига тарихий мавзу қандай кириб келди? Шуни бир кўздан кечирамиз. “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асари” драмасини номидан ҳам билиниб турибдики, гап чин, самимий муҳаббат хусусида боради. Маълумки, Амир Темур тўғрисида кўп асарлар яратилган. Одил Ёқубов бу борада ҳам ўзига хос йўлдан боришга интилди.

Драманинг замирида улуғ шоҳ билан оддий аёл Сулувкўз ўртасидаги севги акс этган. Муаллиф шундай ёзади:

“Сулувкўз — Соҳибқироннинг энг сўнги ва энг суюкли рафиқаси”.

Маълумки, Соҳибқироннинг аёллари орасида машҳури ва севиклиси Сароймулкхоним (Бобихоним) бўлган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Сароймулкхоним Чигатой улусига мансуб мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи экан. У 1341 йилда туғилиб балоғатга етгач, 1355 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Қозонхоннинг набираси Амир Ҳусайн никоҳига ўтган.

1370 йилда Амир Темур жангда Амир Ҳусайнни енгиб, уни қатл қилдиргач, харамиди бўлган маликалар орасидан Қозонхоннинг қизи — Сароймулкхонимни ўз никоҳига олади.

Сароймулкхоним хон авлодига мансуб бўлганлиги учун барча маликалардан улуғроғи ҳисобланган. Шу боис, у “катта хоним” ёхуд “Бибихоним” деган унвонга сазовор бўлган. Сароймулкхоним бундай унвонга, фақат ёши улуғлиги билан эришган эмас. Шу билан бирга, Бибихоним ақли-фаросати, дидининг юксаклиги, иродалилиги,

заковати, фикрлаш доирасининг кенглиги, тадбиркорлиги билан ажралиб турган. Булардан ташқари Бибиҳоним ҳусн-латофатда, назокатда беназир экан.

Бибиҳоним юртининг маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлганлиги, Ватанини севганлиги Соҳибқиронга маъқул тушган. Шу сабабли у ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалаларда доно маслаҳатлари билан фаол қатнашиб турган.

Бибиҳоним эрининг ҳарбий юришларида кўпинча бирга бўлган. Ҳар икки зотнинг бир-бирига бўлган муҳаббатлари чексиз эди. Бу севги абадий давом этиб, Соҳибқирон умрининг охиригача ҳам сақланиб қолган.

Бибиҳоним Амир Темурга турмушга чиққанда йигирма тўққиз ёшда экан. Соҳибқирон билан Бибиҳоним ўттиз беш йил ҳаёт кечиради.

Одил Ёқубовнинг “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири” драмасида бу тарих қандай акс этган?

Адиб бу борада бадиий тўқимага кенг йўл берди. Бунга сабаб Соҳибқироннинг умри охиридаги севгисини ёритишга уриниш эди. Муаллиф агарда драмасида Бибиҳоним орқали муҳаббатини кўрсатса, ҳаётдан чекинган, ҳақиқатга соя ташлаган бўларди. Чунки, драмада тасвирланган севги Бибиҳоним тақдирига мос эмас.

Шу сабабдан ҳам Одил Ёқубов янги, ўзига хос образни бадиий кашф этади.

Бунга қандай қарашимиз керак? Бу тўғрими ёки бадиий асар тамойилларига зидми?

Рус танқидчиси Н.А.Добролюбов шундай ёзган эди: “Тарихий характердаги асарларда ҳақиқат далиллар билан кўрсатилиши лозим, воқеалар ичида тўқиладиган беллетристикада эса ҳақиқат логик (мантқиқий) бўлади, яъни, ҳақиқат ўрнини ақлга мувофиқ эҳтимоллик ва амалдаги ишларга мос ҳолат эгаллайди”.

Демак, тарихий асарда “эҳтимоллик” ҳам ўз ўрнида қўлланиши мумкин. Ундан ўринли фойдаланиш даркор. Ҳамма гап эплашда, ўқувчи – томошабинларни асардаги воқеа-ҳодисаларга, қаҳрамонларнинг қилмишларига, ҳатти-ҳаракатларига ишонтира олишларидадир. Одил Ёқубов мазкур асарида ҳақиқатга яқин бўлган воқеа-ҳодисани қаламга олган. Бунинг учун ҳам тарихдаги Бибиҳонимни айрим фазилатларини Сулувкўз образида бера олган. У нимадан иборат эди? Бу Бибиҳонимнинг эрига бўлган муҳаббати эди. Бу муҳаббат беқиёс баркамоллиги билан Сулувкўзга ўтказилган. Ундаги беқиёс севгининг чегараси йўқ. У булоқдай тоза, қуёш нуридай кучли.

Муаллиф бу муҳаббатни таърифлашига аҳамият берайлик:

“...Амирим! Соқол-муртингизга қўнган бу қиров бебаҳо дур бўлиб кўринур менинг кўзимга! Сиз кекса эрмас, бино бўлибсизки, ҳеч ким жиловлай олмаган асов тулпорсиз, амирим!” (Одил Ёқубов. “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири”. “Ёшлик” журнали, 1996, 2-сон, 5-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олиниб, бетлари қавс ичида кўрсатиб борилади).

Сулувкўзнинг қалбидан отилиб чиққан ҳис-туйғуларга тўла бўлган бу сўзлар эрининг қарилиги ҳақидаги фикрига дашном бериш тарзда айтилган бўлиши билан бирга, унинг чексиз мардлигига муносабат ҳам билдирилган. Сулувкўз Соҳибқиронни “шунқорим”, “амирим” деб аташида ҳам қалбнинг чуқур ҳис-туйғуларини сезиб олиш қийин эмас.

Ижодкор Сулувкўзнинг беқиёс муҳаббатини эри билан ҳаётда ҳам, жангда ҳам доим йўлдош бўлиб қолиши мисолида ишонарли қилиб оча билган:

“Сизсиз ўтган ҳар бир дақиқа минг йил бўлур мен шўрликка...” (5-бет).

Сулувкўз турмуш азобларидан холис бўлиш учун ҳамиша Соҳибқиронга эргашади. У билан бирга хурсанчиликни ҳам, ҳаёт укубатларини ҳам баҳам кўришни орзу қилади.

Амир Темур чет элга юриш қилиб, жангу жадалларни бошламоқчи бўлганда Сулувкўз шундай дейди: “Бирдан-бир тилагим, олиб кетинг мен шўрликни! Ёрингиз бўлмасам, чўрингиз бўлай! Отингиз бўлмаса, яёв борай?” (5-бет).

Сулувкўздаги бу хусусият тарихдаги Бибиҳонимни эслатади. Аммо, ҳақиқатдан чекиниш ҳам йўқ эмас. Тарихнинг гувоҳлик беришича, машҳур масжидни қуриш, уни ниҳоясига етказиш Бибиҳоним зиммасига тушган ва уни охирига етказган. Худди шу вазифани муаллиф Сулувкўзга ўтказиб юборади. Бунда ҳам драматургнинг кўзда тутган нияти очилади. Ният Соҳибқироннинг севимли хотинининг буюклиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилигини намоён этиш эди.

Характерли томони шундаки, Одил Ёқубов драмада Бибиҳонимни Сулувкўзга қарши қўяди, у бир ёвуз аёл сифатида майдонда кўринади. Тарихдаги Бибиҳоним асарда Биби Сардор номи билан берилиб, унинг ёши 60 да, Соҳибқироннинг биринчи хотинларидан, харам бекаси тарзида ифода этилган. Бибиҳонимга салбий муносабатда бўлишга сабаб нима экан?

Муаллифнинг мақсади, саройдаги иғво, фисқу фасодларни очиб бериш билан Сулувкўзнинг фожиали тақдирини кўрсатиш эди. Муаллиф бу вазифани тарихдаги пок инсон зиммасига юклагандан, бошқа шахс орқали бажариши ҳам мумкин эди-ку?! Унда Бибиҳоним масаласини ҳал қилиш лозим бўларди. Шу муаммодан қутилиш мақсадида, Бибиҳоним фаолиятини бошқача талқин қилишга мажбур бўлгандир, муаллиф. Биби Сардор ҳар қадамда Сулувкўзнинг оёғидан чалишга тайёр. Уни бузуқликда айблаб, иғво, туҳматларни тарқатган ҳам шу Биби Сардордир. Бу иғволар илдиз отиб-отиб Сулувкўзнинг ҳаётини емиради.

Муаллиф бу ҳодисани ҳам ўтмишдаги афсонадан олиб, унга реал руҳ киритади. Афсона шундан иборатки, Самарқанддаги муҳташам масжиди жомеъ қурилиб, битказилганлигидан кейин меъмор суюнчисига Бибиҳонимни ўпишга сазовор бўлади. Бу ҳодисадан даҳшатга тушган меъмор кўрқиб, қанот пайдо қилиб, кўкка парвоз қилади.

Драмада Сулувкўз устага бўса беришга мажбур бўлгандай. Бу ҳодиса реал заминда пьесада ифода этилган.

Гап шундаки, меъморнинг бошига ишқ савдоси тушиб, Сулувкўзни яхши кўриб қолган. У: “Жамолингизни бир кўрай”, деб оёқлари остига йиқилади. Меъмор усталик қилиб, бўлмаса: “Қурилишни тугатмай масжиди жомеъ пештоқидан ўзимни ташлайман”, деган. Меъморнинг илтимоси Сулувкўз юзидаги пардани олмаса ҳам, фақат бир бўса олиш эди.

Содда, раҳмдил, ишонувчан Сулувкўз ўпич бериш орқали юзида “қора доғ”ни орттириб олади. Бутун бало мана шундан бошланади. Иғволарга бу ҳол жуда қўл келади, уни роса дўмбира қилишади, айб қилиб қўйган пок аёл қандай қилиб ҳам эри билан юзма-юз кўришади.

Ахир, Соҳибқироннинг газавига учраши мумкин. Бу, табиий ҳол. Худди шу айб уни ўлимга қараб етаклайди. Бунга тўла ишонтириш учун муаллиф куйидаги диалогни берган:

“Биби Сардор: *Бу не доғ, маликам?..
Доғ эрмас бу, бир номард
номахрамга ёногиндан
тишлатибсен, манжалақи!*

Сулукўз: *Оёқингизга йиқиламен, илтижо қиламан.
Тухматларга инонманг, олийҳиммат бибим!*

Биби Сардор: *Менинг сўзим тухмат бўлса,
бул қора доғ не, юзсиз?..
Ё тавба! Бундай беҳаё-бешарм
манжалақини ер ютса бўлмасму,
э яратган эгам!..
Эрта-бурун кун
Олампаноҳ музаффар сафардан
қайтганда, қайси юз ила унинг
юзига қарайсен, беномус?*

Сулукўз: *Эй қудратли эгам! Қайси гуноҳларим учун
бу ҳақорат, бу кўргулик?*

Биби Сардор: *Қилгуликни қилиб қўйиб,
кўкка нола қилади бу юзсиз.
Эҳтиёт бўлмоқ керак бул беҳаёга.
Минг ишва ила соқчиларни
ҳам сеҳрлаб, қочиб кетмоғи ҳам
даргумон эрмас бу жодугар!” (10-11 бетлар).*

Ҳа, бундан ортиқ ҳақорат бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқатни ҳимоя қилган Сарагулга ҳам Биби Сардорнинг нафратлари ўқдай отилишини ифодалаш билан бош қаҳрамоннинг аҳволи янада оғирлаштирилади. Бечора Сулукўз нима ҳам қилсин?

Сулукўзнинг бирдан-бир суянчиғи, мададкори, дилга шодлик бағишлайдиган инсон бу – Соҳибқирон эди. Олампаноҳ ундан куч-қувват оларди. Сулукўзни ҳар кўрганда Амир Темур қувончларга тўлиб-тошарди.

“Сулувим! Оллоҳдан тилаб олган дуру гавҳарим! Тур ўрнингдан! Дуру гавҳар ерда сочилиб ётмас!” (5-бет). Соҳибқирон рафиқасининг жамолидан шундай хурсандки, уни мақташга ожизлик қилиб қолгандай.

“Ё қудратингдан! Дейдиларки, сен бандангни тупроқдан яратмишсен! Аммо бул гул яноқ, бул қуралай, ёқут лаблар устидаги бул қора хол! ...Кўзни қамаштиргувчи бул беназир жамол! ... Йўқ, фалагингдан, юлдузлардан, кўёшдан яратгансен менинг Сулувимни!” (5-бет). Ҳа, муҳаббатни шундай таърифлаш Соҳибқироннинг Сулукўзга абадул-абад асир бўлиб қолганлигининг исботидир. Бу севги борган сари кучайиб, кўёш нуридай алангаланиб борар эди.

“Сен учун, сенинг дийдорингни кўриб, кўксингда бир дақиқа ором олғали шошилмоқдаман, Бибим!” (13-бет). Сулувкўзга етишиш учун Олампаноҳнинг фоний дунёдан боқий дунёга талпиниши ҳам мана шундандир. Чунки, Соҳибқироннинг барча юмушлари, барча нияtlари Сулувкўзнинг бир нозли қарашига, бир жилмайиб боқишига етмас экан.

Амир Темурнинг: “Бибим! Бибижоним!

Излай-излай кексайганда топган дуру гавҳарим!” (13-бет) деб жон бериш ҳодисасига ҳам муаллиф катта маънони юклайди.

Сулувкўз аёлда, аёл бўлганидан кейин рашк ҳам бўларкан-да. Муаллиф бу рашкни ҳам муҳаббат мағзига сингдириб юборади. Сулувкўз: “Ажам қизлари сутдай оппоқ бўлур эмиш!” деб ўпкаси тўлиб айтган сўзлари ҳам, Соҳибқирон талқинида гўзаллик туйғулари каби жаранглайди-ку! “Улар сут бўлса, сен қаймоқсен,” (5-бет).

Янги бир масалада Бибижоним ва Сулувкўзнинг қарашларида муштараклик мавжуд. У ҳам бўлса, Соҳибқироннинг Хитойга юришидир. Бу тарихий факт драмада айнан ўз ифодасини топган. Сулувкўз: “Амирим! ... Яратган эгам бу кўнглингизга бул ғулув, дилингизга бул шубҳани солибдур, қўйинг бул хатарли юришни!” (5-бет). Гарчи, Бибижоним эрининг бу ниятини маъқул топмаса ҳам, унинг айрим юришларида ҳамроҳлик қилган.

Муаллиф икки опа-сингил, ёш Сарагул билан Ақчагулларни асарига олиб кириб, Сулувкўзнинг ҳаётини, тақдирини бўрттириб кўрсатиш учун фойдаланган. Гарчи, улар опа-сингил бўлсалар-да, турмуш уларни икки, бир-бирига зид қирғоққа олиб бориб ташлайди. Сарагул, ҳақиқатдан ҳам ажойиб характерга эга бўлиб, ҳаётда адолатли, холис, ҳақгўй бўлиш, инсонларнинг мушкулени осон қилиш, дардига дармон бўлиш нияти билан яшайди. Сарагул эшик оғаси-саройбон деган йигитга кўнгли қўйган ва севгилисини кўз қорачиғидай сақлаб, унга содиқ қолади.

Ҳа. севги ҳар нарсадан ҳам зўр, деган ғояни драматург олдинга суради. Бу ғояни кучайтириб, мустаҳкамлаб боришда ишонарли далилларни топади. Сарагулнинг севгиси қайнаб, юрагига сигмасдан кетгандан кейин ошиғига магнитдай интилади. Шу сабабдан у эркакча кийиниб “... уч ҳафта от” суриб, ёрига етиб боради. Албатта, бу ҳодиса ҳар бир инсонни ҳайратга, ҳаяжонга солиши турган гап. Ҳатто севгилисига ҳам бу ҳодисани ҳаёлига келтира олмаган, ақлига сиғдира олмаган. “Ё раб! Тушимму бу ё ўнгимму?” (7-бет) деб савол ташлаши ўринлидир. Сарагул ниятига етгандан кейинги хурсандчиликни таърифлаш қийин. “Оллоҳга шукур, дийдорингизни кўрмоқ насиб этди, насиб этди” (7-бет). Дунёда Сарагулдан бахтли кимса йўқдай. Чунки, у қон йиғлаб, жафо чекиб юришдан бахт оламига қадам ташлади. Бу бахтли инсон ёрига, “тиз” чўкмоққа ҳам, уни ёш боладай муҳофаза қилишга ҳам тайёр.

Ижодкор қаҳрамоннинг бу хислатини очиш учун, уни сарой талқинига ташлайди. Уни қийин аҳволга келтириб қўйган сарой муҳити эканлигини тўлиб-тошиб Қалқонбекка, кейинчалик эса Сулувкўзга тўкиб солади. Юракдаги дарду аламларини, изтиробларини, оғир ички кечинмаларини юзага чиқариб, ўзи енгил тортгандай бўлади. У мардлик намунасини кўрсатиб, саройдаги иғво, тухмат, бўҳтон, фисқу фасодларни изҳор қилувчи “нома”ни Соҳибқиронга етказмоқчи бўлиши – унинг қандай инсон эканлигини манадан деб айтиб турибди. Сарагул дадил туриб, ёрига

хақиқатни тушунтириши, унинг нотўғри қарашларига, шубҳаларига қатъий туриб жавоб бериши ҳам унинг қиёфасининг бир томонини очишга ёрдам бериб, характерни бойитишга хизмат қилади.

Сарагулнинг Сулувкўз билан олиб борилган суҳбатларида эса қахрамоннинг яна бир ажойиб фазилати меҳрибонлиги, ғамхўрлиги янада бўртиб кўринади.

Сулувкўзнинг дардига малҳам бўлган, мушқулини енгиллатишга уринган, азоб-уқубатларни енгиллашга, ифво-туҳматлардан холи туришга, уларни четлаб ўтишга ундаган ҳам Сарагулдир.

Энди, гапни Сулувкўз билан учрашиб, унинг кўнглига илиқлик олиб кириш масаласига ўтайлик. Ифволардан даҳшатга тушиб, маънавий жиҳатдан майиб бўлиб қолган Сулувкўзга Сарагул далда бериб: “Кўрқманг, бибим. Ниятлари ёмон бўлсун, бўлмасун, сиз ... сутдай оқ, фариштадай бегуноҳсиз!” (9-бет), дайди. Ғийбатчиларга Сарагулнинг муносабати Сулувкўзнинг қоронғи бўлиб ётган, азоб-уқубат гирдобиди қолиб кетган қалбига ҳақиқат нури бўлиб киради.

Сулувкўз икки ўтнинг орасида қолади. Сарагулнинг гаплари уни хурсандчилик оламига етакласа, саройдаги ғийбатлар, ёрини унга бўладиган муносабати даҳшатга солади. Ҳа, ифволарда ҳам жон бор экан. Сулувкўз меъморга ўпдириб қўйиб, юзида қора доғ пайдо бўлиб қолган. Сулувкўзнинг бу қилмишидан жонажон канизаги Сарагул ҳам ғазабга келади. “Сизнинг бошингизга келган қилич мен жориянгиз бошига ҳам келур!” (9-бет) деган Сарагул уни “беҳаё”ликда айблайди.

Рухсоридаги доғ шундай кучли эканки, уни кетказиш учун Сулувкўз не чораларни кўрмади. Лекин, фойдаси бўлмади. Ахир, Сулувкўз бу юзни қандай қилиб ҳам ёрига кўрсатсин. У ғазаб отига миниши мумкин-ку! Нима қилиш керак? Бу ҳолда Соҳибқироннинг кўзига кўринишдан ёмон нарса бўлмаса керак. Сулувкўз буларни оқил тафаккуридан ўтказиб, бирдан-бир қарорга келади — ўлим.

Оловга ёғ қуйган, миш-мишларни авжига чиқарган, Биби Сардорнинг қўлтиқ таёғи бўлган, Сулувкўзнинг асабини емирган яна бир кимса Ақчагулдир. Ҳа, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз! Опа яхшилик қилиш учун жонини фидо қилса, сингил эса, ёмонлик қилишни асосий қурол қилиб олади, шундан лаззатланади. Ахир, Сулувкўз Ақчагулнинг кўнглини ҳеч қачон ранжитмаган-ку! Бу унга камлик қилади. Асосий ниятини амалга оширишга асос бўлолмайди. Бировнинг ютуғи, ширин турмуши Ақчагулнинг ғазабини кўзгайди. Сулувкўзга тинчлик бермасдан, гап қилиб юриши ҳам шундан. Шу бўлса керакки, у ҳаётда қоқилади, дард-аламлар тортади. Севикли ёридан ажраб қолади. Ҳаттоки опасининг ёри урушга кетмасдан шаҳарда қолишига ҳам ғаши келади. Бундан ташқари Сулувкўз Сарагулга ишониб, у билан дардлашиши, баъзан ишониб ҳам Ақчагулнинг жонини халқумига келтиради. Шу сабабдан ҳам, кўр кўрни қоронғида топади, дегандай, у ўтакетган фирибгар, ёвуз, шафқатсиз Биби Сардорни топади. Унинг қўғирчоғига айланади. Барча ғийбатларни йиғиб-сиғиб Биби Сардорга етказиб туришидан Ақчагул завқланади. Бу хол унинг ҳамфикри Биби Сардорга ҳам таъсир қилиб, улар биргалашиб нозик, ҳалол Сулувкўзга тош отишади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Ақчагул саҳнада кам кўринса-да, унинг характери, ким эканлиги аниқ очиб берилади.

Маълумки, Амир Темур ҳаётининг кўпини урушда, жангларда ўтказган.

Аммо, драмада бу урушлар тарихига тўхталинмайди.

Лекин Одил Ёқубов Боязиднинг сўнгги ҳаётига урғу бериб, икки саркарданинг қаттиқ тўқнашувини ифодалайди. Бу учрашувда маънавий жиддий конфликт юз беради, конфликт эса Соҳибқироннинг ғалабаси билан ечилади.

Тўқнашувда Боязид енгилса-да, авф сўраса-да, унинг эътирозларининг замин-заминида кесатиқ, ўч олиш мақсади барк уриб туради. “Мени кўр қилиб яратган эгам, сени ҳам чўлоқ қилиб яратибдур” (8-бет). Икки ўртада кечган мазкур диалог бир-бирига душман ҳукмдорларнинг мураккаб, шу билан бирга қалтис жангги сифатида намоён бўлади.

“... мен басир бу дунёга устун бўлурман деб ўйлоғон эрдим – бўлолмадим, сен чўлоқ ҳам устун бўлолмайсан” (9-бет). Мағлуб бўлган Султон ғолиб чиққан Соҳибқиронга қаҳри-ғазаби қайнаб-тошиб кетганлигини билдиришдан чўчимади. Драмада Боязиднинг тақдири узул-кесил ҳал бўлмайди. Лекин воқеалар оқими унинг қисмати қандай яқунлаганлигини билдириб турибди.

Драмада Амир Темур Чингизхон билан руҳан учрашиб, у билан жангга киришганда, унинг яна бир хусусияти очилади. У рақибини маънавий жиҳатдан ночор аҳволга туширади.

Муаллиф Соҳибқиронни сўзлатади: “Юртимни оёқости қилган, кўркам шаҳарларни вайронага айлантирган баттол...” (12-бет). Аммо Чингизхон ҳам анойи ҳукмдорлардан эмас. Чингизхон киноя қилиб, уни “баттол” деб атаган душманини. “фаришта” деб аташидан мақсад, ҳар иккимиз ҳам босқинчи демокчи бўлган. Соҳибқирон ўзининг ҳақлигига ишонтириш учун жуда катта ободонлик ишларини кўрсатиб Чингизхонни мот қилмоқчи.

Муаллиф кескин жангда Амир Темур маънавий оламининг бойлигини, ҳақгўйлигини яна бир марта намоёйиш қилиб кўрсатади. Соҳибқирон жонажон шаҳри Самарқандни янада гўзаллаштириш учун жуда катта меҳнат қилганлигини билиш учун биргина монолоғта аҳамият берайлик: “Қандай кўркам шаҳар бўлубдур, бул Самарқанд! Қараб кўзим тўймайди сенга. Жаҳонгирлик қилиб топган бутун бойлигим, олиб келган барча олтин ва жавоҳирларимни созуриб, сени бунёд этибмен, аммо нечоғлик гўзал шаҳар бўлибсен. Ўзим ҳам билолмабмен!” (5-бет). Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон Чингизхонга фахрланиб айтган эди.

Одил Ёқубов драмасида яна икки масалага аҳамият берган. Булардан бири бош қаҳрамоннинг камтарлиги, иккинчиси кечиримлилиги. Маълумки Амир Темурнинг буюк ишлари ҳар қандай мақтовга лойиқдир. Аммо, уни кўкларга кўтариб, мадҳия ўқишларини жинидан ҳам ёмон кўрган. “... султонимиз Оллоҳи таоллонинг ердаги соясидир” (45-бет), деган гапни эшитган Соҳибқироннинг ғазаби қайнаши ҳам бежиз эмас. У қатъий равишда: “Шаккок сўзлар! Фақат Оллоҳнинг сояси эрмас, бандасимен” (4-бет).

Одил Ёқубов бу масалага диққат-эйтиборини қаратишида катта маъно бор. Биринчидан, ҳақиқатга тўғри ёндошган бўлса, иккинчидан эса ҳар бир инсонда, айниқса, амалдорларда камтарлик, оддийлик фазилатлари

бўлишига ишора айлаган. “Камтарга камол, манманга завол”, деб халқ бежиз айтмаган-да.

Амир Тему́р ҳамиша олимлару саййидларнинг маслаҳатларини эшитган, масалаларни улар билан кенгашиб ҳал этган: “Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олардим. Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин! Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб вақтида ишлатсин” (24-бет). У ҳатто фарзандларининг ҳам фикрларини назарга олишни лозим топарди.

“Даставвал, фарзандларим ва амирларнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим” (“Тему́р тузуқлари”. 53-бет). “Тему́р тузуқлари”ни кўздан кечирсангиз, биронта масалани, муаммони, Соҳибқирон кенгашсиз ҳал қилмаган, амалга оширмаган. Бундай кенгашлардан, суҳбатлардан Соҳибқирон жуда катта, фойдали маслаҳатлар олганлигини миннатдорчилик билан тилга олган. Ҳаётда Соҳибқиронга бу фойдали фикрлар куч-қувват бағишлаган, уни ғалабадан-ғалабага олиб бориб, мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга замин ҳозирлаган.

Одил Ёқубов Амир Тему́р ўтказган жуда кўп кенгашларни, суҳбатларни, муҳокамаларни қаламга олмасдан, жуда муҳим, мамлакатнинг тақдирини ҳал қиладиган, келажакда юрт қайси йўлдан кетиши кераклигини белгилай оладиган шахс устида гап юритади. Соҳибқирон ҳаётининг охирида ўз ўрнига қўйиб кетадиган ворисни аниқлаш учун обрўйли кишиларни йиғиб, уларнинг маслаҳатини олишни лозим топиб, адолатли қарор чиқармоқчи бўлган. “... кўзим тирик, ақлим расо маврида айтадурғон сўнги каломимни айтиб, рози-ризолигингизни олмоқ матлабида йўқладим, сиз шавкатли хабибларимни! Ақлу ҳушим жойида эканида, сиз суянган тоғларимга қиладурғон васиятим шўлким, тожу тахтим вориси... Оллоҳдан талаб қилғон тўнғич зурриётим – раҳматлик Мирзо Жаҳонгирнинг ақли зукко, соҳиби чангал фарзанди, шаҳзода Пирмуҳаммад бўлади!” (12-бет).

Одил Ёқубов бу ҳодисани айнан тарихдан олиб, уни бадиийлаштирган.

“Шу кундан эътиборан, фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладимким ... Сизлар (эса) унга тобеълик ва бўйсунуш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин... унга менга итоат этар каби итоат этажаксиз. Қўмондонларим, ҳозир итоат ойини адо этингиз...” (61-бет).

Тарихдаги Амир Тему́р билан драмадаги Амир Тему́р раҳмдиллик, кечиримлилик, яхшилик қилиш, инсонларга мурувват кўрсатишлари жиҳатдан бир-бирига яқин.

Мана, тарихдаги Амир Тему́р: “Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим”(15-бет).

Соҳибқироннинг бу гапи гаплигича қолгани йўқ. У ўз фаолиятида бунга амал қилган. Кўп мисоллардан фақат иккитасини келтирайлик. Боязид Амир Тему́р қўшинининг катта қисмини қириб ташлаб, унга ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказиб, ашаддий душмани бўлиб

қолган эди. Шундай бўлишига қарамай, Соҳибқирон унга мурувват қўлини чўзади.

“Темур тузуклари”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи амир даражасига тайинладим” (106-бет). Бу фазилатнинг белгилари билан танишамиз.

“Соҳибқирон: Марҳамат, тўрга ўтсунлар, жаноб Султон... Букун каминанинг азиз меҳмони бўлурсен” (8-бет).

Ҳа, бу ҳурматнинг қадрига етмаган Боязидга Соҳибқирон жиддийроқ муносабатда бўлишга, уни қаттиқ қоралашга мажбур бўлди.

Шундай бўлишига қарамасдан, Соҳибқирон кўнглини очиб ташлайди: “Майли, мағлуб аламзада, ғолиб кечиримли бўлмоғи даркор!” (9-бет).

Иккинчидан бўлса, Биби Сардор саройда муҳитни булғатиб. Соҳибқироннинг жони-тани бўлган Сулувқўзни қоралаб умрига завол бўлса ҳам унга нисбатан қаттиқ чора кўрмасдан, кечириб юборади.

Соҳибқирон қуйидаги сўзларга амал қилади: “Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади”(47-бет).

Булардан чиқадиган хулоса шуки, агарда амалдор сахий бўлмаса, адолат ва инсоф билан иш юритмаса, фуқаролар наздида қадр топиши қийин.

Драманинг тарбиявий аҳамиятларидан бири ҳам шундадир. Шу сабабдан ҳам Одил Ёқубов асарлар тўпламига драманинг номини ўзгартириб, уни “Авлодларга васият”деб аташи ҳам бежиз эмас, албатта. Соҳибқирон жуда интизомли бўлиши билан, ўзини ҳукмдорлигидаги амалдорлардан ҳам тартибни, топшириқни ўз вақтида бажо келтиришни қатъий талаб қилган. Драмада бу лавҳа шундай тарзда ифодасини топган: “... барча вилоят, музофот ва шаҳар бекларидан келтурғон номалар муддати бузулмоқда. Бекат ва работ нозирлари чопар ва айғоқчиларга яхши улов беришдан бош тортиш ҳоллари содир бўлмоқда” (6-бет). Агарда, бу ўзбошимчаликлар, тартибсизликлар яна давом этадиган бўлса, бунда: “... фақат бекат ва работ нозирлари эрмас, вилоят ва музофот бекларининг-да, соялари бирла каллалари ҳам кетадур!” (6-бет).

Ҳар ишда интизомни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш, ўзбошимчаликка йўл қўймаслик — драма мазмунидан келиб чиқадиган сабоқлардан биридир.

Драмада яна бир характерли жиҳат мавжуд. Одил Ёқубов ўз қаҳрамонини чет юртларга юришларини, уларни қандай забт этганлигини қаламга олмаган. Аммо, нима учун, мамлакатларга юришлар қилганлигининг сабабларини очишга имо-ишора қилинган. Муаллиф бу ижодий ниятини “туш” услубида баён этган.

“Тушимда ғойибдан сас келмиш, кулоқ солсам ... жаннатмакон пири муршидим Саййид Барака эрмиш. Ул зоти шариф айтадиларки: Эй Соҳибқирон! Бирламчи Оллоҳнинг хоҳиши, иккиламчи сенинг ғайрат-шижоатинг ила барпо қилғон қудратли давлатинг хатар остида демиш. Худудсиз юртингнинг Мағриб томонидан боши чўтир, қудратли давлатингни ер ила яксон қилмоқ режасини тузмиш, деди пирим!” (5-бет).

Бу туш Соҳибқиронни анча ташвишга солганлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди. Шунга қараб, у юриш режаларини тузган бўлиши ҳам мумкин.

Амир Темур шундай айтган экан: “Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди” (43-бет). Ҳақиқатан ҳам қоғозга тушган ҳикматли, зарур бўлган сўзлар, турли битиклар халқ ўртасида абадий қолади. Уларни сувга оқизиб, ўтга ёндириб, кўмиб ташлаб ҳам йўқотиб бўлмас эди. Муаррих айтганидек: “Қоғозга тушган сўзни, қилич ҳам кеса олмас!” (7-бет). Улар вақти-соати билан бир ердан ёриб чиқаркан. Мумтоз асарларни олайлик. Юз йил, минг йиллардан бери халқнинг кўнглидан-кўнглига ўтиб келмоқда. Бунга яна бир мисол. “Темур тузуклари” дир. Соҳибқирон Амир Темур бу ишнинг аҳамиятига чуқур эътибор берган эди. Шу сабабли ҳам доим ўзи билан ёзадиган шахсни олиб юрган. Бунинг оқибатида, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си дунёга келади. Бу ҳақиқатни Одил Ёқубов четлаб ўтмасдан, бу соҳадаги тарихни ҳам жонлантириб беришга уринди. У ўз ижодий ниятини Муаррих образи орқали ушалтирмоқчи бўлди.

Муаррихни Шарафуддин Али Яздийнинг прообрази дейишга ҳақлимиз. Чунки тарихчи олимнинг айрим сифатлари Муаррих орқали берилган. Муаррих Амир Темурга деярли ҳамиша йўлдош ва ҳамроҳ. Унинг қилган ишлари, буюк хизматлари, турли муҳим учрашувлари, суҳбатлари, чет эл элчиларини қабул қилишлари Муаррих орқали қоғозга туширилган. Муаррих Соҳибқиронга жуда яқин бўлган. Буни шундан ҳам билсак бўладики, у мамлакат сирларини, оилавий ташвишларини ҳам ундан яширмаган. Олий фармонларини девон мирзоларига эмас, унга топшириши ҳам Амир Темурнинг юксак ишончидан дарак берарди. Бундан икки нарса кўзда тутилган. Биринчиси – Муаррих фармонни сир сақлашни биларди, иккинчидан булар ёзиладиган китобга киритилар эди.

Соҳибқирон элчиларни қабул қилганда ҳам, Боязид билан тўқнашувида ҳам Муаррихнинг иштирок этишини исташи тузукларни яратишга хизмат қилишини яхши билган.

Мана, Муаррихга берган топшириғи: “Сиз қолинг, Мавлоно суҳбатимизни ёзиб олмоғингиз даркор ... Бўлғуси авлодлар бор ҳақиқатни билмоқлари даркор” (8-9-бетлар).

Драмада Муаррих хужжатларни, бўлган воқеаларни қоғозга тушурувчигина эмас, балки Соҳибқиронга маслаҳат берувчи, уни адашишлардан сақлаб қолувчи, адолатли инсон сифатида ҳам кўринади.

“Ҳукм чиқармоққа шошилманг, Давлатпаноҳ! Шояд бул, канизак айтгандек тухмат бўлса, бари бўҳтон бўлса” (9-бет). Ҳа, Муаррих Давлатпаноҳни оғир мусибатдан сақлаб қолади. Драманинг энг жиддий лавҳаси – Соҳибқироннинг сўнги нафас олаётган пайтидаги Муаррих билан ўтказган суҳбатидир. Бу суҳбат аҳамияти, моҳияти жихатдан кульминацион характерга эга. Бунда Амир Темур ички оламини, чуқур руҳий ҳолатини, оғир изтиробларини очиб ташлайди, бор-йўғини Муаррихга тўкиб солади. Бу суҳбат жуда кучли, ўта ҳаяжонли, ўткир қисматли характерга эга. Шу жихатдан ҳам суҳбат яккама-якка ҳолда ўтказилади. Шунинг учун ҳам Давлатпаноҳ бундай суҳбатни ўтказишни сабрсизлик билан кутган. “Қайдасиз, Мавлоно?” (13-бет) деб сўраши ҳам бежиз эмас. Дафтар, қаламини олдириб, тездан ёздирши ҳам қалб амри эди.

“Соҳибқирон: *Боя ...камина оламдан ўтсам.
тожу тахтимни вориси ва
валиаҳди набирам Пирмуҳаммад
бўлғай деганимда, мен инонган
амиру умаро норози бўлғандай
бўлдиё, буни уқа олдингму, Мавлоно?*”

Муаррих: *Уқдим, Давлатпаноҳ, уқдим!*

Соҳибқирон: *Уққан бўлсанг, айт, инонган тоғларим
кўзим тириклигида иродамга бўйсунмоқни
истамасалар, кўзим юмулғонидан кейин бул ерда
не бўлур, Мавлоно?*

Муаррих: *Фақир бу жумбоқни ечишга ожизлик қилурмен,
Ҳазратим!*

Соҳибқирон: *Эвоҳ, Буюк давлат барпо қиламан, деб,
қирқ йил от сурдим. Бир-бирига қилич
ўқталиб, юртни нотинчликка маҳкум этган
қаланғи-қасанғи бек ва бекзодларнинг
ғурурини жиловлаб, низо-нифоқлариға чек
қўйиб, юртда осойишталик ўрнатдим.
Ё бул сўзим ноҳақму, Мавлоно?” (13-бет).*

Ўлим тўшагида ётган Амир Темурнинг энг сўнгги дақиқада ҳам давлатнинг тақдирини ўйлаши ҳаёт мантиғига мос тушади. Бул хол ҳам Муаррихнинг дафтарида ўзининг асл ифодасини топган. Соҳибқирон ҳам буларнинг ҳаммаси қоғозга тушиб, келгуси авлодларга етказилишига ишонч ҳосил қилиб, кўз юмган. Асарнинг бу йўсиндаги финали — ҳақиқат нури билан сугорилган. Тўғри, финалдаги воқеа-ҳодисалар ифодаси бироз чўзилиб кетганлигини айтиш ўринлидир.

Драмада яна бир сюжет йўналиши борки, у Қалқонбек ва Сарагул фаолиятлари билан боғлиқ. Воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар, қисматлар кўпинча шу икки шахс билан туташиб кетади.

Сарагул юқорида айтганимиздай бутун умри давомида саройда, инсонлар ўртасида қадри қарор топтириш учун уринган канизак.

Сулукўзни балолардан, гийбатлардан сақлаб қолиш учун бирдан-бир жон куйдирган ҳам шу канизак. Унинг муҳаббат бобидаги садоқати ҳам намуна бўладиган даражада. Сарагулнинг эс-ҳуши Қалқонбекда. Қалқонбек ҳам юксак севгига муносиб ёр. У Соҳибқирон саройида эшик оғаси ёки саройбон бўлиб хизмат қилади. Муаллиф бу қаҳрамонга муносиб исм топиб берган. Бунинг тўғрилигини исботлаш учун Қалқонбек фаолиятига назар ташлайлик.

У Соҳибқиронни ҳам, сарой мулкини ҳам, шу билан бирга, севгисини ҳам қалқон бўлиб муҳофаза қиладиган шахс. Шу сабабдан ҳам муаллиф уни чигал, мураккаб, нозик вазиятларга олиб киради. Шу йўллар билан унинг қиёфасини очиб беради.

Тижорат аҳли билан бўлган суҳбатда ҳам Қалқонбекнинг ҳозир-нозир бўлиб туриши, Соҳибқироннинг фармонларини уларга етказиб туришида Қалқонбек унинг содиқ ёрдамчисидек кўринади.

“... Сен муғомбир ...ичингдан пишган айёрсан!” (4-бет) деб Соҳибқироннинг ҳазиллашиб берган таърифида ҳам жон бор. Бунда Қалқонбек усталик билан Сарагулни ўзига мафтун қилиб олганлиги назарда тутилган бўлса, давлат ишларини бажаришдаги фидойилиги ҳам инобатга олинган.

Амир Темур саройига раҳнамо бўлган Қалқонбек элчиларни, зиёратчиларни Давлатпаноҳ ҳузуривг киритиш, бу жараёнларни қандай йўсинда амалга ошириш вазифаларини ҳам қойиллатади. Бу вазифаларни бажариш жараёнида, унинг характер қирралари намоён бўлиб боради. Амир Темур хизматларини, ишларини қоғозга туширтириб қолишга жонбозлик қилиши ҳам унинг хусусиятларидан бири эди. Бундан ташқари озиқ-овқат масалаларини ҳал қилиш, мўл-кўлчиликни таъминлашда ҳам саройбоннинг қобилияти кўзга ташланиб туради.

Қалқонбек хўжайинини турли-туман ташвишлардан, нохуш хабарлардан холи қилиш мақсадида, турли номаларни назаридан ўтказиб олишни ҳам ўзининг бурчи деб билади. Ҳатто севгилисининг олиб келган “нома”си ҳам унинг чиғиригидан ўтолмасдан оқибатсиз қолади. У дўстларига меҳрибон, ғамхўр инсондир. Мардлик намунасини кўрсатиб жон бераётган Босқонбекнинг оромини таъминлаб, ҳаётини сақлаб қолишга жон куйдириш ҳам унинг фаолиятини гўзаллаштиради. Аммо ҳар бир инсонда нуқсон бўлганидек, у ҳам бенуқсон эмас эди. Бу ҳол севикли ёри Сарагулнинг сарой муҳити ҳақидаги жон куйдириб айтган гапларига шубҳа билан қараши, ишонмаслигида кўринади. Бу билан драматург образнинг ҳаққоний, реал чиқишини таъминлаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Одил Ёқубов ремаркалардан сюжетни ривожлантиришда, конфликтни жиддийлаштиришда, характерларнинг аҳволи, рўйи-ройини аниқлашда, ҳар бир кўринишнинг безагини беришда ҳам унумли фойдаланган. Мана, биринчи парда, биринчи кўринишнинг манзараси ремаркада шундай ифода этилади. “Соҳибқирон Амир Темур дорулсаттанати. Самарқанд. Кўксаройнинг иккинчи тўёнасига жойлашган кўркам хона. Рўпарадаги юмалоқ дарчадан йироқдаги муҳташам қасрлар, масжиду мадрасалар кўзга чалинади. Яқинроқда эса маҳобатли гумбазлар ҳали битмаган Бибиҳоним масжидининг муаззам пештоқлари кўриниб турибди.

Хонанинг ўртасида саккиз қиррали хонтахта ва бир нечта нақшинқор курсилар, четларида гир айлана шойи кўрпача ва парёстиклар. Ўнг томонда Соҳибқирон ҳазратларининг энг кенжа ва энг суюкли рафиқаси Сулувкўзнинг хонасига кирадиган, чап томонда эса бошқа хоналарга ўтадиган эшик” (4-бет). Бу тўла равишда саҳна кўринишининг ифодасидир.

Бундан кейин эса ҳаракат бошланади, бу ҳам ремаркаларда аксини топади. “Парда очилиши билан чап томондаги эшикдан қўлларида ноз-неъматлар тўла баркашлар билан Сулувкўзнинг канизаклари опа-сингил Сарагул билан Ақчагул кирадилар. Шу заҳоти ташқарида ноғоралар гумбури, карнайлар садоси янграйди, отлар кишнайди.

Опа-сингиллар рўпарадаги дарчани ланг очадилар. Ноғоралар гумбури ва карнай садолари хонани ларзага солади” (4-бет). Бу ерда ҳатти-ҳаракат билан саҳна кўринишлари биргаликда берилади. Бири иккинчисини тўлдиради. Баъзи пьесаларда саҳна таърифи қисқа ва лўнда қилиб айтилади. Бази драматурглар саҳна безагини шундай изоҳлаган бўлармидилар? “Гўзал

Самарқанд. Чиройли кўркам хона. Хона безатилган”, деб кўя қоладилар. Йўқ, Одил Ёқубовга бунга ўхшаш саҳна безагини ифодалаш маъқул бўлмади. Бу соҳада унинг насрчилиги ҳам тутиб кетади. “Саккиз қиррали хонтахта”, “нақшинкор курсилар”, “четларида гир айлана шойи кўрпача” каби эпитетлар бундан далолат бериб турибди.

Худди шунга ўхшаш манзараларнинг батафсил таърифини иккинчи кўриниш саҳнасида ҳам учратамиз. Унга фақат янги-янги деталлар қўшилиб, янада бойитилади. “Кўркам тоғ ёнбағрига тикилган улкан сарпарда. Сарпарданинг бир томони баланд кўтарилган. Пастда гўзал манзара: узоқда арчазор чўққилар, яқинроқдаги қир ва адирларга ўтовлар, чоғроқ чодирлар тикилган, ўтлаб юрган йилқилар, туялар, от ўйнатиб юрган суворийлар элас-элас кўзга чалинади. Бот-бот улар дупури, айғирлар кишнаши, қурол-аслаҳа ясаётган аслаҳасозларнинг тарақ-туруғи эшитилади” (6-бет). Бундай тасвирини ўқиб, худди ўша жойларда кезгандай бўласиз.

Муаллиф юқоридаги сўзлар билан ремаркани яқунламасдан уни давом эттириб, бевосита саҳна безагини таърифлаб кетади. Бу ерда, асосан, биринчи кўринишдаги саҳна ҳолати сақланиб, баъзи янгиликлар олиб кирилган. Бундай таъриф иккинчи кўринишдаги воқеаларга мос тушади.

Қолган учинчи ва тўртинчи кўринишларнинг безагини тасвирлашда ҳам муаллиф ўша саҳналарда юз бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалардан келиб чиққан. Айниқса, ремаркада “Соҳибқироннинг энг кенжа ва энг суюкли рафиқаси Сулувкўз” каби сўзларнинг берилиши шарт эмас эди. Чунки улар қаҳрамоннинг монологларида бир неча бор айтилади. Лекин бу ошиқчадай бўлиб кўринган сўзлар драманинг кўркига соя ташламайди. Муаллиф буни яхши ният билан рассомга ёрдамлашиш, унинг ижодий ишини енгиллаштириш мақсадида ёзган.

Муаллиф қаҳрамонларнинг либослари қандай, улар нималарни кийган, қанақа усти-бошга эга бўлганликларини ҳам ёритиб ўтган. Чунки, бу бежиз эмас. Инсоннинг либосига қараб, унинг одоб-ахлоқини билиб, дунёқарашини, табиатини, эстетик дидини, тарзини, феъл-атворини аниқлаб ола бўлади. Шунинг ҳам айтиш зарурки, либос фақат танага ёпиладиган буюм эмас. Шахснинг ички оламини кўз-кўз қиладиган кўзгулардан биридир. “Бошида эгнига қадалган дубулға, эгнида қора кимхоб камзул, оёғида наҳал қоқилган қизил этик” (4-бет).

Яна бир ерда Биби Сардорнинг либоси тилга олинади. “Унинг бошида зар сочилган қора-қирмизи рўмол, эгнида ҳам шу ранг кўйлак, кўлида қимматбаҳо оғир тасбеҳ” (6-бет). Муаллиф буни онгли равишда драмада ифода этади. Чунки, XIV асрдаги либосларни ҳозирги замон саҳнасида тиклаш мушкул иш. Шу сабабдан ҳам муаллиф рассомга кўмаклашган, асарини ҳар томонлама саҳнада баркамол чиқишини кўзда тутган.

Қаҳрамоннинг қиёфасини белгилашда муаллиф уни ташқи белгиларини кўрсатиши актёрга ҳам, режиссёрга ҳам, рассомга ҳам ёрдам бериши турган гап. Сулувкўз ҳақида: “Сочлари тўпигига тегади” (6-бет), дейди.

Яна бир бошқа ҳолда, “Чодирга сочлари ёзилган ёқаси чок Сарагул киради” (9-бет).

Мана, Соҳибқироннинг қиёфаси ҳам муаллифнинг назаридан четда қолмаган “Соҳибқирон деярлик ўзгармаган, эҳтимол, соқол-муртидаги оқтоғалар сал кўпайгандир...” (8-бет).

Ремаркадаги қаҳрамоннинг ўша вазиятдаги аҳволи, унинг ҳатти-ҳаракати ўз аксини топади: “Соҳибқирон ҳаёлга толганича хонани бир айланиб чиқади, сўнг камаридан шалқилдоғини олиб, шақиллатади”

(5-бет). Қайғули ҳодисадан кейин воқеа иштрокчилари қандай руҳий ҳолатга тушиб қолганликлари ҳам ремаркада берилган. “Ҳамма сукутда бош эгган” (8-бет).

Сулувкўз ғам-ғуссалар оқибатида оғир тушкунликка тушиб қолганлиги қисқа, лекин мазмундор ҳолда ифодаланган. “Сулувкўз ҳамон титраб йиғлар” (10-бет). Қалбда юз берган жиддий ўзгаришлар натижасида инсон бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиши, унинг юрагида муҳаббат ўрнини ғазаб эгаллаши ҳам ўз ўрнида берилган. “Сарагул қаҳр билан Сулувкўзнинг юзидаги пардани юлиб олади ва кўрқув остида орқага тисарилади” (10-бет).

Ремарка бир ҳодисани иккинчи ҳодисага қарши қўйишга хизмат қилган. Драмада Қалқонбек билан Муаррихнинг тортишуви оломоннинг овози билан қўшилиб кетади. “Уларнинг баҳсини катта оломоннинг ҳайқириви бўлади, кейин бирдан отлар дупури эшитилади” (7-бет). Воқеалар жараёни ҳам, бўлган ҳодисалар ҳам ремаркаларда ўз ифодасини топиб боради. “Сарагул кўз ёшларини артганча чодирдан чиқади, Ясовул қосада сув олиб киради. Босқонбек сув ичиб атрофга олазарак қарайди” (7-бет).

Кечирим сўраш, айбини бўйнига олиш, қилмишидан пушаймон бўлиш турли йўллар билан ифодаланади. Буларни ремарка орқали бериш ҳам ўзига хосликка эга. “Сулувкўз Сарагулнинг оёқлари остига йиқилади” (10-бет). Ҳа, бундан ҳам ортиқ хўрлик борми? Ремарканинг вазифаси янада бўрттириб кўрсатилади.

Ички дардни, азоб-уқубатларни, қалбдан ўқдай отилиб чиққан сўзларни қаҳрамон ҳатти-ҳаракатлари билан енгиллаштириш ҳам ремаркада ифода этилган. “Сулувкўз у ёқдан-бу ёққа югуриб, шамларни пуфлаб ўчиради” (11-бет). Бу билан ўзига таскин беришга уринган. Яна бир ўринда, “Сулувкўз саросима ичида хонани гир айланади” (11-бет). Бу ерда муаллиф сўзлар билан эмас, қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатлари билан унинг ички оламига назар ташлайди, унинг қандай аҳволда эканини томошабинларга билдира олади.

Айниқса, Одил Ёқубов бош қаҳрамоннинг фоний дунёдан, боқий дунёга йўл олиш жараёнини кўрсатишида ремаркалар унга жуда қўл келади. Соҳибқиронда алаҳсираш бошланганида қаҳрамонларнинг унга бўлган муносабатлари, қарашлари, улардаги ички изтироблар ремаркага кириб борган.

Асарда ремарканинг муҳим роли Амир Темур билан видолашув лавҳасида намоён бўлади. “Олампаҳо, Давлатпаҳо!” (13-бет) деган ҳитоблар алангаланани. Ремарка ёрдамида икки томон Соҳибқирон ҳам, унинг қариндош-уруғлари, сарой аҳли ҳам бир-бирларидан ризолик сўрашлари орқали ўзларини оқлаб оладилар. “Йиғи аралаш хитоблар” ремаркадан “Биз ҳам сиздан розимиз. Сиз ҳам бизнинг гуноҳларимизни авф этинг, Давлатпаҳо!” (13-бет) деган сўзлар нидодай отилиб чиқади. Шу билан Соҳибқирон “ёстиққа бош кўяди. Ташқаридан ҳамма ёпирилиб кириб, тўшак атрофига тиз чўкадилар. Шамлар сўнади” (13-бет). Ремаркада сарой аҳлининг: “Ё раб, ё раб! Оллоҳ таолло раҳмат қилгай! деган хитоблари эшитилади. Йироқдан бошланган наво садоси аста-секин кучайиб, авжига чиқади” (13-бет). Бу ерда ремаркадаги сўзлар билан қаҳрамонлар овози бирлашиб кетади.

Юқоридаги мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, атоқли ёзувчи Одил Ёқубовнинг “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири” (“Авлодларга васият”) драмаси мақсадга олинган мавзу доирасидаги жиддий ва муносиб асардир.

КОМПОЗИЦИЯ ВА СЮЖЕТ

Халқимиз маънавиятини асрлар давомида юксак даражада ривожлантириб келишда халқ китобларининг ўрни беқиёс бўлган. Бундай китоблар истеъдодли қалам аҳли томонидан мавжуд материални ўз қизиқиш ва истеъдоди даражасида қайта бадиий идрок этиш орқали юзага келар экан, уларга, албатта, ёзма ижоддаги композиция ва сюжет қурилмаси бой ижодий манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ, ёзма ижод намуналаридан фарқли ўлароқ, халқ китобларида композиция ва унга мос сюжетнинг танланиши содда ва равлонлиги, халқ руҳиятига яқинлиги ҳамда ўқимишли эканлиги билан ажралиб туради. Тил соддалиги, услуб равлонлиги, композиция ривоят ва қизиқарли маълумотлар асосига қурилиши, воқеалар баёни анъанавий халқ оғзаки ижодига хос усулда ифодаланиши халқ китобларининг асосий хусусиятларини белгилайди.

Биз фикр юритмоқчи бўлган муаллифи номаълум “Мусибатномаи туркий” асарининг маълум композиция ва сюжетга эга бўлишида, албатта, мавжуд ёзма манбаларнинг таъсири каттадир. Хусусан, бизнинг назаримизда, бу борада, Ибн Ҳишомнинг “Сират ан-наби”, Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзат уш-шухадо” асарлари фақат “Мусибатномаи туркий” нинг эмас, балки, шу руҳдаги қиссаларнинг композиция ва сюжетини белгилашда асосий манба бўлиб хизмат қилган. Чунончи, ушбу асар муаллифи пайғамбарлар, саҳобалар, тарихий шахслар ҳамда Карбало воқеаси билан боғлиқ ривоятларни асар композициясига олиб киради. Бироқ, ижодкор воқеаликни асар сюжетига ўз ҳолича олиб кирмайди, балки, ўз услуби, эътиқоди, дунёқарашидан келиб чиқиб, исломий панд-насиҳат, ибратли ҳикоялар, ривоятларни, халқона услубда фольклор унсурлари билан қўшган ҳолда белгилайди ва бу орқали асар сюжетини бойитиб боради. Асар композициясида, асосан, баён усули етакчи хусусиятга эга бўлиб, ҳикоятлар, панд-насиҳатли сўзлар эса ижодкор тилидан бериб борилади.

“Мусибатномаи туркий” алоҳида бобларга ажратилмаган бўлса-да, лекин, воқеалар мантиғи ва боғланишига қараб дастлабки воқеаларни уч қисмга бўлиш мумкин:

Биринчи қисм муқаддима бўлиб, унда Иброҳим (а.с) ҳаётига оид воқеалар, унинг авлодлари ҳақида битилган қисқача маълумотдан иборат. Ижодкор Иброҳим (а.с) ва унинг фарзанди Исмоил (а.с) ҳаёти билан

боғлиқ қизиқарли ривоятларни Муҳаммад (а.с) ва унинг фарзанди Исмоил (а.с) ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли ривоятларни Муҳаммад (а.с) насабларини келтиришга хизмат қилдиради ва тўғридан-тўғри воқеаларни Муҳаммад (а.с) воқеаларига боғлаб кетади. Масалан, асарда Муҳаммад (а.с)нинг боболари Абдулло ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ибн Абдулманноф эканлиги, Абдулманнофдан икки ўғил бир-бирига ёпишиб туғилиши, ўртасидан қилич билан ажратилиши, бирига Ҳошим, бирига Уммия деб ном қўйилиши, улғайгач, ҳукумат талашиб, ўртасида хусумат пайдо бўлиши каби воқеалар баён этилади. Бу воқеаларнинг қисқача баёни орқали фожеликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири кўрсатиб ўтилган. Таъкидлаш лозимки, муаллиф Иброҳим (а.с) шажаралари ва уни Муҳаммад (а.с) насабларига бориб боғланиши каби ҳолатларни беришда араб халқ қиссаларидаги маълумотлардан фойдаланган ва асар сюжетини мазмунан бойитган. Кейинги воқеалар тўғридан-тўғри ровий ривоятлари орқали Муҳаммад (а.с)нинг туғилишлари билан боғлиқ воқеаларга уланиб кетади.

Иккинчи қисм Муҳаммад (а.с), саҳобалар ҳаёти ва улар халифалиги билан боғлиқ воқеалар баёни. Муҳаммад (а.с) ва саҳобалар халифалиги билан боғлиқ воқеалар асарнинг катта қисмини ташкил этади. Воқеалар “ровий айтдики” (“ровий” – “қиссахон” деган маънони билдиради), “ривоят қилибдурларки” каби анъанавий жумлалар билан баён этилади, “алқисса”, “эрс” каби сўзлар орқали воқеалар бир-бирига уланади. Муаллиф Муҳаммад (а.с) ҳаётини ёритишда диний манбалардаги маълумотлар, ёзма ижоддаги ҳамда халқ орасида мавжуд пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлардан унумли фойдаланади ва уларнинг бир қисмини имомзодалар фажеасини жонли лавҳаларда тасвирлаш мақсадида асар сюжетига олиб киради. Айтиш лозимки, асардаги ҳикоятлар Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асаридаги баъзи ҳикоятлар билан ҳамоҳанг ёки айнан такрор дейиш мумкин. Чунончи, бу хусусда, Муҳаммад (а.с)нинг туғилишларидан то Хадича онага уйланишларигача бўлган воқеаларни айтиш мумкин.

Шунингдек, муаллиф пайғамбар, саҳобалар воқеаларини баён этишда «тўғри чизиқли» ҳаракатдан ташқари, воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатувчи орқага қайтиш усулини қўллаб, янги-янги воқеаларни асарга киритиб боради. Бу ҳолни кўпроқ қизиқарли ҳикоялар, насиҳатомуз сўзларнинг воқеалар давомида бериб борилиши билан изоҳлаш мумкин. Айтиш лозимки, ҳикоятлар ровийлар тилидан баён этилса, насиҳатомуз сўзлар муаллиф томонидан ҳикоя қилинади. Муаллиф ҳикояларни, асосан, имом Ҳусайн фажеасини очишга хизмат қилдиради. Бинобарин, Муҳаммад (а.с) ҳаётининг Қуръон оятлари, тарихий манбалардаги маълумотлар ҳамда Жаброил фаришта билан боғлиқ қизиқарли ҳикоятлар орқали баён этилишида, албатта, келажакда Карбало воқеаларининг рўй беришига ишора қилиб ўтиш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланади. Бу икки ҳолатда, яъни, биринчидан, Ийд байрами куни имомзодалар янги кийими йўқлигидан нолиб, боболари Муҳаммад (а.с) хузурларига келишлари ва Жаброил фаришта орқали жаннатдан икки тўн келтирилиши, рангни танланишига қараб шаҳзодалар тақдиридан башорат қилиниши билан боғлиқ ривоят бўлса, иккинчи сабаб Язиднинг туғилиши билан боғлиқ ривоятнинг баёни

орқали очиб берилган. Кўринадики, муаллиф Муҳаммад (а.с) томонидан башорат қилиш йўли билан имом Ҳасан ва имом Ҳусайн фожеаларини очиб берса, саҳобалар халифалиги воқеаларида, фожеаликнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Умар (р.а) халифалик давридан бошлаб воқеалар ривожланиб, имом Ҳасан халифалик даврига келиб, воқеалар кенг тус ола бошлайди.

Учинчи қисм бевосита имом Ҳасан ва имом Ҳусайн халифалиги ҳамда Карбало воқеалари баёнидан иборат. Бу воқеалар асарнинг энг таъсирчан, кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Барча воқеалар асосий воқеаларга келиб бирлашади ва имом Ҳусайн фожеасини очишга хизмат қилдиради. Асосий воқеалар баёнида қаҳрамон қилмиши, ҳаракатларининг сабабини изоҳлаш мақсадида ровий ривоятлари орқали янги-янги воқеалар асар сюжетига қўшилиб боради. Мисол учун, имом Ҳусайнни ўлдирган Шимр қиёфаси туш орқали Муҳаммад (а.с) томонидан очиб берилади. Деярли асарда туш орқали воқеаларни олдиндан аён қилиб бериш ҳолати кўп учрайди. Айниқса, кўп ҳолларда қаҳрамонлар ўлими яқинлашганда туш орқали аён қилинади. Бу кўпроқ диний мазмундаги асарлар табиатига хос хусусиятлардан бири дейиш мумкин.

Шунингдек, муаллиф асосий воқеалар баёнида воқеаликни янада жонли тасвирлаш, имом Ҳусайн фожеасини ёрқинроқ кўрсатиш мақсадида, шеърий марсияларни ҳам киритиб боради. Марсиялар кўпроқ имом Ҳусайн фожеаси муносабати билан айтилади. Таъкидлаш лозимки, Карбалодаги жанг воқеалари бутун тафсилоти билан кенг ёритилмасда, лекин, ҳикоят ёки ривоят орқали бутун фожеаликни тўлигинча очиб беришга ҳаракат қилинган.

Араб халқ қиссаларида келтирилган Шимр ибн Зиёд ўлимини Муҳаммад (а.с.) томонидан олдиндан башорат қилиниши, яъни, уни қиёматгача абадий ташналикда бўлишини таъкидлашлари асар сюжетида ўзига хос услубда олиб кирилган. Хусусан, бу асарда қуйидагича баён этилади: “Ровийлар андоғ ривоят қилибдурларки, Шимр лаъинни Олтоху таолло ит суратида қилди. Фаришталар амуди оташ бирла урур эрдилар. Унга ўт ёпишди, ул қочди. Айтурларки, ул ит шаклида қиёматгача кечаю кундуз ором ололмай сарсон, тили оғзига сигмагай. Ташналик анча голиб келгай. Шом билан Карбало аросида гирён на нолон бўлиб, югуриб юргай... Ноумид бўлиб, бир қатра сув ичмай ёнгай. То қиёматгача анинг иши шундоқ бўлгай” (68-бет). Мазкур ривоят имом Ҳусайн шаҳид бўлганидан сўнг ижодкор томонидан воқеалар давомида келтириб ўтилади.

Жанг воқеалари асарнинг катта қисмини ташкил этади ва улар уч дostonга ажратилиб ҳикоя қилинади:

Биринчи дoston: Карбалода хаворижийлар Имомнинг муборак бошларини кесиб, найзанинг учига илиб, аҳли байтларини асир қилиб, шаҳарма-шаҳар олиб юрганларининг баёни;

Иккинчи дoston: Язиднинг ўн минг кофир билан Торухни Шерозга юборганининг баёни;

Учинчи дoston: Шимр малъуннинг ўн минг кофир билан Шери Солукнинг устига борганининг баёни.

Дostonлар доирасида ҳикоя қилинаётган воқеалар, асосан, имом Ҳусайн фожеасини тўлдиришга хизмат қилган. Ҳар бир дoston доирасида

баён этилаётган воқеалар “бу сўз бунда турсин” каби тугалланма ва “энди сўзни бундан эшитсак” каби бошланмалар билан давом эттирилади. Бунда ҳикоя қилинаётган воқеалар тўхтатилиб, орқага қайтиш усулидан фойдаланилади. Яъни, аввал ҳикоя қилинган воқеалар баёни орқали кейинги воқеалар тўлдириб борилади. Насрий баён таркибида йигирма еттита турли ҳажмдаги форсча шеърӣй парчалар ҳам учрайди.

Шундай қилиб, “Мусибатномаи туркий” асари композиция жиҳатидан характерли хусусиятга эга. Бу ҳол сюжетнинг чуқурлашуви, воқеликнинг изоҳлаб берилиши ва китобхонда ихлоснинг юзага келишига туртки беради. Асарнинг композицияси унинг ўқишли ва ўқишли бўлишига олиб келган.



ШАРҚ ҲИКМАТЛАРИДАН

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН
ҲИКОЯТЛАРИДАН

Насихат

Бир бия ва унинг боласи дарёдан сув ичаётганди. Отбоқар бошқа отларни ҳам ҳуштак чалиб сув ичишига ундади. Ҳуштак овозидан тойчоқ чўчиб, атрофга қўрқув билан аланглай бошлади.

Бия:

— Болажоним, нега сув ичмаяпсан? — деди.


Тойчоқ:

— Ҳуштак овозидан қўрқиб кетдим. Отбоқарнинг ҳуштак чалишидан жуда-жуда қўрқаман!

Бия боласининг ҳолини кўриб:

— Сен чўчима, чанқоғингни бос! Дунё шундай яратилган. Агар ҳозир энгилиб, сув ичмасанг кейин қаттиқ пушаймон бўласан, — деди.

*Туркчадан Раъно ҲАКИМЖОНОВА
таржимаси*



Чинора Эргашева,
тадқиқотчи

МУСИҚИЙ НАЗИРА ХУСУСИДА

Ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча жабҳалари маълум анъаналарга таянади ва шу асосда ривожланади. Бадиий анъаналарга ижодий ёндошув эса, ўз навбатида, янгиликларни ҳам юзага келтиради. Бу икки ҳол, яъни, анъана ва янгилик аслида, санъатда узвий бирликда бўлиб, турли кўринишларда зуҳур топади. Бунга, хусусан, қонун-бадиҳа, инвариант-вариант бадиий ҳодисаларни мисол келтириш мумкин.

Ворислик йўли билан асрлар давомида устоздан шогирдга мерос тарзида ўтиб келаётган муסיқий қадриятлар муайян тарихий шароитлар кесимида турлича кўриниш касб этиши мумкин. Бу жараёнда аввалдан таниш бўлган сифатлар билан бирга, кўпроқ ўзгача томонлар ҳам замондошлар эътиборини ўзига тортади. Ижодкорнинг муқим анъаналар доирасида бадиий маҳорат кўрсата билиши эса, табиий ҳолда, яъни, имкониятларни юзага келтириши, “таниш” шаклу шамойилнинг янги қирраларини очиб беришга хизмат қилиши мумкин. Зеро, илғор анъана янгиликни мустасно этмайди, балки ҳар бир давр, замонга мувофиқ янгилик учун бир замин, “туртки” бўлиб хизмат қилади. Албатта, анъана ва янгиликнинг муштарақликда намоён бўлиши учун санъаткордан юксак бадиий маҳорат ҳам талаб қилинади.

Барча санъат турларида бўлгани каби мумтоз муסיқа тараққиёти ҳам маълум анъаналар ривожини билан шартлангандир. Ана шундай “пойдевор” анъаналардан бирини назирачилик асослари ташкил этади. Зеро, мумтоз адабиётда кенг маълум назира ҳодисаси муסיқий ижодиётда ҳам ўзига хос кўринишларда қўлланиб келинади.

Назира — ўтган давр ёки замондош салафлар асарига ўхшатма, “жавоб” тариқасида яратилган, лекин бадиий жихатдан янги асардир. Шарқ ижодкорлигининг муқим асосини ташкил этган назирачилик анъаналари кўп асрлик тарихга эгадир.

Бу ҳолат санъат жабҳаларида қарор топган “устоз-шогирд” таълим тизимида ўзига хос инъикосини топди. Бу хусусда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” номли рисолаларида келтирилган ушбу мушоҳадалар ибратлидир:

“Билгилким, ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмагай. Дерларким, киши агар кашфу қаромат мартабасига етса ва ундан ажойиб мўъжизалар содир бўлса ҳам, агар унинг мақбул раҳнамо устози бўлмаса, иши бирор натижа бермайди ва арзимас бўлади, яъни:

*Кимниким устои йўқ, ҳам ишин бунёди йўқ,
Маъни йўлида ғарибдир, кимниким устои йўқ.*

Ҳар ким иши асосли бўлишини ўйласа, энг аввал комил инсон этагини тутиб, унга қўл берсин... Устознинг зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмасдан кишининг меҳнати самара бермайди. Кимки, устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг этагини тутиб шод бўл, бир муддат устодга хизмат қилгинда, сўнгра унга устод бўл”. Бу ўринда яна бир муҳим ҳолатни рисоладаги шогирдлар одобида кўраимиз: “Шогирд ўз устозининг санъатига эргашсин ва унга тақлид қилсин”.

Мазкур мушоҳадалар мусиқа соҳасига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, шу боисдан шогирдлар ўз устозининг санъатига эришишга, унга тақлид қилишга интиланлар. Қолаверса, бу жараёни ижодкорликнинг дастлабки босқичи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бу борада сўз юритиб, мусиқашунос Оқилхон Иброҳимов шундай фикрни баён этади: “Эргашувчиларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлиб етишавермасаларда, бироқ ўзлари учун зарур маънавият жабҳасини эгаллайдилар. Фақат алоҳида истеъдод, салоҳият ва фазилат соҳибларигина бу жараёнда ўзликни теран англашга ва шу тариқа санъатдаги бетакрор услубларни кашф этишга эришадилар”. Бу ўринда эса, уларнинг назирчилик бадиий аъёнларини чуқур ўзлаштирганликлари ҳам кўзда тутилган.

Аёнки, мусиқа ижодиётида қадимдан маълум қонун-қоидалар мавжуд бўлиб, бастакорлар шуларга риоя қилган ҳолда, янги асар тузишга киришганлар. Мумтоз адабиётда назира йўсинига таянган ижодкорлар маълум бир ёзувчининг асарига ижодий ёндошиб, мавзунини бойитиш ва ривожлантириш, янги муаммо ва ғояларни кўрсатиш, янги тимсол ва характерлар яратиш йўлидан борадилар.

Мусиқий назирчилик ҳам маълум қирралари билан мумтоз адабиётда қарор топган аъёнларга ўхшаш бўлса-да, лекин у ўзига хос алоҳида жиҳатларга ҳам эгадир.

Мусиқий назирчилик масалалари И.Ражабов, Т.Визго, Т.Ғофурбеков, О.Иброҳимов каби санъатшуносларнинг тадқиқотларида бир қадар ёритиб берилган.

Жумладан, Т.Визгонинг “Мақомлар масаласини ўрганишга доир” номли мақоласида назирчилик аъёнлари нафақат мусиқа ижодкорлигида, балки илмий рисолалар яратилишида ҳам маълум ўринга эга бўлганлиги эътироф этилган.

Масалан, Форобий ва Ибн Сино қадимги юнон назариётчиларига таянган ҳолда иш тутган бўлсалар, Шерозий, Урмавий ва Жомийлар илми мусиқийда Форобий ва Ибн Сино мусиқа таълимотларига асосланиб рисолалар ёзганлар. Аммо ҳар бир олим ўз кузатувлари ҳамда мулоҳазаларини рисолаларига киритиб, мусиқа илми соҳасини янаям тўлдиришга интилган. Бу ҳолни Т. Визго атоқли олим Е.Э.Бертельс фикрига таяниб, умумшарқ эстетикаси, қолаверса, одоби билан ҳам изоҳлайди: “Шарқда боболар қандай йўл тутган бўлсалар, набиралар ҳам шу алфозда иш кўрадилар”.

Мусиқашунос олим Оқилхон Иброҳимовнинг фикрига кўра, ўрта аср (XIII-XVII)ларда кенг қўлланилган ўн икки мақом тизими мусиқа ижодкорлиги борасида назирачиликнинг муҳим манбаи сифатида намоён бўлган. Бунда ҳар бир бастакор шу тизим таркибидан ўрин олган 12 мақом, 6 овоз ва 24 шўъбалардан турли шакллардаги мусиқа асарлари ижод қилиш имконига эга бўлган. Бунга ёзма манбалардан кўплаб далиллар келтириш мумкин. Чунончи, Дарвиш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи”даги қуйидаги фикрлар эътиборлидир: “Мавлоно Зайнулобиддин Румий ҳақида. Унинг ажойиб учта пешрави бор. Улардан бири Ҳусайний мақоми оҳанглирида, иккинчиси Сақили ироқ оҳанглирида, учинчи пешрав ҳам Ҳусайний мақоми оҳанглирида тузилган”.

Назирачилик анъанаси Ўн икки мақом асосида шаклланган Шашмақом тизимида ҳам катта аҳамият касб этиб келди.

Бу борадаги батафсил маълумотларни Исҳоқ Ражабов ўзининг “Мақомлар” китобида келтирган. Мақомшунос олимнинг таъкидлашича, Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўбалари (Савт ва Мўғулча) биринчи гуруҳ шўбаларига (Наср ва Сараҳбор) “назира” тарзида яратилган. Шунга кўра, Савтлар биринчи гуруҳ шўбаларидан талқин ва Наср шўбаларига, Мўғулчалар эса (Сараҳбор) ашула йўллариининг куй мавзулари ва уларнинг ривожланиш шакллари асосида ишланганлиги назарда тутилади.

Кейинги даврларда Шашмақом шўбалари таъсирида турли воҳаларда жуда кўп куй ва ашула йўллари пайдо бўлган. Масалан, Тошкент ва Фарғона мусиқа туркумлари Шашмақом намуналарининг маълум вариантлари, яъни, назираси тарзида юзага келди. Бундай вариантларнинг юзага келишида бастакорларнинг хизматлари катта, албатта.

Назирачилик анъанаси халқ ижодиётида ҳам кузатилади. Буни масалан инвариант-вариант нисбатида кўриш мумкин. Маълумки, халқ ижодиётида куй оҳанглири сўз билан бирга ижод қилинади ва сўзга нисбатан маълум барқарорликни касб этади. Муайян бир айтимнинг куй-оҳанглири деярли ўзгармасдан тақрорланиб тургани ҳолда, унинг асосида куйланаётган шеърий тўртликлар ҳар гал янги мазмунларни баён қилиши мумкин. Шу билан бирга, халқ оғзаки мусиқа ижодида шундай куй-оҳанг “андоза”лари ҳам шаклланганки, улар шароит тақозоси билан боғлиқ равишда хотирада сақланади. Бундай андозалардан бирини Оқилхон Иброҳимов ўзининг “Ўзбек халқ мусиқаси ижоди” номли услубий қўлланмасида алоҳида кўрсатиб, уни куйи оқим ёки “ёр-ёр модели” ибораси тарзида ифодалайди.

Куйи оқим оҳанг тузилмаси, асосан, оилавий маросим билан боғлиқ айтимларда қўлланилади. унинг келиб чиқиш манбаси йиғи оҳанглари бўлиб, кичик терция диапазонидаги товушларининг III-II-I тартибида уюшиб келиши билан тавсифланади.

Шуниси эътиборлики, ушбу оҳанг андозаси халқ айтимларида турлича назира этилади. Ҳар бир ижрочи бирор куй андозасидан фойдаланаркан, унга ўз истеъдоди ва имкониятлари сирасида ёндошади. Бундай вазиятда оҳанг андозаси инвариант вазифасини бажаради.

Мисол тариқасида Тошкент ва Наманган “Ёр-ёр”ларини қиёслаш кифоядир. Халқимиз наздида қадрли ва бетакрор бу ҳар иккала айтим намунаси, аслида, бир оҳанг асосида ижод этилгандир.

“Ёр-ёр” айtimi оилавий маросимлар билан боғлиқ бўлиб, бундай намуналар никоҳ тўйларида келинни ота уйдан кўёвникига узатиб бориш жараёнида аёллар томонидан ижро этилади. Шунга ўхшаш ҳолатларни қарийб барча “Ёр-ёр” намуналарида кузатиш мумкин. Мазкур айтимлар турли ҳудудларга тегишли бўлиб, уларнинг шеърий матни, ритми ва куй тузилиши турлича бўлишига қарамай, умумий қирраларини қуйи оқимли оҳанг тузилмаси билан кўрсатиш мумкин. III-II-I тартибда уюшиб келган кичик терция диапазонидаги тузилмалар ҳар уччала айтимда ҳам вариант тарзида мавжуддир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Шарқ адабиёт тарихидан яхши маълум назира анъанаси ўзига хос тарзда ҳам халқ мусиқаси, ҳам мумтоз мусиқа ижодиётида кузатилади. Бунда халқ ижодиёти ва касбий мусиқадаги назиранинг фарқли томонлари маълум бўлади. Халқ мусиқасида оҳанг андозалари муҳим асос бўлган ҳолда, касбий мумтоз мусиқада куй тузилмалари ва уларнинг ривожланиш шакли шамоийллари назира учун юксак намуна бўлиб хизмат қилади. Унинг пойдевор асос ва анъаналари устоз-шогирд таҳсили билан боғлиқ ҳолда, мерос бўлиб, ривож топиб келмоқда.





Комил Аваз

СОЗ МАРТАБАСИ

Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаровни эслаб...

Ҳар бир касб ҳам фидойиликни, ихлосмандликни суяди. Ва, ҳар кимга касбни, ризқни яратганнинг ўзи ато этади. “Касбингдан барака топ”, дейилишида ҳикмат кўп экан, негаким, касбининг усталари ҳамиша эл ардоғида бўлади. Эл ҳурматлайдиган касблардан бири, шубҳасиз, созандаликдир. Хушовозлик, яхши чолғувчилик ҳали бу етук созанда дегани эмас. Устозларнинг кўп чиғиригидан ўтиб, ўз мухлисларига эга бўлгунча кўп сувлар оқиб, кўп қовун пишиқлари ортда қолади.

Устоз-шогирдлик мақоми қадимда жуда ҳурматланган. Бугунги кундаги айрим “юлдузчалар”нинг ёши сал каттароқ санъаткорга пинҳоний менсимаслик ила “устоз” дейишларига ўхшамаган, самимий эъзоз бор эди. Бу янглиғ қиёслаш замон ва давр тушунчалари билан эмас, балки техникавий ривож натижасида, кўшиқ айта билган ҳам, айта билмаган ҳам қудратли машиналар шамолида андак эсанкираб қолганликларидан бўлса, не ажаб.

Ушбу мўжаз битикни ўз касбидан барака топган, етук санъаткор Қувондиқ Искандаровга бағишлаганим боис, “устоз-шогирд” мақомига урғу бериш билан бошлашга жазм этдим. Биз Қувондиқ акани шогирдлик давриниям яхши биламиз. У чинакам маънодаги шогирд эди ва чинакам маънодаги устоз ҳам бўлди. 74 йил умр кўриб, Қувондиқ акадек ҳамиша санъаткорлар орасида ҳам, кўшиқ шинавандалари орасида ҳам бейик мартабада бўлишлик, на ботинан, на зоҳиран бирор салбий ўзгаришсиз яшаб ўтишлик, ҳамма санъаткорларгаям насиб этавермайдиган ноёб хислатдир. Қувондиқ ака санъаткор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ибрат намунаси эди. Албатта, бу янглиғ эъзозга эришмоқ ўз-ўзидан

бўлмайди, устозларнинг таълимлари, давраларнинг одоби, муомаласи ва, энг асосийси, созандалик санъатига бўлган юксак эҳтиром инъикосидур.

Камина Қувондиқ акани илк бор бундан роппа-роса ярим аср муқаддам, Тошкентда, талабалик давримда, устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов иштирокида ўтадиган концертларда кўрганман. Қомати тик, чеҳрасидан нур ёғилиб турган, забардаст йигит эди. Хоразмнинг Хазорасп лаҳжасига хос талаффузда гапириши, унинг қўшиқ оҳанглирида ҳам сезилиб турар, айниқса, “Суворий”ларнинг “Савти”ларини ўзига хос услубда куйлаб барчани қойил қолдирар эди.

Қувондиқ акани турли давраларда, йиғинларда, тўю маъракаларда кўрдим. Ҳамиша кулиб турувчи кўзларида хайрихоҳлик, ошнолик ришталарини маҳкамлашга интилиш шундай сезилиб турарди. Мудом одам ҳуш кайфиятда яшамайди, баъзан-баъзан ғамгин ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Ана шундай маҳзун чоғингизда эшигингиздан Қувондиқ ака кириб келади. У киши билан кучоқлашиб кўришганингиздаёқ, яйраб, ҳавас ва ҳайрат оламига шўнғиб кетганингизни билмай қоласиз. Дарров дўстлар йиғилади, ҳазилкашлик орасида бир саз бўлади дунёда йўқ.

*Саводи зулфини кўргач, юмор Огаҳий тун деб кўз,
Ўзига нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирга кун деб кўз,
Кўнгул ҳайратда қолмо кўрмас они не учун деб кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.*

Салдом билан айтилган “Суворий”нинг шиддатли оҳанглири хона деворларига урилиб, анча вақтгача жаранглаб туради. Ҳофизнинг ширали ноласидан мафтун бўлган биз даврадошлар у кишини ҳурматлаш учун айтишга жўяли сўз тополмаймиз. Қувондиқ ака камтарона бошини хиёл эгтанча, кўлидаги торига қараб ўтиради. Шунда мен аста исирик тўғрисида сўз қотаман. Хоразмда исирикни исванд, уруқни тухум, дейдилар. Нечанчи бор бу борада сўз юритган бўлсак ҳам Қувондиқ ака худди биринчи мартаба изоҳимизга қўшилаётгандай, чеҳралари ёришиб кетади. Қарангки, оғзимиздан олиб, дарҳол билимдонлик ила шарҳламайди. Лекин, шарҳлашга ҳаққиям бор, имкониёти ҳам етарли. Шерозий ота, Ҳожихон ака, Комилжон акалар даврасида бу ҳақда қанча гурунларга гувоҳ бўлмаган, дейсиз. Барибир, ўлтириш руҳига мос жилмайганча тинглайди ва ҳамма қатори ҳайратланади. Шу эмасми усталик, соддалик замиридаги улуглик?

Яна ишимизда ривож, яна ташналик барқ ура бошлайди. Ҳофиздан миннатдор бўламиз, у кишига баркамоллик тилаймиз. Қувондиқ акагаям дўстларнинг хайрихоҳлиги, хурмати, иззати керак.

Бундан ўн йиллар чамаси муқаддам Қувондиқ ака билан Марғилонда, улкан ҳофиз Маъмуржон Узоқов номидаги Республика миқёсидаги қўшиқ конкурсида учрашиб қолдик. Водийнинг меҳмондўстлиги ҳеч таърифга сизмайди. Марғилон марказидаги маҳобатли истироҳат боғида ўтаётган конкурс баҳона, узоқ-яқиндан йиғилган қўшиқ шинавандалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, чорпоярда кимлар

чой устида, кимлар ош устида гурунг қилишяпти. Биз марғилонлик курсдошимиз Муҳаммаджон ака ташкил этган дастурхонга Қувондиқ акани таклиф этдик. Қувондиқ ака мени бу ерларда учратаман деб ўйламаганми, хуллас, қувончи ичига сиғмай нуқул менга юзланиб, фақат икковимиз тушунадиган хазораспча: “асинг осинг”, дейди. Мен у кишидан баттар бирам қувонаман, бирам қувонаман ва, ўз навбатида, мен ҳам сўз ўйинини такрорлайман: “асинг осинг”. Айтилишида иккала “асинг” сўзи ҳам бир хил талаффуз қилинади. Яъни, “ундан кейин осинг”. Биз қачон кўришсак, ушбу сўз орқали яқинлигимизга ишора қилардик. Бу лутф – сўз ўйинидан бошқа нарса эмас, лекин, вилоятнинг бошқа туманларида бундай талаффузда айтилмайди. Ва, мен хазораспик эмасман, хиваликман. Балки, шунданми, қачон Қувондиқ акани кўрсам ё мен биринчи, ё у киши биринчи шу лутф айтилади. Албатта, биз марғилонлик дўстларга бу борада гап қилиб ўтирмадик, улар тушунмасалар-да, водийликларга хос биз билан баравар кулишдилар.

Давраимиз қизиб бораётган бир вақтда, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов шундоқ ёнимиздан конкурс бўлаётган сахна тарафга ўта бошлади. Мезбон дўстимиз у кишини дастурхонга таклиф этди. Хонанданинг назари Қувондиқ акага тушиши билан юзига шавқангиз табассум югурди. Дарҳол келиб биз билан кўришди-да, чорпоя ёнида ўнғайлироқ ўтириш учун ўриндиқ кўзлай бошлади. Мезбонлар дарҳол бир курси топиб келишди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мен Қувондиқ акага юзландим:

– Муқимийнинг юртидамиз, Хоразм билан юзлаштирадиган бир хониш қилсангиз... Партавнинг Муқимий ғазалига мухаммаси – “Бир манму”ни айтиб берсангиз кўп яхши иш бўлар эди.

Қувондиқ аканинг илк устози Ҳожихон ака уч кун дам олиб ётган бўлсаям қўшиқ айтиб беринг десангиз, сал чарчаб турибман дегувчи эди раҳматлик. Қувондиқ акаям шунга ўхшаш сўз айтди:

– Комилжон, бироз вақт бўлди қўшиқ айтмадим, овозим деганимни қилармикан...

Аслида, у киши кун кечаям қўшиқ айтган, бироқ, бирдан хўп деб қўлига торни олиш, албатта, сал ўнғайсиз бўлса керакки, бироз ён бермай турди.

– Ҳа, устоз, бир маза қилайлик, илтимос, – деди Маъмуржон ҳам.

Қувондиқ ака торни олиб, “уч қўлга” таранглаб тортди-да, шиддатли овоз билан “Бир манму”ни “Чапандози суворий”га қўйиб ўқиди:

*Нигоро, поймолинг ҳар дилу жон ўлди, бир манму,
Юзинг шавқида булбул зору нолон ўлди, бир манму,
Нигоринг садқаси чашми ғизолон ўлди, бир манму,
Асиринг чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир манму,
Кўриб оиналар ҳуснига ҳайрон ўлди, бир манму?*

Қўшиқ авжлаб бора берди. Ўрта авжида Маъмуржон ўрнидан туриб, Қувондиқ аканинг қўйлак чўнтагига пул тикди. Қувондиқ ака ўзига хос қиймириб, керакмас, дегандай бош ирғаганча баландлатиб бораверди:

*Мақоминг ҳусни авжи узра жоно жойи аълода,
Лабинг устида бежо нуқтаи бўлмиш омъда,
Юраклар рахна топғай рўбарўйинг бўлғон аснода,
Куяр жонлар на танҳо ишқинг ўтидин саҳрода,
Тушиб бошига яксар лола сўзон ўлди, бир манму?*

Маъмуржон кейинги авжидан сўнг Қувондиқ аканинг чўнтагига яна пул тикди. Бу пайтда, Қувондиқ ака қўшиқ билан яшар, бошқа нарсани сезмас эди. Ва, ниҳоят, охирги мисраларни шоири замонлар эътиқодига руҳан яқинлик мақомида қуйлади:

*Умиди васлатинг Партавға на хушким сипеҳри ғам,
Қўярсан нома ирсоли билан дил дардиға малҳам,
Қачон нўш айлагум васлинг шаробин ўйла жоми жам,
Жамолинг лаззатидан муждалар топған ҳарифлар ҳам,
Кечиб ойлар Муқимий Янгиқўрғон ўлди, бир манму?*

Ва, бирдан баланд пардада Партавнинг “Жоним, севикли ёрим” газалини улаб кетди:

*Ёғду солиб жаҳона кўз нури мазҳарисан,
Дилбарлик осмонини хуршиди ховарисан,
Билмам, қаю садафнинг қимматли гавҳарисан,
Даҳр ичра йўқ назиринг ё хур, ё парисан,
Жоним, севикли ёрим, барно чаман узорим.*

Биз ўтирган чорпоя атрофида одамлар йиғила бошлади. Маъмуржон хушқоллик ила хушмазун жимликни бузиб, Қувондиқ аканинг баланд авжига қойил қолганиданми, аста сўради:

– Устоз, неча ёшга кирдингиз?

– Бироз ерга бориб қолди, – деди Қувондиқ ака андак қувлик ила йигитлардай йитти қараб.

– Илоҳим, бизга ҳам сизнинг ёшингизда шундай авж билан қуйлаш насиб айласин! Бир дуо қилинг, устоз!

Маъмуржоннинг дилдан айтган илтижосини инобатга олиб, Қувондиқ ака дарҳол дуога қўл очди.

– Омин! Илоҳо, касбингиздан барака топинг! Ижодингиз бундан-да баландлайверсин! Ҳақ ва ҳалқ назаридан қолмагайсиз! Оллоҳу акбар!

Барчамиз хушнуд бўлдик ва дил-дилимиздан Қувондиқ акага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тиладик. У киши узоқ йиллар Ўзбекистон Давлат консерваториясида дарс бериб, катта йиғинларда қўшиқ айтиб юрдилар. Эл ардоғидаги беназир ҳофиз – Қувондиқ аканинг умри, қуйлаган қўшиқлари умри каби боқийдур.



Ўрозбой Абдурахмонов

ҲАЖВИЯЛАР

ТУГИЛГАН КУН

Онам мени туғаётиб, тақримга қарамаган экан-да, бўлмаса келиб-келиб, 13 декабрь куни туғиламанми! Аттанг-а, аттанг!

Ҳар йили аҳвол шу денг. Одамлар қувониб-чарақлаб, тантаналар билан туғилган кунини нишонлайди, мен эса бу борада нуқул кулгига қолиб юраман. Нега шунақа экан-а?

— Ҳой кўччим'ов! Сени идорамиздаги паст-баландни тушунадиган болами деб юрсам... Сенга нима бўлди? Йил тугаяпти, режани бажаришимиз шарт, сен бўлсанг туғилган кун, туғилган кун дейсан. Нима йилни яқунламай туриб, ановманов майда-чуйдага овора бўлиб қолишимиз яхшими?



Таниқли қорақалпоқ адиби, публицисти, жамоат арбоби Ўрозбой Абдурахмонов номини ўзбек ўқувчилари кўндан бери яхши билишади. Утган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб ёзган ҳикоялари, қиссалари, публицистик мақолалари тўғайли шижоатли қалам соҳиби, довурак журналист, ростгўй ва мурасасиз ҳажвчи сифатида танилди. Уша йиллардаги ижоди, хусусан “Бўсага” романи борасидаги мунозаралар чўғи ҳозиргача пасайгани йўқ десак, хато бўлмас.

Адиб ҳамон ижод қучоғида: кейинги даврда ўнлаб долзарб мавзудаги асари қоғозга тушди, кўпгина халқаро йиғинларда иштирок қилиб келади, ҳаётий тажрибалари ошди, туғма қобилияти янада тўхислашди. Ҳажв тифини ҳаётда учрайдиган турли хил иллатларга қарши қаратавериб, оз эмас-кўп эмас олтмиш ёшга тўлганини ҳам сезмай қолибди!

Журналимиз жамоаси ҳамда ўқувчиларимиз номидан Ўрозбой Абдурахмоновни қутлуғ ёши билан табриклар жанмиз, унга ижодингиздан барака, қаламингиздан жасорат аримасин деб қоламиз!

Тахририят

Бу — бошлиғимизнинг гапи. Ҳозиргина Тоймасовнинг олдига кириб чиқдим. Шундай-шундай-шундай дедим. Бормасангиз бўлмади, қутлуг дамларимда, ёр-дўстларнинг ўртасида ... У охиригача эшитмай портлаб кетди!

— Сени хўроз йигит деб юрсам, нақ сумалакнинг ўзи экансан! Нима, сен туғилган-туғилмаганда дунёда битта сувбурун кам бўлади дебмидинг?!

Мана, мен сенга ўхшаганлар хулоса чиқариб олсин деб шундай қарор чиқардим, тингла! “Декабрь ойида корхонамиздаги барча ишчи ҳодимларга туғилган кунни, юбилейни нишонлаш, тўй-маърака ўтказиш ман қилинсин! Ҳеч ким уйланмасин турмушга чиқмасин. Биронта одам оғримасин, вафот қилмасин!” Тушундингми?! Ҳаммаси кейинги ойда, йил якунланиб, йиллик режа бажарилганидан сўнг бўлади! Тамом-вассалом!

Мен ўксиниб ташқарига чиқдим. Тоймасов ростдан ҳам шундай буйруқ чиқарганми, йиллик режанинг бажарилишига шунчалик жиддий қарайдими ёки мени шунчаки кўз учун койиб қўя қолдими? Шуни тушунолмай роса сарсон кесак-овора кесак бўлдим.

Аслида, бошлиғимизни яхши одам деб биламан. Нима демоқчилигини иягининг қимирлашидан тушунса бўлади. Жуда фаросатли, икки гапирмайдиган, хушомадни кўтармайдиган, кенг феълли одам. Керак жойида бақирадиям, яхши гап билан койийдиям. Сўкишлари, бақиринишлари баримизга мойдай ёқади. Ол энди, кулиб, илиқчиroy билан гап бошладим — куним битди деявер! Кулиб туриб жонингни олади, оёғингдан чалади. Кулиб гапирганидан худо сақласин. Бақариб гапирадими — охири хайрли тугайди. Шунда...бутунги гапларини қай маънода тушунсам экан?

Корхонамиз режани бажаришга яқин қолганди. Ўтган ҳафтада Тоймасов юкли аёллар билан бирма-бир гаплашганини эшитган эдим. Шу-шу гап, янги йил ўтиб, йиллик режа бажарилмагунча туғиш йўқ, деб шарт қўйибди. Кейин қоровул чолни чақирибди деган гап чиқди — “пенсияни тўхтатинг, янги йил ўтсин, режа бажарилсин, йил оёқлаб қолганида кетаманни йиғиштиринг!” деган эмиш! Яна бир гап чиқди — котиба қизнинг тўйини ҳам кейинроққа сурибди, режа бажарилиши олдидан ўйин-кулгунинг нима кераги бор эмиш... Янги йилгача ҳеч ким ҳеч нарсани ўйламасин, ҳеч ким ҳеч нарсани таклиф қилмасин, ҳамма фақат йиллик режани бажариш билан банд бўлсин! Янги йил ўтса белгиланган режалар бажарилса, кейин майли, у ёғини ўйлаб кўрамиз...

Ҳамма шунга кўниб, янги йилнинг ўтишини кутиб юрган эди, фаррош келинчакларнинг бири охираат босиб туғиб қўйиб шартни бузди ва Тоймасовдан ҳамма танбеҳ эшитди. Ана, келин бечоранинг эри ҳар куни эрталаб келиб, ўзи хоналарни супириб-артиб юрибди энди. Ахир Тоймасов, “кинога ҳам, концертга ҳам борилмасин!” деб буйруқ чиқариб қўйибди-ю!..

Бошлиғимизнинг бояги бақаришидан кейин менинг кўнглим ҳалигача жойига тушмади — нима бу, ҳазилми ё рост? Билмадим.

Анча вақт ўйланиб юрдим. Туғилган кунни торгина қилиб, оилавий даврада нишонлаб қўя қолдим-у, аммо кейин яна қовун туширдим. Воқеа бундай бўлди.

Янги йил арафасида эрталаб универмаг яқинидан чиройли гулдаста сотиб олдим, йўл-йўлакай атир харид қилдим-да, устидан сепдим. Ҳиди гуркираб кетдим дент-да. Оҳ-оҳ-оҳ! Шундай қилиб майда-чуйда совғаларни кўтариб Тоймасов хонасига бордим бостириб!

— Ассалому алайкум, оға! — дедим ўзим ҳам гулдай очилиб. — Сизни эшик қоқиб келиб қолган янги йил билан чин дилдан табриклайман! Бола-чақангизга, оилангизга омонлик... — Бемалол сайрай бошлаган эдим, сўзим оғзимда қолди.

— Аҳмоқ экансан-ку, эй, аҳмоқ экансан-ку! Билиб туриб шунақа қиялпанми-а?! Мени масхара қилиш учун, бир отим носвойдай ақлингни

¹ Кўччим — кўчқорим дегани, ёши кичик йигитларга айтилади.

сарфлаб, шуни ўйлаб топдингми, а? Ўнмағур аҳмоқ-а, барини билиб-туриб шундай қиляпсан... – деб Тоймасов устимга бостириб кела бошлади. Кўрқиб қалтираганимдан кўлимдаги совғалар ерга тушиб, ҳар томонга сочилиб кетди.

– Эртага қайси кун? – деди у муштини иягимга тираб.

– Бир, бир... ян... январь! – дедим тутлиғиб.

– Биринчи январь қанақа кун?

– Янг...янг... янги йил бай... бай...

– Мана сенга янги йил! Айтдим-ку, била-кўра шундай қиласан, сен аҳмоқ! Эй сўқир! Эълонни кўрмадингми?!

Ўлай агар, гул кўтариб, совға-салом кўтариб келаверибман-у, даҳлизда осиглиқ турган “Табриклаймиз!” деган деворий газетага қарамабман...

– Бундан буёғи ёдингда турсин! Биринчи январь янги йил бошланадиган кун эмас, биринчи январь – менинг туғилган куним! Тушундингми!? Эртага ҳаммани уйимда кутаман. Сенга ўхшаганлар ҳам совғалар билан уйга бориб мени табриклашади! Йил якунланмагунича ҳеч ким ҳеч нарсага пул сарфламасин, байрамлару туғилган кунлар нишонланмасин деган сўзимнинг маъносини тушундингми энди? Ҳаммаси менинг туғилган куним ўтгандан кейин бўлади!

– Туш... туш... тушундим, оға! Ҳаммаси сизнинг айтганингиздек бўлади, оға!

Аста тисарилар эканман, оғзимдан нотўғри гап чиқиб кетганини билмай қолдим:

– Унда янги йил байрами қачон келади?

– Янги йил озгина кутиб туради. Махсус қарор чиқариб, уни ўн кун нарига сурдим-ку, ахир! Аввал менинг туғилган куним нишонлансин, ундан кейин янги йилни нишонлайсиз, тўй қиласизми, туғиласизми – ўзларинг биласанлар! Қани энди, марш! Кўзимдан йўқол! Эртага бунақа майда-чуйда совға-салом қилиб юрма-да, каттароғидан олиб ё қуруғидан кўтариб уйга бор, тушундингми, каллаварам?!

Эҳ аттанг, нега опам мени тақвимга бир қараб олиб туғмади экан? Эҳ тақвимда нега “Тоймасовнинг туғилган куни” деб ёзиб қўймаган экан-а, нега?

Энди менга бари бир – янги йил келадими-кетадими, ишим йўқ! Бошлиқ туғилган кунни унутмасам кифоя, хор бўлмайман!

ТУШЛИК

Бир хонада учовлонмиз. Тўрдаги катта стол атрофида ўтирган одам – салгина қимирласа бетлари шалвираб тушадигандай семиз Кўлбой оға бош ҳисобчимиз. У энкая олмайди, шунинг учун ҳам столнинг устини худди мактабдаги ўриндиқдай қиялатиб ишлатиб олган. Ўзидан бошқа одам ўтириши маҳол. Кўлбой оға ҳеч кимни йўлатмайди ҳам. Қани, кимдир яқин борсин-чи, нақ...

Унинг бу томонидаги менга яқинроқ стол эгаси – Пирмон оға бош ҳисобчи ўринбосари. Узун бўйли, ориқ одам. Унинг Кўлбой оғага кўл қўйдириш учун қоғоз узатиб эгилиб турганини кўрганимда ҳар гал худонинг одам яратишидаги санъаткорона маҳоратига қойил қоламан. Нима десам экан, то имзо ундиргунча худди хон саройидаги ходим-хизматчидай жилва қилиб, тегишли жойга кўзи билан ишора бериб, илжайиб туришини кўрсангиз, сиз ҳам менга ўхшаб ўйлаган бўлар эдингиз.

Ҳа, айтгандай, мен оддий ҳисобчиман, институтни энди битириб келдим, дипломимга ҳали икки-уч одам назари тушмаган. Шунинг учун ҳам пойгоҳдаги манови омонатгина стол билан майшайиб турган стул меники, шу ўринга ўтириб-қўниб, иш ўрганиб ётибмиз. Ҳисоб-китобни қийиб юборганим билан ҳали бу корхонанинг ҳужжатларига тишим ўтавермайди.

Мана, ҳар кунгидек тушлик вақти яқинлаб келди. Буни энг аввало Кўлбой оғанинг столга суяниб, уҳ тортганча тикланаётганидан биламиз. У олдидаги папкани Пирмонга узатади:

— Иним, мени обрўли бир хонадон меҳмонга чақирган эди, шунга бориб келмасам бўлмас. Сен шу папкадаги ҳужжатларни ҳисоб-китоб қилиб, тушликка сал кечикиброқ чиқарсан. Хўп бўлмаса, мен кетдим, сал кечиксам кутиб турарсизлар...

Кўлбой оға қорнини зўрға кўтариб, талпанлаганча эшикдан чиқади.

Шу заҳоти Пирмон қилпиллаб ёнимга келади-да, кўлидаги папкани менга узатади:

— Ол, иним, менинг аҳволим ўзингга тушунарли. Хотин шифохонада. Тушлик пайтида бориб хабар олиб келмасам, бошқа вақт кўл тегмайди. Сен бугун тушликка сал кечикиб чиқарсан. Манови жониворларни бир ҳисоб-китоб қилиб ташла. Сенинг ёшингга бизлар ишлаб тўймасдик. Тушликни ҳам йўл бўйи дегандай... Ол, нима, гайрат қил энди.

У ҳам кетади.

Ҳар куни шу аҳвол. Икки ҳамхонам гумдон бўлади-ю, хонада битта ўзим сўппайиб қоламан. Биласиз, ёлғиз ўтирган одам ҳаёл суришга мойил бўлади, нима балолар келмайди дейсиз ёлғиз одам миясига? Ўзимча ўйланаман: Кўлбой оға бугун қаерда тушлик қилар экан? Обрўли ер, обрўли хонадон дегани битта одамни ҳар куни меҳмонга чақираверадими? Гап шундаки, Кўлбой оға ҳалигидай гулдираш баҳонасида асли ўзининг обрўсини кўтармоқчи бўлади. Бизларга, фалончи одам мени уйига чақирди дейди-ю, ўзи пана-пастқамларгами, худо билсин қаерларга кириб кетади. У уйида камдан-кам ҳолларда овқатланади. Зиқналигини эса ҳамма билади. “Бош ҳисобчи — тош ҳисобчи” деган лақабиям бор. Амалдор бўлгандан кейин, юрмайсанми тўкилиб-сочилиб, бизга ўхшаган иничаклар қорнини тўйдириб?

Пирмон ҳам зиқналикда Кўлбой оғадан қолишмайди. Бироқ сал бошқача йўл тутаяди. Ҳозир тушунтираман. Бояги гапи, яъни хотинининг касалхонада даволанаётгани — ёлғон. Ҳа, фирт ёлғон. Бу гапга Пирмонни кўрмай юриб-юриб, тўсатдан учратган одамгина ишониши мумкин.

Тавба, келганимдан бери шу сафсатани такрорлайди. Авваллари ишониб юрдим, рост бўлса керак дедим. Сўнг-сўнг шубҳалана бошладим, ахир, хотин дегани ҳадеб касалхонада ётаверадими, деб сўраб-суриштирдим. Қачонгача бетоб бўлади? Ҳар қандай доктор бир дардни охири ё уёқлик, ё буёқлик қилади-да... Суриштирсам... Пирмоннинг хотини ҳақиқатан ҳам шифохонада экан, бироқ касал эмас, балки ошпаз бўлиб ишлар экан! Пир акам ортидан бориб, бепул овқатланиб қайтар экан! Ундай бўлса нега бунчалар ориқ-дирдов дерсиз? Ориқ бўлади-да. Ахир, бировнинг насибаси бошқа бировга юқадими? Юқмайди! Хуллас, Пирмон ҳам уйдан туз тотмайди. Эшитишимга қараганда, хотини ишга бормай қолса тушликда носвой отиб олиб, ишхонада кунини кеч қилади...

Шундай қилиб, мана, бугунги тушлик ҳам ўтиб бораётир. Мен ит итга буюрди қабилда ташлаб кетилган папкадаги ҳужжатларни саранжонлаб қўйдим. Айтгандай, бировлар юмушини эплабман-у, аммо ўзим неча кундан бери тушлик қилмаганимни ҳеч ўйламабман — овқатланмаганимга неча кун бўлди ўзи? Ҳар қанча бош қотирсам-да, эслолмадим. Сабабини билиб турибсиз — доим бемаврид менга кўшимча вазифа юклатилади. Қанча азоб ютганимдан хонани тарк этиб, чала-чулпа тамадди қилиб олишим мумкин, холос. Аслида Кўлбой оға ҳам, Пирмон оға ҳам кўча одами, на кўлида бор “ҳисобчи” деган қаттиқ қоғози, на калласида... Ҳа, майли, бу ёғига ўтмай қолай. Буни қорхона аҳли ҳам, бошлиғимиз ҳам яхши билади. Масалан, Кўлбой оға пул тўловлари ҳужжатларини карра жадвалига қараб ўтириб тузатади. Пирмон эса ўтган ҳафта мақтаниб айтган бир гапига ҳамма кулавериб, ичкалари узилаёзди. Нима эмиш, бешинчи синфдаги боламнинг уйга вазифасини чиқара олмадим, қурмагурдан бир норкалла чиқади-ёв эмиш. Ахир, ўзинг зўрға тўртинчинини битирган бўлсанг, бешинчи синф масаласига қаёқдан тишинг ўтсин!

Ана шунақа! Тушлик вақти ҳам ўтиб бўлди. Энди тамадди қилишга жўнасам, Кўлбой оға “иш вақтида қаёққа борасан?” деб пишиллади. Не бўлса-

да, чидайин. Юрагим озиб, күз ўнгимда шифт чир-параққос айлана бошлади. Дераза рахида турган пиёлага сув қуйиб ичганимни биламан, стулга етиб келолмай, ҳушимдан кетибман...

Кўзимни очсам, тўрсайган юзлари селкиллаб Кўлбой оға юзимга сув сепаётган экан. Нейлон кўйлагининг олди ҳўлланиб, қорнига қарай сув из солибди. Гоҳ менга, гоҳ Кўлбой оғага энкайиб Пирмон оға йиғлагудай аҳволда турибди. Қўлидаги рўмолчаси билан баъзан кўзининг ёшини артади, баъзан менинг юзим-бурнимни артиб, елпийдими-ей...

— Иним-ов, кўзингни очдингми? Қўрқитиб юбординг-ку, — деди Пирмон оға.

Мен аста тиклана бошладим.

— Нима бўлди, иничак, тушликка чиқмовмидинг? — деди Кўлбой оға кўлидаги графинни Пирмонга тутқазиб, газета билан юзимни елпир экан.

— Йўқ, манави ишларни улгурай деб...

— Нима иш?

Мен сочилиб ётган папкага ишора қилдим. Кўлбой оға Пирмонга олайиб қаради.

— Ёш йигит-ку дебман, дамда ҳисоблаб ташлайди дебман, — ўзини оқлай бошлади Пирмон оға.

— Бу энди такрорланмасин! Иним, сен вақтида овқатлан. Сен ҳали ёшсан, келажагинг бор, ҳали катта-катта ишларда ишлайсан, шунинг учун доимо қорнинг тўйиб юрсин, яхшими?

Мен ўтирган ўрнимда бош силкиб маъқулладим.

— Эрталабки насибангни ўзинг е, тушликни дўстинг билан бахам кўр, кечки овқатингни душманинга бер — кимларнинг мақоли эди бу? — Кўлбой оға Пирмонга қаради.

— Арабларники, араб... — деб ҳозиржавоблик қилди Пирмон оға.

— Халқ дегани доно-ку! — деди Кўлбой оға.

— Халқнинг обрўйини ўзингизга ўхшаган йигитлар орқалайди, оға! — деб бидиллади Пирмон. — Нақл дегани бизнинг қорақалпоқда ҳам оз эмас. Қора сув қора гўрга элтади деган доно сўзимиз бор...

— Э, ўлимни гапирма-е!

— Қайғусиз қора сувга семирар...

— Бўлди дедим-е! Манави қарчиғайдай боланинг бошига нима қайғу тушиб турибди, шуни ўйласанг-чи! Уйланмаган йигит, кўлидаги юмушни қўймай, яна бировларнинг ишини деб тушликка чиқмай, ўртада думалаб ётса... Яхшиямки ўзим келиб қолдим.

— Дуруст айтасиз, оға! Ҳали бу уйланиши керак. Бола-чақанинг қизигига тушмаган йигит ўртада ётмаслиги керак. Оға, ўзингиз ҳам озгина сув ичиб юборинг. Қўрқиб кетгандирсиз... Сизнинг соғлигингиз, энг асосийси. Энди тушликдан келсангиз-у, бу ётган бўлса... Ўзига келтиролмай мен бўзлаб турган бўлсам... Яхшиям келиб қолдингиз, оға. Сизнинг соғлигингиз бизга керак, оға! Қийқ, қийқ...

Пирмон қийқиллаб кулиб юборди. Унга Кўлбой оға қўшилди. Кўлбой оға кулганда, оғзи дўнғалакланиб, ўх-ўх деган сас чиқди, холос.

